

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА  
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ  
БОБУР ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

АБДУМАЖИД МАДРАИМОВ

**ТЕМУРИЙ ВА БОБУРИЙЛАР  
ДАВРИ МАДАНИЯТИ, КИТОБАТ  
ВА РАНГТАСВИР САНЪАТИ  
ТАРИХИГА ЧИЗГИЛАР**

(1973 - 1990 йилларда ёзилган рисола, мақола, тақриз ва ахборотлар)

УЎК: 94:008(575.1)75.03  
63.3(5Ў) -7

М14

Мадранимов, Абдулмажид

Темурий ва Бобурийлар даври маданияти, китобат ва рангтасвир санъати тарихига чизгилар:  
1974-1991 йилларда ёзилган рисола, макола, тақриз ва ахборотлар.

Мадранимов А.: Ўзбекистон Балий Академияси, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Бобур халқаро жамоат фонди. – Тошкент: “Санъат” журнали нашриёти, 2015. – 495б.

Ушбу тўпламга тарих фанлари доктори, профессор Абдулмажид Мадранимовнинг асосан 1973 - 1990 йиллар давомида ўзбек ва рус тилларида Темурий ва Бобурийлар даври маданияти, китобат ва рангтасвир санъатига оид «Санъат», «Шарк юлдузи», «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» ва «Фан ва турмуш» каби журнал ҳамда «Янги ёлдорликлар» (Москва, рус тилида) номли бир йилда бир чоп этилган тўпламдаги мақолалари, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» ва бошқа газеталар саҳифаларида чоп этилган мақола, тақриз ва ахборотлар жамланган. Унга мавзу жиҳатидан яқин бўлган учун номзодлик диссертация авторферати, уч рисола матни ҳам кўшиш лозим топилди.

Китоб шартли тўрт қисмдан иборат. 1 қисмга ўзбек тилидаги рисола, макола, тақриз ва ахборотлар киритилди; 2 қисмдан рус тилида чоп этилган макола, тезис, тақриз ва ахборотлар ўрин олди; 3 қисмда «Захириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси» (Тошкент, 2014)да чоп этилган ва 4 қисмда эса Бобур, «Бобурнома»га доир мақола ва талкиётлар жамланган.

Албатта, аксарият мақолаларда, ўша давр руҳи маълум даражада сақланиб қолган бўлиб, уларга кескин ўзгаришлар киритилмади. Асосий материаллар хронологик -- йиллар тартибида joyлаштирилди. Илова расмлар чоп этилган матнни тушунишга ёрдам беради.

Китоб Темурий ва Бобурийлар даври маданияти, китобат ва рангтасвир санъати билан қизиқувчилар учун муҳажалланган бўлиб, ундан кўпгина сифатида фойдаланиш мумкин.

### Мазъул муҳаррир ва сўз боши муаллифи:

Акмаг Нурлинов – Ўзбекистон Балий Академияси расми. Ўзбекистон Халқ  
рассоми, академик

### Илмий муҳаррир:

Дилором Юсупова – тарих фанлари доктори

### Тақризчилар:

Эдвард Ртвелазе – Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академик,  
тарих фанлари доктори, профессор

Савдулла Абдуллаев – Ўзбекистон Балий Академияси академик, профессор

Сандбек Хасанов – филология фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА Алишер  
Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи директори

Шоносир Муродов – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, А.Хўжаев  
номли Республика дизайн коллежи директори

Тўплам Ўзбекистон Балий Академияси Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик  
ва дизайн институти илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (2015 йил 5 майда  
ўтказилган 9-сонли мажлиси баёни)

УЎК: 94:008(575.1)75.03

63.3(5Ў) -7

© “San’at” журнали нашриёти

© Абдулмажид Мадранимов

ISBN 978-9943-388-73-4

Ўзбекистон муस्ताқиллигининг 25,

Захириддин Бобур таваллудининг 533 ва

Камолитдин Бехзод таваллудининг

560 йиллигига бағишланади

### СЎЗ БОШИ

Темурийлар ва Бобурийлар даври маданияти ва санъати нафақат Шарк оламида,  
балки бутун дунё тарихида ҳам алоҳида ўрин тутди. Чунки бу даврда Шарқда, аynикса  
Мовароуннахр ва Хиндистонда маданият ва санъат, илм-фан юксак даражада равнақ  
топти. Айни шу даврда мансуб маҳобатли мезморий обидалар, ноёб китобат ва рангтасвир  
санъати намуналари хозиргача бутун жаҳон халқларини хайратга солиб келади.

Абдулмажид Мадранимов – Темурийлар ва Бобурийлар даври китобат ва рангтасвир  
санъатининг чинакам муҳлиси, ихлосманди. У бир неча ўн йиллардан бери бу йўналишда  
илмий изланишлар олиб боради. Унинг матбуотда чоп қилинган мақолалари аниқ  
далиллarga асосланиши билан диққатни ўзига жалб этади. Муаллиф ўз мақолаларинда  
кўхна Шарк маданияти, ундаги нафис мўъжаз миниатюра, гўзал рангтасвир санъати ноёб  
намуналарининг кўпчилигига маълум бўлмаган қирраларини очиб беради. У тақдим этган  
ноёб суратлар Темурийлар ва Бобурийлар даврида маданият ва тасвирий санъат юксак  
даражада ривожланганини, ажлодларимизнинг балий-эстетик дили фойт бағанда  
бўганини намоён этиб, бизни беҳуд қувонтиради.

Хорижий давлатларнинг йirik кутубхона ва нуфузли музейларида сақланётган  
мазкур ноёб санъат дурдоналарини излаб топиш учун эса олдин санъат ихлосманди  
бўлишининг ўзи камлик қилади. Бунинг учун киши узок йиллар давомида астойдил илмий  
изланиши, санъатта чин дилдан меҳр кўйиши ва энг муҳими, ундаги гўзалликни хис  
қилиши, бошқаларни ҳам нафосат намуналари билан таништиришдан чинакамига  
завқланиши керак. Китобга жамланган мақола ҳамда суратлар муаллифда ана шу  
фазилятлар мужассамлигидан далолат беради.

Акмаг Нурлинов

Ўзбекистон Балий Академияси расми,

Ўзбекистон халқ рассоми, академик

## МУҚАДДИМА

Мен, Абдумажид Мадримов, 1973 йилдан бошлаб, газета ва журнал, илмий тўпламларда «Бобуронома» расмлари, Темурий ва Бобурийлар даври маданияти, китобатни ва рангасавир санъатига оид мақолаларни эълон қилиб келар эдим. Уларнинг бир қисмини 1984 йили ўзинча муқовалатиб, китоб сифатида йиғиб қўйган эдим.

2000 йили Алишер Ибромов, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлик қилувчи комиссиясининг масъул котиби, бу материалларни тасодифан кўриб қолди, танишиб, алоҳида китоб ҳолида чоп қилишни таклиф қилган эди. Аммо, у замонда бу ишга вақт бўлмади, чунки уч жиллик «Шарк минiatorлар» (2000-2004 йиллар) номли инглиз тилидаги каталогни нашрга тайёрлаш устида ишгаётган эдим.

Мана энди бу китобни тайёрлаш вақти келган кўринади.

Тўпلامга киритилган мақолалар шартли тўрт қисмдан иборат:

1 қисм - ўзбек тилида чоп этилган мақола, тақриз, ақборот, номзодлик диссертацияси автореферати ва унга рисоладан иборат. Уларда маълум даражада ўша давр руҳи ақс этган бўлиб, баъзиларида қайтарилар ҳам бор. Уларга кескин ўзгартиришлар киритилмади.

2 қисм - рус тилидаги газета, журнал ва илмий тўпламлардаги мақолалардан иборат. Улар мавзу жиҳатидан ўзбек тилидаги мақолаларни маълум даражада тўлдирди, қайтарди, айримлари эса таржимадан иборат.

3 қисм - "Захириддин Мухаммад Бобур энциклопедияси" (2014)да чоп этилган мақолалар матни берилди.

4 қисмда эса Бобур ва "Бобуронома"га доир илмий тадқиқот ва мақолалар чоп этилди.

Мен 1970-1977 йиллари Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг<sup>1</sup> Алишер Навоий номли Давлат адабиёт музейи аспирантурасида ўқидим ва илмий ходим сифатида фаолият кўрсатдим. Бу даврда 1976-1977 йиллари устозим профессор Хамид Сулаймон (1910-1979), мен ва фотограф В.Кюнер Хиндистоннинг энг йирик Деҳли, Калкутта, Мумбаи, Алвар, Рампур, Лакхнау, Патна, Хайдаробод, Мадраас каби шаҳарлар музей ва кутубхоналаридаги ёзма ёдгорлик ва минiatorна намуналарини кидириб, ўрганиб ва 29 ёзма ёдгорлик шу жумладан XV аср ўзбек шоири Саид Қосимийнинг дostonлари, Хофиз Хоразмийнинг «Девони», Байрамхон ва Комрон шеърларидан тузилган «Девон», «Захирани Хоразмшохий» асари кўлёмаси микрофильмлари, Низомий Ганжавий «Хамса», Амир Хусрав Деҳлавий, Саъдий Шерозий асарлари, «Бобуронома» форсий кўлёмаларининг кўлиб ноёб минiatorлар рангга слайдларини Тошкентта олиб келган эдик. Айни ана шу археографик компанияровка пайтида Янги Деҳлидаги Миллий музейда сақланган «Бобуронома» нинг энг кўп расмли кўлёмаси ва Алвар Давлат музейидаги ноёб расмли кўлёмаси билан танишиб, уларни ўрганиш имконига эга бўлган эдим. Патна шаҳридаги Худобахш кутубхонасида эса «Тарихи хондони Тимурива» номли асарнинг ноёб кўлёмаси ва расмлари билан танишдим.

Ушбу тўпلامни нашрга тайёрлаш жараёнида мени илм йўлига олиб кирган устозим профессор Хамид Сулаймон (1917-1979) ва унинг фидойи фаолияти, Бобур ва Бобурушносликка қўлган хиссаси, Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи директори, филология фанлари доктори, профессор С.Хасанов, санъатшунослик фанлари номзодлари Ш.Камбарова, З.Раҳимова ва менинг илмий йўналишимни белгилаб бергани, академик Сабоҳат Азимжонова (1923-2001)нинг «Бобурунинг «хинд» девони» (1966, рус тилида) китобига масъул муҳаррир бўлгани, «Бобуронома» расмларининг Англиядаги Британия музейи (OR.3714 рақами) кўлёмаси слайдларини олиб келиб, катта (96та расмли) ва кичик альбомлар (32та расмли) ни 1969, 1970 йиллари ва кейин ҳам қайта - қайта нашр этганини эсладим. Бундан ташқари устоз бир неча марта Хиндистон музейи ва кутубхоналарида

археографик экспедицияларни улоштирди. Натижда «Амир Хусрав Деҳлавий асарларига ишланган расмлар» (1983), «Низомий Ганжавийнинг «Хамса» асарига ишланган расмлар» (1985) альбомлари, мен ва ёзувчи Н.Норматов тўплаган «Шарк минiatorна мактаблари» тўплами (1989)да Хиндистондан олиб келинган минiatorлардан ҳам фойдаланилди.

Профессор музей ёш ходимларини Россия маданий марказлари Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларида илмий компанияровкага жўнатиб, у ердаги машхур кутубхоналардан ўзбек маданияти тарихи, Бобур, Бобурийларга оид китоб ва тадқиқотлардан микрофильмлар олиб келишни ташқиқ қилган (Қаранг: «Нодир микрофильмлар»).

Менинг музейдаги илмий изланишларимни захматқаш олим, филология фанлари доктори Мухаммаджон Ҳакимов доимо қузатиб, амалий маслаҳатлар бериб келганини минiatorчилик билан эслайман.

1978 - 2003 йиллари ўзр ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида таъмирчи, лаборатория мудир, кичик илмий ходим, илмий ходим ва катта илмий ходим сифатида ишладим<sup>2</sup>. Бу даргоҳда номзодлик ва докторлик диссертацияларимни илмий ходим сифатида ишладим. Бу даргоҳда мен академиклар Сабоҳат Азимжонова, Буриной Аҳмедов (1924-2002), Музаффар Хайруллаев, Убайдулла Қаримов (1920-1997), Павел Булгаков, Мубин Баратов (1933-2005), фан докторлари Ассонддин Ҳриббоев (1929-2009), Дилором Юсупова, Маъмур Хасанов, шарк таботети билимдони, арабшунос олим, филология фанлари номзоди Хамидулла Хикматуллаев (1929-1994), камтарин инсон, библиограф, истеъдодли хаттоғ, ноёб китобшунос отам Абдулла Носиров каби ақойиб шахслардан кўп нарсаларни ўргандим. Менинг хёт йўлида яна бир йирик Бобурушнос профессор Хамидулла Хасанов (1919-1985) учраган бўлиб, у «Фан ва турмуш» журналдаги илк мақолаларимдан бирини таҳририят аъзоси сифатида маъқуллаган эди.

Бутун умрини Бобурушносликка бағишлаган академик С.Азимжонова менинг номзодлик диссертациям авторефератини диққат билан ўқиб чиқиб, тақриз ёзган ва расмий хикоятда шахсан иштирок этиб, ишимага ижобий фикр билдириб, сўзга чиққан эди. Ота хозирда филология фанлари доктори бўлган Р.Иномхожаевга илмий раҳбарлик қилиб, уки Хиндистондаги туркий ва форсий тили шoirлар хэти ва ижолини ўргатишга йўналтирган эди.

Мен педагог сифатида 1999 йилдан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети Тарих факультети «Манбашунослик ва тарих ўқитиш методикаси» кафедрасида аввал катта ўқитувчи, 2002 йилдан доцент лавозимида, 2004 йил 20 апрелдан 2009 йил март ойигача профессор лавозимини бажарувчи, 2010 йил 14 декабридан профессор ўриндош сифатида ишлаб келмоқдаман.

Шунингдек, 2005-2007 йиллари Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университети Фалсафа факультети «Маънавият асослари ва диншунослик» кафедрасида ўриндошлик асосида профессор лавозимини бажарувчи, 2007 йил августидан 2009 йил март ойигача доцент лавозимини ишладим.

Матбуотда чоп этилган мақолаларим кейинча номзодлик ва докторлик диссертацияларим учун асос бўлиб хизмат қилган. «XVI аср охири - XVII аср бошлари тарихий асарларга ишланган Хиндистон минiatorлари» («Бобуронома» минiatorларари) мавзудаги номзодлик диссертациямга (1979) Америка Қушма штатлари пойтахти Вашингтон шаҳридаги Фирр санъат галереясида 1980 йили хат келган эди. У даврдаги сиёсий шароит таъқозосига кўра ҳамкорлик қилиш имкони бўлмаган. Менинг номзодлик ишимни ўша давр йирик санъатшунослари академик Б.В.Веймарн, санъатшунослик фанлари доктори, профессор С.И.Тюляев ва академик Г.А.Пугаченкова маъқуллаб, қўллаб - қувватлаган эди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси - бундан кейин ўзр ФА

<sup>2</sup> Институт Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 8 июлидаги Қарорига асосан Абу Райхон Беруний номидаги Шарк кўлёмалари Марказига айлантирилди. Бундан сўнг ШКМ ёки рус тилида ЦВР сифатида эсепланади.

«XV-XVI аср Марказий Осиё китобат тарихи манбалари» («Алишер Навоий асарлари кўләмлари») мавзудаги докторлик диссертациямни филология фанлари доктори, профессор, йirik навойшуннос олим Абдуқодир Хайитметов (1926-2005)

«Навоийшунносликка қўшилган хисса», - деб жуда юкори баҳолаган эди. Чунки, унда XV аср 2- ярми ва XVI асрда яратилган 208 та ноёб кўләма зийнатлари, хати ва уларга ишланган нафис мўъжиз расмлари махсус тадқиқ этилган эди.


2003 йилдан бошлаб менинг фаолиятим Ўзбекистон Бадиий Академияси билан боғлиқ бўлиб, аввал Камолдин Бехзод мемориал боғ - музейи директори (2011 йилгача), 2010 йилдан бошлаб Ўзбекистон Бадиий Академияси Бош илмий котиби лавозимида ишлаб келмоқдам.

Ўзбекистон Бадиий Академияси Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримовнинг 1997 йил 23 январдаги Фармонида биноян ташкил этилган ўзига хос ҳам талғим, ҳам ижодкорларни бир жойга жамлаган йirik бадиий марказ бўлиб, бугунги кунда жуда катта ташкилий ва маърифий ишларни амалга оширмоқда.

Мустақиллик шарофати туфайли ташкил этилган Бобур халқаро жамоат фонди ташаббуси билан «Захриддин Мухаммад Бобур энциклопедияси» устида иш бошланган вақтда, аввалги «Бобурнома» расмларига оид тадқиқотларимни қайта кўриб чиқишимга тўри келди ва анчагина илмий янгиликларга дуч келдим. Натижادا, «Бобурнома» расмлари ва уларни яратган rassomлар тўғрисида янгидан мақолалар ёздим ва ҳаммасини энциклопедияга киритмоқчи эдим. Энциклопедия масъул муҳаррири, профессор А.Аъзамов мен тўнлаган материалларни кўриб чиқиб, улар санъатшунослик нуқтан-назаридан жуда муҳим илмий қийматта эга эканлиги, ammo комус умумий характерга эга бўлгани учун «Бобурнома» кўләма, расм ва rassomлари тўғрисидаги маълумотларни аноҳида китоб сифатида чоп қилишни тавсия қилди. Шунинг учун комусга қирмай қолган мақола ва тадқиқотларини ушбу тўпламга киритдим.

Ушбу тўплам кўләмасини ўқиб чиқиб, унга ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирган масъул муҳаррир, Ўзбекистон Бадиий академия раиси, Ўзбекистон халқ rassomи Акмал Нуриддинов, илмий муҳаррир, тарих фанлари доктори Дилором Юсупова, тақризчилар академик, профессор Савдулла Абдуллаев, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги, тарих фанлари доктори, профессор Эдвард Рывалдзэ, Алишер Навоий ноҳиядаги Давлат адабиёт музейи директори, филология фанлари доктори, профессор Саидбек Хасанов, «Санъат» журнаги бош муҳаррири, санъатшунослик фанлари доктори Дилфаруз Кодирова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган эшлар мураббийи, А.Хўжаев номидаги Республика дизайн коллежи директори Шоносир Муродов, Бобур халқаро жамоат фонди раиси, геология фанлари номзоди Эскиржон Машрабов, Камолдин Бехзод номидаги Миллий rassomлик ва дизайн институти ректори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган эшлар мураббийи Хасан Аминов, илмий ишлар бўйича проректор, филология фанлари номзоди Гулабза Каршиева, «Давстожли рангтаъсир» кафедраси муdiri Эшмамат Хайтов, «Иқтисомий фанлар» кафедраси муdiri Дилфуза Жуманиёзова, устозлар тарих фанлари доктори, профессор Кутлугъжон Иноятлов, доцент Рахмонали Хасановга ўзининг самимий миннатдорчилигини изҳор этаман. Китобни ўқувчиларга хавола этишдан аввал отам, Абдурахим Мадраимов (1900-1984), онам Бусора (Биби Сора) Мадраимова (Холматова 1903-1961), кайнотам Обоқул Эгамов (1917-1997), мени илмга қизиқтирган акам, химия фанлари номзоди Абдумуталиб Мадраимовни (1931-2003) хотирлаб, кўп йиллардан бери менинг илмий фаолиятимга хайрхоҳ бўлган турмуш ўртоғим Зебо Мадраимова, нашр ишларига амалий ёрдам берган шогирдим, доцент Нафиса Гипманова, фотограф-дизайнер Илдар Гарифулин, фарзандларим, филология фанлари номзоди Хиндот Мадраимов, Аскаррий Мадраимов, қизим Шамсируй Тўрахожаевага раҳмат айтишни ўз бурчим деб биламан.


Ўзбекистон Бадиий Академияси Бош илмий котиби,  
тарих фанлари доктори, профессор Абдумажид Мадраимов




1. Алишер Навоий бугае шогирдар орасида.  
Камолдин Бехзод ва Қосим Али асари. Харит. 1485 й.




2. Садрасантдаги Бибихоним маскани кўрганнинг.  
Кўнм расм. Чан томони. Кавоимизини Бекзор.




3. Садрасантдаги Бибихоним маскани кўрганнинг.  
Кўнм расм. Ҳан томони. Кавоимизини Бекзор.



4. Күш жауапка: Ботуһиова фопеца тапкыласта Б. М. 2 а. н.  
Хатоту: Мухаммад Хусейн Каманпуш.



5. Күш жауапка: Үнә күрәвәтә. Б. М. 1 б. н.  
Хатоту: Мухаммад Хусейн Каманпуш.



## І ҚИСМ

### ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ РИСОЛА, МАКОЛА, ТАҚРИЗ ВА АХБОРОТЛАР

*Бобомиз Захриддин Мухаммад Бобур номи билан  
хар қачна фарғаналик арзиди. Ўзбек халқининг  
доғруғини дунёга тарқатган буюк аждодларимиздан бири  
ўтароқ, уя зот бизни ўлмас тарихимизни қадрига  
кездикка буюк ишонч билан қаринга ўрғатиди.*

*И.Қаримов*

#### ЗАХИРИДДИН БОБУР

Туғилган кунга 490 йил тўғаниш муносабати билан  
асраяр она

Ўзбек адабиётининг ушқан наомонадаларидан бири Захриддин Мухаммад Бобурдир. У ўзининг сал қам эдик йиллик ҳаёти давомида йирик олим, шойр, ҳатот ва давлат арбоби сифатида жаҳонга танилди.

Бобур 1483 йили фарғона вилоятининг пойтахти Андижон шаҳрида туғилди. Унинг отаси Умар Шайх Мирзо фарғона вилоятининг ҳолими бўлиб, онаси Кутлуг Нигор Бегим тошкентлик Юнусхоннинг қизи бўлган. Бобур 12 ёшлиғида отаси фожиаги вафот этган. Отасининг ўлимидан кейин Андижон бекаври уни фарғона вилояти ҳокими қиёнб кўтардилар.

XV аср охирида, Марказий Осиёда махаллий ҳукмронларнинг ўзаро қурани аёни қизилан пайғда ёш Бобурнинг давлат тарафига келиши уни давр оғеий ҳаётда флот илтироз этишга аажоур этди. Ун йилдан ортик бўлиб ўтган ғўхтовсиз жанглар ҳамда Мовароуннаҳрнинг Мухаммад Шайбонийхон томонидан эгаллаб олиниши Бобурни ўз Ватанини таншлаб, Афғонистонга йўл олишга мажбур этди.

Афғонистон ҳудудида бобур гўхминан 20 йил яшаб ижод этти ва у ерда ўзининг нолир исрарарини яратди.

Бобур ҳаётининг сўнгги йиллари Хиндистонда ўтди. У 1530 йили 47 ёшига Агра шаҳрида вафот этди.

Қисқа ва воқеаларга бой ҳаёти давомида Бобур қатор илмий ва бадиий асарлар яратди. XVI аср тарихини Мирза Мухаммад Хайлар Бобурни Алишер Навоийдан кейинги муноз ўзбек адабиётининг энг йирик вақили деб ётган.

Бобур мероси «Бобуринома», «Мубаййиш», «Мухтасар» («Аруз рисолаеси»), шеърини девонлар ва Хожа Ахрорнинг «Воиладия» рисолаесиши форе тилдан ўзбекчига қилган таржимасишан иборат. Шулингдек, у ҳатотлик санъати билан ҳам махусе нуғуданган. Бу борда алоҳида ҳат тури ва алифбо хисобланган «Ҳатти Бобурий»ни қишф этган.

Тарихчиларнинг қайд этиши ва Бобурнинг ўзи айтишича, у мусика ва харобий назарияга онд рисолалар ҳам яратган, аммо булар ҳозирча бизга маълум эмас.

Ўз ижодида Бобур бевоСИта Алишер Навоий аьналаларини давом эттириб, унинг илтор ғовларини тартиб этди. Ўзбек адабиётини тарихида Бобурнинг ёшлик, дустлик, долот, ҳаёт ва Ватан ҳақидаги шеърлари алоҳида ажралиб туради.

Бобур асарлари Марказий Осиё, Афғонистон ва Хиндистон халқлари тарихи, географияси, адабиёти, санъати ва маданиятини ўрганувчилар учун муҳим манба ва мумтоз ўзбек адабий тилининг ноёб намунасидир.

Хозирги кунда Бобурнинг асарлари ўнлаб тилларда кенг китобхоналар оммаси томонидан севиб ўқилмоқда, унинг газаллари кўшиқларга айланган.

### Шоир шох асари хақида

“Бу битилганлардин фараз шикоят эмас, рост хикояттурким, битибтурмен. Мастур бўлгонлардин максуд ўзининг таърифи эмас, баёни воқеъи бу эдиким, тахрир этибтурмен. Чун бу тарихда андоқ илтизом килипибтурким, хар сўзининг ростини битилгай ва хар ишнинг баёни воқеъини тахрир этилгай. Ложарам ини-огадин хар яхшилик ва ёмонлигим шоеъ эди, тахрир килдим ва кариндош ва бетонадин хар айб ва хунарким баёни воқеъ эди, тахрир айладим. Укутувчи мавзур тутсин, эшитувчи тааруз макомидин ўтсин” (“Б.”(1960), 151 бет).

### Бобур Мирзо насихати

“Хар кимдин яхши коида колгон бўлса анинг бида амал килмок керак: агар ота ямон иш килгон бўлса, яхши иш бида бадал килмок керак” (“Б.”(1960), 143 бет).

### Бобур тўғрисидаги фикрлар

«Бобур нозик дид сохиби, уйғонши даврининг тиник хукмдори, мард ва тадбиркор инсон бўлган. У санъатни, адабиётни севадди, ҳаётдан хузур килишни яхши кўрарди».

Жавоҳардлаб НЕРУ,

Хиндистоннинг атоқли давлат арабои

«Биз Осиёдаги хукмдорлар орасида Бобур сингари истевдолди ва махоратли килишларни камдан-кам учратамиз. Ички ақлий фаолияти, ҳушчақчақ ва вақминлиги, бевафо тақдирнинг найрангларига қарамай, руҳининг тетиклиги, олижаноб хукмдорларга хос саҳийлиги, мардлиги, истевдоллиги, фанга, санъатга мухаббати, улар билан муваффақиятли шугулланиши жиҳатидан олиб қараганда, Осиёда Бобурга тенг келадиган бирорта ҳам подшоҳ топилмайдир».

В.ЭРСКИН, инглиз шарқшунос олимни,

«Бобурнома» таржимони,

Бобур ва Хумон тарихи бўйича алоҳида тадқиқот муаллифи

«Бобур олижаноб шахс ва буюк жангчи бўлган. У асл инсонга хос барча фазилатларни эгаллаган. Агар вақт ва шароитнинг хилма-хиллиги назарда тулсақ, Бобур лашкарбоши, матмур ва адабиётчи сифатида Цезарь билан бир каторда туришга арзийди. Инсонийлиги жиҳатидан олганда эса, Бобур Цезарга нисбатан сеvimлидир».

Эдуард ХОЛДЕН,

инглиз шарқшунос олимни, XIX аср

«Улуғ Бобур хотиралар ёзгани сизларга маълум. Бу борада у назмий насрда қалам тебратган эди. Бу китоб биз билан сезнинг маънавий меросиниздир. Асар ўзбекистондаги қаби бизда ҳам гоёт қадрланади. Хиндистоннинг баъзи рассомлари, жумладан, Бобурнинг чевараси ушбу китобга расмлар чиздирган. Хозирда ажойиб кўлёманинг бир нуسخаси Москвада сақланмоқда. Уни бутун дунёдаги энг ажойиб санъат асари деса бўлади. Биз дунёдаги энг гўзал асарлардан бирини ўзбекистон ва Хиндистон ўртасида бахам кўрамыз».

Мулк Раж АНАНД, таниқли хинд ёзувчиси,  
XX аср

«Бобурийлар давлатининг машхур асосчиси Захриддин Мухаммад Бобур буюк даҳо эди. У араб, форс ва туркий тилларни мукамал биларди. Унинг хотираларидан иборат «Бобурнома» унга «Автобиографиялар кироли» нисбасини берилишига сабаб бўлди. Шунингдек, Бобурни Хиндистондаги Бобурийлар сарой кутубхонаси асосчиси деб ҳам аташ мумкин».

ЮСУФ К.М., хинд олимни

«Бобур Марказий Осиё ва Хиндистон ўртасидаги алоқадир».

Дейн Пул СТЕНДЛ, инглиз олимни,  
Бобур тўғрисидаги алоҳида тадқиқот муаллифи

«... Бобур, Улуғбек Самарқандда тутгандек йўл тутди. Ўзини фақат хукмрон шох дебгина эмас, балки инсон, мамлакатни идора қилишга жавобгар шахс деб билди... Унинг ажойиб фазилатлари Акбардан бошланган буюк империясида бир умрга ўз изини қолдирди».

Харолд ЛЭМБ, Америка ёзувчиси,  
«Бобур – йўлбарс» номи романи муаллифи

### Миннатиюра санъатининг ёркин саҳифалари

Ўрта асрларда яратилган муҳим ёзма ёдгорликлар орасида «Бобурнома» алоҳида ажралиб туради. Захриддин Мухаммад Бобурнинг шох асари бўлмиш «Бобурнома» XVI асрда Хиндистондаги зեtilларнинг зытборини қозолди. Мазхур китоб ўша даврда ўзбекчадан форс - тожик тилига уч марта таржима қилинган. Энг муваффақиятли таржима атоқли сарқарда ва шоир Абдурахимхон қаламига мансуб эди.

Бобурнинг набираси Жалолиддин Мухаммад Акбарнинг шахсий фармонида бинван амалга оширилган Абдурахимхон қилган таржимаси юксак баҳоланади. Сарой кутубхонасида бу таржиманинг кўплаб кўлёмалари яратилиб, улар XVI асрнинг энг қўза куринган рассомлари томонидан зийнатланган. Хозирда бу мўътабар кўлёмалар жаҳоннинг турли мамлакатлари фондларида сақланмоқда. Ўша даврдан бизгача ўндан ортик миннатюрали кўлёмалар китоблар ёки улардан қолган айрим пароканда расмли варақлар етиб келган. Бундай кўлёмаларнинг энг юқори савияда зийнатлангани Британия музейида сақланади. Бу ноёб кўлёманинг варақлари беш юздан ортик бўлиб, ўндан бир юз ўн олти саҳифа мўъжаз нафис миннатюралар билан зийнатланган.



«Бобурнома»нинг бу нодир кўлэмаси яқин йилларгача факат баъзи бир мутахассисларга маълум эди, ҳоло:

Республикамизда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ҳамид Сулаймон ўзининг Англияга килган илмий сафаридида мазкур ноёб кўлэмга билан танишиб, унинг расмларидан нуҳа олишга муваффақ бўлди. Олим Тошкентга кайтганидан сўнг кўлэмга миннаторларини бир неча бор кагта алашди нашр эттирди. «Бобурнома»дан олинган 96 та миннаторга эса алоҳида альбом холида чоп этилди. «Бобурнома расмлари» деб номланган ушбу альбом Дейштилга бўлиб ўтган Халқаро китоб кўргазмасида кумуш медалига лойиқ топилди.

Альбом профессор Ҳамид Сулаймоннинг «Бобурийлар даври миннаторга санъати» мақоласи билан бошланган. Мақолада муаллиф республика ва чет эл олимларининг тадқиқотларига таянган ҳолда, Бобурийлар даври расомлик тараққиётини шарҳлайди. Альбомнинг кейинги саҳифаларида берилган кўрсаткичда XVI асрнинг кўзга кўринган киркжан ортик расомлари номи зикр этилган. Булар орасида Шанкар Гужаротий, Ромдас, Сонвала, Кеу, Фаррухбек, устод Мансур даврининг машҳур расомлари сифатида тилга олинган.

«Бобурнома»га миннаторга ишлаган расомларнинг ижтимоий келиб чиқиши ва эътиқоди хилма-хил бўлиб, маҳаллий халққа мансуб мусаввирлар кўпчилигики ташкил этган. Хиндистон расомларининг асарлари тўғрисида машҳур тарихчи, «Ақбарнома» китобининг муаллифи Абдулфазл Алломий шундай ёзди: «Буларнинг ижодлари тасаввурга сиғмайди. Бугун дунёда бу соҳада уларга тенг келадигани кам топилди».

Бобурийлар даврида Хиндистонда санъат ва адабиётга кагта эътибор берилган ва ижодкорларга бевосита ҳомийлик қилинганлиги ҳамда мамлакат сиёсий - иқтисодий жиҳатдан юксам тараққий этганлиги боис, бу ерда Марказий Осиё, Озарбайжон ва Эрондан ҳам ижодкорлар келиб, шу ерни ўзларига Ватан қилганлар. Марказий Осиёдан Хиндистонга келган Фаррухбек бу ерда қисқа вақт ичида кагта ишхатта эришди. У 1585 йилда Кобулда фаолниг олиб бориб, кейинчалик Акбар саройида хизмат қилиб, машҳурлик даражасини топган. Бобурнинг Кундузда опаси Хонзодабегим билан учрашуви тасвирланган миннаторга фаррухбек ижодида мансуб.

Хиндистоннинг бошқа ўлкаларидан келиб, Деҳлида ижод қилган маҳаллий расомлар кўпчилигики ташкил этган. Улардан Кеу, Жаганнатх, Сонвала ва Шанкар Гужаратдан, Нанди Гвалиёрий бўлган. Шунингдек Камбир, Лохурдан ҳам кўпгина ижодкорлар келишган. Турли ерлардан келган икки кагдан ортик расомлар тўғрисида Акбарнинг сарой ниторхонасида «Бобурнома»га мўъжаз суратлар ишлатида ҳамкорлик қилишган. Бу миннаторлар тўғрисида Абдулфазл Алломий шундай ёзди: «Уларни устод Бехзод ва жаҳонга машҳур Европа расомларининг дурдоналари билан бир кагторга қўйиш мумкин».

«Бобурнома» расмлари факат сон жиҳатидан кўп бўлмай, уларда тасвирланган воқеалар ҳам турли - туман мавзудадир. Уларда учрашув, ов, жанг манзаралари, турли маросимлар, Хиндистон, Марказий Осиё табиати ўз ифодасини топган.

Хиндистонда Марказий Осиё маданий ҳаётини акс эттирувчи кўлаб расмлар яратилиши маҳаллий расомларнинг Бобурнинг Ватанига нисбатан ҳурмати чексизлигининг далилидир. Миннаторларни илмий ўрганиш ва уларни илмий муокалага киритиш халқлар ўртадидаги маданий алоқалардан воқиф бўлиш ва уларни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Расмда Ўрғаниш музейидаги Бобур портретининг ок қора сурати.

(Саҳифани) Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи аспиранти Абдумажид Мадраимов тайёрлади.<sup>3</sup>

## Нодир микрофильмлар

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фонди ой сайин бойиб бормоқда.

Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари илмий муассасаларидаги тўрт кагдан ортик ноёб тадқиқот, кўлэмга, мақола ва альбомларнинг микрофильмлари учун буюртма берилган эди. Шу қунгача Санкт-Петербургдаги Россия Иллий кутубхонасида 40 та, Москвадаги Давлат кутубхонасида 320 та, Чет эл адабиёти Давлат кутубхонасида 20 та ва Россия ФА иқтимоий фанлар кутубхонасида 30 та нодир кўлэмга, рус, фарс ва Шарк тилларидаги мақола, альбом ва монографиялар микрофильмлари олинди.

Улар орасида «Бобурнома»нинг 1826 йили Лондонда инглиз тилида нашр қилинган биринчи таржумаси, французча таржима, инглиз тили таржумасининг 1844 йилги кискартрилган наشري ва чет эл йирик олимлари В.Рашбрук, Л.Стегги, Х.Демб, Ф.Гренандининг инглиз ва француз тилларида нашр этилган Бобур хақидаги махсус монография ва тадқиқотлари бор. Шарк миннатораси ва хаттоғинига оид ҳам тағайгина кимматли адабиётлар микрофильмлари олинган.

Микрофильмлар Адабиёт музейи фондида рўйхатга олинди ҳамда олимлар фойдаланиши учун тайёр ҳолга келтирилди.

## «Бобурнома» зийнатлари

«Бобурнома» йирик иқтимоий-сиёсий, тарихий - фалсафий, жуғрофий, харобий ва этнографияга оид кимматли асарлар. Шонир олим ва давлат арбоби Захриддин Мухаммад Бобурнинг ушбу шох асари XVI асрда Хиндистонда кагта эътибор қозонган. Бу китоб ўзбекчадан форс - тожик тилига уч марта таржима қилинган. Мохир қотиблар Бобур Мирзонинг набираси Жаполидин Мухаммад Акбар подшоҳнинг кўрсатмасига бинсон китобни бир неча нуҳсада кўчирган, расомлар эса уларни нафис, мўъжаз миннаторлар билан зийнатлаган.

Ҳозирги кунда жаҳон кўлэмга фондларида «Бобурнома»нинг ўндан ортик миннаторалари кўлэмаси мавжуд<sup>4</sup>. Баъзи кўлэмалар тўғайлигича, баъзиларининг эса айрим пароканда суратли вараклари етиб келган. Бу мўътабар кўлэмалардаги миннаторларнинг яратилиши санаси Хиндистонда Бобурийлар ҳукмронлик қилган даврга тўғри келади.

«Бобурнома» расмларини хронологик жиҳатдан, асосан, уч қисмга бўлиш мумкин. Биринчи қисмдан Фарғона ва Мовароуннаҳрда бўлиб ўтган воқеаларга ишланган миннаторалар жой олиб, уларда Бобур Мирзонинг ўн икки ёлданок подшоҳ бўлиб, ҳокимият учун олиб борган курашлари, унинг она-Ватанидаги шаҳарлар тасвирланган. Шулардан бирида, яъни «Бобурнома»нинг Бригания музейида сақланаётган мўътабар кўлэмасига ишланган миннаторгада ёш Бобур Мирзонинг Фарғона вилояти подшоҳи қилиб тайинланиши акс эттирилган.

Шу воқеадан сўнг Бобур Мирзо тож-тахт учун бўлган ўзаро курашлар гирдобидида бўлади. Лекин, шундай оғир вазиятларда ҳам Мирзо Бобур ижод билан шугулланиб, ғазал, рубоий, илмий асарлар ёзди. Расомлар эса ўз асарларида Бобур Мирзо ҳаётининг ана шу даврини ҳаққоний тасвирлашга ҳаракат қилганлар. Бобурнинг қизи

мақола муаллифи кейинча филология фанлари доктори илмий даражасига эга бўлдилар С.Хасанов профессор унвонини олди, 1992 йилдан бун Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи директори лавозимида ишлайди.

<sup>3</sup>Сўнги йилларда бу мавзукотлари аниқлиги келтирилди. Абд. М

Гулбаданбегимнинг гувоҳлик беришича, Мирзо Бобур ҳаётининг Марказий Осиё даврини баён қилишга калам тили ожизлик қилади.

Айни шу пайтларда Муҳаммад Шайбонийхон Мовароуннахрни эгаллайди. Теурийлар сулоласи эса таназулга юз тутайди. Теурийзодаларнинг кичик шахзодаси Бобур Мирзо бу воқеалардан кейин Афғонистон сари йўл олади.

Бобур Мирзо Афғонистонда тахтада ўтирган йилларда Қобул шаҳрини пойтахт қилади. У Афғонистонни ободлиги йўлида қайтуради ва кўплаб боғлар барпо этади. Бу даврда яратилган миниатораларнинг кўпчилигида Бобур Мирзонинг боғларда ободончилик ишлари билан банд вақти тасвирланган.

Бобур Мирзо 1506 йили Султон Ҳусайн Мирзо вафоти муносабати билан ушбу подшоҳнинг яқинларига таъзия изҳор қилиш учун Хирот шаҳрига боради ва у ерда Алишер Навоий қурдирган иморатлар билан муҳаммад танишади. Султон Ҳусайн Мирзонинг ўғиллари Бадиуззамон ва Музаффар Мирзолар Бобур Мирзо шарафига мажлислар уюштириб, унга ҳадялар тортиқ қилганлар. Мирзо Бобурнинг Хирот шаҳрида бўлиши кўплаб расомларга янги мавзу устида ишлагга имкон берган. Улар орасида Шанкар Гужаротий миниаторалари баъдий савиясининг юксаклиги билан ажралиб туради.

Бобур Мирзонинг марҳум Султон Ҳусайн Мирзо ўғиллари билан учрашуви тасвирланган миниатораларнинг машҳур расом, устод Камолдин Бехзод миниаторалари билан айрим умумий томонлари бор. Масалан, Москвадаги Шарк халқлари санъати музейида сақланаётган «Бобурнома»га ишланган «Бобур ва Бадиуззамон Учрашуви» миниаторасида «таниш» сарф дарахтларини кузатамиз.

«Бобурнома»нинг учинчи қисмида Хиндистон даври воқеалари тасвирланган. Бобур Мирзо ҳаётининг бу даврига оид миниатораларни расомлар алоҳида маҳорат билан яратганлар. Уларда, жумладан, Мирзо Бобурнинг мамлакат ободлиги борасида олиб борган ишлари ўз аксини топган.

1526 йил воқеаларини баён этар экан, Бобур Мирзо Хиндистон хайвоноти ва набототи тавсифига алоҳида тўхталади. Матни суратларда ифодалаган Хиндистонлик расомлар «Бобурнома» кўлэмалари саҳифаларини ўз юртларининг гўзал ва ранго-ранг манзараси билан зийнатлаганлар. Дунёқараш ва тафаккур олами кенг Бобур Унга ўлкадаги ҳар бир дарахт ва жонзодни зийраклик билан кузатиб, уларнинг тавсифини бирма - бир баён этади. Бобурдаги табиатга бўлган бу қизиқишлари унинг чевараси Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгирга мерос бўлиб ўтган.

«Бобурнома» кўлэмаларига ишланган миниатораларни кўздан кечиришда, уларда Хиндистоннинг улкан хайвони филдан тортиб, олмаҳонгача тасвирланганлигини гувоҳи бўласиз. Мазкур расмлар орасида устод Мансур миниатора асарлари алоҳида ажралиб туради. Устод Мансур истеъдодли мусаввир сифатида улғулиниб, унга «Нодирул аср» нисбаси берилган.

Бобур Қобулдалигидаёқ Хиндистонга жуда қизиққан. Бу қизиқиш унга тинчлик бермаган ва кейинчалик у Хиндистонни бағамом ишғол этган. Бобур Хиндистоннинг тарихий обидаларини катта ишғик билан кузатган ва ўз тасвуротларини «Бобурнома»да батафсил ифода этган.

Британия музейида сақланаётган «Бобурнома» кўлэмасига ишланган миниаторалардан бирида ёш расом Кесу Хурд Бобурнинг Деҳлидаги обидаларни синчиқлаб томоша қилаётган пайти юккак маҳорат билан тасвирлаган. Буюк давлат арбоби Бобур Хиндистонда кўшни мамлакатлар билан тинч-тотув яшаш сиёсатини олиб борган. У катор давлатларга, шу жумладан, Москва князлигига ҳам дўстлик ва ҳамкорликни тақдир қилиб, ўша давр сиёсати билимдони Хожа Ҳусайн бошчилигида элчиларни жўнатган.

Расомлар Бобур ҳаётининг сўнгги даврини тасвирлашар экан, ундаги қайфиятни ҳам тўғри очиб беришга ҳаракат қилганлар. Бу даврга оид миниатораларда Бобур гоҳ улкан мамлакатни бошқараётганидан мамнун ҳолда, гоҳ эса Она - Ватан соғинчида маҳзун ҳолда тасвирланган. Ватан соғинчида ўртанган пайтларида Бобур шундай ёзган эди:

*Толе йўқи жонимга бағоят буюди,  
Ҳар ишники айладим хатолим буюди,  
Ўз ерими кўйиб Хинд сори юзландим,  
Ёраб нешдин, не юз қаролим буюди.*

Ўзининг салкам эллик йиллик ҳаётини турли мамлакатларда, саноксиз жангу жадалларда ўтказган Бобур салмоқли адабий - илмий мерос ҳам қолдиришга улғурган.

«Бобурнома»нинг муътабар кўлэмаларини муъжаз тасвирлар билан зийнатлашда саксондан ортиқ расомлар иштирок этганлар<sup>5</sup>. Ушбу мусаввирлар орасида Басован исмли хинд расоми XVI аср йирик тарихчиси Абулфайз Алломийнинг «Ойини Акбарий» китобида алоҳида таърифланади. Уша муаллиф қайд этган ўн еттига машҳур расомдан олтигаси: Кесу, Мискина, Малду, Ромдас, Фаррухбек ва Сонвала ҳам «Бобурнома»га миниаторалар ишлаган. Асли Мовароуннахрлик бўлган Фаррухбек аввал Қобулда, кейинчалик эса Хиндистонда янаб ижод этган. Деҳли ва Британия музейларида сақланаётган «Бобурнома» кўлэмаларини зийнатлашда ҳам Фаррухбек иштирок этганлигини гувоҳи бўламиз. Фаррухбек шунингдек Бобурнинг портрет - миниатораларини ҳам ишлаган. Умуман, «Бобурнома» расмларини яратишда Гужаратлик Кесу, Жаганатх, Сонвала ҳамда Муҳаммад Капмрий, Иброҳим Лоҳурийлар қатнашишган.

«Бобурнома» миниатораларига баҳо берар экан, Абулфазл Алломий ёзган эди: «Уларни устод Бехзод ва машҳур фарангй расомларининг асарлари билан бир қаторга қўйиш мумкин». Тарихчининг гаплари ҳақ эди.

Профессор Хамид Сулаймон Англияда бўлганида Британия музейида сақланаётган «Бобурнома»нинг кўлэмаси миниатораларидан нусха олиб уни «Бобурнома расмлари» альбому тарзида чоп эттиргани ва мазкур альбомнинг Лейпциг (1971)да бўлиб ўтган Халқаро китоб кўргазмасида кумуш медалга лойиқ топилгани фикримизни тасдиқтайди.

Йилва расмларда: 1. Бобур Мирзо Султон Маҳмуд қизлари Окбегим ва Ойбегимни кутиб олмоқда. Басован ва Дхарамдас расми. АКШ. Шахсий мажмуада.

2. Бобур Аграда Фаҳри Жаҳонбегимни кутиб олмоқда. Расоми номаялум. АКШ. Шахсий мажмуада.

#### Адабиёт музейида Андижон шухрати

Ўзбекистон Республикаси Фандлар Академияси қошида бундан 5 йил аввал Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи очилган эди. Адабиёт музейи ташкил қилингандан буён, уни мактаб ўқувчилари, талабалар, тадқиқотчи ва олимлар, нуфузли чет эллик меҳмонлар зиярат қилишади. Музей олимлари томонидан нашр қилинган китоблар МДХ мамлакатлари ҳамда чет эл китоб намоишларида юккак мукофот, медал ва дипломлар билан тақдирланган.

<sup>5</sup> Сўнгги вақтларда юзлан ортиқ расомлар номлари аниқланган. Иловата қаранг. Абд.М.

Халқимизнинг кўп асрлик тарихи жараёнида вужудга келган адабий ва маданий бойликларни яратилганда Андижон шаҳридан чиққан шоир, олим ва адибларнинг ҳам хизмати салмоқлидир. Андижонлик Захриддин Мухаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, сеvimли шоира Нодирабегим, ёзувчи ва шоирлар Комил Яшин, Ҳабибий, Саида Зунунова ва бошқаларнинг ўзбек адабиёти тараккиётига қўйган муносиб ҳиссаси музей экспонатларида ўз аксини топган.

Захриддин Мухаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди музейнинг махсус хонасида намойиш этилади. Хонанинг ўртасида шоирнинг салобатли хайкали ўрнатилган бўлиб, унда Бобурнинг китоб мутолаа қилиб турган ҳолати тасвирланган. Хонанинг теvarак атрофидаги стендаларда шоирнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги асарларнинг кўлэмаларига Хиндистонда яратилган миниатюраларнинг рангли нусхалари, шоир макбарасининг фотосуратлари, чет эл олимлари В.Эркин, Э.Холден ва Ж.Нерунинг Бобур ҳаёти ва ижодига берган юксак баҳолари ўрин олган. Шунингдек, бу хонада «Бобуронома» китобининг ўзбек ва рус тилларидаги нашрлари, «Аруз рисоласи» китобининг Тошкент ва Москвада чикарилган нашрлари, «Мубаййин» асарининг XVI асрда яратилган нодир кўлэмаси намойиш қилинмоқда. Хона деворларининг бирида расом В.Нечаев яратган катта рангли пологтода Бобурнинг қийинчилик билан Ҳиротдан Кобул шаҳрига қайтиши тасвирланган.

Бобур мумтоз ўзбек адабиётини, асосан, дилрабо ғазаллари, «Бобуронома», «Аруз рисоласи», «Муфассал», «Ҳарб иши», «Мусликий илмий» каби нодир асарлари билан бойитди. Бу асарлар лотин, инглиз, немис, француз, голланд, урду, турк, хинд ва бошқа тилларга таржима қилинган. Жаҳонга машҳур бўлган ёлғорликлар Ушбу асарларнинг инглиз, немис, француз ва турк тилларидаги таржималарининг ноёб микрофильмлари музей фондида сақланмоқда.

Адабиёт музейининг ёш олим Сайдобек Ҳасан нашрга тайёрлаган «Мухтасар» номи Бобурнинг аруз назариясига оид асари Марказий Осиё давлатлари китоб кўرғазмасининг биринчи даражали дипломи билан тақдирланган. Албатта, жаҳонга машҳур бўлган шоир Бобур билан фақат Андижонгина эмас, Шарқ адабиёти ҳақти равишда фахрланади.

Халқимиз орасидан етишиб чиққан оташ нафас шоир Бобораҳим Машраб ижоди ҳам адабиёт музейи хоналарида намойиш этилмоқда. Машраб яратган шеърлар гарчи ҳажми жиҳатдан кўп бўлмаса-да, улар халқ тилига яқинлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шоир ўзининг ўтқир фалсафий ғоялар билан суғорилган шеърларида жамиятдаги манфур шахслар вакилларини кескин фот қилади.

Адабиёт музейи хонасидаги Машраб портретини расом Д.Имомов яратган бўлиб, портретда дарбадар шоирнинг ўтқир нигоҳлари ифодали акс эттирилган. Шунингдек, хонада Машраб «Девонининг икки нодир кўлэмаси, шеърларидан намуналар ўрин олган.

Ўзбек адабиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшган шоирлардан бири Нодирабегимдир. У ўз ижоди билан Зебунисоннинг эгзу ишларини давом эттириб, ўзбек адабиётини бебаҳо ғазаллар билан бойитган. Нодирабегим ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи хонада шоирнинг расом Шамсируй Ҳасанова томонидан 1947 йилда яратилган ёрқин сиймоси, шоира ғазаллари кўлэмалари ва босма нашр намуналари намойиш қилинган.

Адабиёт музейида Комил Яшин, Ҳабибий, Саида Зунунова ва бошқалар ҳақида ҳам муҳим маълумотлар мавжуд. Замонавий ўзбек адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Нисэйининг шогирди, издоши ва кўзга кўринган жамоат арбоби Комил Яшиннинг пресалари халқимиз ҳаётининг саҳнадаги бадний солномасидир. Музей хоналарида атоқли

драматург асарларининг турли даврлардаги нашрларидан ташқари, пресаларнинг саҳна кўринишлари ва фототаваҳалари ҳам кўйилган.

Умуман, адабиёт музейини муҳлислар мамнуният билан кўриб чиқар эканлар уларнинг қатбида андижонлик адабиёт захматқашларига нисбатан самимий хурмат ҳисси уйғонади.

#### Тошкент илҳами

Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريёти яқинда хиндистонлик адабиётшунос олим Камар Раиснинг шеърлар китобини ўзбек китобхонларида тақдим этиди. Тўшам Хиндистоннинг танкиги тараккийларвар адиби Сажжод Зохирийнинг кириш сўзи билан очилади. У сўзбошида «Камар Раиснинг Хиндистон озод бўлгандан бери ўтган йигирма беш йил ичида майдонга чиқиб, ўз ижоди билан урду адабиёти ҳазинасини янги дурдоналар билан бойитган адиб ва шоирлар каторида юксак ўрин эгаллайди», - деб ёзди.

Тарчи тўшам «Таништирув» билан бошланса-да, Камар Раис ўзбек китобхонига анча таниш бўлиб қолган шоирлардан. Унинг шеърлари ва мақолалари республикамизнинг катор газета ва журналларида эълон қилинган. Шоир шеърлари тўшамининг ўзбек тилида нашр қилиниши китобхонларни унинг ижоди билан яқиндан таништириш имконини беради.

Камар Раис урду адабиётининг танкиги вакилларидан бири. У мумтоз шеърий анъаналарини давом эттириш билан бирга, янги шакл ва мазмун ахтарди. Бу йўлда унинг ижодига замонавий шеърий сезиларли таъсир кўрсатди. Чунки, шоир олти йил давомида Ўзбекистон Миллий университетининг шарқ факультетинида урду тили ва адабиётидан дарс берди. Бу пайтда у замонавий ўзбек адабиёти, шу жумладан шеърийти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди.

Камар Раиснинг катор шеърлари ўзбекистон ва унинг пойтахти Тошкент таасуротлари асосида ёзилган. Тўшамдаги «Шарқ», «Хиндистонлик ўзбекистонда», «Чойхона тонги», «Тошкент гули», «Зулфия», «Янги Тошкент», «Ўзбек раққосаси» каби шеърлари мисол бўла олади.

Шоир ва олим Камар Раис ижоди ҳақида гапирганда, унинг ўзбекистон-Хиндистон дўстлигини мустаҳкамлаш йўлидаги хизматларини ҳам эслатиб ўтиш зарур. Шоир дўстлари билан ҳамкорликда Ш.Рашидовнинг «Кашмир кўшнги» асарини, Фафур Ғуломнинг танланган шеърларини урду тилига таржима қилган. Урду тилида эълон қилинган илмий мақолаларида ўзбек адабиёти билан хиндистонлик китобхонларни яқиндан таништирди.

Камар Раис шеърларини ўзбек тилига шоир Ж.Жабборов, Тўлқин, Мабруф Жалил ва Абдулла Шер таржима қилишган.

Камар Раис<sup>6</sup> шеърларининг ўзбек тилида нашр қилиниши Ўзбекистон ва Хиндистон халқлари ўртасидаги дўстликнинг ривожланиб бораётган маданий алоқаларининг яна бир намойишидир.

<sup>6</sup> Камар Раис (Мусоҳиб Алпхон) 1932-Шоҳжаҳонпур - 2009, Дехл) «Захриддин Мухаммад Бобур: шахси ва шеърийти» китоби учун 2004 йили Бобур халқаро мукофотига сазовор бўлган. Қаранг: Захриддин Мухаммад Бобур энциклопедияси. Тарих хайъати: А.Қаномов ва бошқалар. Тошкент: «Шарқ», 2014, 607 бет. Бундан кейин Бобур энциклопедияси.

## «Бобурнома»нинг форс тилидаги кўлэзма нусхалари

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг Шарк алабиёти тарихида муҳим ўрин тутувчи «Бобурнома» асарни энциклопедик характерга эга бўлиб, унда Фарғона, Мовароуннахр, Хурсон, Афғонистон ва Ҳиндистонда бўлиб ўтган йирик тарихий воқеалар хронологик тартибда баён қилинган. Шу сабабли ҳам, «Бобурнома»га Шарк ва Фарб олимлари қатта қизиқиш билан қараганлар. Асар йирик бадиий, маданий ва тарихий аҳамиятга моликлиги туфайли рус (икки нашр), лотин, инглиз (икки таржима, сажиз нашр), немис, француз, урду (икки таржима, уч нашр), ҳинд ва турк тилларига таржима қилинган.<sup>7</sup> «Бобурнома» ўрта асрларда тўрт марта форс тилига таржима қилинган, булардан учтаси Ҳиндистонда амалга оширилган.

Бобурнинг замондоши, сафдоши Шайх Зайн Ҳавофи Вафойи (ваф. 1533, Агра) асарни форс-тожик тилига айлартган илк таржимон ҳисобланади. Вафойи хиротлик олимлар билан бирга Ҳиндистонга, Бобур саройида хизмат қилиш учун келган ва 1533-1534 йиллари Агра шаҳрида вафот этган. Замонасининг ўқимчили эиёлиларидан бўлган Вафойи «Футухоти Ҳинд» («Ҳиндистон фатҳи») китоби ҳамда Бобурнинг «Мубаййин» асарига шарҳлар ҳам ёзган. Вафойи «Бобурнома»нинг атғли бир парчасини, яъни хижрий 932 — 933 йил воқеаларини форс-тожик тилига таржима қилган, холос.<sup>8</sup> Талқи-қотчилирининг ёзишича, таржимада асл нусхадани «мен» формаси учинчи шахс кўплик олмоши билан алмаштирилган ҳамда асарнинг тил услуби анча ўзгартрилган.

«Бобурнома»нинг Шайх Зайн томонидан қилинган форс-тожик тилидаги таржимасининг фанга маълум нусхалари куйидагилар:

1. Британия музейида сақланаётган ОР. 1999 рақамли кўлэзма. Варақлар сони — 102. Хати — наставлик. Ёзув жадвал (хат чети чизиклар)га олинган. Хатоти машхур тарихчи Хондамирнинг набраси Абдуллох ибн Муҳаммад ибн Фиёсиддин Хондамир. Кўлэзма хижрий 998 (милодий 1590) йили китобат қилинган. Бу нусха инглиз тарихчиси Х. М. Эллот томонидан сотиб олинган.

2. Шу музейдаги Add. 26202 рақамли кўлэзма. Варақлар сони — 83. Хати — наставлик. Бу нусха XVII асрга тааллуқли.

3. Париж миллий кутубхонаси кўлэмаси. Блоше каталогидани рақами — 2154. Варақлар сони — 188. Хати — наставлик. XVII аср бошларида китобат қилинган.

4. Британия музейидани ОР. 2049 рақамли кўлэзма. Варақлар сони — 86. Хати — наставлик. Нусха алоҳида уч нарядан иборат бўлиб, XIX асрнинг биринчи ярмига тааллуқли.<sup>9</sup>

«Бобурнома»нинг иккинчи таржимаси ташаббускори Бобурнинг чевараси Султон Салим Мирзонинг маънавий устози Кутбиддин Муҳаммадхон Баходирхон Бекларбети ўғли Бехрузхон Наврангхондир. Маълумотларга қараганда, Бехрузхон «Бобурнома»ни ўзбек тилида ўқиб чиқиб жуда таъсирланган ва Мирзо Пойнда Хасан Ҳазнавийдан уни форс тилга таржима қилишни илтимос қилган. Мирзо Пойнда «Бобурнома»нинг бир

<sup>7</sup> Сўнги таржима ва нашрлар тўғрисида маълумотлар Бобур энциклопедияси (180 бет)да келтирилган.

<sup>8</sup> Ю. Э. Брегель, «Бобурнома»нинг алвар кутубхонасидаги форсча тўла нусхасини Шайх Зайн таржимаси деб кўрсатса ҳам, ўз фикрини асосламайди. Қаранг: Стори Ч. А. Персидская литература (Переаботал и допонили Ю. Э. Брегель), М.: 1972, часть II, стр. 835. Мазкур китобнинг инглиз тилидаги асл нусхасида Бобур ижоди «Ҳиндистон тарихи» кимсида келса, Ю. Э. Брегель негадир уни Эрон тарихи, теурийдлар бўлимига киритган.


<sup>9</sup> Булардан ташқари, «Бобурнома»нинг Шайх Зайн таржимаси кўлэмалари Ҳиндистоннинг Удайпур шаҳрида иккита, алвар шаҳри музейи, Рампур шаҳридаги Риво кутубхонаси ва Британия музейида биттадан нусхаси мавжуд.




7. Китобномда ётолларни тувларга орғили.  
Рассом Сур Дав. Д. М. М. (N. M. 50326), 4 а. в.




8. Бобурини чорбулдан Андижонга қайтишни.  
Д.М.М. 146 в.




9. Андижон бешарини Намоғонидаги масжиди мавқоғи.  
М.С.М.



10. Бобуринчи опаси Хонзода бечиза билдан Кундузга и учрашуви.  
Д.М.М. 14 б. в.



11. Кундузга Хасан Янқубекнинг аълаи Сафарданга тоғонга кочиб кетилиши.  
М.С.М.



12. Боки Чагонийнинг Бобур хуҳрига келиши.  
Рассом Бхим Гужаторий. Б.М. 35 б.в.

қисмини (тахминан олти йилги воқеалар баёнини) таржима қилиб улгурган. Ҳолос, Муҳаммад Қули Ҳисорий деган иккинчи таржимон 1586 йили Мирзо Поянда ишини ниҳоятга етказган.

Мирзо Поянда ва Муҳаммад Қули таржимаси талкиотчилар томонидан юқори баҳоланган бўлмаса-да, у Бобур асарига бўлган юқоқ хурмат ва эътибор далилдир. Асл нусхаларнинг биридан амалга оширилган мазкур таржима кўлэмалари ҳам «Бобурнома» матнини тиклашда, гарчи асосий манба ҳисобланмаса ҳам ёрдамчи восита бўлиши шубҳасиздир. Ҳозирча бизга маълум бўлган Мирзо Поянда ва Муҳаммад Қули таржимасининг кўлэма нусхалари қуйидагилар:

1. Британия музейи нусхаси. Раками – Add. 6588. Варақлар сони – 139 та. Хати – наставълик. Кўлэма XVIII асрда китобат қилинган. Уни Англияга Жеймс Гранд деган одам олиб келган.

2. Бодли (Англия) кутубхонаси. Эте каталогигаги раками – 179. Варақлар сони – 232. Хати – наставълик. Кўлэманинг биринчи ва иккинчи қисми янглиш китобат қилинган. Уни Жон Фаулер кутубхонага тақдим қилган.

3. Ҳиндистон маҳкамаси (Англия) нусхаси. Раками – 913. Варақлар сони – 236. Хати – наставълик. Бу нусха «Тузқи Бобурий» деб аталиб, В. Киркпетрик томонидан 1804 йили маҳкамага туҳфа қилинган.

Урта аср олимларининг «Бобурнома»га қизиқишлари асарнинг форс тилига тўла ва асл нусхага яқин таржима қилиш заруритини юзага келтирди. Бу масъулиятли иш бир неча тил билгидони, шoir, олим ва саркарда Абдурахимхон томонидан 1589 йили амалга оширилди. Абдурахимхон таржимаси асл нусхага жуда яқин бўлгани боис, кейинчалик, «Бобурнома»нинг дунё бўйлаб тарқалишида, инглиз, немис, урду, хинд тилларига таржима қилинишида муҳим роль ўйнади.

«Бобурнома»нинг форсча нусхалари орасида Абдурахимхон таржимаси кўлэмалари энг кўп тарқалган. Қуйида шулар билан қисқа танишиб ўтамиз:

1. Британия музейи нусхаси. Раками – ОР. 3714. Варақлар сони – 528. Кўлэма, кўш зарваракдан ташқари, 116 саҳифа расм билан (46 мусаввир томонидан) зийналланган. 93 саҳифадаги миниатюралар профессор Хамид Сулаймон томонидан нашр қилинган.<sup>10</sup> Хати йирик наставъликда. Хатоти Муҳаммад Хусайн Кашмирӣ. Ёзув жадавлатга олинган. Кўлэма XVI асрнинг охиригача мансуб. У Акбар кутубхонаси учун махсус китобат қилинган. Хатоти Муҳаммад Хусайн Кашмирӣ.

2. Дехли Миллий музейи нусхаси. Варақлар сони – 382. Кўлэманинг 145 саҳифаси 48 рассом томонидан чизилган 183 миннатора билан безатилган. Хати – наставълик. Кўлэмадаги расмларнинг бирида «Акбар ҳужумронлигининг 42 йили» (1598) деган ёзув бор. Бу нусха аввал Агра шаҳридаги Жон коллежининг мулки бўлган. Уни Ю. Э. Брегель ҳам Агра, ҳам Дехли нусхаси деб икки марта кайд этади.<sup>11</sup>

3. Британия музейидаги В. Эрскин нусхаси. Раками – Add. 26200. Варақлар сони – 380 та. Хати – наставълик. Кўлэмада унвон ва тўрт расм мавжуд. Айрим саҳифалар расмлар учун бўш қолдирилган. Нусха XVI аср охирида китобат қилинган бўлиб, ундан В. Эрскин «Бобурнома»ни инглиз тилига таржима қилишда фойдаланган.

4. Бодли кутубхонаси нусхаси. Эте каталогигаги раками – 180. Варақлар сони – 209. Хати – наставълик. Кўлэмада зарварак ва 28 расм бор. XVI аср охирида китобат қилинган мазкур кўлэманинг айрим варақлари йиртиб олинган.

<sup>10</sup> Бобурнома расмлари. Альбомни тузувчи ва сўз боши муаллифи Хамид Сулаймон, Тошкент: «Фан» нашриёти, 1970 (96 расм). Бундан кейин: Сулаймонов (96).

<sup>11</sup> Ушбу кўлэма расмлари 1983 йили М.С. Рандхава томонидан чоп этилди: Randalwa M.S. Paintings of Baburama. New Delhi: National Museum, 1983. Бундан сўнг: Рандхава.

5. Париж Миллий кутубхонаси нусхаси. Кўлэзма Э.Бюше каталогиди қайд этилмаган. Смит-Дессоф фондида сақланади. Кўлэзмадан олинган иккита миниатюра француз олимми Ф. Гренанднинг «Бобур» номи монография (Париж, 1930)сида чоп этилган.

6. Москвадаги Шарк халқлари санъати Давлат музейи нусхаси. Бу номалълум кўлэзмадан йиртиб олинган 57 алоҳида ыарак бўлиб, уларда 72 расм мавжуд. Хати йирик наставълликда. Бу нусханинг 48 ыарати илгари Эрон шохи кутубхонасининг мулки бўлган. Уларни Шоҳ Насриддиннинг онаси Россия давлати вакили князь Долгоруковна ҳады этган. Қолган тўққиз расмли ыаракни А.В.Морозов 1906 йили Нижний Новгородда Эрондан келган савдогарлардан сотиб олган. Магн ХУІ аср охирида ва ХУІІ аср бошларида битилган. Мазкур ыараклардаги миниатюралар 1960 йили профессор С. И. Тюляев томонидан альбом ҳолида нашр қилинган<sup>12</sup>.

7. Викториа ва Альберт музейи (Англия) нусхаси. Музейда номалълум кўлэзмадан йиртиб олинган 17 расмли ыарак мавжуд. Хати йирик наставълликда. Бу ыараклар 1913 йили сотиб олинган. Инглиз олимми Б. Грейнинг ёзишича, мазкур нусхага тегишли бир ыарак Британия музейининг Манак бўлимида сақланмоқда.

8. Честер Беатти кутубхонаси (Ирландия, Дублин) нусхаси. Мазкур кутубхонада номалълум кўлэзманинг 6 ыарати мавжуд бўлиб, уларда саккизта рассом томонидан чизилган 16 та миниатюра асарлари бор. Хати йирик наставълликда. ыараклар 1927 йили Парижда Шефнер деган шахстан сотиб олинган. Хинд миниатюралари тавсифи билан шуғулланган инглиз олимми Т. В. Арнольд уларни Қазвинийнинг «Ажойиб ул-Махлуқот» асарининг Акбар учун қайта тахрир қилинган нусхасига тааллуқли, деб ёзди, бироқ бизнингча бу хатодир.

9. Дувр музейи (Франция) нусхаси. Раками — 7151; 7152. Музейда кўлэзманинг иккита миниатюрали ыарати мавжуд. Хати йирик наставълликда. Улар Викториа ва Альберт музейи нусхасига тегишли бўлиши мумкин.

10. Америка Кўшма Штатларидаги нусха. Туртта рассом учта миниатюра илгиланган. Хати йирик наставълликда.<sup>13</sup>

11. Британия музейидаги Мусави Али Акбар нусхаси. Раками — Add. 24416. ыараклар сони — 358. Хати — наставъллик. Кўлэзма аввал Жахонгирнинг садри Мусавыхон Али Акбарнинг мулки бўлган.

12. Париж Миллий кутубхонаси нусхаси. Ёлоше каталогидидаги раками 559. ыараклар сони — 385. Хати — наставъллик. Кўлэзма ХУІ асрда битилган.

13. Алвар Давлат музейи (Хиндистон) нусхаси. Кўлэзмада 18 миниатюра мавжуд. Хати — наставъллик. А.С.Бевериж хонимнинг ёзишича, бу кўлэзма асосида асарни Мирза Мухаммад Шерози тошбоёмада чоп эттирган. ХУІІ аср биринчи ярмига тааллуқли бу нусха аввал Алвар рожазининг мулки бўлган.

<sup>12</sup> Миниатюры рукописи Бабура-наме. Автор-составитель С. И. Тюляев, М.: Гос. Изд-во изобразительного искусства, 1960. Бундан сўнг. Тюляев.

<sup>13</sup> Кейинги таджикотлар нагжасига кўра АКШнинг музей, кутубхона ва шахсий мажмуаларда аниқланган «Бобурома» миниатюралари қуйидагилардан иборат: 1. Фрир санъат галереяси, Вашингтон, 2 расмли ыарак; 2. Фогт санъат музейи, Бостон, расмли ыарак; 3. Эдвин Бинней мажмуаси, Бруклин шаҳри, Массачусетс штати, расмли ыараклар; 4. Али ва Насли Хараманек мажмуаси, Лос Анжелос, рассом Сарун ишлаган «Урда ҳаёти» расми; 5. Кер мажмуаси, Понтрессина, рассом Ромдас ишлаган расмли ыарак, раками 43; 6. Ватгер санъат галереяси, Балтимор (31 миниатюрали кўлэзма, W. 596); 7. Артур Саклер галереяси, Вашингтон; 3 миниатюра; 8. Санъат музейи, Род Айленд диван мактаби, музей раками 17. 463. «Истаиф яқиндаги Хожа Сефрон чашмаси бахор чоғида», Басован тарҳи, амали Сурак Гужаротий миниатюраси мавжуд; Mughal Painters and Their work. A biographical survey and comparative catalogue. S.M. Verma. New Delhi: Oxford university press, 1994, p. 92. Бундан сўнг. Верма (1994).

14. Британия музейидаги Доуд Котиб нусхаси. Раками — Add. 16623. ыараклар сони — 295. Хати — наставъллик. Кўлэзмада унwon ва 26 миниатюра мавжуд. Доуд Котиб кўлэзmani 1638 йили Лохур шаҳрида ёзиб туғатган.

15. Болли кутубхонаси нусхаси. Эте каталогидидаги раками 181. ыараклари сони — 378. Хати — йирик наставъллик. Кўлэзманинг зарарағидан ташқари яна икки саҳифаси зарҳалланган.

16. Хиндистон маҳкамаси нусхаси. Раками — 29. ыараклар сони — 331. Хати — наставъллик. Нусха иккита хаттог томонидан кўчирилган ва хижрий 1054 (1644 милодий) йилдан аввалроқ китобат қилинган.

17. Британия музейидаги Анлар Саид Номак Шоҳи нусхаси. Раками — Add. 16691. ыараклар сони — 194. Хати — наставъллик. Кўлэзма хаттог Анлар Саид Номак Шоҳи томонидан 1735 йили Шоҳижақонбодда ёзиб туғатилган. Уни музейга В. Уолте тақдим қилган.

18. Британия музейи нусхаси. Раками — Add. 16690. ыараклар сони — 274. Хати — наставъллик. Кўлэзмада унwon мавжуд ва ёзув жадвалга олинган. В. Уолте мазкур нусхани 1800 йили Лахнаудда сотиб олган.

19. Британия музейи нусхаси. Раками — Add. 16201. ыараклар сони — 169. Хати — наставъллик. Зарваракда битта миниатюра бор, бошқалари учун мулжалланган жойлар бўш қолган. «Кўлэзмада Деҳлидаги нусхадан В. Эрскин учун тайёрланган» деган ёзув бор. У XIX асрнинг биринчи чорғида битилган.

20. Британия музейи нусхаси. Раками — OR. 167. ыараклар сони — 475. Хати йирик наставълликда. XIX асрда яратилган.

21. Хиндистон маҳкамаси нусхаси. Раками — 3450. ыараклар сони — 321. Хати — наставъллик.

22. Хиндистон маҳкамаси нусхаси. Раками — 30. ыараклар сони — 263. Хати — наставъллик.

23. Париж Миллий кутубхонаси нусхаси. Ёлоше каталогидидаги ракам — 560. ыараклар сони — 251. Хати — наставъллик. ХУІ асрнинг биринчи ярмига тааллуқлидир.

24. Париж Миллий кутубхонаси нусхаси. Ёлоше каталогидидаги раками — 561. ыараклар сони — 245. Хати наставъллик ва шикастада. Хижрий 1215 (1800) йили кўчирилган.

25. Париж Миллий кутубхонаси нусхаси. Ёлоше каталогидидаги раками — 562. ыараклар сони — 252. Хати — шикаста. 1870 йил китобат қилинган.

26. Мумбай (Бомбей) университетги кутубхонаси нусхаси. Хати — наставъллик. Кўлэзма Европа қогозига кўчирилган.

27. Болли кутубхонаси нусхаси. Эте каталогидидаги раками — 182. ыараклар сони — 133. Хати — наставъллик.

28. Болли кутубхонаси нусхаси. Эте каталогидидаги раками — 183. ыараклар сони — 245. Хати — наставъллик. Кўлэзма учта хаттог томонидан кўчирилган.

29. Хиндистон маҳкамаси нусхаси. Раками — 2654. ыараклар сони — 184. Хати — наставъллик.

30. Британия музейи нусхаси. Раками — OR. 1827. ыараклар сони — 143. Хати — наставъллик. Кўлэзмада унwon ишланган ҳамда ёзув жадвалга олинган. Бу нусха Алвар Давлат музейи кўлэзмасидан кўчирилган. У 1850 йилларда китобат қилинган.

31. Британия музейи нусхаси. Раками — Add. 6590 (II). Кўлэзма тўлиқ эмас. ыараклар сони — 139. Хати — наставъллик. Хижрий 1203 йили кўчирилган.



32. Британия музейи нухаси. Раками – Add. 26317. Кўлэзма тўлик эмас. Варақлар сони – 88. Хатга – настальлик. Бомбей нухасидан «Бобурнома»ни инглиз тилига таржима қилган Ж. Лейден ушун 1808 йили кўчирилган<sup>14</sup>.

«Бобурнома» тўртинчи марта Бухорода 1912 йили Тоғай Мурод Карлук Хатлони аги-Балжуани Охунд томонидан форс-тожик тилига таржима қилинган бўлиб, 270 варақдан иборат. Бу кўлэзма Абу Райхон Беруний номли шарқ кўлэзмалари Маркази фондида сақланмоқда.

Шунингдек, Ю.Э.Брегелинг ёзишича, Техрондаги «Гулистон» кутубхонасида «Бобурнома»нинг номалғум ўзбекча нухаси ва форсча таржимаси бор.

Хуллас, биз олти борган текширишлар жaxon кўлэзма фондларида «Бобурнома»нинг форс-тожик тилидаги олтинчи саккизга кўлэзма нухаси мавжудлигини кўрсатди. Улар (Тоғай Мурод таржимасидан ташқари) Хиндистоннинг турли шаҳарларида 400 йил давомида яратилган бўлиб, хинд хаттоғлиги ва китобат санъатининг нодир ёлғорлиги ҳисобланади. Мазкур кўлэзмалар, бир томондан, Бобур меросини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан улардаги беш юзга яқин миниатюралар ХVI – ХVII асрдаги Хиндистон миниатюра санъати тарихини ўрганишда бебаҳо обидалардир.

#### Дид ва билим самараси

Шарқ халқлари маданияти тарихида миниатюра (мўъжаз рангтаъсвир асарлари) санъати алоҳида ўрин тутди. Хусусан, коғоз ишлашнинг кенг жорий этилиши билан минг йиллар мобайнида давом этиб келган деворий расомлик анъаналари ўзини аста-секин миниатюра санъати эгаллади.

Малъумки, Шарқ миниатюра санъати бир неча давр ва мактабларга бўлинди. Улар орасида Бобурийлар давридаги Хиндистон миниатюраси яққол ажратиб туради.

Шимолий Хиндистонда марказлашган улкан феодад давлатининг тузилиши, нам аҳлининг китобат санъати – хаттоғлик, музаххиблик ва расомликка қизиқиши ҳамда мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий шарт-шароит ва даврнинг эстетик талаби хинд миниатюра санъатининг шаклланишга катта туртки бўлди. Уша даврларда Самарқанд, Бухоро, Хирот каби йirik маданият марказлари энг моҳир хаттоғ ва расомлар ҳамкорлигида яратилган кўп нодир кўлэзма асарлар мавжуд эди. Уларнинг бир қанчаси Хиндистонга олиб кетилган эди. Кейинчалик Хиндистонда миниатюра санъатининг ривожланишга мазкур кўлэзма асарлар ҳам катта таъсир кўрсатди.

Бобурийлар даврида Хиндистонда санъат ва адабиёт соҳасидаги юқорида тилга олинган бир қадар ижобий силжишлар марказий осиелик олим ва санъаткорлар диққатини жалб этди ва натижада улар умид билан Хиндистонга – Бобурийлар саройига кета бошлади. Шоирлардан Ҳазолий Машҳадий, Қосим Кўхий Самарқандий, расомлардан Мир Саид Али Термизий, Абдусамад Шерозий, Фаррухбек, хаттоғлардан Муҳаммад Боқир каби истеъод соҳиблари шулар жумласидан эди. Бу ҳодиса, шубҳасиз, маҳаллий хинд санъати тараккиётига сезиларли ижобий таъсир кўрсатди.

<sup>14</sup> Қисқача тавсифи келтирилган юқоридаги кўлэзмалардан ташқари Тбилиси, Болли кутубхонаси (раками – 2454), Лондон Шарқшунослик институти (раками – 46627), Кембриж университетини (нуха тўлик эмас), Линденнада бир нухадан бор. Шунингдек, Эдинбургда туртга (биттаси тўлик эмас), Колпегген, Д.Кинг шахсий кутубхонаси, Этон Коллинзада биттадан (фақат Фаргона қисми), Покистондаги Лоқур Панжоб университетига яқин нуха (бири хижрий 1021, иккинчиси 1215 йили кўчирилган), Хиндистонда, Хайдаробода утга, Патнада иккита (бири 1082 йили кўчирилган, иккинчи нуха асарининг учдан бир қисми, холос), Калъакутада (ХVIIII аср) ва Мадрасада бир нухадан мавжуд.

Бобурийлар даврида Абдурахмон Жомий, Абдуқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий, Шарқнинг етук мутафаккирларининг Хиндистонда китобат қилинган ва нафис миниатюра асарлари билан зийнатланган асарлари орасида Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»си ҳам мавжуд бўлган. Бу китоб 1530 йили Хиндистоннинг Агра шаҳрида ёзиб тутилган. Уни 1589 йили туркман шоири Байрамхоннинг ўғли Абдурахимхон форс-тожик тилига таржима қилган. Кейин бу таржима кўлэзмалари сарой кутубхонасининг моҳир хаттоғлари томонидан кўчирилган ва уни машҳур расомлар ажойиб миниатюралар билан зийнатлаганлар.

«Бобурнома»нинг расмли кўлэзма нухаларидан бир нечтаси бизгача етиб келган бўлиб, улар хозир турли мамлакатлардаги кўлэзма фондларида сақланмоқда. Британия музейи (Англия), Москвадаги Шарқ халқлари санъати Давлат музейи, Честер Беатти (Ирландия, Дублин) кутубхонаси ва Америка Қўшма Штатларидаги Валтер санъат галереяси (Балтимор, 31 миниатюралги кўлэзма, W. 596)да сақланётган нухалар шулар жумласидандир.

Ушбу кўлэзмалардаги миниатюралар асар мазмунини янада равшанроқ очишга, ундаги воқеаларни талкин қилишга ёрдам беради.

Малъумки, «Бобурнома»да тарихий воқеалар ҳамда Фаргона, Мовароуннаҳр, Хурсан, Кобул ва Хиндистон табиати тўғрисида бой малъумотлар берилган. Айниқса, Хиндистон хайвонот ва наботот оламига жуда кенг ўрин берилган.

Чет эллик таниқли олимлар В.Эрескин, С.Ленпуль, А.Беверик ҳамда ўзбек олимлари В.Зоҳидов, Х.Сулаймон, С.Азимжонова, Х.Ҳасанов Бобур ҳаёти ва ижодини атрофлича ўрганишган. Х.Ҳасановнинг ёзишича, «Бобур геоботаник ва зоолог бўлиб, хайвон ва дарaxтларни пала-партиш эмас, малъум бир тартиб бўйича тавсифлаган». Дарҳақиқат, Бобур қабул қилган тартибни асл таъзим дейиш мумкин.

Уша давр хиндистонлик расомлар «Бобурнома»нинг охириги «Хиндистон» қисмига ишланган миниатюраларда ўз мамлакатининг гузал табиатини кенг акс эттиришган. Шу сабабли «Бобурнома» расмларининг хайвонот ва набототга бағишланган қисми Хиндистон табиатининг баъийи рангли иловасига ўхшайди.

Афсуски, инглиз олими Т.В.Арнольд «Бобурнома» кўлэзмасининг Честер Беатти мажмуаси нухасидаги Хиндистон табиати акс эттирувчи олти расми ва рағини Қазвинийнинг «Ажойиб ул-маҳлуқот» асаридан деб, хато қилди. Бу янглиш фикрни, хатто, баъзи Россия олимлари ҳам илтари суради.

Жумладан, профессор П.Петров 1960 йилда Москвада чоп этилган «Бобурнома» миниатюралари альбоми тўғрисида фикр юритиб, – «Бобурнома» бу бадиий асар, шунинг учун расмлардаги хайвонлар ва дарaxтларни аниқлаш шарт эмас, – дейди. Ваҳоланки, шу альбом сўз бошида таниқли санъатшунос олим С.И.Троляев расмлардаги жонивор ва парранда турларини мутахассислар таниб олиши мумкинлигини таъкидлаган.

«Бобурнома»да Хиндистон хайвоноти тавсифи филдан бошланган. Бобур ёзди: «Хайвонотким, Хиндистон махсусидур, вуҳушдин бир филдурким, Хиндистоний «хотий» дерким, Колпи виловтининг сарҳадларида бўлур. Андин юқори шарқ сари бока боргон сари саҳрой фил кўтрак бўлур. Ул орадин фил тўтиб келтурурлар. Карра ва Мониктурдин уттуз-қирк мавзайининг иши фил тутмоқдур... Фил азимул жусса ва зийрак жонивордур. Хар не десалар билур ва хар не буюрсалар килур...»<sup>15</sup>

Хайвонлар орасида биринчи бўлиб филнинг тавсифи берилиши тасодифий эмас. Балки, унинг баҳайбатлиги, оғир меҳнатга одамларга кўмаклаш бўлиши ва ўша давр армияларида тирик танк ролини ўйнаши билан изоҳланади. «Бобурнома» кўлэзмаси

<sup>15</sup> Бобурнома (2002), 198 бет.

Британия музейи нуسخасининг 378-варагида саҳройи филлар тасвирланган. Рассоми кайд этилмаган бу миниаторлада уч жуфт филнинг кенг ўрмон кўйида яйраб юриши акс этирилган. Ҳар жуфт фил алоҳида тасвирланган. Филлар баҳайбат бўлишга қарамай, қувноқ ва ҳаракатдан қилиб кўрсатилган. Шунинг учун бўлса керак, инглиз санъатшуноси В.Смит бу миниаторани филлар тасвирланган энг яхши санъат асарларидан бири деб, унга юқори баҳо берган эди (55 расм.).

«Бобурнома»да хайвонлардан яна қарқ, саҳройи говмиш, нилагов (мовий ситир); қалаҳара, қичик қийик, уй (хўжиз), маймунлар ва олмахон (Бобур уни сичкон деб ёзди) ва бошқа жониворларнинг тавсифини беради. Фил, қарқ, қалаҳара ва маймун ҳақида батафсил баён этилади. Бу хайвонлар «Бобурнома» кўлэмиси Британия музейи нуسخасининг олти ярим саҳифаси, Москва нуسخасининг уч саҳифасида тасвирланган. Тавсифи берилган хайвонлар ичида маймунлар тасвири алоҳида учрамайди. Баязи миниатораларда муаллиф исми кайд этилган. Масалан, говмишни — Сарун, қалаҳарани Шиям, Фирр нуسخасидаги қийикларни эса Канха ва Мансур исмли рассомлар ишлаган.

Миниатораларда хайвонлар алоҳида кўлэма мазмунини тўлдириб туради. Хайвонлар кўрсатилган. Улар малъум даражада кўлэма мазмунини тўлдириб туради. Хайвонлар тасвирида шартлиликка йўл қўйилса-да, лекин рассомлар асосий объектни бўёқларда акс эттиришда табиийлигини, ҳаётийлигини беришга муваффақ бўлганлар.

«Бобурнома»да паррандалар тавсифи товусдан бошланади. «Турдин: бир товусдир. Пуранг ва нурузеб жониворедур... Нарй (эркаги)нинг ва модасининг бошида йигирма-ўттиз пар бордур, икки-уч элик багандлиги бўлган. Модасининг яна зеб ва ранги йўқтур. Нарининг бошида тавки савсанийдир, бўйни хушранг кўктур. Бўйнидан куйи орқаси сарик ва тўтати кўк ва бинафша ранглар билан мунаққаш вокив бўлубтур... Баязи товусларнинг куйруғи бирар қулоч бўлур ва тулук парларининг остида қисқарок, ўзга қушларнинг куйруғидек, куйруғи ҳам бордур... Бақур ва Саводда ва андин куйи бўлур. Андин юқори қунар ва Ламғонот ва ҳеч ерда бўлмас. Учмоқта кирговулдин ҳам ожизрокдур. Бир-якки қағалдин ортуқ уча олмас. Учмоққа забўн жиҳатидин ё тоғда бўлур ё жангалда. Бу ажабтурким, товус бўлур жангалларда шавол кўп бўлур. Бир қулоч куйруғи била жангалдин жангалга юрур, шаволдин нечүк муғазаррир бўлмас экан. Хиндустоний «мур» дер. Тўшти холи аз маза эмас, дуррож тўштига ўхшар, вале тева этидик қароҳати табъ била ейладур...» («Б.» (2002), 200-бет.)

Британия музейида сақланаётган «Бобурнома» кўлэмаси матни ҳозирги замон илмий тавсифига жуда яқин туради. Матнда келтирилган табиатнинг аини тавсифини 383-б варақда номалъум рассом миниатора билан шарҳлайди. Унда Хиндистоннинг бир жуфт тўзал товуси маҳорат билан тасвирланган. Шунингдек, товус тасвири бошқа миниатораларда ҳам учрайди (57 расм.).

«Бобурнома»да яна куйидаги қушлар тавсифи мавжуд: тўти, шорак (майна тури), дўча (букаламун, хўрозча) дуррож (қаклик тури), қанжал, пулпайқар (тоғ қаклиги), саҳройи товук, чилсий (чил қаклик), бўдана (бедана) ва хоказо. Бу қушларни «Бобурнома»та ишланган миниаторалардан таниб олиш мушкул эмас.

«Бобурнома» миниаторалари орасидаги устод Мансурга тегишли бўлган унинг илк ижодига мансуб намуналар учрайди. Кейинчалик устод Мансур қушлар ва жониворлар суратини чизишда жуда моҳир санъаткор бўлиб етишди ва «Нодирул аср» унвонига сазовор бўлди. У яратган миниатораларни кузатсангиз, уларнинг юксак дид билан ишланганлиги ҳамда тасвирланаётган жониворнинг ўта ҳаётий чикканлигини гувоҳи бўласиз.

Бобур ўз асаридида қушларни икки гуруҳга ажратади. Биринчи гуруҳ — тузор қушлар номи билан кайд этилса, иккинчи гуруҳ «яна қушлардурким, сувада ва сув ёқалариди бўлур», деб изоҳланади. Бу гуруҳдаги қушлардан динг (хинд лайлаги), сорас ёки

теватурна, маник, лақлак (лайлак), улуғ бўзак (ибис), оқ бўзак, ўрдақлар, сор (қизил қалхат), олаккара, мури жангал, улуг шашпара, Хиндистон аккаси (ҳаккаси), сандуғоч, қарча (қора жарқалдирғоч), куйил (қакку), шакрок ва бошқа бир қанча паррандаларнинг тавсифи берилган.

Бобур тавсифта олган қушлар «Бобурнома» кўлэмаларининг Москва нуسخасида тўла эмас, аммо Британия музейи ва Честер Беатти мажмуаси нуسخалари расмларида анча тўлиқдир. Сув ва сув бўйида яшайдиган қушларни тасвирлашда рассомлар уларни албатта сув ёқасида турган ҳолатда кўрсатишган. Бу тоифа қушлар расмини ишлаганда Шанкар Гужароти, Падорат, Сур Гужароти ва Дхану деган санъаткорлар қатнашган. Шуниси диққатга сазовор-ки, расмлар турли санъаткорлар томонидан яратилса-да, уларнинг услуби бир-бирига жуда яқин.

Сув хайвонлари ҳам «Бобурнома»да алоҳида зикр этилган. Уларнинг ичида биз шери обий (денгиз шери — тимсох турларидан), сенсор (қора тимсох) хужки обий (сув тўнғизи), қарёл (тимсох турларидан), қакка балиги ва бақалар тавсифини учратамиз. Сув хайвонлари тасвирланган расмлардан тўрттаси «Бобурнома» кўлэмасининг Москва нуسخасида, иккитаси Честер Беатти мажмуасида, еттигиси Британия музейи нуسخасида мавжуд.

Бобур томонидан Хиндистон хайвонлари ва паррандаларининг тавсиф этилиши ва уларнинг кўлэма нуسخаларида бўёқли тасвирларда акс эттирилиши Хиндистон табиати тўзал ва ранг-баранг эканлигидан дарак беради.

«Бобурнома»да Хиндистон ўсимликларига ҳам катта ўрин берилган. Бу ҳақда профессор Х.Ҳасанов куйидагича фикр билдиради: «Бобур Хиндистон меваси ва бошқа дарахтлари ва тулларини табиатшуноста хос назар билан бирма-бир ва батафсил тасвирлаган».

«Бобурнома»да «Наботот» сарлавҳаси остида куйидаги ўсимликлар, дарахтлар тавсифи учрайди: анба (манто), қайла (банан), анбули (хурмойи хиндий), махва (тулчикон), бадхал (нон дарахти), тулар (анжир), ирунчий хурмо, норғил (қокос ёнғоғи), норунж (апелсин), лиму (лимон), турунж (цитрон), сангтора (апелсин нави), улук лиму (йирик лимон) ва хоказо.

«Бобурнома» кўлэмасининг Москвадаги нуسخаси миниатораларида йигирма беш дарахт тури тасвирланган. Уларни ишлаган рассомлар номалъум. Лекин, Британия музейи, Дехлидаги Миллий музейдаги кўлэмалар расмларида дегурли барча дарахтлар тасвирини кўришимиз мумкин. Бу расмларни рассомлардан Мискина, Кесу Гужаротий, Сарун, Шиям, Шанкар Гужаротий, Иқбол Наккош ва бошқа рассомлар яратгани малъум бўлди. Айрим дарахтлар тасвирида малъум даражада безакликка эътибор берилгани ҳам кўзга ташланади.

Рассомлар орасида Кесу, Шанкар Гужароти, Мискина ва Иброҳим Каххорнинг миниаторалари ўзининг юксак бадиий савияси билан алоҳида ажралиб туради.

Хиндистон туллари ҳам Бобур эътиборидан четда қолмаган. У жасун, қанир, қинора ва ёсуман сингари туллларнинг тавсифини ёзиб қолдирган. Бу туллар расми фақат Британия музейи нуسخасидагина мавжуд бўлиб, уларни Кесу Гужароти ва Иброҳим Наккош сингари исътеъдолли рассомлар ишлаган. Иброҳим Наккош Хиндистоннинг жанубидаги Декан вилоятидан бўлиб, кейинроқ Аграга келган.

Бобурнинг ўлмас асари «Бобурнома» табиатшунослик, жуғрофия, ботаника, зоология соҳасида қимматли ёлғорлик бўлибгина қолмай, бағки мўътабар кўлэма нуسخаларига ишланган миниаторалари билан бадиий, эстетик ва илмий қимматга ҳам эгадир. Чунки, бундан 400 йил олдин нафис миниатораларда тасвирланган Хиндистон хайвонлари ва ўсимликлари бүгунги китобхонни ҳам гоёт қизиқтиради. Қолаверса,

«Бобурнома»нинг Хиндистон тавсифи ксимидagi суратлар миниатора санъатидagi хайвонлар тасвири (анималистика) жанри тараккиятда алоҳида даврни ташкил этади.

«Бобурнома» миниатораларидa тасвирланган хайвонот ва наботот хилларининг кўпчилиги билан хусусиятланиб қолмай, расомларнинг юксак маҳорат савияси, расмларнинг нафислиги, рангларнинг ранг-баранглиги ва ўзаро уйғунлиги билан ҳам яққол кўзга ташланади. Тарихчи Абулфазл Алломий томонидан устод Камолддин Бехзод дурдона асарларига тенглаштирилган бу миниаторалар хозирги замон китобхонларини ҳам хайратга солади.

Шу миниаторалардан ўзбекистон «Фан» нашриёти томонидан чоп этилган «Бобурнома расмлари» альбому 1971 йилги Лейпцигда ўтказилган халқаро китоб кўргазмасида кумуш медаль билан мукофотланган. Бу эса ўз даврининг мохир расомлари томонидан яратилган ва Хиндистоннинг бой табиатини акс эттирувчи ажойиб бир ноз ўн олтига расмнинг тан олинишидир.<sup>16</sup>

Расмлар: 1. Ўрмон кўйида сайр қилиб юрган ёввойи филлар. Британия музейи нусхасидан; 2. Қалаҳара — қора кийиклар жанги. Москва музейи нусхасидан; 3. Шорак қуши тасвири. Рассом Мансур. Британия музейи нусхасидан.

### Бобур ҳаёти, ижоди ва унга доир миниаторалар

Ўзбек муштовз адабиётининг улкан намондаси, атоқли шоир, олим ва давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ҳамда ижоди асосан кўпчилик адабиётшунос олимлар томонидан алоҳида ўрганилган. Ўзбекистондаги Бобуршунослардан Воҳид Зоҳидов, Ҳамид Сулаймон, Сабоҳат Азимжоновва, Ҳамидулла Ҳасанов каби тадқиқотчилар бу мавзуда қатъа ишлар қилишган. Биз ушбу мақолада Бобурнинг ҳаёти, фаолияти, шу мавзуга доир айрим миниаторалар ҳақида фикр юритамиз.

Мирзо Бобурнинг «Вақоийъ» ёки «Бобурнома» номли асаридa Фарғона, Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хиндистонда бўлиб ўтган тарихий воқеалар, табиат ва халқлар тавсифи ёзилган. Бу кимматли асар форс, рус, инглиз, лотин, немис, француз, урду, турк, хинд ва бошқа тилларга таржима қилинган.

Аруз назариясига оид Мирзо Бобур рисоласини мутахассислар «Муфассал», «Муҳтасар», «Рисолаи аруз» ёки «Аруз рисоласи» деб юритишади. Яқин йилларгача бу асар кенг жамоатчиликка номалғум эди. Уни 1971 йили Тошкентда профессор Ҳамид Сулаймоннинг 1968 йили Париж Миллий кутубхонасидан келтирган фотокопия асосида ёш олим Сайдобек Ҳасан томонидан нашр қилинди. Бир йилдан сўнг Москвада И.В.Стебелёва ҳам бу асар кўлёмасини эълон қилди. Сайдобек Ҳасан тайёрланган нашрнинг матбаа савияси пухта бўлиб, у хозирги ўзбек алифбосида ҳам берилган. Мутахассислар баҳоסיча, Мирзо Бобурнинг бу рисоласи аруз назариясига оид энг мукаммал ва нодир тадқиқотдир.

Бобурнинг фарзандлари Ҳумоюн ва Комронга бағишланган «Муобайин» номли асарда ислом қонуниятлари шеърйи услубда баён қилинган. Бу китоб 1905 йили Тошкентда тошбоқмада тўла нашр қилинган. Ундаги айрим парчалар 1958 йилда нашр этилган Бобурнинг танланган асарлари жумласига киритилган.

Ҳожа Аҳрорнинг «Волидия» номли асарини Бобур шеърйи таржима қилган. Шунингдек, у «Хатти Бобурйи», деб аталувчи махсус алифбони ҳам ихтиро қилган.

XVI аср тарихчиси Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг ёзишича, Мирзо Бобур ўзбек муштовз шеърйида Алишер Навоийдан кейин турди. Ҳозир Бобур «Девон»и кўлёмасининг бештаси мавлӯм бўлиб, улар Туркия, Хиндистон ва Францияда сақланади. Юқоридagилардан ташқари, Бобур Мирзонинг ўзи ва тарихчиларнинг ёзишича, у «Музыка илими» (музыкага оид рисола), «Харб иши» (харбий иш назариясига оид асар) ва кофияга оид рисола ҳам яратган. Аммо, улар хали фанга мавлӯм эмас.

«Вақоийъ» номли асаридa тарихий воқеалар билан бирга Мирзо Бобурнинг ўн икки ёшлигидан, то ҳаётининг охиригача ноз берган воқеалар баён этилган. Муаллиф бу комусий асарни ёзишда қатъа меҳнат сарф қилган. Мирзо Бобурнинг «Вақоийъ» асари, асосан, шартли уч қисмдан иборат дейиш мумкин. Уларда Бобурнинг Марказий Осиё (Фарғона ва Мовароуннаҳр, 1494 — 1504 йиллар), Кобул (Хуросон ва Афғонистон, 1505 — 1524 йиллар), Хиндистон (1525 — 1530 йиллар)даги ҳаёти, фаолияти батафсил хикоя қилинган.

Шоир, хатот Мирзо Бобур тасвирланган миниаторалар бисёр. Уларни, асосан, икки гуруҳ миниатораларга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга мансуб миниатораларда унинг асарлари рангтаъсир тилида ифода этилган бўлса, иккинчи турдаги миниатораларда Мирзо Бобурнинг алоҳида портрети тасвирланади. Аниқланишича, Хиндистонда нозга яқин рассом «Вақоийъ» асарининг ўн учта кўлёмасига беш юздан ортгак миниаторалар ишлаган.

Ўн икки яшар Бобур Фарғонада подшоҳлик тахтига ўтиради. Миниатораларнинг бирида ёш Бобурнинг Фарғона тахтига чиқиб маросими тасвирланган. Унда Андижон арки ҳам ўз ифодасини тонади. Суратнинг ўнг томонида бағанд айвон ва безатилган тахт кўринади. Шоҳлик либосидagi Бобурнинг олдига устози Мавлоноийи Қозий Абдуллоҳ ҳам тасвирланган. Устози Андижоннинг машхур қозилари олдидан чиққан, жуда билгилли, довнорак, вазмин киши бўлиб, Мирзо Бобур ҳаётда муҳим ўрин тутган.

Бобур ҳокимият учун бўлган ўзаро жангларда икки марта Самарқандни эгаллаган. Самарқандга биринчи юришида галабани бирмунча осон кўлга киритган. Иккинчи юриш эса, Бобурнинг ҳаётда ўчмас из қолдирган. Бу ҳақда ёш Бобур Мирзо «Вақоийъ» асаридa шундай ёзди: «Бу иккинчи навбат Самарқандни олгонда (1506 йили) Алишербек тирик эди. Бир навбатга манга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам китобат йибориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб юбориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ва тавғо бўлди».

Мирзо Бобур Алишер Навоийдан ташқари бошқа шоирлар билан ҳам фикр алмашиб турди. Форсча рубоий билан аруз холини нэхор қилган Мулла Биноийга ёш Мирзо шундай жавоб қайтаради:

*Ишлар бори кўнгулгудайдек бўлгусидир,*

*Нинъому вазифа бори бўйрлуғусидир.*

*Уи галлаю маҳмаки деб эдинг, бердим,*

*Мадамалга бўю галладин уй тўлгусидир.*

Бобур Мирзо ўзаро жанглар бораётган бир пайтда, 1502 йилда ўзининг илк ғазалини ёзди. Ушбу ғазалнинг бошланиши ёки матлаъси куйидагича:

*Тақаллуф ҳар неча суратта бўлса андин ортқисен,*

*Сени экон дерлар, аммо бемақкалуф экондин ортқисен.*

Бобур илк ижоди тўрисида тўхталиб шундай деган: «Бу ғазал олти байт турур. Муъддин сўнг хар ғазалким тутанди ушул тарттиб билга — ўк битилди».

<sup>16</sup> Журнал тахририяти хатоси билан фамилияи Мадумаров деб ёзилган.

Унинг илк ижодининг кимматли томони шундаки, ифода тили жуда содда ва раво. Мирзо Бобурнинг тафаккур олами кай даражада шаклланганини тўғрисида профессор Хамид Сулаймон куйдаги хақли фикрни билдиради. «Шубҳа йўқки, у дастлабки маълумотни Андижонда, асосан, ўз она тили бўлган ўзбек тилида олди. Мирзо Бобурнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари, унинг эстетик таъби ва илмий қизиқувчанлиги Мирзо Улғубек, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Дутфий ва бошқа Шарқ классикларининг гениал асарлари таъсирида шаклланди».

Тахт учун курашларнинг бирида ғолиб чиққан Мухаммад Шайбонийхон Темурий шазодаларининг қўлчилигини қатъ этди. Уларнинг баъзилари Мовароуннахрни тарқ этишга мажбур бўладилар. Буларнинг бири Бобур Мирзо бўлган. Ватанни тарқ этиши воқеасини у шундай тасвирлайди:

«Хотиримга келдиким, тоқай бу Фаргона вилоятида саргардон бўлиб турмок керак, бир тарафта талаб кийонин деб». Уша пайтларда-ёк Бобур шеврлар битишни машқ килар эди. Унинг она кортида, Ушда қурилган бир тош уй ва Бадахшон тоғларидаги тошларга битилган шеврлари қолиб кетди. Бобурнинг асарлари ўзбек тилида бўлиб, уларда Ватан, юрт, халқнинг бадийий сиймоси ифодаланган.

Марказий Осиё даврини тасвирловчи эллика яқин миниаторларда Бобур шахси турли санъаткорлар томонидан хар хил талқин қилинган. Булардан энг муваффақиятли чиккани миниаторлар Номо, Сонвала ва Фаррухбекка мансубдир.

Бобур Кобулда, тахминан йигирма йил яшаб ва ижод қилди. Бу унинг ҳаётидаги энг баракати йиллар бўлди. Афғонистондаги фаолиятини баҳолаб америкалик олим Харольд Дэмб, «Бобур Кобулда қичик Самарқанд барпо этган», - дейди. Хақиқатдан, бу жойда у «Боғи вафо», «Боғи сафо» ва «Боғи қалон» каби боғлар яратган. Тавқидлаш дозим-ки, унинг ўзи ҳам «Боғи Бобур»га дафн этилган. Бобур Мирзо ижодининг бу даврда яратилган ғазаллари ҳаёт, севаги, бахор ва ёшлиқни қуйлашга бағишланган.

«Боғи қалон» (Қатта боғ) «Вақойеъ»да шундай тасвирланган: «Бу кентда Боғи Қалон отлик Улғубек Мирзонинг бир масъуб боғи бор эди. Мен уни эгаларига баҳо бериб олдим. Боғдин ташқари улғу чинорлар бор, чинорларнинг туби сабзалик, сафолик манзилдир. Боғнинг ўртасидан бир тегирмон суйи хамиша жоридур. Бу арик ёқасида чинорлар ва дарахтлардур. Бурун бу арик эгри-бугри ва бесиёк эди. Мен бунордимким, бу ариқни рата ва сиёк билга қилдилар. Бисёр яхши ер бўлди».

Миниаторлардан иккитасида Мирзо Бобурнинг боғонларга арик бўйини тартибга келтиришни айтётган айни вақти тасвирланган (30-31 расмлар).

1506 йилда Бобур Мирзо Султон Хусайн вафоти муносабати билан Хиротга таззияга боради. У ерда йигирма кун Алишер Навоий яшган уйда тўхтаб, Хирот шахрининг тарихий ёлгорлиқлари, шоир ва олимлари билан танилади ҳамда уларнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ўзининг «Вақойеъ» асарида муқаммал ёзди. Хиротда Султон Хусайн ўғиллари Бадиуззамон ва Музаффар Мирзолар Бобурни хурмат ва эҳтиром билан қўлиб оладилар. Бу воқеаларни акс эттирувчи миниатура асарида Бобур марҳум Султон Хусайн Мирзонинг хотинлари Султон Поиндабегим ва Хадичабегимга ўз тазъясини нэхор қилмоқда.

Алишер Навоий шахрида, унинг уйида бўлиш Мирзо Бобурга буюк мутафаккир ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танилиш имконини беради. Султон Хусайн ва Алишер Навоий давридаги Хирот хотиралари Мирзо Бобурда ўчмас таасурот қолдирган: «Султон Хусайн Мирзонинг замони ажаб замоне эди, ахли фазаил ва беазир элдин Хуросон, батахсис Хири шаҳри мамлу эди. Хар қилинингким бир ишга машғуллиги бор эди, химмати ва ғарази ул эдиким, ул ишни қамолга еткуртайи».

Кобулта хоким бўлган Бобурнинг улкан давлат тузиш орауси уни Хиндистон томон етаклади. Бу харбий сафарга маълум даражада маҳаллий беқлар, хатто, хинд рожаси Рана

Санграмнинг ёрдам билан мувожаат қилиши ҳам сабаб бўлган. Бобурнинг ёзишича, унинг бешинчи юриши, Дехли Султонини хокимиятдан четлатиш билан тугалланган. Мирзо Бобур Хиндистонда узок яшмади.

«Вақойеъ» китобининг охириги қисми Хиндистон табиати ва тарихига бағишланган.

Мирзо Бобурнинг сўнгги йилларида уни бир томондан, она-Ватан соғинчи ўртаса-да, иккинчи томондан, улкан давлат қомушлари бутунлай чарчати. Хиндистонда Мирзо Бобурни қўш нарсаалар қизиқтирди. Айниқса, маҳаллий аҳоли маданияти ва санъати унинг диққатини жалб этган.

Миниаторларнинг бирида, машхур Панипат жангидан сўнг Дехлига келган Мирзо Бобурнинг бир гуруҳ маҳаллий аҳоли вақиллари билан учрашуви тасвирланган. Бу миниатура муаллифи ёш рассом Кесу Хурд бўлиб, у асарида Бобурнинг маҳаллий аҳолига муносабатини жуда яхши кўрсата олган. Тасвир XVI аср хинд ҳаётининг ажойиб бадийий давҳаси бўлиб, унда давр нафаси ўзининг ранглардаги аксини топган.

Янги давлат ташқил топиши билан ободончилик ишларига қатта эътибор ва маблар сарфланди. Буни Мирзо Бобур фахр билан қайд этган: «Бир Аграда ушбу Агранинг сантарошларидин менинг иморатларимда хар кунни олти ноз саксон қиши иш қилурлар эди. Яна Аграда ва Сикрида ва Биннада ва Дулнурда ва Гвалиёрда ва Кулда минг тўрт ноз тўксон бир сантарош хар кунда менинг иморатларимда иш қилурлар эди». Унинг ободончилик соҳасидаги фаолиятини акс эттириш мақсадида мусаввирлар Бобур Хиндистонда барпо этилган гўзал ва сўлим боғларни ўз асарларида тес-тес қаламга олганлар.

Хиндистонда улкан мерказлашган давлатни бошқариш Бобурга бахт келтирмади. Айниқса, Ватан соғинчи уни холдан тойдирди ва у ўз рубойида бу холатни алам, ўқинч билан шундай ифодалаган эди:

*Толе йўқи жонимга бағолинг бўйди,  
Хар тилики айладим, хатомле бўйди,  
Ўз ерни кўйиб, Хинд сори юзландим,<sup>17</sup>  
Ёраб, нетайин, не ноз қарелиг бўйди.*

Ҳаёти ва ижодининг сўнгги даврида Мирзо Бобур Хиндистон табиати билан жуда қизиқиб қолади, бунни асарида жўшқинлик билан тасвирлайди. Умрининг охириги қулгарига «Вақойеъ» («Бобурнома»)га бўлиб ўтган воқеаларни қайд этиб, «Волгидия» таржимаси, «Хинд девони»ни тугатишга ўринган.

Хиндистонлик рассомлар мазкур даврдаги Бобурни тажрибаги сарқарда табиатшунос олим ва юрт фаровонлиги тўғрисида қайғурувчи олийжаноб инсон сифатида тасвирлашди.

«Вақойеъ» миниаторларида ҳам Мирзо Бобур ҳаётининг турли даврлари ўзига хос тарзда ифодаланган. Шу сабабли, улардан Мирзо Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганишда асосли хужжат сифатида, шунингдек, ўрта аср тўғрисида тасаввур хосил қилишда фойдаланиш жуда ўринлидир.

Расмларда: 1. Бобурнинг ўн йиллик айрилиқдан сўнг ораси Хонзода бегим билан Кундуздати учрашуви. Фаррухбек расми. Британия музейи қўлёзмасидан; 2. Бобур «Боғи қалон»да ободончиликка раҳбарлик қилмоқда. Махеш расми. Юкоридати қўлёзмадан; 3. Бобур марҳум Султон Хусайн Мирзонинг хотинлари Султон Поинда Бегим ва Хадича Бегимга ўз тазъясини нэхор қилмоқда. Хисор Чела расми. Юкоридати қўлёзмадан; 4. Бобур тасвирлаган хайвонлардан бири. Юкоридати қўлёзмадан.

<sup>17</sup> Ушбу рубойи биринчи бор юқорида 13 бетда келтирилган.

### Захирдлин Мухаммад Бобур ҳаёти ва ижодига онг муҳим саналар

- 1483 йил, 14 февралда Фарғона вилоятининг пойтахти Анджижон шаҳрида туғилган.  
1488 йилда Бобур биринчи марта Самарқанд шаҳрида бўлган ва бу шахар билан танишган.  
1494 йил, 6 июлда Фарғона вилоятининг ҳокими бўлган.  
1496 йилда шoir Мухаммад Солиҳ ва Биноий билан учрашган.  
1497 йил охирида биринчи марта Самарқандни кўлга киритган.  
1500 йилда иккинчи марта Самарқандни эгаллаган. Алишер Навоий билан мактублар ёзишган.  
1504 йилда Кобулга юриш бошлаган.  
1504 йил, сентябрда Кобулга эгаллаган. Шу йили «Хатти Бобурий»ни тузган.  
1506 йилда Хирот шаҳрига Султон Хусайн Мирзо тазвиясига борган ва Алишер Навоий кўрдирган барча бинолар билан муфассал танишиб чиққан.  
1508 йил, 8 мартда фарзанди Хумон дунёга келган ва Бобур ўзини подшоҳ деб аташни буюрган.  
1511 йилда Самарқандни учинчи марта эгаллаган.  
1519 йил, июлда Самарқанд шаҳри ҳокими Фулод Султонга ўзининг девони кўлбасасини юборган.  
1528 йил, 27 декабрда Хиндистонда яратган шеърлари «Хинд девони»ни тутатгани ҳақида дастхат чеккан. У Бобурдан бизгача етиб келган ягона дастхатдир.  
1530 йил, 26 декабрда Бобур Агра шаҳрида 47 ёшида вафот этган.

### Адабиёт музейи 1974 йили

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи 1974 йили катта ишлари амалга оширди. Музейнинг энг катта замонавий ўзбек адабиёти бўлими бутунлай қайтадан яратилмоқда. Алишер Навоий ва мумтоз адабиёт бўлимларини янги материаллар билан бойитиш, замонавий ёзувчи ва филолог олимлар архивини жамлаш ва қайта ишлаш, Анджижон шаҳрида адабиёт музейини ташкил қилиш, адабиётимизнинг атоқли вақиллари ҳаёти ва ижодий йўлини ёритувчи альбомлар тайёрлаш каби ишлар бажарилмоқда.

Музей олимлари бу вазифаларни бажаришда маҳаллий ҳамда Россиянинг Москва ва Санкт-Петербурглик расом, график, амалий санъат усталари билан ижодий ҳамкорликда бўлмоқдалар. Чунончи, Санкт-Петербурглик расомлардан Л.Острова, И.Баскаков, Рейхт, Пентошин, Котик ва бошқалар ҳамда, Суфизода, Фафур Фулом, Садриддин Айний, Абдулла Кодирий, Шайхзода, Хамид Олимжон, Ойбек, Абдулла Каҳҳор, Комил Яшин, Саид Аҳмад, Шукрулло, Асқад Мухтор, Иброҳим Раҳим, Зулфия, Саида Зуннунова, Гүлчеҳра Жўраева, Эркин Вохидов, Абдулла Орипов каби элликка яқин ўзбек адабларининг портретлари сериясини яратдилар.

Санкт-Петербурглик уста фотографиярдан Николай Кармазин ва Валерий Кюнерлар эса, музей фототекасини ва замонавий ўзбек адаблари фотопортретларини яратдилар.

Музей жамоаси 1974 йили XX аср замонавий ўзбек адабиёти вақили, шoir ва драматург ҳамда Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаёт йўли ва ижодини ёритувчи график расмлар альбомини нашрга тайёрлаган эди. Яқинда у чоп этилди.

«Ҳамза» альбoми филолог олимлар билан график расомларнинг ижодий ҳамкорлиги натижасида яратилди. Уни яратувчилар — тузувчи филология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан аربоби, профессор Хамид Сулаймон,

сўзбоши ва расмлар изоҳини ёзган санъатшунос Ш.Камбарова, график расом К.Башаров ва Э.Охуновлардир. Альбом Ҳамзанинг ҳаёти, фаолияти ва серкира ижодининг энг муҳим йилгирма тўрт давҳасини акс эттирган график расмлардан иборат. Сўзбоши ва расмлар изоҳи ўзбек, рус, инглиз ҳамда форс тилларида берилган. Бу ҳол унинг хорижий Шарк ва Европа мамлакатларидаги китобхонларга етиб боришини таъминлайди.

Альбом пухта ўйланган композицион ечимга эга. Расмларнинг бир қисми тарихий фактлар, ноёб фотографиялар асосида яратилган бўлса, қолганлари расомлар ижодий фантазиясининг маҳсулидир. Лекин, мазкур расмларнинг ҳар бири ўзининг оригиналиги, қарамонларнинг ички ва ташқи кифасини яхши очиб бера олганлиги, воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини тўла ёритиши, юксак бадиий савияси билан ажралиб туради.

Тематик жиҳатдан расмлар хилма-хил. Ҳамза туғилган жой, ўқувчилик даври, илк ижоди, муаллимлик йиллари, маврифат адабиёт, санъат ва мусика равнақи учун кураши, ижодкор дўстлари, фаолиятига бағишланган расмлар ўзига хос галереяни ташкил қилади.

Альбомнинг биринчи расмида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг умумлаштирилган сиймоси акс эттирилган. Шoir минбарда нутқ сўзламоқда. Расом Ҳамзанинг оташин сўзларини тинглаш учун йнтилган кишиларни ҳам, шoirнинг олийжаноб кифасини ҳам яхши тасвирлай олган. Юқоридаги фонда кўёш акс эттирилган бўлиб, у тараккиёт рами сифатида талкин этилган. Тўё шoir ҳар қандай қийинчилик ва тўсиқларни кўрмай, нурга, мустақилликка интилган халққа пешвоз чиқаётгандай. Халқ ичидан етишиб чиққан ва бўлуи ҳаёти, ижодини ана шу халққа бағишлаган оташнафас шoirнинг бу биринчи расми шубҳасиз альбом яратувчиларининг муваффақиятидир.

Ҳамза ўзининг серкира ижоди билан ўзбек адабиёти, санъати, мусикаси, драматургияси соҳасида муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам «Ҳамза ўз ижодхонасида» номи расмда расомлар шoir ижодининг турли қирраларини акс эттиришга ҳаракат қилганлар. Шoir ижод дарди билан банд. У қандайдир янги асарини ёзмоқда. Расомларнинг ютуғи шундаки, расмдаги кичик деталлар орқали шoirнинг ўзи шеър ёзиб, уни кўйга солувчи бастакор ҳам эканлигини ифодалай олганлар.

Шoir ижоди ўз замонида янгича новий-бадий мазмун касб этди, даврнинг руҳи акс этди. У ўзгарилар куйчиси ва химоячиси бўлди. Мана шу жиҳатдан альбомдаги «Ҳамза ва Маяковский» номи расм алоҳида эътиборга сазовор. Ҳамза Ўзбекистонда, Маяковский Россияда аср бошидаги ўзгариларни қувонч билан кўтиб олиб, ўз ижодлари билан янгиликлар жарчисига айландилар, меҳнатқашларни янгиликларга чорловчи шеърлар яратдилар.

Ҳамза замонавий ўзбек драматургияси асосчиси бўлибгина қолмай, ўзбек театр санъатининг ҳам асосчи ва раҳнамоларидан бири эди. Шoirнинг бевосита раҳбарлиги ва таъхурилиги натижасида ўзбек театрнинг доврўғини дунёга таратган Маннон Уйғур, Кори Ёқубов, Тамарахоним, Ҳожи Сиддик, Абдор Хидоят, Сора Эшонтураева, Маҳсума Кориева, Уста Олим, Обид Жағилов каби санъаткорлар етишиб чиқдилар. Альбом авторлари Ҳамза фаолиятининг ана шу қирраси, яъни унинг ёш санъаткорларни тарбиялаш, уларга ҳомийлик кўрсатиш ва ижодий ҳамкорлигини очиб берувчи бир қанча расмлар ишлаганлар.

Ҳамза ўша алағтали йиллар маданий ва ижтимоий енесий ҳаёлда рўй бераётган барча ўзгариларда фаол иштирок этиб, ўзининг катта ташкилотчи ва устод эканлигини намойиш қилди олган эди. Масалан, у ўзгарилар даврида олдинги сафда бўлди, ер-сув ислоҳотида фаол қатнашди. Айни шу чоқда ижод билан шугулланди. Шу жиҳатдан, «Ҳамза ёзувчи ва шoirлар даврасида», «Ҳамза аёллар тенглиги учун курашчи» каби расмларнинг альбомдан ўрин олиши шoirнинг серкира фаолиятини кенроқ тасаввур қилишимизга имкон туғдилади. Мана, яна бир расм: Ҳамза атоқли адиб, ўзбек романчилиги асосчиларидан бири Абдулла Кодирий, Ўзбекистонда биринчи бўлиб «халқ

шоири» фахрий унвонини олишга сазовор бўлган ажойиб шоир Сўфизода, шоир ва драматург Хуришд билан ижодий суҳбат курмоқда.

Альбомдаги расмий расмлар ҳам мавжуд бўлиб, уларда шоирнинг фахрий унвон олиш пайти ифодаланган.

Альбомнинг сўнги қисмидаги «Ҳамза мероси», «Ҳамза номли Кўкон драма театри», «Кўкон шаҳрида Ҳамзата ўрнатилган хайкал», «Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри», «Шоҳимардондаги Ҳамза макбараси» каби расмларда бутун ҳаёти, ақл — идроки ва билиминини халқ бахт — саодати учун курашга бахшида этган инсоннинг қадрлигини ўз ифодасини тошган.

Хулоса қилиб айтганда, шоир ва улкан санъаткор Ҳамзанинг ҳаёти ва ижоди шу кунга қадар кино ва сахнада, бўёқли асарлар ва хайкалгарошиликда, бадиий ва илмий адабиётларда яратилган эди. Биринчи мартаба шоир ҳаёти ва ижодини қисман қамраб олувчи график расмлар галереясидан ташкил топган «Ҳамза» альбомининг яратилиши ҳамзашуносликка қўшилган муҳим ҳиссадир.

Адабиёт музейи жамоаси адабиётимиз йирик вақилларига бағишланган ана шундай альбомлар туркуминини яратилиши мўлжаллашмоқда.

Суратларда альбомдан олинган иккита график расм.

М.Муродов билан ҳаммуаллифликда.

### «Бобурнома» миннаторалари

Шарқ халқлари маданияти тарихида қадимги ёзма ёдгорликларни зийнатлаш учун яратилган мўъжаз миннаторалар алоҳида ўрин тутди. Ижодий ҳамкорликда китобат ёзилган нафис тасвириги кўлёмалар ўша давр мадания, ижтимоий ҳаёти ҳамда эстетик қарашларини ўрганишда ноёб манбаълардир.

Абӯлқосим Фирдавсий, Низомий Янжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий кўлёмаларини моҳир хаттотлар қайта-қайта қўчирган бўлсалар, машхур расомлар миннатора билан зийнатлаганлар.

Илм аҳли, хаттот ва расомлар эътиборини қозонган асарлардан бири — Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»сидир. Бу китоб қатта илмий, бадиий аҳамиятга эга бўлиб, бундан ташқари XVI асрда уч марта форс тилига таржима қилинган. Шунлар ичда асли нусхага яқин лашкаробоши ва шоир Байрамхоннинг ўгли Абдураҳимхон томонидан 1589 йили амалга оширилган таржималар.

Ҳозирги кунда жаҳон кутубхоналари кўлёмма фондларида мазкур таржиманинг олтинш сақкиз нусхаси бўлиб, уларнинг ўн учтасини юздан ортик расом томонидан беш юзга яқин мўъжаз тасвирлар билан безатишган. XVI — XIX асрлар давомида Хиндистонда яратилган бу миннаторали кўлёмалар Россия, Хиндистон, Англия, Франция, Ирландия ва АКШ музей, кутубхона ва шахсий мажмуаларида сақланмоқда.

«Бобурнома»нинг миннаторалар билан энг кўп безатишган нодир нусхаси Хиндистон пойтахти Деҳлидаги Миллий музейда сақланади. Наставлик ҳақида қўчирилган 382 варақли бу кўлёманинг 145 саҳифаси бир юз саксон учта миннатора билан зийнатланган. Уни безашда кирк сақкиз нафар мусаввир иштирок этган. Улардан Кесу, Махху, Мискина, Жаганнатх, Махеш, Кхемкаран, Фаррухбек ва устод Мансур замонасининг энг машхур санъаткорларидан саналган. Мазкур кўлёмма миннатораларидан шу пайтгача фақат 10 таси тадқиқотчилар томонидан эълон қилинган<sup>18</sup>.

<sup>18</sup> 1983 йили хиндистонлик олим М.С.Рандхава инглиз ва хиндий тилларида йиғирматга расмини ранглик қолтағларини ок-қора альбом қилиб чоп этган.

Биғачча етиб келган «Бобурнома»нинг яна бир кўлёмма нусхаси Британия музейида сақланади. Ҳажми энг қатта, йирик наставлик ҳақида қўчирилган 528 варақли бу кўлёммада қўш зарваракдан ташқари, бир юз ўн олти саҳифада миннаторалар бор. Китобни зийнатлашда кирк олти мусаввир иш олиб борган. Кўлёманинг 93 саҳифасида берилган расмлар филология фанлари доктори, профессор Ҳамид Сулаймон томонидан нашрга тайёрланиб, 1970 йили рангли альбом ҳолида, ўзбек, рус ва инглиз тилларида махсус сўзбоши билан босилиб чиққан.

Москвадаги Шарқ халқлари маданияти музейида сақланган «Бобурнома» расмлари ҳам энг юқсақ санъат намуналаридан ҳисобланади. Номалум кўлёмалардан олинган 57 варақда 72 миннатора бор. Расомлар номи қайд этилмаган бу миннатораларни 1960 йили профессор С. Толмаев «Бобурнома» кўлёмаси расмлари» номи билан нашр эттирган.

Англиянинг Викториа ва Альберт музейида сақланган «Бобурнома» расмлари ҳам ўз тарихига эга. 1913 йили музей томонидан сотиб олинган 17 та миннаторали варақда кўпгина расомлар номлари қайд этилган. Булар орасида Басован, Дал, Мискина, Рамдас, Деви, Исмоил, Ёқуб Қашмирий, Вишнулас ва Нонха номлари бор. Инглиз олими Б. Грей бу нусхага тегишли бир варақ Британия музейида эканлигини ёзди. Викториа ва Альберт музейидаги «Бобурнома» миннаторалари машхур бўлишига қарамай, улардан фақат тўрттаси турли манбаъларда чоп этилган, ҳоло.

Ирландия пойтахти Дублин шаҳридаги Честер Беатти кутубхонасида «Бобурнома»нинг номалум кўлёмасидан олинган 16 та миннаторали 6 варақ бор. Кутубхонадаги хинд миннатораларини илмий тавсифта олган инглиз санъатшуноси Т. Арнольд бу 6 варақни Қазвиний асари «Ажойиб ул-маҳлуқот»нинг Хиндистон нусхасига тегишли, деб таҳмин қилди. Биз уларни Британия музейи ҳамда Москвадаги «Бобурнома» миннаторалари билан солиштириб, Бобур асарига ишланган миннаторалар эканлигини аниқладик. Ыхван, Бура, Иброҳим Қаххор, Қонха, Кесу Хурд, Моний, Махеш ва Мискина томонидан ишланган бу расмлар 1927 йили Парижда Шифер деган кишидан сотиб олинган.

Париж Миллий кутубхонасининг Смит-лессоф фондида «Бобурнома»нинг яна бир кўлёмаси бўлиб, ундаги расмлардан иккитаси француз олими Фернанд Гренандининг «Бобур» монографиясида 1930 йили Парижда босилган.

Америкадаги давлат ва шахсий тўпламларда «Бобурнома» расмларидан яна бир нечтаси бор. Улардан фақат учтаси матбуотда эълон қилинган<sup>19</sup>.

Хиндистоннинг Алавар шаҳри музейида ҳам 18 та миннатора ишланган «Бобурнома» кўлёмаси сақланади. Ундаги миннаторалардан 7 таси инглиз олими В. Рашбрукнинг «XVI аср сулола асосчиси» монографиясида 1918 йили инглиз тилида Оглоҳободда нашр қилинган.

Хуллас, тадқиқотлар натижасида аниқланишича, «Бобурнома»нинг миннаторали кўлёмма нусхалари ўн биттадан ортик бўлиб, уларда 500 га яқин нафис мўъжаз асарлар ишланган. Улар XVI аср миннатора санъатини ўрганишда бебаҳо манба ҳисобланади.

Мамлакат ободончилиги мавзусига бағишланган миннатораларда Фаргона, Самарқанд, Қобул ва Атра шаҳарлариданги бот, иморат, оромгоҳлар тасвирланган. Булар орасидан Одинатур шахри яқинидаги «Боти вафо» тасвирланган миннатора кўпчилиги кўлёмаларда учрайди. Бу бот тўғрисида Бобур шундай ёзди: «Одинатур кўрғонининг

<sup>19</sup> Кейинги маълумотларга кўра аниқланган АКШнинг музей, кутубхона ва шахсий мажмуалариданги «Бобурнома» кўлёмаси ва расмли варақлар юқори (19 бет)да зикр этилди.

олида, жанубий тарафда, бир бағандида тарихи тўқкуз юз ўн тўртда бир чакорбоғ соғдим. Боғи вафода мавсум, рудка мушриф, руд кўрғон бида боғнинг орасидадур, норунжи ва турунжи ва анори бисёр бўлур... кила (банан) келтуруб эжуруб эдим, сабз бўлб эди... Найшакар дағи эжиб эдилар, яхши найшакарлар бўлб эди... Ери муртафий, оқар сўйи мутғасил, хавоси кишлар муьтадил, боғнинг ўртасида бир кичикрак пушта воже бўлбтур, бир тегиримон сўйи бу боғнинг ўртасидин ва боғнинг ичидати пуштанинг устидин ҳамиша жорийдур. Боғ ўртасидати чораман бу пуштанинг устида воже бўлбтур. Боғнинг фарби жанубий тарафда дахи дар дах хавзедур, атрофи тамом норунжи дарахларидур, анор дарахлари хам бор. Бу хавзнинг гирано-гирди тамом себаргазордур. Бу боғнинг айн ери ушбудур. Норунжлар саргаргон маҳалда бисёр яхши кўринур, хейли яхши боғ воже бўлбтур».

Шоир муҳаббат ва ифтихор билан тавсиф этган бу боғни «Бобурнома»нинг Британия музейидаги нусхасида расом Дхану, Виктория ва Альберт музейидаги нусхасида Вишнудас ва Нонха, айникса, гузал тасвирлаган. Виктория ва Альберт музейи нусхасидати кўш саҳифага ишланган расм хам жиддий эътиборга лойикдир: тоғ ён барридаги 6 бурчакли девор билан ўралган «Боғи вафо»; чап саҳифада Бобур боғбонларга кўрсатмалар бермоқда, аъёнлар савлат тўқиб туришибди, боғбонлар эса кизгин иш билан банд. Мусаввир боғ ўртасидати чораманни алоҳида тасвирлаб, уни арнқчалар билан ажратган. Боғнинг куйроғида дахи дар дах ховуз бор. Боғ теварағида шигил пишган анор ва апельсин. Мусаввирлар ҳамкорлигида яратилган бу расмда миннатора жанрининг энг характерли хусусиятлари мўжасамланган (27-29 расмлар).

«Бобурнома» миннатораларининг бошқа бир қисми Фарғона ва Мовароуннаҳр шаҳарлари манзараларига бағишланган. Бу тоифага кирувчи Британия музейи «Ўтёмасидати «Кандибодомдаги бодом терими», «Ҳодарвиш даштидаги бўрон» ҳамда Дувр музейи кўлёмасидаги «Кандибодом шаҳри тавсифи» миннаторалари диққатга сазовордир. Кандибодом «Бобурнома»да куйидагича тасвирланади: «Бодоми яхши бўлур. Бу жанхатдин бу исмга мавсумдур. Хурмуз ва Хиндустонга тамом муниинг бодоми борур. Хўжанддин беш-олти йнғоч парк тарафидадур».

Миннатора икки: пастки ва юқори режани асосда ишланган. Юқорисида узокдаги шаҳар иморатлари кўча ташланади. Пастки қисмда эса бодом савдоси, савдогарларнинг тузарга бодом ортлиги ва чапрокта Бобур аъёнлари билан тасвирланган. Бир мавзуга сид бу икказа расмда муштрак томонлар бўлса хам, улар икки расом томонидан «Бобурнома» кўлёмасининг турли нусхаларини зийнатлаш учун яратилган мустақил санъат намуналаридир.

Миннатораларда давр ҳаёти, урф-одатлар ўзининг бадийий инъикосини топган. Айникса, 1506 йили Суттон Хусайн Мирзо вафоти муносабати билан Бобурнинг Хиروتда бўлишини тасвирловчи миннатора фикримиз далили бўлади. Хурсон пойтахти Хиروتда марҳумнинг ўғиллари Бобур шарафига энёфатлар, мажлислар уюштирилганлар. Бу тантанали учрашувлар «Бобурнома»нинг миннаторали кўлёмаларининг Британия музейи нусхасида 6 та миннаторала, Шарк халқлари маданияти музейида 2 та ва Дувр музейидаги 1 та миннаторала муфассал акс эттирилган. Турли санъаткорлар томонидан яратилган мазкур миннатораларда бирмунча умумийлик хам кузатилади. Бу эса, устод Камолдин Бехзод ва унинг шогирдларини етиштирган даврга хос муштрақликдир.

«Бобурнома» миннатораларининг яна бир қисми махсус учрашувларга бағишланган. Уларда тасвирланган образлар иқтимоий мавқега мос кўрсатилган. Фақат Бобурнинг Хиروت шаҳрида бўлиши билан боғлиқ тасвирларда тантанали рух бор, колганларида фозил шох ва улкан шонрининг саркарда, аёллар ва шаҳар аҳлига муносабати бадийий акс этган. Учрашув мавзусидаги асарлар муҳим, кизикарли ва хаяжонли воқеаларга бағишланган.

Ов манзарасига бағишланган миннаторалар «Бобурнома» кўлёмаларида салмоқли ўрин тутати. 14 та миннаторала ов пайтининг турли кўринишлари берилган. Британия музейи нусхасида карк овини тасвирловчи кўш миннатора бор. Жагоннатх ва Шивдас томонидан яратилган бу тасвирдаги воже китобда батафсил хиков қилинган. Миннатора хар бири мустақил шартли қисмларга бўлинади. Олд қисмда ов вақтида карк ва филнинг тўқнашуви, марказда ўлдирилган карк, фонда эса тоғ манзараси, дарахт ва маймунлар тасвирланган. Расмининг чап саҳифасида ёш Хумон ўлдирилган каркни томоша қилмоқда.

Анчагина миннатораларда жанг манзаралари, харбий воқеалар тасвирланган. Аксарияти турли расомлар томонидан яратилганга карамай, расмлар бир - бирита жуда яқин. Уларда жанг майдони, икки томон суворийлари, энг хаяжонли ва фожиали дақиқалар кўрсатилади.

Ўз даврининг машхур мусаввирлари ишлаган бу миннаторалар сон жиҳатидангина эмас, мавзусининг ранг-баранглиги ва маҳорат билан ишланганлиги жиҳатидан хам эътиборга сазовордир. Уларнинг юксак бадийий савияси, энг майда деталларнинг хам аниқ тасвирланиши, композициядаги яхлитлик, тархунинг пухталиги, ёрқин ранглар уйғунлиги диққатни тортали. Шунинг учун хам 1971 йили Лейпцигда бўлиб ўтган халқаро китоб кўргазмасида профессор Хамид Сулаймон нашрга тайёрлаган «Бобурнома расмлари» албоми кумуш медаль билан мукофотланди. Бу эса ўрта аср санъат дурдоналарининг кенг жамоатчилик томонидан тан олинлишидир.

Расмларда: 1. Бобур шарафига Бадуъзамон Мирзо уюштирган баъз. Британия музейи кўлёмасидан; 2. Бобур Кандибодом шаҳрида. Дувр музейидаги миннатора; 3. Бобурнинг ўғли Хумон тўғилниши шарафига Кобулда ўтказилган тўй. Британия музейи кўлёмасидан.

#### Юбилей олдидан

1976 йилнинг бошларида Хиндистоннинг буюк шоири Амир Хусрав Деҳлавий тугилган кунининг 700 йиллиги нишонланади. Шу муносабат билан Ўзбекистонда ва Хиндистонда юбилейга тайёрларлик ишлари олиб борилмоқда. Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий Амир Хусрав Деҳлавийни ўзининг устозларидан бири деб билган.

Юбилей муносабати билан Хиндистоннинг Бомбей университети рус тили кафедраси муdiri, Хиндистонда Деҳлавий юбилейини ўтказувчи кумитаниннг Бош котиви, профессор Зое Ансорийи Тошкентда бир неча кун меҳмон бўлди.

Хиндистонлик олим Тошкентнинг илмий тадқиқот институтларида Амир Хусрав Деҳлавий ҳаёти ва ижодини ўрраништа доир олиб борилаётган ишлар билан танишди. Ўзбек олимларидан Хамид Сулаймонов, Сабохат Азимжонов, Шоислом Шомухамедов, Т.Холмирзаевлар билан суҳбатлашди.

Амир Хусрав Деҳлавийнинг асарлари энг қимматли кўлёмаларидан иккитаси хозирда Абу Райхон Беруний номидаги Шарк кўлёмалари Маркази хазинасида сақланмоқда.

#### XVI аср хинд расомлигининг баъзи хусусиятлари

Ўз ибтидоосини қадимий Ажанга форлари деворларига ишланган тасвирларда топган хинд тасвирий санъати тарихида кўлёмалар китоблар саҳифасини зийнатлаш учун ишланган миннаторалар алоҳида ўрн эгаллайди. Айникса, XVI асрда ташкил топган улкан марказлашган давлат даврида тасвирий санъатнинг бу тури ўзининг юксак тараққиёт даражасига эришган. Хусусан, Хиндистондаги энг йирик салтанат пойтахтида, асосан,

аслодашлар хомийлигида шакланган rassomlikning бу йўналишини бошқаларидан фарқлаш учун Бобурийлар даври хинд миниатора санъати деб аталади.

Бобурийлар даври хинд маданияти тараккиёти ва қисман миниатора санъатининг шаклланиши ва ривожланишига Марказий Осиё ва Хуросон маданияти анъаналари маълум даражада таъсир кўрсатган. Айниқса, тарихчи Ғиёсиддин Хондамир, шоирлардан Қосим Кўҳий Самарқандий, машхур Мир Али Ҳиравийнинг ўғли, хаттоғ Мухаммад Боқир, rassom Фаррухбек каби кўплаб Хуросон ва Мовароуннаҳрдан чиққан санъаткорлар ХVI аср хинд маданияти ва санъати тараккиётига ўзларининг муносиб хиссаларини қўшганлар.

Шимоллий Хиндистонда марказлашган йирик давлатнинг ташкил топиши, ўзаро низоларнинг камайиши, иқтисод билан бир каторда адабиёт, санъат ва маданият ривожини учун ҳам шароит яратди.

Илмий адабиётда ХVI аср бошларида яшаб, ижод этган rassomлар тўғрисида маълумотлар деярли йўқ. Аммо, аср охирига келиб, 150 дан ортиқ мусаввирлар ижод қилганлиги маълум. Уларнинг кўпчилигини маҳаллий санъаткорлар ташкил қилган. Жалолддин Мухаммад Акбар кутубхонасининг фахри хисобланган 24000 та кўёзманнинг кўли ХVI асрда маҳаллий мусаввирлар томонидан миниаторлар билан безатилгани тарихий ҳақиқатдир.

Мавжуд ижтимоий таъминнинг инкирози, Бобурийлар ҳукмронлигининг танаазули, шунингдек, деярли бир аср давом этган кураш натижасида Хиндистон ярим ороли 1857 йили Англиянинг расмий қолониёсига айланди. Асрлар давомида яратилган бекиёс маданият бойликлари йўқотилди, таланди ва чет элларга ташиб кетилди. ХVI аср хинд рангтаъбири намуналарининг дунё бўйлаб тарқалиб кетганлиги хозирги талкилотлар учун маълум қийинчиликларни туғдирди. Ф.Р.Мартин, А.К.Кумарасвами, Т.В.Арнольд, П.Браун, И.Шчукин, Б.Грей, М.Чандра, Х.Гост, Р.Қришнадас, С.Тюляев, Хамид Сулаймон, Т.В.Грек ва бошқа олимларнинг Бобурийлар даври rassomлик санъатини ўрганишга бағишланган талкилотлари туфайли айрим обидалар ва умумий тараккиёт хусусиятлари билан танишиш мумкин бўлиб қолди.

Хиндистон rassomларининг асарлари Европа мамлакатларида ҳам кенг тарқалган. Ўз даврида танкили голланд rassomi Рембрандт шотирдларида хинд миниаторларини кўчиришни таъсир қилган. Машхур инглиз rassomi Ж.Рейнолдс ҳам хинд rassomларининг юксак маҳоратини тан олган.<sup>20</sup> Лекин, бу юксак санъат намуналарини ўрганиш, асосан, XIX аср охири ва XX аср бошларида кетди. Бобурийлар даври rassomлик санъати ёлгорликларини ўрганиш уч йўналишда олиб борилган: биринчиси, ёлгорликларини илмий таъсирга олиш, иккинчиси, rassomлик санъати тараккиётини умумий тарзда ёки алоҳида манба асосида ўрганиш. учинчиси эса, миниаторлардан давр маданият ва тарихий ҳаётини ўрганишда асосий манба сифатида фойдаланиш.

Бобурийлар даври хинд rassomлик санъати ёлгорликлари тарқалиб кетганлиги боис, уларни аниқлаш, илмий таъсирга олиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки давр рангтаъбири тараккиётини ўрганишдаги асосий манба шу асарларнинг ўзидир. Хозирча ХVI асрда яратилган рангтаъбир намуналарининг тўла таъсирга эга бўлмаганда, айрим мажмуалар ва намуналар каталог мавжудлар. Бу бордаги Т.Х.Хендлей, А.К.Кумарасвами, И.Шчукин, Т.В.Арнольд ва Б.Грей каталоглари илмий жамоатчилик томонидан юқори

баҳоланган<sup>21</sup>. Айниқса, Т.Арнольд ва Б.Грей ишлари алоҳида эътиборга сазовор бўлиб, уларда ХVI асрда яратилган кўплаб асарларнинг илмий таъсифи берилган.

Rassomлик намуналарининг маҳсул каталоглардан ташқари айрим маколаларда ҳам таъсирга олиб борилмоқда<sup>22</sup>. Маҳсул каталогларнинг муҳим қиймати шундаки, уларда rassomлар асарларнинг илмий таъсифи берилбгина қолмасдан, кўпинча, асарлардан намуналар ҳам берилган. Асарларнинг чоғ этилиши ва илмга қиритилиши хилма-хил намуналарни қиссий ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Бобурийлар даври хинд rassomлик санъати тараккиётини умумий тарзда ўрганиш масаласи Фарб олимларининг Шарк халқлари томонидан яратилган бой маданият меросига камситувчилик нуқтани назари билан қарашларида қарши кураш билан тутшиб кетади. Грифе, Ведел, В.Смит сингари олимлар Бобурийлар даври Хиндистон rassomлигининг ўзига хос баъдий санъат эканлигини инкор этганлар. Улар Бобурийлар даври Хиндистон ми-ниатора санъатини «мусулмон санъати» ёки «эрон санъати»нинг бир оқими деб изоҳладилар ва уни «эрон-хинд», «хинд-эрон», «ислом-хиндий» ва «хиндий-исломий» тарзида турлича номладилар. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, Бобурийлар даври Хиндистон rassomлик санъатини диний характерга эга деб хисоблаб, камситиш ноўрин.

Чунки уларда, асосан, дунёвий мавзулар ёритилган. Бу даврда Хиндистонда яшаб, ижод этган rassomлар диний, этник ва табақавий жиҳатидан турлича ҳамда турли мамлакатлардан келган бўлсалар-да, аммо rassomлик санъатининг асосий йўналиши маҳаллий-маданият ҳаёт тараккиёти даражаси билан белгиланади. Маҳаллий rassomлар кўпчилигини ташкил этган, улар фақат хиндий ёки мусулмон динида бўлишмаган. Улар орасида йоғалар, оташпарастлар, буддипарастлар ва бошқа дин намойндалари ҳам бўлишган.

Хиндистон санъатини ўрганган А.К.Кумарасвами, Е.Б.Хайвелл, Ф.Р.Мартин каби талкилотчилар баъзи олимларнинг қарашларида энг тарзда, хиндистон rassomлик санъати тараккиёти ўзига хос хусусиятга эга, деган фикрни илгари сурдилар. Икки турхуадаги олимларнинг голвий кураши кейингиларнинг фойдасига ҳал бўлди, чунки 3 аср давомида яратилган санъат обидалари — нафис мўъжаз таъвирларнинг ўзига холиги, уларда қадимги деворий суратлардаги анъаналар давом эттирилганлиги ва бу санъат Хиндистон халқлари ҳаётининг баъдий инъикоси эканлиги рад этиб бўлмади деган бўлиб чиқди. Фаразўй олимларнинг қарашлари барча ингор фикрли талкилотчилар томонидан рад этилган бўлса-да, уларнинг салбий ғолвий таъсири остида Бобурийлар даври хинд rassomлик санъати намуналарини «хинд-эрон» мактабига оид дегувчилар ҳамон учраб туради.<sup>23</sup>

Европалик олимларининг салбий нуқтани назарларига Хиндистон санъатининг талкилотчиларидан бири Е.Б.Хайвелл «Хинд санъати идеали» деган китобида ҳақли эътироз билдириб, «Инглиз — хиндлари Хиндистондаги Бобурийлар сулоласининг санъат соҳасидаги муваффақиятларини ислом динининг олий эстетик даҳосидан, — деб изоҳладилар, лекин бу хиндистон санъати тарихини нотўғри тушунишдир. Улар (муваффақиятлар — Абд.М.) кўпрок қадимги Хиндистон санъати анъаналари ворисларига,

<sup>21</sup> Hendley T. H. Memorial of Jaipore exhibition. VI vols. London. 1887; Soomnathwamy A. K. Catalogue of the Indian collection of Boston Museum of Fine Arts. IV vols. Boston—Cambridge: 1923 — 1930; Steinhilke I. Le miniature indienne de l'epoque des Grand Moghols au Musée du Louvre. Paris: 1929; Arnold T. W. Catalogue of Indian Miniatures. 3 vols. Oxford: 1936; Gray V. Painting. in: The Art of India and Pakistan. London: 1950.

<sup>22</sup> Dilmard M. S. Several illustrations from the Dastan-i Amir Namza in American Collections. Artibus Asiae, vol. XI, 1—2, 1948; Sohn-Wiener E. Miniatures from a Razm-Namoh. Marg, vol. XI, № 3, 1958.

<sup>23</sup> Subhawady S. Introduction to the study of Indo-Persian Painting. Marg, vol. XI, № 3, 1958 (Инглизчадан таржималар муаллифиники — ред.)

<sup>20</sup> Brown P. Indian painting under Mughals, Oxford: 1924. p. 24; Martin F. R. Miniature painting and Painters of Persia, India and Turkey, vol. I. London: 1912, p. 80.



эркин фикрли Жағолдиддин Мухаммад Акбар саройида тўпланган ажойиб санъаткорларга тегишлидир...»<sup>24</sup>.

Е.Б.Хайвелл ўз китобида Бобурийлар даври санъати билан қадимги хинд санъати орасидаги умумийлик ва фарқни ҳам объектив изоҳлайди: «Акбар, Жаҳонгир ва Шохжаҳон даврида сарой расомлари аввалги булдавий ва хиндий ҳукмдорлар давридаги ҳизматни ўтадилар, лекин Бобурий султонлар илохий ворислики даво килмадилар ва даълат ҳаётда диний таъсир ҳал қилувчи роль ўйнамади. Бу давр санъатида кенг тарқалган мавзулар диний бўлмади, балки севаги ва жанглар тўғрисидаги дostonлар, баҳодирлик афсоналари, кундалик ҳаёт ва портрет эди»<sup>25</sup>.

Е.Б.Хайвелл Бобурийлар даври санъатидаги маҳаллий аҳоли вакиллари ролини белгилашда буржуа олимларнинг нотўғри фикрига қарши чиқади: «... Бобурийлар саройида эронлик расомлар бўлганлиги сабабли Европадаги танкидчилар бу давр расомлигини хинд-эрон расомлик санъати, деб номлайдилар ва хинд санъатидаги яратувчилик фойдаларини четдан келган, деб тахмин қилдилар. Бу мантқиқсиз ва файри илмий тахминдир...»

Яратувчилик фойдалари қисман Акбар саройидаги шарт-шароитдан ва бу шахсининг ажойиб ҳислатларидан келиб чиққан. Фикр доираси кенг Акбар мусулмон ва хинд расомларига ақлий ва диний эркинлик яратиб берган.

Янги иқтимоий маъно касб этган хинд санъати бошқа техник анъаналарни ўзлаштириш билан бирга ўзининг аввалги четгара доирасини кенгайтирди ва ҳаётининг намоёнлиги этди, лекин ўз идеяларига содик қолди. Умуман олганда, Бобурийлар даври хинд расомлик мактаби санъат воқеалиги сифатида Эрон, Хитой ва Япония мактаблари каби оригинал ва ўзинга хоҳлидир»<sup>26</sup>.

Е.Б.Хайвеллнинг юқоридаги фикрлари Ф.Р.Мартиннинг 2 жилдлик «Эрон, Хиндистон ва Туркия миниатюра санъати ва расомлари»<sup>27</sup> номли китобида кенгайтирилди ва унда Бобурийлар даврида яратилган энг асосий ёлгорликларнинг умумий хусусияти ўрганилган. Мартин ўз тадқиқотлари асосида шундай хулосага келди: «Хинд-эрон термини билан, менмача, хинд миниатюраси нотўғри аталган. Улар (яъни, эрон ва хинд миниатюраси) ўртасида ҳеч қандай аниқ бўлмайдиган ўхшашлик йўқ...»<sup>28</sup>.

Бобурийлар даври миниатюраси тараккиётини ўз асарига умумий тарзда кўриб чиққан Ф.Р.Мартин Захириддин Бобурийнинг расомлик санъати тарихидаги ролига объектив баҳо берган: «Бобур расомликка жуда қизиққан ва ўз аждодлари Темурийлар кутубхоналаридан қолган ҳар бир кўлжама парчасини имкони борича тўплаган ва Хиндистонга ўзи билан олиб кетган. Бу олиб келинган кўлжамалар Хиндистон санъати тараккиётига жуда катта таъсир кўрсатди»<sup>29</sup>.

Ф.Р.Мартиннинг юқоридаги фикри, унинг Бобурийлар расомчилиги тараккиётнда Темурийлар даври расомчилиги таъсирини тўғри тушуниб етганидан далolat беради. Аммо Ф.Мартин китоби яратилганда Бобур учун тайёрланган миниатюрали кўлжамалар фанга маълум эмас эди. Унинг фикрини мана шундай ёлгорликлардан бири Абдурахмон Жомий «Девон»нинг машҳур хатот Султон Али Машҳадий томонидан 1515 йили

Хиротда кўчирилган нусхаси ва Махмуд Музаҳхиб томонидан бешта расм ишланган нодир кўлжамаси тасдиқлайди»<sup>30</sup>.

Шарк миниатюра тараккиётининг энг характерли хусусиятларини тўғри аниқлаган олим Ф.Р.Мартин, ўз китобида илова ҳолида ҳар бир мамлакатда яшаб ижод этган расомлар номлари рўйхатини берган. Лекин, ушбу асарда тўғри ва объектив хулосалар билан бирга, баъзи мунозарали фикрлар ҳам мавжуд. Масалан, муаллиф ёзди: «Акбар даврига яратилган миниатюралар эрон миниатюраларининг хиндча тагликидидир»<sup>31</sup>.

Сўнгра, бу олимнинг Бобур ва Ҳумоюн даврида яратилган тарихий портретлар мавжудлигини инкор этишига ҳам танкидий ёндопиш лозим. Лекин, Ф.Р.Мартин монографиясидаги баъзи қарама-қарши фикрлар бу асар аҳамиятини қайтариб қолди, балки олим Бобурийлар даври миниатюраларини ўрганишда илмий объектив муносабатда бўлганидан дарак беради.

XX аср бошларидан Европада Бобурийлар даври хинд расомлик санъатига эътибор кескин ортади. Натияжада, ушбу масалага бағишланган тадқиқотлар, алоҳида монографиялар эълон қилина бошланди»<sup>32</sup>. Инглиз санъатшунослари Л.Биньон, Т.В.Арнольд ҳамкорлигида яратилган Бобурийлар даври миниатюрасини ўрганишга бағишланган «Буюк Бобурийлар сарой расомлари» монографиясида расомлик санъати тарихи умумий тарзда кўздан кечирилган. Алоҳида даврларга ажратилмаган ҳамда XVI аср расомларининг алоҳида хизматлари бўтулмай эътибордан четда қолган»<sup>33</sup>.

Бобурийлар даври хиндистон расомлик санъатини ўрганишда Перси Брауннинг «Бобурийлар даврида хинд рангтасвири» ва И.Шүркиннинг «Бобурийлар даврида хинд рангтасвири» номли тадқиқотлари алоҳида аҳмиёт касб этади. Бу монографияларда муаллифларнинг тадқиқот доираси кенг бўлиб, уларда расомлик санъати тараккиёти алоҳида даврларга ажратилган ҳамда бу санъатнинг ўзинга хос хусусиятларини аниқлаш мақсад қилиб олинган. Айниқса, И.Шүркин тадқиқоти шу соҳадани энг ақли монография деб тан олинган»<sup>34</sup>.

П.Бреун тадқиқотининг ижобий хусусияти шундаки, асарда илк бор Бобурийлар даври хинд расомлик санъати тараккиётини алоҳида босқичларга ажратиб ўрганилган. Мухим ёлгорликларга қисқача тўхталиб ўтилган, тадқиқот иловасида расомларнинг номлари, асарлари ва хинд миниатюралари сақланган фондлар кўрсатилган келтирилган.

И.Шүркин тадқиқотида бошқа олимларнинг ишларига ҳолисона ёндопиб, кўп ёзма ёлгорликларни, хусусан, қадимги хинд ёзма ёлгорликларини ҳам тадқиқот доирасига қиритган. Миниатюралар композицияси, ранглари ва уларда табиат, инсон ва жониворларнинг қай йўсинда тасвирланиши баъафсил таҳлил қилинган.

<sup>24</sup> Martinovich N. N. A Djam's manuscript in the Lafayette college library. Ars Islamica, vol. I, 1934, Part I, p. 128 - 129. Ушбу мақолада кўлжаманинг тўлиқ тавсифи берилгандир.

<sup>25</sup> Martin F. R. Юқоридаги асар, 80-бет.

<sup>26</sup> Vinson L., Arnold T. W. Court Painters of the Grand Moguls, London: 1921; Brown P. Юқоридаги асар: Schookine I. La peinture indienne à l'époque des Grand Mogols, Paris: 1929; Goetz H. Geschichte der Indischen Miniaturmalerei, Berlin: 1934; Staudé W. Mogul Maler der Akbar-Zeit, Wien: 1935; Krishnadasa R. Mogul Miniatures, New Delhi: Lalit Kala Akademi, 1955; Indische Miniaturen vom Hof der Mogul Kaiser, Text von D. Lubot Hajek, Praha: Arta, 1961; Альбом индийских и персидских миниатюр XVI - XVIII вв. Под ред. Л.Т.Тюзякина. Вступ. статьи А.А.Иванова, Т.В.Грек и О.Ф.Акимовичкина. М.: Издательство восточной литературы, 1962; Индийские миниатюры XVI-XVIII вв., Вступит. статья Т.В.Грек. М.: Издательство «Наука», 1971.

<sup>27</sup> Vinson L., Arnold T. W. Op. cit.

<sup>28</sup> Gray B. Painting, p. 86.

<sup>24</sup> Havell E. V. Ideals of Indian art, London: 1911, p. 118.

<sup>25</sup> Havell E. V. Ўша асар, 140-бет.

<sup>26</sup> Havell E. V. Юқоридаги асар, 141-бет.

<sup>27</sup> Martin F. R. Юқоридаги асар.

<sup>28</sup> Ўша асар, 79-бет.

<sup>29</sup> Ўша асар, 79-бет.

<sup>30</sup> Ibidem.

<sup>31</sup> Ibidem.

<sup>32</sup> Ibidem.

<sup>33</sup> Ibidem.

<sup>34</sup> Ibidem.

Аммо, монографияларда ижобий хулосалар билан бирга, баъзи ноаниқликлар ҳам учраб туради. Масалан, П.Браун монографиясида XVI аср иккинчи ярмида яратилган ёлгорликлардан «Бобурнома»нинг Британия музейдаги ОР. 3714 ракамли кўләмасининг яратилиш вақтини белгилашда ва расмлар бадий тахлилда янглишиб, олим уларни 1575 йилгача яратилган деб тахмин қилади<sup>35</sup>, ваҳоланки, «Бобурнома» ўзбекчадан форсчага 1589 йилдагина тўла таржима қилиб тугалланган. П.Брауннинг бу янглиш фикри И.Шчүкин монографиясида ҳам қайтарилган<sup>36</sup>.

П.Браун, И.Шчүкин асарлари талкикотчилар томонидан юкори баҳоланганлигининг сабаби, ҳар иккила олим ҳам Бобурийлар даври хинд рассомлик санъати тарихидаги ҳали кўрилмаган масалаларни муомалага киритишидир.

В.Штауденнинг «Акбар даври хинд рассоми», Х.Гоеггининг «Хинд рассомлик санъати тарихи», Р.Кришнадаасининг «Бобурийлар миниатюраси» сингари умумий характердаги талкикотларда эълон қилинган ва илмга киритилган ёлгорликларни эътиборга олиш лозим. Бобурийлар даври хинд рассомлик санъати тараккиёти умумий тарзда ўрғанилган талкикотлардан ташқари, алоҳида ёлгорликларни ўрғанишга бағишланган монография ва илмий мақолаларда ҳам тахлил қилинмоқда.

Ф.Р.Мартин ўз монографиясида Акбар давридаги айрим ёлгорликларни махсус ўрғаниш лозимлигини эслатган эди<sup>37</sup>. Бу соҳадаги биринчи талкикот Бобурийлар даври хинд рассомлик санъати намуналарини ўрғаниш Жайпур Рожаота тавлукли бўлган «Размножа» кўләмаси суратларини эълон қилиш билан бошланган<sup>38</sup>.

«Амир Хамза киссаси» миниатюрадагини бир жойга жамлаб ўрғаниш Х.Г.Люккиннинг махсус монографияси ҳам қимматли талкикотлардан<sup>39</sup>. XVI асрнинг машхур тарихчиси Абулфазл Алломийнинг «Ойини Акбари» китобида «Амир Хамза киссаси»га 1200 та миниатюра ишланганлигини қайд этган. Аммо, Мир Алауддовля Казвинийнинг «Нафосул муасир» тазкирасида Хумзон Кобулда 1550 йили 50 та яқин мохир рассомларни тўлаб, машхур мусаввир Мир Сайд Али Табризий раҳбарлигида «Амир Хамза киссаси»га йирик ўлчамли миниатюралар ишлашни буюрган, дейилади.

Хинд олами Р.Кришнадаас тахминича, бу миниатюрадагини ишлаш 1582 йилгача давом этган бўлиб, уларнинг сони 2800 тага етган. Аммо, бигача улардан 100 дан ортик миниатюра этиб келган бўлиб, улар Австрия, Англия, АКШ ва Хиндистонда сақланади. Х.Г.Люккиннинг махсус миниатюрадагини ўрғаниш борасида олиб борган ишлари кейинчалик В.Штауде, Г.Эггар сингари олимлар талкикотлари учун асос бўлган<sup>40</sup>.

«Амир Хамза киссаси» миниатюрадаги бир даврда яшган ижодкорлар томонидан яратилган. Уларни ўрғаниш, рассомларини аниқлаш XVI аср рассомлик санъатини ўрғанишда муҳим аҳамият касб этади.

Абулфазл Алломий сарой кутубхонасидаги расмлар билан зийнатланган кўләмадаги номини келтирар экан, улар орасида Рашидиддиннинг «Жамиут таворих» китобини ҳам эслатади. Бу кўләманинг XVI асрга мансуб, миниатюра ишланган нодир нуҳаси Техрондаги шох кутубхонасида сақланади. У «Китоби Чингизнома», деб номланган. Кўләма 304 варак бўлиб, 98 саҳифада миниатюрадаги берилган. Кўләма 1596 йил, 25 майда кўчирилди, тугалланган. Уни зийнатлашда XVI асрнинг иккинчи ярмида ижод

этган машхур рассомлар қатнашган. Бошқа талкикотчилар назаридан четда қолиб келган бу нодир ёлгорликни чех олимлари Я.Марек за Х.Книжкова махсус ўрғаниш<sup>41</sup>. Улар 98 миниатюрадан 34 тасини танлаб олиб, рангли холда эълон қилишган. Бу миниатюрадаги асосида шу давр рассомлик санъати тараккиётининг айрим хусусиятларини ўрғанишган.

Рассомлик ёлгорликлари орасида «Бобурнома» миниатюрадаги муҳим ўрин тугган. Бигача этиб келган кўләма ва айрим расмлар асосида бу китобнинг ўндан ортик миниатюрали нуҳаси тайёрланганлиги ҳам шунини кўрсатади. «Бобурнома» миниатюрадаги хозирги кунда Москва, Хиндистон (Дехли, Агвар), Англия (Британия музей, Болди кутубхонаси, Викториа ва Альберт музей), Ирландия (Дублин, Честер Беатти кутубхонаси), Франция (Париж миллий кутубхонаси ва Лувр) ва бошқа мамлакатлардаги шахсий мажмуаларда сақланмоқда. Мана шундай нуҳалардан хозир фақат икки кўләма расмларини илмга тўла киритилган<sup>42</sup>.

Москвадаги Шарк халқлари санъати Давлат музейида «Бобурнома» кўләмасидан олинган, алоҳида 57 варак сақланиб, уларнинг 69 саҳифасида миниатюра ишланган. Булардан 48 варак, аввал Эрондаги шох кутубхонаси мулки эди. Шох Насриддиннинг онаси уларни рус князи Долгоруковга хадя қилган. Улар кейинчалик И.Шчүкин мулкига айланган.

1908 йилдан бери бир неча марта айрим миниатюрадаги эълон қилинган эди<sup>43</sup>. 1960 йили проф. С.И.Толъев уларни алоҳида альбом холда нашр этиб, кенг жамоатчиликни бу нодир расмлар билан таништирди<sup>44</sup>. Толъев асари қатор тақриз ва мақолалар яратилишига сабабчи бўлди<sup>45</sup>.

Британия музейида сақланган «Бобурнома»нинг ОР.3714 ракамли миниатюрали кўләмаси XVI асрда яратилган ёлгорликлар орасида сараси бўлса-да, яқин кунларгача тўла нашр этирилмай келган. Бу вазифа проф. Хамид Сулаймон зиммасига тушди. У эълон қилган юкори поинг-рафик савиядаги миниатюрали альбом<sup>46</sup> 1971 йил Лейпцигдаги халқаро китоб кўргазмасининг кумуш медали билан тақдирланган.

Альбом Хамид Сулаймоннинг «Бобурийлар даври миниатюра санъати» номли мақоласи билан бошланиб, унда автор турли олимлар талкикотларига таянган холда, миниатюра тараккиётининг ўзига хос томонларини кўрсатган. Рассомлар номининг рўқияти ва миниатюрадаги тавсифи махсус улардаги воқеаларни осонроқ тушунишга ёрдам беради. Махсус нашр туфайли XVI аср нодир ёлгорлиги, «... эндиликда ўзбекистондаги

<sup>41</sup> The English Khan Miniatures, Text by J. Marek and H. Klizkova, London: 1963.

<sup>42</sup> 1983 йили М.С.Райхавва Дехли кўләмаси расмларини эълон қилгани юкорида эслатилди.

<sup>43</sup> Т. Г. Персидский миниатюры. ж. «Золотое руно», Москва: 1908, № 3 - 4, стр. 38 аба; Толъев С. И. Миниатюры межуаров Бабура, ж. «Литература и искусство Узбекистана», Ташкент: 1938, кн. I, стр. 137-159; Уша автор, Miniatures of Babur-nama, Matg. 1958, vol. XI, №3; Певзнер С. Миниатюры «Бабура-наме», ж. «Современная Восток», М.: 1960, №1, стр. 30.

<sup>44</sup> Толъев С. И. «Народы Азии и Африки», М.: 1962, № 1, стр. 187-189; Фаниева С. Иккинчи хати билан ашкетган сиймо, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», газ., 1963, 3 февраль; Хасанов Х. Захриддин Муҳаммад Бобур, Тошкент: «Ўзбекистон» нашриёти, 1966, 24-26-бетлар; Фаниева С., Зоҳидов П. Ўрта Осиё санъатининг дурдонаси, ж. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», Тошкент: 1966, 8-сон, 31-37-бетлар.

<sup>45</sup> Бобурнома расмлари, Альбомни тўзиви ва сўз боши муаллифи Хамид Сулаймон, Тошкент: «Фан» нашриёти, 1969 (32 расм); Сулаймонов (96). Ушбу нашрга тақрирлар: Жақимов М. Ўлмас обда, газ. «Ўзбекистон», 1970, 27 октябр; Кодирова М. Р. Бобурнома расмлари, ж. «Шарк Юлдузи», 1970, 11-сон, 224-бет; Холликов А. Бобурнома миниатюрадаги, ж. «Мехнат ва турмуш», 1971, 1-сон, 23-бет; Мадриямов А. Миниатюрадаги ёлгорликнинг ёлгорлиги, газ. «Ташкент оқшомини», 1973, 14-февраль.

<sup>35</sup> Brown P. Юкоридаги асар, 112-бет.

<sup>36</sup> Stehoukine I. Юкоридаги асар, 38-бет.

<sup>37</sup> Martin F. R. Юкоридаги асар, 82-бет.

<sup>38</sup> Hendley T. N. Miniatures of Razm-namoh, in-Hendley T. N. Memoirs of Lahore exhibition, vol. VI.

<sup>39</sup> Glück H. Die Indischen Miniaturen des Hamza-Romanes, Wien: 1925.

<sup>40</sup> Stauder W. Les artistes de la cour d'Акбар et les illustrations de Dastan-i Amir Hamzae, Art Asiatique, vol. II, Fasc. 1 - 2, Paris, 1955; Eggar G. Der Hamza-Roman, Wien: 1969.

Бобур авлодларининг мулки бўлибгина қолмасдан, Шарк миниаторларини ўрганувчи ва гўзаллигини қадрловчи бarchа кишилар учун ҳам арзғулук бир бойлик бўлиб қолади»<sup>47</sup>.

Гарчи XVI аср иккинчи ярмида яратилган энг қимматли асарлар нашр этилган бўлса-да, ҳали яна кўпчилик кўлемаларнинг миниаторлари талкикот доирасидан четда қолмоқда.

Миниаторлар техникасини ўрганиш масаласи дастлаб Ф.Р.Мартин монографиясида учрайди. П.Браун ҳам ўз талкикотда миниатора асарлари техникасига алоҳида тўхтаган. Лекин, миниатора техникаси ҳинд олими Моти Чандранинг монографиясида хар томонлама, махсус ўрғанилган<sup>48</sup>. Маъжур олим, Бобурийлар даври миниаторлари техникасини ўрганар экан, санъатта оид қадимги ҳинд рисолаларидан кенг фойдаланди. Унинг китоб ёзишида банораслик расом, устод Рампрасаднинг амалий маслаҳатлари муҳим ўрин эгаллаган.

Бироқ муаллиф бу қимматли асарни ёзишда кўшни мамлакатларда яратилган расомлик соҳасидати айрим рисолаларга мурожаат қилмаган. Озарбайжон олими, проф. А.Ю.Казиевнинг «Ўрта аср кўлемасининг бадиий ва техник материаллари» номли монографияси ўрта асрларда яратилган кўпгина рисолалардаги қимматли фикрларни умумлаштирувчи характерга эга.

XVI аср расомчилик тараккиятини ўрганишда ҳинд олими Махфузул Ҳакнинг «Хон-и Хонон ва унинг расомлари» мақоласини четлаб ўтиб бўлмайди. Олим ёзма манба «Муасирул Раҳимий» кўлемасидаги маълумотларга таяниб Бобурийлар даврида фақат сарой устaxonасида эмас, бошқа маърифатпарвар зиёлилар хомийлигида ҳам расом, хаттоғ ва китобат санъати намойндалари ижод этганини кўрсатиб беради<sup>49</sup>.

Миниаторлар катта маданий, тарихий ва эстетик аҳамиятга моликдир. Улар асосан давр маданий муҳити, ёлгорликлари ва эстетик талабларини ўрганиш мумкин. Хиндистон санъати намуналари, жумладан, миниаторларни бўлган манба сифатида биринчилар катори ўрғанилган олим Г.Х.Хендлей эди<sup>51</sup>. Лекин унинг талкикотлари умумийлиги ва бу даврда кўпчилик миниаторлар ҳам фанга киритилгани боис, Г.Х.Хендлей асарларида бир оз чекланганлик мавжуд. Миниаторларни маданий ҳаётни ўрганишда манба сифатида олган немис олими Х.Г.Остцининг «Хинд маданияти тарихига расмли илова» китоби жуда катта илмий аҳамиятга эга<sup>52</sup>.

Сўнгги йилларда Хиндистонлик олим Муҳаммад Азхар Ансорий Бобурийлар даври маданий ҳаётини ўрганишга бағишланган катор муҳим мақолаларини «Ислоҳ маданияти» журналыда эълон қилиб бормоқда<sup>53</sup>.

<sup>47</sup> Сулаймонов (96 расм), 10-бет. Мадранимов А. «Бобирнома» зиннатлари, газ. «Ўзбекистон маданияти», 1973, 6 июнь; Мадранимов А. «Бобирнома»нинг форс тилидаги кўлемча нусхалари, ж. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1974, 1-сон, 58-62-бетлар; Мадранимов А. А. Бобир ҳаёти, ижоди ва унга доир миниаторлар, ж. «Мақтаб», 1974, 3-сон, 48-53-бетлар; Мадранимов А. Дил ва билим самараси, ж. «Фан ва турмуш», 1974, 2-сон, 20-23-бетлар; Мадранимов А. «Бобирнома» миниаторлари, ж. «Гулiston», 1975, 9-сон, 14-15-бетлар.

<sup>48</sup> Chandra M. The Technique of Mughal painting, Lucknow: 1949.  
<sup>49</sup> Казиев А. Ю. Художественно-технические материалы и термины средневековой книжной живописи, каллиграфии и переплетного искусства, Баку: 1966.

<sup>50</sup> Nad M. Khan-i-Khanan and his painters, Islamic Culture, vol V, 1931, № 3, p. 621-631.

<sup>51</sup> Hendley T. H. Sport in Indian Art, Journal of Indian Art and Industry, vol. XVII, 1916, № 134, p. 55-66. Ўша автор. War in Indian art, JAI, vol. XVII, 1915, № 130, p. 5-16.

<sup>52</sup> Goetz H. Bildertafel zur Kulturgeschichte Indiens in der Grossmogul-Zeit, Berlin: 1930.

<sup>53</sup> Ansari Mohd A. Dress of the Great Moghals, Islamic Culture, vol XXXI, 1957, № 4, p. 255-267; Ўша автор, The Harem of the Great Moghals, Islamic Culture, vol. XXXIV, 1960, № 1, p. 1-13, № 2, p. 107-124; Ўша автор, The Hunt of the Great Moghals, Islamic Culture, vol. XXXIV, 1960, № 4, p. 242-253.

Мир Сайд Али. Абдусаммад Шерозий, Басаван, Фарухбек ижодини ўрганишга бағишланган айрим мақолалар мавжуд бўлса-да, уларнинг ижоди муқаммад ўрғанилган дейиш қийин<sup>54</sup>. XVI асрда яратилган кўпшаб миниаторларнинг маданий, тарихий ва эстетик аҳамияти катта, шу сабабли айрим асарлар ва миниаторлар мазмунини қиссий ўраниш, расомлик санъатининг баъзи хусусиятларини очишга ёрдам бериши шубҳасиз.

Хиндистонлик олим, Алигарх муслмон университети профессори С.П.Верманнинг сўнгги икки талкикоти, «Ақбар саройидаги расмлар санъати ва моддий маданият» (Янги Дехли, 1974) ва «Бобурий расомлар ва уларнинг асарлари» (Биография маълумотнома ва қиссий каталог, Дехли, 1994)да миниаторларнинг моддий маданият намуналарини ўрганишдаги аҳамияти ҳамда ўша даврларда яратилган расмлар ва ижод этган расомлар тўрисида имкон қадар маълумотларни тўплагани билан қимматлидир<sup>55</sup>.

1998 йили ЮНЕСКО шафелигида чоп қилинган «Бобурий расомлар: сўнгги талкикотлар» номли китоб (Мумбаи, Магн нашри)да Абдусаммад, Мир Сайид Али, Дастант, Давл, Кесу Дас, Фаррухбек, Вишнудас, Говардхан ижоди махсус ўрғанилди<sup>56</sup>.

Бобурийлар даври Хиндистон миниаторларининг жанр хусусиятларини аниқлаш ва уни ўрганиш санъатшуносликнинг муҳим вазифалардан бири бўлиб, махсус талкикотни талаб қилади.

#### Хиндистонга янги ҳаёт бахш этган ҳукмдор

(Ганикги ҳинд тарихчи олими Мўни Лалнинг Захириддин Муҳаммад Бобур ва Бобурийлар тўрисидаги фикрлари)

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров «Юлдузли тушлар» номли романини ёзғач (1979 й.) Бобурнинг авлодларини ўзинча кашф қилиб, роман охирида уларни тўрисида ҳам асар ёзмоқчи эканлигини айтган эди. Қамина ўша вақтда «Бобурнома»та Хиндистонда ишланган расмлар<sup>57</sup> тўрисидаги мавзуда номзодлик диссертацияини ёқлаган эдим. Пиримкул ака менга кўнжроқ кинди:

- Сизни менга Буривой ака (академик Буривой Аҳмедов) тавсия қилдилар. Хиндшунос экансиз, инглиз тилини ҳам биларкансиз. «Юлдузли тушлар»нинг давомини ёзмоқчиман. Муҳлисларим илтимос қилишмоқда. Менга ёрдамнингиз керак. - дедилар.

Мен энди илмга кириб келган, аммо ёзувчиликдан узок одамлигимни ўйнаб, - Мен сизга қандай ёрдам беришим мумкин? - дедим.

Пиримкул ака, Бобурнинг фарзанди Ҳумон ва набираси Ақбар тўрисидаги ўзбек ва рус тилидаги маълумотларни ўрганиб, энди форс тилида Хиндистонда битилган тарихий асарлар ва инглиз тилидаги талкикотларни бир кўриб чиқмоқчи эканлигини айтди. Энг асосий манба XVI аср йирик тарихчиси ва Ақбаршохнинг вазири Абдуфазл Алломийнинг «Ақбарнома» ва «Ойини Ақбарий» номли асарлари ҳамда инглиз тилидаги замонавий олимлар, хусусан хиндистонлик Мўни Лал номли тарихчининг «Бобур»,

<sup>54</sup> Shafratai A. Mir Sayyid Ali, Pakistan Quarterly, Karachi: 1 1954, vol 4, № 4, p. 25-26; Shafratai A. Khwaja Abd Al-Samad Shihin Qalam, Karachi: Pakistan Historical Society, Memoir № 6, 1963; Staude W. Contribution a l'etude de Basawan, Revue de art asiatiques, T. 8, F. 1, Paris: 1934; Eitnerlausen R. Abdus Samad, Encyclopaedia of World Art, New York: 1959, vol. 1, p. 16-20; Skelton R. The Mughal Artist Fakoh Beg, Arts Orientalis, 1957, vol. 11, p. 396-411; Низомуддинов И. Миниатора санъати устозлари, ж. «Шарк Юлдузи» 1975, № 6, 181-185-бетлар; Нурматова В. Нолдирнинг нолдир расмлари, ж. «Фан ва турмуш» 1970, № 11, 23-30-бетлар; Нурматова В. Самарқанд мусаввиралари Хиндистонда, газ. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1975, 9 декабр; Нурматова В. Самарқандлик машхур расом, ж. «Гулiston» 1974, № 7, 30-бет.

<sup>55</sup> Verma (1974), Verma (1994).

<sup>56</sup> Mughal Masters: Fuller Studies, Mumbai: 1998.

“Хумоюн” ва “Ақбар” номли талкикотларини чуқурроқ ўрганмоқчи эканлигини сўзладилар.

Очиги, ўшанда XVI аср Хиндистон тарихи, маданияти, китобати ва расм санъатини махсус ўрганиб, турли тиллардаги Бобур ва Бобурийлар тўғрисидаги махсус адабиётлар билан нисбатан яхши таниш бўлсам-да, аммо хинд тарихчиси Муни Дал асарларидан беҳабар эканман.

- Бу инсон жуда жиддий ва меҳнатқаш олим экан. У билан мен Хиндистонда танишдим. Ўз асарларидан талқари бошка кўпга адабиётларни топшимда ёрдам берганди”, - деди Пиримкул ака у киши билан бўлган суҳбатларимизнинг биринчи муҳими, халқимизнинг таниқли ёзувчиси фикрлари натижасида, хинд тарихчиси Муни Дал талкикотлари билан тартиблик ва унинг “Бобур” номли тарихий талкикоти сўзбошини ингиз тилидан ўзбек тилига таржима қилдим.

- Муни Далнинг кимматли асарлари бор эди. Бу олижаноб инсонни мутаассиб қилишар, Бобур ва Бобурийлар тўғрисидаги бир неча талкикотларида ҳаққоний фикрларни ёзгани учун ўлдириб, кетиштипти, - деди Пиримкул ака, ўзининг энг яқин ҳамфикридан айрилиб қолгандай чуқур кайғу билан.

Кўнчилигимиз учун Бобур шахсияти шу кунгача афсоналарга ўралган. Улкан салтанат асосчисининг “ўзи ҳаётда қандай шахс бўлган?” Муни Дал бу афсонавий ҳукмдор тўғрисида кўпга материалларни ўрганиб, талкик этиб, унинг шахсиятидаги ягона яратувчи кучни излаб, унинг бунёдкорлик ҳаёти билан солиштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Яқинда “Захриддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси” тақдимидадан кейин қогозларимни кўздан кечириш жараёнида “Хинд тарихчи олими Муни Далнинг Бобур тўғрисидаги фикрлари” номи, яъни бундан 30 йиллар аввал ёзган таржима мақоламни тоғиб олдим. Ундаги баъзи муҳим фикрлар, бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган деган ўйда уларни Сиз - журналиконтлар эътиборига ҳавола қилдиман.

... Буюк Бобурнинг подшоҳлар Хиндистонга ўзгача бир дабдаба ва ҳашамат, шону шуҳрат келтирди. Улар мамлакатга янгича кўриниш, услуб ва янги ҳолат бахш этишди. Уларнинг барчаси шон-шуҳратга ўралган эди. Хиндистон подшоҳлари сафида улар фақат ўз улуғлиги билангина эмас, балки ўз ниятларининг буюклиги билан ҳам алоҳида эҳраблиб турадилар. Худда мана шу ҳолат улар шахсияти талкикотини мафтункор манбага айлантирди.

Буюк Бобурийлар, ҳусусан Хумоюн, Ақбар, Жаҳонгир ва Шоҳи Жаҳон, табиатан, ҳуқуқий жиҳатдан, мушук ҳокимият тарafdорн бўлсалар-да, улкан мамлакатнинг турли жойларидagi ҳар хил диний эътиқодга эга қавмларнинг анъаналарини ҳисобга олганига, уларни ҳурмат қилишга интилишганлар. Уларнинг мақсадлари мамлакатдаги бутун халқни бирлаштириб, улкан миллатга раҳбарлик қилиб, ҳоким сифатида ўзарига ва халқига шуҳрат келтириш эди. Уларнинг хатти-ҳаракатлари қисман амалга ошди, муваффақият келтирди. Бир томондан, исломнинг айрим оғир қонун-қоидалари уларнинг мақсади йўлида тов ҳам бўлгани аниқ. Лекин, иккинчи томондан, Куръондаги ҳамма инсоннинг Аллоҳ олдидаги тенглиги тушунчаси, одамларнинг бирлиги учун, хиссий томондан тўлиқ бўлмасе-да, расмий имконият яратган эди.

Албатта, Бобурий подшоҳлар биронта одамлар томонидан сайланган вакиллар олдида жаваобгар бўлмаганлар<sup>57</sup>. Улар учун халқ овози Илоҳнинг иродаси ҳисобланган. Бу Илоҳий иродани билгиш, тушуниш ва унга бўйсуниш, амалга ошириш учун аҳоли барча қатламлари манфаатларини ҳисобга олувчи кўпчиликка сўнайдиган давлат тузишга

интилишганлар. Бу давлатлар хозирги маънода халқники эмас эди ва халқ учун яратилган эмас эди. Илоҳий ирода уларнинг ҳокимияти асоси ҳисобланар эди.

Шундай экан, улар қадимги Хиндистон ҳукмдори Ашока давридaн<sup>58</sup> кейин мавжуд бўлмаган мамлакатни сиёсий жиҳатдан бирлаштиришга эришти, деган хулосага келишга ҳақимиз. Бу ажойиб муваффақиятнинг ўзёқ махсус, чуқур талкикотга мазву бўла олади. Хўш, асли келиб чиқши туркий қавмларга бориб тақаллаган Бобурий подшоҳларнинг ўзлари қандай қилишар бўлган? Уларнинг шахсий ҳусусиятлари, маданий анъаналарини ўрганиш улар эришган муваффақиятларни тушунишга ёрдам бериши мумкин.

Бобур улкан ва шавкатли салтанатга асос солди. Бу жараёнда у шак-шубҳасиз, ўша даврга хос қаттиқ сиёсатни олиб борди. У шунингдек, тартиб-интизом доирасига сиғмайдиغان хис-туйғуга берилишга маҳкум эди. Булар фақат унинг ягона қамчилиги эмас эди. У имон эътиқодли шахс бўлиб, бугун умри давомида Худого заррача ҳам шак келтирмаган. Гуноҳ иш учун жазо бериш қонуни, унинг наздида Аллоҳнинг адолатини тиклаш йўлидаги восита бўлиб ҳизмат қилган.

Бобурнинг имон — эътиқоди бутлиги ва ҳаёт қонун-қоидадини тан олишини унинг ҳаётдаги икки буюк воқеа ёрқин тасдиқлайди. Биринчи — Қанва шаҳри ёнидаги хал қилувчи жанг олдида шараб ичишдан воз кечиш тўғрисидаги қасами ҳамда иккинчиси эса 1530 йили Агра шаҳрида қатта валиаҳд ўғли Хумоюн оғир бетоб бўлиб қолганда ўз ҳаётини фарзанди соғлиғига бағишлаш — тасаддуқ воқеасидир. Бу иккала воқеа Бобурнинг Аллоҳга ва унинг қудратига эътиқоди, ишончи нақадар кучли эканлигини кўрсатадиган ёрқин далилдир.

Бобурнинг харбий ғалабалари унинг виждонини кўр қилиб қўймади. Шунингдек, беҳад ичкиликка ружу қўйиш ҳам! Ҳақиқатдан, унинг ажойиб инсоний ҳусусиятларидан бири, олижаноб иши улим тушатида ётганидаги охириги ҳаракатида намоен бўлди. Қиноқлар оғушида, қийналиб нафас олаётганга қарамай, у барча амир ва беқларни қақириб, йигиб, Худо ҳақки уларни ҳамжихат, аҳил бўлишга, бири-биринга ҳурмат, эҳтиром кўрсатишга қақирди. Ўзаро жанжал ва низо қилмасликка ундади. Худбинниқдан ўзларини тийишни илтимос қилган. Хиритлаган товушда, у “ўз қариндошлари ва одамлари тақдирини қатта ўғли Хумоюнга ишониб топширишини” айтди ва хотиржам кўзини юмди. Бундан кейин кўп ўтмай, унинг жони узилди. Унинг вафотидан сўнг Хумоюн Темурийлар анъаналарини давом эттириши учун яшашни керак эди.

Шуниси таассуфга лойикки, шу кунгача биронта замонавий хинд тарихчи олими мамлакатимизни бутунлидай қилиб бирлаштиришга эришган Бобурий подшоҳлар ҳаёт йўлини ўз асарида алоҳида, яхлит қилиб ёритгани йўқ. Ахир уларнинг Хиндистон ижтимоий маданий ҳаёти тараккиётига қўйган хиссаи салмоқлидир. Улар бутунга қун ва ўрта аср тарихи орасидаги ўзаро яхлитликни боғловчи кўприк, қурувчи ва бунёдкор, ижодкорлар эдилар. Уларнинг ҳаётларида иборатли ва илҳомбахш воқеалар жуда кўп бўлган.

Буюк подшоҳларнинг биринчисининг ҳаёт тарзи менинг ушбу махсус талкикотим манбаи бўлиб хизмат қилди. Менинг кейинги мақсадим, қолган буюк Бобурий подшоҳлар ҳаёт йўлини ҳам ёритиши бўлади.

Марказий Осиё, эронлик тарихчилар ўша давр тарихий воқеаларни бетараз баён этган эмас. Европалик тарихчилар ёзган уларнинг ҳаёт йўли — биографиялари тўғрисида

<sup>57</sup> АШОКА — қадимий Хиндистонда Маурья сулоласидан бўлган энг буюк подшоҳ (тил. ав. 268—232 йлар). Ашока давлати деврли бутун Хиндистон, хозирги Афғонистон ва Покистоннинг бир қисмини қамраб олган. Будавай динига ҳомийлик қилган. Ашоқанинг хозиргача сақланиб қолган қовтошларга, устуңлар ва

гор деворларига ўниб ёзилган шахсий фармонлари («Ашока ёзувлари») қадимий Хиндистон тарихини ўрганишда муҳим тарихий манба бўлиб ҳисобланади.

хам шундай дейиш мумкин. Уларнинг асарларидаги воқеалар талқинида ҳам албатта, баъзи истиснолардан ташқари, миллий манфаатларга бўйсундирилганини кўрамиз. Бундан ташқари, фарбўли таджикотчилар Шарк тафаккурини тўлиқ тушуна олган дейиш кийин. Уларнинг таджикот, тахлил йўллари, Шарк подшоҳлари хоҳиши, иродаларини аниқлашга тўлиқ мос тушган эмас. Шундай қилиб, ҳаёт ҳақиқати аксар ҳолларда ҳаётга бўлмаган тахминлар орасида йўқолган эди. Ҳиндистон тарихини тўлиқ ва тўғри қилиб ёзиш учун энг биринчи шарт, Ҳиндистон халқи тафаккур тарзини чуқур тушуна олиш зарур. Шунинг учун, чет эллик таджикотчилар яратган асарларидаги фикр ва хулосаларга бутунлай боғланиб қолиш ҳам тўғри эмас.

Ўтмишнинг бутунги кун учун қадр, қиммати, ўтмишдаги диққатга сазовор энг муҳим воқеаларни жамлаганидир. Вақтнинг ўтиши тарихни чуқурроқ тушуниш учун имкон яратади. Бу эса ўз ўрнида вақти-вақти билан тарихни қайта ёзиш, ёритиш заруратини тақозо қилади. Охириги ноз йилда ҳамма ёқда кишилар тафаккурининг барча соҳаларида улкан ўзгаришлар ноз берди. Айниқса бу Ҳиндистонга алоқадор. Чунки бу ерда ўтмишдаги конун-қондалар ва тартибларни кескин ўзгартиришга тўғри келди.

Бобур тўғрисида махсус таджикотлар яратган инглиз олимлари Стенли Лейпүл, Рашбрук Вилямс ва Вилямс Эрскинлар шак-шубҳасиз катта истеъдодли ва иқтидорли тарихчилардир. Лекин уларнинг муваффақиятлари асоси ҳисобланган қадрият ва хулосалар бутунги кунда бутунлай ўзгариб кетган, яъни истеъмолдан чиқиб кетган. Шунингдек, уларнинг хулосалари давр имтиҳонига, синовига чидай олган ёки чадамасан бўлиши табиийдир.

“Бобурнома” асл матнларининг инглиз ёки бошқа фарб тилларида қилинган таржималар ҳақида сўз қоритганимизда, айтиш жоизки, баъзан ушбу таржималарда ҳаголар учраб туради. Баъдий таржима аслиятининг ибораларидаги нафосатни бўзибгина қолмай, баъзан бутунлай тушунмовчиликни ёки ноқисликни ҳам келтириб чиқаради. Бу Европа олимлари асарларини қадрсизлантириш керак дегани эмас. Лекин улар захматини самараси сифатида, бининг таджикотлар учун илк асос, манба, таянч нуқта бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Аннет Сюзанна Бевериж хоним “Бобурнома”нинг асл туркий матнидан амалга оширилган инглизча таржимаси ўзининг юксак даражада ишончли эканлиги билан алоҳида ажратиб туради. Бевериж хонимнинг таржимасида Бобур шахсиятининг ҳаққоний тасвири ўз аксини топган. Таржимон фақат муаллифнинг сўзларини истефода этишдаги маҳоратининггина эмас, балки тафаккур тарзини ҳам ифода этишга интиланган. Инглиз тилида сўзлашувчилар орасида Бевериж хоним таржимаси янги салтанат асосчиси ҳаёти билан қизиқувчилар учун асосий манба бўлиб хизмат қилади. Унинг Бобурийлар тарихини ўрганишга қўшган жуда катта хиссасини бир неча сўзда тўлиқ ифодалаш мумкин.

“Бобурнома” - ёрқин ва ажойиб асар. Бобур ҳаётидаги воқеалар баёни ҳамда унинг шахсий ҳуусиятларини ўрганишда ҳам хинд тарихчилари, ҳам чет эл олимлари бевоҳита “Бобурнома”дан бемаълум фойдаланишган. Бобурнинг ҳақўйлигига қарамай, унинг баъзи ўринларда душманлари томонидан танқидга учрамаслик учун қўчигани сезилади. Масалан, Эрон шоҳи Шох Исмоил Сафавий ёрдамда Самарқанд тахтини ўчинчи бор олиши баёни “Бобурнома”да қайд этилмаган. Воқеалар баёнининг тўсатдан тўхтаб қолиши, узлиши Бобурнинг ўз эътиқолига қарши бора олмай қолгандагина ноз берган деган гумонга олиб боради кишини.

Аксарият тарихчилар, Ҳиндистонлик ва хорижликлар, асардаги воқеалар баёни йўқолган ёки қасддан қилинган деган фикрга мойил. Ҳақиқатдан, кишининг эътиқоли ва ҳаётга қадриятлари тўғри келмайдиган воқеаларнинг ноз бериши, унинг учун ноқулайлик ва кийинчиликларни туғдириши табиийдир. Бобур авлиё бўлган эмас эди. У саргузаштларга тўла ҳаётини қаламга олиб, тарихда ўз номини қолдирмоқчи бўлган. Бу

жиҳатдан олганда, “Бобурнома”даги баъзи бир узўлишларни тушуна бўлади. Бобурнинг ҳаддан ташқари ичкиликка берилиш ҳоллари ва қўчли дориларга мойлиги, унинг табиатидаги заифликни билдирмайдми. Аксинча, у ҳам бекиёс буюк ҳислату фазилатларга эга шахс бўлганига қарамай, аввало оддий, лекин жуда улғу инсон эди. Буларга қарамадан, “Бобурнома” муаллиф ҳаёти тўғрисидаги бекиёс, тенги йўқ манбадир. Лекин Бобур ҳаётга баҳо беришда аксар Европа олимларидай, биргина бу асар билан қиёвланиш ёки чекланиш, тўғри бўлмаса керак. Унинг фаолиятини ўрганишда эронлик, ўзбек ва роқипут тарихчилари асарларидаги мавжуд маълумотларни ҳам инобатга олиш зарур.

Ўрдадан бегим ўзининг “Ҳумоюннома” асарида отаси Бобурнинг яхши сифатлари ва олижаноблиги тўғрисида самимий ва оққўнглилик билан ҳикоя қилади. Оилавий шароит унинг подшоҳ отасининг энг эзгу ҳислатларидан бохабар бўлишини таъминлаши мумкин. Ҳар қалай, унинг асари салмоқли тарихий аҳамиятга молик бўлиб, Бобурнинг оилавий ҳаёти тафсилотларини ўрганишда жуда фойдалидир.

Бобурнинг ҳолаваҷчаси бўлиш Мирзо Муҳаммад Хайдарнинг “Тарихи Рашидий” асари эса “Бобурнома”даги камчиликларни, айрим воқеалар баёнини маълум даражада ҳаққоний тафсилотлар билан тўлдирди. Сўнги икки тарихий асар қиймати улдардаги воқеалар баёнида эмас, балки улар маълум даражада Бобурнинг айрим ҳолдаси ва кишиларга муносабатини ҳам ёритади. Ушбу икки китобда Бобур тафаккури тўғрисида бошқа китобларга қараганда, гарчи уларни барчасини жамлаганда ҳам кўпроқ маълумотлар мавжуд.

Мана шу юқорида баён қилинган тарихий манбалар асосида Бобур ҳаётини кўриб чиқиб, ҳикоя қилиб бериш мумкин.

Янги Дехли Муни Далл, 1977 йил

Илова расмлар: 1. Тож Маҳан макбарасининг кўриниши, фото; 2. Бобур портрети, М. Набиев асари; 3. Бобур ва унинг сафдошлари совуқдан оловда исинишмоқда (185 в.); 4. Бобурнинг Динапур яқинидаги «Боғи вафо» кўриниши. Баҳатган расми, (121 в.); 5. Бобур Кобул яқинидаги Ҳожа Сеёрон чашмасини обод қилмоқда. Прем расми, (126 в.). Минияторлар “Бобурнома” форсега таржимасининг Дехлидаги Миллий музейда сақланган кўлемасига тааллуқли.

Инглиз тилидан таржима ва изоҳлар Абдумажид Мадрамовники.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
санъатшунослик институти

Қулёзма ҳуқуқида

**XVI АСР ОХИРИ – XVII АСР БОШЛАРИДА ТАРИХИЙ АСАРЛАРИГА  
ИШЛАНГАН ХИНД МИНИАТЮРАЛАРИ  
«БОБУРНОМА» РАСМЛАРИ<sup>59</sup>**

17.00.04 – тасвирий санъат

Санъатшунослик фани номзоди илмий унвонини олиш учун ёзилган диссертация  
автореферати. Т.: 1979

Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий  
номидagi Давлат адабиёт музейида бажарилган.

**Илмий раҳбар:** Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари  
доктори, профессор Х.С. Сулаймонов.

**Расмий оппонентлар:** Россия Федерациясида хизмат кўрсатган фан арбоби,  
санъатшунослик доктори, профессор С.И. Толяев.

Санъатшунослик номзоди, профессор Ч.Г. Аҳмаров.

**Етакчи ташкилот:** Озарбайжон Республикаси Метморлик ва инжу санъат  
институти.

**Химоя** 1979 йил 2 ноябрда Санъатшунослик институти ихтисослашган илмий  
кengashi К.092.1.01 бўлиб ўтган.

**Манзил:** 700 000, Тошкент, Мустақиллик майдони, Санъатшунослик институти  
Диссертация билан Институти кутубхонасида танилиши мумкин.

**Ихтисослашган илмий кengashi илмий кengashi, санъатшунослик номзоди**  
**П.Ш. Зоҳидов**<sup>60</sup>


**Ишнинг умумий таърифи**

**Мавзунинг долзарблиги.** Йилдан йилга Хиндистон халқи билан дўстлик  
ривожланиб бормоқда. Хиндистон Республикаси билан яқин сиёсий ва иқтисодий  
дўстлик ва ҳамкорликка доимий расмий эътибор берилган.

Олимларнинг халқлар ўрасидаги дўстлики мустахкамлашга кўшган хиссаси,  
кўшни дўст мамлакатлар, хусусан Хиндистон тарихи, маданияти ва адабиётини ўрганишга  
бағишланган тадқиқотларни амалга оширишдир. Чунки, халқлар бир-бирининг тарихи,  
анъаналари, маданиятини яхши билсалар, ўзаро бўғунги мақсад, ният ва фикрларини  
тушунишлари мумкин.

Ушбу тадқиқот Хиндистон миниатюра рангтаъвири тўғрисидаги тасаввурни  
бойитиб, янада чуқурлаштирди. Бу миниатюра рангтаъвир санъати кўп минг йиллик  
Хиндистон тасвирий санъати тарихида ўзига хос ўрин тутди. У мамлакат бадиий  
ҳаётдаги алохида эътиборга сазовор воқеълик бўлган эди.

Хиндистон миниатюра рангтаъвири XVI аср охири ва XVII аср биринчи ярмида  
ўзининг юксак тараккиёт босқичига эришди. Бу даврда Шимолий Хиндистон йирик




13. Хисор бек гарини бобураш паноҳ илаб келиши.


Расмол Сурв. Ё. М. 44 а.в.

<sup>59</sup> Ушбу давр талабига биноан иш рус тилига бажарилган. Таржима муаллифлики: Муҳаррир.


<sup>60</sup> Кейинчалик санъатшунослик фанлари доктори бўлган, нарқ олми.




14. Бобур Самарқандта ҳаққат сойти.  
Расмчи Номо, 5. М. 70 а. в.



15. Бобур Алмағонини кўзган кетганлиги хабарини етдиюклазди.  
Расмчи Номо, 5. М. 81 а. в.




16. Бағдрининг Қамбар Ади ва Қочқарбек бегдан от чолпирини бүйичи мусобақаси.  
М.С.М.




17. Отган йилдан Бобур салтанини ўрамонда.  
Д.М.М. 86 б. н.






18. Таинсар кӯмак наҷосани. Кӯти расманин чан ярми.  
М С М.



19. Таинсар кӯмак наҷосани. Кӯти расманин ӯти ярми.  
Расмоз Жалаланин Д М М. 90 6 н.



29. Бобурнинг Султон Сайхон ва Бобохон Султон билан учрашуви.  
Д.М.М.

шаҳарларида кўплаб истеъдодли rassomлар ижод этиб, Шарк ёзма ёдгорликлари мўътабар кўلэмаларига ажойиб зийнат расм ишлаганлар.

Хиндистон миниатюра рангтасвири анча вақтдан буён ўзига талқикотчилар, санъат ихлосмандлари, коллекционерлар диққатини жалб этиб келмоқда. Улардан буюк Рембранд ҳам хайратга тушган эди. Аммо Хиндистон миниатюра рангтасвири намуналарини тизимли тарзда ва илмий асосда ўрганиш XIX аср охиридан бошланди.

XVI – XVIII асрлар Хиндистон миниатюра рангтасвири маълум даражада етакчи хорижий мамлакат шарқшунос - санъатшунослари Т.В. Арнольд, Л.Биньон, П.Браун, И.Шчукин, Г.Госте, А.К.Кумарасвами, В.Грей, Р.Кришналас ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган.

Россия ва Ўзбекистон олимларидан В.Л.Денике, Ф.А.Розенберг, С.И.Тюляев, Г.А.Пугаченкова, Х.С.Сулaimонов, Т.В.Грек, О.И.Галеркина, В.Г.Долинская, В.Х.Нурматова, Н.К.Карпова ва бошқалар талқикотларида Хиндистоннинг XVI – XVII аср миниатюра рангтасвирининг баъзи масалалари ўрганилган.

Хозирги вақтда<sup>61</sup> анчагина кизикарли ва қимматли ёдгорлиқлар аниқланиб, илмий муомиллага киритилган, жуда бой далилий маълумот тўплаган, Хиндистон миниатюра рангтасвири етакчи йўналишларида умумий тараққат ҳарактери аниқланган, даврлаш-тирилган. Энди эса, у ёки бу баъдий ёзма манбаларга ишланган туркум миниатюраларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, алоҳида rassomлар ижодини ёритиш вақти етиб келди.

**Муаммонинг ўрганилиши даражаси.** «Бобурнома» кўлэмаларига ишланган миниатюралар Хиндистон миниатюра рангтасвири намуналарининг кам талқик этилганлари сирасига кирди. Бизгача беш юздан ортиқ ўн уч кўлэмаларга ишланган миниатюралар етиб келган. Уларни яратишда тўқсондан ортиқ rassomлар иштирок этган. Бу rassomлар Москвадаги Шарк халқлари санъати музейи, Хиндистоннинг пойтахти Янги Деҳлидаги Миллий музей ва Алвар шаҳридаги Давлат музейида, Англиянинг Лондон шаҳридаги Британия музейи, Викториа ва Альберт музейи, Оксфорддаги Болдн кутубхонаси, Франциянинг Париждаги Миллий кутубхона ва Лувр музейида, Ирландиянинг Дублин шаҳридаги Честер Битти кутубхонасида, Америка Қўшма Штатларининг Вашингтондаги Фрир галереяси, Фотг санъат музейи ва бошқа шахсий мажмуаларида сақланмоқда.

Хиндистондаги Миллий музей ва Алвар давлат музейидаги кўлэмалар rassomлари ва баъдий зийнати, Москвадаги расмли вараклар аслият асосида талқикотчи томонидан ўрганилган бўлиб, ушбу диссертациянинг асосий изланиш манбаси бўлиб хизмат қилди. Бошқа кўлэмалар ва уларнинг rassomлари чет эл олимлари тавсифи ёки наشري асосида талқик этилди.

«Бобурнома» нинг Британия музейи ва Болдн кутубхонасидаги расмли кўлэмалари Ч.Рэв ва Х.Эте тузган каталогларда тавсифа олинган эди. Лекин бундай кўлэмаларнинг аксарияти, Британия музейидаги ОР. 3714 ракамли кўлэмалардан бошқалари санъатшунослар эътиборидан четда қолиб келган эди.

Профессор С.И.Тюляев томонидан Москва шаҳридаги Шарк халқлари санъати музейидаги пароканда вароқлардаги миниатюралар махсус ўрганилиб, «Бобурнома» миниатюралари» (рус ва инглиз тилларида, Москва, 1960) алоҳида альбом сифатида чоп этилган.

Профессор Х.С.Сулaimонов тузган «Бобурнома» миниатюралари» (Ўзбек, рус, инглиз тилларида, Тошкент, 1970) номили альбомда Британия музейидаги ОР.3714 ракамли кўлэманинг тўқсон беш саҳифадати кўш зарварак, тўқсон икки саҳифадати

<sup>61</sup> XX асрнинг етмишинчи йиллари назарда тутилмоқда.

минияторлар Бобурнинг Британия музейидаги миниятура портрети билан чоп этилди. Бошқа расмли кўлэзма ва улар минияторлари турли муаллифлар томонидан киеман тавсифта олинган ва чоп этилган.

Хиндистон миниятура рангтаъвири тўғрисидаги санъатшунослик асарларида асосан Британия музейидаги ОР.3714 ракамли расмли кўлэзма, Лондондаги Виктория ва Альберт музейидаги пароканда варок минияторлари, уларни яратишда иштирок этган расомлар тўғрисида маълумотлар эслатилади.

С.И.Тюляев ва Х.С.Сулаймонов тузган альбомлар сўз бошларида Хиндистон миниятура рангтаъвири умумий тараққиёти баён этилиб, чоп этилган расмлар хусусиятлари кайд этилган. Булардан ташқари, Н.К.Карпова, М.С.Рандахва ва бошқаларнинг Москва Шарк халқлари санъати музейидаги минияторлар ва Деҳли Миллий музейидаги кўлэзма ва унинг расмлари тўғрисида алоҳида мақолалари чоп этилган. Лекин уларда минияторлар бадий хусусиятлари, расомлар ижодлари махсус ўрганилган эмас. Бу муаллифлар расмларни матн билан кўслаб ўрганишни мақсад қилиб қўймаган.

**Тадқиқот мақсади.** XVI аср охири – XVII аср бошларида яратилган «Бобурнома» кўлэзмалари бадий безатлиши, минияторларни мавзулар бўйича таснифлаш, уларнинг бадий ва услубий хусусиятларини аниқлаш, расмлар сюжетлари ва матннинг қиёсий таҳлили асосда расомларнинг эстетик тамойилларини ўрганиш ҳамда бу расмларнинг Хиндистон расм санъати тараққиётида тўтган ўрнига баҳо беришдан иборатдир.

«Бобурнома»га ишланган расмлар асосида XVI аср охири – XVII аср бошларидаги Хиндистон миниятура рангтаъвирининг характерли хусусиятлари аниқташдир. Расомлар номлари мавжуд минияторлар уларнинг ижодини чуқурроқ ўрганишга, хар бирининг Хиндистон расм санъати тараққиётига қўшган хиссасига баҳо беришга имкон яратади.

«Бобурнома» минияторлари асар мазмуни билан боғлиқ ҳолда яхлит бир туркум расмларни ташкил этиб, уларнинг бадий, маданий ва тарихий- маърифий аҳамияти жуъда катта. Улар бадий образларда ўша даврдаги Марказий Осиё, Афғонистон ва Хиндистонда бўлиб ўтган энг йирик тарихий ва сиёсий воқеаларни кайта тиклайди. Хиндистон мамлақати ўсимликлари ва жонворлар оламини тасвирлаган, жуъда бой тарихий этнографик далилларга эга.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти.** Муаллиф биринчи бор «Бобурнома» кўлэзмалари минияторлари ва пароканда вароклардаги расмларнинг кўплаб туркуминини махсус санъатшунослик тадқиқотини амалга оширган бўлиб, у тарихий маърифий аҳамиятга эга ҳамда катта амалий қизиқиш уйғотади. Учта расмли кўлэзма (Британия музейи, Add.16 623; Add. 26 200; Add. 26 201) ва тўртинчи кўлэзма (ОР. 3714)нинг йипирма уч саҳифа минияторларини, Болли кутубхонасидаги расмли кўлэзма (Х.Эте-180), Париждаги Миллий кутубхона расмли кўлэзмаси ва Алвар Давлат музейидаги расмли кўлэзма санъатшунослик илмига тадқиқотчи томонидан биринчи бор олиб киритилди.

Москвадаги Шарк халқлари санъати музейидаги пароканда вароклар аввал тахмин қилингандай бир кўлэзмага эмас, балки учта турли ўлчамдаги кўлэзмаларга тааллуқли экани биринчи бор аниқланди. Дуболиндаги Честер Битти шахсий кутубхонага пароканда вароклар, инглиз санъатшуностлари Т.В.Арнольд, В.Грей хато хисоблагандай, Қазвинининг «Ажойибул махжукот» асарининг Жагониддин Мухаммад Акбар подшоҳ учун кайта ишлангани эмас, балки «Бобурнома» кўлэзмаси вароклари эканлиги исботланди.

Ишда Шимолий Хиндистонда XVI аср охири – XVII аср бошларидаги маданий ҳаётда алоҳида ўз ўрнига эга юздан ортик хиндистонлик миниятористлар асарлари таҳлил этилди.

«Бобурнома» минияторлари тарихчилар учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир, чунки уларда Фарғона, Мовароуннаҳр, Хуросон, Афғонистон ва Хиндистонда юз берган деярли қирқ йиллик энг муҳим сиёсий воқеалар бадий шаклда ифода ва таъкин этилган.

Хиндистон ўсимликлари ва жонворлари тасвирланган минияторлар ўзига хос ва жуъда қизикарли бўлиб, мамлакат флора ва фаунасини ўрганишда қимматли кўргазмани восита ва манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бобур ҳаёти ва ижодига доир минияторлар мумтоз ўзбек адабиёти йирик вақили сифатидаги фаолиятини кўргазматли материал сифатидаги аҳамияти жуъда катта.

**Тадқиқотнинг методологик асоси.** Тадқиқотнинг методологик асоси бўлиб диалектик ва тарихий материализм хизмат қилди.

Муаллиф ўз тадқиқотида Шарк миниятура рангтаъвири, Марказий Осиё, Афғонистон ва Шимолий Хиндистон XV аср охири – XVII бошлари даври маданиятини ўрганишга оид энг муҳим илмий ишларга асосланди.

Минияторлар сюжетли ва тарихий матн қиёсий таҳлилида ўша давр ҳаёти ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари, маданий анъаналар, «Бобурнома» муаллифи ва расомларнинг бадий эстетик қарашларидан келиб чиқилди.

**Асосий холатларнинг амалиётга жорий этилиши.** Диссертациядаги асосий холатлар чоп этилган беш мақола ва икки бири ўзР Ф.А.Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи ёш олимларининг 1973 йилги ва Алишер Навоий ижодини ўрганишга бағишланган 1974 йилги XVШ анъанавий конференцияда қилинган докладыларда баён этилган.

**Ишнинг структураси ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб ва хулосадан иборат (145 бет). Унга «Бобурнома»га ишланган мавзулари аниқланган 285 расмлар рўйхати, матнга яндова қилинган расмлар (44 расм) ва манба ва адабиётлар (222 номдаги) рўйхати билан иборат.

#### Ишнинг мазмуни

**Кириш** қисмида танланган мавзу долзарблиги, ўрганиладиган масалалар доираси баён этилган. Тадқиқотга тавсиф берилган, фойдаланилган адабиётлар тахлил этилган.

**Биринчи боб** «Бобурнома» кўлэзмалари зийнатлари» деб номланиб, унда бизгача етиб келган расмли кўлэзмалар китобат санъати намунаси сифатида хар тарафлама тадқиқ ва таҳлил этилган, айрим кўлэзмалар яратилган даврини аниқлашга ҳаракат қилинди, хар бир кўлэзманинг бадий қиймати аниқланди. Кўлэзмалар яратилган давр хусусиятлари ўрганилди, Бобур, Хумоюн ва Акбарнинг маданият, китобат ва расоминикка муносабати аниқланди.

XVI аср охирида Шимолий Хиндистонда янги маданий анъаналарни фозл ўзлаштириш даври бўлиб, бунинг натижасида миниятура рангтаъвирида янги бадий услуб шаклланиб, унда ўрта Шарк миниятура рангтаъвири ютуқ ва тажрабалари ўз аксини топди.

«Бобурнома»нинг Британия музейидаги расмли кўлэзмаси (ОР.3714) бадий зийнатлари таҳлилида китобат санъатидаги хат услуби, зарварак нақши, хошия безаги, лавқа нақшлар ва расмларда матн лавҳаларини жойлаштиришга эътибор берилди.

Ушбу кўлэзмани 116 саҳифасини безаб турган бир юз қирқ тўрт минияторани яратишда қатнашган эглик саккиз расом номлари аниқланиб, улар диссертацияда тўлиқ келтирилди. Хар бирининг нечтадан расм ишлашдаги иштироки аниқланди. Бу расомлардан Кесу Гужаротий, Фаррух Чела, Жагоннагх, Махеш, Сонвала ва Ромдас номлари тарихчи Абдулфазл Алгомий томонидан ўша даврининг энг йирик ўн уч расомни каторида эслатилган. Кейинча, Жахонгир хукмронлик даври (1606-1627)да расом Мансур

кўшлар ва жониворлари расмини тасвирлашда тенгсиз бўлиб, «Нодирлу аср» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Янги Деҳлидаги Миллий музейдаги «Бобурнома» расмли кўлэманинг 145 саҳифасида бир саксон учта миниатюра бўлиб, у 1597-1599 йиллари Агра шаҳрида яратилган. Уни расмлар билан зийнатлашда эллик тўққиз расом иштирок этгани аниқланган. Булардан Кхемкаран, Жагоннатх, Махеш, Мискин, Малху ва Фаррух ўз даврининг машҳур расомлари эди.

Йигирма тўрт расом Британия музейи ва Деҳлидаги Миллий музей «Бобурнома» расмли кўлэмаларини зийнатлашда иштирок этган. Иккала кўлэмада бир мавзудagi расмлар мавжуд. Миниатюралардаги табиат манзаралари, мейморий обидалар талқини ҳамда умумий бадий услуб, бу расмли кўлэмаларнинг бир тарихий вақтда, бир жойда яратилганини кўрсатади. Лекин, бир мавзудagi расмларни ўзаро қиссалаганда, уларнинг ранглари, тарҳи ва воқеа талқинида мустақил эканлиги таъкидлаш керак.

Париждаги Миллий кутубхона «Бобурнома» расмли кўлэмасидан иккитасини Ф.Гренанд ўзининг «Бобур» монографияси (француз тилида, Париж, 1930)да чоп этган. Шунга кўра улар хошия нақши билан зийнатланган бўлиб, Британия музейи кўлэма расмлари хошиясини эслатади. Расмлар сюжети ва ишланиш услуби бўйича, юкоридagi икки кўлэма миниатюраларига жуда яқин. Бу эса, учтага кўлэма расмлари айнан бир даврда, бир гуруҳ расомлар томонидан яратилганини кўрсатади.

Хиндистоннинг Алвар шаҳридаги Давлат музейида сақланаётган расмли кўлэма хати Агли ал-котиб ал-Хиравий томонидан чиройли наставлик хатида ёзилган бўлиб, унинг саҳифаларини ўн саккизга расм беъаб гурипти. Уларни деҳшлик Саъдулла, Муҳаммад ва бошқа расомлар ишлаган.

Т.В.Арнольд, Б.Н.Джуня, К.Айний ва Ю.Э.Бретел кўлэма хотимасида келтирилган 1530 йилга қараб ҳамда биринчи варақдаги шамс нақши хошиясида Хумоннинг муҳри мавжудлигига асосланиб, кўлэмани 1530 йилда яратилган деб хато хисоблайдилар. Аммо А.Бевеиж, Б.Грей ва Г.Блатова бу сананинг китобат тарихи эканлигига шубҳа билан қарайдилар. Китоб матни «Бобурнома»нинг фореча таржимаси бўлиб, у 1589 йили туғилган хисобланади. Матлумки, Бобур ўз китобини 1530 йили туғилган. Мана шунинг учун хотимада келтирилган сана 1530 йилни «Бобурнома» аслигига тегишли деб хисобланса тўғри бўлади. Фореча таржима амалга ошган вақти деб эмас.

Бу кўлэма миниатюралари услуби таҳлили ҳам шундай ҳулосани тўғри эканлигини тасдиқловчи далил бўлиши мумкин. Расмларни яратган расомлар ўша даврдаги умумий талабларга риоя этган ҳолда ва сағалфлари тамойилларига тарҳлар ечими, мейморий иморатлар тасвирида анъаналарга тўла бўйсунганлар. Аммо кишилар ва машини жиҳозлар тасвирида эса ўз даврини акс эттириб, тасвирланган воқеа ҳодисаларга ўз муносабатини билдирганлар. Кўлэманинг умумий зийнатлари, хати, хошия безаги, расмлар бадий услубига қараб, уларни XVII аср иккинчи ярмига тааллуқли дейиш мумкин.

Лекин, кўлэманинг биринчи варақдаги муҳрларга келсак. Хумоннинг муҳри бор шамс нақшли вароқнинг орқасига кейинча «Бобурнома»нинг 1589 йилда амалга оширилган таржима матни битилган матлум бўлди.

Диссертацияда яна тўртта расмли кўлэмалар бадий зийнатлари таҳлил этилган, гарчи улар расмлари хали чоп этилмаган бўлса-да. Пароканда варақлар ва улар расмларини ўрганишга ҳам жиддий эътибор берилди.

Бобнинг ҳулосасида XVI аср охири ва XVII аср биринчи ярми Хиндистон кўлэма китобат санъати тараққиёти хусусиятлари, «Бобурнома» кўлэмалари зийнатлари таҳлили, уларнинг тарихий асарларга ишланган кўлэма ривожига тулган ўрнига баҳо берилди.

Бу давр форс тилидаги Хиндистон китобат санъати тараққиёти учун энг самарали бўлиб, жуда кўплаб тарихий асарлар зийнатли кўлэмалари яратилди, уларга расомлар

ажойиб расмлар чиздилар. Кейинги даврларда бунча кўп ва хўб ноёб китобат намуналари яратилмади.

«Бобурнома» кўлэмаларининг энг асосий кимматли томони жуда чиройли наставлик хатида битилгани, кўш зарварак, унво, давҳа нақшлари билан безатилгани, хошия безаги ва кўплаб расмлар билан зийнатланганидир. Бу расмлар кўлэма матни ва зийнатлари билан ажойиб ўй-ўнгликни ташкил қилади. Бу зийнатли ва расмли «Бобурнома» кўлэмалар бошқа Хиндистон китобат санъати намуналари орасида юксак бадий савияси, кўпчилиги ва расмларга бойлиги билан алоҳида ўрин тутди.

Иккинчи боб. «Бобурнома» расмларининг мавзулар бўйича таснифлаш ва уларнинг бадий хусусиятлари. «Бобурнома» расмлари тасвирий санъатнинг турли жанрлари - машини, харбий, расмий маросимлар ва бошқа воқеа-ҳодисаларни акс эттиргани билан ажраллиб туради. Расм ишланган асарнинг комусий хусусияти хиндистонлик расомларга ўзининг қасбий иқтидори ва маҳоратини намойиш этиш учун кенг имкониятлар яратган. Хусусан, турли манзаралар: боғ яратиш, чашмагаларни обод қилиш, спорт ўйинлари, ов ва бошқа воқеаларни тасвирлаш учун.

Расомлар мислсиз маҳорат билан жонли, самимий ва таъсирчан «Бобурнома» асар тилига мос ажойиб расмлар яратдилар. Бобнинг ҳар бир туркум мавзуга оид қисмларида уларнинг умумий таърифи, нечта расм ишланган ва ҳар бир гуруҳ миниатюраларининг бадий хусусиятлари аниқланди.

Юрт ободончилиги мавзуси. Бу мавзуга оид расмларни яратилганда хиндистонлик расомлар ўз олдларига табиат ва бунёдкор инсон ўзаро муносабатини ёритишни ҳам кўйган кўринади. Мана шунинг учун, одатда, бошқа тасвирий ифодавий воситаларни танлаш юкоридagi мақсадга бўйсунмади.

Расомлар ўз асарларида инсон бунёдкорлик ишлари ва сокин табиатнинг бунга муносабати жараёнини ўзаро ўй-ўнгликда намойиш эта олади. Бу мавзуга оид деярли барча миниатюраларда, саҳифанинг аксарият қисмини жуда ажойиб тарзда тасвирланган табиат манзараси эгаллайди — булар девор билан ўралган қоялар ва тоғлар кўйнидаги гўзал боғу - роғлардир. Уларга тартиб билан экилган медали дарахтлар, одатда тоғ яқинида жойлашган бўлиб, ариқларда эилог сувлар, ям-яшил ўтлоқлар кўзга ташланади.

Баъзи ҳолларда расомлар ўз асарларига чиройли супалар, тулпар чамани, ноёб ўсимлик ва дарахтлар тасвирини ҳам киритди. Улкан мейморий иморатлар деярли кўзга ташланмади. Баъзи иморатлар тасвири ўзоқ уфқда перспектива қоидага мувофиқ қичикаштирилган ҳолда кўзга ташланади. Айни мана шундай ажойиб манзараларни Викториа ва Алберт музейидаги «Бобурнинг «Боғи вафо» боғини қуриши» ёки Британия музейи ва Деҳли Миллий музейидаги «Бобурнинг «Боғи вафо» боғи қуришиши» ва Москвадаги Шарк халқлари санъати музейи ва Британия музейидаги «Бобур «Боғи қалон» боғини ободонлаштирмоқда» миниатюраларида кўришимиз мумкин.

Диссертацияда деҳқонлар, хунарамандлар ҳаёти, уларнинг чашмаларни ободончилигидаги иштироки тасвирланган. Бу мавзудagi расмлар ичида Рамадаснинг «Кобул яқинидаги Хожа Сеёрон чашмасини ободонлаштириши» ва Бхавонийнинг «Канда бодом шаҳридаги бодом териш» номли миниатюралари ўзининг юксак бадий савияси билан ажраллиб туради. Уларда боғбонлар, тош йўнувчи ва бошқа қурувчиларнинг бунёдкорлик фаолияти алоҳида меҳр билан тасвирланган.

Шуни таъкидлаш керакки, «Бобурнома» миниатюраларида Хиндистон тасвирий санъати тарихида биринчи марта деҳқон, боғбон, тош йўнувчи ва бошқа хунарамандларнинг бадий образлари галереяси кенг миқёсда яратилган. Бу эса шу даврдаги Хиндистон миниатюра рангтасвирида халқ вакилларини Махеш, Ромдас, Нанха, Вишнудас ва бошқа расомлар томонидан ўз асарларида тасвирлашга интилиши, бу ижодкорларнинг бунёдкорлик вакилларига хурматини кўрсатади.

**Спорт ўйинлари ва ов манзаралари.** Бу мавзудagi расмларда, асар матнидаги каби мусобака руҳи сезилиб туради. Хиндистонлик rassомлар бундай воқеалар динамикаси, шиддатини борлиғича намойиш этишга, уларда иштирок этаётган шахсларнинг ҳиссий тўйтуғларигача тасвирлашга интилишган.

Бу мавзудagi аксарият миниатораларда асосий воқеа — курашчилар олишув, от чопиш мусобақаси, ов манзаралари расм маркази бўлиб, кўп ҳолларда кўш саҳифада тасвирланган. Расмининг образли ва композицион ечими асар асосий ғояси — инсоннинг табиатдаги устунлиги, унинг кучи, бақувватлиги ва моҳирлигини намойиш этишга хизмат қилади.

Асар ғоялари асосий қаҳрамонлар образлари воситасида ечилади. Иккинчи даражали персонажлар расм четида, асосий воқеадан узоқроқда, баъзан доира чизинти бўйлаб жойлаштирилиб, бўлиб ўтаётган ҳодисага кўшимча фон сифатида тасвирланади. Улар олдда асосий қаҳрамон томон қараётган бўлиб, кўз ўнгиде энг муҳим воқеа ноз бераётганини кузатади.

Бу мавзуда оид миниатораларнинг кўп фигурали композицион ечимида кишилар тасвири жойлашуви, образлар тизимининг жонлилиги билан ажралиб туради. Кишилар ва жониворлар фигуралари жуда ишонarli, кутилмаган ҳолатларда тасвирланиши, бўлиб ўтаётган ов манзарасининг индидати ва эҳтиросини очиб беришга хизмат қилади. Хусусан, Виктория ва Алберт музейдаги rassом Мадху Хурд яратган «Филлар, туялар жанги ва курашчилар мусобақаси» расмида жанг ҳолати ва эҳтирослар жунбўши юксак маҳорат билан очиб берилган. Характер жихатидан бу асарга Москвадаги Шарк халқлари санъати музейдаги «Бобур, Камбарбек ва Қосимбекларнинг от чопиш мусобақаси» ва Деҳли Миний музейдаги «Бобур салласини қайта ўрамоқда» номли расмлар акин турadi.

Аксарият хиндистонлик rassомлар, Жаҳаннатх, Шивдас ва бошқалар асар маънидан чегта чиқмасликка интилишганлар. Баъзилари, Шиям, Манохар ва бошқалар эса, аксинча, воқеани ўзларица талкин қилишга интилишганлар. Ўз асарларига дадил кўшимча шахсларни қиритилган, тарихий воқеани ўзларица тасвирлаган.

Ов манзаралари, спорт ўйинлари мавзударидаги «Бобурнома» расмлари XVI аср охири ва XVII аср бошларида яратилган бошқа кўлэмдаги миниаторалардан ҳам сони жихатидан кўплиги, воқеаларнинг ишонarli килиб тасвирланиши, кенг камровлилиги билан ажралиб туради. Биронта бошқа туркум расмлар ўзининг юксак бадий савийси, тасвирланган тафсилотлар бойлиги билан «Бобурнома» расмларига тенглаша олмайдн. Баҳоланки, бундай мавзудagi расмлар ана хиндистонлик rassомларнинг Рашидуддиннинг «Жоминут таворих», Хусайн Бонз Қолифийнинг «Анвари Сухайий», Абулфазл Алтомийнинг «Ақбарнома» асари ва бошқа китоблар кўлэмларида ишланган миниатораларда мавжуд.

**Маиший мавзудлар.** «Бобурнома»га ишланган аксарият миниатораларда Бобурнинг сайр қилиши, ўзи ва аёллари билан дам олиши, турли маросимлар, лашкар кўрик маросими ва бошқа маиший мавзудлар тасвирланган. Улар хиндистонлик rassомларнинг ижод камровн кенглиги ҳамда бу мавзуда кизиқиши кетталигидан далолат беради.

Миниаторалардаги асосий образлар, Бобур ва унинг яқин аёллари тарх марказида тасвирланган. Баъзан улар бошқаларга нисбатан бироз каттарок қилиб, тўлаллиғича ҳамда кўз кўйфалари катта аниқлик ва юксак маҳорат билан яратилади. Гарчи ҳамманинг шахсий хусусияти қайтарилмас даражада яратилмас-да, улар ҳолати, руҳияти туриши, кўл, панжа ҳаракати ёрдамида ифодаланади. Булар кўпчилигk расмларда қайта — қайта тасвирланиб, хиндистонлик rassомларнинг ўзига хос тасвир услуби дейиш мумкин.

Миниатора асосий қаҳрамонлари Бобур ва унинг аёллари олатий ҳолда жиддий шахс сифатида тасвирланса, мулозимлар ва бошқа тамошабинлар бўлаётган воқеага ўзларининг муносабатини юз, кўл ҳаракатлари билан дадил ифодалайдилар.

Хиндистонлик rassомлар Бобурийлар сарой урф - одатлари яхши билиб, аниқ ва ишонarli тарзда тасвирлагани уларнинг маҳоратидан дарақ беради.

Сайр манзаралари, ёдгорликларни тамоша қилиш хиндистонлик rassомлар учун ўз ватани, меҳнаткаш халқига муносабатини намойн этиш кенг имкониятлар яратган. Улар турли жойлар манзараларини юксак маҳорат ва муҳаббат билан тасвирлаганлар. Бу эса турли Ганга дарёси тасвири, Биромдаги йоталарнинг муқаддас жойи Гурӯ Қхатри, улугвор Гавалер, Урвадаги ажойиб иморатлар ва бошқалар тасвирини намойн бўлади. Буларнинг Гвалиёр, Урвадаги ажойиб иморатлар ва бошқалар тасвирини намойн бўлади. Буларнинг ҳаммаси жуда катта реалистик куч билан даярли барча Хиндистон rassомлари акс этира олишган. Энг моҳир rassомлардан Жаҳаннатх, Қхем, Нанда Гвалиёри расмларида воқеалар тинч, осойишта хикоя қилингандай тасаввур хошил қилади. Уларнинг асарларида маиший тафсилотлар кўнг билан зарур рангларда шундай тасвирлайдики, бу тафсилотлар тамошабин эътиборини асосий воқеадан қалғитмайди, балки ёрдамчи восита бўлиб хизмат қилади.

Турли жойлар ахолиси ва ижтимоий гуруҳлар вакиллари образини яратар экан, Хиндистонлик rassомлар уларни умумлаштиришга ва типик вакилларини хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилганлар, аммо уларнинг қийими, безаги ва бошиқаларини тасвирлашда реализмга ва ҳаққонийликка интилишган ва унга эришганлар. Айни мана шу хусусиятларни Жаҳаннатх, Говинд, Кесу Хурд ва бошқалар ўз асарларида тасвирлай олганлар. Уларда ўша даврда Шимолий Хиндистонда яшаган турли этник гуруҳ ва ижтимоий табақа вакилларининг умумлашма образларини кўриш мумкин.

Бу мавзудagi миниаторалар хиндистонлик rassомларга ўз мамлакатининг гўзати жойлари, табиати жозибаси, метеморчилик намуналари хусусиятлари ва маиший тафсилотларни очиб беришга имкон яратган. Турли халқлардан иборат бўлган мамлакат ахолиси ҳаёти ва одатларини мағияторлада тасвирлаб, ўша даврга хос хусусиятларини расмларда акс эттирган.

**Учрашув, расминий қабул ва энёфатлар.** Бу мавзуда оид сюжетлар «Бобурнома» миниатораларида кўп учрайди. Бундай мавзудлар талқинида, кишиларнинг ўриларини белгилашда маълум даражада шаклланган тархлар ечимида қонун қоидалар мавжудлиги кўзга ташланади. Миниаторалар тархида асосий қаҳрамон — Бобур ва аёллари маълум ўринлар ажратилган бўлиб, иккинчи даражали шахслар, мулозим, тамошабинлар ҳам шаклланган одоб ахлоққа биноян ўз ўринларида эга. Кишилар ва кўшимча тасвирлар умумий тархда ўз ўрни, чизикларда маълум кетма-кетлик, уйғунликда жойлашганини кўриш мумкин. Уларнинг бундай жойлашуви асосий композицион ечим мақсадига мос тушиши керак. Кўп кишилар расмлар композициясида маълум схемалар — доира, учбурчак ва бошқа шакллар учрайди. Расмдаги шакллар, чизиклар ва ранглар ўзаро боғланган ва умумий яхлит асар композициясини ташкил қилади.

Тажрибаги rassомлар Фаррух Чела, Сонвалта ва бошқалар, Бобурнинг тасвирларида унинг ёши хусусиятларини ифодалаб тасвирлашга интилишганлар. Лекин барча миниатораларда Бобур подшоҳ бўлгани учун ҳам ўша замон талабига биноян маълум даражада идеаллаштирилган. Бу эса унинг туриш ҳолати, агрофидати аёллар, мулозим, хизматкорлар, саройга хос ашёлар доирасида тасвирланишида билинади. Одатда rassомлар уни миниатора марказида жойлаштиришдан ташқари, ўзига хос қийими, безаклари, агрофидати ашёларнинг ҳам шохона ёки шохлар шароитига мос қилиб тасвирланиши талаб қилинганни маълум бўлади.

Бундай расмлардаги аёллар образи ҳам хиндистонлик rassомлар томонидан жуда қиройли, келишган, жозибали қилиб тасвирланган. Уларнинг хатти — ҳаракати бўлаётган воқеага муносабатига кўринади. Бу аёллар асосан оқила ва донишманд қилиб тасвирланган. Бунда қадимий хиндистон rassомлик анъаналари аёлларни фақат гўзали

килиб тасвирлаш керак, - деган талабга XVI аср охири ва XVII аср бошларида ҳам риоз этилганлиги хайратланарли бир ҳолдир.

Хусусан, Бобурнинг катта онаси Эсон Давлат бегим миниатюраларда оқила ва катъий иродата эта аёл сифатида тасвирланган. У давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этган. Халича Султон бегим ва Султон Поинда бегим ўзига хос ғурурга эта аёллар сифатида талкин қилинган. Бобурнинг онаси Хонзода бегим меҳрибон аёл сифатида ўз укасидаги ўн йиллик ўзғаришлардан хайратга тушганини ифода этаётган ҳолида тасвирланган.

Ҳиндистонлик rassomлар саройнинг марҳум тартиб-қонда ўрнатилган дабдабали ва шонли ҳаётини акс эттириш билан бирга, ўз даври маданияти тараққий этганини намойиш этишган. Уларнинг бундай мавзудagi расмларида олим, шоир, созанда ва хонандалар образлари мавжуд. Вожа-ходиса кюз бераётган шохона сарой, боғ ва меъморий иморатлар миниатюрага ўзгача рух бағишлайди, расмларнинг образлар тизимидаги декоративлик хусусиятини бруттириб кўрсатади.

**Жанг манзаралари.** Бу мавзудagi миниатюралар Бобурнинг ҳарбий фаолияти билан боғлиқ бўлган турли ҳаракатлар — қалъалар қамали, шаҳарларни забт этилиши, жангу жадал ва бошқа вожа-ходисаларни тасвирлашга бағишланган. Уларнинг барчаси кўп фигурали мураккаб композицион ечимларга эта бўлиб, расмларда вожа-ходисаларнинг драматизми, фожеаси, динамикаси маҳорат билан очиб берилган. Ҳиндистон rassomлари сипоҳийларнинг шиддат билан от чоптиришлари, фожиали тўқнашувлар, жангнинг дахшатли муҳитини ўз асарларида юксак маҳорат билан тасвирлай оlingлар.

Британия музейидаги rassom Махешнинг «Чин Тимур Султон, Мустафо Румий ва Ҳумотон жанг майдонидан», Дев Гужаротийнинг «Ҳумоюннинг Ҳамудхон устидан талабаси», Дехли Миллий музейидаги «Қалат кўргонини қамали», Алвар давлат музейидаги «Канва яқинидаги жанг» ва бошқа расмлардаги юқоридаги хусусиятларни кўриш мумкин.

Жанг манзараларига бағишланган барча миниатюраларни бир хил жуда юқори маҳорат савиясида яратилган дейиш кийин. Чунки бу мавзуда жуда кўпгина расмлар ишланган. Мана шунинг учун бўлса керак, Британия музейидаги rassom Решнинг «Бобурнинг Самарқандни қамал қилиши», Москва Шарқ халқлари санъат музейидаги «Ўзганд яқинидаги жанг», «Бобурнинг суворийларнинг Ахмад Таибал кўшини билан тўқнашуви» ва бошқа айрим расмларда сюжет воқеаларнинг таразли талқини, бир хил тасвирланган жангчилар, композицион ечимлардаги кайтариклар кўзга ташланади.

Лекин бу мавзудagi асарият расмлар ўзининг оригиналлиги, композицион ечимларининг турли туманилиги, жангчиларни қаҳрамон сифатида тасвирлаш билан ажралиб туради. Уларда Ҳиндистонлик rassomлар фожиали манзараларни жуда ишонарли тасвирлашга, улар моҳиятини очиб беришга, жангнинг шиддати ва дахшатли моҳиятини кўрсата олинган муваффақ бўлганлар.

Жанг манзараларида олдий халқ вакиллари шунчаки бефарқ тамошабин килиб тасвирланган эмас. Хусусан, қалтак ва тошлар билан қуролланган, йўқси ва маълум ҳалойиқ, яхши қуролланган душман тараф жангчиларига қурқмасдан, мардонавор ҳужум қилмоқда. Ўзларининг халоскорларини хурсандчилик, шоду хуррам, совға-саломлар билан кўтиб олмоқдалар. Жангу жанжал жонига тежкандарида ноқтарини кўтариб, шаҳарларини тарқ этмоқдалар. Мана шундай ҳолатларни Британия музейидаги «Бобурнинг Самарқанд шаҳрини қамал қилиши», «Бобурнинг Андижон яқинидаги жанги», «Кобул шаҳрини қўзғолоғичилардан озод этилиши» каби миниатюраларда кўриш мумкин. Бунда халқнинг ўз тақдирига бефарқ эмас эканлиги намойиш этилган ҳамда

rassomларнинг жангу жадал, уриш ва қирғинларга муносабати ўз ифодасини топган дейиш мумкин.

**Ҳиндистон наботи ва хайвоноти тасвири** «Бобурнома» расмлари ва умуман Ҳиндистон миниатюра рангтасвирида тарихидаги янги воқеалик бўлиб, муҳим ўрин тутди. Бадиий асар сюжетига риоз қилган ҳолда, rassomлар жонивор, парранда ва ўсимлик оламини ўзига хос характерли томонларини тасвирлашга интиланлар. Мана шу мавзулардаги расмлар туркумини яратиш натижасида қуйидаги Ҳиндистонлик rassomлар Мискина, Кесу Гужаротий, Канҳа, Махеш, Шанкар ва бошқаларнинг юксак маҳорати намойн бўлди. Уларнинг миниатюралари қузатувчанлик, табиатга меҳр, нозик дид ва бой билим самараси эди.

Шунинг билан бирга бу мавзудagi расмлар кўпгина яратилгани учун ўз-ўзидан кайтарик, шартлилик ва декоратив йўналишда яратилганлари ҳам мавжуд. Бундай расмлар сирасига Сарун, Дхану ва бошқа rassomлар миниатюралари кирди.

Санъатшуносликда Нуриддин Мухаммад Жаҳонгир (1606-1627) нинг rassomликка қизиқиши кучли бўлгани учун унинг ҳукмронлик давридагина жониворларни тасвирлаш — анималистика жанри ривожланган деган хато фикр мавжуд. Чунки бу пайшоҳ даврида ижод этган Мансур номи rassomга жониворларни тасвирлашдаги маҳорати учун «Нодирул аср» деган фахрий ном берилган эди. «Бобурнома» миниатюралари юқоридаги хато тасаввурни тўғрилашга имкон берди. Чунки, XVI аср охири ва XVII аср бошларидаёқ Махеш, Мискина, Кесу Гужаротий ва бошқалар каби rassomлар ўзларининг кўпгина асарларида Ҳиндистон табиати, жонивор, парранда, даракт ва ўсимликлар олами юксак маҳорат билан яратилган эди.

Бобонинг хулосасида Ҳиндистон миниатюра рангтасвири тараққийт йўллари ҳақидаги фикрлар умумлаштирилиб, баён этилган. Ўзинг юксак бадиий хусусиятлари ва мавзуларнинг ранг — баранглиги жиҳатидан «Бобурнома» расмларига бошқа тарихий асарларга ишланган миниатюралардан биронтаси тенг кела олмайдди. Бу расмлар Ҳиндистон миниатюра рангтасвири тарихида ўзига хос бадиий хусусиятлари, даврийит нафасини акс эттириши билан алоҳида ажратлиб туриб, кейинча бошқа маҳаллий миниатюра мактабларининг шаклланиши ва тараққийтига ўзининг самарали таъсирини ўтказган.

**Учинчи боб.** Миниатюраларнинг матнга муносабати. Бу бобда барча миниатюралар даврий жиҳатдан тасниф этилиб, уларда тасвирланган воқеалар ва уларнинг Ҳиндистон rassomлари бадиий асарлари ифода этиш муаммолари баён этилди.

«Бобурнома»нинг Фарғона даври (Ҳижрий 899 — 1493/94 йилдан 909 — 1503/04 йилгача) та оид миниатюраларда асосан Фарғона, Мовароуннаҳр ва Ҳуросонда юз берган воқеалар акс эттирилади. Булардан энг муҳимлари — Бобурнинг Фарғона вилояти ношоҳи бўлиши, унинг мустақиллик учун қураши, Самарқанд тахтини икки бор эгаллаши ва бошқа воқеалардир.

Бу даврга оид миниатюраларда асосий сиёсий воқеалар тасвири етакчи ўрин тутди. Бобурнинг Фарғона мустақиллиги ва Мовароуннаҳрдаги ҳокимият учун олиб борган эъдииятли фаолиятини тасвирлаган Ҳиндистонлик rassomларнинг асарияти адабий — тарихий матндаги воқеаларни ҳаққоний ва ишонарли килиб кўрсатишга интиланлар. Мана шунинг учун уларнинг асарларида Бобурнинг фақатгина талабалари ва муваффақиятлари эмас, балки аламли манубуйятлари ва ҳаётидаги аччиқ онлари ҳам ўз аксини тошган.

Ҳиндистонлик rassomлар, энг муҳим сиёсий воқеаларни ўз миниатюраларида турлича талқин этганларини кўраимиз. Асарият, хусусан, Номо, Фаррух Чела, Сонала ва бошқа rassomлар асарларида матндаги воқеаларни ҳаққоний тасвирлаш устун. Лекин баъзи миниатюраларда Бобур образини, адабий тарихий матндаги баёнга хилоф тарзда,

идеаллаштиришга кучли интилиш сезиледи. Масалан, катор расмларда матнда баён этилгандек, шиддатли ва дахшатли тўқнашув ўрнига Бобур кўшинларининг ғолибона юриши тасвирланади. Аксарият расмларда уни подшоҳ бўлгани учун ўрта ёшли киши сифатида тасвирлашадикки, бу йиллари у 12-21 ёшларда бўлган. Шунингдек, баъзи расомлар Бобур шахсан иштирок этмаган жанг лавҳаларига ҳам унинг образини киритишган ўринлар мавжуд.

Миниаторларда катор йирик тарихий шахслар Мавлонои Қози, Қосимбек, Эсон Давлат бегим ва бошқалар тасвири мавжуд. Уларнинг расмлардаги тасвири асосан «Бобурнома»да баён этилган характерига мос ва хос. Шунингдек, керакки, адабий тарихий матнни билиш тамошабинни миниатора сюжетини тушуниб олиш, расомнинг ғоявий мақсади ва ижоди, унга хос хусусиятларини тушунишга ёрдам беради. Бу даврга оид миниаторларда расомлар халқ намойндалари, уларнинг ҳаёти ва турмушини акс эттиришга кетга эътибор бергани сезилиб туради.

Қобул даври (хижрий 910 — 1505/06 йиллардан хижрий 931 - 1524/25 йилларигача) га оид миниаторлар Қобул, Хуросон ва Хиндистонда бўлиб ўтган воқеалар тасвирига бағишланган. Хиндистонлик расомлар, адабий тарихий матнга мувофиқ, саройдаги қабул, зиёфатлар, Бобурнинг ҳаёти лавҳалари, унинг Хуросон пойтахти Хирот шаҳрида бўлиши тасвирланган. Расомлар тақинида ҳаётда бўлгандек, Бобур ҳаётини яхши кўрадиган, юрти ободлиги учун жон куйдирадиган подшоҳ сифатида талкин қилинган. Сарой ҳаёти тафсилотлари, расмий қабуллар ва сайрлар расмларда кенг тасвирланган.

Бобурнинг Хиндистон маданиятига қизиқиши, йўталарнинг Турку Қхатри деган жойини кўришга интилиши, хиндистонлик расомлар учун ўша жойни тафсилотлари билан тасвирлашга имкон яратди. Ваҳоланки, китобда биринчи бор сайри пайтида у жойни кўра олмгани учун афсуслангани айтилади.

Хиндистонлик расомлар Фарғона ва Қобул даври воқеаларини тасвирлашда фақат ҳаққонийлик ва этнографик аниқликкагина интилмастан, табиат манзаралари, турмуш лавҳалари ўз шахсий кузатувлари, билим ва маҳорат билан кўрсатишга интиланлар. Шунга қарамай, уларнинг бу даврга оид кўплаб асарларидати шахслар, Бобурдан ташқари, тасвирида хилма хиллик кўзга ташланади. Уларнинг портретларида ўхшашлик ёки тарихийлик мавжуд дейиш қийин.

Қобул даврига оид миниаторларда мавзулар хилма-хиллиги мавжуд бўлиб, улар китоб мазмунини тамошабинга очиб беришга хизмат қилади.

Хиндистон даври (хижрий 932 — 1525/26 йиллардан хижрий 935 — 1529/03 йилларгача) га оид миниаторлар фақат тўрт йиллик воқеаларни тасвирлайди, аммо Бобур ўз китобида, унга эргашиб хиндистонлик расомлар ҳам уларга алоҳида диққат — эътибор берганлар. Бу даврга оид миниаторларда Бобурнинг Хиндистонга бешинчи юриши, унинг давлат ва юрт ободончилиги билан шуғулланган ўзини бадиий ифодасини топган. Расмларда Бобурнинг хиндистонликлар маданияти ва урф одатларига қизиқишга алоҳида эътибор берилган. Умуман, бу хусусият унинг кейинги авлодлари фаолияти ва сиёсатига ҳам хос эди.

Хиндистон даври миниаторлариди Бобурнинг Қобулдан Агра шаҳригача бўлган юриши тафсилотлари: жанглар, дам олиши, ов ҳамда маҳаллий хукмдорлар билан муносабатини кузатиш мумкин.

Умуман, хиндистонлик расомлар адабий тарихий асарнинг ушбу қисмида баён этилган мазмунни рангтасвир бадиий тилга муваффақиятли ағдара олган.

Миниаторларда асосий эътибор муаллиф Бобурнинг ҳаёти ва фаолияти ўрни тўғрисида «Бобурнома» ўша даврга бошқа тарихий соҳналарга хос бўлган кўтаринки муҳолағавий услубга нисбатан бўлиб ўтган воқеа — ҳодисаларни дунда, тушунарли ва

ифодали тарзда баён этиши билан ажралиб туради. Бобур асарининг бу хусусияти миниаторист расомлар ижодига таъсир этган дейиш мумкин.

Шунингдек, керакки, хиндистонлик расомлар миниаторларини яратишда ривож этган асосий ғоя — концепцияси Бобурнинг эстетик тасаввурига яқин ёки деярли айнан деса бўлади.

Хулоса. Амалга оширилган тадқиқот асосида қуйидаги фикрлар баён этилди:

1. XVI аср охири — XVII аср бошларидаги Хиндистон миниатора рангтасвири мамлакатдаги сиёсий, маданий ва иқтисомий ҳаётдаги юқсак даражадаги тараккиёт самарасидир. Бу мазгун даражада Марказий Осиё, Эрон, Озарбайжон ва бошқа халқлар билан кенг камровли ва турли даражалардаги яқин алоқалар туфайли юз берди.

2. Мамлакатда вужудга келган ижодий муҳит Хиндистон маданият тарихида араб ёзувига асосланган китобат санъатининг гуллаб яшнашига асос бўлиб хизмат қилди.

3. Бизгача етиб келган саккиз расмни қўлёзма ва пароканда вароқлардаги миниаторлар биринчи бор алоҳида тадқиқ этилди. Шу нарса аниқландики, нисбатан қисқа вақт 1590 йилдан 1606 йилгача «Бобурнома»нинг ўндан ортик расмни қўлёзмалари яратилган бўлиб, шундан бештаси китоб ҳолида, қолганларидан эса расмни пароканда вароқлар сакланиб қолган. Шуллардан Британия музейидаги уч расмни қўлёзма ва биттасининг йилirma уч саҳифадаги миниаторлар, Болли кутубхонасидаги расмни қўлёзма, Париждаги Миллий кутубхона ва Алвар шаҳридаги Давлат музейи расмни қўлёзмалари дисертант томонидан санъатшунослик фани илмий муоамаласига биринчи марта киритилди.

4. «Бобурнома» қўлёзмалари — Хиндистон китобат санъатининг шох асарларидир. XVI аср охири — XVII аср бошларидаги хиндистон миниатора рангтасвири маҳаллий анъаналар асосида ривожланиб, бошқа мамлакатлар бадиий мактабларидан ҳам ижодий озука олган. Мана шу снғтез — ижодий ҳамкорлик самараси сифатида хиндистонлик расомлар ўзларига хос бадиий услуб яратиб, унда шарқ миниатораси жозибаси, унинг беэақлик хусусияти ва реализм унсурлари уйғун ҳолда намойён бўлди. Улар тасвирланган шахслар ўзига хос индивидуал хусусиятларни, миллий турмуш тарзини, қисман эса чияқлиги перспектива қоидаларини ўз асарларида акс эттирганлар. Буларнинг барчаси ўша давр эстетик таъби, тарихий шароит талабидан келиб чиққан эди. Хиндистон расомлари миниатораларида замондошлари биринчи ўринда «билим манбаи ва нодонликка қарши восита» (Абулфазл Алломий) ни кўришни хоҳлагандлар.

6. «Бобурнома» қўлёзмаларида расмлар ишлатишда юздан ортик расомлари иштирок этгани аниқланиб, уларнинг ичиди Басован, «Нодирул аср» устод Мансур, Кеу, Давл, Муқунд, Мискин, Фаррух Чела, Малху, Махеш, Қхемжаран, Сонвала, Ромдас, Манохар, Вишнудас ва бошқа машхур ижодкорлар бор. Бу расомлар турли жойларда туғилиб, расом сифатида шаклланган бўлса-да, жуда яқин бадиий услубда ижод этганлар. Уларнинг миниатораларида шаклларнинг муқамаллиги ва тасвирнинг юқсак маҳорат билан яратилгани уйғун ҳолида келган.

7. «Бобурнома» миниаторлари бошқа тарихий асарларга ишланган расмлардан ҳам ўзининг юқсак бадиий савияси, ҳам мавзулар хилма — хиллиги ва бойлиги билан ажралиб туради. Миниаторлар мавзу таснифи ва уларнинг бадиий хусусиятлари таҳлили қуйидаги гуруҳларни ажратиб ўрганишга имкон берди: а) мамлакат ободончилигига оид; б) спорт ўйинлари ва ов; в) майиш мавзу; г) учрашув, расмий қабул ва зиёфатлар; д) жанг манзаралари; е) жонивор ва ўсимликлар олами. Хиндистонлик миниатористлар қадимги хинд рангтасвири мавзу доирасини сезиларли даражада кенгайтирди, уни дунёвий характердаги янги сюжетлар билан бойитди.

8. «Бобурнома» — бу янги бадиий тарихий соҳнома жанрида яратилган бўлиб, хиндистонлик миниатористлар учун ижодий изланишлар учун жуда катта имкониятларни

берди, баъдий эстетик қарашларини ўсишига хизмат қилди. Хиндистонлик рассомлар, қадимги анъаналарга риоя қилган ҳолда, «Бобурнома» мазмунини муваффақиятли тарзда рангтаъсвир тилига ўтирди.

9. Хиндистонлик рассомлар асарлари ўзининг мислсизлиги ва нозик дид билан яратилгани, юксак баъдий эстетик хусусиятлари, ашёларнинг аниқ тасвирланиши, эҳтирос ва хис-ҳаяжонни ифодаланиши билан кишини хайратга солади. Улар ўзининг баъдий аҳамияти, мавзулар хилма-хиллиги, юксак маҳорат самараси сифатида «Бобурнома» расмлари бошқа тарихий соҳномаларга ишланган миниатюралардан тенги йўқлиги билан ажралиб туради. Улар дарҳақиқат, «Беҳзод мўйқаламига муносиб, дунёга машхур европа рассомларининг ажойиб асарлари билан бир каторга қўйиш мумкин» (Абулфазл Алломий).

10. «Бобурнома» кўلэмаларига ишланган XVI аср охири – XVII аср бошларидаги Хиндистон миниатюралари рассомларнинг катта ижодий ғуруҳи Фарғона, Мовароуннаҳр, Қобул ва Хуросон тарихи ва маданияти кизиклиги билан қараганини кўрсатади. Бу расмлар Хиндистон ва Марказий Осиё ҳалқлари яқин маданий алоқалари тўғрисида яна бир бор ғувоҳлик беради.

**Диссертация мавзуси бўйича қўйидаги мақолалар чоп этилган:**

1. «Бобурнома» кўлэмалари форс тилида. – «Ўзбек тили ва адабиёти». - ЎзР «Фан» нашриёти, 1974, № 1.
  2. Дид ва билим самараси. – «Фан ва турмуш», ЎзР «Фан» нашриёти, 1974, № 2.
  3. Бобур ҳаёти, фаволияти ва уларида доир миниатюралар. – «Мақтаб», 1974, № 3.
  4. «Бобурнома» миниатюралари. – «Ўлистон», 1975, № 9.
  5. XVI аср Хиндистон миниатюра рассомлигининг баъзи хусусиятлари. - «Адабий мерос», Тошкент. ЎзР «Фан» нашриёти, 1976, № 4.
- (Ротапринтда чоп этилган. 100 нусхада).

#### Хинд миннаторе мактаби

XVI – XVIII асрларда Шимолий Хиндистоннинг пойтахт шаҳарлари бўлган Агра, Дехли ва Лохурда ривож топган Хиндистон миннаторе мактаби ўзига хослиги ва юксак баъдий хусусиятлари билан Шарк миннаторе тарихида муҳим ўрин тутди. Бу миннаторе мактабининг шаклланиши ва таракқиётида қадимги маҳаллий Хиндистон тасвирий санъатининг бой анъаналари билан бир каторда кўшнни ва чет мамлакатлар, шунингдек, Хиндистоннинг фаол ва кенг маданий муносабатлари натижасида Мовароуннаҳр (Самарқанд, Бухоро), Хуросон (Хирот), Жанубий Озарбайжон (Табриз), Эрон (Шероз) ва Ғарбий Европа рангтаъсвир мактаблари сезиларли ижобий таъсир кўрсатди. Жумладан, кўшнни мамлакатлардан кўпчилик олим, шоир, моҳир рассом, хаттот ва бошқа маданият вакиллари Хиндистонга келиб, яшаганлар ва Хиндистон маданияти таракқиётига ўзига хос хисса қўшганлар. Мана шундай шакллардан йirik тарихчи Фиёсиддин Хондамир, табиб Юсуф Юсуфий, шоир Қосим Қўхий Самарқандий, рассомлардан Мир Саид Али, Абдусаммад Шерозий, Фаррухбек каби кўтлаб ақл-заковат эгаларини санаб ўтиш мумкин.

Хиндистон миннаторе мактаби XVI асрнинг иккинчи ярмида шаклланган бўлса-да, Хиндистон тасвирий санъати, хусусан, рангтаъсвир санъати жуда кўп асрлик бой анъаналарга эга эди. Хиндистон ҳудудида жойлашган буддавийларнинг қадимги Ажанта (эр. авв. II аср – эрамининг VI асрлари), тоғ ичидаги Багха (VI–VII асрлар) ибодатхонаси деворий суратлари бизгача етиб келган. Бу қадимги деворий суратларнинг аксарияти буддизм адабиёти ёлгорлиги «Жатак»ларга, яъни буддизм асосчиси шахзода Гоутаманинг

афсонавий ҳаётидан олинган давҳалар ва нақиллар асосида яратилган. Бу юксак санъат намуналар дунёга машхур Помпез фрескалари билан рақобатлаша олади.

XI – XV асрлар давомида яратилган пальма баргларига битилган катор диний китобларни ҳам суратлар билан зийнатлаш олат бўлган. Қадимги Хиндистон адабиёти ёлгорликларида ҳам рассомлар, уларнинг иллари тўғрисида айрим маълумотлар мавжуд. Хатто, Бобурийлар салтанати бунёд этилгунга қадар, Дехли, Гужорат ва Бенгалияда яратилган турли суратли кўлэмаларнинг бир нечтаси яратилган маълум. Аммо миннаторалар, асосан, кичик маданий марказларда яратилган бўлиб, ўзининг соддалиги, композициясининг шарғиллиги, муайян бўёқлардан фойдаланилганлиги ва чизикларнинг табиийлиги хусусиятлари билан ажралиб туради.

Хиндистонда XVI асрнинг иккинчи ярмида сарой қошида махсус рассомлик устахонасининг очилиши, четдан келган рассомлар билан бир каторда маҳаллий марказларда яшаб, ижод этган санъаткорларнинг қобилиятини кенг намойиш этишга шароит яратди.

Хиндистон миннаторе рассомлиги XVI асрнинг иккинчи ярмида Жалолддин Мухаммад Акбар (1556–1605) даврида санъат воқелиги сифатида маълум бўлиб, гуллаб-яшнаган эди. Аммо, асосий миннаторе мактабларига Бобур ва Хумоюн асос солишган.

Хиндистондаги янги сулола асосчиси Захириддин Мухаммад Бобур (1525–1530) шоир, хаттот, олим бўлиши билан бир каторда, рассомликка жуда кизиккан. Унинг шох асари «Бобурнома» (асли номи «Вақоийъ»)дан маълумки, у табиат манзараларини, одамларнинг кифофларини маҳорат билан шундай тасвирлайдики, улар китобхон кўз олдида яққол намён бўлади.

Мана шу хусусият учун бўлса керак, хиндистон рассомлари бу китобнинг форча таржумаси кўлэма нусхагарини бир неча марта нафис миннаторалар билан зийнатлаганлар<sup>62</sup>. Бундан ташқари, «Бобурнома»да хиротлик ва самарқандлик рассомлар, устод Камолддин Беҳзод, Шох Музаффар, Бойсўнкур (Султон Махмуд мирзо ўғли), Хайдар Мирзоларнинг номлари тилга олинган<sup>63</sup>.

Бобур ўзининг Мовароуннаҳрдаги саргузаштларга бой ва таҳлиқали ҳаёти давомида анча ёш бўлишига қарамастан, ота-боболари Темурийлар кутубхоналаридан қолган хар бир нодир кўлэмани, хатто унинг вароқларини йиғиб, жамлаб, ҳаммасини кейинчалик Хиндистонга олиб кетган.

Бобурнинг ватанидан Хиндистонга олиб боришган кўлэмалар Хиндистон миннаторе мактаби услубининг шаклланишида жуда муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки, хиндистонлик рассомлари ўз маҳоратини ошириш мақсадида сарой кутубхонасида сақланаётган ушбу нодир кўлэмалардаги ноёб миннаторалардан нусха кўчиришган. Ўрни келса, ўз устозларидан ўтишга ҳаракат қилганлар ва улардан моҳирлари бунга маълум даражада эришганлар.

Бобурнинг ўғли Насириддин Мухаммад Хумоюн (1530–1542, 1555–1556) хиндистон тасвирий санъати тарихида сарой қошидаги рассомлик қорхонасига асос солган маърифатли ҳукмдор сифатида ном қолдирган. Тарихчи Абулфазл Алломийнинг ғувоҳлик беришича, у мўъжаз тасвирлар илова қилинган кўлэмаларни шу қадар қадрлаганики, хатто, харбий қорилар вақтида ҳам уларни ўзи билан бирга олиб юрган. Лекин, айрим тадқиқотчилар Хумоюннинг ҳокимиятдан четлагилган пайтида шох Тахмосиб хузурда маълум вақт (олти ой, 1543–1544 йиллари) бўлганлигини назарда тутиб, унинг рассомлик санъатига бўлган кизиклишига Сафавийлар сабабчи бўлган, деб нотўғри фикр қоридилар.

<sup>62</sup> Сулаймонов (96).

<sup>63</sup> Бобурнома (1960), 26, 68, 244 бетлар.



Хумоюннинг шох Таҳмосиб меҳмони бўлганга қадар ҳам рассомликка кизиқканини тарихий манбаълар тасдиқлайди. Чунончи, Гулбадан бегимнинг «Хумоюннома» асарида унинг китобот санъатига кизиқиши қайд этилган.

Хумоюн шох Таҳмосиб мамлакатда бўлган вақтда асли термизлик рассом Мир Мансур Мусаавир билан танишди. Унинг ишларини кўриб Хумоюн жуда завқланди ва, «Агар менга шу рассом берилса, унинг учун Хиндистондан минг туман пул жўнатилса розиман», — дейди. Шу воқеадан сўнг, Хумоюн Мир Мансур Мусаавир, унинг ўғли Мир Саид Али, Абдусамал Шерозий билан, агар у Қобул тахтини эгалласа ўз хизматига олишини аҳд қилган бўлса керак. Хумоюн Қобул тахтини эгалладанидан сўнг, сарой қошида рассомлик корхонасини ташкил қилиб, унга юқоридати санъаткорлардан ташқари яна Мавлоно Дўст Мухаммад, Мавлоно Дарвиш Мухаммад, Мавлоно Юсуф каби устод Камолдин Бехзоднинг шогирдлари ва сафдошларини ҳам ўз хизматига олаётганини тарихчи Бозид Баёт ёзиб қолдирган. Номарълум муаллиф томонидан битилган, хозирги кунда Хиндистоннинг Патна шаҳридаги Хуло Бахш номи Шарк кўлёмалари кутубхонасида сақланаётган форе тилидаги «Тарихи хонадони Тимурий» номир асар кўлёмасида қайд этилишича, Хумоюн ва унинг ўғли Акбар рассом Абдусамал Шерозийдан рассомликни ўрганганлар.

Хатототлар ва рассомлар ҳақидаги кимматли манба рисола «Улистон-и хунар» асарининг муаллифи Қози Аҳмад Қумийнинг ёзишича, устод Камолдин Бехзоднинг маҳоратда тенгсиз шогирдларидан бўлмиш Дўст Девона ҳам Хиндистонга келиб, шуҳрат орттирган экан<sup>64</sup>. Унинг машҳур мусаавир Махмуд Музакххоб билан биргаллик ишлаб, миннаторлар билан зийнатлашган мўътабар кўлёмалар хозирги кунда Хиндистоннинг Хайдаробод шаҳридаги Сапор Жанг музейида сақланмоқда. Бу номир расмларнинг юксак бадиий савияси ҳақиқатан ҳам уларнинг муаллифи Дўст Девонанинг ёрқин таянги эгаси эканлигидан далолат беради.

Бобурийлар саройи қошидаги маҳсуе рассомлик устахонасига Хумоюн асос солган бўлса-да, қоронда зикр этилганидек, Хиндистон миннаторга мактабининг тараккий этиши ҳамда янгича услубнинг нақлланишида Бобурийнинг набоираси Акбарнинг савй-харакатлари бекиёсдир. У ёшлитиданок хаттолик ва рассомликка қатта кизиқиш ва мухаббат билан қаратган, кейинчалик эса сарой устахонасида рассомларни жалб этишга шахсан иштирок этган. Хафтаннинг марълум кунда мусаавирлар ишларини ўзи назоратдан ўтказиб, муваффақиятга эришган санъаткорларга инъомлар туҳфа этган ёки уларнинг ойлик маошини кўпайтиришга амр берган. Акбар билим доирасини кенгайтиришда ва кишига завқ-шавқ беришда рассомлик ва хаттолиқнинг вазифаси муҳимлигини англаб етган, мусаавирларни мутаассиб руҳонийлардан ҳимоя қилган.

«Нафисул муасир» таъкирасининг муаллифи Мир Алауддояла Қазвинийнинг ёзишича, XVI асрнинг етмишинчи йилларида келиб, сарой қошидаги рассомлик корхонасида турли маданият марказларидан жалб қилинган, мусаавирликда устод Камолдин Бехзоддек мохир, истеъдодда афсонавий Моний билан беланшадилган санъаткорлар «Номирул мулки Хумоюн» унволига сазовор бўлган Мир Саид Али раҳбарлигида «Қиссаи Амир Хамза» достонига йирик ҳажмдаги (52x68см) матола миннаторга асарлар ишлаш билан машғул бўлганлар. 1570 йилгача, яъни Мир Саид Алнинг ҳаж сафарига кетгунга қадар, унинг бевоесида раҳбарлигида «Қиссаи Амир Хамза»нинг ҳар бирида 100 та миннаторга мавжуд бўлган, 4 та жилди тайёр ҳолатга келтирилган эди. Бу расмларнинг юксак бадиий хусусиятини тан олиб таъкиранавис:

«Бундай ажойиб суратларни табиату осмон яратилиб, у қолдугларга тўлгандан бун хеч қачон хеч қим кўрган эмас», — деб ўз хайратини изҳор этади.

«Қисса-и Амир Хамза» ривоятларига миннаторлар ишлаш, кейинчалик, «Ширин қалам» унволига сазовор бўлган Абдусамал Шерозий раҳбарлигида давом эттирилган. Мутахассисларнинг ёзишича, миннаторларнинг умумий сони 2800 тага етказилган экан. Аммо ҳақиқатдан, қаида йипирма йил давомида қўллаб хиндистонлик рассомлари ҳамкорлигида яратилган бу ноёб санъат намуналаридан бор-йўғи қоздан ортти бизгача етиб келган, ҳалос. Уларнинг кўпчилиги Австрия Пойтахти Вена шаҳри музейида. Қолганлари эса дунёнинг турли фондларида тарқаб кетган. «Қиссаи Амир Хамза» миннаторлари Хиндистон миннаторга санъати тарихида алоҳида янги бадиий услуб яратилганга интилиш бўлган даврни ташқил қилади.

Акбарнинг вазир ва тарихчиси Абулфазл Алломий «Ойини Акбари» асарида рассомлик тўғрисида тўхталиб, тўртта устод мусаавирлар Мир Саид Али, Абдусамал Шерозий, Дасвантх ва Басованининг номларини қатта эҳтиром билан қайд этади. «Бу санъат соҳасида, — деб давом этади тарихчи, — яна Кесу, Лавл, Муҳунд, Мискина, Фаррух Қалмоқ, Малху, Жагон, Махеш, Қужмақан, Ҳарибанс, Сонвала, Тара ва Рам ҳам қатта муваффақиятга эришиб машҳур бўлган эдилар»<sup>65</sup>.

Хиндистон миннаторга санъатининг тараккийида четдан келиб, Хиндистонда яшаб, ижод этган санъаткорларнинг хизматини ҳақи равишда тан олган Абулфазл Алломий маҳаллий мусаавирлар истеъдодини асло инкор этмайди. Юқоридан номлари алоҳида қайд этилган ўн етти рассомнинг фақатгина учтаси четдан келган, ҳалос. Уларнинг ичидан ўн учтаси эса хиндистонлик рассомлардир. Шунинг учун бўлса керак, Абулфазл Хиндистон мусаавирлари маҳоратини юқори баҳолаб: «Уларга бу соҳада тенг келадиганлар дунёда жуда кам топилди. Хиндистон рассомларининг ишлари инсон мушқоқдасини дол қолдирдиган даражада ажойибдур», — деб юқори баҳолайди.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, бу даврда Хиндистон рассомлари фақатгина сарой рассомлик корхонасидагина йирилган бўлмади, айрим олижаноб кишилар хузурида ҳам яшаб, ижод этганлар. Тарихчилар атоқли сарқарда, шопир, таржимон ва ҳомий Абдурахимхон Хони хонон, шопир Байрамхон ўғли («Бобуринома»ни форсчата таржима қилган)нинг шахсий кутубхонасида ҳам бир тўрух рассомлар ва хатототлар ижод этганини ёзиб қолдирганлар.

Умуман, XVI асрнинг иккинчи ярми Хиндистон миннаторга санъати тарихига, асосан, мўътабар кўлёмаларга миннаторлар ишлаш даври бўлиб кирди. Акбар ҳумидорлиги даврининг охирида унинг кутубхонасини кўздан кечирган европаллик сайёҳ, у ерда 24 000 жид кўлёмалар жамланганлигини ёзиб қолдирган. Албатта, бу китобларнинг кўпчилиги хиндистонлик рассомлари томонидан зийнатланган эди. Хозир бу ноёб санъат дурдоналари дунёнинг турли кўлёмалар фондларида тарқалиб кетган.

Акбар давридан кейин ҳам кўлёмаларни миннаторлар билан зийнатлаш давом этган бўлса-да, кейинча бу даврдагидек кўп ва юқори савияда зийнатланган мўътабар кўлёмалар яратилгани марълум эмас.

Акбарнинг ўғли Нуриддин Мухаммад Жахонгир (1605–1627) даврида алоҳида қотоз-лаваҳаларга мустақил мавзуга бағишланган миннаторлар ишлаш кенг олаги тусига кирди. Жахонгирнинг ёзишича, у шу даражада рассомликни яхши тушуяган-ки, ҳамкорликда ишланган миннаторларда қайси рассом, нимани ишлаганлигини адашмай айта бера олган. Дарҳақиқат, у рассомликка жуда кизиқиб, шахзодалик пайтидаёқ Хиротдан келиб,

<sup>64</sup> Казн-Аҳмед. Трактат о каллиграфиях и художниках. Введение, перевод и комментарии Б.Н.Заходера. М.: Изд-во «Искусство», 1947, стр. 182.

<sup>65</sup> Мадридков А.А. Абулфазл Аллами о каллиграфиях и миннатористах. — В кн.: Из истории культуры восточных народов Средней Азии и Индии. Ташкент. Изд-во «Фан», Ур, 1986, стр. 114.

ижод қилаётган Око Ризо ва унинг ўғли Абдулҳасанни ўз ҳомийлигига олганлиги маълум. Жаҳонгир миниатюра ишланган асарларни тўплашга шунчалик қизиққан-ки, маҳсус одамларни Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эрондан жўнатиб, қиммат нарҳда бўла ҳам, сотиб олишни тайинлаган. У саройда маҳсус нигорхона ташкил қилиб, энг мўътабар меҳмонларга расомлар асарлари билан шахсан ўзи таништирган. Шунингдек, Жаҳонгир Фарбий Европадан келтирилган рангасвир ишларини жуда қадрлаб, хиндистонлик расомларга улардан нусха кўчиришни буюрганлини Англиянинг Хиндистонга юборган элчиси Томас Рой ёзиб қолдирган.

Расомлар орасида устод Мансур хайвонот ва наботот тасвирида бееназир бўлиб, «Нодирлу аср» фахрий нисбасига сазовор бўлган. Бу даврда ижод этган расомлардан Манохар, Вишудас ҳам юксак камолотга эришишган. Вишудаснинг портретдаги маҳоратини юқори баҳолаган Жаҳонгир уни элчилар билан Эронга Шох Аббоснинг портретини ишлаб келишга жўнатган. Инглиз портретчиси Жошуа Рейнольдс Британия музейидаги портретлар жамланган мураккабни кўриб, Хиндистон расомларининг портрет соҳасидаги муваффақиятидан хайратланган эди. Жаҳонгир давридаги расмлар алоҳида мураккабларга жамланган бўлиб, улар хозирги кунда Англия, Эрон, Хиндистон, Санкт-Петербург, Москвадаги маҳсус фонд ва музейларда сақланмоқда.

Жаҳонгирнинг ўғли Шаҳобиддин Мухаммад Шохихахон (1628–1658) санъат соҳасидаги асосий эътиборини метаморфозлик тараққиётига қаратса-да, бун вақтларини сарой кутубхонасидаги мўътабар кўлёмаларни мутолаа қилиш билан ўтказган. Бобурийлар кутубхонаси фахри хисобланган хозирги кунда дунёнинг турли мамлакатлари фондларида тарқалиб кетган мўътабар кўлёмаларда Шохихахоннинг дастхати сақланиб қолган.

Шохихахон ҳукмронлик даврида ҳам алоҳида миннаторлар илолаш давом этди. Бу даврга келиб, подшоҳ ва унинг аёлларини бойлик ва дабдабасизликка муккасидан кетганликлари миниатюра асарларида ҳам ўзининг баъдий ифодасини толган. Говардхан, Бичитр, Читарман сингари маҳаллий расомлар, шунингдек, Мухаммад Нодир ва Мухаммад Муфрод исми самарқандлик расомлар юксак савиядаги миниатюра асарлари яратганлар. Расомлар асарларида Шарк миниатюраси анъаналари Фарбий Европа рангасвири услублари билан уйғунлашиб, фазовийлик нур ва соя ўйинлари кўп учрайди. Аврангзёб Оламгир (1658–1707) даврида сарой расомлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу даврда Хиндистонда бўлган француз сайёҳи ва врач Франсуа Бернвеннинг ёзишича, сарой расомларининг маҳорати жуда юксак бўлиб, молдий аҳоли ҳам яхши бўлган. Аммо, оддий расомларнинг аҳоли жуда аянчли бўлган экан. Зодагонлар расомларни ёнаб, иш битгандан сўнг истаганча ҳақ тўлаб, гоҳида ҳақ тўламай қувиб юборганлар.

XVIII аср давомида юз берган Бобурийлар салтанатидаги тушқунлик миниатюра санъати ҳам таназзулга ноз тутишига сабабларидан бири бўлди. Бу даврдаги миннаторларда аввалги мусававирларга тақлид қучаяди. Ҳукмдорлар ҳомийлиги сусайганлиги боис, расомлар оддий халқ ҳаётини кўпроқ акс эттиришди. Хиндистон миниатюра санъати эркин ривожланиб, алоҳида маҳаллий миниатюра мактабларининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатди.<sup>66</sup>

Расмларда: 1. Кантра мактаби. Аёл расми. XVII аср. «Маҳаллий хинд миниатюра мактаблари» номли китобдан (рангли мукова ичи); 2. Аёллар. Деворий суратлардан

деталл. Ажанга. Фор № 1. V аср охири; 3. Рожадан муравват тилаётган раққоса. Ажанга. Фор № 2. VI аср; 4. Мабир Дев. Шаҳода Доро Шужух фил устида. Бобурийлар мактаби. 1630 й.; 5. Прага Сен. Бахор. Хозирги замон хинд санъати; 6. Маҳаллий хинд миниатюра мактабларидан намуналар. Мевар мактаби. Гунакари Рагнини. Хинд мусикаси услубларида бағишланган расмлар туркумидан. XVII аср охири. Прагада шахсий мажмуада сақланган (рангли мукова ичида); 7. Кашмир мактаби. Вирахнини Наика. Хинд мусикаси услубларида бағишланган расмлар туркумидан. Гулра шахрида яратилган. 1790 й. Шимлагади Панжоб давлат музейида сақланган (рангли мукова ичида).

#### Озарбайжон миниатюра мактаби

Яқин ва ўрта Шарк халқлари тасвирий санъати тарихида Озарбайжон миниатюра мактаби (асосан Табриз шахрида XIV – XVI асрларда гуллаб-яшнаган) Араб, Эрон, Турк, Марказий Осиё ва Хинд миниатюра мактаблари каторидан муҳим ўрин тутади. Ўрта асрларнинг диний таъкиб ва таъйикига қарамай озарбайжон мусававирлари Шарк адабиёти даҳоларининг барҳаёт асарлари, мўътабар кўлёмаларини нафис, мўъжаз миниатюралар билан безатганлар. Айниқса, Абдулқосим Фирдавсийнинг «Шохнома», Низомий Ганжавийнинг «Ҳамса», Ҳофиз ва Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий асарларига ишланган миниатюралар жaxon тасвирий санъатининг ноёб дурдоналари каторидан муносиб ўрин эгаллаб турибди.<sup>67</sup>

Маълумки, Яқин ва ўрта Шаркда XII – XIII асрлар давомида Бағдод миниатюра мактаби етакчи ўринни эгаллаган. Айни шу вақтда бошқа маданият марказларида ҳам маҳаллий миниатюра мактаблари бўлганлиги шубҳасиз. Айниқса, XIV аср бошида Жанубий Озарбайжондаги Табриз миниатюра мактаби юксалди. Бу даврда машҳур тарихнавис, табиб ва вазир Фазлуллох Рашидиддин нигорхонасида кўп сонли тарихий кўлёмалар қайта-қайта кўчирилиб, нафис ва мўъжаз миниатюралар билан безатилган.

XIV аср охирида йирик маданият марказлари Шероз ва Хирот шаҳарларида ҳам мустақил миниатюра мактаблари мавжуд эди. Хозирги Афғонистон худудидидаги Хуросон давлати пойтахти Хирот шахрида XV – XVI асрларда ўз даврининг бекиёс расомлари устод Камолиддин Бехзод раҳнамолигида ижод қилишарди. Шунинг алоҳида кайд этиш лозимки, Хирот миниатюра мактаби кейинчалик Яқин ва ўрта Шарк миниатюра мактаблари тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. XIV – XV асрларда қадимий маданият марказлари Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ҳам маҳаллий миниатюра мактаблари бўлган тўғрисида кўплаб тарихий маълумотлар мавжуд.

XIII асрда Жанубий Озарбайжоннинг Табриз, Мароғи ва Ардебил шаҳарлари йирик маданият ва савдо-сотик марказига айланди. Чунки бу шаҳарлар серкатнов қарвон йўллари ўтган худудда жойлашган эди. Бундан ташқари, Табриз шахри қатта марказлашган феодал давлатлари, хусусан, Хулагу мўғул Илхонлари (1256–1340), Чобонийлар (1340–1357), Жалоирийлар (1360–1410), Қора кўнгли (1410–1468) ва Ок кўнглилар (1468–1501) сулолалари ҳамда илк Сафавийлар (1502–1576) ҳукмронлиги даврида пойтахт шахар бўлганлиги боис, бу ерда иқтисодий ва маданий ҳаёт тараққиёти учун зарур шарт-шароитлар яратилган эди. Табриз ва Мароғи шаҳарларида кўплаб тарихий ва баъдий адабиёт намуналари ажойиб миниатюралар билан безатилган. Шунингдек, бу даврда Ширвон шахрида яратилган мўътабар кўлёмалар ҳам бизгача етиб қолган.

<sup>66</sup> Индифекте миниатюры XVI-XVIII вв.: Сулаймонов (96). Ушбу мақола кейинча «Шарк миниатюра мактаблари. Тўғловчилар: А.Мадранинов, Н.Норматов, Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989» тўпламида chop этилган.

<sup>67</sup> Қазиев А.Ю. Художественное оформление азербайджанских рукописей XIII-XVII вв. М.: Изд-во «Книга», 1977; Керимов К.Дж. Азербайджанские миниатюры. Баку: «Иштыг», 1980.

XIV аср иккинчи ярмида Жанубий Озарбайжон шаҳарларини Султон Увайс Жалоир эгаллаган. Султон Увайс хатот ва рассомларга хомийлик қилган, хатто, ўзи ҳам хатотлик билан шуғулланган. Унинг даврида мусаввирлардан устод Шамсиддин яшаб ижод этган. Бу мохир уста Абдулхай ва Жунайд Бағдодийларни рассом қилиб тарбиялаган. Сўнги Жалоирийлар вакили Султон Аҳмад ҳам хатотлик ва рассомликка жуда қизиқкан. Унинг ҳукмронлиги даврида Хожа Абдулхай ва Жунайд Бағдодийлар муваффақиятли ижод қилган. Хатот ва рассомлар ҳаёти ҳамда ижодига бағишланган «Холоти хунарварон» («Хунармандлар аҳволи») рисола муаллифи Дуст Муҳаммад Хираний мусаввир Хожа Абдулхайнинг «Абу Саиднома» китоби кўләзмасига, Жунайд Бағдодийнинг эса Хожа Кирмонийнинг 1396 йили китобат қилingan кўләзмасига нафис миниатюралар чизганлиги тўғрисида маълумот беради. Булардан ташқари Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин» достони, Фазлгулох Рашидиддиннинг «Жомиут таврих» асари кўләзмалари ҳам нодир миниатюралар билан зиннатланган.

XV аср Табриз миниатюраси тараққиёти Қора Кўнгли ва Оқ Кўнглилар давлати билан боғлиқ бўлиб, асосан, XIV аср тасвирий санъат анъаналарини ривожлантирган. Турк тарихчиси Мустафо Агиннинг гувоҳлик беришича, бу даврда Табризда яшаб, ижод этган мохир мусаввир Пир Саид Аҳмад Табризий Камолддин Бехзодага устозлик қилган экан.

Қора Кўнглилар сулоласи ҳукмронлиги даврида Шемаха (1468 йили)да китобат қилingan антология, Абузада китобат қилingan антология, Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»сининг Париждаги Демонт шахсий мажмуасидаги нусхаси, Истамбулдаги Эвкарф музейида сақланаётган 1456 йили хатот Абдурахмон Хоразмий томонидан кўчирилган кўләзмаларига ҳам бетакрор миниатюралар илова қилingan.

Озарбайжон тасвирий санъати тарихида Сафавийлар ҳукмронлиги даври алоҳида сермахсулшти билан ажратиб туради. Марказлашган давлатнинг ташкил топиши (бу давлат худудидида Озарбайжон, Эрон, қисман Кавказ қисми), ҳукмрон сулола вакил-ларнинг баъзилари тасвирий санъатнинг турли соҳаларига хомийлик қилиши ва қизиқиши маълум даражада китобат хусусан, миниатюра санъати тараққиёти учун ижодий-ижобий имкониятлар яратилишига олиб келган эди.

Сафавийлар даври Табриз миниатюра мактаби учун янги баъдий услубнинг шаклланиши, ривожланиши ва рўзлаб-яшнаниши даври бўлди. Озарбайжон мусаввирларининг бу янги услуби ўзининг ўта безакли образлар сийласига, бой ва ёрқин ранглар жиқоли, чизикларининг нозиклиги, гузал ва бетакрор нақшлари, ўзига хос композицион ечимлари, шартлилиги билан жозибалидир. Мухим хусусиятлардан яна бири шуки, уларда ўз даври баъдий эстетик талабларига риоя қилingan холда бошқа даврлар қаҳрамонларига ўз замонасининг руҳи сингдирилган.

Бу давр миниатюраларининг алоҳида хусусиятлардан бири, уларда қизилбошларнинг уртасига қизил нарса ўрнатилган анъанавий бош кийими, махсус услубда ўрталдиган оқ салпа тасвири мавжудлигидир. XVI аср Табриз миниатюра мактабида вужудга келган баъдий услуб мавжуд маҳаллий миниатюра анъаналарини ривожлантириш, машхур миниатюра мактаблари, аввало, XV аср иккинчи ярми — XVI аср бошлардаги Хирот миниатюра мактаби тажрибаларини ўзлаштириш, барча баъдий ва техник ютуқларни давр баъдий-эстетик талабларига мос қайта шакллантириш асосида юксалди.

Сафавийлар сулоласи асосчиси Шоҳ Исмоил (1502—1524)нинг фармонида бинван, махсус корхоналар ташкил этилиб, баъдий тазламалар, гиламлар тўқиш ишлари йўлга қўйилган. Унинг ўзи озарбайжон ва форс тилларида шерлар битган, хатот ва рассомларга алоҳида эътибор билан қараган. Шоҳ Исмоил устод Камолддин Бехзодини ўз мулки ва хизмасидан ҳам аяло кўрган экан. Бундай муносабатлар, хатто афсонавий

даражага бориб етган. Афсонага бинван, Шоҳ Исмоил турк ҳукмдори Султон Салим (1512—1520)га қарши жангга кетиш олдидан устод Камолддин Бехзодини душман қўлга тушиб қолишидан хавфсираб, қандайдир форга беркиттирган, жангдан қайтиб, даъватган: «Бехзод тирикми?» — деб сўраган экан.

Ҳаётда ҳам Шоҳ Исмоил устод Камолддин Бехзодини жуда хурматлаб, махсус фармонга бинван, уни 1522 йили сарой кутубхонасидаги барча китобат санъати аҳлига бош мутасадди қилиб тайинлаган. Бу даврда Табриздаги сарой кутубхонасида озарбайжон мусаввирлари билан ёнма-ён мохир рассомлар асли термизлик Мир Мансур Мусаввир, Шайхзода Исфохоний, Хайдар Али Турбатий каби кўлгаб ноёб истеъдод эгалари яшаб ижод қилганлар. Бу рассомлар гуруҳи томонидан яратилган жуда кўп мўтабар кўләзмалар бошқа кимматбаҳо санъат асарлари қаторида турк ҳукмдори Султон Салим томонидан Табриздан Истамбулга олиб кетилган бўлиб, Озарбайжон миниатюра мактабининг ажойиб намуналари ҳамон шу жойда сақланмоқда.

Шоҳ Исмоил ҳукмронлиги даврида Табризда Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Сардий Шерозийнинг «Бўстон», Низомий Ганжавийнинг «Хамса» асарлари кўләзмалари нафис миниатюралар билан зиннатланган. Санъатшунослар фикрича, Табризда XVI аср бошларида яратилган бу мўтабар кўләзмаларга ишланган миниатюралар баъдий услуби жиҳатидан ўша даврдаги Хирот ва Шероз миниатюра мактаби намуналаридан ажратиб туради. Низомий Ганжавийнинг XV аср охири ва XVI аср бошларида китобат қилingan «Хамса» асари, хозирги кунда Истамбул шаҳридаги Тўпқопи музейи кутубхонасида сақланаётган, мусаввирлар ҳамкорлигида миниатюралар билан зиннатланган нусхаси ўзига хос баъдий услуб шакллантирилиши намён элади. Бу мўтабар кўләзма миниатюраларининг муаллифларининг дастхатлари турличадир.

Миниатюралар композицияси, табиат манзараси, киёфалар сийласида ўзига хослик сезилди. Айрим миниатюралар қатта маҳорат билан яратган, чизиклар нозик ва нафисдир. Муаллифлар кўп фитруалик композицияларни мукамал ечимига, мезморлик обьектларга муайян аниқлигига, манзарани эса таъсирчан ва ифодалигига эришганлар. Миниатюраларда кишилар киёфаси, айниқса, асар қаҳрамонлари киёфаси ифодали, ҳаётий берилган.

Шоҳ Исмоилнинг ўгли ва тахтвориси Шоҳ Тахмосиб (1524—1576) ҳукмдорлиги вақтида Табриз миниатюра мактаби ўзининг юксак ва сермахсул даврини бошидан кечирди. Чунки, Шоҳ Тахмосиб ёшлигидан рассомлик ва хатотликка қизиқиб, мусаввир Султон Мухаммаддан сабоқ олган. Унинг устозига нисбатан хурмат ва эҳтиромли ҳам чеқсиз бўлган. Султон Мухаммад баъзи мутахассислар, жумладан, турк тарихчиси Мустафо Али томонидан Камолддин Бехзод каби истеъдодли, деб тан олинган. У XVI аср Табриз миниатюра мактабининг баъдий услуби шаклланишида муҳим ўрин тутган. Устод Султон Мухаммад, хатто, анъанавий шартли мавзуларга ҳам ижодий ёндашиб, ўзига хос баъдий образлар яратишга ҳамда уларни бетакрорлигига эришган. Шу боис, ўз замонасида ва ундан кейинги даврларда хурмат-эътибор топган.

Шоҳ Тахмосиб сарой кутубхонасида устод Султон Мухаммаддан ташқари бироз вақт устод Камолддин Бехзод, шунингдек, Мирза Али Табризий, Оқо Мирак, Музаффар Али, Мир Саид Али, Сиевүшбек сингари мусаввирлар мўтабар кўләзмаларни нафис, мўъжаз миниатюралар билан безадида иштирок этишган. Шоҳ Исмоилнинг бошқа ўғиллари Сом Мирзо ва Баҳром Мирзо ҳам хатотлик, рассомлик ва китобат санъатига қизиққан ва хомийлик қилганлиги тўғрисида тарихчилар маълум қилишди.

Шоҳ Тахмосиб даврида сарой рассомлик корхонасида бошқа даврларга нисбатан кўләзмалар жуда кўп китобат қилиниб, ажойиб миниатюралар билан зиннатланган. Санъатшуносларнинг ҳисобига кўра, бу даврда нозта яқин мўтабар кўләзмаларга миниатюралар ишланган. Миниатюра тараққиёти, баъдий услуби ва хусусиятлари Санкт-

Петербург Россия Миллий кутубхонасидаги Орифийнинг «Гуй ва чавгон» (1524 — 1525), Фазлulloх Рашиддиннинг «Жамиут таворих» (1528 — 1529), Санкт-Петербург Шарқшунослик институти бўлимчдаги Абулқосим Фирдавсийнинг «Шохнома» (1524), Истамбулнинг Тўпкопи сарой музейдаги Шарафдин Али Яздийнинг «Зафарнома» (1525)си кўлэмаларида ишланган миниатюраларда ёрқин ифода этилади.

Ун икки яшар Шох Тахмосиб томонидан кўчирилган, шунингдек, мусаввирларнинг 19 та ажойиб миниатюралари билан безатилган Орифийнинг «Гуй ва чавгон» кўлэмаси миниатюраларида ёш хукмдорнинг ором олиши, зиёфат пайти, аксариятида эса чавгон ўйини тасвирланган. Миниатюралар бир мавзуга бағишланган бўлса-да, улар бир-биридан тархнинг хилма-хиллиги, манзаралар галкини, танланган бўёқлари билан фарқланади.

Табриз миниатюра мактабининг XVI аср йигирманчи йиллари бадиий услуби Абулқосим Фирдавсийнинг «Шохнома» асарига ишланган миниатюраларда яққол кузга ташланади. Уларнинг тархи анча мураккаблашган, кишилар тасвири жуда нозик, табиат манзараларини маромига етказишга алоҳида эътибор берилган. Лекин қаҳрамонлар киёфасида уларнинг индйивидуал хусусиятлари тўда акс этган деб бўлмайди.

Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» ва Фазлulloх Рашидуддиннинг «Жамиут таворих» асарларининг нодир кўлэмаларига ишланган миниатюраларда харбий мавзуга оид жанг манзаралари тасвири кўпрок учрайди. Уларда қалбалар қамали, пийдалар ва суворийлар жанги, душманни асир олиш каби воқеалар ўзининг бадиий аксини топган. Шунинг билан бирга ов манзаралари, расмий қабуллар, мажлислар, зиёфатлар ҳам тасвирланган.


Хукмдорлар рассомлик, хаттотлик ва китобат санъатида хомийлик қилган, уларнинг ноқасиништа шарт-шароит яратиб берган бўлса-да, баъзан санъат аҳлига нисбатан шафқатсизлик қилишиб, уларга зулм ўтказишган. Тарихчи Қози Аҳмад ва Мустафо Агининг кайд этишича, мусаввир Абдуазиз ва унинг шогирди Қамолнинг Хиндистонга қочиб кетмоқчи бўлганидан хабар топган Шох Тахмосиб уларни туттириб, қулоқ ва бурунларини ўз қўли билан кесиб ташлаган экан.

Хукмдорлигининг сўнги йилларида Шох Тахмосибнинг рассомликка қизиқиши сўниб, сарой қошдаги нятористонни ёттириб ташлаган. Бу эса Табриздаги мусаввирларнинг турли ўлкаларга кетиб қолишига сабаб бўлган. Шунинг учун бўлса керак, Шох Тахмосиб сарой рассомларидан бўлган Мир Мансур Мусаввир, унинг ўғли Мир Саид Али ва Абдусамат Шерозийлар Кобулга, Бобурнинг ўғли Хумон саройига кетиб қолишган.

XVI аср охири — XVII аср бошларида Шох Аббос томонидан яна сарой рассомлик корхонаси қайта тикланган. Аммо бу вақтга келиб, Эроннинг Қазвин, кейинчалик Исфахон шаҳарлари Сафавийлар давлати пойтахти бўлган. Натикада, кўпгаб озарбайжон хаттот ва рассомлар давлатнинг пойтахт шаҳарларида яшаб, ижод этишга мажбур бўлишган. Озарбайжон рассомларидан Абдул Боки Табризий, Али Ризо Аббосий, Мухаммад Ризо Табризий, Соликий Бек Афшар ва бошқалар шулар жумласига киради.


Жуда катта ижодий муваффақиятта эришган XVI аср Табриз миниатюра мактаби кейинчалик бошқа Шарқ миниатюра мактаблари тараққиётига ижобий таъсир ўтказди.<sup>68</sup>

Расмларда: 1-2. Мукованинг ички томонида: Устод Султон Мухаммад, Мухаммад пайғамбар мурожи. Расм ва ундан лавҳа. Низомий Танжавий. “Маҳзанул асрор” достонига ишланган расм (120 расм.); 3. Мирза Али. Шахмат ўйини. Жомий. “Хафт авран” асарига ишланган миниатюра. Табриз. 1539-1543 йиллар. Британия музейи; 4. Устод Султон




21. Бобур а Жаҳоншир Мирзо ва Шайх Боядиннинг хурбат изҳор қилиши. Д.М.М.


<sup>68</sup> Ушбу мақола ҳам “Шарқ миниатюра мактаблари” тўпламида бироз тахрир билан эълон қилинган. 66




22. Бобурга Жаҳонгир Улғусо ва Шайх  
Бодилчинг сураат узвор китобини. Д. М. М.



23. Хонининг ўстини Бобурга Гасимф килдириши.  
М. С. М.



24. Хонхунгиз ўз отини Бобурга таслиф қилмоқда.  
 Расми Махш. Д. VI М. 106 а. в.



25. Хушрохонини Бобурга юқутиши.  
 М. С. М.



Мухаммад, Каюмарс кабули, Фирдавсий, "Шохнома" дostonига ишланган миниатюрадан давха. Табриз. 1527-28 йиллар. АҚШдаги Хофтон шахсий мулки (119 расм.)

**Шарқнинг буюк мусаввири**  
**Беҳзод туғилган кунининг 525 йиллигига**  
**Барҳаёт анъаналар**

XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросон давлатининг поётахти Хиротда маданият юксак даражада тараккий эди. Бу даврда Хиротда Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Муҳаммад Мирхонд, Фиёиддин Хондамир, Камолиддин Беҳзод, Султонали Машхадий каби атоқли санъат ва маданият арбоблари ижод қилар эди. Захриддин Бообурнинг фикрича, бу замонда «Хар кишининг ким бир ишта машғулиги бор эди, химмати ва гарази ул эдиким, ул ишни камолга еткуртай».

Бу даврда, хусусан, Хирот нафис миниатюра мактаби гуллаб-яшнади. Санъатшунослар ва тарихчиларнинг фикрича, устод Камолиддин Беҳзод раҳбарлик қилган Хирот миниатюра мактаби XV аср иккинчи ярмида фаолият кўрсатган Шарк миниатюра мактабларининг энг аълоси эди. Хирот миниатюра мактаби вақиллари бу санъат турини ҳамин қадар юксак даражага етдилар-ки, кейинчалик Бухоро, Табриз, Шероз, Деҳлида ҳам уларнинг изидан боришта интилиш, ушбу мактаб анъаналарини ўзлаштиришга ҳаракат яқол сезилиб турарди.

XV асрнинг биринчи ярмида, айниқса, Шохрух даврида шахзода Бойсункур Мирзонинг хатотлар ва расомларга хомийлиги туфайли Хирот шаҳрида миниатюра санъати бир қатор ижодий ютуқларга эришган эди. Лекин устод Камолиддин Беҳзоднинг Хирот бадий ҳаёти раҳнамосига айланиши билан қадимги мўътабар кўлэзмалардаги анъанавий миниатюраларга янгидан ҳаёт баҳш этилди. Бу бордада Беҳзоднинг замондоши, тарихчи Фиёиддин Хондамир, «У (Беҳзод) суратларга жон баҳш эди», деб ёзганида у бутунлай ҳақ эди.

Камолиддин Беҳзод улғур шорлар Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийнинг инсонпарварлик фикларини миниатюра воситасида маҳорат билан тараннум эди. Санъаткор асарларидаги ҳар бир нилтирокчи алоҳида руҳий, маънавий дунёга эга. Устод миниатюраларида иккинчи даражали шахс, иккинчи даражали қисм деган тушуничага ўрин берилган эмас. Ҳар бир қаҳрамон, ҳар бир ҷизик санъаткор учун қадрли бўлган, Камолиддин Беҳзод мўъжаз рангтаъсир асарларини ўзи маромига етказиб ишлаган, шогирдларидан ҳам шуни талаб қилган. Унинг анъаналари XVI асрда Хиндистонда ижод қилган мусаввирилар – Мир Сайд Али, Абдуссамад Шерозий, Давранг, Басован сингарилар ижодида давом эттирилган. Мир Сайд Али Камолиддин Беҳзод анъаналарини аввал Табриз ва Кобулда, кейин эса Хиндистонда изчиллик билан давом эттирди.

Хирот миниатюра мактаби ижодий ютуқларидан бири тасвирларда бир вақтнинг ўзида бир неча воқеани очиб берилди. Бу эса санъаткорга шахсий кузатишлари натижаларини ҳам расомларда акс эттиришга имкон берарди. Камолиддин Беҳзод ижодига ҳос кўп режаллик даярли барча Хиндистон расомлари ижодида ривожлантирилди. Айниқса, кўлэзма мазмунини алоҳида қисмда тавсифлаб, бошиқа панларда халқ ҳаётининг турли кўринишларини тасвирлаш кенг тарқалган эди.

Камолиддин Беҳзоднинг Шарк миниатюра санъатидаги алоҳида хизматларидан бири миниатюра санъатида портрет жанрини юксалтирилганлигида намён бўлади. Тарихчилар Беҳзод замонасининг атоқли алломалари ва буюк шахслари – Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Султон Хусайн Мирзо, Муҳаммад Шайбонийхон қабиларнинг портретини яратганини қайд қилишди. Ёнзгача расомнинг айрим портретлари стиб қолган, холос. Портретларда тасвирланаётган шахснинг ички дунёси, руҳий кечинмалари ранг ва ҷизик орқали усталик билан очиб берилган.

Камолiddин Бехзоднинг портрет жанридаги анъаналари, кейинчалик, Хиндистон rassомлари томонидан янада ривожлантирилди. Санъатшуносларнинг фикрича, Шарқдаги ҳеч бир мамлакатда миниатюра санъатининг портрет жанри бу ердигидек юксак даражага эришган эмас. Айниқса, «Нодиргуз замон» нисбаси берилган Абул Ҳасан бу соҳада катта муваффақиятга эришган. У улкан воқеаларни ҳам кичик юзадаги сатҳда юксак бадиий маҳорат билан тасвирлай олар, тасвирланган кишилар фазилати ва кифоатини ўзига ўхшата олар эди. Хиндистонлик портретчи rassом Давлат Хоназод ҳам кенг шуҳрат қозонган. Буюк мутафаккир Абдурахмон Жомийнинг Камолiddин Бехзод яратган портретининг Давлат Хоназод кўчирган нусхаси бизгача етиб келган. Давлат Хоназод Камолiddин Бехзод ва унинг ижодини севиб, қадрлаган. Бунни Деҳли Миллий музейда сақланаётган «Бобурнома» кўлёмасининг Давлат Хоназод томонидан ишланган нусхадаги миниатюраларда ҳам кузатиш мумкин.

Камолiddин Бехзод бўёқларни ўз ўрнида ва ўзаро уйғунликда қўллаш маҳоратига эга. Хиндистон rassомлари бу бордада ҳам унга тақдир қилишгани сезилади. XVI аср тарихчиси Абулфазл Алломийнинг айтишича, хиндистонлик миниатюралар рангларни тайёрлашда бир қатор муваффақиятларга эришганлар.

XVI аср Хиндистон миниатюра санъатида Камолiddин Бехзод анъаналари алоҳида ўрин туташта яна бир сабаб Бобур ва унинг ворислари Хирот маданиятини юксак даражада эъзозлаганидир. Улар ўз қутубхоналарида Камолiddин Бехзод миниатюралар билан безатган нодир асарларни авайлаб асрашган. Хиндистон мусаввирлари ушбу миниатюраларни кўнг билан ўрганишгани шубҳасиздир.

Камолiddин Бехзод ва унинг шогирдлари яратган асарлар каби XVI аср хинд мусаввирларининг сара миниатюралари ҳам бугунги кунда жаҳон санъати хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган. Бунда, албатта, улғў санъаткорнинг хиссаи бекиёс.

Расмларда: Камолiddин Бехзод портрети. XVI аср бошлари; Камолiddин Бехзод асари. Биёхоним масжидининг қурилиши. Қуш расм.

#### Миниатюра хусусида баҳс

1981 йилида «Ўзбекистони санъати» журнали редакциясида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, санъатшунослик фанлари доктори Рафазл Ҳодиевич Токтош билан шарқшунос, санъатшунослик фанлари номзоиди Абдумажид Мадраимов ўртасида суҳбат-баҳс бўлиб, ўзбек тасвирий санъати тараккиётининг айрим масалалари хусусида фикр алмашилди.

**Шарқшунос:** — Рафазл Ҳодиевич, Сизнинг Шарқ миниатюра санъатида муносабатингиз қандай?

**Санъатшунос:** — Мен Шарқ миниатюра санъатини, хусусан, бу нодир санъат дурдоналарини жуда юқори баҳолайман. Лекин, профессор Чингиз Ахмаровнинг бу санъатни бадиий ўқув юрғлари учун махсус курс сифатида ўқитилиши лозим, деган фикри тарафдори эмасман. Чунки, бу ишни амалга ошириш кийин. Замон ўтди. Ҳақиқий миниатюралар йўқ. Китоблар ҳам бошқа воситалар билан ишлаб чиқарилмоқда. Мумтоз миниатюра бетакрордир. Уни қайта жонлантириш мумкин эмас.

**Шарқшунос:** — Сиз Шарқ миниатюра санъатини бадиий ўқув юрғларида махсус курс сифатида бўлгуси санъатшуносларга, хусусан, rassомларга ўқитилиши тарафдори эмассиз, лекин муболлағасиз ўзбек тасвирий санъатида алоҳида мактаб яратган rassомлардан бири Чингиз Ахмаровнинг кўп йиллик ижоди хозирги замон rassомлари томонидан Шарқ миниатюра ютуқларини илмий ўрганиш натижасида давримиз руҳига мос, халқимизга тушунарли ва сеvimли асарлар яратиш мумкинлигини тасдиқлайди-ку.

**Санъатшунос:** — Чингиз Ахмаров ижоди хақида гап кетганда, мен шунга алоҳида таъкидлашни хоҳлар эдимки, бу санъаткор ижодининг асоси фақатгина Шарқ миниатюрасидан иборат эмас. Унинг яратган асарларида реал шахслар тасвири ҳам мавжуд.

Чингиз Ахмаров Москвадаги Суриков номида rassомлик институтида малакали домлардан профессионал таълим олгани, рус, Фарбий Европа ва умуман, жаҳон тасвирий санъатини яхши билгани, кўпгина нодир тасвирий санъат намуналарини ўз кўзи билан кўриб, ўрганганигини ҳеч қачон эътибордан холи қолдирмаслик керак.

**Шарқшунос:** — Чингиз ака асарлари мента мумтоз мусикамидаги ҳеч ҳариктирмайдиган маком каби, шевриятидаги мукаммал ғазалдай туюлади. Чингиз Ахмаров ўз асарларида фақат шoirтабиат rassом эмас, хатто, тасвирланаётган объектни чуқур биладиган синчков тадқиқотчи ҳам. Аммо айрим rassомлар ижодида кўзга ташланаётган, миниатюрага бўлган катта кизиқиш асосида юзага келган сохта «ўзлаштириш» ёки тақлидчиликлар ҳам мавжуд. Мен назарда тутаяётган ишлар, бу айрим қулоччилик асарлари, пластинка филофарията бўзбўрок кўчирилган миниатюралар ёки Абдурахмон Жомийнинг «Бахористон» асари фронтисписидаги, «Бобурнома» миниатюралари орасидаги rassом Падоратнинг «Зағизгонлар» асари хусусида қандай фикрласиз?

**Санъатшунос:** — Янги тасвирий воситалар излаб айрим санъаткорларнинг миниатюра асарларига мурожаат қилиши табиий ҳол, аммо rassом тасвирий санъатнинг бошқа ютуқларини ҳам ижодий ўзлаштириши, ҳаётдаги ўз қўзатувчанлигини бадиий асарларида маҳорат билан намойиш этиши асосидагина юксак санъат дурдоналарини яратиш мумкин.

**Шарқшунос:** — Аммо хозирги Шарқ миниатюра санъатида «интигиш», унга тақдир бу санъат моҳиятини айрим rassомларимиз чуқур ўзлаштирмаганлигидан, яхши тушунамаслигидан келиб чиқади, деб ўйлайман.

**Санъатшунос:** — Биласизми, мен Шарқнинг теннисат rassоми устод Камолiddин Бехзод асарларини қайта-қайта кўриб завқ олмаган, ҳар сафар қайтадан хайратланиман. Унинг тенгиз санъаткорлигини, бўёқлар билимдонли, ўткир фарроҳ ҳамда мейморчилик обиделари нақшларининг беназир устаси бўлиш билан бирга ўзи тасвирлаган ҳар бир киффанинг маънавий дунёсини, руҳий ҳолатини юқори маҳорат билан очиб бера оладиган rassом эканлигини тан олдим. Агар устод Камолiddин Бехзодни атоқли санъаткорларга тенглаштириш жоиз бўлса, яратган образларнинг ёркинлиги, улар маънавий дунёсини катта маҳорат билан очиб берилиши, ҳар бир характернинг ўзига хослиги ва ҳаётийлиги жиҳатидан улғў инглиз драматурги ва шoirи Вильям Шекспир билан тенглаштирар эдим.

**Шарқшунос:** — Ҳозир республикамизда халқлар дўстлиги натижасида экономикада, илм-фанда ва маданиятда жуда катта ютуқларга эришилган-ки, бунга хатто, энг ашаддий голвий мухолифларимиз ҳам тан олишга мажбур. Лекин улар тасвирий санъат соҳасида миллий анъаналар барҳам тошган, деб бўхтон қилишди. Ваҳоланки, қўлчилик томонидан тан олинган халқ rassомлари ўрол Танеижбоев, Раҳим Аҳмедов, Абдулҳақ Абдуллаев ва бошқаларнинг замонамиз руҳини ёркин акс эттирадиган юксак бадиий асарлари каторида юқорида қайд этилган Чингиз Ахмаров асарларини, Ўзбекистон халқ rassоми Искандар Укромовнинг китобий безакларини, талантли хажвчи rassом Гельман Муҳаммадоевнинг ўзбек халқ эртақларида яратган давқаларини, Жавлон Умарбековнинг илк асарларини, Коловерса, «Ўзбекистон санъатининг» 1980 йил 5-сонда илк бор асарлари нашр этилган «Ўзбекистон Муҳаммадоевнинг миниатюраларини кўрсатиш мумкин. Лекин, менимча, бу ишдаги изланишларни бир оз қучайтириш ва рағбатлантирилиши зарурга ўхшайди.

**Санъатшунос:** — Искандар Икромов ижоди хусусида шунга айтиш зарурки, бу ишларкор асарлари фақатгина Шарқ кўлёмалари ёки тошбосма асарлар безаклари



асосидигина шаклланди. деб бўлмайди. Искандар ака ўзига нисбатан жуда талабчан, шу билан бирга кузатувчан ва синчков шахс эди. У киши халқ амалий санъати асарларидан завқланар, мейморчилик обидлари нақшларини хавас билан ўргатар ва уларнинг ҳаммаси китобий безакларда ўзининг бадиий аксини топар эди. Искандар аканинг, хатто, янги ўзбек алифбосини яратгани ҳам маълум. Яна у киши кашфийетчи санъаткор сифатида китоблар муқоваларига муаллифларнинг зарбли расмини амалга оширганлар. Искандар ака яратган ажойиб китобий безаклар ўзбек тасвирий санъатининг энг яхши намуналари каторига киряди.

Талантли рассом Тельман Мухаммедов табиатан Хазил-мутойибага мойил инсон эди. Уни шахсан билдимин рассом ижодини яқиндан кузатишимга имкон яратган. Хусусан, Тельман ноёб асарлар, деб баҳолашга арзийдиган «Ўзбек халқ эртаклари»га ишлаган миниатюраларни академик, профессор Г.А.Пугаченкованинг шахсий кутубхонасидаги Шарк миниатюралари дурдоналари билан танишганидан сўнг яратди. Афсус, ҳар бир персонажни ўзига хос тарзда яратишга интиладиган санъаткор ҳаёти бевақт тўхтади. У жуда умидли рассом эди.

**Шарқшунос:** — Менимча, Тельман Мухаммедовнинг ижодига унинг «Муштур» журналда ишлаганлиги таъсир қилган. Агар Шарк миниатюра санъати анъаналари Чингиз Аҳмаров ижодида шонрона, зирик йўсинда талкин қилинса, Тельман Мухаммедов асарларида уларга ҳажвий нукта назардан ёндашилган. Бу оригинал ижодкор меросига чуқур ҳурмат билан ёндашиш билан бирга, машҳур ўзбек халқ эртакларида ишланган иллюстрацияларнинг баъзиларида, хусусан, «Ўзбекистон санъати» журналининг 1979 йил 6-сонидagi «Шам кўтарган мушқ» ва «Карнай кўтарган йилгича» асарларида айрим бош кийим намуналари, хусусан, XVI асрда ўларнинг қизил бошлар, деб атаган ислом дини шиа мазахоби вакиллариининг бош кийимлари ноўрин ишлатилганини кайд этиш зарур. Чунки, ўзбек халқи исломнинг суъдий мазахобига мансуб бўлиб келгани маълум.

**Санъатшунос:** — Ҳа. Тельман бунга эътибордан чиқарган бўлиши мумкин. Лекин мен миниатюра санъатини бўлажак рассомлар томонидан кенг ва чуқур ўрганилиши улар ижодида тақийдчилиқ ва услублаштириш (фигура, шахсларга безак руҳини бериш)ни кучайтириб юборди, деб ўйлайман. Ахир, замонамиз рассоми ижодида шахсий кузатишлар, ўз замонасининг долзарб муаммоларини хал қилишга интилиш, замондошлар ички дунёсини оча билгиши биринчи ўринда туриши зарур. Шу ўринда сеvimли журналистимизнинг 1980 йил 5-сонида босилган ёш рассом Шомахмуд Мухаммаджоновнинг Аглишер Навоий ва Маълано Лутфий ғазалларида ишлаган миниатюраларида самовий тўзаглар образини оригинал чиккан, деб айта олмаيمان. Бу образлар айрим эрон рассомларининг Умар Хайём рубойларида яратилган бадиий жиҳатдан бўш расмларидagi қаҳрамонларни эслатиши менда яхши таассурот қолдирмади. Ш.Мухаммаджонов миниатюралари эскистик элементлардан холи эмас. Уларда мумтоз миниатюраларга тақлид сезилади.

**Шарқшунос:** — Ёш рассом Шомахмуд Мухаммаджонов миниатюраларига баҳо берар экансиз, факатгина муваффақиятсиз чиккан икки образдан келиб чикиш Сизининг унинг ижодига нисбатан ҳаддан ташқари талабчанлигинингизни кўрсатади. Ахир, эълон қилинган асарлар ёш ижодкорнинг илк жиддий асарлари-ку.

**Санъатшунос:** — Юксак санъатда ҳар қандай асарга, ҳар бир образга, ёшидан қатъи назар, ҳар бир кишига юксак талаблар қўйилади. Бунда ҳеч қандай ёшлиги эътиборга олинмайди. Айниқса, Шомахмуддек қобилияти ва талантли ёшларга нисбатан. Агар у ҳақиқий қатта ижодкор бўлганга бел боғлаган экан, унда ўз вақтини бекор ўтказмагани маълум, ҳар бир асарини яратганда, ҳар бир персонаж образи тасвирида болкаларга тақийд қилинган қочиб, оригинал, ўзига хос ва қайтарилмайдиган бўлишига эришиши лозим. Катта санъаткор бўлиш учун яхши рассом бўлиш кифой қилмайди, унинг ўзбек тасвирий санъати

соҳасида айғалиган ўз гапи, ўз мавзуси бўлиб, асарлари дунда, осон тушуниладиган, тақийддан холи бўлишини истардим.

**Шарқшунос:** — Шомахмудни шахсан билганлигим учун унинг ижоди хусусида айрим фикрларни айтмоқчиман. Менимча, миниатюра санъати билан шуғулланиш унинг учун хавас, эрмак эмас, чунки у ўзи севган бу санъат билан фидойиларча шуғулланмоқда. Ахир, унинг хизмати «Совғалар» фабрикасидаги вазифаси, оилавий ташвишлари бор. Ёш рассомнинг миниатюра санъати сирларини, Шарк хаттоглигини ўрганиш, хатто, бўёқлар, қорозлар тайёрлаш, маҳсуе қаламлар яратиш бобидagi ҳаракати мени бир санъат мухлиси сифатида қувонтирди. Чунки шу пайтгача, бирон бир рассомнинг миниатюралар сифатида қувонтирди. Чунки шу пайтгача, бирон бир рассомнинг миниатюраларининг бўёқлари сирлари билан Шомахмудчалик қизикканини билмайман. Рассом асарларининг кўпчилиги тақийд эмаслигини тақийдлашми, Сиз эътибор берган икки образ хусусида фикрингизга қўшилишимни айтиш билан бирга, бу умидли рассом бахтийёр замонамизга мос асарлар яратиб мухлислар ишончини оқлайди, деб ўйлайман. Айтиб ўтиш зарурки, унинг журналда чоп этилган асарлари жиддий ижодий изланишлар маҳсулидир. Шарк униинг санъатини бўлажак рассомлар томонидан ўрганишда бўёқлар, техника, услуб масаласидан ташқари энг муҳим бадиий хусусият — маҳорат масаласи ҳам бор-ку.

**Санъатшунос:** — Ҳа, бу тўғри.

**Шарқшунос:** — Қотаверса, хусусан, Хиндистон миниатюра санъати, умуман, Шарк миниатюра санъати мухлиси сифатида бир муаммага эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Албатта, мен ўтмиш рассомлари анъаналарини абсолютолаштириш, бярча рассомлар ҳамма ишларида уларга эргалиши, шу билан чекланиб қилиши тарафдори эмасман, шундай бўлса-да, хозирги замонамизда халқимиз ўтмишини рассомларимиз томонидан бадиий мушоҳада қилиб, хозирги тафаккуримиз ва дунёқарашимиз нукта назаридан ҳаққоний ва ҳаётий қилиб ақс этириш масаласи ҳам мавжуд. Ҳали бу соҳада рассомларимизга қадимий деворий суратлар билан бир қаторда миниатюра санъати намуналари беобаҳо хизмат қилиши мумкин. Сўнгра, мумтоз адабийт ёдгорлиқларини миниатюралар билан зийнатлашда, очигини айтиш керак, бадиий асарлар руҳини лавҳалар, иллюстрацияларда очиб бериш соҳасида ҳам рассомларимиз олдида ҳали анча муаммолар борлигини эътироф этиш керак.

Ғарчи суҳбат бошида Шарк миниатюра санъатини бўлажак рассомларга маҳсуе курс сифатида ўтилиши тарафдори эмаслигингизни изҳор этган бўлсангиз ҳам, кейинги айтган фикрларингиз, бошқа локоридagi мулоҳазалар, ҳаммаси ўзбек тасвирий санъатининг бадиий услуб бойлиги, миллий анъаналардан ижобий фойдаланиш масаласи, миниатюрани яхши билмаслиқдан келиб чиқадиган айрим ижодий «тушуномовчиликлар» Чингиз Аҳмаров кўтариб чиккан масаланинг долзарблигини тасдиқлайди.

**Санъатшунос:** — Ҳа, лекин амалда бу жуда мушкул, мураккаб масала. Ахир, миниатюрани маҳсуе ўқув юртида қим ўргатиши мумкин. Факат миниатюрочи. Бизда эса бундай мутахассис йўқ. Бу санъат Эронда тирик бўлса ҳам, ўзбекистонда бутунлай ултиган.

**Шарқшунос:** — Аҳвол бунчалик эмас. Олимлардан Г.А.Пугаченкова, Д.И.Ремпель, А.Ю.Козиев, Хамид Сулаймон, Н.Норкулов, О.Усмонов ва болкаларнинг қатта хизматлари туйфайли Шарк миниатюра санъатининг бадиий хусусиятлари санъатшуносликда маҳсуе ўрганилган. Масаланинг моҳияти шундаки, санъатшунос олимлар илмий асарларидаги маълумотларни бадиий ўқув юрти талаблари юзасидан қараб, тартибга солиб чиқиши зарур. Ишнинг амалий томонига келсак, Шомахмуд Мухаммаджоновнинг Шарк миниатюра санъатини мустақил ўрганиш соҳасидаги

тажрибаси асосида йўлга қўйиш мумкин. Ахир, миниатюра санъати каби тасвирий санъатнинг ноёб воқеалари бутунлай унутилиши фақатгина таассуфга лойик.<sup>69</sup>

Расмларда: 1. Олд муқованинг ички томони: Хусравнинг чўмилётган Ширини кўриб ошиб бўлиб қолиши. Низомий Ганжавийнинг "Хусрав ва Ширин" достонига ишланган расм. XVIII аср Хиндистон миниатюра мактаби; Охириги муқованинг ички томони. Амир Хусрав Деҳлавийнинг "Дуволроний ва Хизрхон" достонига ишланган расм. XVI аср Хиндистон миниатюра мактаби.

#### Алишер Навоий портрети

Мухтарам китобхонлар эътиборига ҳавола қилинаётган улғу шоир ва мутафаккир Алишер Навоий портрети бизнинг тахминимизча ва суратнинг четидани «ал-хакир Али» дейилган ёзувга бйноан, унинг ҳаётиниқ даврида буюк мусаввир устод Камолддин Бехзоднинг истеъдодли шотирларидан бири Қосим Али томонидан яратилган. Тарихчилар олатда Қосим Алини «Чехракшо», яъни портретчи сифатида эслатишар эди. Бизга бу атоқли расмонинг фақатгина Алишер Навоийнинг «Салди Искандарий» достонига ишланган «Шоирлар анжумани» номли миниатюраси ва бошқа асарлари маълум бўлиб, унинг атоқхидда портрет яратгани номал-ум эди.

Ушбу портретда Алишер Навоий ёш миқозларнинг бири билан тасвирланган. Унинг юқори қисмида бизнингча, кейинроқ хаттот томонидан «Сурати дилпазир Мирзо Чучук (кейинги бир икки сўзни ўқиб бўлмади)... бо амир Низомиддин Алишер» деб битилган. Шоир киёфасида, айника, турши холати, кийим-кечати, салласининг сипо килиб ўралиши, унинг кўлидаги узун хасаси — барчаси бизнингча, нозик табиатли шахонинг образини очиб беради. Биз Навоийнинг ёзи тасвирига эътибор берадиган бўлсак, чехрасининг бир оз тўталиги, қаддининг тиклиги, соқонининг қоралиги, лабларининг қимтиланлиги хали улғу шоирнинг ҳаётида Астрофод воқеаси (1487 — 1489) ноз бермаганидан дарак беради. У томошабин олдига ўзининг юксак диди, ижодий парвозларга қодир қарашли, шунингдек, суҳбатдошига нисбатан эътибори билан диққатни тортади. Умуман, Алишер Навоийнинг ушбу портретини бошқа икки расм, Махмуд Музаххиб яратган портрет ва Қосим Алининг «Алишер Навоий буюк шоирлар даврасида» рамзний миниятсерадаги тасвирига қисқасак, тахминан улғу шоирнинг кирк ёшлиги тасвирланган бўлиши керак.

Шу кунгача кўпчилик мутахассисларга Алишер Навоий тасвири Махмуд Музаххиб яратган машхур портрет орқали маълум эди. Аммо машхур мусаввир Махмуд Музаххиб ижодининг гуллаган даври XVI аср 30 — 40-йилларига тўғри келгани сабабли, айрим мутахассислар Навоий портретининг хақиқийлигига бир оз шубҳа билан қараб, сурат тарихчи Зайниддин Восифийнинг «Байройёул вақоийё» асарида қайд қилинган устод Камолддин Бехзоднинг расмидан кўчирма бўлса керак, деб тахмин қилишган. Лекин кейинги тадқиқотларда Махмуд Музаххиб Хирот шаҳрида Камолддин Бехзод устахонасида ижод қилганлиги тўғрисида маълумотлар маъжуд.

Хусусан устод Камолддин Бехзоднинг истеъдодли шотирди Дўст Девона ва Махмуд Музаххиб биргалликда миниатюрлар ишланган мўъжазгина бир қўлёзма Хиндистоннинг Хайдаробод шаҳридаги Сафар Жанг музейида сақланаётганини

<sup>69</sup> Ш.Мухаммаджонов миниатюрани расом сифатида давлат мукофотини олди. Ўзбекистон халқ расмони ўзвонига эга бўлди ва Бадиний Академия академиклиги бўлиб сайланди. Р.Ф.Токтош унинг ижоди хақида иккибўй фикрларини «Звезда востока» журналида эълон қилган. Миниатюра санъати Ўзбекистон мустақиллиги (1991)дан сўнг Ўзбекистон Бадиний Академия тавлим тизмида ўратилимюқда ва Бадиний ижодкорлар ўшқасида уларнинг махус шўбаси бўлиб, унинг ўттиздан ортқк аъзолари бор.

аниқлади. Бундан ташқари Абдурахмон Жомий «Девон»ининг машхур наставлик хати устаи Султон Али Машхадий 1515 йили Хирот шаҳрида кўчирган мўътабар қўлёзмасига ҳам Махмуд Музаххиб бешта миниатюра ишлаган. Хозирги кунда бу нодир қўлёзма Америка Қўшма Штатларидаги Лафайет коллежи кутубхонасида сақланади. Лемак, Махмуд Музаххиб Алишер Навоий портретини бевосита Хиротда, улғу шоир ҳаётлигида яратган дейиш мумкин. Махмуд Музаххиб ва Қосим Али яратган улғу шоир тасвирини маъласак, маълум бўлишича, ўша пайтда нисбатан ёшроқ бўлган Махмуд Музаххиб Қосим Али миниатюрасидати Алишер Навоий ҳолатини, кийим-кечати, туришини, кўлидаги хасаси, хатто, салла ўрашини ҳам айнан кайтарган экан.

Лекин, у мутафаккир чехрасини тасвирлашда бутунлай мустақил иш кўриб, Навоий ҳаётидаги турли салбий воқеалар унинг руҳий ҳолатига, ташқи кўринишига жиддий таъсир кўрсатганини қатта махорат билан очиб берган. Махмуд Музаххиб тасвирида Навоийнинг қадли анчагина букчайган, соқоли оқарган, юзлари озринлаган, хатто, кесалик алomatлари жуда кучайган. Шундай бўлса ҳам, нозик табиатли шоир қоллари қимирланган, ҳамон тасвирчан лаблари қимтинган, ҳамон шоир ўзини тик ва дидли туртишта интилимюқда.

Алишер Навоий ҳаётлигида Қосим Али «Салди Искандарий» достонига ишланган «Алишер Навоий буюк шоирлар даврасида» миниатюрасида атоқли сатлафари улғу шоирни «Хамса»ни ниҳосега етказганлиги билан қуттали холати тасвирланган. Миниатюра марказида Низомий Ганжавийнинг рамзний тасвири бўлиб, Абдурахмон Жомий Низомийга Алишер Навоийни «Хамса»ни охирига етказганини айтиб, таъширтимюқда. Алишер Навоий устозлари олдига ўта қаттар холатда тасвирланган. Миниатюрада улғу шоирнинг ноз киёфасига атоқхидда эътибор қаратилгани боис жуда таъсирчан чиккан.

Алишер Навоийнинг хар учта киёфасини қиссий ўртаниш асосида атоқли мусаввирлар улғу шоир ташқи кўриниши ва характерини умуман тўғри ва жуда қатта махорат билан очиб берганини қайд этиш зарур. Булардан Қосим Али яратган Алишер Навоий портретини энг дастлабкиси дейиш мумкин. «Алишер Навоий буюк шоирлар даврасида» миниатюрасини эса Қосим Али 1485 йилда ўз устози Камолддин Бехзод билан ҳамкорликда яратган. Махмуд Музаххиб ишлаган миниатюра ҳам Алишер Навоий ҳаётлигида яратган бўлиб, у шоир ҳаётининг сўнгги йилларида ишланган эканлиги умуман хали эмас. Хулоса қиладиган бўлсак, Алишер Навоий ўз даврида ахли фазл ва ёш хунарининг тенгиз мураббий ва муқаввийси бўлганлиги сабабли ўз ўрнида қиматдорчилик сифатида мусаввирлар ҳам улғу шоир сиймосини ранглар воситасида таъширтганлар.

Алишер Навоий ҳаётлигида атоқли мусаввир Қосим Али томонидан яратилган портрет хозирги расомлар учун улғу шоирнинг янгидан-янги образларини яратишда маъмо манба бўлиб хизмат қилади.

Зарваракдаги Алишер Навоий ҳаётлигида яратилган портрет турк олими Отох Сирри Шайхнинг «Алишер Навоий ҳаёти, ижоди, асарлари» тўрт жилдлик (Анкара, 1965) китобининг биринчи жилдидан олинган ва у ўзбек матбуотида биринчи марта эълон қилимюқда. Унинг асл нуسخаси Туркиянинг Истамбул шаҳридаги Тупкопи Хазина музейидаги 2155 рақамли мураккабнинг 29-варагида сақланади.<sup>70</sup>

Мақолада Алишер Навоий портрети илова қилинган (75 расм.).

<sup>70</sup> Ушбу мақола тулдирлиб, "Шарк миниатюра мактаблари" тўпламида "Алишер Навоий портретлари" китоб остида чоп этилган.

тажрибаси асосида йўлга қўйиши мумкин. Ахир, миниатюра санъати каби тасвирий санъатнинг ноёб воқеалари бутунлай унутилиши факатгина тасасуфга лойиқ.<sup>69</sup>

Расмларда: 1. Олд мукованинг яқки томони: Хусравнинг чўмилаётган Ширини кўриб олиш бўлиб қолиши. Низомий Ганжавийнинг "Хусрав ва Ширин" достонига ишланган расм. ХУІІІ аср Хиндистон миниатюра мактаби; Охириги мукованинг яқки томони. Амир Хусрав Деҳлавийнинг "Дуволроний ва Хизрхон" достонига ишланган расм. ХУІ аср Хиндистон миниатюра мактаби.

#### Алишер Навоий портрети

Муҳтарам китобхонлар эътиборига ҳавола қилинган улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий портрети бизнинг таҳминимизча ва суратнинг четдаги «ал-ҳақир Али» Бехзоднинг негъдодли шогирдларидан бири Қосим Али томонидан яратилган. Бизга бу атоқли расомнинг факатгина Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонига ишланган «Шоирлар анжумани» номли миниатюраси ва бошқа асарлари маълум бўлиб, унинг алоҳида портрет яратгани номалълум эди.

Ушбу портретда Алишер Навоий ёш мирзоларнинг бири билан тасвирланган. Унинг юкори қисмида бизнингча, кейинроқ хаттот томонидан «Сурати дилгавир Мирзо Чучук (кейинги бир икки сўзни ўқиб бўлмади)... бо амир Низомиддин Алишер» деб битилган. Шоир киёфасида, айниқса, турши холати, кийим-кечаги, салласининг сипо килиб ўралиши, унинг қўлидаги узун ҳасаси – барчаси бизнингча, салласининг сипо килиб образини очиб беради. Биз Навоийнинг нози тасвирига эътибор берилган бўлсақ, чехрасининг бир оз тўлалтиги, қаддининг тиклиги, соқолининг қоралиги, лабларининг кимтилганлиги хади улуғ шоирнинг хаётида Астрообод воқеаси (1487 – 1489) ноз бермаганидан дарак беради. У томошабин олдига ўзининг юксак диди, ижодий парвозларга қодир қарали, шунингдек, суҳбатдошига нисбатан эътибори билан диққатни тортади. Умуман, Алишер Навоийнинг ушбу портретини бошқа икки расм, Махмуд Музаҳҳиб яратган портрет ва Қосим Алининг «Алишер Навоий буюк шoirлар даврасида» тасвирланган бўлиши керак.

Шу кунгача кўпчилик мутахассисларга Алишер Навоий тасвири Махмуд Музаҳҳиб яратган машхур портрет орқали маълум эди. Аммо машхур мусаввир Махмуд Музаҳҳиб ижодининг тулган даври ХУІ аср 30 – 40-йилларига тўғри келгани сабабли, айрим мутахассислар Навоий портретининг хақиқийлигига бир оз шубҳа билан қараб, айрим тарихчи Зайниддин Восифийнинг «Бадоийеъул вақоийеъ» асарида қайд қилинган сурат Камолиддин Бехзоднинг расмидан кўчирма бўлса керак, деб тахмин қилишган. Лекин кейинги тадқиқотларда Махмуд Музаҳҳиб Хирот шаҳрида Камолиддин Бехзод устахонасида ижод қилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Хусусан устод Камолиддин Бехзоднинг негъдодли шогирди Дўст Девона ва Махмуд Музаҳҳиб биргалликда миниатюралар ишлаган мўъжазгина бир қўлёзма Хиндистоннинг Хайдарабод шаҳридаги Сағар Жанг музейида сақланаётганини

<sup>69</sup> Ш.Муҳаммаджонов миниатюрани расом сифатида давлат мукофотини олди, Ўзбекистон халқ расоми ушунинга эга бўлди ва Бадини Академия академиклиги бўлиб сайланди. Р.Ф.Токтош унинг ижоди хақида ижобий фикрларини «Эвезда расоюка» жўрналда эълон қилган. Миниатюра санъати Ўзбекистон мустақиллиги (1991)дан сўнг Ўзбекистон Бадини Академия таълим тизимида ўргатишмоқда ва Бадини ижодкорлар уюшмасида уларнинг махус шўъбаи бўлиб, унинг ўттиздан ортгк авазлари бор.

аниқлади. Бундан ташқари Абдурахмон Жомий «Девон»ининг машхур наставлик хати устаси Султон Али Машхадий 1515 йили Хирот шаҳрида кўчирган мўътабар қўлёзмаи хам Махмуд Музаҳҳиб бешта миниатюра ишлаган. Хозирги кунда бу нодир қўлёзма Америка Қўшма Штатларидаги Дафайет коллежи кутубхонасида сақланади. Демак, Махмуд Музаҳҳиб Алишер Навоий портретини бевосита Хиротда, улуғ шоир хаётигида яратган дейиш мумкин. Махмуд Музаҳҳиб ва Қосим Али яратган улуғ шоир тасвирини киёсласак, маълум бўлишича, ўша пайтда нисбатан ёшроқ бўлган Махмуд Музаҳҳиб Қосим Али миниатюрасидаги Алишер Навоий холатини, кийим-кечагини, туришини, қўлидаги ҳасаси, хатто, салла ўрашини хам айнан қайтарган экан.

Лекин, у мутафаккир чехрасини тасвирлашда бутунлай мустақил иш қўриб, Навоий хаётидаги турли салбий воқеалар унинг рухий холатига, ташқи кўринишига жиддий таъсир кўрсатганини қатта маҳорат билан очиб берган. Махмуд Музаҳҳиб тасвирида Навоийнинг қадди аниқгина букчайган, соқоти оқарган, розлари озинлашган, хатто, кексалик аломатлари жуда кўчайган. Шундай бўлса хам, нозик табиати шоир қоллари чимирилган, хамон таъсирчан лабдари кимтилган, хамон шоир ўзини тик ва дадил тўтишга интильмоқда.

Алишер Навоий хаётигида Қосим Али «Садди Искандарий» достонига ишланган «Алишер Навоий буюк шоирлар даврасида» миниатюрасида атоқли сағадлари улуғ шоирни «Хамса»ни ниҳоясида етказганлиги билан кўташ холати тасвирланган. Миниатюра марказида Низомий Ганжавийнинг рамзий тасвири бўлиб, Абдурахмон Жомий Низомийга Алишер Навоийни «Хамса»ни охирига етказганини айтиб, таништрмоқда. Алишер Навоий устозлари олдига ўта камтар холатда тасвирланган. Миниатюрада улуғ шоирнинг қоз киёфасига алоҳида эътибор қаратилгани боис жуда таъсирчан чаккан.

Алишер Навоийнинг ҳар учта киёфасини киёсий ўрганиш асосида атоқли мусаввирлар улуғ шоир ташқи кўринишини ва характерини умуман тўғри ва жуда қатта маҳорат билан очиб берганини қайд этиш зарур. Булардан Қосим Али яратган Алишер Навоий портретини энг дастлабкиси дейиш мумкин. «Алишер Навоий буюк шоирлар даврасида» миниатюрасини эса Қосим Али 1485 йилда ўз устози Камолиддин Бехзод билан ҳамкорликда яратган. Махмуд Музаҳҳиб ишлаган миниатюра хам Алишер Навоий хаётигида яратган бўлиб, у шоир хаётининг сўнгги йилларида ишланган эканлиги эҳтимолдан холи эмас. Хулоса қилдиган бўлсақ, Алишер Навоий ўз даврида ахли фазл ва ахли хунарниинг тенгсиз мураббий ва муқаввийси бўлганлиги сабабли ўз ўрнида миннатдорчилик сифатида мусаввирлар хам улуғ шоир сиймосини ранглар воситасида абдийлаштирганлар.

Алишер Навоий хаётигида атоқли мусаввир Қосим Али томонидан яратилган портрет хозирги расомлар учун улуғ шоирнинг янгидан-янгги образларини яратилда бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади.

Зарваракдаги Алишер Навоий хаётигида яратилган портрет турк олими Орох Сирри Левендининг «Алишер Навоий хаёти, ижоди, асарлари» тўрт жилдик (Анкара, 1965) китобининг биринчи жилдидан олинган ва у ўзбек матбуотида биринчи марта эълон қилинмоқда. Унинг асл нусхаси Туркиянинг Истамбул шаҳридаги Тўпқони Хазина музейидаги 2155 рақамли мураккабнинг 29-варагида сақланади.<sup>70</sup>

Мақолага Алишер Навоий портрети илова қилинган (75 расм.).

<sup>70</sup> Ушбу мақола тўлдирилдиб, "Шарк миниатюра мактаблари" тўгламида "Алишер Навоий портретлари" номи остида чоп этилган.

**Улуғ рассом юбилеи**  
**Камолдин Бехзод таваллудининг**  
**525 йиллиги**

1981 йил май ойида Абу Райхон Беруний номидаги Шарк кўлёмалари Маркази мажлислар залида ўрта аср Шарқининг улуғ рассоми устод Камолдин Бехзод таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан илмий конференция бўлиб ўтди. Илмий конференцияни Абу Райхон Беруний номидаги шарк кўлёмалари Маркази ва ўзр ФА Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти жамоаси уюштирди.

Маълумки, устод Камолдин Бехзод улуғ шоир, мутафаккир Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийлар замондоши бўлиб, тарихда XV аср иккинчи ярмида ташкил топган Хирот миниатюра мактаби асосчиси, XVI аср бошларидаги Табриз миниатюра мактаби тараққиётига улкан ҳисса қўшган атоқли санъаткор сифатида ном қозонган. Камолдин Бехзод ижоди, мутахассислар фикрича, Шарк миниатюра санъатининг энг ёрқин намунаси бўлиб, миниатюралардаги физикларнинг нозиклиги, рангларнинг мутаносиблиги, воқеаликнинг теранлиги ҳамон томошабинларни хайратлантириб келади. Яқин ва ўрта Шарк миниатюра санъати мактабларида, хусусан, Афғонистон, Марказий Осиё, Эрон, Озарбайжон, Туркия ва Ҳиндистон тасвирий санъатида устод Камолдин Бехзоднинг тасвири сезиларли. Замондошлари уни «Моний соний» («Иккинчи Моний»), «замона нодир» деб аташган. Фарбда эса уни «Шарк Рафазли», Шарқдан чиққан санъаткорларнинг энг буюғи сифатида тан олган. Шу бонис, Камолдин Бехзоднинг бетақрор миниатюралари жaxon санъати дурдоналари орасидан жой олган.

Улуғ рассом туғилган кунига 525 йил тўлиши муносабати билан ташкил этилган илмий конференцияни ўзр ФА вице-президенти, ўзр ФА академиги Э. Ю. Юсупов қириш сўз билан очди. Нотик ўз мармузада халқлар тарихий ва маданий меросини ўрганишда илмий методологияга асосланган муҳимлигига алоҳида тўхталиб ўтди. Жумладан, ўрта аср Шарқининг улуғ рассоми Камолдин Бехзод бадий ижодини ҳам ана шундай муҳим назардан ўтказиш муҳимлигини таъкитлади. Камолдин Бехзоднинг ёрқин ва бетақрор бадий ижоди Яқин ва ўрта Шарк халқлари муштарак маданий ёлғорлиги бўлиши билан бирга, атоқли санъаткорнинг инсоният санъат ҳазинасига қўшган мунособ хиссаидир.

Конференция катнашчиларининг мармуза ва ахборотларида улуғ санъаткор ҳаёти ва ижод хар тарафлама ёрилган ҳамда унинг Шарк тасвирий санъати тарихидаги муҳим роли таъкидланди. ўзр ФА мухбир аъзоси, Шарк халқлари тасвирий санъатининг атоқли тадқиқотчиси Г. А. Пугаченкова мармузасида устод Бехзод ҳаёти ва ижод йўли, шунингдек, санъаткор ижодининг Марказий Осиё тасвирий санъати тараққиётига кўрсатган ижобий таъсири алоҳида кайд этилди.

К. М. Муниров, М. М. Ашрафий, О. И. Гагеркина, Ф. К. Сулаймонова, Э. М. Исмоилова, Е. А. Полякова, Н. Норкулов ва Ш. Камбарова мармузаларида ҳам рассом ижодининг турли қирралари ҳамда унинг улуғ шоир Алишер Навоий билан бўлган муносабати байн этилди.

Устод Камолдин Бехзод бадий ижодининг санъаткорларга таъсири масаласи ҳақида А. Р. Умаров, Ч. Г. Аҳмаров, А. Медраимов ва И. Нуриддинова сўзлашди. Нотиклар замондон рассомлар устоз ижодидан баҳраманд бўлиш билан бирга, унинг барҳаёт анъаналарини янгича шароитда, ўзгача эстетик тағаблар асосида ривожлантираётганини кайд этишди.

Х. М. Мухторова, М. Ю. Юнусхўжаева ва С. Давидов конференцияда сўзга чиқиб, китоб санъати хусусида, Камолдин Бехзоднинг атоқли замондоши Хаттот Абдулла Марворид тўғрисида ҳамда Марказий Осиё миниатюраларининг нақшкорлиги асослари тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирди.

ўзр ФА мухбир аъзоси Э. Ю. Юсупов конференцияда катнашётган улуғ рассом ватандошлари, Тошкентдаги ўқув юртиларида таълим олаётган афгон студентларини катнашчилар номидан самимий қўллаб, уларга муваффақиятлар тилади.

Конференция сўнггида ўзр ФА тарих, тишунослик ва адабиётшунослик бўлими академик-котиби, ўзр ФА академиги М. К. Нурумхаммедов сўзга чиқиб, тинтилган мармузалар ва мармулотлар улуғ санъаткор ижоди ва ҳаётини ўрганишда муҳим манба бўлишини таъкитлади. Камолдин Бехзод ижоди Шарк халқлари маданий ҳамкорлигида востига бўлиши билан бирга, тасвирий санъат юлғуларини ўида намоен этиб келган. Шу бонис, унинг ижоди инсониятга қадрли ва эътиборлидир. Конференция материаллари мақолалар тўлими сифатида нашр этилишига қарор қилинди.

Юбилей муносабати билан бадий кўргазма ташкил қилиниб, унда Бехзод даври бадий безакли кўлёмалар, улуғ санъаткор ва унинг шогирдлари яратган нодир миниатюралардан М. М. Воронский ва Я. Г. Юрдейко кўчирган нусхалар, ўзбекистон халқ рассомлари И. Икромов, Ч. Аҳмаров, Ф. Сайдалиева, талангли хажвичи-рассом Т. Муҳаммедов ҳамда ёш қобилиятли ижодкорлар А. Ғуломов, Т. Сабдуллаев, Ш. Муҳаммадджонов, М. Салимов асарлари намойиш этилди. Кўргазма конференция катнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

**Сехрди мўйкалам соҳиб**

Ўзбекистон халқ рассоми, Республика Давлат мукофоти лауреати, профессор Чингиз Аҳмаров ўзининг бетақрор деворий суратлари, нафис китоб безаклари ва рангтаъсир асарлари билан ўзбек тасвирий санъати тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган атоқли санъаткордир. Санъатимизнинг зарваракларини кузатар эканмиз — ўроғ Тансиқбоевнинг манзара, Искандар Икромовнинг китобат санъати соҳасидаги, Абдулжак Абдуллаевнинг ўз замондошлари портретини яратишдаги хизматлари буюк эканлигининг гувоҳи бўламиз. Худди шунингдек, Чингиз Аҳмаровнинг ўзбек маҳобатли санъати ривожига қўшган алоҳида хиссаи ва хизмати бекиёсдир.

Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти чоп қилаётган «Ўзбекистон санъат усталари» туркум альбомларининг навбатдаги сонни Чингиз Аҳмаров ижодига бағишланганлиги — мазкур нозик таъб санъаткорнинг хизматларини кенг жамоатчилик томонидан яна бир қарра тан олинганлигидир.<sup>71</sup>

Албомни тузувчи ва матн муаллифи юртимизнинг стақчи санъатшуносларидан бири, ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдулхай Рашидович Умаровдир. Тузувчи ихчам изоҳларда атоқли рассомнинг ҳаёт йўли, ижодининг асосий боқичлари, энг муҳим асарлари, уларнинг бадий хусусиятлари тўғрисидаги мармулотларни тушунарли тарзда сўзга олган. Шубҳасиз, бу ўринда муаллифнинг рассом билан шахсан яқиндан танишлиги, унинг ҳаёти ва асарлари тўғрисида аввал ҳам махсус китоб ва мақолалар ёзгани кўл келган. Акс холда, бор-йўғи саккиз саҳифада атоқли санъаткорнинг дечрли олгнлиш йилдан зиёд ҳаёт йўли, қирқ йилдан ортгк ижоди ва кўллаб расмлари тўғрисида мухтасар ва муҳаммад мармулот бериш осон бўлмасди.

Чингиз Аҳмаров 1912 йилда Урал тоғи яқинидаги Троицк шаҳрида, зиёли оилада туғилди. Отаси Абдурахмон Шарк мамлакатлари, айниқса, Марказий Осиё халқлари тарихи, маданияти, санъати ва адабиётига жуда қизиққан киши бўлган. Бу қизиқиш уни

<sup>71</sup> Чингиз Аҳмаров, ўзбекистон санъат усталари. Тошкент: Фафур Ғулом номи Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. Расмлар билан 124 бет (Албом тексти ўзбек, рус ва инглиз тилларида).

Туркия, Саудия Арабистони, Миср ва бошқа мамлакатларга саёҳат қилишга ундади. Отасининг кизиккишлари ёш Чингизнинг хаёт йўлини аниқлашда хал қилувчи роль ўйнади.

1927 йили Аҳмаровлар оиласи Марказий Осиёга кўчиб келиб, аввал Қарши, сўнгра Самарқанд шаҳрида яшди. Бу вақтда Чингиз Пермь шаҳридаги Махсус бадиий билим юртида таълим олар, таътил кунларини Ўзбекистонда ўтказарди. Бу ердаги одамларни, хаётни, ўтмишдан қолган мезморчилик ёлгорликларини жуда чанқоклик ва кизикувчанлик билан ўргатарди. Кейинчалик атоқли rassom ўзининг талабалик йилларини эслаб, «Бадиий билим юрти менга санъат асосларини ўргатиб, хаётга йўлланма берди. Аммо менинг rassom бўлишимга хақиқий тамал тошини қўйган Самарқанддир» — деганди. Ёш rassom Пермдан ўқийшни битириб келиб, Самарқанд шаҳрида ижод қилаётган П.Беньков, Сиддикий, О.Татевосян сингари rassomлар билан ёнма-ён ишлаб ўз бадиий маҳоратини ўстирди. Самарқанддаги ижодий жараён, малакали rassomлар билан мулоқотда бўлиш ёш rassomда яна ўқиб истагини тўғдирди.

1935 йили Чингиз Аҳмаров Москвадаги Олий бадиий институтга ўқишга кирди. Ҳатто, институт қошидаги аспирантурани ҳам тамомлади. Институтдаги ўқитувчиларнинг аксарияти атоқли rassomлар, санъатшунослар бўлиб, улар Россия тасвирий санъат тараккиётига алоҳида хизматлари сингган шахслар эди. И.Грәбарь, В.Фаворский, К.Чернишев раҳбарлигида Чингиз Аҳмаров rassomлик сирларини кунг билан ўрганди, жаҳон тасвирий санъати тарихи, рус реалист rassomлари ижодини янада мукамалроқ ўзлаштирди. Уларнинг тасвирида rassomнинг дунёқараши шаклланиб борди.

Чингиз Аҳмаровга илк шўҳрат келтирган, уни энга танитган асарлари Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театр залларида ишлаган маҳобатли деворий суратлари эди. Мазкур театр биносининг қурилиши ва унинг ички деворлари бетакрор нақш ва деворий суратлар билан зийнатланиши республикамиз бадиий хаётида катта маданий воқеа эди. Шунинг учун ҳам, театр биноси ижодкорлари — академик мезмор А. Шўусев, машҳур наққош Уста Ширин Муродов ва бошқалар каторида Чингиз Аҳмаровнинг Давлат мукофотида сазовор бўлиши rassomнинг йирик ижодий муваффакияти эди.

Қарийб эллик йиллик ижоди давомида Чингиз Аҳмаров кенг жамоатчиликка манзур бўлган турли мавзуларда кўп асарлар яратди. Бу асарларнинг барчасига хос умумийлик, яхлит услуб, катъий ижодий йўсиллар мавжуддир. Бу эса асарлардаги чизиклар назоқати, ранглар ўнгуялиги, композиция тарҳининг мукамаллиги, қолаверса, идеallasштиришда мужассамлашади. Чингиз Аҳмаров асарлари ўзига хослиги билан ажралаиб туради.

Чингиз Аҳмаров ўз асарларида ўтмиш мусаввирлари, наққошлари ва китобат санъати аҳли ижодий анъаналарини ривожлантирди ва бу соҳада катта ижодий муваффакиятга эришди. Шунинг учун ҳам, унинг асарлари халқимиз учун тушунарли ва қадридлир. Чингиз Аҳмаров Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театр залларини беэаб турган 4 та деворий суратларда улў шoir Алишер Навоийнинг бархаёт гоилари сингдирилган «Хамса» туркумига кирувчи достонларининг энг муҳим воқеаларни тасвирлайди.

Алишер Навоий асарларида мусаввирлар ўтмишда қайта-қайта муружаат қилишган, улардан илҳомланиб, тасвирланиб қўлиаб миннаторлар яратганлар. Чингиз Аҳмаров деворий суратларни ишлашда мавзу танлаш ва образлар ечимида ўтмиш мусаввирлари анъаналарига қисман таянган бўлса-да, композицион ечим ва рангларни танлашда, образлар талқинида замонавий талаблардан келиб чиққан. Фарҳод қазиб битирган анҳорга сув қўйиши, улў шoir оруз қилган одил шох Искандарнинг халқларни Ёвжуз - Мажмуз офатидан сақлаш учун улкан девор тиклаш жараёнларининг тасвирланиши халқни ҳаминша бунёдкорликка ундаб туради. Улў шoirнинг инсонпарварлик гоилари rassom мўйқаламида янгича оханг, янгича жаранг тошган дейиш мумкин.

Умуман олганда, альбом тўпповчиси Чингиз Аҳмаровнинг кирк йилдан ортик вақт давомида яратган асарларини синчковчилик билан ўрганиб, уларнинг энг сардаларини альбомда жамлаган. Шу билан китобхонга rassom ижодининг муҳим қирралари тўғрисида муфассал таассурот ва малълумот беда олган. Альбомда Чингиз Аҳмаровнинг Тошкент, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Козон ва Сочи (Россия) шаҳарларидаги маҳобатли асарлари юқори полиграфик савияда чоп этилган.

Қайд этиш лозимки, атоқли rassomнинг хаёти ва ижодига оид малълумотлар турли мақола, альбом, монография ва махсус талқикотларда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган. Аммо мазкур альбом Чингиз Аҳмаровни ижодкор инсон сифатидаги киёфасини тўла ва мукамал акс эттирган. Шунингдек, уни Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريётининг ўзбек мусаввирлари хаёти ва ижодида оид туркум альбомлар орасида энг яхши нашр деб эътироф этиш лозим.

Альбомда устоз санъаткор асарларидан — 82 та рангли, 8 та оқ-қора ва 20 та қоралама суратлар берилган Айрим деворий суратлар бутунлигича, уларнинг муҳим қисмлари эса катталаштирилиб берилгиши максалда мувофик бўлган. Чунки Аҳмаровнинг аксарият деворий асарлари умумий мазмунга эга бўлиши билан бирга уларнинг қисмлари ҳам алоҳида мазмун қасб этади. Улар каторида rassomнинг улў шoir лирикасига бағишланган Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейидаги, Абу Райхон Беруний номидаги шарк кўлёмалар Маркази биноси фойёсидаги, Самарқанд шаҳридаги «Юлдуз» чойхона-ресторани залидаги, Социдаги «Ўзбекистон» санаторийси, Республика хороетрафия билим юрти биносининг раке залидаги деворий суратларини келтириш мумкин.

Адабиёт музейининг катта залидаги Алишер Навоий шеърлятига бағишланган 10 та деворий сурат атоқли rassom ижодида алоҳида ўрин тутади. Уларни қузатар экансиз «кўп ва хўб шеър айтгон» Алишер Навоий газалларининг мавзуси кенг қўламли ва бадиий жиҳатдан теранлигининг тўвоқи бўласиз. Гуё шoirнинг ажойиб мисралари rassom мўйқаламида янгитдан жарангламоқда. Уларнинг бирида дилдор чанг торларини чертиб, дарду хасратларини оханг орқали тўқиб-солмоқда. Гузан тасвиридан бир оз юқорида наставълик хатига шoirнинг матлаъси битилган:

*«Ўн саккиз минг олам оқуби агар бошиндодур,  
Не ажбайки, саринқозим ўй саккиз ёшиндодур.»*

Бошқа бир давҳада лирик қаҳрамон беҳол, бемажол дутор чертганча дардини ошқора қилмоқда:

*«Не наво соз айтагай, бўлбул элестондин жудо,  
Айланас, тўти тақалтум, шаққаристондин жудо.»*

Ҳар бир деворий сурат алоҳида мазмунга, мустақил композицион ечимга эга бўлса-да, улар ягона манзара фонида ўзаро боғланиб, уйғунлашиб, ягона элик полотнони вужудга келтирмоқда. Улў шoirнинг ажойиб шеърларини ўқиб, атоқли rassomнинг нафосатга тўла жойбадор деворий суратларидан завқланиб, томошабин гуё шеърлят ва гузаллик чаманига тушиб қолгандай бўлади, шoir даҳосига, шoirтабнат rassom маҳоратига таҳсин ўқийди.

Чингиз Аҳмаров мураққаб композицияли, кўп персонажли маҳобатли деворий суратлар каторида алоҳида портретларни ҳам катта маҳорат ва юксак дид билан ишлаган. Бу бордада ўзр ФА санъатшунослик илмий-талқикот институти деворларида ишланган Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» номли достонидаги етти гузан тасвири айтиб ўйиш

кифоя. Тасвирдаги айёллар образини яратишда ижодкор орзуси ва тасаввурдаги мукамал киёфа етакчилиги килган. Рассом томолабинини беихтиёр ўз олами ортидан етаклайди.

Фикрларимизни хулоса қилиб шунга айтмишмики, рассом ўзи бошлаб, изчил давом эттирган Шарк миниатюра анъаналарини ўзбек рангтасвирининг бўлувчи талабларидан келиб чиқиб ривожлантирди. Бу тенденция хатто Марказий Осиёнинг бошқа худудларидан ижод қилётган ижодкорлар, жумладан, Тожикистон рассомлари ижодидида ҳам намён бўлмоқда.

Чингиз Аҳмаров шахсияти хусусида фикр юритилганда унинг саҳий ва меҳрибон мураббий, олижаноб инсон эканлигини ҳам унутмаслик лозим. Бутунги кунда ўзларининг ижод йўлини голган Жавлон Умарбеков, Баходир Жалолов, Тухтабек Соипов, Темур Сабдуллаев сингари рассомлар тасвирий санъат сирларини эгаллашда бағри кенг мураббийларининг кўмаги ва маслаҳатларидан баҳраманд бўлган.

Умуман, Чингиз Аҳмаров ижодига бағишланган юкори полигرافик савияда чоп этилган альбом санъат муҳлислари ва гўзаллик шайдолари учун ажойиб тухфадир.

Рассомларда Жаззах шахридаги театр биносига ишланган «Етти гўзал»дан унчаси чоп қилинган.

### Нафис тасвирлар жозибаси

Яқинда «Ўзбекистон» нашриёти «Алишер Навоий асарларида ишланган расмлар» номли альбомни юкори полигرافик савияда чоп этиб, улут шоир ижоди ихлосмандларига ҳамда гўзаллик шайдоларига ажойиб тухфа тайёрлади. Республикада мумтоз ноёб асарларни мўъжаз миниатюралар билан зийнатланган ҳолда нашр этилиши тасвирий санъат муҳлисларини беҳад мамнун этди. Мазкур нашриётда «Шарк классикалари меросидан» туркумида нафис суратлар билан безатилган китобларнинг чоп этилаётгани кенг китобхонлар томонидан мамнуният билан кутиб олинмоқда.

«Алишер Навоий асарларида ишланган расмлар» альбомидан XV асрнинг охиригача чоратидан XIX асрнинг биринчи чоратигача бўлган даврда Хирот, Бухоро, Табриз, Шохрухия, Дехли ва Кукон шахрларида бир неча рассомлар авлоди томонидан яратилган 32 та рангли миниатюра ўрин олган. Рассомларнинг номлари, манбалар ҳақидаги маълумот ва ихчам сўз боши ўзбек, рус, инглиз ва немис тилларида берилган бўлиб, бу мазкур альбомнинг кенг санъат муҳлисларига етиб боришини таъминлайди. Альбом профессор, филология фанлари доктори Хамид Сулаймон томонидан тузилган. Альбомга киритилган рангли нусхадати миниатюралар олимнинг савий-харакаатлари билан Англия, Франция сингари мамлакатларнинг нуфузли кутубхона ва музейларидан олиб келинган эди.

Улут шоир Алишер Навоий ўз ижодига баҳо берад экан:

*Олибмен тахти фармонимга осон,*

*Черк чекмай Хитодин то Хурсон...*

*Не мулк чираки бир фармон ибодим,*

*Анинг эдбига бир девон ибодим.*

деб ёзган эди.

Альбомдаги миниатюралар ҳам шоир ғоялари турли мамлакатларда ўз ихлосмандларига эга бўлганлигини яна бир қарра тасдиқлайди.

Миниатюраларнинг 16 таси Алишер Навоийнинг она шахри Хиротда кўчирилган ноёб кўлэмалардан олинган бўлиб, уларнинг 5 тасини Шаркнинг буюк рассоми, устод Камолдин Беход мактабига тааллуқли, дейиш мумкин. Чунки, уларда устод Беход миниатюраларига хос юксак бадий хусусият, тарҳнинг пухта ечимлигини, чизиклар назокати, нақшлар гўзаллиги ва ёрқин рангларнинг уйғунлиги кўзга ташланади.

Маълумки, Алишер Навоий асарлари унинг она шахри Хиротда жуда кўп мохир хатотлар томонидан қайта-қайта кўчирилган. Бирок уларнинг барчасига миниатюралар қўйишга улғурилмаган. Бундай кўлэмалар бошқа маданий марказларга бориб қолганларида, у ердаги маҳаллий рассомлар бу ноёб кўлэмалар матнга муносиб миниатюралар ишлаган. Хусусан, Хиротда яратилган деб кўрсатилган, Алишер Навоий «Девон»лари кўлэмаларига ишланган 6 та миниатюра (3 - 4, 14 - 15, 17 - 18) баъзи мутахассисларнинг фикрича, Хиротда эмас, Марказий Осиёда, айнан эса, Бухорода яратилган. Марказий Осиёдаги Бухоро ва Шохрухия шахрларида яратилган деб қайд этилган альбомдаги 9 та миниатюра шоир асарларини халқ жуда севиб ўқитилганини кўрсатади. Ушбу рангли суратлар Марказий Осиё миниатюра санъатини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Улар Хирот миниатюра мактаби анъаналари билан бир каторда маҳаллий рассомлар ижодига хос бўлган хусусиятларни ҳам ўрганишимизда асослади. Бу ўринда Англиянинг Кирил шаркшунослар жамияти кутубхонасида сақланаётган кўлэмалардан олинган миниатюрани алоҳида аҳамиятта эга эканлигини таъкидлаш зарур.

Бошқа миниатюралар Табриз (4 та), Дехли (5 та) ва Кукон (3 та) шахрида яратилган бўлиб, улар бадий услуб жиҳатидан бири-биридан яқол ажралиб туради. Айниқса, Хиндистонда яратилган миниатюралар алоҳида аҳамиятта молик. Уларнинг баъзиларида рассомларнинг номлари ҳам қайд этилган. Масалан, 11-миниатюранинг Джанрожа, 12-миниатюра Давл ва Муқунда, 13-миниатюра эса Маноҳарга тегишли эканлигини асарлардаги имзодан билгиши қийин эмас.

Алишер Навоий ўзининг бой ва серқирра ижоди билан нафакат ўз халқи маданий ҳаётига, балки Яқин ва Ўрта Шарк халқлари адабиёти ва тасвирий санъати тараққиётига ҳам барақати тавсир кўрсатди. Утмиш мусаввирлари улут шоир ижодидан илҳомланиб, ажойиб нафосат оламини яратганлар. Альбомни тузувчилар гўзаллик шайдоларига ўша нафосат оламиндан ажойиб гулдаста тақдим қилганлар.

Суратларда альбомга киритилган олти миниатюра чоп этилган.

### Тўнқопи саройи кутубхонасида

Алишер Навоий асарларини ўз даврида ва кейинча ҳам энг атоқли хатотлар муҳаббат билан кўчирганлар. Устод мусаввирлар нафис миниатюралар билан безатган кўлэмалар китобат санъатининг ноёб намуналари саналади. Улар жаҳоннинг турли кўлэма фондларида қадимий санъат дурдоналари каторида кўз қорачиғидек сақланмоқда. Бундай ноёб кўлэмаларнинг қўлчилиги бизнинг мамлакатимизда сақланмоқда. Жумладан, Шарк кўлэмаларининг энг бой мажмуаси хисобланган Абу Райхон Беруний номли Шарк кўлэмалари Маркази фондидида жамланган.

Кўлэмалардаги нафис миниатюраларни ўрганиш Алишер Навоий ижодининг Шарк китобат санъати тарихида тутган ўрнини кўрсатади. Бу борада республикамиз навоийшунослари олдида жаҳон кўлэма фондларидаги Алишер Навоий асарлари кўлэмаларининг мукамал каталогини тузишдек масъулиятли вазифа турибди.

Бу мақолада биз Туркиянинг энг машхур кўлэма фондларидан бири Истамбул шаҳридаги Тўнқопи саройи кутубхонасида сақланаётган Алишер Навоий асарларининг кўлэма ноёб нусхалари, уларнинг ажойиб миниатюралари тўнқопида маълумот бериб, улар тўнқопидаги ўз мулоҳазаларимизни ўртоқлашмоқчимиз.

Турк олимларининг маълумотларига кўра, ушбу кутубхонада XV - XVII асрларда китобат қилинган Алишер Навоийнинг 13 жилдли кўлэмаси мавжуд. Улар шоирнинг барча асарларини камраб олган. Жами 13 560 та варакдан иборат. Булардан шоир ҳаётида битилган иккита қўлпўнтининг нодир нусхаси, хусусан, 1494 - 1495 йилларда

Султон Али Машхадий кўчирган 275 ырақли нодир кўлэма ва XVI асрда китобат қилинган машхур хатот Дарвеш Муҳаммад Токий томонидан битилган 802 ырақли йирик кўлэма нусхалари навоийшунослар учун алоҳида илмий ва бадиий қимматга эга.

Алишер Навоий асарлари кўлэмалярини кўчирган хатотлар қаторида яна Пир Аҳмад бин Искандар, Шай Муҳаммад бин Дўст Муҳаммад Самарқандий, Али Ризо Аббосий сингари ўз даври йирик хатотлари номлари борлигини айтиб ўтиш жоиз. Бу эса мазкур кўлэмалярининг аҳамияти ва унинг хатотлик тарихини ўранишдаги юқсақ мавқеини белгилайди.

Улуғ шоир асарларининг кўлэма нусхалари жами 81 та нафис миниатюра билан зийнатланган. «Хамса»нинг 1530 – 1531 йилларда хатот Пир Аҳмад бин Искандар томонидан кўчирган нусхаси бўлиб, унда 16 та миниатюра мавжуд. Улар улуғ шоирнинг инсонпарварлик ғояларидан руҳланиб яратилган, ҳаётни куйлашга, инсонни улғулашга бағишланган. Шу билан бирга, улуғ шоир ижодининг мавзуси ранг-баранглигини, камрови кенглиги ва чуқур ғоявийлигини кўрсатади.

Миниатюралар услуб жиҳатидан хилма-хил бўлса-да, барчасининг бадиий савияси юқсақ. Айниқса, шоир ҳаётинида буюк мусаббир Камолиддин Бехзод ва унинг шогирдлари миниатюралар билан безатишган куллиёт нусхаси Шарк китобат санъатининг дурдоналаридан ҳисобланади. Бу кўлэмадаги миниатюраларда XV аср иккинчи ярмидати Хирот миниатюра мактабининг энг муҳим хусусиятлари, ёрқин ва ўйнақи рангларнинг ажойиб мултаносиблиги, чизиқларнинг нафислиги, тарҳининг ўзига хослиги, персонажадарнинг мукамаллиги, сюжетни очиб берилиши, тасвирланган кишилар ва табиат ўйғунлиги кўза ташланади. Бошқа кўлэмадар миниатюраларида эса бу бадиий услубнинг ўзгарганлиги, тарҳининг соддалиги, рангларнинг безакдорлиги, мавзунинг жўнлиги сезилиб туради.

Умуман, Тўлқони саройи музейи кутубхонасида сақланаётган Алишер Навоий асарлари кўлэмаляри, улардаги миниатюра асарлари Шарк халқларининг муштарак бадиий мероси бўлган миниатюра ва китобат санъати тарихини ўрганишда салмоқли ўрин тутади. Уларни ўрганиб, санъат муҳлисларига тақдим қилиниши Ўзбекистон ва Туркия халқлари ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларининг мустаҳкамланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Алишер Навоийнинг «Таройибус ситар» ва «Навоидаруш шабоб» девонига ишланган икки расми чоғ қилинган. Бу расмлар Тўлқони сарой музейида сақланади.

#### Миниатюра санъатининг шайдоиси

Шарк халқларининг муштарак мероси бўлмиш қадимги муштор кўлэмадар саҳифаларига зийнат беришда қўланилган нафис миниатюра санъати ўзининг юқсақ бадиий хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради. Мавлўмки, миниатюра санъати, асосан, IX – X асрларда шаклланди. Кейинчалик мавлўм бир сабабларга кўра унга эътибор сусайиб кетган.

Шаклан миллий, мазмунан умуминсоний бўлган ўзбек тасвирий санъатининг хозирги боқкичида ўтмиш бадиий меросидан ижобий фойдаланиб, анъаналар давом эттирилимоқда. Бунни биз, хусусан, Уста Мўминнинг график асарларида, Искандар Икромов китоб безакларида ва Чингиз Аҳмаровнинг деворий асарларида кузатамиз. Бироқ мўкадам устларининг кўпчилиги ҳам миниатюра санъатини услубини имкон даражасида ўзлаштиришга ҳаракат қилишган.

Кейинги йилларда миниатюра санъатининг бадиий воситаларидан фойдаланишга ҳаракат қилаётган қатор истеъдодли расомлар ижод майдонига кириб келдилар. Улардан бири Шомахмуд Муҳаммаджоновдир. У миниатюра санъатининг унутлиб кетган

технологиясини тиклаш ва ўтмиш мусаббирлари энг яхши анъаналарини давом эттиришга киришди. Ёш ижодкор қадимий санъат технологиясини қайта тиклашда қўлғина қийинчиликларга дуч келди. Ижодкорнинг машаққатли меҳнати беқор кетмади, у кўзлаган мақсадига эришди. Ўтмиш мусаббирлари яратган ранглар унинг мўйқаламида янгича жипо толди.

Шомахмуд ёшлигиданок расомликка қизиқти. Унинг «Ғазал» номли илк ижодий асари 1966 йили «Ўлхан» журнагида эълон қилинган эди. Хаваскор расом ўз орузларини амалга ошириш мақсадида Тошкентдаги Республика бадиий билим юртига ўқишга кирди. Жаҳонга машхур расомлар ва Шарқнинг мўйқалам усталари ижодини пухта ўрганди, танқидий ўзлаштирди. Шомахмуднинг ижодий изланишларида, айниқса, озарбайжонлик олим, профессор Одил Қозиевнинг ўтмиш мусаббирлари ижодий тажрибалари баён қилинган «Ўрта аср кўлэмалярининг бадиий-техник материаллари» китоби катта ёрдам берди.

Ўтмиш мусаббирларининг мўйқаламлари, қоғозлари, бўёқлари миниатюра санъати нозик ифодаларини тасвирлай оладиган даражада мукаммад эди. Шомахмуд араб ва форс тилини ўрганди, қадимий китобларни мутолаа қилди, мўйқалам, қоғоз, бўёқ тайёрлаш усулларини билиб олди. Натижанда иши қоринди. Тўғри, у дастлаб анъанавий мавзўларни мумтоз миниатюра услубида очиб беришга интилди. Жумладан, улуғ шоир Абдулқосим Фирдавсийнинг «Шохнома» асари мавзуси асосида темирчи Кованиннг қўзғолоғига бошчилик қилиш воқеасини тасвирга тортиди. Бу миниатюрада ёш расом оригинал тақкинга эришгани диққатга лойиқдир.

Дарҳақиқат, Шомахмуд изтануван ижодкор. Унинг 2 та миниатюраси Прата шаҳрида 1972 йили бўлиб ўтган ёш расомлар асарлари халқаро кўргазмасида биринчи даражади дипломига муносиб деб топилди. Атоқли ёзувчи Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романи асосида ишланган 16 та миниатюраси Алишер Навоий номидати Давлат Адабиёт музейига қабул қилинди ва у ерда сақланимоқда.

1981 йил май ойида шарк кўлэмаляри маркази, Ўзбекистон Бадиий академиясининг Бадиий ижодкорлар уюшмаси ва ЎЗР ФА Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти бирлигида уюштирган, буюк расом Камолиддин Бехзод таваллудининг 525 йиллигида бағишланган кўргазмада Шомахмуд Муҳаммаджонов ҳам ўз асарлари билан иштирок этди. Унинг асарлари жамоатчилик ва мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Албатта, бир ёш расомнинг муваффақиятлари тўғрисида мулоҳаза юрита туриб, унинг тенгқурларини унутиб қўймастик керак. Чунончи, бу ўринда миниатюра санъатига қизиқиб, унинг анъаналарини ўзлаштиришга ҳаракат қилаётган бир гуруҳ китоб безовчи расомлар ҳақида баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтиш жоиз. Шубҳасиз, улар баъзи ижодий ютуқларга эришган. Лекин, миниатюра санъатининг нозик жиҳатларини билмасдан бу ишга киришганлик кўпинча уларга панд бермоқда. Хатто, уларнинг баъзи ишлари ҳажвий асарга ўхшаб қолмоқда. Булар қаторида Фафур Фулом номидати Адабиёт ва санъат наشريётда чоғ қилинган Алишер Навоийнинг «Хайратул абор» ва «Тайли ва Мажнун» достонларининг насрий нашрларида, Дурбежнинг рус тилига таржима қилинган «Осуф ва Зулхайо» достонига ишланган миниатюраларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ахир, Алишер Навоий асарларини безашнинг ажойиб намуналарини Ўзбекистон халқ расоми Искандар Икромов яратиб берган эди-ку! Ёш расомларнинг Искандар Икромовнинг бой ва иборатли ижодий тажрибасидан фойдаланмаётганлари, унинг муваффақиятларини бойитмаётганликлари афсусланарлидир. Бу эса, назаримда, Чингиз Аҳмаровнинг бадиий

билим юртлирида миниатюра санъати бўйича алоҳида кўрсалар ташкил килиши кераклиги тўғрисидаги ташаббусини кўллаб-қувватлаш зарурлигини кўрсатади.<sup>72</sup>

Асосий ижодий услуби реализмга асосланган тасвирий санъат услубий ранг-барангликка хосдир. Зеро, миниатюра санъатининг кайта тикланиши ўзбек тасвирий санъатидagi услубий изланишларга кенг имконият яратиб бериши табиийдир.

Бинобарин, ёш миниатюрачи рассомларимиз, шу жумладан, Шомахмуд Муҳаммадҷононов ҳам буюк санъаткор Камолиддин Бехзод, унинг шогирдлари Қосим Али, Дўст Муҳаммад, Миррак Накқош, Махмуд Музаҳҳиблилар меросини чуқур ўрганиши, уларнинг анъанасини давом эттириши, давримизнинг етук рассомлари Искандар Иқромов, Чингиз Аҳмаровларга муносиб шогирд бўлиш учун тинмай изланиши зарур.

Рассом Шомахмуд Муҳаммадҷононов асарларидан намуналар: 1. Нарвўз байрами; 2. Дев билан оқишу. Алишер Навоийнинг «Фарход ва Ширин» достонига ишланган; 3. Тохрининг туғилиши. Ўзбек халқ достони «Тохир ва Зухра»га ишланган; 4. Аждаҳо билан жанг. Алишер Навоийнинг «Фарход ва Ширин» достонига ишланган; 5. Чилинтар Кова кўзғолони. Абўлқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достонига ишланган.

### Ўзбек рассомлари ижодида миллий анъаналар

#### Режа:

Кириш.

Ўзбекистон рассомлиги тараккиётининг асосий таъомиллари.

Ўзбекистонг тасвирий санъатининг миллий анъаналари.

Ўзбекистон рассомлари ижодида миллий анъаналар.

Хулоса.

Ўзбекистон тасвирий санъати XX асрнинг 80-йилларида келиб халқимиз маданиятининг ажралмас, таркибий қисмига айланди. Республикамизда етишиб чиққан санъат усталари Ўзбекистон халқ рассоми, Давлат мукофоти лауреати ўрол Тансиқбоев (1904-1974), Ўзбекистон халқ рассомлари Искандар Иқромов (1904-1972), Абдулҳак Абдуллаев (1918), Александр Волков (1886-1957), Раҳим Аҳмедов (1924), Незмат Қўзибоев (1926), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари Малик Набиев (1916), Павел Бенков (1879-1949), Самит Абдуллаев (1917), Уста Мўмин(А.В.Николаев, 1918-1957), Зокир Иноғамов (1919), Маннон Саидов (1923) ва бошқаларнинг ажойиб асарлари кўллаб санъат мухлисларига яхши таниш, энг нодирлари мамлакатимиздаги эътиборли санъат музейларидан муносиб ўрин эгаллаган.

Ўзбекистон рассомлиги ўзининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини бошдан кечирди. Бу рассомлик шаклланишининг турли тараккиёт даврларида жаҳон рассомлиги (асосан Фарбий Европа) ижодий ютуқлари, рус реалист рассомлари бадиий мероси ва Шарк халқларининг муштарак маънавий обидаси бўлмиш миниатюра санъати анъаналарини ўзлаштириш 80-йиллар воқегили ва замонавий бадиий эстетика нуқтани назардан келиб чиқиб, бой маданий меросдан ижобий фойдаланиш, ўрни келса, уларни хоэирги тасвирий санъат тараккиети талаблари асосида ривожлантириш тенденциялари ёна-ён яшаб келди.

Миллий расм санъати — миниатюра рангтасвири бадиий анъаналарини ижодий ўзлаштиришга интилиш тенденцияси, гарчи авваллари бу соҳадаги интилиш фақат айрим ижодкорларнинг баъзи асарларигагина хос бўлган бўлса, 70-йиллардан кейинги

даврларда халқимиз тарихи ва маданиятимиз атоқли намёндаларининг ҳаёти ва ижодини ўрганиш масаласи, улўр шoir ва мутафаккир Алишер Навоийнинг туғилганига 500 ва 525 йил туғилиши нишонлаш, унинг номи билан аталадиган ажойиб нафосат маскани Давлат адабиёт музейининг ташкил килиниши, улўр алломалар Абу Райҳон Беруний (973-1043), Абу Наср Фаробий (873-950) ва Абу Али ибн Сино (980-1037)ларнинг минг йиллик юбилейлари муносабати билан яратилган тасвирий санъат асарларида яққол намён бўлмоқда. Албатта, бу табиий ва конуний бир ҳолдир. Чунки, халқимиз ва маданиятимиз тарихи ўтмиш санъаткорларнинг бадиий асарларида гарча турли даражада шартли бўлса-да, ўзининг бадиий инъикосини тошган эди. Шўннинг билан бирга ўтмиш санъаткорларнинг бадиий асарларида ўз давр руҳи, маданий ёлдорликлари, кийим-кечак, рўзгор буюмлари ўз аксини тошган.

Ушбу рисолада халқимиз ва маданиятимиз тарихига оид бадиий асарлар, ўзбек рассомларидан Ўзбекистон халқ рассомлари Искандар Иқромов (1904-1972), Чингиз Аҳмаров, қобилиятли рассомлар Телман Муҳаммедов ва Шомахмуд Муҳаммадҷононов асарларида миниатюра расм санъати анъаналари қай йўсинда ижодий фойдаланганликлари ҳақида фикр юритилди.

Ўзбекистон тасвирий санъатининг тарихи жуда қадимий ва бойдир. У тоғ қойларига йўниб битилган тошлардаги расмларда, Юнон-Бақтрия ҳокимлари тасвирилари зарб этилган тангаларда (милоддан аввал III—II асрлар), Хагчаён ва Айртоқда топилган ҳайкалтарошлик намуналарида, Тўпроқ қалъа (III аср) сарой ва қасрлардаги деворий расмларда, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Хива шаҳарларидаги мейморчилик обидалари зийнатларида, X—XIX асрларда давом этиб келган, қадимги мўътбабар кўлемларини безаш учун яратилган нафис мўътжаз расм — миниатюраларда, халқ амалий санъатининг ажойиб буюмларида жуда юксак бадиий шаклда акс эттирилган.

Шўни алоҳида қайд этиш лозимки, атэр миниатюра расм намуналари, ноёб мейморлик обидалари ва халқ амалий санъати асарлари авваллари ҳам яхши маълум бўлган бўлса-да, лекин кўпчилик деворий расмлар ва қатор тасвирий санъат дурдоналари XX асрда қадимшўнос ва санъатшўносларнинг жуда катта ва кўп йиллик самарали илмий изланишлари натижасида аниқланди, ўрганилди ва ўзбек халқ санъати тарихидаги роли ва ўрни белгиланиб, Ўзбекистоннинг жаҳон санъати хазинасига кўшган муносиб хиссаси ҳақин равишда кўрсатиб берилди.

Академик ёзувчи Ойбек ўзбек адабиёти тарихи ва келажаги хуёсида фикр юритиб, мумтоз ўзбек адабиёти Шарк мумтоз адабиёти билан боғланганлиги, XX ўзбек адабиёти рус ва фарб адабиёти ютуқлари ижобий таъсирида ўсаётганлигини таъкидлаган эди. Атоқли адибнинг бу киммати фикрини ҳақин равишда Ўзбекистон тасвирий санъати тараккиётига ҳам тўла таъбиқ этиш мумкин. Марказий Осиё ёки Мовароуннаҳр (баъзан фақат Самарқанд ва Бухоро мактаби деб ҳам аташди) миниатюра расм санъати тарихида Яқин ва Ўрта Шарк миниатюра рассомлиги билан жуда яқин ижодий ва маданий алоқада бўлганлиги яхши маълум.

Нодир кўлемаларни расмлар билан безаш санъати мутахассислар фикрича, жуда қадимдан маълум бўлса-да, бу санъат обидаларидан бизгача асосан XII—XIII асрларда ва кейинроқ яратилган намуналаригагина етиб келган. Лекин, миниатюра рассомлигининг пайдо бўлиши ва тараккиётида албатта қадимги деворий маҳобатли расмлар аҳамияти ва таъсири бениҳоя катта бўлган бўлиши керак. XII—XIV асрларга оид миниатюралардаги деворий рассомлик хуёсиётларини ана шу билан изоҳлаш мумкин.

Шўннингдек, қадимги халқ амалий санъати намуналаридаги тасвирий лавҳалар миниатюра рассомлиги шаклланиши ва ривожига самарали таъсир ўтказган.

Тарихий ёзма манбараларда Марказий Осиёда қоғоз ишлаб чиқариш қадимдан маълумлиги тўғрисида маълумотлар бор. Араблар хижрий 87/ мелодий 706 йили

<sup>72</sup> Ч. Аҳмаров бу тақлифни 1980 йили «Ўзбекистон санъати» журналин 5-сонида киритган эди.



Самарқандга келганларида бу ердаги қотозсозлик қорхоналаридан жуда хайратлангиларини тарихчилар ёзиб қолдирганлар. Шунингдек, Турфон (Қошғар)да топилган мусаввир Моний (216-276) ибн Фатак расмлари Самарқанд қотозига битилган экан. Араб сайёҳи Ибн Хавқал (ваф. 976) Х асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд шаҳрида бўлиб, бу ердаги деворларда тасвирланган дарахтлар ва жониворлар расмларини кўрганни, аҳоли эса ёғочлардан турли хайвонлар шаклини ясаганликларини ёзди<sup>73</sup>.

Абу Райхон Беруний томонидан эслатилган, Абу Али ибн Сино номини чуқур ҳурмат билан тилган олган устози, йирик олим Абу Абдуллоҳ ал-Хусайн ибн Иброҳим ал-Табарий ан-Найпий ўз давридаги турккий қавм вакили лашкарбоши Абу Али ас-Симжурий (986-997) илтимосига биноан қадимги юнон табиби ва файласуфи Дйоскорид (I аср)нинг «Дорилар» номи асарининг арабча таржимасини тўғрилаб чиқиб ва қайта таҳрир қилиб, уни кўчириб, китобда номлари келтирилган ўсимлик ва жониворлар расмларини солганини айтди<sup>74</sup>.

Низомий Арзуий Самарқандийнинг «Чор мақола» номи асарида зикр қилинишича, Султон Махмуд Ҳазнавий Хоразмни заёт этган, маҳаллий ҳокимга нома ёзиб, атоқли олимлар, шулар қаторида Абу Али ибн Синони ҳам Ҳазна шаҳрига юборилишини талаб қилди. Абу Али ибн Сино Ҳазнага боришдан бош тортиб, Турғонга қочиб кетди. Бундан ғазабга келган Султон Махмуд Ҳазнавий улуғ олимни нима бўлса ҳам қўлга тушуриш учун Абу Наср Арроқ номи расомга Абу Али ибн Синонинг портретини чизишни буюрган. Расм тайёр бўлган, бошқа расомларга ундан киркга нусха олдирди. Сўنгра олимнинг расмларини подшоҳ фармони билан бирга турли ҳокимликларга жўнаттириб, улардан расмдаги кишини ҳисобга олиб Ҳазнага жўнатилларини буюрган экан.

Улуғ аллома Абу Али ибн Синонинг ўзи ҳаётлик даврида қирқдан ортиқ портретлари яратилган бўлиб, улар бизгача етиб келмаган. Турли манбаларга кейинча яратилган миниатюралардаги улуғ алломи тасвирини далилларга асосланган тарихий портрет деб бўлмайди. Мана шунинг учун алломанинг тарихий сиймоси деярли минг йилдан кейин антрополог М.М.Герасимов, олимлар профессор Ю.О.Отбаёков ва Ш.Х.Ҳамидуллин томонидан қайта тикланди<sup>75</sup>.

Туркий халқлар ёзма ёдгорлигининг энг улкан намуналари бўлиши Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғотиг турк» (XI аср) ва Юсуф Хос Хожиб Боласуғунининг «Қутадғу биллик» («Саодатга йўловчи биллик») номи асарларида ҳам китобат санъати, хусусан расомликка оид қўллаб маълумотлар учрайди.

Албатта X-XII асрлар давомида, айниқса ўрта аср илм-фанининг бир қадар гуллаган даврида ҳам ўрта Осиё шаҳарларида қўллаб расмли қўлёзмалар яратилган бўлиши шубҳасиз, лекин уларнинг деярли ҳаммаси мўғулларнинг босқинчи келиши, ўзаро феодал урушлар натижасида барбод бўлган.

Тарихий маълумотлар Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даврида ҳам қўллаб расмли қўлёзмалар, ҳатто деворий расмлар яратилганлигини кўрсатади. Аммо XIV аср Марказий Осиёда яратилган расмли қўлёзмаларнинг ҳаммаси ҳам бизгача етиб келмаган. Лекин XV асрда оид бир неча расмларни ўрта Осиёда яратилганини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, профессор Г.А.Пугаченкова илмий асослаб берди. Мана шундай расмлардан бири улуғ астроном олим Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг овдаги вақтини тасвирлашга бағишланган. Бу расм бугунги кунда Америка

Қушма Штатларининг пойтахти Вашингтон шаҳридаги Фрир санъат қолҳонасида сақланган.

Тарихчиларнинг 1447 йили Шохрух Мирзо вафотидан сўнг Мирзо Улуғбек Хиротдан мусаввирлар Мавлоно Шаҳобиддин Абдулло ва Мавлоно Азхарни ўз пойтахти Самарқандга олиб кетганлиги Темурийлар даврида ҳам Марказий Осиёда расомлар яшаб ижод этганлигидан тўвоҳлик беради.

XIII аср Ботлоқ миниатюра санъати тараққиётидан кейин расомлик тарихида Хирот миниатюра расомлиги санъати жуда юқори тараққиёт босқичига кўтарилди, чунки бу санъатта Мирзо Бойсунғур, Султон Хусайн Мирзо ва Алишер Навоий каби шахслар ҳомийлик қилганлар. Айниқса, даҳо мусаввир устод Камолиддин Бехзод номи билан боғлиқ тараққиёт босқичи мутахассислар томонидан Шарк миниатюра расомлигининг энг юқори даражада ривожланган отини давридир деб тан олинган.

Ҳақиқатан ҳам, афсона даражасига кўтарилган расом Монийдан сўнг, кенг санъат билимдонлари, расом ва санъатшунослар томондан энг юқасак маҳорат соҳиби деб аталагилган устод Камолиддин Бехзоддан бошқа миниатюрист йўқ. Улуғ Алишер Навоийнинг марҳаматидан баҳраманд бўлган устод расом замондошларининг таърифича, расмларга қайтадан жон бахш этган бўлиб, яъни шунчаки қўлёзма безаги Хисобланадиган зийнатига эмас, балки юқасак балиғий санъат дурдоналарини яратгандир.

Ёзувчи Ойбекнинг фикрича эса, бўёқларнинг майин гўзаллиги, жонли оҳанги, чизикларнинг ёрқин кўзга ташланганлиги билан бу расом ўз санъатининг «қайта келмас» бир мохирдир.

Устод Камолиддин Бехзод ўз замондошларидан Султон Хусайн Мирзо, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Муҳаммад Шайбонийхон ва бошқаларнинг ажойиб портретларини жуда юқори балиғий савияда, қатта маҳорат билан ижод қилган. Улуғ санъаткор ўз соҳасида қатор шогирдларни тарбиялаб етиштирган. Итиборли миниатюрист расомлар Қосим Али, Султон Муҳаммад, Дуст Девона, Махмуд Музаҳҳиб, Мир Мансур Мусаввир ва бошқаларга устозлик қилган. Устод Камолиддин Бехзод беназир санъаткор сифатида ҳозиргача ўз асарлари орқали расомлар ижодига баракали таъсир этмоқда, янгидан – янги асарлар яратилишга илҳомлантирмоқда.

Устод Камолиддин Бехзод ўзининг бегафкор ижоди билан нафакат Марказий Осиё тасвирий санъатида, балки бутун Яқин ва Ўрта Шарк миниатюра расомлиги санъатига, яъни Озарбайжон, Эрон, Хиндистон ва Туркия маҳаллий миниатюра расомлиги тараққиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

XVI асрда Марказий Осиёда яшаб ижод этган мусаввирлар Махмуд Музаҳҳиб, Абдулло ва бошқалар ижодида бир томондан устод Камолиддин Бехзод ижоди таъсири, иккинчи томондан маҳаллий расомлик анъаналари ҳамоханг намоён бўлади.

Санъатшунослар XVII аср давомида Нодир Муҳаммад Самарқандий, Муҳаммад Шариф, Муҳаммад Дарвиш Самарқандий, Муҳаммад Муқим, Аваз Муҳаммад каби таланг эгалари яшаб ижод этганликларини аниқладилар. Кейинги XVII-XIX асрларда ҳам расомлик мавжуд бўлган қаршиликка қарамай, анча ривожланди. Аммо, бу даврга келиб расомликка қўйилган эстетик талаблар, кишилар дилида, расомлик услубида, мавзуларда сезиларли даражада ўзгариш юз берди. Ана шундай ўзгаришларни XIX аср биринчи чоратида яратилган Алишер Навоий номи Давлат Адабиёт музейида сақланаётган улуғ шoir достонлари мажмуасининг мўътабар қўлёзмаси расмлари туркумида кўриш мумкин. Бу даврга келиб, Марказий Осиё расомлиги тараққиётида Хиндистон расомлиги таъсири анча кучайганлиги, бу эса мейморий иморатлар талқини, кишилар киефаси, расмлар тарҳида ва ранглар танланишида яққол кўзга ташланган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида йирик олим, мусиқачи, ҳаттоғ ва мусаввир Аҳмад Дониш яшаб ижод қилган. XIX асрнинг охири XX аср бошларида литография китобларни

<sup>73</sup> Норқуллов Н. Қадимги тасвирлар / Ўзбекистон санъати, 1979, № 6, 18-21 бетлар.

<sup>74</sup> Каримов У.И. Ибн Синонинг устозлари ҳақида / Ўзбекистонда илмий асосланган хайкал образини яратди.

<sup>75</sup> Отбаёков Ю.О., Ҳамидуллин Ш.Х. Абу али ибн Синонинг илмий асосланган хайкал образини яратди. Тошкент, 1980.

расмлар билан безаш боида маҳаллий рассомлар ҳам ижод қилганлар. Аммо, Хали уларнинг ижоди ва ҳаёти етарли даражада ўрганилганича йўқ. Мана шундай рассомлардан Салоҳиддин Маҳдум Силкий Хондайликкий, Раҳматулла ибн Мулла Абдушуккур ва бошқалар номларини эслатиб ўтиш ўринлидир.


Умуман, миниатюра рассомлиги Марказий Осиёда ҳам бошқа Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида бўлгани каби дەرғи X асрдан XX аср бошларигача ривожланиб келди. Мумтоз миниатюра рассомлигининг сўнгги вакиллари сифатида Уста Наби Хафизов ва Уста Нариддин Почаев номларини кўрсатиш мумкин. Лекин, дەرғи минг йил давомида яратилган расмларнинг ҳаммаси бизгача тулик ҳолида етиб келмаган бўлса-да, қолганлари, яъни бизгача етиб келганлари жуда катта бадий ва маданий аҳамият касб этади. Чунки, халқимиз маданий ҳаётини минг йил давомида тасвирий санъатсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Бизгача етиб келган мумтоз миниатюра расмларида ўтмиш рассомлари ўз даври руҳини, бадий-эстетик талабларини, қолаверса, молдий маданият ёлгорликлари, мезморчилик обидалари, кийим-кечаклар, уй-рўзгор буюмлари, меҳнат куроғлари, амалий санъат намуналари, умуман ўз даври ҳаётини имкони борича, ўзига хос бадий шаклда акс эттирганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг мўътабар асарлари санъатшунос, рассом, тарихчи, этнограф ва бошқа мутахассислар учун жуда қимматли тарихий манбадир. Мана шундай халқимиз матнавий бойлиги бўлмиш миниатюра рассомлиги анъаналари замонавий рассомларимиз учун битмас тутанмас илҳом манбадир.


Миниатюра, расмлар, аввал асосан мўътабар кўлемларни зийнатлаш учун хизмат қилганлиги сабабли китобат санъатининг таркибий қисми сифатида маълум бўлиб, баъзи хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштирди. Бу ҳам бўлса, биринчидан, миниатюра зийнатланаётган асар сюжетни асосида яратилар, иккинчидан эса китобат санъатининг бошқа элементлари — зарварак, унвоц, шамс ва шу каби нақшлар билан бир бадий услубда, ҳамоҳанг бўлиши шарғ эди. Учинчидан, қичкинагина сатҳда, яъни бир саҳифада ёки унинг бир қисмида, жуда кам ҳолларда икки саҳифа юзасида жойлашган асар зийнатланаётган китобнинг энг муҳим сюжетларидан бир нечтасини айни бир зақтда очиб бериши керак.

Айрим ҳолларда миниатюра ва бадий хат айнан бир саҳифада келади. Бу эса миниатюра расмининг декоратив — безакликка хос хусусиятини янада орттиради. Мана шулар натижасида миниатюра рассомлиги тасвирий санъат тури сифатида ўзининг бадий-иқолавий услубини яратди. Бу бадий-иқолавий услуб асосида табиатни шопрона, ёрқин ранглар ва бадий хатгаддек аниқ ва нозик чизиқларда, асосан нарса ва предметларнинг ҳажми бўртганлигини нисбатан шартли ифода қилишда, бир сатҳда турли вақтда юз берган воқеаларни тасвирлашда, кишилар, жониворлар, мезморчилик намуналарини тасвирлашдаги алоҳида пропорцияларга риоя қилишда, расмда соянинг йўқлигида кўринади.


Умуман, миниатюра расмларида кишилар ва ашёларни тасвирлашдаги том маънода ҳаётийлик мавжуддир. Лекин, ҳар бир давр юқоридаги миниатюра рассомлигининг умумий хусусиятларига ўз замонасига хос ўзгаришларни киритиб борган. Яқин ва Ўрта Шарқ миниатюра рассомлиги тасвирий санъат тури сифатида асрлар давомида кишилар, рассомлар, шопир ва олимларнинг, умуман, ҳар бир асар ўз даврининг бадий-эстетик норма, талаб ва эҳтиёжларини ёрқин ва таъсирчан акс эттирган. Мана шунинг учун Шарқ халқларининг муштарак бадий мероси бўлган миниатюра рассомлиги буларнинг жаҳон санъати хазинасига қўшган бебаҳо уллушидир. Рассомларимиз бу тасвирий санъат турини ўрганиб, ундан ижобий таъсирланиб ва унинг энг яхши анъаналарини давом эттириб, халқимиз тарихига оид бадий асарлар яратилган уллардан ижодий фойдаланмоқдалар.




27. Олимпиада Бойур яратган "Боти вафо" танзариачи.  
Рассом Бхатгани. Д. М. М. 121 а. в.




28. Бобур "Бот и нафот" ғарти ниллапга раҳманолик китобосида.  
 Бунмӯҳас ва Нолха расми. Кӯн раси. В. А. М.




29. Бобур "Бот и нафот" ғарти ниллапга раҳманолик китобосида.  
 Бунмӯҳас ва Нолха расми. Кӯн раси. В. А. М.



30. Бобур "Ботн катон" даги андари раҳнамолик китобига.  
 Расмон Маъеш. Ё. М. 1816 й.



31. Бобур "Ботн катон" даги андари раҳнамолик китобига.  
 М. С. М.



32. Бобур Негалиф вақинидаги Хожа Сефрон чамласини оёзи китомоқча.  
Рассом Рампелс. Б. М. 181 б. н.

Баъзи мутахассислар миниатюра расмчилигининг айрим ўзига хос хусусиятларини, айниқса унгаги шартлиликни тўғри бу санъат турининг камчилиги, нуқсони деб тушунадилар. Миниатюра расмчилигига бундай қараш нотўғридир. Чунки, ҳамма санъат турлари ҳам табиатан шартлидир. Санъат ҳаётни асл ҳолида, айнан кайтармайди, акс эттиради. Бу ўринда, профессор Л.И.Ремпельнинг миниатюра расмларидаги шартлилик, қуйидаги: «Баъзилар шарқ миниатюраси шартли санъат дейишди. Лекин Шарқ миниатюрасидан унинг шартлилигини йўқ қилиб, сиз уни тасаввур қилинадиган абсолют реализмга яқинлаштирмоқчи бўлсангиз, у ҳолда бу санъатнинг жонини, шу билан бирга бу санъатдаги бадиий санъатлик хусусиятини йўқ қиласиз!»<sup>76</sup> — деган фикри ўринлидир.

Шарқ миниатюра расмчилигидан ижобий ва ижодий фойдаланишга келганда, унга қўруқ тақлидчиликдан айрим расмлардаги деталлар, персонажларни айнан ноўрин кайтаришдан, ҳақиқий санъаткорлар учун номуносиб ҳаракатлардан ёш расмчиларни отоҳлантириш зарур. Хар қандай энг яхши санъат асари ўзидан кейин қатор кайтарик ва тақлидларни нозага келтириб чиқаради. Аммо санъаткор ўз асарига жуда қатта талабчанлик билан ёндошиб ҳақиқий маҳоратини намойиш эта олгандагина, унинг асарлари кўпчилик томонидан тан олиними шу ҳақсиздир.

Искандар Икромовнинг ажойиб китоб безаклари, Чингиз Аҳмаровнинг маҳобатли деворий расмлари, Телман Мухаммедовнинг кайтариб бўлмаё ҳажвий лавҳалари, Шомахмуд Мухаммадждоновнинг ижодий изланишлари жамоатчилик томонидан тан олинган, севиб эзозланилган, тамошбониларга қатта эстетик завқ бағишлаб, Уларни ўзалликни севишга, қадрлашга ўратиб, том маънода Ўзбекистон расм санъати тараққиётида миллий ананалардан илҳом олган бадиий ҳаракатнинг энг яхши ижодий намуналари деса бўлади. Уларнинг айримлари, хусусан Искандар Икромовнинг китоб безаклари халқаро миқёсда тан олиниб, 1959 йили Лейпциг шаҳридаги (Германия Федератив республикаси) халқаро китоб намойиши бронза медали ва кўразма дипломи билан тақдирланган. Чингиз Аҳмаровнинг ажойиб деворий расмлари Ўзбекистон Давлат муҳофоти билан тақдирланиши юқоридаги фикримизни яна бир қарра тасдиқтайди.

Ўзбекистон расмлари ичда Искандар Икромовнинг яратган китоб безаклари халқимизнинг узоқ тарихига оид энг яхши анъаналарини давом эттирган ва ривожлантирган санъаткор асарлари сифатида алоҳида ажралиб туради. Шуниси алоҳида эътиборга лойиқки, 1929 йили Санкт-Петербургда бадиий билим юртини битириб келган расом ўша даврда мода бўлган турли ўта замонавий оқимларга эргашмай, янги Ўзбекистон китоб безати санъатини яратишда ва уни ривожлантиришда дадил ва муваффақиятли олға интилиб, халқимизнинг миллий китобат анъаналаридан келиб чиқиб, улардан ижобий фойдаланишга киришти.

Гарчи Искандар Икромов ўз ижоди жараёнида жуда кўп ва турли мазмундаги китобларни безатган бўлса-да, мутахассислар томонидан энг муваффақиятли деб топилган асарлари қаторида улғу шоир ва мутафаккир Алишер Навоий асарларининг турли йиллардаги нащрлари, жумладан «Хамса» (1947), «Фарҳод ва Ширин» (1956), «Ҳазойинул маоний» (тўрт томлик, 1960) ва «Лирика» (1965), олимлардан Абу Райхон Беруний асарлари (1957, 1963 ва 1966), Абу Али ибн Синонинг табobatга оид машхур китоби «Ал-Конун» (беш томлик, рус ва ўзбек тилларида 1954-1961 йиллар, ушбу асар алломанинг минг йиллик муносабати билан амалга оширилган қайта нащрида ҳам И.Икромов безаклари сақлаб қолинди) қайд этилади.

Бунда ташқари, расомнинг замонавий шоир ва адиблар Ҳамза Ҳакимзода Нисий, Ҳамид Олимжон, Гофур Фулом, Ойбек асарлари китоблари бадиий безаклар ҳам юзсак

<sup>76</sup> Ремпель Л.И. Искусство Среднего Востока. М.: 1978, стр. 31.

махорат билан яратилгани тан олинди. Искандар Икромов ўзига хос хусусият билан биргина китоб безакларида ўтмиш китобат санъати усталари ишларидан фойдаланишдан ташқари, безатилган китобга у биринчи бор замонавий давр руҳини сингдириш учун қадимий миниатюраларнинг хозирги қайта нашрларидан ўринли фойдаланади. Жумладан, Алишер Навоийнинг «Ҳазойинул маоний» китоби баъдий безакларида, чоп этилган қадимий миниатюраларнинг рангли қайта нашрларини расом жуда катта маҳорат ва нозик дид билан уйғунлаштириб, ажойиб мутаносибликни ярата олган. Искандар Икромов «Шарк классиклари меросидан» номли туркум китобларда ҳам катта муваффақиятларга эришган.

Кўпчилик санъатшуносларнинг фикрича, И.Икромовнинг энг муваффақиятли яратилган асарлари - ноқоридда номлари қайд этилган китоблар, асосан халқимиз маданий мероси бўлиб, мезгилга оид асарлардир. Бундай асарларнинг нашрларида миллий китобат санъати анъаналари, асар илқ бор яратилган давр руҳини ақс эттиришда муҳим роль ўйнайди. Бир фикрни алоҳида қайд этиш зарурки, агар аксарият ўтмиш санъат ахшлари ўзларининг ноёб асарларини йиллар давомида меҳнат қилиб, фақат ягона нусхада яратган бўлсалар, улар ижодидан ижобий фойдаланган ҳақиқий халқ расоми И.Икромов ижод қилган китоб безаклари замонавий техника воситасида минглаб нусхада чоп этилиб, кенг китобхонлар оmmasига етиб бориб, уларни баъдий -эстетик дидларини ўстиришга хизмат қилди.

XX аср 80- йилларида ўзбек китобат санъати соҳасида кун сайин ўтмиш китобат санъати вакиллариинг ижодий ютуқларидан илҳомланиш, уларнинг энг яхши анъаналарини давом эттириш ва ривожлантириш бир неча расомлар ижодида намойн бўлмоқда. Уларнинг ижоди шаклланишга ва ўтмишдаги миллий китобат санъати анъаналарини ривожлантиришга И.Икромовнинг энг сара асарлари муваффақиятли хисса қўшмоқда.

Ўзбекистон халқ расоми Чингиз Аҳмаров ўз асарларида Шарк миниатора расомлиги анъаналарини ижодий давом эттириб, ривожлантиришга ҳаракат қилган энг биринчи санъаткор бўлмаसा-да, шу соҳада энг баракали, изчиқ ва муваффақиятли ижод қилган, жамоатчилик томонидан тан олинган атоқли ижодкордир. У серкирра ижод соҳиб ва меҳрибон, талабчан ва бағрикенг мураббий, устоз санъаткордир. Расом кўлаб китобларни ажойиб ва тўзал безакларини яратган. «Хулутбек юлдузи», «Икки дил достони» баъдий филмларнинг яратилишида ўз асарлари билан иштирок этган. Лекин бу ижодкорга катта шуҳрат келтирган, уни кенг жамоатчиликка танитган асарлари деворий расмлардир.

Алишер Навоий номли Катта Давлат Академик опера ва балет театрининг ажойиб биносидаги энг катта, улут шоир ва мутафаккирининг «Ҳамса» асарига кирувчи турт достон, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Саъбан сайёр» ва «Садди Искандарий»лардаги энг муҳим воқеалар асосида 1944-47 йиллар давомида яратилган деворий расмлар нафақат Чингиз Аҳмаров ижодида, балки Ўзбекистон монументал расомлиги тарихида алоҳида ўрин тутди. Расмлар сюжетлари жуда талабчанлик билан танланган. Масалан, «Фарҳод ва Ширин» достонининг расм ишланган воқеасини олиб кўрайлик.

Ушбу баъдий лавҳа расом томонидан куйилганга тасвирланган: расм композицион марказида янги ариққа сув оқган Фарҳод кўли кўкида, тўзал Ширинни қарши олмақда. Янги қазилган ариққа қойил қолган ва сувнинг равои окшидан беҳад шод бўлган Ширин нозидидаги нико — бурқабсини олиб Фарҳодга ташаккур изҳор қилмоқда. Ширинни кузатиб келганлар ҳам ариққа сув очилгандан беҳад хурсанд. Гуёки, шоир айтганидек:

*Халойиқ, учра гаваго тушти ҳарён,  
Ушбу мақолада Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилаётган, кенг жамоатчилиikka мўлжалланган асарларнинг бадиий безатилиш савияси ва тасвирий санъат бўйича маҳсуе адабиётлар нашр этишнинг айрим муаммолари тўғрисидаги баъзи мулоҳазаларимизни ўртоқлашмоқчимиз. Фикримизча, Ўзбекистон халқ rassomi, республикамиз етакчи график мусаввируларидан бири Қутлуғ Башировнинг «Ўликстон» журналининг шу йил 9- сонидаги танқидий мақоласида Фафур Ғулом номидаги нашриётда чоп этилаётган китобларнинг бадиий безак савияси асар мазмунидан, халқимиз ҳаётидан, атоқли ўзбек китоб rassomi Искандар Икромовнинг энг яхши аёнларидан бутунлай узилиб, каярлардайир мавжуд бўлган намуналарга тақлидга айланиб қолгани, маҳсуе конкурслар учун яратилган китоблар айрим rassomлар ижтисотига айланиб қолгани тўғрисидаги фикрларини умуман тўғри ва асосли деб биламиз. Мақолада таъкидланганича, бадиий савияси паст китоб безаклари тўғрисида танқидий фикр билдириб қўя қолмай, уни тўғрилай учун маҳсуе тадбирлар қабул қилиш вақти келган. Бу ўринда юқоридаги нашриётда чоп этилган, бадиий безаклари савияси паст китоблардан фақатгина бир нечаси миcет тарикасида эслатиб ўтмоқчимиз.

Улуғ ўзбек шоири, мутафаккири Алишер Навоий ижодининг жаҳон маданияти хазинасига хисса бўлиб кўшилганини муҳтарам ўқувчиларга айтиб ўтишнинг хожати йўқ, албатта. Улуғ шоир асарларининг ўзбек тилида ўн беш жилда, рус тилида ўн томда, бадиий қомус бўлиши «Хамса» асари эса «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» турсумида чоп этилганлиги Алишер Навоий ижоди халқимиз учун мўътабар ва қадри экинчи кўрсатиб турибди. Айниқса, республикамизда улуғ шоир номи билан аталган янги Навоий вилоятининг таъкид этилганлиги ана шу юксак хурматнинг яна бир ёркин далилидир.

Энди эса, Фафур Ғулом нашриётида амалга оширилган хайрли иш, улуғ шоир достонларининг бутунли китобхон учун тушунарли насрий баёни нашрлари — «Хайратли аброр» ва «Тайли ва Маънуи» достонлари бадиий безакларига бир назар талланг. Rassomлар Д.Цирин ва М.Рейхнинг улуғ шоир асарларига ишлаган rassomлар туркуми ва безакларини кўздан кечирар эканмиз, бу муаллифларнинг буюк мутафаккиримиз ижоди, навоийшунослар асарлари, Искандар Икромов безатган китоблар, қолаверса, асарлар давомига Алишер Навоийнинг улмас голларидан илҳомланиб яратилган ажойиб, мумтоз нафис миннаторалар тўғрисида тасаввурга эга эканликларига шубҳа ўтёнади. Умуман, ўзбек мумтоз адабиёти намуналари нашрлари безаклари китобхонда қандайдир қолқмаслик, баъзан эса хатто ғазаб кўзгайдиган даражада. Яна мисол учун, улуғ шоиримиз Муҳаммаднинг «Танланган асарлари» (Тошкент, 1974 йил) нашрини кўрсатишни қиёс деб биламиз.

Абдулла Қодирий романилари кейинги нашрлари ҳам безак ва суратлари илг бор чоп қилингандаги нисбатан бадиий савияси паст, асар руҳига муносиб эмас.

Абдулла Ориповнинг «Нажот қалъаси» тўпلامига А.Қиёя томонидан чизилган тасвирлар ва китоб безакларини қоникарли деб айта омаймиз. Мазкур суратлар шоирнинг ўзбек шеърятининг ўз овози, ўз ўрнини очиб беришга хизмат қилмайдди.

Яна бизни под қолдирган бир мисол. Ёркин Вохиловнинг «Рухлар исёни» (1980 йил) номи достони В.Алмуҳтин томонидан безатилган. Муқовадаги тасвирда оташин бенгал шоири Назрул Ислон образи ишонарли чикмаган. Китобдаги бошка безаклардаги тасвирларнинг ҳеч бири на Хиндистон ва на Ўзбекистон тасвирий санъатидаги намуналарга мос келмади. Биз уларни кўздан кечирар эканмиз, яна бир бор Қутлуғ Башировнинг куйинчанлик билан айтылган фикрлари асосли эканига ишонч ҳосил қиламиз. Нашриёт rassomларидан хафа бўлиб юрган шоир ва ижодкорларнинг гапларида жон бор эканлигини яна бир қарра тан оламиз.

Умуман, нашриёт rassomлари ижодий изланишлари, машқ қилишлари, хатто, баъзан бешктиёр хатога ҳам йўл қўйишлари мумкин. Лекин, уларнинг хар қандай ижодий изланишларини, айниқса, халқимиз руҳига асло мос келмайдиган машқларини ажойиб китоблар билан бирга минглаб нуسخада чоп этмаслик керак. Афсуски, бадиий савияси паст, халқимиз дилига мос келмайдиган китоб безакларини, хатто, қайта нашр этиш қошлари (Н.Эганшинининг қимматли илмий асардаги айрим тасвирлар ва «Ўзбекистон 50 rassomлари» альбому (1977 йилдаги М.Рейх ва Д.Цирин асарлари), юз бермоқдаким, бундай пайларда бадиий кенгаш аъзолари ва мутасадди ўртоқлар китобхон олдиди, халқимиз олдиди масъулиятни хис қилишларини истар эдик. Ижодий изланишнинг фақат энг муваффақиётли чиккани, халқимиз бадиий дилига мос асарларига кўтлаб нуسخада чоп этилиши керак, акс ҳолда, бу китобхон бадиий дилининг сусайишига олиб келади.

Нашриётдаги конкурста мўлжалланган ва кўп тасвирли китоблар ҳам бир ёки бир неча rassom мулки ёхуд имтиёзи бўлиб қолмаслиги лозим. Мана шундай асарлар учун график-rassomларнинг ижодий конкурсини уюштириш вақти келди.

Рахим Аҳмедов, Рўзи Чориев ва бошқалар ижодига оид альбомлар Москвада юксак полиграфия кўрinishда чоп этилди. Бу қувончли ҳол, албатта. Лекин, атоқли rassomларимиз ижоди билан республика меҳнатқилларини яна ҳам кенг таништириш, альбомлар ва омавий нашрларни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Аммо, негадир шу қунгача Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи китоби ўзбек тилида чоп этилмаган. Г.А.Шуряченкова ва Д.И.Ремпельнинг маҳсуе тадқиқоти ҳам Москвада 1965 йили рус тилида нашр этилган эди. Шўни алоҳида таъкидлаш лозимки, республикамизда тасвирий санъатга оид тадқиқот ва альбомлар Фафур Ғулом номидаги нашриётга нисбатан «Фан» ва «Ўзбекистон» нашриётларида кўпроқ ва сифати чоп этилмоқда.

Мисол тарикасида Ўзбекистондаги тасвирий санъатга оид энг яхши нашр сифатида «Фан» нашриётида чоп этилган «Бобурнома» альбомини кўрсатиш мумкин. Мазкур альбом жуда катта адада тўрт марта нашр этилди. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан бу нашра ижобий баҳолар келди. «Алишер Навоий асарларига ишланган rassomлар» альбому ҳам ана шундай юксак матбаа савиясидаги нашрлардан бирдир.

Биз Фафур Ғулом номидаги нашриёт rassomлари йўл қўйган камчиликларининг сабабларидан бирини Ўзбекистон китоб санъати тараккиётига оид биронта арзитулик альбомнинг йўқлигидан, деб биламиз. Тўғри, И.Кириякиди rassomлари алоҳида китоб бўлиб чикди. Лекин, ҳали бу соҳада жуда кўп захмат чеккан Искандар Икромов, Уста Мўмин ва бошқаларнинг ёш rassomларга ибрат бўларли асарлари сифати кишиб чоп қилинмаган.

Фафур Ғулом номидаги нашриёт Шарқ халқларининг муштарақ бадиий мероси бўлиш, қадимий мўътабар қўлёзмаларга ишланган миннатораларни альбом ҳолида ва улларга бағишланган тадқиқотларни чоп этишда ҳам «Фан» нашриётидан ортда қолмоқда.

Хулоса сифатида, Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти китоб безати соҳасидаги камчиликларни бағтариф қилиш учун зарур чоралар қўриши, тасвирий санъат боёида республикамиз ижодкорлари ютуқлари ва жаҳон маданияти дурдоналари, тасвирий санъатнинг атоқли вакиллари ҳаёти ва ижодига оид ажойиб альбомлар, маҳсуе

таджикотлар билан халқимиз баъдий дидига, меҳнат қаҳрамонлигига мос баъдий безаклар яратди, деб ишонамиз.

Илова расмлар: 1. Искандар Икромов "Ғафур Ғуломнинг кулги хикоятлари" китобидан ишлаган муқова; 2. Искандар Икромов Назир Сафаровнинг 1932 йилги нашр «Унутилмас кўнлар» китобини шундай безаган эди.

Ч. Аҳмаров билан ҳаммуаллифликда.

#### Қалимий ва барқарор ҳамкорлик


Марказий Осиё ва Хиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари жуда қалимий тарихга эга. Республикамиз худудидан топишган Қушонлар даврига оид археологик ёдгорликлар, улуғ ўзбек олимлари Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абдураззоқ Самарқандий асарлари бунинг яққол далили бўлади. Марказий Осиё ва Хиндистон муносабатлари олимларимиз томонидан муайян даражада тадқиқ этилган. Бу соҳада истеъдодли тарихчи Илёс Низомиддиновнинг хизматлари сезиларлидир. Тарихчининг яқинда «Фан» нашриётида бошилган «XVI асрдан XX аср бошларигача бўлган даврдаги Марказий Осиё ва Хиндистон ўртасидаги маданий алоқалар тарихи очерклари» рисоласи ҳам янги дағилларга бойлиги билан диққатга сазовордир. И. Низомиддинов асарда кўпгаб эъза ёдгорликлар — мўътабар кўлэмалар, турли худудлар олимларининг қимматли маълумотларини тахлил этиш асосида янги илмий хулосаларга келди.

Рисоланинг биринчи қисмида XVI аср иккинчи ярми — XVIII аср биринчи ярмидаги Марказий Осиё ва Хиндистон халқлари маданий муносабатлари тадқиқ қилинади.


Марказий Осиё ва Хиндистон халқлари ўртасидаги илмий ҳамкорлик масалалари тадқиқи Захириддин Мухаммад Бобур, Мирзо Мухаммад Хайдарнинг тарихий асарлари, Хўжамқули бин Қилчохқоннинг «Тарихи Қилчохқоний», Махмуд ибн Валининг «Баҳр-ул асрор» («Сирлар денгизи»), номавлўм муаллифининг «Тарихи Бадиъа» каби ёдгорликлари тахлили асосида амалга оширилади. Муаллиф ўзбек тарихчиларининг Хиндистон тарих тахлили асосида қўшган хиссаларини таъкидлар экан, хиндистонлик муаллифлардан фани ривожига қўшган хиссаларини таъкидлар экан, хиндистонлик муаллифлардан Бадриддин Қашмирининг Марказий Осиё тарихини ўрганишида катта илмий аҳамиятга эга бўлган «Равзатул ривон» («Жаннат боғи») асарини ҳам тахлил этади. Умуман, муайян мамлакат тарихи тўғрисида турли муаллифларнинг маълумотларини қиссий ўрганиш фан учун катта аҳамиятга молик. Чунки, агар тарихчи ўз юртидаги воқеалар таъкидида маълум даражада ҳукмрон донралар нуктаи назари билан хисоблашишга мажбур бўлса, чет эллик олим ўз қарашларини нисбатан объектив тарзда ифодалаши шак-шубҳасиздир.

Адабий соҳадаги ҳамкорлик хинд ва ўзбек халқларининг муштарак баъдий мероси — атоқли шоирлар Байрамхон, Қосим Қўхий Самарқандий ва бошқалар ижодиёти мисолида ўрганилган. Бу ўринда Қосим Қўхий Самарқандийнинг эрксеварлиги ва мағрурлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Тарихчи Абдулғазал Алломийнинг тувоҳлиқ беришича, Қосим Қўхий шоирларнинг бир анжуманида фитта бағишланган ажойиб қасидасини ўқиган. Шоир истеъдодига қойил қолган ҳукмдор Жағололдин Мухаммад Акбар Қосим Қўхий Самарқандийнинг саройга хар бир таширфи учун катта маблағ тўлансин, деб фармойиш берди. Лекин, Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий тарбиясини кўрган ижодкор бу интифотни қабул қилмайди ва саройга асло йўлмай қўяди.


Рисолада тасвирий санъат соҳасидаги ҳамкорлик нисбатан кенг ёрилди, янги асосли материалларни камраб олиши билан ажралиб туради. Муаллиф Д. Биньон, Э. Жонел, Х. Хоесте, П. Браун каби Фарб санъатшунослари тадқиқотларида учраган Марказий Осиё ва Хиндистон халқларининг тасвирий санъат соҳасидаги ҳамкорликларини тадқиқловчи қимматли маълумотларни тахлил қилди, бу ҳамкорлик доимий



33. Бобур Искандар Икромовнинг Хожа Сефрон чамчўнисида баҳор чотга.  
Расмол Прес. Д. М. М. 126 а. в.




34. Кобыч иккилади и сунди  
Расом беш. Д. VI. № 152. 6 в.



35. Бобур бираг иккилади и юн аладиниш. Гурӯҳи Калди деган жонини эфсат ки гомока.  
Расом Касу. Хурд. В. М. 119 а в.






36. Бағр-руши Сачи дарёсига Ҷишми.  
Расмом Джаиром. Ё М. 204 б. н.



37. Коҳи дедан жондан и зиёфат и танҷи арлик.  
Расмом Давиди. Д М М. 137 а. в.



ва самараги бўлганини кўрсатиб беради. Китобхонлар Бобурилар сарой кутубхоналарининг фахри бўлган минiatorлари кўлэмалар, тарихий шароит тақозоси билан Хиндистонга Бориб қолган вағандошларимиз Мир Сайид Али Термизий, Фаррухбек, Мухаммад Нодир Самаркандий ижоди билан танишдилар. Шунни алоҳида таъкидлаш зарурки, улут шоирларимиз – Алишер Навоий ва Захриддин Мухаммад Бобур асарлари хиндистонлик rassomлар томонидан нафис минiatorлар билан зийнатланган. Хиротда туғилиб, умрининг кўли даврини Бухорода ўтказган атоқли хатот Мир Али Херавийнинг фарзанди Мухаммад боқир ҳам омад қилириб Хиндистонга кетиб қолган ва у ерда улут санъаткор сифатида шуҳрат қозongan.

Китобхон рисолаининг иккинчи қисмида ҳам Марказий Осиё ва Хиндистон халқлари ўртасидаги маданий ҳамкорликнинг ёрқин саҳифалари билан танишди. Умуман, И. Низомиддинов таъжикотлари учун кўлэма маълумлардан излаб топилган бой далилий материалларга асосланиш характерлидир. Лекин, бизнингча, айрим ўринларда далилларнинг ҳаддан ташқари қўлиги таҳлилга ҳалакит бераётгандек, гоҳида эса ҳўлосалар етарли асосланмагандек таассурот қолдиради. Китобхон рисолаини мутолаа қилар экан, айрим ўринларда муаллиф билан баҳслашгиси, таҳлил этилган баъзи масалалар юзасидан шахсий фикрларини баён қилгиси келади.

Сўз сўнггида айгани керакки, Итёе Низомиддинов рисоласи ўзбек-хинд халқлари дўстлигининг тарихий пойдевори қалъалик мустаҳкам негизга эга экапигини кўрсатувчи яна бир далилдир. Тақризга китоб сурати илова қилинган.

#### Тасвирлар сеҳри

Ҳамид Сулаймонов номидаги Кўлэмалар институти томонидан тайёрланган «Алишер Навоий асарларга ишланган расмлар» (1982, «Фан») номили ажойиб, рангли минiatorлар альбоми юксак полиграфик санъатда чоп этилганиги билан диққатни жалб этади.

Альбомдаги бой материалларга филология фанлари доктори, профессор Ҳамид Сулаймон ва филология фанлари номзоди Фозила Сулаймонова тартиб бериб, унга ихчам сўзбоши ёзганлар. Бу ажойиб альбом ЎРФА вице-президенти, академик Эркин Юсупович Юсупов тахрири остида нашр этилган. Сўзбоши, минiatorларнинг номлаиниши ўзбек, рус ва инглиз тилида келтирилган. Альбом Югославиянинг Кран шаҳридаги босмахонада чоп этилган.

Ушбу альбом Абу Райхон Беруний номили Шарқ кўлэмалари Маркази, ЎЗРФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабий музейи, шунингдек, Россиянинг Санкт-Петербургдаги Миллий кутубхонаси, Англиянинг Британия музейи, Бодли кутубхонаси, Манчестер университетти ва Кириллик шарқшунослари кутубхонаси, Франциянинг Париждаги Миллий кутубхонасида сақланаётган Алишер Навоий асарларининг 37 та ноёб кўлэмаларининг нафис минiatorлари ва нақшли зийнатларидан ташкил топган.

Альбомдаги минiatorлар ва китоб зийнатлари машҳур «Хамса», «Лисонут тайр» достонлари ҳамда «Илк девон», «Наводирун ниҳоя», «Ҳазойинул маоний» девонларининг мўтабар кўлэмаларидан олинган.

Алишер Навоий асарлари кўлэмалари шунчалик маҳорат ва муҳаббат билан яратилган-ки, альбомда акс этган 37 та кўлэманинг ҳар бирини Шарқ китобат санъатининг шох асари ёки дурдонаси деб аташ мумкин.

«Алишер Навоий асарларга ишланган расмлар» номили ажойиб альбомнинг юксак маънава савиясида чоп этилиши улут шоир ижодининг шу вақтгача кенг жамоатчилиқка маълум бўлмаг келган янги саҳифаларини очади.

Буюк аллома Абу Али ибн Синонинг ўлмас асарлари жахон маданиятининг дурдоналари ҳисобланади. Бугунги кунда ҳам олимнинг кўплаб китоблари янгидан чоп этилмоқда. Бу соҳада Абу Райхон Беруний номидаги Шарк кўлёмалари Маркази илмий жамоаси самарали меҳнат қилмоқда. Яқинда «Фан» нашриёти Марказ илмий ходимаси, филология фанлари кандидати, Бория Ваҳобованинг «Абу Райхон Беруний номидаги Шарк кўлёмалари Маркази мажмуасидаги Ибн Сино асарлари кўлёмалари» (1982, 72-бет) номли маҳсус каталогини босмадан чиқарди. Каталог маъсул муҳаррири, тарих фанлари кандидати, шўба муdiri Асомиддин ўринбоевдир.

Каталогда буюк табиб ва алломанинг марказ фондидаги элликта асарининг юзга яқин мўътабар кўлёмалар нусхалари тўғрисидаги кимматли маълумотлар келтирилади. Хусусан, каталог кириш қисми (3-7-бетлар) буюк аллома ва унинг ижодини ўрганишга оид кимматли ва энг зарур маълумотларни ўз ичига олган мўъжазгина муस्ताқил тадқиқотни ташкил қилади.

Абу Аби ибн Сино асарлари мўътабар кўлёмалари каталогда, асосан, икки қисмга ажратилган ҳолда тавсифга олинган. Каталогнинг биринчи «Тиббиёт» қисмида (1-19-бетлар) буюк табибнинг медицина, фармакология ва гиппенага оид асарларининг кўлёмалари нусхалари тавсифи келтирилади. Худди шу ерда тавсифи келтирилган ноёб адабий обидлардан бири — «Конун» асарининг 1308-1309 йилларда яратилган беоахо нусхаси ҳақидаги маълумотларнинг қийматини алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки, бу нодир нусха ҳали ҳам ўз номий қийматини йўқотгани йўқ, балки янги мустақил илмий изланишлар учун манба бўлиб хизмат қилади.

Каталогнинг «Умумфалсафий муаммолар» номли иккинчи қисмида (19 - 67-бетлар) Абу Али ибн Синонинг фалсафа, мантик, ахлоқ ва бошқа масалаларга оид асарлари ноёб кўлёмалар ҳақидаги маълумотлар баён қилинган. Бу қисмда тавсифга олинган кўлёмалардан 1344-1345 йилларда яратилган Шарк алломаларининг турли фалсафий рисодалари мажмуасини алоҳида ажратиб кўрсатса арзийди.

Умуман, Бория Ваҳобованинг тузган каталогни туфайли маҳсус рисолада Шарк кўлёмалари маркази фондидаги Абу Али ибн Сино асарлари мўътабар кўлёмалари — беоахо обидлар тўғрисида ўқувчилар мукаммал маълумот олиши мумкин. Ушбу каталог атоқли шарқшунос Солиқ Мирзаевнинг 1953 йили нашр эттирган асарини тўлдирди, уни янада мукаммаллаштириб, улут табиб ва аллома ижоди билан кизикувчилар, тадқиқотчилар учун дастуруламай бўлиб хизмат қилади.

Илова расмда китоб фотоси.

Врач З.Этамова билан ҳаммуаллифликда

Кўлёмалар зийнати

Нодир кўлёмалар халқимизнинг маданият, илмий ва бадиий меросини ўзда жам қилган ноёб маданият ёдгорликлардир. Санъат ва маданиятнинг бундай нодир обидлари асосида халқимиз тарихи, илм-фан таракқиёти билан бирга китоб санъати таракқиётининг ўзига хосликларини ҳам ўрганиш мумкин.

Яқинда Ўзбекистон ФА «Фан» нашриёти санъатшунос Элмира Исмоилованинг «XVIII - XIX асрлар Марказий Осиё кўлёмалар китобларини беоах санъати»<sup>81</sup> рисоласини чоп этди. Рисола маданиятнинг тарихида муҳим ўрин тутган китоб яратилиш санъатининг ижтимоий ва маънавий аҳамиятини очиб беришга бағишланган.

Маълумки, XVIII - XX асрлар Шарк кўлёмалар китобларини беоах санъати мутаассислар томонидан нисбатан кам ўрганилган. Бу соҳанинг бир неча билимдонлари, жумладан, профессор А.Семенов ва Г.Чадровнинг айрим мақолаларида, адабиётшунос олимлар Р.Махмудова ва М.Ҳамидова, санъатшунос Ш.Қамбарова ва бошқаларнинг илмий изланишларида йўл-йўлакай тадқиқ этилган эди, ҳоло.

Э.Исмоилованинг ушбу тадқиқотида Марказий Осиё шаҳарларида XVIII - XIX асрлар давомида яратилган мўътабар кўлёмаларни турли кўлёмалар фондидадан. Абу Райхон Беруний номли Шарк кўлёмалари Маркази, Россия Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлими, Россия Миллий кутубхонаси, Тожикистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти ва бошқа жойлардан аниқланиб, қайси маданият марказларида ва қайси ижодкорлар томонидан яратилгани, уларнинг бадиий хусусиятлари таҳлил этилган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, китобда ўрганилган аксар мўътабар кўлёмалар илмий тасарруфга биринчи бор муаллиф томонидан киритилган. Китобда XVIII - XIX асрлар давомида Марказий Осиёда яратилган 166 та кўлёмалар асосида китобат санъатининг бадиий хусусиятлари, асарлар муаллифлари, хусусан, миниатюрчилар ижоди тўғрисидаги маълумотлар ўқувчиларга тушунарли тарзда баён этилган.

Рисола, асосан, тўрт бобдан иборат. Унда бадиий кўлёмалар ва тарихий-маданият шариот, миниатюра асарлари, бадиий беоах ва услублар ҳақида фикр юритилди. Китобнинг «Бадиий кўлёмалар» ва «Тасвир ва беоах воситалари» боблари илмий таҳлилнинг ишонarli ва таъсирчанлигини билан алоҳида ажратиб туради. Тадқиқотчининг ҳар бир кўлёмалар беоахда фойдаланилган тасвирий воситаларни тарихий жиҳатдан, уларнинг келтиб чиқиши, қандай маъноларни аниқлашнинг очиб берилиши диққатни тортади.

Тадқиқотчининг кузатишларидан маълум бўлишича, XVIII - XIX асрларда нодир кўлёмаларни беоах санъати аввалги, бу санъат таракқиётининг мумтоз даври — XIV - XVII асрларга нисбатан бадиий услуб жиҳатидан кескин фарқ қилса-да, мазмунан етакчи анъанавий мавзуларга содиқ қолинган. Лекин, бу анъанавий мавзулар кейинги китоб ижодкорлари томонидан бутунлай бошқача таъкин қилиниб, уларга янги мазмун беришга интилиш борлиги яққол сезилади.

Умуман, XVIII - XIX асрларда китоб беоах санъати аввалги мумтоз даврга нисбатан бирмунча соддалаганса-да, халқчилик унсурларининг кучая бориши билан характерланади. Бу даврдаги нодир кўлёмалар фақат бадавлат ва нуфузли кишилар, сарой кутубхоналари учун эмас, кенг китобхоналарга ҳам мўлжалланиб, уларнинг иқтисодий имкониятлари ва эстетик талабларини ҳисобга олган ҳолда, маънавий эҳтиёжларини қондириш кўзда тутилган ҳолда ишланган.

Ушбу рисолада Марказий Осиёдаги машҳур маданият марказлар — Бухоро, Хива ва Қўқон шаҳарлари каторида Хисор, Қорағегин, Дарвоз каби шаҳар ва кишлоқларда ноёб кўлёмалар яратилиш йўлга қўйилганини, ҳар бир маданият марказида яратилган китобларнинг бадиий беоахлари, уларнинг характерли хусусиятлари очиб берилади. Марказий Осиёда яратилган ноёб кўлёмаларга ишланган нафис миниатюралар алоҳида

<sup>81</sup> Исмоилова Э.М. Искусство оформления Среднеазиатской рукописной книги XVIII - XIX веков. Ташкент: Изд-во «Фан», 1982.

боёда талкик этилган. Шарк муштоз адабиётининг машхур намуналаридан «Юсуф ва Зулайхо», «Лайли ва Мажнун» безаклари хақида сўз юритилган.

1824 йили Куконда китобат қилинган Алишер Навоий достонлари мажмуаси кўлёмаси 48 та миниатюра билан зийнатланиб, уларда улту шоирнинг юксак инсонпарварлик ғоялари рангин бадийй образлар воситасида талки қилинган. Яна шу даврда бадийй адабиёт намуналари каторида тасаввуф тарихига оид Камолдин Хусайннинг «Мақжидул ушшоқ» номли биографик характерга эга асари, Закариё ал-Казвинийнинг «Ажойибул махлуқот ва ғаройибул мавжудот» номли илмий-афсонавий китоблари кўлёмашарига ҳам ранг-баранг миниатюралар ишланган. Бу даврдаги аксарият миниатюраларда муаллиф номлари қайд этилмаган, лекин баъзи расомлар номлари уларнинг асарларида ва тарихчилар китобларида зикр этилган. Мана шундай мусаавирлардан атоқли мутафаккир ва расом Аҳмад Дониш (1827 – 1897), Мир Муҳаммад Сиддик, Муҳаммад Амин Қосимий, Носир Муҳаммад Шокирбой ҳаёти ва ижоди, улар яратган миниатюралар бадийй тахлили ҳам шу боёдан ўрин олган. Айниқса, Аҳмад Дониш ижоди нисбатан муқаммад ёритилган.

Мўтабар кўлёмаларга ишланган нафис мўъжаз суратлар тахлили шунча кўрсатадики, бу даврдаги расомлар ижодида Хиндистон миниатюралари, асосан, Қашмир мактаби таъсири етакчилиқ қилган. Бу айниқса, миниатюраларнинг соддалишган тарҳида, кишилар таъбирида ҳамда ранглардан фойдаланишда яққол кўзга ташланган. Шундай бўлса-да, улар ўз даври бадийй-эстетик талабларидан келиб чиқиб яратилганлиги билан бизга қадридлир. Миниатюраларда маълум даражада халқ амалий санъатига яқинлик ҳам мавжуд.

Мазкур рисола Марказий Осиёнинг XVIII – XIX асрлар мўтабар кўлёмалари бадийй безаклари тахлилига бағишланган биринчи йirik талкикот бўлганлиги сабабли унда айрим кўтозаралар, баҳоталаб ўринлар ҳам бор. Бу, асосан, китоб нақши борасида баъзи яратилган айрим мулоҳазаларга тегишли. Сўнгра, рисолада муқова санъати алоҳида ўзлаштирилганда, негизан машхур муқовасоз-саххофлар номлари умуман қайд этилмади. Баҳолики, бу ижодкорлар ўз номларини асарларидаги аънавий лоза деб ном олган нақш ичига зарб қилар эдилар. Шунингдек, китобга илова сифатида келтирилган мўтабар кўлёмалар рўйхатида захматлаш хаттоплар номлари ҳам берилса, айни муддао бўлур эди.

Албатта, бу жузвий камчиликлардан қатъи назар, даяри икки аср давомида яратилган мўтабар кўлёмаларнинг бадийй безакларини ўрганишга бағишланган махсус тадқиқот барча муҳлисизларга, китоб расомлари, санъатшунослар, маданият тарихи билан қизиқувчиларга жуда бой ва хилма-хил янги маълумотлар беради. Умуман, мазкур рисола ни мўтоза кишига яна худди шу соҳадаги илмий изланишлар давом эттирилиши зарурлиги, (бу даврда яратилган мўтабар кўлёмалар безакларининг) энг ноёб намуналари махсус агабон ҳолда чоп этилиши кераклигини кўрсатади.

### Миниатюраларда шоир сиймоси

Ўрта аср мусаавирлари ўзларининг энг машхур замондошлари сиймосини нафис мўъжаз миннатораларда ноҳик тасвирлар ва ёрқин ранглар воситасида абадийлаштиришга ҳаракат қилганлар. Шу жиҳатдан, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий ва бошқа катор атоқли олимлар ва шоирларнинг бизгача етиб келган ноёб суратлари бугунги кунда бизга улук ўлмиш кишилари кифаси тўғрисида қимматли маълумот беради.

Шоир ва олим Захриддин Муҳаммад Бообурнинг сиймоси бир неча алоҳида портретларда ва «Бообурнома»нинг нодир кўлёмаларини зийнатлаш учун ишланган кўнлаб миниатюраларда акс эттирилган. Бизга маълум нафис тасвирларнинг энг

қадимийси Мир Сайид Али Термизийнинг «Ҳаёлий базм» рамзий асари бўлиб, унда Темурийлар ва Бообур ўтирган ҳолатда тасвирланган. Матога ишланган бу ажойиб суратнинг асл нусхаси ҳозир Британия музейида сақланади. Бу ноёб портретнинг яна бир нусхаси эса Санкт-Петербургдаги Давлат Эрмитажнинг Марказий Осие санъати бўлимида қўйилган. Мазкур портретнинг расом М.М.Воронский томонидан тикланган нусхаси Тошкентдаги Алишер Навоий номдаги Давлат адабиёт музейи фондига сақланмоқда.

Катор тарихий шахсларнинг, жумладан Бообур ва унинг ўғиллари Хумоюн, Комрон, набираси Акбар ва бошқалар тасвири туширилган Мир Сайид Али Термизийнинг бу ноёб асари XVI асрнинг ўрталарида Қобул шаҳрида яратилган. Аммо кейинроқ бошқа расом томонидан айрим шахслар сиймолари билан тўлдирилган.

Бообурнинг портретларидан иккинчиси Хиндистоннинг Рампур шаҳридаги Навоб кутубхонасида сақланаётган муракказларнинг бирида бўлиб, унда атоқли шоирнинг китобга «Бообурнома» мазмунини хикоя қилиб бераётган ҳолати тасвирланган. Унинг кийими, таши кифаси тасвирланиши маълум даражада Камолдин Бехзод шогирдлари, хусусан, Махмуд Музаҳҳиб бадийй услубини эслатади. Мазкур портрет анча машхур бўлиб, бошқа портретлар яратилиши учун асос бўлган. Жумладан, «Тошкент окшоми» ўқувчилари эътиборига ҳавола қилинаётган Бообурнинг овдани тасвири ҳам Рампурдаги асар асосида дунёга келган. Шуниси муҳимики, иккала тасвирда ҳам Бообурнинг шоирона табиати юксак маҳорат билан акс эттирилган.

Бообурнинг машхур портретларидан бири унинг боғда китоб ўқийётган ҳолатинидир. Бугунги кунда Британия музейидаги муракказларнинг бирида сақланади. Бу портрет «Бообурнома миниатюралари» номли агабон таркибиде бир неча бор рангли нашр қилинган. Республикамиз санъаткорлари яратган Бообурнинг портретлари Британия музейида сақланаётган, XVII асрга оид мана шу расмга асосланган.

«Бообурнома»нинг кўлёмаларига ишланган миниатюралар туркумида ҳам Бообурнинг тасвирлари мавжуд. Уларни Хиндистонда XVI аср охири ва XVII аср бошларида яшаб ижод этган юздан ортқ санъаткорлар яратган.

Хулоса қилиб айтганда, улар Бообурнинг ҳаёт чоғида яратилган портретларига асосланганини шубҳасиз. Бу асарларнинг аксариятида Бообурнинг шоирлик табиати ва ноҳик дили юксак маҳорат билан очиб берилган.

Илова расмлар: 1. Бообурнинг овдани тасвири; 2. Бообур Хожа Сеёрон чашмасини ободонлаштирмоқда (32 расм); 3. Бообур Кандибодом шаҳрида.

### Шарк гилам санъати

1983 йил сентябрь ойининг бошларида Бокуда ЮНЕСКО шафелигида ўтказилган қалқаро анжуманини қардош Озарбайжоннинг гилам ишлаб чиқариш, уни ўрганиш, гилам мутахассисларини тарбиялаб етказишдаги муваффақиятларини халқаро миқёсда тан олинди, деб баҳолаш лозим. Бунга анжуман доирасида уюштирилган кўрсалмаларда, тилам тўқувчилик қорхоналарида, шунингдек, гилам байрамиде кўриш, хис қилиш мумкин эди. Гиламчилик қалқаро турли халқлар маданиятида муҳим ўрин эгаллаган. Бироқ мазкур соҳани шу кунларда сақлаб қолиш, уни илмий ўрганиш ва мутахассисларни тайёрлаш маълум қийинчиликларни тўғдиради. Шунча қайд этиш лозимки, бу муаммолар Озарбайжонда муваффақиятли ҳал этилган экан. Атоқли гиламшунос олим Латиф Керимовнинг «Озарбайжон гилами» номли 10 жилдли монографиясининг 2- ва 3-жилдини анжуман арафасида юксак матоаа савиясида чоп этилиши ҳам бунинг ёрқин далилдир.

Шарк гилам санъати бўйича ўтказилган халқаро анжаманда 18 мамлакатдан 165 давлат мутахассис катнашди. Афғонистон, Вьетнам, Германия, Чехословакия ва Мутуллустон, Англия, Америка, Франция, Швейцария, Туркиядан гилам санъати бўйича энг йирик мутахассислар иштирок этдилар.

Симпозийда асосан уч соҳа — Озарбайжон гилами, Шарк гилами ва Шарк миниатюра санъатига оид маърузалар тингиланиб, фикр алмашилди.

Озарбайжонда халқ амалий санъати турларининг ва муштовз миниатюра санъатининг ўрганилиши, уларнинг авайлаб асрдалиши, қолаверса, энг ноёб санъат обидаларининг музейларда томошабинларга юксак дид билан тақдим этилиши диққатга сазовор. Бokuдaги ажойиб гилам музейи ва Ганжа шаҳридаги миниатюра санъати музейлари тамошабинда катта таассурот қолдиради. Айниқса, халқ амалий санъати соҳасидаги юкори малакали мутахассисларнинг маъжудлиги аътанавий санъат турларининг шу кунларда ҳам муваффақиятли давом этаётганлигини таъминлаётган омилдай туюлди.

Республика Расомлар уюшмасида миниатюра шўъбаси ҳам фаолият олиб бормоқда. Озарбайжонда миниатюра санъатини тиклаш борасида олиб борилаётган тадбирлар самарали кечмоқда.

Шарк гилам санъати бўйича ўтказилган халқаро анжуманда муштовз миниатюра санъати ҳам муҳим воқелик сифатида қаралди. Мавлумки, хар иккала санъат тури тарихий тараққиёт давомида ўзаро боғлиқ бўлган, умумий нақш турларини ишлаштилади.

Мавлумки, ўтмиш мутафаккирлари, тарихчи ва шоёрларининг нодир асарлари кўлгезмаларни зийнатлаш учун яратилган миниатюралар жакон тасвирий санъати хазинасидан муносиб ўрин олган. Бу ажойиб санъат турининг тараққиётида улў озарбайжон шоири Низомий Ганжавий ва улў ўзбек шоири Алишер Навоий асарлари, уларда тараннум этилган тараққайларавар гоёлар муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Бokuдaги анжуманга миниатюра санъати, қолаверса, Шарк халқлари санъатининг ёриқк билимдон саналган Россия Ғадий академиясининг хақиқий аъзоси, профессор Б.В.Вейнер, Германиядан кельебодли олма К.Рьюрданц, шунингдек, А.Иванов, М.Ашрафий, Д.Айлий ва бошқалар таъриф буюрилган. Миниатюрага оид маърузаларда, асосан, XVI аср Табриз миниатюра мактаби билан боғлиқ бўлган масалалар, Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий асарлари аҳамияти, жумладан, унинг тараққиётида XV аср иккинчи ярмидаги Ҳирот маданий ҳаётининг ўрни ёритилди.

Анжуман катнашчилари қайд этганларидек, Марказий Осиё халқлари амалий санъати жиддий талкикотчиларга муҳтож. Бу, айниқса, Озарбайжон гилам санъатининг ўрганилиш ютуқлари фондида яққол сезилиб қолди. Ўзбекистонда ҳам кейинги пайтларда халқ амалий санъатига ҳукуматимиз катта эътибор бермоқда, аммо бу соҳада малакали мутахассислар етишмаслиги боис, анъана ва изланишлар меъёри буюлиши ҳам содир бўлмоқда.

Агар халқаро миқёсда Марказий Осиё халқлари амалий санъати, меъморчилиги ва миниатюра санъатини ўрганиш бўйича анжуманлар ташкил этилса, бу соҳаларда эришилган муваффақиятларимиз ҳам, қилишимиз зарур бўлган ишлар ҳам аён бўларди. Албатта, бундай халқаро анжуманларни ташкил этиш осон иш эмас. Бунинг учун аввало шу соҳа мутахассисларининг ушшоқлиги, ташаббускорлиги ва мутавадди ўроқларнинг ҳамкорлиги зарур<sup>82</sup>.

<sup>82</sup> Бундай тадбирлар Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинган 1991 йилдан сўнг, 1997 йили Ўзбекистон Ғадий Академиясининг ташкил этилиши билан амалга оширишга бошланди. Масалан, 2000 йилги Булоқ мусаваир Камолдин Бекзоғ таваллуудининг 545 йиллиги ЮНЕСКО шафелигида халқаро миқёсда ўтказилди.

Шарк гилам санъати бўйича юксак савияда ўтказилган халқаро анжуман унинг хар ёриқк катнашчиси учун келгуси илмий изланишларга чорловчи ажойиб санъат байрами бўлиб қолади.

#### Расмларда Бобур ҳаёти

*Бобур дилбар шахс, уйғонши даврининг тилик ҳужждори,  
мард ва тидбиркор одам бўлган. Ў санъатини, адабийини севади,  
Жавоҳарлағ Неру*

Атоқли ўзбек шоири, олим ва давлат арбоби Захириддин Мухаммад Бобур ҳаёти ва ижоди, унинг жаҳонга машҳур «Бобурнома» (Бобурнинг ўзи бу мемуарини «Вақоийте» деб атаган) асари муътабар кўлгезмаларини зийнатлаш учун XVI — XVII асрларда ноздан ортик қилинганлик расомлар томонидан беш юзга яқин нафис муъжаз расмлар чизилган. Мақур расмларни асар мазмуни билан киёсий ўрганиш ҳам Бобур ҳаётини, ҳам расомлар маҳорат сирларини тушунишга имкон яратади.

Ушбу рисолада асосан «Бобурнома»нинг икки муътабар нусхалари, яъни Британия музейи ва Москвадаги Давлат Шарк халқлари санъати музейидаги расмлардан, бошқа музейлардагидан эса қисман фойдаланилди.

Рисолада бобуринусолар анъанасига бинван Бобур ҳаёти ва ижоди уч даврга, яъни Фарғона, Қобул ва Хиндистон даврларига бўлиб ўрганилди, асосан эътибор «Бобурнома» асари мазмунан қамраб олган мелодий 1403/94 йилдан то 1528/29 йилларгача юз берган воқеаларгагина қаратилди.

#### Фарғона

«Бобурнома»нинг Фарғона даври қисмида Захириддин Мухаммад Бобур ҳаётининг Фарғона воқийси, Мовароуннаҳр, Топкентда кечган ўн бир йили, бу жойлардаги шаҳар, қишлоқ ва кентлар, уларнинг табиати, хайвоноти ва хоқозолар тўғрисидаги кўплаб маълумотлар юксак маҳорат билан тасвирланган. Муаллиф гоҳ гадабаларнинг мамнуният билан қайд этса, гоҳ маълумбиятлари тўғрисида шунчаки хабар бериб қолмай, уларни чуқур таҳлил қилади. Хиндистонлик расомлар Фарғона даврининг энг муҳим воқеа-ходжаларини танлаб, ана ўшаларни ўз расмларида тасвирлашга интиланганлар.

Жумладан, ёш Бобур Мирзонинг ўн икки ёшида Фарғона тахтига ўтириши, ўз вилоятини ташки хужумлардан химоя қилиши, икки марта Мовароуннаҳр пойтахти Самарқандни заёт қилиши, Андижондаги хоқимиятни қайта тиклашга уриниши, ва ниҳоят, ўн бир йиллик бефойда жанглардан сўнг ўз ватанини тарқ этиб кетиши ҳам хиндистонлик расомлар асарларида ўзининг рангтли тасвирини топган.

Мавлумки, отасининг бевақт ҳалокати натижасида Андижон беқлари ўн икки яшар Бобур Мирзони Фарғона вилоятининг хоқими қилиб кўтаралдилар. Бу воқеалар тафсилоти бита мавлум беш миниатюрада акс эттирилган бўлиб, уларда ёш Бобур Мирзонинг ордан қайтилиши, Андижон беқларининг Намозгоҳдаги йиғилиши ва янги хоқимнинг эълон қилиниши тасвирланган. Булардан Номо номли расом яратган «Бобурнинг тож қийиб тахтага чиқиши» асари алоҳида ажралиб туради. Расмда шохона саройининг айвонидаги тахтада ёш Мирзо тасвирланган. Унинг олдида устоди Хожа Абдуллох Мавлоно Бобур Мирзога яхши тилақлар билдирмоқда. Саройдаги шахарнинг нуфузли беқлари йиғилган бўлиб, катта зиёфатга тайёрларлик кўрилмоқда. Маросимда созандалар ва хонандалар иштирок этишмоқда. Ёш Бобур Мирзонинг ўз устодига ҳурмати суратда яхши акс эттирилган. Бу бекиз эмас эди, Чунки, кейинчалик Мирзо Бобурнинг душманлари Хожа

Абдуллохони катл этганларида у ачиниб ёзган эди: «Хожани Қози ажаб киши эди. Қўрмоқ анда асло йўқ эрди. Онча далаер киши кўрилган эмас... Сойир эл хар неча баҳолир бўлса, анда дағдатаси ва таваҳхуми бўлур. Хожанда асло дағдава ва таваҳхум йўқ эди.»

Ёш Бобур Мирзонинг Фарғона хокими этиб тайинланиши, «Бобурнома»дан маълум бўлишча таҳликали дақиқаларда, яъни кўшни хокимларнинг хужуми пайтида ўтган эди. Шунинг учун саройдаги дабдабалар ва кўтаринки руҳ рассомнинг ўз даври талабларидан келиб чиқиб, асар мазмунидан бироз чекинганини кўрсатади.

Фарғона вилоятининг хокими бўлган Бобур Мирзо дастлаб Самарқанд хокими — амакиси Султон Аҳмад Мирзо, Кошғар хокими Абу Бакр Дуғлатга қарши кураш олиб борди. Унинг бу фаолияти бир катор расмларда акс эттирилиб, уларда Фарғона вилояти аҳолисининг фидокорлиги ва ҳамжихатлиги тўғри тасвирланади. Айниқса, Самарқанд хокими Султон Аҳмад Мирзонинг Фарғонадан қайтиб кетиш сабаблари расмларда яхши очиб берилган. Бобур унинг мағлубияти сабабларини куйидагича баён қилган: «Бир буюким, Қубонинг ботқоқлик қора суйи бор, кўпригидан ўзга ердан кечиб бўлмак, қалин черрик келиб, кўприкда тикилиб, қалин от ва тева бу қора сувга йикилиб зойиб бўлди. Уч-тўрт йил мулдин бирунроқ Чир суйининг гузариди улуг шикаст топиб эдилар, бу воқеа андин ёд бериб, черрик элгга ваҳми голиб бўлди.»

Яна бирин бу ким, ул фурсатда андоқ от ўлати бўлдиким, тавила-тавила отлар йикилиб ўла қиришти.

Яна бир буюким, бизнинг ситохи ва ранятни андоқ яқдл ва яқжихат топтиларким, то жон ва танлариди рамак ва тавон бордур жон тортмоқдин куймағайлар.»

Москва музейидаги бир расмда Султон Аҳмад Мирзо черичининг Қубо кўпригидан ўтишдаги талафотлари, сувга атаниб кетаётган отлар, туялар ва лашкарлар, ваҳимага тушган аскарлар тасвири жуда яхши чиққан. Худди мана шу мавзуга бағишланган Британия музейидаги расмда эса, химоячиларнинг яқдллиги ва мардонаворлигига ўраган рақиб кўшини кўприкдан ўтиш вақтида талафотга учраб, ситоқлар сувга атаниб тушмоқда. Расмларда акс эттирилган сабаблар Самарқанд хокимини сулҳ тузиб орқата қайтишга мажбур этган.

Кошғар хокими Абу Бакр Дуғлат ва Бобур муносабатлари ҳам икки расмда ўз аксини топган. «Бобурнома»да баён қилинишча, «Абу Бакр Дуғлат Кошғарийким, ҳеч қимга бош индурмай, неча йил эдиким, ул дағи вилоят дағдатаси билга ўзганд ёвугга келиб, кўрэн солиб, вилоятқа буюзуглик қила қиришти. Хожа қозил ва барча беклар тавийин бўлдиким, бориб, Кошғарийни дафъ қилтайлар, ёвук етган маҳалда Кошғарий кўрдиким, бу фавжнинг харифи эмастур, Хожани орага солиб, юз макр ва хийла билга халос бўлди.» Лекин, Москва ва Британия музейларидаги расмларда Бобур ва Абу Бакр Дуғлат муносабатини тасвирлашда икки томон ўртасидаги каттик жанг манзараси ва душман кўшинларини таъкиб этилиши акс эттирилади, холос. Албатта биз бу ерда хиндистонлик рассомларнинг асар мазмунидан чекиниб, Бобур Мирзо кўшинларини улуглашга мойиллигини кўраимиз.

Бобур Мирзо ташки душманларидан халос бўлса-да, ўзининг беқлари, хуусан унинг саройидаги элик отаси Хасан Яъқуб бошлик бир неча бек келишиб, унга қарши фитна уюштириш пайида бўлдилар. Бобур Мирзо тарафдорлари унинг улуг онаси Эсон Давлат бегимнинг қошида йиғилиб, фитначиларни фош этмоқчи бўлишди. Хасан Яъқуб Самарқанд томонга қочиб кетди, унинг тарафдорлари қўлга олинди. Бу воқеалар тўрта расмда тасвирланиб, биринда Эсон Давлат бегим ўз набирасини фитнадан хабардор қилаётгани акс эттирилган бўлиб, бу расм Деҳлидаги Миллий музейда сақланган мўтабабар кўлёмзада мажмуд. Бобурнинг фитнадан огоҳ бўлиб, Хасан Яъқубни хибста олиш учун кетаётгани Британия музейи нуҳасида тасвирланган.

Овдаги Хасан Яъқуб бекнинг Самарқандга қочиши ва унинг тарафдорларининг фош этилиши Москва музейидаги расмларда акс эттирилган. Ушбу воқеаларни эслар экан, Бобур Мирзо улуг онаси Эсон Давлат бегимни чуқур хурматлаб ёзди: «Хотинлар орасида рақиб ва талбирда менинг улуг онам Эсон Давлат бегимча кам бўлган эди, бисёр оқила ва қўлаббери эди. Қўлрок иш қуч аларнинг машварати билга бўлур эди.» Бу оқила аёл ситмоси Деҳлидаги Миллий музейи кўлёмзасидаги яна бир расмда ҳам кайтарилди.

Ўз вилоятда мавқенини мустақкамлаганидан сўнг Бобур Мирзо Самарқанддаги воқеаларга эътибор бера бошлайди. Чунки, Самарқанд хокими Султон Аҳмад Мирзо афотидан кейин ўқаси Султон Маҳмуд Мирзонинг ўғиллари Бойсўнқур Мирзо ва Султон Али Мирзо ўртасида Самарқанд тахти учун ўзаро кураш бошланади. Бу курашга Бобур Мирзо ҳам аралашади ва нихоят 1497 йил ноябрининг охирида ноилж қолган Бойсўнқур Мирзонинг шаҳарни ташлаб чиқиб кетиши натижасида Самарқандни илк бор эгаллайди.

Бу воқеалар олтига расмда тасвирланиб, уларда Бобурнинг Султон Али Мирзо билан сулҳ тузиш учрашуви, шаҳар яқинидаги Хон юртидаги жанглар, тантанали равишда Самарқандга кириб бориш ва ундаги биринчи расмий қабул акс этган. Албатта, расмларда кўтаринки руҳ хоким. Лекин Бобур Мирзонинг гувоҳлик беришча, «Самарқанд андоқ хароб эдиким, мадад ва тухм ва тақовига эҳтиёж бор эди.» Натижада Бобур Мирзонинг асарият йигитлари ва беклари уни Самарқандда қолдириб Андижон ва Аҳсига қочиб кетиб қолдилар.

Бунинг устига Узун Хасан Андижонда кўзголон кўтариб, Бобур Мирзо тарафдорларини шаҳар қалъасига қамал қилади. Шу орада Бобур Мирзо бир неча кун каттик қасал бўлиб, хатто тўрт кун унинг оғзига пахта билан сув томизадилар. Айни шу қасаллик пайида Узун Хасан элчиси келган бўлиб, унга оғир ахволдаги беморни кўрсатдилар, бу эса кейинчалик Андижоннинг қўлдан кетишига сабаб бўлади. Улуг онаси Эсон Давлат бегим ва устоди Хожа Абдуллох илтимосига биноан Бобур Мирзо Самарқанд шаҳарни ташлаб кетади, лекин Хўжанда етгач, унга Андижон ҳам қўлдан кетгани тўғрисидаги хабарни етказишади. Шундан кейин, унинг икки йиллик дарбадарлик халти бошланади. Бу даврдаги воқеалар, хуусан Бобур Мирзонинг бетоб бўлиши икки расмда, Хўжандада ноҳуш хабарни эшитиши ва Танбал тарафдорлари билан жанг қилиши эса беш расмда акс эттирилган.

Бобур Мирзонинг бетоблиги тасвирланган расмларнинг энг таъсирчанларидан биридир. Уларда ёш мирзонинг оғзига пахта билан сув томизаётган ҳолат, бекларнинг бемор тузалишидан умиди узилгани, Узун Хасан элчисининг кириб келиши жуда мохирона акс эттирилган. Жанг манзараларига келсак, уларда ҳам рассомларнинг олдий халқ вакилларининг тўхтовсиз ўзаро курашларидан безиб шаҳарлари тарк этиб кетиши ёки ёмон қуролиланган бўлса-да, Бобур Мирзо тарафида туриб курашаётганлари мохирона тасвирланганини кўраимиз.

Бобур Мирзо Андижонни 1499 йилнинг июль ойида қайта қўлга қиритади. У яна Самарқанд орузида йўлга чиқади. Бирок 1500 йилда Султон Али Мирзо Самарқандни Шайбонийхонга топширади. Аммо, Шайбонийхон хали шаҳар аҳолисини ўзига тўла қарата олмаган эди. Самарқанддаги обрўли диний раҳбар, Хожа Убайдуллох Аҳрорнинг ўгли Абул Муқаррам бошлик кишилар Бобур Мирзога ёрдам кўрсатиши натижасида бор-йўти икки юздан ортиқроқ кўшини бўлган Бобур Мирзо кечаси Самарқандга хужум қилиб, уни эгаллаб олади. Бу хужум унинг мардонавор ишларидан бири бўлиб, Деҳли шаҳридаги Миллий музейи кўлёмзаси расмларидан бирида тасвирланган.

Расмда шаҳар қалъасининг қамал қилиниши, йигитларнинг қалъа деворига наронларда чиқиши, аҳолининг Шайбонийхон тарафдорларини қалтқалар билан уриб хайдаши жўла жонли ифодаланган. Бобур Мирзонинг Самарқандни иккинчи бор эгаллаши Москва музейидаги расмда акс эттирилган бўлиб, унда расмий қабул, шаҳар кўчаларидаги

Шайбонийхон тарафдорларини қувғин қилиниши алоҳида кўрсатилган (Бу расм «Бобур асарларининг Самарқанд аҳолисини қалтакташи» деб хато номланган). Иккинчи бор Мовароуннахр пойтахтини эгаллаш Бобур Мирзо ҳаётидаги жиддий ва муҳим воқеа бўлди. Унга улут шоир Алишер Навоий мактуб билан мурожаат қилади. Унинг қабулда шоир Камолиддин Биноий ўз дардини форсий тилдаги шеърда баён қилади, бу форсий шеърга Бобур Мирзо ўзбек тилидаги шеъри билан жавоб беради.

Мухаммад Шайбонийхон билан бўлган ҳал қилувчи жангда енгилган Бобур Мирзо Самарқандда қамалда бўлиб, охири шаҳарни ташлаб кетишга мажбур бўлади. Бу вақтда Андижонда ҳокимиятни Аҳмад Танбал эгаллаб олган эди. Бобур Мирзонинг тоғалари Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхон ёрдамида Фарғонада ўз ҳокимиятини тиклаш учун қаттиқ кураш олиб борали ва ниҳоят, Андижон ва Фарғона вилоятини Шайбонийхон эгаллагач, ўз юртидан кетишга мажбур бўлади.

Бобур Мирзонинг Самарқанд қамалидан кутлигиб чиқиши икки расмда, унинг тоғалари билан Фарғонага юриши сажжиз расмда, охири укаси Жахоншир Мирзо билан ярашуви ва Аҳсидаги тавқибдан қочиб кетиши ҳам икки расмда тасвирланган. Расмларнинг охиригида чарчаган, хориган Бобурнинг ўз Ватанидаги ҳокимиятдан умидини устан пайти жуда яққол акс этирилган. Бобур Мирзонинг ўн бир йиллик дарабадорлик ҳаёти Фарғона вилоятида, қисман Мовароуннахр ва Тошкентда ўтиб, у биргина ўшда бир иморат солади, ҳолос. Бу даврни акс эттирувчи расмларнинг аксарияти харбий жангларга бағишланган. Лекин, баъзи ҳолларда, айниқса Фарғона вилояти тавсифидаги ўринларда хиндистонлик минниаторачилар Кандибодом касабасини, Холарвешдаги шамолни, Самарқанддан қайтишдаги от пойғасини, Тошкентдаги лашкар кўрик маросимларини ҳам ўз асарларида акс эттирганлар.

Ёш Мирзо ўз она юртида илк маълумот олиб, ўзининг биринчи ғазалини шу ерда ёзди, шоирлар билан учрашишга кизиқади, ўлкани синчиқлаб ўрганади. Унинг она юртида олган бой билими ва таассуротлари кейинчалик қатта ёрдам берди, жумладан улар «Бобурнома»дек монументал асарни яратишга асос бўлиб хизмат қилди.

Мухаммад Шайбонийхон Мовароуннахр ва Фарғонани эгаллаб олгач, Бобур Мирзо ўз юртини бутунлай тарқ этишга қарор қилади: «Хотиримга келдиким, тоқай бу Фарғона қилотнда саргардон бўлиб турмоқ керак, бир тарафга талаб қилбойин деб». «Бобурнома»даги Бобур Мирзо ҳаётига оид расмларни ўрналиш шунга кўрсатадики, хиндистонлик расомлар Фарғона вилояти ва Мовароуннахрдаги муҳим сийёсий воқеалар, унинг ҳаётида ноз берган турли ҳодисаларни умуман тўғри ва ҳаққоний акс эттирганлар. Шунинг билан бирга айрим расмларда биз унинг шахсиятини улутлашга мойиллиқни кўрамыз. Бу, айниқса, баъзи расомлар томонидан 12-22 яшар Бобур Мирзони қатта ёшли ҳоким сифатида тасвирланшида, айрим жанг лавҳаларида фақатгина ғолиб сипоҳиларнинг юриши устухлик қилишида намоён бўлади.

#### Кобул

*Ғафлат уйқусидан уйгон, гар тилар бўйсиз мурод,*

*Қим тилар мақсадаға ҳар ким бўйсиз у бедорроқ.*

*Бобур*

Бобур Мирзо асарининг Кобул қисмида Афғонистон, Хуросон ва Хиндистонда йигирма икки йил давомида ноз берган воқеалар, шу ўлкаларга оид географик лавҳалар, Султон Хусайн Мирзо ва унинг давлати ҳақидаги қимматли маълумотлар келтирилиди. Бу давр Бобур Мирзонинг ҳаёти ва ижодида муҳим ўрин тутди, чунки, у янги алифбо – ҳатти Бобурини икхиро этади, ажойиб ғазаллар битди, «Аруз рисолаеси» ва «Мубаййин» асарлари устида ишлайди, мамлакат ободончилиги билан машғул бўлади, ўша даврнинг

энг ғузал шаҳри, Хуросон пойтахти Хиротни тамоша қилади. «Бобурнома»да нақадир ўн олти 910, 915 - 924, 927 - 931 хижрий йил воқеалари изчил баён қилинмай, улардан баъзилари йўл-йўлакай бошқа йил воқеалари орасида қайд этилади. Расомлар ҳам асосан асарнинг мавжуд мазмунидан келиб чиқиб, уни расмлар билан зийнатлаганлар. Шунинг учун, айрим йил воқеалари ўзининг ўрнида эмас, балки хронологик тарзда аввал ёки кейинроқ келиши кўзга ташланади. Натжижада, расмларда Бобур Мирзонинг Кобулдаги бўлган фаолияти акс этирилади, дейиш мумкин.

Биз расмларда Бобур Мирзонинг қандай қилиб Кобул шаҳрини эгаллагани, Хирот шаҳрида бўлиши, ундан қайтишдаги жанглири, кўзгolonни бостирилиши, ободончилик фаолияти, дўстлар билан сайр қилиши, харбий юришлари тасвирини кўрамыз. Бу давр расмларида Кобул вилоятидаги аҳолининг оғ машғулотлари, сайр манзавлари, мажлислар мавзуси етакчилик қилади. Бир мавзуга оид бир неча расомлар яратган миннатораларни қисқаш шунга кўрсатдики, Кобулда ноз берган воқеаларни тасвирлашда хиндистонлик расомлар фақат ўз шахсий таърибаларига, бадий маҳоратларига суянишган.

Фарғона вилоятидан Кобул томон йўл олган Бобур ўша вақтдаги сийсий ҳолатни, яъни Хисор ҳокими Хусравшоҳнинг аҳволи танилигини айтиб ўтади. Дарҳақиқат, Бобур Кобул сари юрар экан, Хусравшоҳнинг укаси Термиз ва Шаҳри Сафо ҳокими Боки Чаганиённинг Бобурга қўшилиши «Бобурнома»нинг биринчи қисми расмларида келади.

Британия музейи қўлёзмасидаги Ёҳим Гужаротий ишлаган миннаторада бу учрашув қуйидаги тасвирланади: Оқ қийимли Бобур Мирзо шоҳона чодирда, гуллар ва олтин анжомлар, китоб қўйилган гиламда қатта ёстikka суялган холда ўз хурматини билдираётган Боки Чаганиённига муравват кўрсатмоқда. Аёнлар бунда тасвирланиб, бир-бирлари билан таасурут алманмоқдалар. Чодир пастида ҳам аҳолининг юз берган воқеалар хаяжонга тушганлиги яхши тасвирланган. Хулди шу вақтда Бобурга амакиси Султон Маҳмуд Мирзонинг қизлари Оқ белгим ва Ой белгим келиб қўшилгани ҳам элтилади.

Бу воқеа Америка Қўшма Штатларидаги шахсий мажмуа мулки бўлган бир расмда акс этирилиб, уни атоқли рассом Ёасован ва Дҳарамдас ижодий ҳамкорликда яратилган. Хулди ўша расмдаги умумий ҳолат, айрим шахслар ва Бобур Мирзо сиймоси талқини, бизнингча кейинроқ яратилган Ёҳим Гужаротий асарида бир оз ўзгаришлар билан қайтарилган. Бобир Мирзонинг боки Чаганиённига муносабати умуман салбий бўлса-да, расмда тасвирланган воқеа унинг Кобулдаги сийсий мавқенини мустаҳкамлашда қатта аҳамиятга эга бўлди.

Боки Чаганиённий Бобур Мирзога қўйилганидан кейин кўп ўтмай Хисор ҳокими Хусравшоҳ ҳам унинг олдида ўз хурматини изхор этиш учун келишга мажбур бўлади. Султон Маҳмуд Мирзо бекаридан бўлган Хусравшоҳ «Бобурнома»да тасвирланган давлат арбобларидан энг салбий шахсдир. Бобур Мирзо унга нисбатан нафрат билан ёзди: «Юз минг ланъатдур қиёматгаечаким, ҳар ким Хусравшоҳнинг бу афьолини эшитса, ланъат қилсун. Бу афьолини эшиттиб ланъат қилмагон ҳам сазовори ланъат бўлсун.»

Хусравшоҳнинг Бобур Мирзо олдида таъзимга келиши Души деган жойда юз беради. Бу воқеа Москва музейидаги расмлардан бирида акс этирилган. «Бобурнома» да қайд қилинанидек, дарахт тағидаги қатта тошга тўшалган гилам устида ўтирган Бобур Мирзо паства хор бўлиб, юқуниб турган Хусравшоҳга яхши сўзлар билан мурожаат қилмоқда. Атрофдаги одамлар эса Бобур Мирзонинг олий жаноблигига таҳсин уқимоқдалар. Чунки, Хусравшоҳ ўз подшоҳи Султон Маҳмуд Мирзонинг икки фарзандини жазолагани учун Бобур Мирзо, Темируйтар олдида айбдор эди. Лекин, келишилган шартга биндон унинг тинчгина кетишига рухсат берилади, аксари сипоҳлари Бобур Мирзога қўшилади. Бу эса Бобур Мирзонинг Кобул шаҳрини эгаллаш олдидаги сийсий мавқенини мустаҳкамлайди.

Кобул шахри томон йўл олган Бобур Мирзога қарши Шерак Аргун номи билан **Бек** лашкари билан чикади, лекин орада бўлган урушда душманлар барчаси асир олинади, улар озод этилган эса Бобур Мирзо хизматига киришади. Шерак Аргун ва йигитларининг Бобур Мирзо олдига келтирилиши Британия музейи кулёзмасидати расмда Нарсинг номи расом томонидан тасвирланган. Расмда асир олинган Шерак Аргун ва унинг йигитлари айбдорларча туришибди. Бобур Мирзо олийжаноблик билан уларнинг гуноҳидан кечмоқда. Умуман, Фарғона вилоятидан Кобулга қараб йўл олган Бобур Мирзо тарафдорлари икки юздан ортиқ, уч юздан камроқ бўлган бўлса, кейинчалик унинг кўшинига Боки Чаганиёний, Хусравшоҳ, Шерак Аргун йигитлари ва хизматкорларининг кўшилиши билан у катта харбий кучга эга бўлади.

Бобур Мирзо 1504 йилнинг сентябрийда Кобул шахрини қўлга киритди ва 1525 йили Хиндистонга юриш қилгунга қадар, асосан, шу шаҳарда яшайди, унинг кўпчилик фарзандлари шу ерда туғилди. «Бобурнома»да Кобул вилояти тавсифи жуда муқаммал келтирилиб, кейинроқ ундан барча тарихчилар манба сифатида фойдаланганлар. Шунинг учун ҳам, Кобул вилояти тавсифига ўндан ортиқ расм бағишланиб, уларда биз Бобур Мирзо обод қилган ёнлар, чашмачалари, овчилик манзараларини кўрамиз.

«Бобурнома» асарига келтирилган Кобул вилояти тавсифи ўз ичига Бобур Мирзо амалга оширган ободончилик фаолиятини ҳам камраб олади. Биз бу расмларда Кобул вилоятини ободонлаштириш билан банд бўлган Бобур Мирзони кўргандек, унинг ажойиб боғларини сайр этгандек бўламиз. Барча расмлар юқори баъдий савияда яратилган бўлса-да, ажойиб манзараларни жопли ва хастий қилиб тасвирлашда Махеш, Рамдас, Вишнудас, Нокха ва Дҳану номи рассомлар юқсак маҳоратини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Хиндистонлик рассомлар асарлари бошқа миниятура мактаби вакиллари асарларидан алоҳида ажратиб туради.

Бобурнинг Хурсон пойтахти Хиротда бўлиши Кобул даври воқеалари ичида ўзининг муҳим маданий аҳамияти билан рассомларнинг жуда катта эътиборини қозонган. Бобур Мирзонинг улуғ Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий ва бошқа машҳур илм - хунар соҳиблари яшган шаҳар тўғрисидаги, у ердаги маданият арбоблари ҳақидаги маълумотлар ҳамон ўзининг илмий қиймати йўқотмаган.

Умумий душман Мухаммад Шайбонийхонга қарши юриш уюштириш мақсадига Бадлуззамон ва Музаффар Мирзолар Бобур Мирзо билан учрашадилар. Лекин, Мирзоларда харбий лаёқатнинг йўқлиги бу режани амалга оширишга имкон бермади. Улар Бобур Мирзони Хиротда қилиши ўтказиб бахонаси билан шаҳарга тақлиф қилдилар. Бор-йўғи йигирма кун ичида у шаҳарнинг диккатга сазовор жойларини кўрди, бу вақтда у Алишер Навоий яшган уйда яшайди, қўлаб илм-фан ахли билан суҳбатда бўлди. Хирот шаҳридаги юқсак маданий ҳаёт, унинг шарафига уюштирилган мажлислар, амалга оширилган ободончилик ишлари Бобур Мирзони хайратга солади.

Шундай бўлса-да, у Султон Хусайн Мирзо, Бадлуззамон Мирзо ва Музаффар Мирзолар тўғрисида фикр юритганда, уларга нисбатан танқидий муносабатда бўлади. Бобур Мирзонинг Хирот шаҳрида бўлиши, Мирзолар унинг шарафига уюштирилган мажлислар расмларда кўтаринки руҳда, тантанавор тарзда тасвирланган.

Бу ўринда биз Шанкар Гужаротий, Хисор Чела, Банворий Калон расмларини алоҳида эслатиб ўтиришимиз зарур. Бу рассомлар асарлари ўша давр маший ҳаётининг баъдий лавахсига ўхшайди. Расмлардаги Бобур Мирзодан бошқа тарихий шахслар тасвирда портретлик хусусияти камроқ бўлиб, ҳар қайси санъаткор ўз маҳорат савияси ва тасаввури даражасидан келиб чиқиб, Бадлуззамон Мирзо, Музаффар Мирзо ва Жахонтир Мирзолар сиймоларини ўзларича тасвирлаган.

Бобурга Мирзолар яхши муносабатда бўлган бўлсалар-да, уларнинг тарафдорлари ўшга самимий муомалада бўлмайдилар. Натижада, Бобур Мирзо қилгаш бахонаси билан

Кобул шахрита қайтади. Йўлда кўп кийинчиларга дуч келади. Жумладан, йўлда қор қўлигидан Бобур Мирзо ҳам йигитлари қатори совуқда қолиб кетади ва кейинчалик бу воқеани эслаб, «ўшул кеча қулгимга совуқ тавсир қилди», - деб эслайди. Бобур Мирзонинг қорда тунагани Дехли музейидаги бир расмда жуда ажойиб қилиб тасвирланган. Бу расмдаги қор ёғиш манзараси бошқа ҳеч бир миниятурада учрамайдилар.

Хирот шаҳридан қайтишда Бобур Мирзо туркман хазоралари билан Жингатак деган жойда тўқнашиб, жанг қилади. Бу жанг манзараси Британия музейи нусхасидаги қўш расмда Сонвала, Техарёл, Банворий Хурд томонидан тасвирланган. Худди расмда акс этган жангдан аввал Кобулда Мухаммад Хусайн Мирзо Дуглат ва бошқалар Бобур Мирзога қарши кўзғолон кўтаришгани ҳақида хабар келади. Шаҳар кўргонидати Бобур Мирзо тарафдорлари кўзғолончиларни қалъа ичкарасига киритмай турганини эшитиб, тезроқ қайтишга шайинишади.

Мухаммад Хусайн Мирзо Дуглат кўзғолонининг бостирлиши тўрт расмда тасвирланган бўлиб, охиргисида Бобур Мирзонинг ваҳимага тушган кўзғолончинини кўрпалар орасидан топиб сўроқ қилаётган ҳолати акс эттирилган.

Бобур Мирзо Кобул вилоятидаги фаолияти давомида дўстлари билан мажлислар қурди, овчилик билан машғул бўлади ҳамда Хиндистоннинг чегара ерлари билан яхши алоқа ўрнатиб пайида бўлади. Шунинг учун ҳам бир гуруҳ расмларда унинг сайру савҳатлари, ов манзаралари, чегара аҳолиси билан муносабатлари, айниқса йотатарнинг маркази Гурӯ Қатрийда бўлиши хиндистонлик рассомлар томонидан юқсак маҳорат билан тасвирланган. Бу ўринда, айниқса, рассомлардан Маноҳар, Абдулла, Сур Гужаротий, Дҳанроқ асарларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

«Бобурнома»га ишланган расмларда Хиндистон маданияти ёлғорликлари ҳам акс эттирилган бўлиб, улар Бобур Мирзонинг Хиндистон санъати ва маданиятига чуқур ҳурмат билан қараганлигидан далолат беради. Маъна шу муносабатларда рассомлардан Жаганиатх, Говинд, Кеу, Хурдинн Гурӯ Қатрийдаги йоталар ҳаётини тасвирлашда яққол намойён бўлади.

Бобур Мирзонинг Кобул вилоятидаги ҳаёти гоҳ қориллар, гоҳ оз, гоҳ эса дўстона мажлислардаги суҳбатлар, шеър баҳслари билан характерланади.

Рассомлар унинг ҳаётини тўдалитишга, турли ҳолатларда тасвирлашга ҳаракат қилганлар. Хиндистонлик рассомлар чизган тўрт расмда дўстлари билан қайиқда дам олган шoir хаддан ташкари сармаст бўлиб, ўзини билмасдан ўрдага қайтиши акс эттирилган. Бобур Мирзонинг отда қайтиши, унинг сармаст ҳолати барча рассомлар томонидан, айниқса Шанкар Гужаротий асарида юқсак маҳорат билан очиб берилган. Расмда тасвирланишича, Бобур Мирзо отда зўрга турипти, унинг қўлида машъала, кўзлари сузилган, мувозанатни йўқотай деган ҳолатда. Рассом бу воқеани тунда юз берганини кўрсатиш учун ўз асарига ухлаётган хайвонлар тасвирини ҳам киритади.

Умуман, хиндистонлик рассомлар ўз қаҳрамонларининг рухий ҳолатларини юқсак маҳорат билан очиб бера олганлар. Маъна шу ҳолат, Бобур Мирзонинг дўстлари билан Панжқир дарёси бўйлаб жола - солда сайр қилишлари тасвирда ҳам акс этган. «Бобурнома»да ёзиллишича, жола икки марта урилиб, биринчи Бобур Мирзо ҳамроҳларидан Рухдам, Тенгрикули, Мир Мухаммад жолабон сувга йикилган эканлар. Чинни пийёла, қошиқ ва доира эса сувда йўқолган.

Иккинчисида эса, Шоҳ Хасан Шоҳбек, Мирзоқули ва Дарвеш Мухаммад Сорбон ҳам сувга йикилганлар. Бу воқеа Британия музейидаги нусхадати рассом Паек асарида ва Москва музейидаги расмда тасвирланган бўлиб, уларнинг бирида жоладан сувга йикилганлар, шунингдек йўқолган доира, иккинчисида эса пийёла сувда оқиб кетаётгани, сувга йикилган дамлар ҳолати яхши очиб берилган.



Кобул даври расмларида Бобурнинг Хиндистон томонга уюштирган харбий юришлари ҳам ўз аксини топган. Жумладан, мана шундай юришлари вақтида у Бажаур қалъасини заёт этишда милтиқлар ва тўпалардан фойдаланганлигини ёзиб қолдирган. Бажаур қалъасини заёт этилиши Москва музейидаги расмда акс эттирилган бўлиб, унда Бобур йигитларидан Дўстбек ўз кишилари билан қалъа бўғрини тешиб, душманни қувиб бораётгани тасвирланган.

Бобур Мирзонинг овга кизикиши, қандай хайвонларни овлагани «Бобурномада» битиб борилган. Мана шундай давхалар хиндистонлик рассомлар учун ов манзараларини тасвирловчи расмлар ишлашга имкон яратган. «Бобурнома»га ишланган ов манзарасига бағишланган расмлар ҳам ўзининг кўлини, ҳам юксак бағдий савияда яратилгани билан ажралиб туради. Бу ўринда рассомлардан Шиям, Жаганнатх, Шивдас, Ренг асарларини алоҳида кўрсатиш зарур.

Кобул даври расмлари Фарғона даври расмларига нисбатан мавзу жиҳатидан анча кенгрок, умумий микдори ҳам кўпрок бўлиб, буни асосан «Бобурнома»даги воқеалар баённинг кўллини, узок тарихий даврни қамраб олиши билан изоҳлаш мумкин. Бу давр расмларида Бобур Мирзо характери чуқуррок очилади, унинг мамлакат ободончилигига, ҳаётни хушчақчақ ўтказишга, сайру саҳнатга, овга кизикиши яхши ёритилади. Бобур Мирзонинг Хиндистон маданиятига кизикиши эса хиндистонлик рассомлар томонидан жуда ёрқин ва жонли қилиб тасвирланган. Албатта, расмларда Бобур Мирзонинг турли жанту жадаллари ҳам тасвирланган бўлиб, бу давхаларда ҳам хиндистонлик рассомлар ўзларининг юксак маҳоратларини намойиш қилганлар.

#### Хиндистон

*Толъ йўқи жонимга бағишле бўйди,  
Хар шитки айвоним, хамлола бўйди,  
Ўз ери кўйиб, Хинд ери юзландим,  
Ёраб, нетайи, не юз қарола бўйди?*

Хиндистонда Бобур подшоҳ саг кам беш йил, аниқроғи тўрт йил саккиз ой умр кўрди, шунда тўрт йил воқеалари «Бобурнома»да ўз аксини топти. Биз бу воқеалардан Хиндистонга уюштирилган бешинчи юриш тафсилотлари, мамлакат тарихига, географиясига, етисий ва маданий ҳаёти, хайвонот ва наботот тавсифи, улкан давлат тўзиш жараёни, жанглар, ободонлаштириш ишларининг амалга оширилиши, сайрлар тўғрисида бой маълумотларни билиб оламиз.

Хиндистон рассомлари «Бобурнома»нинг учинчи қисmini расмлар билан безашар экан, улар асосий эътиборини мамлакат тўзалиғи, унинг наботот ва хайвонот олами, Бобур подшоҳ ҳаётидаги муҳим воқеалар, айниқса унинг йирик давлат бошлиғи сифатида бошқа мамлакатлар билан олиб борган муносабатларини тасвирлашга қаратишганини кўрамай.

Марказлашган улкан давлат тўзиш орузси Бобур подшоҳни Хиндистон сари етаклади. Хиндистонга юриш қисмидаги биринчи йил воқеалари Бобур подшоҳнинг ўз олдига жиддий максал қўйилганлигидан дарак беради. Шунинг учун бўлса керак, йўлда сувадан ўтиш вақтида ўз аскарлари ва хизматкорларини ҳисобдан ўтказишларини илтимос қилади. Бобур подшоҳ билан келатганлар сони ўн икки минг киши экан. Мана шунча сипоҳилар билан маҳус тайёрарлиқдан сўнг хижрий тўққиз юз ўлтис иккинчи ўн иккинчи (мелодий 1525) йили у ўзининг бешинчи ва ҳал қилувчи юришини амалга оширади.

Дехли шаҳри томон Бобур подшоҳнинг жиддий максал билан келатганини эшитган Султон Иброҳим Дўдий унга қарши Хамудхон исмли лашқарбошимси раҳбарлигида бир

қисм йигитлари жунатади. Бобур подшоҳ Хамудхон кўшинига ёш Хумоян Мирзо раҳбарлигидаги лашқарларини қарши қўяди. Хумоян ва Хамудхон раҳбарлигидаги кўшинлар тўқнашиб, бу жангда Хумоян Мирзо голиб келади.

Хумоян ва Хамудхон ўртасидаги жангни тасвирлашга икки расм бағишланиб, уларнинг бири Москва музейида сақланади. Бу расмда ўрта яшар ҳоким сифатида тасвирланган Хумоян саф торган лашқарларида бош бўлиб турипти.

Рассом Дев Гужаротийнинг худди мана шу воқеа тасвирига бағишланган Британия музейидаги расмида эса қизғин жанг манзарасини кўрамай. Расм қоялар орқали икки планда икки тараф жангчиларининг фидоийларча қурашаётгани акс эттирилган. Шундай бўлса-да, Хамудхон аскарларининг баъзилари жанг майдонидан қочиб арафасида турганини расм томонидан юксак маҳорат билан очиб берилган. Бу икки расм Бобур подшоҳнинг қатта ўгли Хумоян Мирзонинг биринчи жангда қатнашуви ва Дехли салтанатини эгаллашга қўшган ҳиссасини кўрсатишга бағишланган.

Иброҳим Дўдий ва Бобур подшоҳ ўртасидаги Панипат майдонда юз берган тарихий жанг биъта маълум расмларда тасвирланмаган. Фақат Москва музейидаги расмда голиб Бобурнинг тантанали тарзда Агра шаҳри қалъасига кириб келиши тасвирланади.

Хиндистон маркази Дехли ва Агра шаҳарларини эгаллагач, Бобур подшоҳ бу мамлакат географияси, тарихига оид қимматли маълумотларни келтиради. Бу маълумотлар рассомлар эътиборини ҳам жалб этган бўлиб, бир қатор миниатюристилар Хиндистон хайвоноти ва набототини тасвирлашга бир юз қирқдан оғтиқ асар бағишланганини кўрамай.

«Бобурнома»да келтирилган хайвонот ва наботот олами ҳақидаги қимматли маълумотлар Хиндистонлик миниатюричиларни ўз асарларида янги мавзуларни ёритишга ундади, хусусан анималистика, яъни хайвонлар тасвирини яратиш жанри тарваққий этди. Бу ўринда атоқли рассом Мансур хизматини тавқиллаб, унинг «Нодирӯ замон» факрий уявонига сазовор бўлганлигини қайд этиш зарур. Умуман, хиндистонлик рассомлар ўз ўнқаларининг хайвонот ва набототини юксак маҳорат, улкан мухаббат билан тасвирлаган.

Дехли салтанатини эгаллаган Бобур подшоҳ сифатида янги мамлакатни бошқаришда дарҳол турли қийинчиликларга дуч келди. Унинг сафдошлари ва аскарлари Хиндистондаги исик шароитга қандай олмай, Қобулга кета бошлагилар. Бобур подшоҳ уларни ўз ёнида олиб қолиш учун зиёфатлар уюштириб, жангларда хизмат кўрсатган ва фидоийлик қилган саркардаларга турли туман-туман тухфалар тақдим қилар эди. Мана шундай расмий қабуллар Москва ва Британия музейи расмларидан бир нечтасида акс эттирилган.

Хусусан, Британия музейидаги рассом Бухра яратган қўш расмда Бобурнинг Агра қасридаги расмий қабули дабдабали тарзда тасвирланади. Дабдабали сарой ўртасидаги шохона тахтада ўтирган Бобур подшоҳ тухфа учун қуллук қилаётган ёш Хумоян Мирзога мурожаат этмоқда. Дёнлар бўлажак зиёфатга хозирлик кўрмоқда, ҳатто баъзилари шошилланидан салласини йўл-йўлакай ўраб келмоқда. Расмдаги созандалар тасвири саройдаги юксак маданий муҳитдан далолат беради.

Бухранинг қокоридаги муваффақиятни чиккан расми бошқа рассомлар учун ҳам намуна бўлиб хизмат қилганлиги маълум. Жумладан, Алвар шаҳридаги қўш расмда ҳам Бухра мазкур асарининг умумий тарҳи, айрим кишилар тасвири деврли айнан такрорланган.

Хиндистонда Бобур подшоҳ давлат раҳбари бўлганлиги сабабли тох бекаларинг, тох эса маҳаллий ҳокимларнинг бўйсунмаслигига дуч келди. Албатта, давлат микёсидаги бундай жанжаллар қатта ва қирғон келтирувчи жанглар натижасида ҳал этилар эди. Умуман, Бобур подшоҳнинг Хиндистондаги харбий фаолияти даврида унинг Рождптана

хокими Рона Санграм билан олиб борган 1527 йилги жанги деярли барча тарихчилар томонидан ҳам ўша даврнинг энг муҳим сиёсий воқеаси сифатида қайд қилинади.

Бу энг муҳим жангга Бобур подшоҳ яхши тайёргарлик кўриб, майдонни олдидан ўзи белгилаб, унга биринчи бўлиб етиб боради ва химоя чораларини кўради, тўпларини қулай қилиб жойлаштириб олади. Натижада, у роқиплар устидан тарихий ғалабани қўлга киритади. Бобур подшоҳнинг бу тарихий ғалабаси бизга маълум икки расмда акс эттирилган. Жумладан, рассом Махешнинг Британия музейи нуҳасидаги асаридида кизғин жанг манзараси юксак маҳорат билан ўта таъсирчан қилиб тасвирланган.

Расмда икки томон кўпинлари шиддат билан жанг майдонига ёпирилиб кириб келишмоқда, биринчи тўқнаш келганлар бир-бирини ярадор қилмоқда, хатто ерда жасадилар ётибди. Шундай бўлса-да, рассом Бобур подшоҳ томонидан тўпларнинг тартибли жойлашилиши, аскарларнинг кўтаринки руҳини тасвирлаш билан уларнинг жангда голиб чиқишига ишора қилган. Умуман, Махешнинг бу расми жанг манзарасарида оид энг муваффақиятли чиққан миниатюралардан бири бўлиб, унда жангчилар фидоийлиги ҳамда одамларнинг уруш натижасида чеklangан гам-аламлари жуда жонли ва таъсирчан ифодаланган.

Алвар шаҳри музейидаги тоқорида эслатилган воқеага бағишланган расмда эса, Бобур подшоҳнинг жанг майдонига ўз тўплари ва сипоҳларини қулай жойлаштириб олганлигига асосий эътибор берилган. Расмда биз унинг қулай жойлаштирилган сипоҳларини кўрамыз, ҳоло.

Бу икки расмда тасвирланган жанг Бобур ҳаётида муҳим роль ўйнади; у шундан сўнг ўз ҳаётини бутунлай Хиндистон билан боғлади, уни ободонлаштиришга ҳаракат қилди.

У янги мамлакат ободончилиги соҳасидаги ўз фаолиятидан фахрланиб кўйдилганлиги қайд этади: «Бир Аграда, ушбу Агранинг сангтарошларидан менинг иморатларимда хар кунни олти юз саксон киши иш қилар эди. Яна Аграда ва Сикрида ва Биёнда ва Дудлурда ва Ђвалиёрада ва Қулда минг тўрт юз тўқсон бир сангтарош хар кунда менинг иморатларимда иш қилгурлар эди» (Бобурнома. 361 бет).

Бобурнинг ободончилик соҳасидаги фаолиятига Жавахарлал Нехру жуда юқори баҳо бериб, «У (Бобур- Абд.М.) кўп вақтини Аградаги ажойиб пойтахтни қуришга бағишлаб, хатто бунинг учун константанополлик машхур меймор хизматидан фойдаланган», дейди.<sup>83</sup>

Бобур подшоҳ сифатида бошлаб берган ободончилик ишлари кейинрок унинг авлодлари, хусусан Жалолидин Муҳаммад Акбар, Ірийддин Муҳаммад Жаҳонгир ва Шаҳобиддин Муҳаммад Шохихахон томонидан кенг микёсда давом эттирилди. Энг буюк мейморий иморат Тож Махал макбараси Бобурийлар бунёдкорлигининг мислиси обидасидир.

Миниатюраларда Бобурнинг ободончилига оид фаолияти жуда кенг ёритилмаса-да, унинг Хиндистондаги ҳаётига оид барча расмларда гузал табият манзараси билан ажойиб мейморлик намуналари тасвирланган. Жумладан, икки расмда Бобур ободонлаштирган Сункар яқинидаги Фирузпур чашмасига қурилган сула акс эттирилган. Агар рассом Падорат яратган миниатюраларда сула устида кузатиш маросими муносабати билан ободонлаштирилган чашма тасвирланса, Москва музейидаги расмда фақатгина янги қурилган олтибурчак сула тасвирига алоҳида эътибор берилган.

Бобур подшоҳ сифатида кўшни мамлакатлар билан ҳам дўстона алоқа ўрнатилга ҳаракат қилган. Хусусан, «Бобурнома»да унинг Мовароуннахр, Ироқ ва Хиндистон хокимлари элчиларини қабул қилиши бир неча бор эслатиб ўтилган. Албатта, унинг чет

елга жўнатган элчиларидан Ҳожа Ҳасан бошлик элчиларнинг Москва князи Василий Иоанновичга «дўст ва биродар бўлиб, тинч ва ҳамкорликда яшайлик» деган тақлиф билан жўнатиши ташки сиёсати соҳасидаги энг қимматли ва муҳим тадбиридир. Г'арчи элчилар Москвага Бобур подшоҳ вафотидан уч йил сўнг етиб борган бўлсалар-да, улар рус хокими томонидан мамнуният билан қабул қилинади.

Бобур подшоҳ томонидан элчилар қабули, улар шарафига уюштирилган зиёфат ва тамошаларни хиндистонлик миниатюрочилар жуда катта маҳорат билан тасвирлаганлар. Албатта, бу воқеалар, энг аввало, «Бобурнома»да батафсил баён қилинган. Унда ёзиллишича, Агра боғида уюштирилган расмий қабулда мовароуннахрлик ва озарбайжонлик элчилар хозир бўлиб, аввал Бобур подшоҳнинг аёллари унга соғва ҳадя қилганлар, сўнгра ош тортилган, меҳмонлар шарафига филлар, тўялар ва кўчкорлар уриштирилиб, половлар қураш тушганлар. Рассом Бхўра яратган расмда биз элчилар шарафига уюштирилган кўчкор ва қийиклар жангини кўрамыз. Рассом Малҳу Хурд яратган бошқа расмда эса бирдангига ҳам половлар қураши, ҳам туя ва филлар жанги, созандалар, ошпазлар ва тамошабинлар гуруҳининг хажжонганиб тургани маҳорат билан тасвирланган.

Хиндистон миниатюрочилари Бобур подшоҳнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятини усталик билан очиб бера олганлар. Бунга рассом Ромдас яратган «Бенгалия элчиси қабули» расми далил бўла олади. Биз расмда тажрибали давлат арбобининг ўз саройида элчиларни хиндистонликлар одагига биноян қабул қилиш маросимини кўрамыз. Маҳаллий хиндистонлик хокимлар билан бўлган муносабатда Бобурнинг шу мамлакат урф-одатларига ривоз этишга ҳаракат қилиши муҳим бир ҳолидир.

Хиндистондаги киска умри даврида Бобур подшоҳ мамлакат билан муттасил қизилги ва кўрган-билганларини «Бобурнома»га битиб борди. Унинг мамлакат билан қизилгши, сайрлари беш расмда тасвирланган. Шунлардан иккитасида Бобурнинг: Урава ва Ђвалиёр калъаларида бўлиши, иккитасида Ганг дарёси бўйлаб саёҳат, яна биттасида Жун дарёсидан ўтиши акс эттирилган. Бу расмларда барча хиндистонлик миниатюрочилар ўз мамлакати гузалликларини юксак маҳорат ва меҳр – муҳаббат билан тасвирлашганини кўрамыз. Уларда маҳобатли Ганг дарёси, ажойиб манзаралар, хайкалтарошлик ёнорликлари, хинд қизларининг қудуққан сув олиб кетиши жуда жонли ва таъсирчан акс эттирилган.

Албатта, хиндистонлик рассомлар она — Ватан соғинчида сўлиб бораётган атоқли шоир дардини тула кўрсатишмаган бўлса-да, ҳаётининг охирти йилларида оид расмларда унинг давлат ишларидан чарчаганлигини, саломатлиги занфлашиб бораётганини маълум даражада ифодалай олишган. Хусусан, рассом Дҳанрож яратган Ђвалиёр сайри тасвирида от устида хол-беҳол кетаётган Бобурнинг руҳий ҳолати ёрқин ифода этилган.

Бобур 1530 йилнинг 26 декабрида Агра шаҳрида 47 ёшида вафот этди. Унинг қарийб бир йиллик ҳаёти «Бобурнома» саҳифаларида ёритилмай қолган. Шунинг учун ҳам, бу йил воқеалари расмларда акс этмаган.

«Бобурнома»нинг муътабар кўлёзмаларини расмлар билан зийнатлаган хиндистонлик мусаввирлар Бобур ҳаётининг қарийб ўттиз беш йиллик даврини ранглар воситасида ҳаққоний тасвирлаб берганлар. Расмлар ёрдамида атоқли шоир ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишиш мумкин.

Гарчи Марказий Осиё, Афғонистон шаҳарлари ва табиат манзаралари хиндистонлик рассомлар томонидан шартли равишда ўз мамлакатларига ўхшатиб тасвирланган бўлса-да, Бобур асарларини безаш учун яратилган беш юзга яқин расмлар Марказий Осиё ва Хиндистон уртасидаги маданий муносабатларнинг ёрқин рангларда ифодаланган саҳифаси бўлиб қолаверадди.

<sup>83</sup> Неру Дж. Открытие Индии. — Москва. 1955, 271- бет.

*(Рисоланинг қисқача мазмуни)*

Ушбу рисолада атоқли ўзбек шоири, олими ва давлат арбоби Захриддин Муҳаммад Бобур (1483-1530)нинг жаҳонга машҳур «Бобурнома» асарининг XVI — XVII асрлардаги муътабар кўлемларига ишланган расмларда унинг ҳаёти ва ижоди қай тарзда ёритилгани баён этилади.

Рисола атоқли шоир ижоди билан, адабийётимиз ва маданиятимиз тарихи билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

**Асар ҳақида иккинчи сўз**

Жағдиш Чандр. Ўз уйида бегона

Роман. Тошкент: «Камалак» (Радуга) нашриёти, 1983 йил

Ушбу роман муаллифи Жағдиш Чандр 1930 йили Панжобда тутилган. Асл касби иқтисодчи бўлса-да, асосан, журналист сифатида шухрат қозongan. Унинг тинимсиз меҳнат ва турмуш тажрибалари кейинчалик йирик ҳажмдаги бадиий асар устида қалам тебратилганга ундайдн. Шунинг натижаси ўларoқ, 1972 йилда мазкур роман оламга келди. Асар муаллифининг боғалиқ таасуротларига асосланган бўлиб, у хинд адабийётида хали «теша тегмаган» мавзунн, хозирги замон шароитида тоифачилик кўрбони бўлган харижандарнинг иқтимоий ахволи масаласини кўтариб чиқали. Асрдан бери ҳужмрон синфнинг зулм-ситамларини чекиб келатган аламзада, жабрдийда харижандарнинг ҳаёти, турмуш тарзи, урф-одатлари, шодлигу ғам-тўсесалари ниҳоятда реал далиллар воситасида хикоя қилинади. Гирчи адиб воқеалар баёнида холисликка интилган бўлса-да, тасвирга олинган кишилар ва ҳодисаларга нисбатан унинг муносабати бутунлай бeфaрқ эмас. Романга асос қилиб олинган қадимги хинду дини юзага келтирган тоифачиликнинг заррели иллатлари ҳақ этилиши зарур бўлган муаммолардан биридир. Шу боисдан ҳам роман чоп этилиши билан кенг жамоатчилиқ эътиборини қозонди, мутахассислар томонидан хинд адабийётида сезиларли воқеа деб тан олинди. Жумладан, роман рус тилига таржима қилиниб, китобxonлар эътиборига ҳавола этилди.

Хинд жамоасидати табақачилик, кишиларни оиласига қараб тоифаларга ажратиш иқтимоий ҳолисадир. Минг йиллар илгари юзага келган хинду дини ақидаларига кўра, кишилар машгулотларига қараб тўрт асосий иқтимоий табакага бўлинади. Биринчи, олий табака вакиллари брахманлар — диний масалалар билан шуғулланганлар. Иккинчи тоифа — кшатрийлар бўлиб, улар харбийлардан ташкил топган. Учинчи табака вакиллари вайшилар дейлиб, савдо ишлари билан шуғулланишган. Тўртинчиси, энг куйи тоифа вакиллари шудралар деб аталиб, кўл меҳнати билан кун кўрувчи барча қосибу хунармандлар, деҳқонлар шунга кирганлар.

Хиндуизмда тапкин этилишича, одам вафот этгач, унинг руҳи гўё ўлмайди, тириклик пайтида қилган савоб ёки гуноҳ ишларига қараб, кейинги туғилишда у юкори ёки паст табака вакили бўлиб қолаётганлиги эмиш. Бу ақида одамларни умр давомида факат яхши, эгту ишлар қилишга ундаган бўлиши мумкин. Аммо, асрлар давомида тоифачилик бора-бора жуда кўп урф-одатлар билан тўлдрилиб, натижада у иқтимоий тараққиётга ҳалакит бера бошлади. Чунки, тоифачилик тизими юкори табака вакилларига жуда катта имтиёзлар бериб, куйи табака вакилларини маълумликка маҳкум этади. Одамларнинг қайси тоифада туғилишига қараб, уларнинг қобилиятларини, малакаларини, жамият учун келтираётган фойдаларини ҳисобга олмаслик, юкори тоифа вакилларига кенг имконият ва имтиёзларни бериш пировард натижада кишилар орасида синфий тенгсизлик келиб чиқишига сабаб бўлади. Қолаверса, тоифачилик тизими бора-бора шу қадар чуқур илдиз отиб кетадикки, эндиликда унинг олдини олиш ёки йўқотиш борасида сиёсий арбоблар, ҳукумат раҳбарлари атоҳида бош қотиришга мажбур бўлмоқдалар. Мутахассислар ҳисоби бўйича

ҳозирги кунда икки юздан ортик тоифа мавжуд. Улар орасидаги иқтимоий муносабатлар амалдаги урф-одатларга қатъий риоя қилиниши такозо этади.

Тўғри, хинд тараққиётпарвар афкор оммаси тоифачиликка қарши кураш олиб бора-да, бу асрий иқтимоий иллатни сақлаб қолишдан манфатдор гурӯҳлар ҳам йўқ эмас. Хиндистон ҳукуматининг харижандар ахволини яхшилашга қаратилган қатор тадбирлари туфайли ва жамият иқтисодий тараққиёти натижасида тоифачилик шахар шароитида маълум даражада сусайди, аммо ялписига саволсиз, урф-одат ва хурофот қон-қонига сингиб кетган хинд кишлоқларида бу иллатлар ҳамон сақланиб қолмоқда. Кўлиниыздаги роман сюжетни ҳам худди шу мавзу асосида қурилган.

Қонпур шаҳридаги фабрикада олти йил ишлаб, бир оз нул орттирган чамор йигити Қалий ўз қиллогига қайтгач, ҳаётини янгидан қурашга, чаморлар билан човдхрийлар ўртасида тенглик, адолат ўрнатилганга интилади, меҳнатқашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиқали. Бу, турган тапкин, қишлоқ эадагонлари — човдхрийларнинг фашига тетади, газабини кўзгайди. Ахир уларнинг асрлар бўйи давом этиб келатган тоифа имтиёзига қим даҳл қилиши мумкин? Йўқ! Тоифавий урф-одатлар, қонуи-қондалар олдида бошқа ҳамма ҳамма нарса ўтаверсин! Човдхрийлар эътиқоиди, уларнинг синфий мафакатлари мана шунн тапаб қилиади. Аммо, Қалий тоифадолшларининг қўзини очишга ҳаракат қилади унча-мунча натижага ҳам эришади, хўсусан, чаморлар ўз ҳақ-хуқуқларини тан ола бошлайдилар. Бу ҳол дарё суви тошиб, қишлоқ ҳаёти хавф остида қолганда яққолроқ кўринади. Човдхрийлар чаморларни иллатиб, уларга ҳақ беришдан бўйин товлайдилар. Чаморларнинг меҳнатлари эвазига ҳақ талаб қилишининг ўзи човдхрийлар учун қулмаган ҳол бўлиб турсолади, қолаверса, буни ўзлари учун ҳақорат деб билидилар. Чўнони, чаморларнинг адабини бериб қўйилганга бeл бoғлайдилар. Улар тил бириктириб, чаморларнинг ҳизматидан воз кечиниладн. Биссивз улар очидан ўлиб кетадилар, эртасингек даъволаридан воз кечиб, бир умр қулиқиз бўлиб қолавердилар, деб ўйлашади. Аммо, чаморлар ўзларини йўқотиб қўйиш ўрнига бир ёқадан бош чиқариб, човдхрийларга ҳизмат қилишдан бош тортадилар. Бу тоифачилик асосида юзага келган рақобатга икки томон иқтисодий имкониятлари тенг эмас, чаморлар хароба қулашларида оу-ялантгоч кун кеңирар, човдхрийлар эса чаморлар меҳнати асосида пайдo бўлган бойликларга эридик қилар эдилар. Бу муросасизлик окибати чаморлар билан човдхрийлар ўртасида сулҳ тузилиб, ижобий тўталганган бўлса-да, маълумларнинг норозилиги келгусида улар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини дадил ҳимоя қила олишлари мумкинчилигига бир ишорадир.

Тоифачилик иллатлари факатгина иқтимоий гурӯҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда эмас, балки бир гурӯҳ ичиддаги муносабатларда ҳам ўз инфоасини топган. Қалий ўзи билан бир кўчада турадиган Лиянў исмли қизни севиб қолади. Қоқлада бинсан битта маҳаллада турадиган ва битта тоифага мансуб кишилар акин қариндош ҳисобланиб, уларнинг бир-бири билан қуд-андачилик қилишлари қатъий ман этилади. Шунинг учун ҳам, Лиянўнинг онаси Жасоў ва ақаси Мангу уни Қалийга турмушга чиқаришдан кўра, тоифа «обрў»сини сақлаб қолиш мақсадига, қизнинг ўлимини афзал биладилар.

Тоифачилик дeтан баго халқ олгини шу қадар заҳарлаганки, ҳатто худолар ҳам унинг олдида ҳеч нарсага арзинмай қолади. Хинду динидан воз кечиб, сикх ёки, христиан динини қабул қилиш холатлари тасвирланган ўринлар фикримизнинг яққол далили бўла олади.

Қишлоқ шароитида фаол кўрсатилган турли табака ва сиёсий гурӯҳ вакиллари орасида Хиндистон коммунистик партияси аъзоларидан доктор Вишнадас ва деҳқон Таҳал Сикх образлари китобохон эътиборини тортади. Улар эркин дунёқарашга эга, қоз бeраётган воқеалар моҳиятини тўғри англайдилар, лекин назарий билимларини амалда, қўллаб билимаганликлари учун ҳам табиний қоз берган чаморлар ҳаракатига бош бўла олмайдилар. Бу ҳолни 50-йиллар учун табиий дейиш мумкин. Лекин бўтунга келиб, Хиндистонда

мамлакат меҳнаткашлари манфаатларини ҳимоя қилувчи жуда катта сиёсий куч юзага келган.

Тараққийгарвар хинд адиблари Рабиндранат Тагор, Прем Чанд, Кришан Чандр, Хўжа Аҳмад Аббос сингари жаҳонга таниқли ёзувчиларнинг қатор асарлари китобхонларга анчадан бери таниш. Мана, ўзбек китобхони истеъдодли адиб Жағлиш Чандрнинг «Ўз уйида бегона» романи билан танишар экан, у дўст ва тинчликсевар кўшни хинд диёрининг ҳали кўпчилиқка маълум бўлмаган бурҷақларига саёҳат қилгандай бўлади. Бу ҳеч шубҳасиз, ҳалқимизнинг Хиндистон тўғрисидаги тасаввурини бойитиши, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликнинг яна ҳам мустаҳкамланишига хизмат қилади.

### Китобнинг ўз «юзи» бўлсин

Китоб дўконига қирган киши, аввало, эътиборини жалб қилган асар билан танишади. Бу ўринда, албатта, китоб муқовасининг қай ҳолда эканлиги катта аҳамиятга эга.

XX аср 80-йиллари республикамиз нашриётларида чоп қилиниб, китоб дўконларида соғинаётган асарлар ташқи безағи - зийнати қай аҳволда эди? Кенг оммага мўлжалланган нашрлар ташқи безағи бўлувчи китобхон эътиборини жалб қила олаётими? Очигини айтишимиз керакки, бу соҳадаги ишлар қоникарли аҳволда эмас. Тўғри, кўпгина китобларимиз муносиб тақдирланган. Аммо, бир-икки китобни танловбоп қилиб чиқариб, қолганларини паст савияда кенг китобхонлар оmmasига тақдим этиш яхши эмас. Ҳар ҳолда, китоблар танлов учун чиқарилмайдиган-ку!

Нашриётларимизда чоп қилинган машҳур муаллифлар асарларининг рус ва ўзбек тилларидаги нашрлари орасида шаклий фарқ йўқ даражада. Аст бадий безаклар, афсуски, таржима нуҳада дидсиз қайтарик расмлар бўлиб қолмоқда. Айрим китоб безакларини қайси шаҳарда, қайси расом томонидан яратилганини фақатгина ундаги ёзувларни ўқиб билиш мумкин, холос. Чунки ўзига хослик этишмайди. Асар мазмуни билан танишмай, уни тушунмай туриб, китобга безак ишлаш иллатга айнаниб бормоқда. Натijaда асар мазмунига ҳеч алоқаси йўқ «дахлсиз» расмлар вужудга келмоқда-ки, уларни исталган шир ёки ёзувчи асарига қўшиб нашр қилиш мумкин. Ёзувчи Шўрур Холмиразевнинг «Оғир тош қўйса» номли асари муқовасига ишланган тасвири адабий асар мазмунига умуман мос деб бўлмайдди.


Албатта, шу ўринда нега китоб бадий безағининг савияси бу аҳволда, деган ўринли савол туғилади. Бу жуда катта муаммони фақат кенг жамоатчилик ва мутасадди ташқилотлар иштирокида ҳал қилиш мумкин. Аммо бу масалада китобхоннинг фикри ва қўзғатишларини ҳам ҳисобга олмак керак. Ушбу мақолада мен бир китобхон сифатида муайян китобларга ишланган тасвирлар асосида ўзбек китоб санъати тараққиётига оид баъзи мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Намуна сифатида бир расом томонидан яратилган уч асар безакларининг айримларини кўриб чиқайлик. Биринчи график тасвир Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Асарлар» (Тошкент, 1972) номли нашридан олинган бўлиб, унда улў Шарк шоирининг ижод қилиб турган пайти тасвирланган. У ўнг кўлида парқаламни тулганча, ёстиққа суяниб мушоҳада қилмоқда. Бошидаги салла ўраш услуби жиҳатидан XVIII аср Хиндистон учун характерлидир. Энгига ўша даврга хос бўлган қабо кийган.


Биз айна шу сиймони ва бош кийимини 1980 йили чоп қилинган Абу Али ибн Синонинг «Согомон ва Иссол» (2-расм) номли асарида учратамиз. Бу расмда шоирнинг соқоли бироз бошқача бўлиб, унинг ёнига «Абу Али ибн Сино» деб ёзиб қўйилган. Наҳотки, XIII - XIV асарда яшлаган улў Шарк шоири XI аср алломаси билан бир хил юз тўзилишига эга бўлиб, бош кийим-сёлла ўраш тарзлари ҳам айнан бир хил бўлса? Умуман, ушбу суратлардаги салла ўраш тарзи, расом томонидан фарқланмаган ҳолда, ҳам Амир




39. Мушффар Мирзоининг "Бот и сафет" да Бобур шарифига уюштирилган энсфати.  
У С М




40. Бабуззамон Мирзоини "Боти жахоноро" дари  
 Бобур шарифта уюштирган шефати.  
 Д.М.М. 1776 в.



41. Бабуззамон Мирзоини "Боти жахоноро" дари  
 Бобур шарифта уюштирган шефати.  
 М.С.М.




42. Бобур Хиротла Султон Хусайн Мирзо хонадонига.  
 Кўш расм. Чап томони.  
 Расмни Баннони Катон. Б. М. 253 а. в.




43. Бобур Хиротла Султон Хусайн Мирзо хонадонига.  
 Кўш расм. Ушг томони.  
 Расмни Хираф Чеган. Б. М. 252 а. в.



44. Бобур кутлон овида. Кўчир расм. Чан томонидан.  
М.С.М.



45. Бобур кутлон овида. Кўчир расм. Ўнг томонидан.  
М.С.М.



Хусрав Дехлавий, ҳам Абу Али ибн Сино, ҳам Пахлавон Махмул, ҳам Алишер Навоий, ҳам Ойбек асарлари кахрамонлари учун ишлатилган.

Улуғ шоир Амир Хусрав кўлидаги ёзув куроли — паткаламга эътибор беринг. Маълумки, Шаркда камшидан ёки каттик дарахтлардан ясалган қалам ёзув куроли сифатида фойдаланилган. Пат қаламга келсак, ундан кўпроқ Европа шеърлигида ва расмларида шеърлиг тимсоли сифатида фойдаланилган. Нега энди улуғ Шарк шоири пат қалам билан тасвирланган? Ёки бу расомнинг тушумасдан йўл кўйган ягона хатосими? Йўқ!

Чунки, шу рассом Абу Али ибн Синонинг юкорида номи эиқр қилинган асарлидаги улуғ алшома тасвирида ҳам ушбу дегални қайтаради. Емон томони. Ёш рассомлар ва тарихни яхши билмаган бошка ижодкорлар ҳам Шарк халқлари мутафаккирларининг кўлига пат қалам тутқазиб кўйишмоқлаки, бу ҳаёт ҳақиқатида, тарихий ҳақиқатга бутунлай эиндир. Ахир, мўътабар кўлғезмаларни зийнатлаш учун яратилган нафис мўъжаз расмларда одамлар қандай ёзув куролидан фойдаланганлари жуда кўп тасвирланган-ку! Абу Али ибн Синонинг «Соломон ва Ќосол» номили тўплами «Фалсафий қиссалар» бўлимининг кириш қисмида (3-расм) Одам Ато ва Момо Хавонинг жаннатдан қувилиши тўғрисидаги афсона тасвирланган. Тасвир мавзуси анъанавий бўлиб, у кўпгина ижодкорлар асарларида учрайди. Бу афсонанинг Абу Али ибн Сино ижодида қандай алоқаси бор? Ъоз устига жаннатда тасвирланган Одам Ато харобий қиймида, олтила қиличи, орқалда салоти кўриниб тўрботи. Фонда эса отлик тасвири. Ахир, афсоната биноян Одам Ато ва Момо Хаво жаннатда қиймез юринган ва унда иккисидан бошка одамзод бўлмаган. Қизини шундаки, Одам Ато ҳам XVII аср Ҳиндистонга хоос бўлган салтадан ўрар экан!

Айрим китоб безакларида тасвирланаётган маиниш анёларни билмаслик, дарахтларни гайри табиий қолатда тасвирлашга интилиш ҳам кўта ташланади. Масол тарихида, «Шоҳнома»га ишланган 4- расмини олиб кўрайлик. Ток соясид, беникта ётган боласига меҳр билан термизаётган она тасвирланган. Сизни тоқнинг гайритабиий тасвири хайратга солади. Ахир, узум бу хилда ўсмайди-ку, деб ўйлайсиз. Бу ток тасвири апохида нақш намунаси ёки қандакорлик асарлида учраса майли эди. Чунки улларда тасвири ута безакдор бериш мумкин. Аммо ушбу китоб безагида бу усул тўғри келмайди. Негадир, рассом бошка асарларида ҳам мевали дарахтлар тасвирида ҳаёт ҳақиқатидан юз ўтиради. У анор дарахтини ҳам олма дарахтига ўхшатиб тасвирлайди.

Агар бу мавхум тасвирларни тимсол сифатида қабул қиладиган бўлсак, бундай гайритабиий рамзийлаштириш фақатгина ута «авантард» шеърлиг учун характерли бўлиши мумкин. Ушбу тасвирдаги бола беникка нима билан боғланган? Беник ёпингичи қани? Бизнингча, бу рассомнинг ҳаётни чуқур билмаслигидан. Чунки унинг Шарк муаллифлари асарларида ишланган график асарларида ҳаткимиз ҳаёти учун характерли бўлмаган айрим ашёлар, рамзлар — узун ўрок тўғри қилич, чарх ва бош суяк тасвири учрайдики, бу сунъийлик китобхоҳини ранжитмай кўймайди. Ундаги она сиймоси ҳам китобхоҳда қоникмаслик хиссини кўзгалли табиий. Чунки аёл тасвирида гайритабиий бўрттиришга йўл кўйилган, шунингдек, нафосат, гўзаллик рамзи бўлган она образи ута кўполаштирилган.

Умуман, юкоридаги тасвирларни кузатган томошабин китоб рассоми Иван Кириакиди ижодида плакат ва маҳобатли санъат, шунингдек, XVII аср хинд миннаторга санъати унсурларини тартибсиз аралаштириб юборган деган хулосага келади.

Рассомлар ижоди ҳақида сўз юритганда, санъатшунослар фақат таврифу мадх этишлари эмас, балки унинг ижодий қамолоти учун хизмат қиладиган жиддий танқидий фикрларни ҳам баён этишлари зарур. Чунки ана шундагина ижодкор кўнгилидаги натижага эришиши мумкин. Зотан, республикамиз нашриётларида чоқ қилинаётган ҳар бир китоб



унинг маъмунига, ҳаёт ҳақиқатига, ҳалқимиз юксак эстетик дидига мос келадиган ажойиб расмлар ва безаклар билан зийнатланса, санъатимиз равнақи учун ҳам, китобхонлар маънавий камолоти учун ҳам фойдали бўларди.

Илова расмлар: 1. Абу Али ибн Сино портрети; 2. Амир Хусрав Деҳлявий портрети.

### Навий касри безаклари

Алишер Навоий асарлари беш аср давомида мохир ҳаттот, машҳур rassomлар ва бошқа китобат аҳли учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб келмоқда. Ўзбекистон халқ рассоми, Давлат мукофоти лауреати Чингиз Аҳмаров ҳам ўзининг дярли ярим асрлик ижоди давомида Алишер Навоий ҳаёти, асарлари ва у яратган образларга қайта-қайта муурожаат қилмоқда. Бу соҳада республикамиз тасвирий санъатига катта маданий ва бадний аҳамиятта молик ажойиб асарлар яратилди. Шоир номи билан атагувчи академик Катта театри залларини беساب турган жозибадор деворий суратлар 40 йил аввал яратилган бўлишига қарамай, ҳозир ҳам гузаллик шайдоларини мафтун этмоқда. Давлат Адабиёт музейи залларидаги Алишер Навоий шеърини бағишланган нафис тасвирилари, «Сабаъи сайёра» достонидagi етти гузал сиймоси туширилган латанларни, Ўзбекистон Давлат санъат музейида сакланган «Алишер Навоий макдиси» номли катта пологтонони қайд этгиш қиёф.

Чингиз Аҳмаров ижодда Алишер Навоий мавзуси кенг ўрин тутганини санъаткорнинг ижодхонасида яққол сезиш мумкин. Бу ерда улғу шоир ҳаёти ва ижодига оид кўплаб талкилотлар, асарларнинг турли даврлардаги нашрларини кўрасиз.

Кейинги уч йил давомида Чингиз Аҳмаров раҳбарлигида бир турух ижодкорлар – Ўзбекистонда хизмат кўраган санъат арбоби, хайкалтарош Аҳмад Шоймуродов, тажрибали кулол Аҳад Аминов, ёш rassomлар Икром Каюмов, Умар Мамабобек, Сабдулла Мамабобек, Тошкент эроти йўлининг Алишер Навоий номидаги касрини зийнатлаш ишлари билан банд. Бу ижодий ишнинг мураккаблиги, кийинлиги шундан иборатки, аввал деворий бўлма тасвириларнинг картонадаги нусхаси тайёрланади, сўنгра тасвир сопол пойига ўтказилиб, ранг берилган ва ўрта пиширилади. Бир лавҳа расми мўлжалдагидай чықариш учун ижодкорлар ўрасида кизгин баҳслардан ташқари, бутун меҳнат натижаси ўтга босгич бўлиб қолади. Баъзи лавҳаларни қайта-қайта ишлашга ҳам тўғри келади.

Метродаги ишимиз хали бутунлай туталгангани йўқ, — дейди Чингиз Аҳмаров. — Аммо хозиргача ижодий жамонинг ишлари мутасадди ўртоқлар, бадний кенгаши томонидан асосан мавкулланди. Булар улғу шоир достонлари — «Фарҳад ва Ширин», «Дайли ва Мажнун», «Сабаъи сайёра», «Салди Искандарий» асосида яратилган туртта бўлма тасвирилар ҳам Алишер Навоий лирик қаҳрамонлари сиймоси тасвирланган ўтга композициядан иборатдир. Биз ўз ижодий меҳнатимиз билан халқимиз юксак бадний дидига мос келадиган, улғу Алишер Навоий асарларидаги ажойиб образларга яқинлашадиган асарлар ярата оласак, ўзимизни бахтиёр ҳисоблардик.

### Теран тассурут

Сўнгги вақтларда жаҳон санъатшунос олимларининг энг йирик анжумани бўлган Шарк гилам санъати бўйича ЮНЕСКО шафелигида халқаро симпозиумнинг Боку шаҳрида ўтганини Озарбайжоннинг гилам ишлаб чикаришдаги, гилам санъатини ўрганишдаги ва ушбу соҳа мутахассисларини тарбиялашдаги улкан муваффакиятларининг жамбатчилиги томонидан тан олинилди. Айниқса, мана шу анжуман арасида атоқли гилам мутахассиси, Давлат мукофоти лауреати Латиф Керимовнинг ўн жиладди

монографиялар сериясидан иккинчи ва учинчи жиладларини чоп этилиши ана шундан гўвоҳлик беради. «Озарбайжон гилами» номли бу фундаментад талкилотлар барча санъатшунослар учун кимматли маълумотлар манбаидир.

Менга миннатдара бўйича мутахассис бўлганим учун ҳам бу қардеш республикадаги халқ амалий санъатларини ва миннатдара расм санъатининг ўрганилиши, уларнинг авайлаб асралиши, ардоқланиши, қолаверса, энг ноёб санъат обидаларини кўп сонли музейларда юксак дид билан тамошабинларга тақдим этилиши катта таассурот қолдирди. Бу ўринда Бокудаги ажойиб гилам санъати музейи ва Ганжадаги Шарк миннатдара санъати музейи дунёнинг бошқа ҳеч жойида йўқлигини айтиб ўтиш зарур. Шунингдек, беш қоздан ортик аъзога эга республика Rassomлар Уюшмасида махсус миннатдара шўбаи борлиги ҳам кишини қувонтиради.

Маълумки, Шарк миннатдара тарихида XIV—XVI асрлардаги Табриз миннатдара мактаби алоҳида роль ўйнаб, атоқли мусаввирлар томонидан яратилган ноёб мўъжаз расмлар бутунги кунда халқ равишда жаҳон маданияти дурдоналари каторида ўрин олган. Мана шунинг учун Шарк гилам санъати ва миннатдара санъатининг ҳам йирик анжуманда ўрганилиши, тасвирий санъатининг бу ажойиб турининг жаҳон микёсида эътироф этилиши, деб ҳисоблаш мумкин.

Бокудаги халқаро анжуман Шарк халқлари тасвирий санъатининг йирик билимдони, Россия Бадиий академиянинг халқий аъзоси Борис Веймарндан ташқари, Германиядан келган истевдодли олима Керин Рюрданс, Санкт-Петербурглик Анатолий Иванов, душанбелик Мукаддима Ашрафий ва Лутфия Айний каби шу соҳадаги йирик мутахассислари тўплади. Унинг ишида Озарбайжон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, профессор Латиф Керимов, санъатшунослик фанлари номзоли Нодир Замонов ва бошқалар иштирок этдилар.

Умуман, Закавказьедаги республикаларнинг ўз маданиятини ўрганиш бобидagi анъанавий халқаро илмий конференцияларни кузатган мутахассис, уларнинг ижодий тажрибаларидан Марказий Осиё республикаларида ҳам фойдаланиш вақти келмадимикиан, деб ўйлаб қолади.

Дарҳақиқат, мана шундай талдирлар Марказий Осиё республикаларида ўтказилса, бир томондан эришилган муваффакиятлар ёркин кўзга ташланади, иккинчи томондан келгусида қилинадиган ишлар ҳам аён кўринадди. Шунинг билан бирга зарур соҳаларда юксак малакали мутахассисларнинг тайёрланишига ёрдам бўлув эди. Алобта, бунда халқаро анжуманларни ташқил қилишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун энг аввало мутахассисларнинг таллабубускорлиги, уюшқоклиги, фаоллиги ҳамда мутасадди ўртоқларнинг ёрдами ва ҳамкорлиги зарур.

Бокудаги анжуман ютуқларининг каторида келгусида қиладиган, амалга оширадиган ишларни ойдиллаштирди. Жумладан, Марказий Осиёда гилам ишлаб чикариш ва уни ўрганиш бўйича республикамизда юкори малакали кадрлар йўқлиги, уларни тарбиялаш зарурлиги маълум бўлиб қолди. Хуллас, Бокудаги Шарк гилам санъати бўйича халқаро анжуман катта санъат байрами сифатида юкори илмий ва ташқиллий савияда ўтказилди.<sup>84</sup>

### Олим, ҳаттот, мураббий

Абу Райхон Беруний номидаги Шарк кўлёмалари Маркази жаҳонга машҳур ноёб Шарк кўлёмалари ва кимматли тошбосма китобларнинг кирк мингдан энёд жиладди мажмуасига эга. Шу билан бирга марказ илм аҳлининг ютуқлари ҳам кенг жамбатчилиқка

<sup>84</sup> Ушбу мақола "Ўзбекистон санъати" журнагида чоп этилган мақоланинг газета тахриридир.

яхши маълум. Жумладан, Шарк мамлакатлари тарихи, маданияти ва илм-фанни ўрганишдаги, халқлар ўртасидаги тинчлик ва ҳамкорликни тартиб этувчи талкилотлари учун 1981 йилда Марказ жамоеси Абу Али инб Сино номидаги халқаро мукофотнинг биринчи лауреати бўлди.

Жамоя кўлга киритган бу ва бошқа муваффақиятларда етакчи олимлар, талкилотчиларнинг ҳам муносиб хиссаси бор. Ана шундай фидоийлардан бири Усмон Каримовдир. Хаттот, бир неча тил билмодони, библиограф китобшунос Усмон Каримов чорак аср давомида институт фондида қабул қилинган кўлэзма ва босма китоблари рўйхатлаш, карточкалар тузишда фаол қатнашган. Моҳир хаттот сифатида турли фан соҳаларига оид маълумотлар дафтарларини, шунингдек, тарихчи Рўзбехон Исфохонийнинг «Меҳмонномаи Бухорий» номили асари кўлэзмасининг етишмаган қисмларини бошқа нусхалар асосида тўлдирган. Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган Гўлханнийнинг «Зарбулмасал» асари матни Усмон аканинг қаламига мансуб.

У хаттот сифатида Самарқанддаги Шердор мадрасаси деворидаги ёзувларни қайта тиклашда иштирок этган, Алишер Навоий, Абу Райхон Беруний, Мухаммад ал-Хоразмий, Абу Али инб Сино каби улўғ алломаларнинг қобилейларига бағишланган ёдгорлик сояғаларга байт ва турли давҳаларни ёзиб берган, XVI аср шоири Нисорийнинг «Музақкирул акбоб» номили таъкирасини ўзбек тилига таржима қилиб, нашрга тайёрлаган. Шунингдек Усмон ака «Йбодулла, Одилов — шарқшунос» номили китобча ҳамда 60 дан ортик турли мавзудаги маколаларни «Фан ва турмуш», «Тошкент оқпоми», «Янги ҳаёт» каби вақтли матбуот нашрларида эълон қилган.

Усмон аканинг ҳам мураббий — олим, ҳам маслаҳатчи — мутахассис сифатидаги фаолияти, айниқса, ибратлидир. Жумладан, М.Кутлужов, Э.Исмоилова, Н.Йўлдошева, А.Мирсаатов ва бошқа илмий ходимлар ҳолисона ёрдами, маслаҳати утун Усмон акани устоз каби хурмат қиладилар.

Ўзбекистон халқ рессоми Чингиз Аҳмаров ҳам бу захматқаш илм фидоийси ва моҳир хаттот ёрдамидан кўп баҳраманд бўлганини таъкидлаб, сайланма асарлари альбомига дастхат ёзиб берган.

Шарк кўлэзмалари маркази жамоеси ҳамда Усмон аканинг ёрдамини олган барча илм-фан кишилари олим, хаттот, ажойиб инсон Усмон Каримовни кутлуг 60 ёши билан табриқлайди. унга янги-янги ижодий муваффақиятлар, сикат-саломатлик тилаймиз.

О. Жалилов билан ҳаммуаллифликда.

### Шарк миннатдоралари

Шарк халқларининг муштарак мероси бўлмиш қадимий мўътабар кўлэзмаларни зийнатлаш учун яратилган нафис миннатдорларининг энг яхшилари жаҳон тасвирий санъати шох асарлари сирасига қиради. Бу ажойиб санъат X — XIX асрлар давомида Яқин ва Ўрта Шарк маданият марказлари — Самарқанд, Бухоро, Хирот, Табриз, Боғлод ва бошқа шаҳарларда турли даврларда тараққий топди.

Миннатдорлар учун илмий ва бадиий адабиётлар асос бўлиб келган. Кейинги вақтда Шарк миннатдора санъати бутун дунёда ажойиб рессомлик намунаси сифатида тан олинди, энг яхши намуналари юксак полиграфик савиёда чоп этилмоқда, махсус тадқиқотлар эълон қилинмоқда. Мамлакатимиз олимлари, хусусан, шарқшунос, санъатшунос олимлар ҳам Шарк миннатдорасини ўрганишга муносиб хисса қўшишмоқда. Айниқса, бу ўринда Захриддин Мухаммад Бобур, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Низомий Танжавий асарларига ишланган миннатдораларни ўрганишдаги муваффақиятлари салмоқлидир.

Тошкентда чоп этилган «Бобурнома расмлари» альбому кўп нусхада 4 марта нашр этилиб, бутун жаҳонда тан олинган ва 1971 йили Лейпцигдаги Халқаро китоб кўргазмасининг кумуш медали билан тақдирланган эди.

Етакчи санъатшунос олима, Ўзбекистон Республикаси ФА академиги, профессор Галина Анатольевна Пугаченкованинг санкт-петербурглик олима Олимпиада Галеркина билан ҳамкорликда чоп этилган «Марказий Осиё миннатдоралари» номили альбом-тадқиқоти 1980 йили махсус дипломи билан мукофотланди.

Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган, Эльмира Исмоилова ва Елена Полякова тайёрлаган «Шарк миннатдораси» ҳам бу соҳадаги муҳим ишлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриётида 1982 йили чоп этилган, профессор Хамид Сулаймон ва Фозила Сулаймонова тартиб берган «Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар» номили альбом мамлакатимизда Шарк миннатдорасини ўрганиш соҳасида нашр қилинган энг бой китобдир. Шунинг учун ҳам бу альбом муносиб равишда мукофотга сазовор деб топилди.

«Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар», «Алишер Навоий асарларининг бадиий кўлэзмалари» ва «Низомий «Хамса»сига ишланган расмлар» номили терма альбомлар ҳам кенг жамоатчилик томонидан яхши кўтиб олинди.

Ўтган йили Озарбайжон ФА мухбир авзоси, профессор Керим Жабар ўғли Керимов тартиб берган «Низомий «Хамса»си миннатдоралари» номили ажойиб альбом юксак полиграфик савиёда чоп этилди. Шуниси қувонарлики, ушбу альбом саҳифаларидан жой олган расмлар ичинда Марказий Осиёдан чиққан рессомлар асарлари ёки бу ерда яратилган мўътабар кўлэзмалар зийнатлари ҳам ўрин олган. Бу ўринда асли термизлик, аввал Табризда, кейин Хиндистонда яшаб ижод этган, устод Камолдин Беҳзод шогурдларидан бири Мир Саййид Али яратган миннатдора ўзининг юксак бадиий савияси билан алоҳида ажралиб туради.

Альбомдаги 140 та миннатдорадан 32 таси Марказий Осиёга таълиғқилдир. Умуман, «Низомий «Хамса»си миннатдоралари» альбомининг чоп этилиши санъатшуносликнинг янги бир ютуғидир.

Илова расмлар: 1. Китоб фотоси; 2. Мир Саййид Али расми; 3. Яна иккита расм.

### Нафосат намунаси

Ўзбекистон санъатшунослик илми XX аср 80-йилларида салмоқли муваффақиятларга эришмоқда. Санъатшунос олимлар бадиий меросимиз — қадимги мўътабар кўлэзмаларни зийнатлаш учун яратилган нафис миннатдораларни ўрганиш, энг яхши намуналарини нашр қилиш соҳасида кўза кўринарли ишларни амалга оширишди. Шу маънода халқаро миқёсда юксак баҳоланган, 4 марта қатта тиражда қайта-қайта нашр қилинган «Бобурнома» расмлари «Алишер Навоий достонларига ишланган расмлар», «Шарк миннатдоралари», «Марказий Осиё миннатдоралари», «Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар» каби ажойиб альбомларнинг номларини эслаш ўринлидир.

Профессор Хамид Сулаймон ва Фозила Сулаймонованинг Шарк миннатдора санъатини ўрганишдаги фаолиятлари, улар томонидан тартиб берилган альбомлар китобхонлар ва санъат муҳлисларининг алоҳида эътиборига сазовор бўлди. Ўзбекистон ФА «Фан» нашриёти яқинда чоп этган «Амир Хусрав Деҳлавий асарларига ишланган расмлар» альбому шу олимларнинг қатта хизматлари натижасида юзага келган бўлиб, бу нашр барча санъат муҳлисларини беҳад қувонтирди. Альбом ғўзал нафосат мажмуаси бўлиб, миннатдора ва китобат санъати шайодаларини жуذا хурсанд қилди. Шунингдек,

турли маданий ҳазиналардан тўплайиб, юксак савияда чоп этилган бетакрор ва ранг-баранг миниатюралар шахсий кутубхоналардан, ижодкорлар устахоналаридан жой олиши мумкин.

Альбом ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги муқаддима, миниюра ҳамда нақшли эйнаёлар намуналаридан иборат. Унинг охирида кўлэзмалар ва миниатюралар руҳияти келтирилган. Альбомда улуг хинд шoirи Амир Хусрав Деҳлавий асарлари кўлэзмаларининг Париж Миллий кутубхонасида, Хиндистоннинг Хайдаробод шаҳридаги Саларжанг ва Деҳлидаги Миллий музейда, Санкт-Петербургдаги Россия Миллий кутубхонасида, Бокуддаги Кўлэзмалар фондида ва Абу Райҳон Беруний номидаги Шарк кўлэзмалари Марказида сақланётган 21 та ноёб кўлэзмадан танлаб олинган 85 та миниатура ҳамда 32 та (шамс, сарлаҳа ва зарварак каби) китобат зийнатлари бор. Мазкур миниатюралар ва китобат зийнатлари XIV — XVII асрлар давомида йirik маданият марказлари — Бухоро, Хирот, Табриз, Шероз каби шаҳарларда турли мусавирлар, наққошлар ва музашхонлар томонидан яратилган бўлиб, китобат санъатининг ноdir обидалари ҳисобланади.

Альбомда чоп этилган Шарк кўлэзмалири Марказида сақланаётган XIV асрга тааллуқли «Хамса»нинг энг қадимий миниатюралар кўлэзмасидан олинган тасвирларнинг Шарк миниатура санъати тараққиётида жуда катта роль ўйнаганини алоҳида қайд этиш лозим. Улар композицион жиҳатдан ихчам, ҳолатлар табиий ва жонли, ранглари эса самимийдир.

Қамолиддин Бехзод мўйқаламига мансуб 6 та миниатура альбомга алоҳида нафосат баҳш этиб турибди. Бу асарлар кенг жамоатчилик ва мутахассислар томонидан тан олинган, жадон тасвирий санъатининг дурдоналаридан саналади. Миниатюралар тарҳининг пухталиги, ранглар ўйгушлиги ва муъаносиблиги, чизикларнинг нозиклиги ва муънавайиблиги, нақшларнинг нафислиги, кийфаларнинг кўтаринки ҳолати, ифода ҳушбўйлиги ўзига ҳослини ҳамон китобxonни хайратга солади. Унга неқис эстетик завқ бағти емайди.

Альбомдан ўрин олган барча миниатура ва китобат зийнатлари ҳам юксак санъат намунаси сифатида Шарк тасвирий санъати ҳамда миниатура мактабларининг ўзига ҳос бадиий ҳусусиятлари намойи килади. Кўлэзмалардаги миниатура ва нақшли композициялар Амир Хусрав Деҳлавий асарлари ўрта Шарк рангтасвири тараққиётида муҳим ўрин тутганлигини, шунингдек, унинг девон ва маснавийлари Хиндистоннинг форсий адабиёти ва миниатура санъати тараққиётига ҳам самарали таъсир этган.

Ушбу шоир асарларида тараннум қилинган инсонпарварлик ғошлари асарлар давомида тасвирий санъат вақилларинин илҳомлантириб келган. Амир Хусрав Деҳлавий асарлари кўлэзмаларига яратилган миниатюралар Марказий Осиё ва Хиндистон маданий алоқаларининг зараракларини ташкил қилади. Мазкур альбомнинг чоп этилиши натижасида жуда қимматли ва бой манбалар илмий муомалага киритилди.

Ушбу ажойиб альбомнинг яратилиши республикамиз бадиий маданиятида ўзига ҳос воқеа бўлди. Альбомдаги сўзбошини ўқиб, ундаги миниатура асарларини оёдон томоша қилиш жараёнида янги фикрлар туғилиши табиий. «Бобурнома расмлари» альбомидати каби ҳар бир тасвирга ихчам изоҳ берилса, бизнингча, миниатюралар сюжети китобxonларга янада тушинарлироқ бўлар эди. Бирмунча техник камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бирок бу альбом муаллифларнинг буюк хизматларини таъкидлашга тўсик бўлолмайди, албатта.

Хулоса қилиш мумкинки, «Амир Хусрав Деҳлавий асарларига ишланган расмлар» альбомининг юксак полиграфик савияда чоп этилиши республикамизда Шарк миниатура санъатини янада чуқурроқ ўрганишга асос ва қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Ч.Ахмаров билан ҳаммуаллифликда.

#### Улугбекнинг ноdir асари

*Ҳурматли редакция! Улуг ўзбек олими Мирзо Улубек «Шажараи турк» деган асар ёзган экан. Бу асар хозиргача сақланиб қолганми? Шу ҳақда маълумот беришингизни илтимос қиладман.*

*М.Юсупов*

Мухаммад Тарагай Мирзо Улуғбек (1394 — 1449) Шарқда мумтоз астрономия фани тараққиётига катта улш қўшган забардаст олимдир. Унинг «Эйчи жалиди Қўрагоний» номли асари астрономия, геометрия ва тригонометрия фанлари ривожига салмоқли хисса бўлиб қўшилган. Бу ноdir асар XVII асрдан буюн Европа ва Америка олимлари Ж.Гривс, Т.Хайт, Ф.Бейли ва бошқалар томонидан ҳам изчил ўрганилган.

Мирзо Улуғбекнинг илмий мероси хозирги кунда чуқур тадқиқ қилинмоқда. Жумладан, «Эйчи жалиди Қўрагоний» В.Бартольд, Қори Нисзий, Г.Собирров, В.П.Щеглов, Б.А.Розенфельд каби олимлар томонидан юксак баҳоланган.

Мирзо Улуғбек аниқ фанлардан ташқари Шарк мумтоз адабиёти, муслиқи ва тарихи каби илмлари ҳам чуқур эгаллаган олим бўлган. Ғайсиқддин Хондамир, Мирзо Муҳаммад Хайдар, Махмуд ибн Вали каби XV — XVII асрнинг атоқли тарихчи олимларининг ёзма маълумотларида қайд этилишича, Мирзо Улуғбек «Тарихи арбаб улус» («Тўрт улус тарихи») номли тарихий асар яратган. Аммо бу ноёб асарнинг мукаммал тўла нусхалари бизгача етиб келмаган. Унинг муҳтасар, яъни қисқартрилган кўринишдаги бешта мўътабар кўлэзмалари маълум бўлиб, уларнинг иккитаси Англиянинг Хиндистон маҳкамаси кутубхонасида ва биттадан Британия музейи фондида, Хиндистоннинг Патна шаҳридаги Худобахш кутубхонасида ҳамда АКШнинг Гарвард университетети марказий кутубхонасида сақланмоқда. Шулардан бирини шарқшунос олим Майлис инглиз тилига таржима қилиб, 1838 йили «Шажараул ауро» номи билан чоп эттирган.

Мирзо Улуғбек асари ўша давр анъанасига бинсан форс тилида ёзилган. Асар машҳур тарихчи Ғазлуллох Рашиддиннинг «Жомиут таворих» асарига яқин бўлиб, китобда XIII — XIV асарлардаги Марказий Осиё ва унинг қўшни мамлакатлари, тарихан тўрт улус — Улуғ Юрт, Олтин Ўрда, Марказий Осиё ва Эрон худудларида яшаган халкларнинг иқтимоий-сиёсий тарихи баён этилган.

Мазкур асар турли тарихчилар томонидан маълум даражада истеъфода этилган ва у турли халклар ўртасидаги иқтимоий-сиёсий муносабатлар, қисман ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Мирзо Улуғбекнинг бу асаридан «Таробий кўзоголони» номли парча таржима қилиниб, «Ўлистон» журналининг ўтган йил январь сониди босилган эди. 1979 йилда Тошкентда «Улуғбек даври фан тарихидан» номли китоб ҳам чоп этилган. Шу китобда тарих фанлари доктори Б.А.Аҳмедовнинг «Улуғбек ва унинг тарихий асари «Тарихи арбаб улус» деган мақоласида буюк олимнинг асари хақида қизиқарли маълумотлар бор.

#### Улкан муваффақиёт

Ўрта ва Яқин Шарк мамлакатлари халқларининг маданий мероси ва хозирги даврдаги ҳаётини муаммоларини ўрганишдаги катта муваффақиётлари учун ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтини<sup>85</sup> иқтимоий фанлар билан

<sup>85</sup> Институт хозир Абу Райҳон Беруний номидаги Шарк кўлэзмалари Марказига айлантирилгани юқорида

шугулланувчи илмий-текшириш муассаслари ўртасида ўтказилган 1983 йилги республикалараро мусобака галиби деб топилди. Институт Россия ФА байроғи билан мукофотланди.

41 000 жилддан зиёд мўътабар кўлёзма ва кимматли тошбосма китоблар хазинасига эга бўлган институтнинг ўрта асрлар Шарқи алломалари Абу Наир Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Улугбек каби сиймолар ҳаёти ва ижодига бағишланган махсус тадқиқотлари кенг жамоатчилиikka маълум.

Институт чет эл илмий жамоатчилиги билан илмий-маданий ва дўстлик алоқаларини мустақкамлаш ишига ҳам салмоқли ҳисса кўшиб келмоқда. Хусусан, Афғонистон Академияси, Хиндистон Миллий Академияси, Венгрия Фанлар Академияси билан илмий ҳамкорлик асосида маданий алоқаларимиз тарихига оид илмий-тадқиқотларни нашруга тайёрламоқда.

Ўтган йили жамоа илмий-ташкилий, илмий-тадқиқот соҳаларида ва илмий тўғламларни наشر этиш бўйича анчагина ютуқларга эришти.

1983 йили амалга оширилган йирик илмий тадқиқотлардан Абу Али ибн Синонинг жаҳонга машҳур беш китобдан иборат «Гиб конунлари» асарининг ўзбек тилидаги иккинчи, тўзатишган нашрининг якунлангани ҳамда Абу Райхон Беруний «Танланган асарлар»нинг рус тилидаги еттинчи жилди тайёрланганини таъкидлаш ўринлидир.

Илмий ҳодимлар томонидан 17 монография, 7 рисола, 150 дан зиёд мақолалар эълон қилинди. Булар орасида Муҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий асарлари, унинг ҳаёти, ижодига оид тадқиқотлар муҳим ўрин тутди. Абу Али ибн Синонинг «Гиб конунлари» асарининг 2-жилдини, «Марказий Осиёдаги социал-ўқулик гоёлар» мақолалар тўпламини салмоқли нашрлар сифатида алоҳида айтиб ўтиш жоиздир.

Шарқ мамлакатлари тараққиётининг хозирги муаммоларига бағишланган наشرлар орасида Афғонистон, Хиндистон, Эрон, Миср адабиётлари, сиёсий ва иқтисодий соҳаларга доир махсус монографиялар ҳам маъжуд.

Р.Баҳодиров билан ҳаммуаллифликда.

#### Мақбул тadbирлар керак

Қадирий салватга кенг йўл!

«Усто»да минияторачилар аҳволи

Республика бадий билим юртида минияторачилар ижоди.

Минияторачилар ижодкор бўлиши лозим.

Миниятура ривож учун қандай тadbирлар керак?

Маъбулот саҳифаларидан Ўзбекистонда муқтов миниятура санъатини тиклашга уринишлар хақида ўқилганиз. Республикаминиз Рассомлар уюшмаси Бадиий фонди тизимида ташкил этилган «Усто» халқ усталари уюшмасида Ўзбекистон халқ рассоми, профессор Чингиз Аҳмаров раҳбарлигида муқтов Шарқ миниятураси анъаналари асосида ишлар қилинаётгани, Шомаҳмуд Муҳаммаджонов, Ниязали Ҳолматов каби минияторачи рассомларнинг шу соҳани тиклаш, ривожлантириш хусуסיдаги фикрлари (Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1983 йил, 18 февраль сони) ни ўқиб, Ш.Муҳаммаджоновнинг «Маҳмуд Кошғарий портрети», «Девону луготит турк»даги халқ кўшиқларига ишланган минияторалари («Ёшлик», 1982 йил, 7-сон), халқ достонларига ишланган қатор суратлари («Дулiston», 1982 йил, 12-сон) ни кўриб, бу санъат ривож учун қай аҳволда

эканини янада аниқроқ билиб олиш учун минияторачи рассомлар билан учрашишни лозим кўрдик.

Профессор Чингиз Аҳмаровни Тошкент метрополитининг янги, «Алишер Навоий» бекати беақлари устида кизгин иш жараёнида учратдик.

Миниятура санъати тўғрисида гапирганда, энг аввало, марҳум олимимиз, профессор Ҳамид Сулаймоннинг хизматларини хотирлаш керак. У Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейини ташкил этишда жонбозлик кўрсатди. Мутахассислар билан яқин алоқа боғлади. Жаҳон ва мамлакатимиз музейларига борди, излади. Шарқ ва Марказий Осиё миниятура санъати намуналарининг рангли фотонусха — слайдларини музейга олиб келишга эришти. Бизда ягона хисобланган бухоролик Садриддин Почтаев (1940 йили вафот этган) каби мусаввир асари ҳам Ҳамид Сулаймон ташаббуси билан музейдан ўрни олди. Қолаверса, умидли ёш Шомаҳмуд Муҳаммаджоновга Ҳамид Сулаймоннинг устозлик ўрни алоҳида. Мана, Шомаҳмуднинг навбатдаги иши...

Чингиз Аҳмаров бизга Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашруетида 1983 йили чоп этилган Увайсийнинг «Девон»и муқовасини кўрсатди.

Шоиранинг, масалан, «Бу на гумбазидр...» деб бошланувчи рубойиён, «Кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди», «Увайсийман» каби ғазалларига ҳам минияторалар ишлаб, китоб ичинда бериш мумкин эди-ку — деб савол бердик, устозга.

Мумкин, - деди Чингиз ака. - Балки бунлар келажакда бўлиб қолар. Минияторачиларимиз — изланувчан, умидли ёшлар. Шомаҳмуддан таъкари Ниязали Ҳолматов, Файрат Камолов, Интизор Асқархожаев каби ёшларнинг бу нафис мўъжаз санъат соҳасидаги илк ютуқлари кўнгилни қувонтиради. Уларнинг янги асарлари бу санъатнинг келажакги порлок эканлигидан далолат беради...

«Усто» уюшмасининг директори Шоҳали Шоеқубов бирлашма 1978 йилда ташкил этилгани, хозир йигирма бешта халқ амалий санъат бўлими ишлаб тургани, бу ерда 1981 йили Хукумат қарори асосида локли минияторачи тиклаш вазифасини мақсад қилиб олингани, Россиянинг Иваново вилоятидаги Палех минияторачилари билан ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузилгани, улардан катта мадад олинаётгани, аммо хозирча жой, материаллар, бўёқлар етишмаслиги, Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси Бадиий фонди, бир неча бор ташкилий масалаларда ёрдам сўраб хатлар юборилганига қармай, кўмак бераётгани хусуסיда кўкениб гапирди.

«Усто»даги минияторачилар ўз асарлари учун фақат улар сотилган тақдирдагина, ярим баҳоси миқдорига ҳақ отар эканлар...

- Бизда ҳамма усталар шу тартибда ишлайди.

Минияторачиларнинг ўзлари билан ҳам суҳбатлашдик. Уларнинг хасратидан қанг чикади.

«Усто» уюшмасида бадиий кенгаш мавжуд бўлиб, унинг таркиби пиламчи, ёғоч ўйнақори, наққош, қулол, кандакор, санъатшунослардан иборат бўлиб, бошқа усталарнинг ишлари қаторида минияторачи рассомлар асарларига ҳам шулар баҳо бегилилар экан. Минияторачи рассомлар бадиий кенгаш таркиби ва баҳосидан мамнун эмас. Нетаки, кенгаш асарни бадиий асар сифатида эмас, қўпроқ ишлаб чиқариш, хунарманчилик махсулоти сифатида баҳолаб, оқибатда бадиий ижодий фаолит билан ишлаб чиқариш фаолити қоритириб юборитар экан. Устига устак, хозир минияторачи рассомлари учун хукумат ажратган махсус бино «Усто» уюшмасидаги бошқа қаб эгалари томонидан леярли банд қилиб олинбди, минияторачиларнинг ўзлари эса, вақтинча ижарага ўтирган кўшиқлардай бўлиб қолбди. Шуниси ачинарлики, минияторалек бой санъатни эгаллаш ичинжида уюшмага қатнаб турган ўн ёш рассом, шароити бор - йўқлиги хисобга олинмай, жой йўқ деган сабаб билан уйда ишлашга ўтказилибди.

«Усто»да миниатюра бўлими ташкил этилган пайтда Палех бирлашмаси шартномага кўра уларни буюк, миниатюра чизиллиши керак бўлган ҳар хил ашё (заготовкка) лар билан тавминлаб турган. Бундан то миниаторачилар ўз ишларини йўлга қўйилгунча уларга тажриба ўргатиш кўзда тутилган эди. Аммо хозир Палехдан юборилган материаллар тулаб (хадёб улардан сўрайвериш ҳам ноқулай, ахир), «Усто»нинг ўзида хомашёларни тайёрлаш ханузгача ижобий ҳал этилмаганлиги сабабли, миниаторачилар оғир ахволда қолганлар. Униқ билан келган ёш расомлардан африқилари бу ердан кетишга мажбур бўлган. Тасаввур қилинг, материал танкис бўлса, уларни тайёрлайдиган хунармандлар моддий томондан қониқтирилмаса, буюк етишмаса, жой торлик қилса, миниаторачилар асарларини сотилишини кўтиб ётса, бу санъатни ривожлантириш учун кенг ижодий имкониятлар хусусида гапирмаса ҳам бўлади...

Биз «Усто»дан чиқиб Республика бағдий бўлим юртига бордик. Чунки, бу ерда бўлгуси миниаторачи расомлар тавлим олади. Уларда ахвол қандай экан?

Билим юрти директори Эркин Холмухаммедович Охунов ва докли миниатюра муаллими Владимир Сергеевич Ан билан узок суҳбатлашмишга тўғри келди. Улар бизга тарих, миниатюра санъати тарихи, қадимги даврлардаёқ шаклланган санъатнинг Сўра маданияти, марказий Осиё марнавайи Уйғониш даврининг қамолга етган IX-X асрлар, ан-Нотийий (XI аср), устод Махмуд Сиёҳкадам (XIII аср), мавлоно Хожа Абдулқай (XIV аср), Камолддин Бехзод (XV аср) каби санъаткорлар ижодини, Самарқанд, Бухоро, Шохрухия (Толкент) миниатюра санъати мактаблари ҳақида баътафсил гапириб беришди. Миннатюра санъатининг тикланиши гоёт муҳим иш, санъаткорнинг бурчи эканлигини таъкидлашди.

Миннатюра санъатини қадимий кўёзма китобларни беаган, китобат санъати билан узвий алоқада тараккий топган ва жаҳон тасвирий санъатида бетакрор ўрни эгаллаб кетган - дейди Эркин Охунов. -- Ахир, жаҳондаги энг нуфузли музейлар ва кўёзма фондларида асраб-авайлаб сақланган обидаларнинг унутлиб кетиши мумкин эмас-ку! Бундан беш йилча муқаддам ўрта махсус билим юрти раҳбарларининг Россиянинг Иваново вилоятидаги Палех билим юртини битириб келган Владимир Ан билан маслаҳатлашдик. У ҳам менинг фикримга қўшилди. Имкониятларимизни чамалаб кўриб, билим юртимизда миниатюра гуррухини ташкил қилсак, деб Ўзбекистон Маданият вазирига мурожаат қилдик. Вазириликчилар ташаббусимизни қўллашди. Натижанда 1980 йили билим юртимизда докли миниатюра бўйича тажриба гуррухига қабул эълон қилдик...

Биз билим юртининг докли миниатюра ўқув кабинетига кирдик. Ҳар бир миниатюра талабанинг бор имкон билан ишлашга мослашган машгулот ўрни, хона девориди ижод жараетни тасвирлари, машиклардан намуналар, буюк расом Камолддин Бехзод ва унинг шогирдлари ҳақида маълумотлар...

Владимир Ан бизга миниаторачи талабаларнинг илк ишларини мамнуният билан кўрсатди.

Булар биринчи ва учинчи курсда ўқиётган талабаларнинг ишлари. 1985 йили ёш миниаторачиларимизнинг дастлабки гуррухи битириб чиқади. - дейди Владимир Ан.

- Улар ўқишни тамомлагандан кейин қаерга ишга боришди? - деб сўрадик.

- Бизни ўйлантирадиган масала ҳам шу. Биз ёш ижодкор расомлар тўғрисида қайтарамиз. Билим юртини тугатган миниаторачи «Усто»га бориши керак. «Усто» эса... деб бир зум ўйлашиб қолди Эркин Охунов - афсуски, ишлаб чиқариш уюшмаси.

- Палех-чи, у ишлаб чиқаришдан ажралганми?

- Аксинча, Палех миниатюра мактаби ишлаб чиқаришга мослаштирилган. Аммо, унинг беш минг аҳолилик бутун бир қилпоққа жойлашганлигини ҳам унутмаслик керак. У ерда яшайдиганларнинг барчаси миниатюра санъати билан шуғулланади ҳамда

уларнинг 93 фонд асарлари хорижга чиқарилди. Шу қилпоқнинг ўзида мактаб ҳам, уларнинг санъати билим юрти ҳам, музей ҳам бор. Олтиш етти миниаторачи расом Россия Расомлар уюшмаси аъзоси. Палехнинг ташкил этилган олтиш йил бўлди. Бизда эса, мана дастлабки қалдирғочлар энди пайдо бўляпти. Бунинг устига «Усто» факат миниатюра санъатига ихтисослашган уюшма эмас. Шунинг учун бизда тарбияланган истеъдодларни келажакда «Усто»га юбориш миниаторачини ўз ихтиёримиз билан боши берк қўчага киргизиб қўйиш бўлур эди. Менмица, - деди Эркин Охунов. - Билим юртимиз қошида миниатюра санъатига ихтисослашган ижодий устахонасини ташкил қилиниши керак. Шундай устахона ташкил этилса ва у ташкилотлар билан шартномалар тўзса, буротмалар қабул қилса, турли оммавий-сиёсий фаолиятга мўлжаллаб ишларни режалаштирса, ... Шунда, устахонада ишловчи расом факат план бажариб, ҳақ олиш учун эмас, санъаткор сифатида ҳам ижодий эркинроқ ишлайди. Бу - бир.

Иккинчидан, бу устахона, бизнинг миниатюра гуррухимизда тавлим олаётган талабаларга бевосята ижодий лаборатория вазирасини ҳам ўтайди.

- Шундай тажриба устахоналари Болтйқбуйи республикаларида билим юртлари қошида мавжуд-ку! Озарбайжонда расомлар уюшмаси қошида миниатюрислар шўъбаси бор, - деб унинг фикрини қувватлади Владимир Ан.

Республика бағдий билим юртидан қайтар эканмиз, бу ерда ҳам, «Усто»да миниатюра санъатининг фидойилари борлигига, уларнинг қадимий ва мўътабар анъаналарни ривожлантириш учун қурашяётганлигига амин бўлдик. Бироқ ҳар икки жойда ҳам ана шу фидойиларга кенг йўл очиб бериш кераклигини, бу санъат учун жон қўйдираётган миниаторачи расомларнинг бошини бир мустақил даргоҳга қовуштириши шартлигини ҳам тушундик. Беихтиёр таникли бир санъатшунос олимнинг «... бу санъатни бағдий ўқув юртлари учун курс сифатида ўқитилиши лозим, деган фикр тарафдори эмасман. Чунки бу ишни амалга ошириш қийин. Замон ўтди. Ҳақикий анъанавий миниаторачилар йўқ... Ахир миниаторачи махсус ўқув юртида қим ўргатиши мумкин? Фақат миниаторачи! Бизда эса бундай мутахассислар йўқ» - деган фикрини эслаб, таваққулимиз ортади: нега, «Усто»да, билим юртда эришилган илк ютуқлар, ёш расомларнинг самарани изланишлари айни шу имконларнинг бор эканлини кўрсатмайдими? Мавжуд анъаналар-чи? Муताхассис йўқ, анъанавий миниаторачи йўқ, деб қўл қовуштириб ўтириш эмас, балки ҳаракат қилиш зарурлиги тўғрисида ортқича гапириб ўтирмасак ҳам бўлар.

Демак, асосий масала - миниатюра санъатининг бор-йўқлигида эмас, энди унинг ривожланишига ёрдам беришда, ишни режалаш ташкил этишда.

Ишни ташкил этиш борасида эса, дарҳақиқат, кишини ўйлантирадиган гаплар қўл. Масалан, айтайлик, «Усто»даги миниаторачиларга ҳуқумат ажратган бинно тўлингича қайтариб, хозир уйида ишлаётганларни ҳам жой билан таъминланса, бағдий кенгашга миниаторачилар ҳам киритилса, барийор шу билан ҳам қамчиликлар барҳам топмайди. «Негаки, «Усто» планлари санъат планларига мос тулавермайди. «Миниаторачиларни тайёрлайдиган курслар очдик, бунга театр ва расомлик институти ҳамда Республика бағдий билим юрти талабалари орасидан энг қобилиятлиларини тандаб олиб ўқитамиз», - дейди «Усто» уюшмаси директори Ш.Шоёқубов. Яҳши, лекин миниатюра икки йилда тухта ўрганилиб, кейин ишлаб чиқариладиган осон санъат эмас. Бу - бир.

Иккинчидан, талабгорларнинг бошка санъат соҳасида ўқиб туриб, мен миниатюрага қизиқар эдим, деб бу курсларга келиб ўқиши жуда шубҳали масала. Дейлик, Ўзбекистон Расомлар уюшмаси Бағдий фонди миниаторачи ривожлантириш учун қўлдан келган ҳамма тадбирларни амалга оширганда ҳам (афсуски, бундай эмас, аммо шундай бўлиб қолар, деб хад қилсак), миниатюра шу кетимида «Усто»да ривожланмайди.

Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси Бадийи фонди биргаликда ўта жонқуярлик билан миниатюра бўлимини мустақил килиб ажратиб, «Миниатюра бўлими»га айлантирса, унга бош-қош бўлса, бундан умид килиш мумкин. Аммо, хаги миниатюра билан шуғулланувчиларнинг ўзлари мана шундай мустақилликка тайёрми? Бунга юқоридаги каби уринишлару икки — уч мутахассиснинг ишлаши кифоу қиладими? Хозирда мурғак ҳолида турган бу соҳанинг ўсиши учун яхши ниятларнинг ўзинга кифоу қилармикан? Миниатюрачиларни мустақил уюшма килиб ажратиб қўйганда ҳам, ўзини ўзи хар томонлама бошқара оладиган замонлар ҳам келар, хозирча унинг кўлтигига кирувчи, уни имкониятларига мос тулувчи раҳбар ташкилот каер бўлиши мумкин? Республика Бадийи билим юртимми?

Тўғри, билим юртида локли миниатюра бўйича тахсил олаётганлар бор. Улар билим юртини битиришади, хар йили бу ғурухта янги талабалар қабул этилади. Бир ҳисобда, локли миниатюра бўйича ижодий ташкилотни шу ерда, билим юртида ташкил этиш маъқулдек. Бу ташкилот талабалар учун ижодий лаборатория бўлади. Лекин билим юрти — ўқув муассасаси, кейинроқ бориб у ҳам миниатюрачилар ижодий имкониятлари учун торлик қилиб қолмайдими?

Бу масала, ўйлаيمизки, Ўзбекистон Маданият вазирлиги ва Рассомлар уюшмасида муҳокама этилади. Хар холда, локли миниатюра ривожининг аҳволи уларни ҳам жиддий ташвишлангирлади, бу борада энг мақбул тадбирлар тўзиб чиқилади, деб умид қиламиз.

У. Содиков билан ҳаммуаллифликда.

#### Алишер Навоий ва китобат санъати

*Сурати хат туғилдин ул пок даст.*

*Эрур қаламда шайига ҳақинишаст.*

Улуғ Ўзбек шoirи ва мутафаккири Алишер Навоий асарларида китобат санъатига онд маълумотлар салмоқли ўринни эгаллайди. Хусусан, унинг «Хамса» таркибидати дostonлари, «Ҳазойинул маоний» девон-мажмуаси, «Маҳбубул кулуб» ва бошқа асарларида китобат санъатига таълиқли фикрлар, кузатишлар жуда кўп учрайди.

Ушбу мақолада «Мажолисун нафос» таъкирасидаги китобат санъати ахли тўғрисидаги маълумотларни нимкон даражасида таҳлил этишга ҳаракат қилинди. Чунки бир мақолада таъкирада тилга олинган, китобат санъатига дахлдор дeярли эллик киши тўғрисида батафсил гапирш мумкин иш. Шунинг учун ҳам энг машҳур ижодкорлар хусусида эмас, балки ижоди хаги мукамал ўрганганимаган шахслар мисолида XV асрининг иккинчи ярмида китобат санъати тараккиётига тўхтаб ўтамиз.

Албатта, Алишер Навоий яшаган даврида китобат, хусусан расм санъати ва хаттоглик А.Сeмeнов, Ҳ.Сулаймон, А.Муродов ва бошқа талкикотчилар томонидан ўрганилган, бироқ уларнинг талкикотларида «Мажолисун нафос» асаридаги мавжуд маълумотларнинг барчаси истифода этилмаган. Ушбу таъкирадаги китобат санъати ахли тўғрисидаги маълумотлар махсус хаттоглик ва расм санъатига онд рисолаларни ҳам мазмунан тўлдирлади.

Олима Суййима Ғаниеваннинг аниқлашича, «Мажолисун нафос» таъкирасида турт юз эллик тўққиз нафар шoir, адиб, тарихчи, олим ва даълат арбоби хакида кимматли маълумотлар мавжуд. Менинг кузатишларим шуларнинг элликгаси китобат санъатига бeвoсита дахлдор эканлигини кўрсатди. Мен улуғ шoir томонидан хар бир ижодкорнинг китобат санъатига муносабати махсус ёритилган шахсларгагина асосий эътиборни қаратдим. Бу ўринда иншо ва иншо фани билан шуғулланган ижодкорларни ҳам, гарчи

уларнинг фаоллиги хатто ва китобат намоёндалариники билан бирдек бўлмаса-да, ўз талкикотим доирасига жалб қилдим.

«Мажолисун нафос» асаридаги китобат санъатига алоқадор кишиларни шартли равишда: бeвoсита китобат ахли намоёндалари — хаттоғ, наққош ва бошқалар, китобат санъатига ўз иктидорини намойиш этган ижодкорлар ва бу санъат ҳомийлари каби уч ғурухта бўлиш мумкин.

Алишер Навоий таъкирада бeвoсита китобат санъатига дахлдор йигирма турт ижодкор номини кайд этиб, уларнинг машғулот тури ва иктидор даражасини ҳам ёритган. Улардан айримларини мисол сифатида келтираман: Мавлоно Юсуф Шох — «китобат фанда мугайийн киши эрди» (51- бет)<sup>66</sup>, Мавлоно Фигоний Мир Саид Ғунда — «муҷалладлиғ (мукова ясах — Абд. М.) ҳам билур ва нақшбарлиғда хўнарманддур» (121-122-бетлар); Хофиз Мухаммад Султоншох — «хушнавис хаттодур» (150-бет); Мавлоно Шер Али — «насталик хагини андоқ битидиким, киши таклид қила олмади» (157-158-бетлар); Мавлоно Султон Али Машхадий — «киблатул куттоб» (котиблар кибағаси — Абд. М., 158-бет); Мавлоно Султон Али Коиний — «китобат қилур» (158-бет); Мавлоно Соийий, қаршилик — «саруқалам қотиб» (186-бет); Мавлоно Ёрий, шерозлик — «ободон наққош» (191-бет).

Булар орасидан Мавлоно Султон Али Машхадий, Мавлоно Шер Али, Мавлоно Султон Али Коиний, Мавлоно Мир Али (учинчи мажлисдан), Мавлоно Ёрий каби атоқли хаттоғ ва наққошлар тўғрисида китобат санъати тарихига онд илмий рисолаларда, махсус талкикотларда ҳам маълумотлар мавжуд. Бу маълумотлар ўзаро киёсланса, атоқли ижодкорларнинг китобат санъати тараккиётига қўшган ҳиссаси янада тулқироқ намоён бўлади. Мисол сифатида ижодлари нисбатан кам ўрганилган Мавлоно Ҳожи Мухаммад ва Мавлоно Ёрий хакидаги маълумотларни кўриб ўтайлик.

Ноеб истeвдод сохийб Мавлоно Ҳожи Мухаммад тўғрисида Алишер Навоий самимият билан шундай ёздай: «Кўнрок аяқот бу фақир билан мусохихбдур ва фарзанд ўрингадур, балки андин азизроқ. Ахлоқда малакийдур, башар сурати биле кетгон ва авворда фариштадур, инсон хайратига зуҳур қилгон. Таъби софий ва тафаккури барча диққатларға вофий. Зеҳни мушқилтушу ва таъмули фунун илқолиға расо» (149-бет).

Тарихчи Ғисиддин Хондамир ҳам Мавлоно Ҳожи Мухаммад тўғрисида шундай ёздай: «... турли фанлар ва илмлар соҳасида катта маҳоратга эгадур. Бунинг устига у гаройиб хаёлот нақшларини рўзғор давҳига чизар эди; тасвир ва таъзиб фанида тамоман маҳоратлиқдур»<sup>67</sup>. Сўнгра тарихчи Мавлоно Ҳожи Мухаммаднинг кулгоглик соҳасидаги тажриблари ҳамда Алишер Навоий кутубхонаси учун ихтиро қилинган нақора урувчи сандик сеати тўғрисида хикоя қилади. Хондамир бу ижодкорнинг хаёти тафсилотларини ҳам келтиради. Алишер Навоий Астроободга ҳоким сифатида жунатилгандан сўнг Мавлоно Ҳожи Мухаммад Форс, Ироқ улқаларида мусофир бўлиб, сўнгра Балдуззамон Мирзо китобдори бўлиб хизмат қилади. У 1507 йили Хиротда вафот этган.

Мирзо Мухаммад Хайдар (1500-1549) бу ижодкорни Ҳожи Бобо сифатида эслатиб, унинг мўйқалам воеситасида тасвирлар яратгани хакида гапирди, уни зарҳалашда бутун Хуросонда тенги йўқ эди, деб таърифлайди. Тарихчининг хикоя қилишича, бир анжуманда дўстлари Ҳожи Бободан ўз маҳоратини намойиш этишини сўрашибди. Шунда ижодкор элликта доира ва ярим доирани қаламда шундай чизибдики, партор (циркул) ни олиб, уларни киёслаганда, ораларда хатто ярим қилча ҳам фарқ чиқмаган экан.

<sup>66</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафос. Илмий-танқидий текст. Тайёрловчи Суййима Ғаниева. Тошкент: «Фан» нашриёти, 1961. Кейинги кўчирмалар шу манбадан.

<sup>67</sup> Норкулов Н., Низомулганинов И. Миниатюра тарихидан лавҳалар. Тошкент: Фафур Ғулум номидати дабёғава санъат нашриёти, 1970. 121-122-бетлар.

Мавлоно Хожи Муҳаммад XVI аср тарихчиси Қозӣ Аҳмад томонидан ҳам ўз даврининг атоқли рассомлари қаторида тилга олинди. Демак, Алишер Навоӣ бую санъаткорнинг истеъдодлини кашф қилган ва у билан ҳамкорлик қилгани натижасида, ўз даврининг йирик хунармандлига айланган экан.

Алишер Навоӣ музахҳиб Ёрийнинг Шероз шаҳридан келганлигини таъкидлаб, шундай ёзди: «Андинким, Хурросонга келди. Наккошликка мансуб эрди, фақир ани таъхӣб аҳлига сипориси қилдим. Оз фурсатга ободон наққош бўлди ва лекин андоқ маълум бўлдиким, тарази наққошлик ўрганмақдн наққобозлик эрқандурким, андин ажоб нақшлар иш юзига келди» (191-бет).

Мавлоно Ёрий ижоди тўғрисида кизикарли маълумотлар тарихчи Мирзо Муҳаммад Хайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарида ҳам мавжуд. Унинг фикрича, Мавлоно Ёрийнинг хати таъхӣбидан юксақроқ экан. Шундай бўлса-да, у ўзининг таъхӣб ўргатган устози — устод Валита нисбатан ҳам моҳир бўлиб кетган экан.

Қозӣ Аҳмаднинг «[Улисоти хунар] асарида Мавлоно Ёрий хаттот Мавлоно Султон Али Машҳадий билан ҳамкорликда ижод этгани ҳамда унинг замонасининг тенгеиз музахҳиби бўлиб етишгани таъкидланди.

Улуғ шоир тарбиясидан баҳраманд бўлган атоқли наққош ва музахҳиб Мавлоно Ёрийнинг истеъдоди тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш учун Алишер Навоӣнинг «Хамса» асари мўтабаар кўлемасининг Санкт-Петербург шаҳридаги Россия Миллий кутубхонасида Дюрн - 560 рақами остида сақланган китоб зийнатлари — ажойиб нақшларининг нозиклигини кўриш кифоя.

«Мажолисун нафое»да ижодкорлар характериинг айрим хусусиятлари ҳам ёритилди. Масалан, Алишер Навоӣ хаттот Мавлоно Султон Али Қоний тўғрисида шундай ёзди: «...дарвеш йилгидур ва хазрат Маҳдумий Нуран (Абдурахмон Жомий — Абд. М.) мулозимати шарафи алга даст берюбдур ва аялар мусаннифотидан ўзга нима оз китобат қилдур ва ... таъби ва салохияти кўлдур. Аммо бир кун анга китобат буюрилиб эрди, музд (хизмат хақи — Абд. М.) таъбин қилдурда муболоғани ул ерта еткурдиким, хар бир байтми бир тангата арзир, деб. Бу маънадин йирок ҳам эмас, ул сўзлариким (яъни Абдурахмон Жомий асарлари — Абд. М.) ул битир, ортурок ҳам арзир» (158-бет).

Бу қадар қатга хизмат хақи сўраган хаттот Султон Али Қонийнинг хати намунаси «Ғаройбус синар» девонининг мўтабаар кўлемасининг расмли нуسخаси ҳозир Туркиянинг Истамбул шаҳри университетги кутубхонасида сақланмоқда.

Китобат санъати намоёндалари ҳақида «Мажолисун нафое» таъкирасида келтирилган маълумотлар XV аср иккинчи ярмида Хурросон ва Мовароуннаҳр маданий ҳаётида хаттот, наққош ва музахҳиб ва бошқа хунармандларга эътибор жуда қатга эканлигидан далolat беради.

Алишер Навоӣ китобат санъати соҳасида ҳам ўз иқтидорини ва истеъдодини синад кўришга интилган йилгирма тўрт ижодкор тўғрисидаги муҳим маълумотларни баён қилган. Улардан айримларини келтириб ўтамиз: Мавлоно Абдулваҳҳоб — «иншо фанида беназир эрди» (36-37-бетлар); Хожа Хасан Хирроқ, асрободлик — «настаълик хатин ҳам Мавлоно Жазфар тарийқин таклид қилиб, ширин битир эрди» (53-54-бетлар); Мавлоно Риёзий, самарқандлик — етти қалам билан хатни хўб битир эрди» (69-70-бетлар); Мавлоно Биноӣ — «хатқа ишк пайдо қилди. Оз фурсатга ободон битиди» (88-бет); Мавлоно Хусайн Воиз Қошифий — «иншода мутаййин ва машхур ишлари бор» (143-бет); Мирхонд — «иншо фанида беназирдур» (145-бет); Устод Қулмухаммад — «фазойили ҳам бор... наққошликқек, хатлек» (162-бет); Мавлоно Шарбатий — «иншодин соҳиби вуқуфдур... наққошлик ҳам билдур» (162-бет); Муҳаммад Солиҳ — «хатқа ҳам қобилияти бор» (174-175-бетлар).

Бу келтирилган йирик шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг қимматли томони

шундаки, уларнинг номлари маҳсуе китобат санъати тарихига онд рисолаларда учрайди. Худди шунинг учун ҳам Алишер Навоӣ таъкирасида номлари зикр этилган бую ижодкорлар ўша даврдаги китобат санъати намоёндалари доираси жуда кенг эканлигини кўрсатади. Айрим маълумотлар жуда қимматли бўлиб, ижодкорларнинг турмушдаги характериини очиб беришга ҳам хизмат қилади. Масалан, Мавлоно Халвоӣ тўғрисида Алишер Навоӣ келтирган маълумотларга назар солайлик: «Наққошлиқдн бирор нима вуқуфи бор эрди, филжумла китобат ҳам қила олур эрди. Ва зурафо дерлар эрдиким, ўз ашъорин ўзи битиб, жадавн тортиб, таъхӣб қилиб, тайёр ясаб элга берурким, бую жихатдин шухрат тутқай. Анга айтилса, инкор қилиб, хазну мутуийба била ўтқарур эрди» (59-60-бетлар).

Ўз иқтидорини хат ёки китобат санъатида намоёнш этган шахсларнинг қўнчилиги бир йўла бир неча соҳада муваффақият билан ижод қилганлар. Бу ўринда айниқса самарқандлик Мавлоно Риёзий ва шибирғонлик Устод Қулмухаммад фазойити намуна бўлиб хизмат қила олади. Алишер Навоӣ Мавлоно Риёзий истеъдодини юксақ баҳолайди: «Ғазалини бағоят хўб айтур эрди. Жомеъул-фазойил ва мукаввиод-далойил киши эрди ва етти қалам била хатни хўб битир эрди ва ҳам мулло ва ҳам хофизки. Қурьони мажидни етти кирват била билдур эрди ва ўқур эрди ва ҳам котиб ва ҳам шейр ва ҳам маолий эрди. Улуғ фанида ҳеч нимарса онга маҳжул қолмас эрди. Бу маъниға тахаллуси далилдурким, хар нимарсақим, хаёл қилса эрди, айтур эрди ва дер эрди ва хўб боғлар эрди ва хўб тасниф қилур эрди. Илми мусекий ва аявор ва нуҷум ва истихрожи рамаъ ва ғайри золика ҳеч нимарсадин бенаесиб эрмас эрди» (69-70-бетлар).

Устод Қулмухаммад ҳақида Алишер Навоӣ қуйидаги тафсилотларни келтиради: «Қичик ёшида фикжжак чолар эрди. Қобилияти осори ул фанда андин кўй зоҳир эрди, тарбиятига машғул бўлудди. Ҳоло ул фан устодлари мутададдин анинг мусаннифотидн ёд тутуб, шопирдигинға баъзи мубохиятурлар. Толмаи илмийка доғи мангуладур, ўлга ушук фазойили ҳам бор: маърифати таъвимлек, наққошлиққек, хатлек. Аммо ул ва фикжжак ва қўбунга асрида киши онча чола олмас, муаммо қавокидни ҳам мазбут билдур» (162-бет).

Ушбу ижодкор ҳақида Заҳириддин Муҳаммад бообур сўз юритга туркиб, унинг Удий тахаллуси борлиги, хатто фикжжакка учта кит боғлаши иштиро қилганлиги ҳамда «ахли нағмадин ва ахли соэдин ҳеч ким мунча қўб ва хўб пешрав боғлағон» эмаслигини алоҳида таъкидлаган. Бу ижодкорнинг наққошлиқи, яъни рассомлиги ва хаттотлиги бошқа манабаларда қайд этилмаган. Шунинг учун ҳам улуғ шоир маълумоти жуда қимматлидир.

«Мажолисун нафое» таъкирасида рассомлиги, яъни наққошлиги ҳақида маълумот мавжуд, аммо бошқа ёзма манабаларда номлари зикр этилмаган ижодкорлардан Мавлоно Фазлий ва Мавлоно Шарбатийдир. Алишер Навоӣ Мавлоно Фазлий тўғрисида ёзди: «Қичик эрқанда наққошлик қилур эрди ва назмгина ҳам айтур эрди. Ўзин тамом шоир хаёл қилгондин сўнгра тамоми наққошлиқни тарж қилиб, шоир бўлди» (123-124-бетлар).

Мавлоно Шарбатий ҳам улуғ шоир ўз тарбиясига олган истеъдодли ел ижодкорлардан бўлган. Алишер Навоӣ унинг тўғрисида ёзди: «Ул ҳам фақир қолида улғайбдур. Таърих ва иншодин соҳиби вуқуфдур ва шейр ва муаммодинр хабардордур ва наққошлик ҳам билдур. Бир таснифи илқида борким, туғанса қўп фавоид андин элга мутасаввирдур. Абнойи жинсида онча салохиятлик киши оздур. Фундун қасбида ул мартабада мохирдурким, қичик ёшида қорилқини ҳам қасб қилибдур» (162-бет).

Оқорида келтирилган мисоллар шундан далolat берадики, XV аср иккинчи ярмида Хурросон ва Мовароуннаҳр маданий ҳаётида китобат санъатида қатга аҳамият берилар экан. Мана шунинг учун ҳам ўз даврининг атоқли ижодкорлари Мавлоно Қотийбий, Абдурахмон Жомий, Мавлоно Биноӣ, Муҳаммад Солиҳ ва бошқалар ҳам хаттотлик санъатини эғаллашга ҳаракат қилганлар.

«Мажолисун нафос»да китобат санъатига хомийлик қилган икки давлат арбоблари Шохрух Мирзо ўғли Бойсунгур Мирзо ва Султон Хусайн Мирзо номиари ва фаолияти ўрин олган. Хусусан, Бойсунгур Мирзонинг хомийлик фаолиятини Алишер Навоий шундай таърифлайди: «Хатот ва нақош ва созанда ва гўндадин мунча беназир кишиким, анинг тарбиятидин арога кирди, маълум эмаским, ҳеч подшоҳ замонида пайдо бўлмаш бўлмай» (199-бет).

Алишер Навоийнинг мактабдош дўсти ва шоир Султон Хусайн Мирзо ижодига таъкирнинг маҳсуе сақкизинчи мажлиси бағишланган. Албатта, XV аср иккинчи ярмида Хиротдаги мадания ҳаёт ривожии марказида улут шоир фаолияти етакчи ўрин тутди. Шунинг билан бирга, Алишер Навоийнинг бунёдкорлик ва хомийлик фаолиятини кўллаган Султон Хусайн Мирзо хизмати ҳам йўқ эмас.

Захириддин Муҳаммад Бобур Алишер Навоийнинг хомийлик фаолиятига юксақ баҳо беради: «Ахли фазл ва ахли хунарта Алишерча мураббий ва мукаввий маълум эмаским, харгиз найдо бўлмиш бўлмай. Устоз Кулмуҳаммад ва Шайхи Нойи ва Хусайн Удйким, созда саромад эдилар бекнинг тарбият ва ва тақвияти билан мунча тарақкий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Бехзод ва Шох Музаффар тасвирда бекнинг сазй ва эҳтимоми билиа мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайрким, ул қилди. кам киши мундоққа мувофиқ бўлмай».

Ушбу таъкира Алишер Навоий марҳаматидан баҳраманд бўлган истеъдодлар ичда Мавлоно Ҳожи Муҳаммад, Мавлоно Ёрий, Мавлоно Шарбатий каби нақош, хатот, музаҳҳиблар ва бошқалар борлиги юкоридати фикр айни хақиқат эканлигидан тувоҳлик беради.

XVI асрда яшаган Дуст Муҳаммаднинг «Ҳолоти хунараврон» («Хунарамандлар ахволи») ва Кози Ахмад Кумийнинг «Ўлгиствои хунар» («Санъат гулистоин») номли хат ва китобат санъатига маҳсуе бағишланган рисолатларда Алишер Навоий даври хатот, нақош ва музаҳҳибларининг энг йирик намойндагарига алоҳида эътибор берилган. Аммо, «Мажолисун нафос» таъкирасидаги китобат санъати ахли хақиқати маълумотлар юкоридати маҳсуе рисолатларни маълум даражада тўлдиришга хизमत қилди ҳамда машҳур санъаткорлар хаёти ва ижодига доир қимматли тафсилотларга бойлиги билан яққол кўзга ташланиб туради.

Улут шоирнинг таъкирасидаги китобат санъати ахли туғрисидаги маълумотлар ўзининг камрови кенглиги ва ишончли эканлиги билан характерланади. Чунки, унда ноқилари зикр этилган аксарият ижодкорлар билан муаллиф шахсан таниш бўлган, уларнинг асарларини кўздан кечириб, кўриш ва ўрганиш асосида хулосага келинган маълумотларни таъкирата киритган. Мана шу хусусият ҳам Алишер Навоий таъкирасидаги маълумотларнинг аҳамияти юксақ эканлигини кўрсатади.

Хулоса сифатида шунга айтиш мумкинки, Алишер Навоий фақат китобат санъати ахлининг машҳур ва беназир хомийси бўлиши билан бирга, бу соҳани йирик билимдони бўлганлиги «Мажолисун нафос» таъкираси мисолидан ҳам яққол кўриш мумкин. Бу таъкиранинг XV аср иккинчи ярмидаги Хурсон ва Мовароуннахр маданияи, адабий, бадийи, хусусан китобат санъати тарихи ва тараққиётини ўрганишдаги аҳамияти бениҳоя каттадир.<sup>88</sup>

<sup>88</sup> Ушбу мақола бироз таъкир билан «Шарк миннатпора мактаблари тўплами» да кайта чоп этилган.

## Геран томирлар

Жаҳон маданияти хазинасидан ўрин олган Шарк нафис мўъжаз расм санъати – миннатдорнинг тарақкий топшиши, асосий мавзу доирасининг белгиланиши ва гоъвий эстетик қонунларини шаклланишида атоқли мутафаккирлар, шоирлар ва тарихчиларнинг ажойиб асарлари каторида улут озарбайжон шоири ва мутафаккири Низомий Ганжавий (1140-1201)нинг машҳур «Ҳамса» сита кирувчи беш достони -- «Маҳзан ул-асрор» («Сирлар хазинаси»), Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Хафт найкар» («Етти гўшал») ва «Искандарнома» алоҳида ажралиб туради. Б.Денике, О.Козиев, Г.Пугаченкова, Н.Замонов, Д.Додхудоєва ва бошқа санъатшуносларнинг тадқиқотлари улут шоир асарларининг тасвирий санъат тарихида тутган ўрнини аниқлашга бағишланган.

1982 йили Тошкентда чоп этилган «Низомий «Ҳамса»сига ишланган расмлар» альбому ҳам улут озарбайжон шоири ва шарк миннатдораси муҳлислари учун жуда қимматли туҳфа бўлди. Чунки бу альбомга кирган нодир миннатдорлар Хиндистоннинг энг нуфузли музей ва кутубхоналарида сақланаётган мўътабар кўлемалардан олинган. Ноб6 миннатдорлар рангли фото – слайдларини Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси олимлари профессор Ҳамид Сулаймон, А.Мадрамов ва В.Конернинг 1976-1977 йиллари Хиндистон музей ва кутубхоналарида уюштирган археографик экспедицияси натижасида республикамизга олиб қайтилди ва уларни илк бор кенг жамоатчилиққа тақдим этилди.

1983 йили Боку шаҳридаги «Ёзувчи» нашриётида Озарбайжон Республикаси Фанлар Академияси муҳбир аъзоси, санъатшунослик доктори, профессор Керим Жабар ўғли Керимов тартиб берган «Низомий. Ҳамса. Миннатдорлар» ажойиб альбомини матбعا жиҳатдан юксақ савияда чоп этган эди. Бу альбом сўзбоши, бир юз қирқ расм, расмлар илоҳи ва адабиётлар рўйхати билан иборат бўлиб, матн озарбайжон, рус ва инглиз тилларида берилган. Сўзбоши улут шоир ижодининг Шарк миннатпора тараққиётида тутган ўрни, тасвирий санъатга оид баъзи бир қарашлари ҳамда расмлар чоп этилган мўътабар кўлемаларнинг бадийи аҳамияти, асосий хусусиятлари хусусида фикр юртилади. Туғувчининг таъкидлашича, альбомдаги расмлар асосан Низомий Ганжавийнинг мамлакатимизда сақланаётган «Ҳамса» мажмуаси мўътабар кўлемаларидан танлаб олинган ва турли миннатпора мактабларининг бадийи хусусиятларини ўзида акс эттирган энг характерли намуналар чоп этилган. Шунингдек, расмларни саралашда энг муҳим кўлемаларнинг миннатпора тарихида тутган ўрнига ҳам алоҳида эътибор берилган.

Аниқлашича, «Ҳамса»нинг барча достонларида хар хил микдорда расм ишланган. Фалсафий – дидактик характердаги «Маҳзанул асрор» достонига эса нисбатан кам миннатдорлар чизилган. Лекин бу достондаги баъзи эпизодларга кўплаб расомлар кайта-кайта мурожаат қилишган. Мана шундай энг оммавий мавзулардан бири «Султон Санжар ва кампир» ҳикоясидир. Атоқли мусаввир Махмуд Музаҳҳиб томонидан яратилган энг машҳур расмлардан бири ҳам шу мавзуладир.

«Хусрав ва Ширин» достонига ишланган расмларнинг салмони анча каттадир. Улардаги айрим мавзулар маълум даражада Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достонидagi лавҳаларни эслатса ҳам, расмларнинг юксақ бадийи савияси ва ўзига хослиги яққол кўзга ташланиб турибди. Достондаги «Хусравнинг чўмилаетган Ширинни кўриши» мавзуга жуда кўп расмлар чизилган.

Айниқса, «Лайли ва Мажнун» достонига ишланган расмлар шунчалик кўпки, хатто уларнинг сонини аниқлаш мушкул. Низомий Ганжавий достонда илк бор мусаввирлар томонидан танланган муҳим мавзулар Амир Хусрав Деклавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқалар асарларида қайтарилди, ривожлантирилди. Альбомдан жой олган, асли термизлик, кейинча Табризда машҳур бўлиб, Хиндистонга кетиб қолган



атоқли rassom Мир Саййид Алдиннинг «Мажнуннинг Лайли Чодирига келтирилиши» асари ўзининг юксак баъдий савияси ва ҳаётғийлиги билан диққатни ўзига тортади.

«Ҳафт пайкар» дostonига rassomларнинг мавзуй анъанавий бўлишига қарамай, мусаवвирлар улarda ҳам улуг шоирнинг илғор дунёқарашини очиб беришга эришганлар. Мисол тариқасида «Баҳром ва Фитна овда» ҳамда «Баҳром ва етти икким гўзаллари билан бирга» rassomларини эслатиш зарур.

«Хамса»нинг сўнгги dostonига ишланган rassomлар сон жиҳатидан кўп бўлиши билан бирга мавзу жиҳатидан ҳам ранг-барангдир. Улуг шоир баън этганидек, rassomлар ҳам Исқандарни тажовузкор ҳоким эмас, балки халоскор қаҳрамон сифатида талқин этадилар.

Умуман, альбом rassomлари улуг шоир қуйлаган илғор фойлари кейинги асрлардаги rassomлар учун ҳам илҳод манбаи бўлиб хизмат қилган. Қолаверса, Низомий Ганжавий асарлари қийси бир халқ намоёнчаси тамонидан ва қачон rassomлар билан зийнатланмасин, қаҳрамонлар сиймоси доммо мазкур халқ ва замон руҳига мослаб талқин қилинган. Бу альбомнинг нашр этилишидан биз ҳақли равишда фахрлансак арийдим, чунки унда чоп этилган ўттиз икки расм ўзбекистонлик миниаторачилар томонидан яратилган бўлиб, улар икки кардош ўзбек ва озарбайжон халқларининг маданний ҳамкорлиги теран томиллари ўтмиш асрларига туташганигидан далолат беради.

### Кизгин ижод налласи

Ўзбек тасвирий санъатида етмишинчи йиллар бошида кириб келган истеъдодли ёш rassomлардан бири Темур Саъдуллаевдир. 1980 йилларга келиб у кенг жамоатчилиқка ҳам маҳобатли деворий rassomлар муаллифи, ҳам дастгоҳли рангтаъбир устаси, портретчи ва китоб rassomi сифатида маълум. Унинг асарлари ўндан энёд йирик кўрғазмаларда нақойиш этилган, бир нечтаси Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи залларида нақойиш этилмоқда, давха rassomлари эса оммавий журнал ва гасеталар саҳифаларида эълон қилинмоқда. Айтиш мумкинки, хозирги кунда у баъдий маданний ҳаётимизда фол қатнашган ижодкорлардан биридир.

Т.Саъдуллаевнинг ижоди Низомий Ганжавий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетига бошланли. У дипломи иши сифатида устоз профессор Чингиз Аҳмаров раҳбарлигида Алишер Навоийнинг газалларидаги беш қаҳрамон сиймосини яратди. Бу rassomлар устознинг мақоласи билан «Тўлистон» журнали саҳифаларида 1970 йили эълон қилинди. Шундан буён ўтган ўн беш йил давомида rassom тасвирий санъатнинг турли соҳалари — маҳобатли деворий ва дастгоҳли рангтаъбир, китоб графикасида муваффақиятли ижод қилмоқда.

Деворий маҳобатли расм санъати билан Т.Саъдуллаев илк бор устоз Чингиз Аҳмаров ёнида Самарқанддаги «Юлдуз» чойхона — ресторани зағини беазлада катнашганида яқиндан танишди. Кейинчалик, устоз раҳбарлигида Санъатшунослик илмий тадқиқот институти биноси деворига ишланган тўрт рамз — тўзгал тасвирий яратилганда иштирок этиди. Сўнгги rassom Ақром Иқромжонов билан бирлигида Чингиз Аҳмаровга Бухорода Абу Али Ибн Сино номидаги Маданият уйидаги йирик деворий rassomларни яратилганда ёрдам берилди. Буларнинг барчаси ёш rassom учун маълум даражада ижодий мактаб ваифасини ўтди. У 1980 йили Бухоронинг Афшона кишлоғидаги чойхонада мустақил равишда тўққизта деворий расм яратди.

Бу асарлар кўнглик томонидан макулланиб кутиб олинди. Жумладан, таниқли ёзувчи Пиримкул Кодиров rassomлар тўрисида мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, «Устоз Чингиз Аҳмаров асарларидаги Шарқ аёлларининг нафосати, назокати ва латофати алoҳида йўсинда бўлса, истеъдодли rassom Темур Саъдуллаев яратган Афшонадаги деворий

rassomларда ўзбек аёли, хотин-қизлари гўзаллигининг яна бир бошқа қирралари кашф қилинган», - деб юксак баҳо берган.

Rassomнинг маҳобатли санъат сирларидан хабардор бўлиши унинг бошқа асарлари, хусусан, дастгоҳли рангтаъбирларида ўз аксини топган. Қаҳрамонлар сиймосига хос улғуворлик, салобат ва монументал хусусиятнинг акс этиришида бу ҳолат яққол кўриниб туради. Мана шундай хусусият, деворий rassomлар таъсири мавжуд дастгоҳли рангтаъбир асарларидан бири «Наврўз» деб аталади. Унда гўзал қизларнинг илк баҳор чети табиат қўнидаги байрамона қайфати юксак маҳорат билан тасвирланган.

Т.Саъдуллаев Олий ўқув ортинги битиргандан сўнг Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейига rassom бўлиб ишга кирди. Бу эса унинг келгуси ижодида хал қилувчи роль ўйнади, дейиш мумкин. Чунки, кейинги давр мобайнида rassom яратган эликка яқин мустақил асарларининг дερрли йрми, қўлгаб китоб ва давха rassomлар ўзбек муштов адабиети, халқ отзак ижоди билан, ижодкорлар ҳаёти билан ҳамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам унинг аксарият асарлари Адабиёт музейи залларини беааб турибди. Бу rassomлар ҳам улуг шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳамда замонавий навоийшунослар, қолаверса, шоирлар, олимлар сиймоларини яратиб билан боғланган.

Юқорида қайд этилганидек, rassomнинг тасвирий санъатдаги илк жиқдий қаланишлари ҳам Алишер Навоий шеърликта бағишланган эди. Кейинги асарларида Темурнинг устози Чингиз Аҳмаров изидан бориб, улуг шоир ижодига оид rassomлар яратганини кўрсатади. Rassomнинг бу соҳадги биринчи йирик иши «Алишер Навоий ва Қамолдин Бехзод» номи асаридир. Унда биз улуг шоир ва устод rassomнинг ўрашув чотини кўрамыз. Алишер Навоий машхур миниаторачи Махмуд Музаххуб асарида тасвирландек асога таянган ҳолда rassomчи карши олоқда. Навкирон Қамолдин Бехзод эса хомийси ва мураббийсига янги асарлари солинган жузъдонини топишмоқда. Гуё rassom улуг шоир олдида ижодий хисобот бераётганидек, Иккала улуг шахс тархкий тасвирида ва рангларнинг танланлишда ҳам Т.Саъдуллаевнинг Шарқ миниатораси анъаналарига асосланганини хис қиламыз. Бу расмини ўзбек тасвирий санъатдаги икки улуг ижодкорнинг ўзаро яқин муносабатини ёритувчи муваффақиятли чиқкан асарлардан бири деб баҳолаш мумкин.

Алишер Навоий ижодига Т.Саъдуллаев кейинчалик ҳам яна мурожаат қилиб, «Фарход ва Ширин» дostonига расм ишлади. Расмда Шириннинг Фарход нарафига уюшрган базми тасвирланган. Бу асарида ҳам rassom Шарқ миниатора анъаналаридан ўринли ва унмтли фойдаланган.

Улуг шоирнинг «Сабъан сайёра» дostonига Т.Саъдуллаев туртта давха — миниатора расм яратди. Бу давха rassomларда аввалги тасвирилардан фарқли ўларок, хатто ранг танлашида ҳам, энг майда чизикларнинг нозиклигида ҳам rassom Шарқ миниатораси анъаналарига мурожаат қилишни қўллаган ҳолда, айрим ўринларда базми муаммолар мавжудлигини қайд этиш зарур. Бу факатгина Т.Саъдуллаевга эмас, балки бошқа rassomлар ижодига ҳам тааллуқли. Чунки, Шарқ миниатораси анъаналаридан фойдаланишдан аввал уларни хар томонлама ва чуқур ўрганиш зарур. Бу ўтмишдаги атоқли миниаторачиларнинг маҳорат сирларини егаллашдаги бир зарурий боёқчиدير.

Ўзбек халқ отзак ижодининг қаҳрамонлик дostonи бўлимиш «Алпомиш»га Т.Саъдуллаев бешта расм ишлади. Энг асосийси, расмда дoston қаҳрамонлари сиймоси улғувор ва маҳобатли қилиб тасвирланган. Қолган туртта давха rassomлари сиймоси қамондан ўқ отиши, найза отиши, қураши ва пойгадги қаҳрамонликлари характери очиб берилган. Яқинда қайта кенгайтирилиб очилган музейнинг фольклор бўлимидаги маҳорат билан яратилган бу rassomларни rassom ижодидаги янглик деб баҳолаш мумкин. Бу rassomларнинг базми бир жиҳатлари қаҳрамонликка оид бошқа асарларни бор оз эслатса-да, Умуман асар ўзбек тасвирий санъатдаги сезиларли воқеадир. Ушбу фикрни Ўзбекистон

халқ рассоми Чингиз Аҳмаров алоҳида тавқиллаб, шоғирдини янги ижодий муваффақият билан самимий табриқлади.

Адабиёт музейи учун Темур навоийшунос олимлар ва шоирларнинг бир неча ёрқин портретлар туркумини яратган. Академиклар Воҳид Зоҳидов ва Воҳид Абдуллаев, филоглогия фанлари докторлари Ҳамид Сулаймон ва Солих Муталлибов каби олимлар, шоир Омон Матжоннинг расмлари шулар жумласидандир. Хар бир расм тасвирланган қаҳрамон характерига мос композицион ечимга эга. Профессор Ҳамид Сулаймон тасвирида олимнинг шижоати, катъийлиги ва салобати бўрттирилиб ақс эттирилган бўлса, Солих Муталлибов расмида мулойимлик ва бой билим эъси сиймоси намоён бўлади. Академик Воҳид Зоҳидов портретида рассом зукко олим ва сиёсатдон шахснинг кенг маънавий оламини ёритиш мақсадида кўшимча тасвир воситаларидан фойдаланиш билан бирга, асосий эътиборини қаҳрамоннинг юзини биринчи планда бўрттириброк тасвирлашга қаратади.


Т.Савдўллаев кузатувчан, табиатан таъсирчан ижодкор. Шунинг учун, унинг ижодига кундалик турмуш, олдий одамлар, маъшиий мавзу ҳам катта ўрин эгаллайди. Унинг бир неча асарини маъшиий мавзуга бағишланган туркум дейиш мумкин. «Она бахти», «Рассом оиласи», «Қизим Нурхон» ана шундай расмлардандир. Уларда ижодкорнинг тасвирланаётган ҳаётни жуда яхши билиши, расмда фақатгина энг зарур аниқларнинг кўрсатиш оракати керакли шароит, зарур муҳит ярата олиш иқтидори сезилиб туради. Бу расмларда халқимиз ҳаётига хос белгилар, рўзгор буюмлари, персонажлар характери рассом томонидан ишонarli тасвирланган.

XX асрдаги рассомга замондош шахар ҳаёти ҳам Т.Савдўллаев эътиборидан четда қолмаган. Унинг «Гажжум кўча», «Метро кўрилишида» каби асарларида ўз замонасининг янгидаги ҳаёти ўзига хос маҳорат билан ақс эттирилган. Шунингдек, рассом ўз дўстлари га ҳамкасблари портретларини ҳам хилма-хил шароитда, турлича ҳолатларда тасвирлайди. «Қиз ҳаёли», «Эккурсовод киз», «Дўстим Аҳмад» каби асарларида хар бир қаҳрамон характерига мос фон танланган. Айниқса, эккурсовод киз характери рассом томонидан яхши илғаб олинган. Тамошабинларга бир эккурсия давомида минг йиллик ўзбек адабиёт тарихи ҳақида сўзлаб беришга тайёрланган киз бутун ҳаёли, билими ва тажрибасини ишга солиб, қадимий Афросеб расмлари олдига турибди. Умуман, ёшлар характери рассом томонидан тўғри ва бир оз кучайтириброк тасвирланади. Бу эса, ижодкорнинг ўз характеригаги широна кайфият, кўтаринки руҳ, романтизмга мойлигида намоён бўлса керак.

Т.Савдўллаев томонидан яратилган бу асарлар унинг маҳорати юксалиб бораётганидан далолат беради. Энг муҳими, унинг ижодига хос хусусиятларга келсак, рассом рангнинг олами бутун бор бўйича эмас, балки ўз ҳаёлида бир оз умумлаштириб, қайта яратаётгандай туюлади. Бу ўринда, унинг асарларида Шарқ миниатюрасига хос нозик чизиқларни кўрамиз, ammo ранг танлашда Темурнинг шахсий диди, ижодий йўналиши етакчилиқ қилади.

Рассом дасттохли рангтаъсир каторида китоб графикаси соҳасида ва журналларга лавҳа расмлар яратишда фол ижод этмоқда. У безатган китобларнинг умумий сони элиқдан ортиб кетди. Аммо уларнинг барчаси ҳам бир хил юксак бадний савидада яратилган дейиш кийин. Темур фаҳранса арзийдиган, унинг ижодий нотуги деб ҳисоблашга арзишлик китоблар, бизнингча «Бобур. Асарлар» (икки жилда, рус тилида), «Алишер Навоий. Асарлар» (икки жилда, рус тилида), «Отаҳий шеърятидан», «Билал Нозим шеърятидан» ва бошқалар каторида, бир оз шошилиш сезилиб қолган баъзи асарлари ҳам учрайди.


Рассом ижодига журнал ва газеталарга лавҳа расм ишлаш алоҳида, кенг ўрин тутайди. Унинг график расмлари бошқаларникидан ўз бадний услуби билан яққол ажралиб туради.




47. Бобурнинг ўғли Ҳумон туғилиши шарафига ўтказилган тўй.  
Рассом Сур Тўжаротий, Б. М. 298 а. в.




48. Иллюстрация к поэме Бодурни (с. 76) единичноста.  
М.С.М.




49. Сцена из поэмы Бодур махбуби булан.  
М.С.М.



50. Бобурини Паишхир гарбсиза со сгани саёхати.  
Д.И.М. 207 б. н.



51. Бобурини Паишхир гарбсиза со длати саёхати.  
М.С.М.



Ақсарият расмлар ижодкорнинг ўз асарига жилдий, талабчанлик билан муносабатда эканидан далолат беради.

Ўзига хос ижодкор бўлган Темур Савдуглаев ўн беш йиллик меҳнат ва изланишлар маҳсулини ҳаёлан кўз олдимиздан ўтказар эканмиз, унинг шак-шубҳасиз муваффақиятларини тан олиб, республикамиз тасвирий санъати тараккиётига қўшган ўзига хос ҳиссаи мавжудлигини қайд этиш лозим. Аммо, у ҳали ўзининг барча ижодий имкониятлари тўла фойдаланган эмас. Айни кизгин ижод палласида расом келгусида ҳалқимиз маданиятида муҳим воқеа бўлиб қоладиган яна янги ажойиб асарлар яратишига ишонамиз.

Илова расмлар: 1. Рассом ижодхонаси (фото). 2. «Нурхон портрети», 3. «Навий ва Бехзод», 4. «Ҳамид Сулаймон портрети», 5. «Ғаллаорол манзараси», 6. «Раккоса (Қизлархон Дўстмухаммедова) портрети», 7. «Экскурсовод киз портрети».

#### Тикланиш жараёни

Парк миннаторга санъатини ўрганишимизда XX аср олим ва санъатшунослари 1960 – 1970 йиллар давомида самарали ва салмоқли натижаларга эришдилар. Россиянинг Санкт-Петербург шаҳри музей ва кутубхоналарида сақланаётган Шарк миннаторга санъатининг энг нодир ва ноёб намуналари маҳсу алыбом ҳолида чоп этилди.

XX аср иккинчи ярми ўзбек рассомларидан бир гуруҳ ижодкорлар асарларида, тарчи миннаторга санъати анъаналари айнан давом эттирилмаган бўлса-да, бу санъатга хос бадиий хусусиятлар, унинг анъаналари ўз аксини топар эди. Етмишинчи йилларда, хусусан, улғў ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудига 525 йил тўлиши муносабати билан яратилган ақсарият тасвирий санъат асарларидан ташқари, айрим ижодкорлар, жумладан, истеъдодли ҳажвчи рассом Тельман Муҳаммедов, Тўхтабек Соипов, Темур Савдуглаев, Шомоҳмул Муҳаммаджонов ва бошқалар ижодида миннаторга мурожаат қилиш кучайди.

Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси бадиий фонди қошидаги «Ўста» бирлашмасида 1981 йил алоҳида миннаторачилар гуруҳи ташкил этилган эди. Ўтган давр ичида ушбу миннаторачилар ижодий изланиш, шаклланиш ва тикланиш жараёнини бошдан кечир-моқдалар. Бирлашмага катор рассомлар келиб, ўз истеъдодларини миннаторга санъати соҳасида синаб кўрдилар, энг фидойий ижодкорлар аста-секин сараланиб қолмоқда.

«Ўста» бирлашмаси таркибига миннаторачилар гуруҳининг пайдо бўлишини кенг жамоатчилик қизгин кутиб олди. Ҳатто палехлик рус миннаторга усталари ҳам ўзбек биродарларига ҳар томонлама ёрдамга тайёр эканликларини амалда исбот қилдилар. Мумтоз миннаторга қайта тиклаётгани, рассомларнинг бу соҳадаги илк ижод намуналарини рестубликамиз газета ва журналларида, ҳатто Россия матбуот органларида чоп этилди.

Ўз ижодий услубига эга, изланувчан ижодкор миннаторачилардан бири Шомоҳмул Муҳаммаджоновдир. Унинг расмлари Маҳмул Қошғарийнинг «Девони луғотит турк» номли асаридати турли фасллар мунозарасига бағишланган қўшиқлар асосида ишланган. Бу миннаторларда рассомнинг ёрқин истеъдодидан ташқари, унинг ҳам этнограф, ҳам тарихчи сифатида олиб борган изланишларида ҳам намоён бўлган. Умуман Шомоҳмул ижоди кенг жамоатчиликка яхши маълум бўлиб, унинг кейинги йиллардаги ишланишлари ёш рассом ижодида катта умид билан қарашга тўлиқ асос беради.

Серкирра истеъдод соҳиби Ниёзали Холматовнинг миннаторга санъатини қайта тиклаш борасидаги фидойилиги алоҳида таҳсинга лойиқ. У ушбу санъат сирларини машҳур рус миннаторга усталаридан ўрганиб, кейинчалик Тошкентга келиб, ўзбек мумтоз миннаторга санъатини қайта тиклаш борасида жуда катта фаоллик кўрсатмоқда. Янги

минияторачилар гуруҳи ташкил этилганда Ниёзли ушбу санъат сирларини бошқа rassомларга ўргатди. Минияторачининг журналдаги асари ов манзарасига бағишланган бўлиб, расмининг бадиий услуби, рангларнинг танланishi XVI аср энг яхши мумтоз ми- ниаторларидан ижодий ўрганганлиги натижасидир.

Умидли ижодкор Файрат Камолов, гарчя Тошкентдаги Театр ва rassомлик институтининг рангтаъбир бўлимини тугатган бўлса-да, кейинчалик миниятора санъати сирларини ўрганишга астойдил киришди. Хозиргача Файрат томонидан яратилган асарларни кўздан кечирш шундан далolat бералдики, бу ижодкор домий изланишда, Журналда чоп этилган расм Файратнинг «Минг бир кеча» асаридаги икки гўзал инсон, ёш йигит ва киз гўрисидаги эртak асосида яратилган.

Минияторачилар уюшмасида rassом йигитлар билан бир каторда истеъдодли кизлар ҳам ижод қилишмоқда. Улардан бири Мунира Соболдиевалди. Унинг чоп этилган асари чавгон ўйнинини тасвирига оиддир.

Мирхамид Собиров Олий бадиий билимга эга бўлиб, ихтисоси бўйича монументалист rassом. Лекин у ҳам ўз истеъдодини миниятора санъати сирларини ўрганишга бағишлади.

Минияторачилар турли соҳаларда ҳам муваффақиятли ижодий изланиш олиб бормоқдалар. Ш.Мухаммадҷонов Алишер Навоийнинг «Хайратул аброр» достони ва хинд халқ масаллари «Қалила ва Димна» асаридаги айрим давҳаларга туркум расмлар ишлаб, матнни махсус безатишдан хат услубида кўчириб, уларни кўлэзма китобча ҳолига келтирди. Бунда у қадимги муътабар кўлэзма-лар хуsusиятларини сақлаб қолнишга интилиди. Н.Холматов ва Ғ.Камоловлар мумтоз миниятора бадиий услубидан келиб чиқиб, Москва шаҳридаги «Ўзбекистон» ресторани деворларини безаш учун етти гўзал ва Хожа Насриддин затифалари асосида ўн бешта композиция яратдилар. Яна улар Гулистон шаҳри театри учун тўртта давҳа расмлар композицияларини ижод қилдилар. Шунингдек, «Уста» бирлашмаси биноси деворларига тажриба сифатида маҳобатли расмлар ишланиб, уларда улут шоир Алишер Навоий ва устод Камолдин Бехзод сиймоси ҳамда илхом парилари тасвирланган.

Энг сўнги тажрибалардан бири кошнилари минияторани катталаштириб ижод қилишдир. Мана шундай илк асарлардан учтаси «Ғунча» болалар кафееси залини беэаб турибди. Ҳар холда «Уста»даги истеъдодли минияторачи - rassомларимиз республликаниз бадиий ҳаётида фаол иштирок этишга бел боғлангандар.

Минияторачи rassомлар ижодидан намуналар: 1-2. Ш.Мухаммадҷонов. Махмуд Кошгарийнинг «Девону лувотит турк» асарида ишланган минияторачилар (иккитаси, киш ва баҳор; ёш манзараси); 3. Н.Холматов. Ов.; 4. М.Собиров. Ўзбек халқ эртақларига ишланган миниятора (фаршталар уйкудаги қаҳрамонни осмонда кўтариб кетмоқдалар);

5. Ғ.Камолов. «Минг бир кеча» эртақларига ишланган миниятора (фазодаги кўшк ичида беҳуш ётган киз ва сеҳрли узукни кўздан кечираётган йигит); 6. М.Сотиболдиева. «Чавгон» ўйини; 7. М.Эргашева. Ўстироҳат (икки мураккаб композицион ечимга эга асарда бир неча ҳаёт давҳалари жойлаштирилган).

Ч. Аҳмаров билан ҳаммуаллифликда.

#### Навоий ижоди — илҳом манбаи

Тошкент метрополитенининг иккинчи йўли очилиши муносибати билан яна бешта ер ости касри халқимизга хизмат қила бошлади. Улардан бири улут ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий номи билан аталади. Метронинг ушбу бекиёс касрини атоқли санъаткор, Ўзбекистон халқ rassоми Чингиз Аҳмаров раҳбарлигидаги бир гуруҳ ижодкорлар — Ўзбекистон хизмат кўрсатган санъат арбоби, хайкалтарош Аҳмад

Шоймуродов, таникли кулол Аҳмад Аминов, ёш. умидли rassомлардан Иқром Қамолов, Умар Маматбоев ва Саъдулла Маматҷонов безатганлар.

Мазлумки, Чингиз Аҳмаров узок йиллар мобайнида улут шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ижодидан илҳомланиб, республикамиз бадиий ҳаётида ёрқин из қолдирилган катор ажойиб асарлар туркуминини яратди, тасвирий санъатда беш оз йиллик анъанага эга бўлган бадиий навоийшуносликка янги саҳифа очди. Алишер Навоий номидаги опера ва балет Ўзбек Давлат Катта театрининг деворларини безаган нафис расмлари, Давлат Адабиёт музейининг катта зал деворидаги улут шоир шеърига бағишланган туркум асарлари, «Саъбани сайёра» достонидаги етти икким гўзаллари сиймолари, «Алишер Навоий мажлисида» номили улкан полотно ва кўйлаб алоҳида давтоҳли расмлари шулар жумласидандир.

Rассомнинг Абу Райхон Беруний номидаги Шарк кўлэзмалари Маркази биноси фойёсига ишлаган эпик расмлари, Самарқанддаги «Қулдуз» чойхона — ресторани деворидаги, Сочидаги Ўзбекистон» санаторийсига ишланган ва шу каби бошқа катор асарларида ҳам Алишер Навоий даври руҳи, шоир эстетикаси, Шарқнинг буюк rassоми устод Камолдин Бехзодининг барҳаёт анъаналари ўз аксини тоналган.

Чингиз Аҳмаров Алишер Навоий номили Ўзбек Давлат Катта академик опера ва балет театри биноси деворларига ишланган маҳобатли асарларида улут шоир эпик меросига, достонларига мурожаат қилиб, мазлум даражада Шарк миниятораси анъаналаридан баҳраманд бўлиб, XX асрга мос, хозирги бадиий эстетик талабларга жавоб бера оладиган асарлар яратди. Мана кирк йилдирки, бу ажойиб расмлар тамошабинларни Алишер Навоий достонларидаги қаҳрамонларнинг ёрқин сиймолари билан ошно этиб, уларга эстетик завқ бағишлаб келмоқда.

Rасмларнинг бирида «Айнул ҳаёт» — «Ҳаёт чапмаси» номили бўлқдан «Баҳрун нажот» — «Нажот дарёси» номили ариқка сув очган Фарҳод қўли қўксига гўзал Ширинни карши олмақда. Янги ариқка караб сувнинг равон оқинидан беҳад шод бўлган Ширин козидаги парда — буржасини олиб, Фарҳодга ўз минияторчилигини изҳор қилмоқда. Бугун халқ нажот ариғига сув очилганидан, асрий орзуи ушлаганидан беҳад шод. Тўёки, шоир тасвирлананидек:

*Халонинг ичра гавго тушини ҳарён,  
Улу ечра аило тушини ҳарён!*

Бу ажойиб манзара шоирнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги энг муҳим воқеага бағишланган бўлиб, расмда у юксак маҳорат билан тасвирланган. Rassом фойдаланган нафис ранглар уйғунлиги, нозик ва оҳангдор чизиклар, фон учун танланган нақшинкор бино кўриниши, кийёс гуллаган дарахт шохлари, кишиларнинг кийимларидати беэаклар ва расм четидати ганч нақшлар барчаси асосий воқеа — янги нажот ариғига «Айнул ҳаёт» бўлқдан сув очили маросимини жуда кўтаринки руҳда ўтаётгани, кишилар хис-ҳавжони ва шоду хуррамлигини ёрқин ифода этишга хизмат қилди. Тасвирдаги широна лирик кайфият, нафис ва жоизбали рангларнинг узаро мутаносиблиги, ҳар бир деталнинг аниқ ифодаси, асар тарҳининг пухталлиги, чизиклар нозиклиги атоқли rassомнинг ушбу театр биносидати барча асарлари учун характерлидир дейиш мумкин.

Бошқа бир расмда «Лайли ва Мажнун» достонидаги, жамият нуфузлари томонидан рад этилган пок мухаббати туйфайли даштга чиқиб кетган, жониворлар ва табиат билан ҳамлард бўлган Кайсининг олдига севгилиси Лайлининг борлиши, уларнинг учрашув ҳолати акс эттирилган. Улут шоир томонидан бекиёс эхтирос билан қўйланган Лайли ва Кайс — Мажнуннинг ушбу дейдорлашув даҳзалари rassом мўйқаламида хаэин, лирик оҳанг касб этган.

«Саъбаи сайёра» дostonига ишланган Баҳром ва Дилоромнинг овдаги баҳси манзараси, «Садди Искандарий» («Искандар девори») дostonига ишланган Искандарнинг ёвуз кучлар тимсоли Ўзбек ва Мавжуддан халкларни ҳимоя қилиш учун улкан девор қурдираётган ҳолати ва умуман барча расмлардаги умумий нафислик, чизиклар нозиклиги катта задалаги ажойиб ганч безакларига жуда монанд тўшганлиги билан кишини мафтун этади.

Театрдаги деворий расмларга атоқли рассом катор ўтмиш мусаввирлари томонидан қайта - қайта мурожаат қилинган анъанавий мавзуларни танлаб олган бўлса-да, баъзи ўринларда уларнинг ижодий ютуқларидан ўз жойида ва мевёрида фойдаланиш билан бирга, образлар талқинида, воқеаларга муносабатда бутунлай ўзига хос йўл тутган.

Натижада улў шоир дostonлари анъанавий мавзулари Чингиз Аҳмаров мўйқаламида янгича талқин қилинди. Бизнингча, бу расмларда улў шоирнинг XX асрга ҳамоҳанг ўлмас ғоялари — меҳнат ва муҳаббат, тенглик ва адолат тўғрисидаги орузлари Ўқинчи Жаҳон уришидан кейин зайрон бўлган шаҳарлари тиклаётган халқнинг яратувчилиқ феолиятига мос тушган бўлиб кўринади. Ўёки, улў шоир Алишер Навоий бундан беш аср муқаддам тараннум қилган илғор ва тараққийпарвар ғоялари XX аср ўзбек рассомлари асарларида янги оҳанг, янги жило ва сайқал топди.

Чингиз Аҳмаров театр деворларида расм ишлаш жараёнида улў шоир асарларининг бир умрлик муҳлиси бўлиб қолди ва кейинги феолиятда уларга қайта-қайта мурожаат қилганини кўрамай. Рассомнинг юқорисида номлари тилга олинми, таҳлил этилган асарлари учун у мамлакатдаги етук мутахассислар томонидан тан олинми, театр биносини безақла иштроқ этган меймор академик Шўсев, наққошлар Уста Ўирин Муродов, Тошўлат Арслонқулов ва бошқалар каторида Давлат мукофотига сазовор бўлди. Эндликда бу ажойиб расмлар XX аср ўзбек тасвирий санъати тўғрисидаги кўпгаб фундаментал тадқиқотларда ўрганилмоқда ва маҳсу альбомларда қайта-қайта чоп этилмоқда.

Алишер Навоий номили Давлат Адабиёт музейининг катта задалаги улў шоир шеърятига бағишланган деворий расмлар ҳам атоқли рассомнинг ижодига алоҳида ўрин тутди. Бу ўнги расм — лавҳаларда ўзбек тилида «кўн ва хўб шеър айтгон» беназар инсон Алишер Навоий шеърятининг мавзу доираси қонлиги, юксақ бадиий савийсини нақсоний этадиган шеърли байтлар мазмуни акс этирилиб, уллар шоир маръанавий-бадиий олами мазмунидан бой, юксақ ижод маҳсули эканлиги ва улларда инсонпарварлик ғояларининг тараннум этилиши яна бир қарра, тасвирий санъат тили воситасида, ёрқин образлар, нафис чизиклар ва мулоийим ранглар ўқунлиги воситасида тавқилланади. Расмларда улў шоирнинг ажойиб мисралари рассом мўйқаламида яна янги жаранг, янгича ифода ва таъсир кучига эга бўлгандек кўринади.

«Навоий шеърятини» номили туркум расмларда Чингиз Аҳмаров ўтмиш мусаввирларнинг яна бир анъанаси, хаттоғлик ва рассомликнинг ўзаро ҳамкорлигини тиклади. Бу туркумдаги барча лавҳа расмлар ягона, умумий композицион мавзу асосида яратилган бўлмай, хар бири алоҳида-алоҳида мустақил мазмунига эга ғазаллардан олинган ғазалнинг биринчи байтлари -мағла мазмунини тасвирий образларда акс этиришти бағишлангандир. Лекин хар бир мустақил лавҳа расм қадимий мумтоз миннатгора санъати анъанасига кўра ягона, умумий фонда яхлит асардай, улкан полотнодек туюлади. Қолаверса, улларни умумий услўб ва улў шоир шеърятти мазмуни бирлаштириб тургайдай. Хар бир лавҳа расм Алишер Навоийнинг энг яхши ва характерли ғазалларининг мағлаysi — бошланғич биринчи байтининг мазмунини очиб беришти хизмат қилади.

Лавҳа расмларнинг бирида шоир қаламга олган сарьяноз ўзал чанг торларини чертиб, ўз кайфиятини, рухий ҳолатини музика оҳанглари ёрдамида изҳор қилмоқда.

Ўзал тасвирийнинг бир оз юқорисида наставглик хатгида куйидаги машҳур мағлаь битилган:

*Ўн саккиз миғ олам оидуби асар бошиндодур,  
Не ажабқим, сарьянозм ўн саккиз ёшшдодур.*

Яна бир лавҳа расмда ёш лирик қаҳрамон хол-беҳол, истар-истамас дустор чағиб ўз дардини, гамини куйтамоқда. Унинг юқорисида куйидаги шоир байғи битилган:

*Не нево соз айлагай, бўлбул дўлхстондин жудо,  
Айламас тўти тақалум, шаққаристондин жудо!*

Расмларнинг яна бирида васл оушида учрашувдан маст бўлиб, сайр қилиб юрган икки бағтиёр — йигит ва қизнинг тасвирийни кўрамай. Лавҳа расм ёнида улў шоирнинг орузи ифодаланган мағлаь:

*Не хуш бўйгай иқовлон маст бўлсак васл боғида,  
Кўрум бўлса янинг бўйнида-у оезим кулгоинда.*

Музей зали деворидаги хар бир лавҳа расм алоҳида мазмунига, мустақил композицион ечимга эга бўлса-да, уллар ягона манзара фонидо ўзаро боғланиб, ўйунлашиб, катта эпик характер касб этади. Улў шоирнинг ажойиб шеърлерини ўқиб, атоқли рассомнинг нафосат тўна, жоғибадор расмларидан завқланиб, тамоллабин ўзини бекосдан тўе шеърят ва ўзалглик чаманига тушлиб қолгандай тасаввур қилади Алишер Навоий даҳосига, шоиртаб рассом махоратига таҳсин ўқийди.

Расмлардаги қаҳрамонлар рухий кечинмаларида бугунги инсон қалбидаги энг нозик ва эгу туйултар, улларнинг ўз дарди, орузи, шодлиги билан бирга тасвирилангандай кўринади. Ушбу расмлардаги лирик қаҳрамонлар сиймолари ўтмиш мумтоз миннатгори рассомлар яратган улў шоир образларининг тасвирий санъатдаги галереясини маълум даражада тўлдирайди, бойтади.

Давлат Адабиёт музейидаги яна шу деворий расмлар ва ўзбек тасвирий санъат тараккиётига кўнган катта хиссаси учун Чингиз Аҳмаров ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўлган эди.

Алишер Навоий номили метро бекаги безатишининг атоқли рассомга топширилгиши ҳам унинг улў шоир ижодини тасвирий санъатда ифодалашда тўплаган катта тажриба ва хизматининг тан олингиши деб тушуниш мумкин.

...Улў шоир номи билан атадиган метро станциясига кириб борамиз. Қаравершида Алишер Навоийнинг нуроний сиймоси қарши олаётгандай туюлади. Унинг икки тарафидо, ўнг ва чап томондаги деворий лавҳаларда шоир шеърятти қаҳрамонлари образлари бўртма расмларда акс этирилган. Бу лирик қаҳрамонлар сиймоси билан танишар экан, киши беихтиёр Алишер Навоий шеърларини ҳам эслайди. Мана шоирнинг маҳбўбясини тасвир этаётган мусаввир. Унга қараб, Алишер Навоий шундай дегандек:

*Юзидек мумкин эрмас, эй мусаввир чекма захматким,  
Кучи журмин кўшиб ҳал айласанг ранг ўлдуси зое.*

Ёки:  
*Мусаввиреки куйур куйи гардининг рақамин,  
Кўнганки, кўза чеккай сурми шийдек қаламин.*

Бошқа бир лавха расмдаги гўзал маҳбубага қараб шoir куйидаги шеърни биттаётгандай кўринади:

*Эй кўнгул, ахши икки дунедин,  
Бир назар қилса сенга ошдоринг!*

Созанда маҳбуба образи эса созандалар илҳоми рамзи - Зухра сайёрасига қиёсланётгандай:

*Зухра йўлида тузуб наво зер,  
Амтрыйлардек бўлиб мийнаир.*

Алишер Навоий шеърини ёрқин образларга шу қадар бойки, рассомлар улاردан энг характерлиларини танлаб тасвирлаган. Шунинг учун бўлса керак, бир лавха расми кўриб, улў шоирнинг бир неча шеърини парчаларини ёлга тушириш мумкин. Мисол учун қийос очилган гуллар ва шамга қиёсланган гўзал маҳбуба образини олиб кўрайлик. Уни кўргач, Алишер Навоийнинг:

*Жонни жонан истама, қилмоқ талтув хўб эмас,  
Найласун жон, улки бўлгай, сен киб жаноно хўб -*

Байтини эслаш мумкин. Ёҳуд:

*Хусни ортар юзда зулфин анбар афшон айлагач,  
Шавъ рақибанрок эрур, торин паршон айлагач -*

мағлаби асосида яратилган дейиш ҳам мумкин.  
Бу расмларда ХХ аср 70 йиллари руҳи уфуриб туради. Улў шоир лирик қахрамонлари сиймолари яратилар экан, рассомлар унинг шахсияти тасвирини ҳам четлаб ўтишмаган. Чап томондаги иккинчи расмда шоир сиймоси унинг куйидаги фахриyasi асосида яратилган:

*Дедам: Назм аҳлининг сарҳайли ким бўлгай? Деდი хотиш,  
Навоий бўлгай, улким, сен тиккайдурсен агар бўлгай.*

Қизгин ижод билан банд улў шоир сиймосини кўргач одам унинг яна куйидаги байтнинг хотирлайди:

*Менким элик йил чекиб аки, поммадим хушвақлитис,  
Толгаменму умрини эмдики, ўтмиш хушроғи.*

Лекин халқаро анжуман, кинофестивал ва конференциялар шахри бўлган Тошкентдаек Шарк машъали метросида Алишер Навоийнинг:

*Одами эрсанг демагил одами,  
Онйки йў, халқ гамиди ги ми*

Қаби ҳикматлари ва бошқа ибратомуз шеърин лавҳалар матни ҳам битилганида, нур устига аъло нур бўлар эди.

Алишер Навоий шеърини қахрамонлари сиймолари билан танишиб бўлгач, ўзичорар зиналар ёрдамида станциянинг асосий залига тушамиз. Рўпарада бизни ажойиб гулдор гилам кутиб олади. Ичкарида эса киши ўзини афсонавий ер ости қасрига тушиб қолгандай хис қилади. Юқорида накинкор тумбазагар, баланд усгунлар, икки томон деворига нақшли гиламлар осилгандай.

Қаср ўртасида эса Алишер Навоийнинг машҳур «Ҳамса» тўпламидаги дostonлар мазмунни асосида яратилган бўртма расмлар жойлаштирилган. Улар ҳам гилам услубидаги нақшин композициядан иборат бўлиб, марказий доираларда қахрамонлар сиймоси акс этирилган. Унл томондаги деворда «Сабъан сайёра» дostonи бош қахрамонлари шох Баҳром ва Дилором тасвири туширилган. Ёнидаги расмда эса «Садди Искандарий» дostonи қахрамонлари Искандар ва бош муҳандис». Бош муҳандис сиймосини ҳам ижодкорлар Алишер Навоийнинг ўзига ўхшатиб яратганлар. Чунки улў шоир ўз даври ободчилик ишларига мислсиз даражада қатта эътибор берган эди.

Чап томондаги деворда «Фарход ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» дostonи қахрамонлари тасвирланган. Биринчисида нажот ариғи битиши муносабати билан уоштилган баъзда Фарходни Ширин меҳмон қилаётган ҳолат. У ибo билан Фарходга шарбат узатмоқда.

Иккинчи расмда эса Лайли ва Қайснинг даштдаги учрашув чоғи акс этирилган. Бу воқеа бошқа расмлардан фарқи улароқ, ғамгин, ҳазин йўналишда яратилганки, машҳур образлар киши қалбида беҳкиёр ҳамдардлик хиссини уйғотиши табиий ҳол. Метро станцияси, ҳеч шубҳасиз ўзбек тасвирий санъатидаги навоийшunosликининг янги бир боқичидир, деб баҳолаш мумкин.

Шу ўринда Чингиз Аҳмаровнинг «Биз ўз ижодий меҳнатимиз билан халқимизнинг бадиий дидига мос келадиган, улў Алишер Навоий яратган абадий бaрҳайт образларга яқинлашадиган асарлар яратга олсак, ўзимизни бахтиёр хисоблардиқ», - дeтан гапини эслагич, Дарҳақиқат, ўз халқига маъқул ва манзур бўлаган асарлар яратган санъаткорлар бахтиёрдирлар.

Чингиз Аҳмаров яратган тасвирий санъатдаги навоийнома халқимиз маънавий ҳазинасидаги ажойиб дурдонадир.

### Санъат комуси

Москвадаги «Тасвирий санъат» («Изобразительное искусство») нашриёти тўққиз том, ўн уч китобдан иборат «МДХ (СССР) халқлари санъати тарихи» номиги фундаментал тадқиқотни рус тилида чоп этишни тугалади. Унда тасвирий санъатнинг энг қадимги давриридан бошлаб, то 1977 йилгача бўлган тараққиёти тарихи хақида кенг маълумот берилган.

Ушбу йиррик тадқиқот Россия Бадий академиясининг хақиқий авзоси Б.В.Веймарн ташаббуси билан бошланиб, унинг раҳбарлигида амалга оширилди. МДХ Мамакатларидати йиррик санъатшunosлардан ташкил топган таҳрир хайъатига Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Шарк халқлари тасвирий санъати билимдони Г.А.Пугаченкова ҳам жалб этилди.

Дадил айтиш мумкинки, ушбу санъат комуси муस्ताқил давлатлар ҳамдўстлиги халқлари маънавий ва маданий бойлиги бўлмиш тасвирий санъат соҳасидаги энг йиррик ижодий ютуқлар ва муваффақиятларни ўзида мужассамлаштирган.

Мазкур асарнинг биринчи томи МДХ территориясидаги илк ижтимоий жамоалар ва қадимги давлатлар санъатини ўрганишга башиланган. Хусусан, Урарту, Қора денгиз



бўйи, Кавказ ва Марказий Осиёда палеолит, неолит ва бронза даврларида яратилган тасвирий санъатнинг энг яхши намуналари таҳлил қилинган. Унда қадимий Марказий Осиё санъати ҳақидаги мақолалар В.Е.Масон, А.А.Формазов, Г.А.Пугаченкова томонидан ёзилган.

Иккинчи томда МДХ худудидagi халқларнинг эрадан аввалги IV асрдан XIII асргача бўлган тасвирий санъат тараккиёти тўғрисидаги маълумотлар келтирилди. Бу даврда Марказий Осиё, Озарбайжон, Арманистон ва Грузияда мезморчилик тасвирий ва амалий санъат соҳасида ажойиб асарлар яратилгани алоҳида қайд этилган.

Қарийиб минг йил давомида яратилган қўллаб санъат обидаларини ўргатган китоб муаллифлари уларнинг бадиий-эстетик хусусиятларини таҳлил этиш билан бирга, бу асарларнинг умуминсоний маданият тараккиётида тўтган ўрнини аниқлашга ҳам интилишган. Шунингдек, турли жойларда яратилган санъат асарларининг ўзаро ички муносабати, улардаги умумий хусусиятларга алоҳида эътибор берилган. Ушбу томдаги Марказий Осиё ва Қозоғистон санъати олима Д.В.Ворохина томонидан ёзилган. Китоб муқовасида Афросиёб деворий расми намунаси берилган.

Учинчи томда XIV-XVII асрлар санъати таҳлил қилинган. Унда машҳур санъаткорлар Андрей Рублев, Феофан Грек, Султон Муҳаммад, Махмуд Музаҳҳиб, Муҳаммад Мурод Самарқандий ва бошқаларнинг ижоди ҳақида гап юритилди. Бу давр Марказий Осиё ва Қозоғистон санъати Г.А.Пугаченкова (XIV - XV асрлар тасвирий санъати), Л.Ю.Манковская (XVI-XVII асрлар мезморчилиги) ва В.Г.Долинская (XVI-XVII асрлар миниатюраси ва амалий санъати) томонидан ёрилган.

Тўртинчи том XVII аср охири ва XVIII асрлар санъатига бағишланган. Маълумки бу даврда МДХ худудининг аксарият жойларида ўрта аср иллатларидан халос бўлишга интилиш ҳамда инсон шахсияти, табиат ва тарих қонуниятларига эътибор қўйилган эди. Ушбу томда Марказий Осиё ва Қозоғистон санъати тўғрисида В.Л.Ворохина тадқиқоти берилган.

Бешинчи томда XIX асрнинг биринчи ярми санъати тарихи баён қилинган бўлиб, унда Марказий Осиё ва Қозоғистон халқлари ижодига алоҳида бооб ажратилган. Уни Б.В.Веймарн ва Н.А.Бенинская ҳамкорлигида ёзилган. Ушбу томдан эътиборан ўзбек архитектураси, санъати ибораси қўлланилган.

Марказий Осиё ва Қозоғистон санъатининг XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошлари даври олтинчи томда В.Г.Долинская томонидан баён қилинган.

МДХ халқларининг 1917 йил октябрдан сўнгги даври санъати ушбу қомуснинг охириги уч томида акс эттирилган. Бу даврдаги ўзбекистон санъати тарихини ёзилди М.Мюни, Р.Тоқтош, Т.Кодирова, М.Фахриддинова, А.Сононовская, А.Морозовалар иштирок этганлар.

Мазкур қомусий китоб XX аср санъати ва санъатшунослигининг энг сўнгги эллик йил давомида қўлга киритган нотужқларини ўзига акс эттириб, уларни маълум даражада умумлаштирди. Шунинг билан бирга, унда хорижий мамлакатларда ҳам Ватанимиз санъати тарихи ва XX асрдagi тараккиёти хусусида энг муҳим тадқиқотлардан фойдаланилган. Бу наشرда шу соҳага оид барча махсус тадқиқотлар талабига тўла жавоб берадиган илмий маълумотлар – адабиётлар рўйхати, матнда номлари қайд этилган мезморлар, расомлар, хайкалтарошлар, амалий санъат усталар номлари кўрсатгичи мавжуд. Хар бир томининг ихчам мазмунини инглиз тилида ҳам келтирилган.

Жаҳон бадиий маданияти хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган, МДХ халқлари санъати дурдоналари қаторида Марказий Осиё мезморий обидалари, қадимий хайкалтарошлик намуналари, деворий расмлар, миниатюралар, халқ амалий санъати ҳамда XX асрда яратилган энг ажойиб асарлар тўғрисида чуқур маълумот берувчи «МДХ (СССР) халқлари санъати тарихи» китобини махсус санъати қомуси деб атаб, унинг

яратувчиларини жуда қатта ижодий ютуқ билан табриқлаш мумкин. Бу фундаментиал асар мутахассислар иш столидан муносиб ўрин олиб, халқларимиз бадиий-эстетик ва маънавий егамлини бойитишда, уларнинг дунёқарашини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиб, келгуси тадқиқотлар учун қатта манба бўлиб хизмат қилгишига аминмиз.

Шарқшунос олим

- Машъум уруш бошланганда Андижон вилоятининг Қўртонтепа туманидаги туликсиз ўрта мактабларининг бирида хизмат қилар эдим, - деб эслайди Бўрибой ака. - Тенгсўрларим қатори она-Ватан химоясига отландим. Қўллаб жангларда қатнашишга тўғри келди, аммо Волгоград остонасида ва Курск ёнидаги жанглар ҳаммасидан ҳам шиддали бўлди...

Ёш жангчи Бўрибой Аҳмедов Курск ёнидаги жангнинг аини қизғин палласида 1943 йилининг июль ойида взвод командири эди. У жангларнинг бирида отир жароҳатланиб, госпиталда ётиб даволанишга мажбур бўлди. Соғайғач, яна жангга отланди....

Собик жангчи уруш хотараларини, айниқса она-Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурашган хар бир киши – хаётдан қў нолгани ҳам, тирити ҳам бизнинг мамлакатда иззат-ҳурматда бўлишидан, уларнинг хизматлари, хотирасини ҳеч қим, ҳеч қачон умумасликларини фахрланиб тапирди. Зеро, мамлакат халқларининг қардошчилиги, бирдамчилиги, Жаҳон уруши жангларида янада мустақамланганлигини қайта-қайта таъкидлайди у:

- Уруш даврида кишиларнинг бир-бирига нишончи, мамлакат халқларининг бирлиги янада мустақамланди. Турли миллатлардан бўлган кишига орасида ўзаро дўстлик, ҳамкорликнинг ажойиб тинсоли юзга келди. Биз ўзбекистон фарзандлари учун қардош халқлар ерлари ўз юртимиздаги қадрдон ва мўқаддас эди. Турли миллатлардан ташиқ топган армия қисмлари аҳоли яшайдиган жойлардан ўтаётган вақтларда қўчаларда иссиқ овқат оиб чикиб, жангчиларни сийлаган турли халқ аёлларини кўп кўрганман. Биз жангчилар йўлда кетаётган, уларнинг таомларидан баҳраманд бўлганмиз. Қолаверса, урушдан кейинги меҳнат ва илмий фаолиятимизда зришган муваффақиятларимизда Жаҳон урушининг хаётий сабоғи муҳим ўрин тутди.

Дарҳақиқат, Жаҳон уруши ноғирони Бўрибой Аҳмедов урушдан кейин ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номи Шарқшунослик институту илмий холими, аспирант, илмий қотиб, бўлим мудирини вазифаларини адо этар экан, ўзининг меҳнатта жиддий муносабати, харбий иродаси билан ажратиб турди. Тинимсиз изланиш ва меҳнат туфайли Бўрибой Аҳмедов 1961 йили халқимиз тарихини ўрганиш бўйича олинб борган тадқиқоти юзасидан фан номзоди, 1974 йили эса фан докторлиги диссертацияларини муваффақиятли ёқлади.

Олимнинг йирик рисодаларининг хар бири алоҳида суҳбат мавзуйи бўла олиши мумкин. Масалан, унинг "Қўчманчи ўзбеклар давлати" номли йирик китоби (Москва, 1965 йил, рус тилида) ўзбек ва чет эллик тарихчиларнинг эътиборини ўзига жалб этди. Шунингдек, 1982 йили чоп этилган «Балх тарихи» (рус тилида) рисоласи ҳам кенг илмий жамоатчилик томонидан яхши кўтиб олинди. Олимнинг қаламига мансуб ўрта асрнинг атоқли олимларидан Мирзо Улугбек (1965 йил), Фиёсиддин Хондамир (ўша йили), Давлатшоҳ Самарқандий (1967 йил) ва бошқалар тўғрисида алоҳида рисодалари муҳим илмий қимматга эга.

<sup>89</sup> Институт Шарқ қўлёнамалари Марказига айлантирилгани юқорида эслатилган.

### Қилқалам тасвир йўзларида

Ўрта асрларда яратилган ноёб ёзма манбаларни нашруга тайёрлаш, баъзиларини таржима қилиб, илмий изоҳлаш борасида ҳам олимнинг ҳиссаси каттадир. У XVI аср тарихчиси Хофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулқаном» номли йирик асарини биринчи ва иккинчи жилдлари форсчадан ўзбек тилига таржимасини нашруга тайёрлаш ишига бошчилиқ қилди. Мухим тарихий манба, XVII аср олмони Махмуд ибн Валдининг «Бахури асрор» («Сирлар денгизи») номли асарини форс тилидан рус тилига таржима қилиб, зарур илмий изоҳлар билан 1977 йили чоп эттирд. Шунингдек, улут ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ташаббуси ва ҳомийлигида Давлатшоҳ Самарқандий томонидан яратилган «Тазкиратуш шуаро» («Шоирлар зикрида») номли асарини ҳам форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, шоирлар тўғрисида кўшимча маълумотлар иловави билан 1981 йили эълон қилдириди.

Истеъдодли олим каламига мансуф икки юздан ортиқ мақолаларнинг баъзилари ўз салмоқи, кўтарилган муаммоларнинг муҳимлиги, илмий муомилата олиб киртилган мўтабабар кўлэзма манбалар илмий киммати нуктаи назаридан жуда аҳамиятлидир. Африк мақолаларининг чет элларда ҳам чоп этилганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Бинобарин, унинг «Ўзбек халқининг келиб чиқишини ўранишда ёзма ёлғорлиқларнинг роли ҳақида» номли мақоласи алоҳида диққат-эътиборга лойиқ. Чунки унда ўтмишдан қолган қўлэзма асарларнинг халқимиз тарихини ўранишдаги илмий аҳамияти атрофлича талқин қилинади. Агар биз жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган атоқли алломаларимиз Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улғубек ва бошқаларни етказиб берган халқимиз этногенези ҳақида атрофлича ўранилмаганини назарда тутсак, мақола келгуси талқикотлар учун алоҳида илмий қийматга эгалиги маълум бўлди. Шу муносабат билан олимнинг халқимиз тарихини ўраниш муаммоси тўғрисидаги фикрини билмоқчи бўлдик.

- Бу жуда мураккаб, жуда жиддий муаммо, - деди у чуқур ўйга толгиб, - Уни бир ёки бир неча мақола, хатто битта рисола яратиб билан атрофлича хал қилиб бўлмайди. Катта сиёсий, илмий ва амалий аҳамиятта эга бу масалани атрофлича ўранишда бир неча ижтимоий фан намояндлари, жумладан, археолог, тарихчи, этнограф, тилшунос, иктисодчи, файласуф ва шарқшунослар ҳамкорликда талқикотлар олиб боришлари зарур.

Бўрибой Аҳмедов — сингков олимлардан. Зеро, у катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Мақтаб ва университет аудиторияларида пайдо бўлган илмга ташналиқ Бўрибой Аҳмедовни катта илм даргоҳига бошлаб келди. У ўз кўзлаган чўккинни забот этиш мақсадига Россия илф-фан маркази Санкт-Петербург шаҳрида таълим олди. Машхур рус шарқшунослари И.И.Петрушевский, В.И.Беляев, А.Н.Болдирев сингари олимлардан кўп нарсани ўрганди. Унинг диссертациялари ҳам Санкт-Петербург Давлат университетининг Шарк факультетида ёқланди.

Собик жангчи ва етук олим ўзи сатафларидан ўраниш билан бирга, ҳозир Ўрта аср тарих фани соҳасида юқори маъкалати кадрлар етказишда ёшларга меҳрибон мураббий сифатида устозлик қилаётир. Унинг шогирдларини фақат Ўзбекистонда эмас, қардош Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда, хатто кўшни Афғонистонда ҳам ўратиб мумкин. Ҳозир унинг раҳбарлигида ўнча яқин шогирдлари турли мавзуларда муваффақиятли илмий иланишлар олиб бормоқдалар. Биз ҳам олимнинг эъту интилишларида тилақдошимиз.<sup>90</sup>

<sup>90</sup> Академик Б.А.Аҳмедов тўғрисида Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1 жилд. Тошкент. 2000, 560 бетидан кўшимча маълумот олиш мумкин.

Марказий Осиё халқлари тасвирий санъати тарихида қадимги мўтабабар кўлэмаларни зийнатлаш учун яратилган нафис мўъжаз расм-миннаторлар муҳим ўрин тутди. Бу нодир санъат намуналари X асрдан XX аср бошларигача турли маданият марказларида, асосан тарихий асарлар, бадний адабиёт ва илмий рисолалар кўлэмаларига лавҳа расм сифатида яратилган. Шунингдек, алоҳида мустақил расмлар, портретлар ижод этилганлиги эслатиш мумкин. Устоз рассомлар Муҳаммад Сиёҳқалам, Хожа Абдулхай, Қамолдин Бехзод, Махмуд Музаҳҳиб, Муҳаммад Мурад Самарқандий ва бошқалар ўз ижоди билан бу тасвирий санъат соҳасини қамолга етказишга хизмат қилишлар. Нафис мўъжаз расмларнинг энг яхши намуналари ўзининг юксак бадний ҳусусиятлари — ёрқин ранглар жозибаси, чизиклар нафислиги, нақшлар назокати, кўтаринки руҳдаги образлар силсиласи, композицион ечимларнинг пухталиги, соф дунёвий мазмунли ва илғор, тараққийпарвар гоялари билан жаҳон тасвирий санъати хазинасидан муносиб ўрин олган.

Ўзбекистоннинг айрим рассомлари, хусусан Уста Мўмин, Ш.Ҳасанова, Ч.Ахмаров, Т.Муҳаммедов ва бошқалар ижодига мўъжаз рангтаъсир кисман таъсир қилиб кетар эди. 1980 йилдан бошлаб бу нодир санъат соҳасини айнан қайта тиклашга уриниш ташкилий тус олди. Бунга республикамизда Шарк миниатора расм санъатини ўранишда, энг яхши намуналарини чоп этишда зрийилган салмоқли муваффақиятлар, жумладан «Бобурома расмлари», «Алишер Навоий достонларига ишланган расмлар», «Марказий Осиё миниаторлари», «Шарк миниатораси» номли альбомлар ҳамда Алишер Навоий, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавий, Абулрахмон Жомий асарларига ишланган нодир расмларнинг юксак маъбаа савиясида эълон қилиниши асосий турткилардан бири бўлди.

XX аср 80-йиллари катта авлод рассом миниаторчилиари Михаил Воронский, Владимир Ан каторида бир гуруҳ умидли ёшлар — Ниёзали Холматов, Шомахмуд Муҳаммаджонов, Маруф Сагимова, Тоҳир Болтабоев, Интизом Аскархожаев, Алишер Ишпошев ва бошқалар замонавий ўзбек миниаторасини тиклаш борасида жиддий изланимқилар. Мана шундай заҳматгалаб ижодий изланишга дадил киришган умидли ёшлардан бири тошкентлик рассом Хуршид Назировдир. Ундаги Шарк миниаторасига қизқиш, устоз рассом Чингиз Аҳмаровнинг ажойиб расмларидан таъсирланиш, завқланиш натижасида юзага келган эди.

Хуршид дастлаб Республика бадний билим юртининг рангтаъсир бўлимида Геннадий Моисеев ва Владимир Петровдан рассомлик сирларини ўрганди. Кейинчалик «Усто» бирлашмасидаги ёш миниатористлар гуруҳига келиб қўшилди. Бир йиллик қайта таълимдан сўнг рассом нафис мўъжаз рангтаъсир соҳасида мустақил ижод қила бошлади. Ёш рассом бу йўлда ўнча бетараз ёрдам қўлини чўзган Чингиз Аҳмаровдан ташқари истеъдодли миниатористлар Ниёзали Холматов ва Шомахмуд Муҳаммаджонов номини алоҳида хурмат билан тилга олади. У кейинги тўрт йил давомида тўксонга яқин куттичаларни нафис мўъжаз расмлар билан зийнатлаб, бирлашмага топширди, қатор асарлари эса республикамизда ўтказилаётган ёш рассомлар кўрғазмаларида, хатто чет элларда, жумладан Шри Ланкада ҳам намойиш этилди.

Хуршид «Усто» бирлашмаси учун куттичаларни миниаторлар билан беъаъдан ташқари қотозда алоҳида, мустақил асарлар яратиб бобида ҳам ўз истеъдодини дадил синаб кўрмоқда. Рассомнинг бу соҳада яратган асарларини кўздан кечириб унинг муштоз Шарк нафис мўъжаз расм санъатининг асосий бадний услуб сирларини пухта ўзлаштириб олганидан далolat боради. Бу эса айниқса қиллар, жониворлар тасвири, бинолар кўриниши ва табиат манзараларидаги ёрқин ранглар жилоси, нозик чизиклар ва ажойиб

нақшлар жозибасида алоҳида кўзга ташланади. Рассом асосан XV аср Хирот ва XVI аср Бухоро мактаблари бадий услубига хос хусусиятларга эргашади. Шунинг билан бир каторда унинг ижодида Палех рус миниатюраси таъсири, хусусан асар тарҳи — композициясининг соддалигида, баъзан кора ранг жилоларидан ҳам фойдаланишида сезилади.

Х.Назиров кўпроқ Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Хофиз Хоразмий, Алишер Навоий, Увайсий асарларига мурожаат қилишни ёқтиради. У қадимий анъанавий адабий образларни ўзинча тақкин қилишга интилади. Низомий Ганжавийнинг «Етти наъкар» дostonига, Хофиз Хоразмий, Алишер Навоий ғазалларига ишланган расмлар муаллифнинг табиат манзараларини кўтаринки руҳда тасвирлаши, нақшинкор бинолар фониде кишиларнинг ёрқин образлари ёрдамида асар мазмунини очиб беришга интилишини кўрамыз. «Олишув», «Умр дафтари», «Шоирнинг рухий олами» каби асарларида рассом тамонабинни ҳаёт тўғрисида ўйлашга, мулоҳазага, баъзан эса баҳсга чорлаётгандай туюлади.

Ўз асарларида ҳаётний кузатишларни умумлаштириб тасвирлаш у яратган Фахр Фулмонинг «Шум бола» асарига ишланган расми ҳамда «Кечув», «Илҳом», «Табият оғушида» каби миниатюраларидаги шоир, рассом ва бошқа қахрамонлар образларида намоён бўлган.

Умидли рассом-миниатюрист Хуршид Назировнинг ижоди билан танишув унинг қадимий мунотоз миниатюранинг анъанавий бадий услубига қайтадан «жон бахш этилодга астойдил киришганидан, устод Мусаввирлар махорат сирларини эгallaб, замонага муносиб асарлар яратилга ҳаракат қилаётганини кўрсатади.

#### Тонгга жону тил бағишлаб

Ўзбекистон тасвирий санъати тараққиётида хайкалтарошлик тобора муносиб ўрин эгалламоқда. Рустубеиқамиз хайкалтарошлигига муносиб ҳисса кўшаётган санъаткорлардан бири Ахмаджон Шоймуродовдир.

Самарқанд шаҳрида йўлдош Охунбобоевга ўрнатилган хайкал, халқ қахрамони Қудрат Сунонов жасоратини абадийлаштирувчи ёлғорлик, машхур халқ бахшиси Йелом Шоир сиймоси, Тошкент Метрополитенининг Алишер Навоий номидаги Бекатиядаги бўртма расмларни яратишдаги интироқининг ўзбек маълум даражада Ахмаджон Шоймуродов ижоди тўғрисида тасаввур ҳосил қилишга имкон яратди.

А.Шоймуродов 1936 йили Самарқандда туғилди. Унинг болалик йиллари Жаҳон уришининг энг оғир даврига туғри келди.

-Бола эканмиз, - деб эслайди хайкалтарош, - бўлмаса 1942 йили ўз ихтёри билан фронтга кетаётган отам Шоймурод Оракуловни бепарвотина кузатуардимиз? Олти ёшда отам билан, яъни энг қадрдон кишим билан бир умрга хайрлашаётганимни асло ҳаётимга келтирмаган эканман...»

Оила бошлигининг ажралган ёш Ахмаджон онаси билан Пахтачи туманининг Гурўгли кишлоғида яшовчи Оракулов бобо ёнига кўчиб боришди. Кейинчалик улар яна Самарқандга қайтиб келишди ва она шароити тақозосига кўра, Ахмаджон кечки мактабда ўқиб, кундузлари тоштарошлик устахонасида тош кесувчи бўлиб ишлади. Бу кийин ва заҳматгагаб меҳнат бўлгуси хайкалтарошга, шоир таъбири билан айтганда, «тошга жону тил бағишлаш» сирларини эгаллашда ҳақиқий ҳаёт мактаби вазифасини ўтади. Чунки, хайкалтарошлик санъатида аше — материал хусусиятини билиш, тасаввур қилиш, мутахассисларнинг фикрича «ҳис қилиш» жуда муҳим аҳамиятга эга. Ахмаджон атоқли санъаткорлар, халқ устасари, давлат мукофоти лауреатлари уста Жапон ва Болта Жўраевлар раҳбарлигида тош йўниш, харф ўйиш ва бошқа ишларни ўрланди. Бу ҳаёт

мактаби келгусида хайкалтарошлинг санъат сўжмоқлари бўйлаб ижодий изланишларида жуда кўл келди.

А.Шоймуродов аввал Москвадаги М.И.Калинин номидаги бадий санъат ишлаб чиқариш билим юртида таълим олди. Шу даврда унинг асарлари билан Ўзбекистон халқ рассоми ўрол Тансиқбоев танишиб, Ахмаджонга албатта, Олий санъат билим юртида маълумотини ўстиришни маслаҳат берди. Ёш хайкалтарошлинг илк асарлари «Ҳамза», «Билимга интилиш», «Аёл портрети» ва «Собир» 1959 йили Ўзбекистоннинг Москвадаги маданият ўн кунлигида намоён этилиб, мутахассислар эътиборини қозонди.

1959-1965 йиллари А.Шоймуродов Суриков номидаги Москва Давлат бадий институтига М.Манизер, М.Шамаков ва бошқа устозлардан таълим олди. Ўқиш даврида ва ундан сўнг хайкалтарош тинимсиз ижодий изланиш билан банд бўлди. У хозир уттиздан зият асарлар ижодкори, кўллаб республика ва халқаро кўرғазмагар, хусусан, Россия, Болгария, Руминия, Чехословакия ва бошқа мамлакатларида кўрғазмагар иштирокчиси. Унинг асарларидан бири 1970 йили Россия халқ хўжалиги кўрғазмасининг кумуш медали билан тақдирланган эди.

А.Шоймуродов яратган Алишер Навоийнинг бюст — портрети асосан Махмуд Музахибнинг машхур расми асосида яратилган, аммо хайкалтарош улут шоир сиймосидаги рухий кечинмаларини чуқурлаштирган, унинг характеридаги инсоний хусусиятлар — ўйчанлик, ўзига илоҳич, ҳаётга қизиқиш, нозик табиатлиқини акс эттиришга интилган.

А.Шоймуродов хайкалтарош сифатида ўзини она шаҳри Самарқандсиз тасаввур қилиши кийин, бу унинг маданиятимиз тарихига онд улут сиймоларининг бир турхум асарларида, жумладан Спитамен, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Қолаверса халқ оғзаки ижоди намоёндалари образларида мурожаат қилганда яққол сезилади.

Хайкалтарош ижодида унинг шаксний ҳаётни, замонавий ҳаёт билан боғлиқ асарлари ставчи ўрин тутди. Бу қахрамон Қудрат Сунонов. «Отам хотирасиз», «Онам» портретларида иккинчи жаҳон уруши навзуси ёритилган асарларида намоён бўлган.

Замондошлар образлари ҳам А.Шоймуродов ижодида ўзининг бадий ифодасини топган. Бу ўринда Чори Йўлдошев, Қудрат Шоймардонов, Азвар Алиев портретларини эслаш зарур. Хар бир қахрамон образини яратилда хайкалтарош кишининг ҳақсоний ташики кўринишини тасвирлаш билан бирга унинг рухий оламини, маънавий дунёсини ифодалашга интилиш сезилади.

Зиғиллардан ёзувчи Садриддин Айний, Парда Турсун, адабиётшунос олим Воҳид Абдуллаев, рассом Чингиз Аҳмаров, халқ бахшиси Йелом Шоир образлари ҳам хайкалтарош ижодида муҳим ўрин тутди. Унинг «Жарроҳ» асарида олийжаноб касб эгаси фаолияти, унинг ўз ишига ўта маъсулият билан қараш и ёрқин ифода этилган. Шу қунарда А.Шоймуродов кизгин ижодий ишлар билан банд. Биз унга муваффақиятлар тилаймиз.

К. Мусамуҳаммедов билан ҳаммуаллификада

#### Абри санъати тикланди

Россиянинг «Правда» газетаси 1982 йил 15 январь сонда Тошкентда Абу Райхон Беруний номидаги Шарк кўлэмалари Маркази таъмир лабораториясида ёш рассом — таъмирчилари Шомахмуд Муҳаммаджонов ва Маруф Салимовнинг ижодий муваффақияти — қадимий абри санъатини қайта тикланганлиқлари тўғрисида хабар эълон қилинган эди. Абри санъати Шарк китобат санъатининг узвий қисми бўлиб, абр — булут ёки абри баҳор, яъни баҳор булутли сўзлари маъноси билан изоҳланади. Абри ёки абри

Баҳор санъати деб, қоғозни маҳсуе услубда ранг-баранг килиб безатишга айтилади. Бу санъат муътабар кўлэзма китоб, расм ва матн хошияларини зийнатлашда ишлатилган.

Абри санъати XVI асрдан бошлаб маълум. Машхур тарихчи Қозӣ Аҳмадининг «Гулистони хунар» номили хаттоғлар ва рассомлар тўғрисидаги рисолисида Мавлоно Муҳаммад Жадал ва Мавлоно Яҳёнинг абри санъатини яратиш бобидаги юзгак маҳоратларини алоҳида кайд этади. XVII асрнинг иккинчи ярмида китобат килинган ва бугунги кунда Хиндистоннинг Алвар шаҳридаги давлат музейида сақланган «Бобурнома»нинг форсий таржимаси кўлэзма хошиялари ҳам абри қоғози билан безатилган. Абри санъати билан зийнатланган муътабар кўлэзмалар Абу Райҳон Беруний номидаги Шарк кўлэзмалари Маркази фондида ҳам мавжуд. Мана шундай нодир кўлэзмалардан бири мўъжаз «Баёз» номили китоб бўлиб, 5523 рақами остида сақланади. Бу китобнинг хар бир варати хошияси ўзгача, турфа рангли абри қоғози билан безатилган. Бундан ташқари, худди шу ерда сақланаётган 43 ва 48-рақамли бадийий хат намунаси — катъалар ҳам абри қоғозига битилган.

Марказий Осиёда абри санъати XX аср бошларида давом этиб келган. Бизга маълум энг сўнгги абрроз йирик шоир ва хаттоғ Мирзо Хайрулло Хўқандий эди. У яратган абри қоғози намуналари бугунги кунда Кўкон шаҳрида Фафур Ғулом номидаги Адабиёт музейида сақланмоқда. Мирзо Хайрулло вафотидан (1942) сўнг абри санъати гари, хоржий мамлакатлар, хусусан Туркияда давом этган бўлса-да, бизда даяри уништилан эди.

Шарк китобат санъатини ўрганиш ва таъмирлаш жараёнида тошкентлик ёш рассомлардан Ш.Муҳаммаджонов ва М.Салимов абри санъатини қайта тиклашга қарор қилдилар ва бу санъат тўғрисидаги мажжуд илмий адабиётларни мўтаола килиб чиқди-лар. Шарк китобат санъатига онд илмий адабиётлар, жумладан, озарбайжонлик йирик олима, профессор Одил Юсуф ўғли Қозиевнинг ёзган асарларида бу санъат хусусиятлари, уни яратиш жараёни, керакли анжомлар ҳақида умумий маълумотлар баён қилинган. Аммо ушбу маълумотлар асосида абри санъатини қайта тиклаш мумкин бўлмади. Чунки манбаларда маҳсуе елим сифатида хоржий Шарк мамлакатларида ўсадиган астрогалмуе дарахтидан олинган трапанг ёки трапанкта елимини тавсия этади. Ёш рассомлар трапанкта елимини топа олмаган, унинг ўрнини босадиган елим изладилар. Сўнгра амалий тажриба давомида мавжуд илмий адабиётлардаги ноаниқлик ва хатолар ҳам тузатила берилди. Даяри икки йиллик амалий тажрибалардан сўнг яратилган абри қоғози намуналаридани рангларда ҳам қадимий абри қоғози қаби қамалак жилдоси даяри айнан тикланди.

Абри санъатини яратиш ўта мураккаб жараён эмас, аммо унинг учун зарур анжомлар, хайвон ўти, елим, бўёқлар ва тоза сув керак. Сувдаги елим эритмасига хайвон ўтда суоғтирилган бўёқларни мўйкалам ёрдамида сепиб, тасвир хосил қилиниб, сўнгра уни аста қоғозга шимдириб олинди ва селкин жойда қуритилди. Қоғоздаги тасвирлар кўриниши жихатидан фарқланиб, сочма, тарамма, мармар, чархи фалак, бўлбўл уяси, келкелт абри деб номланади.

Ш.Муҳаммаджонов ва М.Салимов ўзлари яратган абри санъати намуналаридан муътабар кўлэзмаларни таъмирлашда фойдалана бошладилар.

Шарк кўлэзмалари Маркази илмий кенгашининг 1982 йил 6 мартада бўлиб ўтган мажлисида Ш.Муҳаммаджонов ва М.Салимов қайта тиклаган абри санъати намуналари, уларни яратиш жараёни кўриб чиқилди ва ёш рассомларни амалга оширган ишлари қатъи ижодий муваффакият деб топилди.

Абри санъати илк намуналаридан ўнтасини Озарбайжон миннатори марказига туҳфа сифатида юборилган эди. У ердан Озарбайжон Республикаси Фанлар академиясининг муҳбир аззоси, Озарбайжон Рассомлар Уошмаси бошқаруви котибини, йирик олима

профессор Керим Керимов мактуб йўллаб, ёш рассомларни табриқлаб, уларга қатъи муваффакиятлар тилади.

Ш.Муҳаммаджонов ва М.Салимов қайта тиклаган абри санъати муътабар кўлэзмаларни қайта тиклашдан ташқари беазак ишларида фойдаланиш соҳасида жуда қатъи ижодиётлар яратди.

Ш. Мусоев билан ҳаммуаллифликда.

#### Абри баҳор жилдоси

Абу Райҳон Беруний номи Шарк кўлэзмалари Марказида муътабар кўлэзмаларни таъмирловчи маҳсуе лаборатория мавжуд. Бу ерда истеъдодли рассом Шомахмуд Муҳаммаджонов ва наққош Маъруф Салимов ижод қилган банд. 1987 йил баҳор куллариинг бирида лаборатория эшиги очилиб, бир неча киши хонага кириб келди. Уларнинг бири Америка Қўшма Штатларидан Ўзбекистонга атайлаб келган хоним, санъат бўйича ихтисослашган «Эдин трайдинг компания» раҳбари Шеррил Акйўл эди. Бу хоним икки йил муқаддам Ўзбекистонда бўлганда истеъдодли миннаторачи Шомахмуд Муҳаммаджонов асарлари билан танишган, «Қалида ва Димна» асарининг ўнта миннатори ишлаган «Ўғри хикоятси» парчасини ва бир неча асарини сотиб олган эди. Келгуси йили Шеррил хоним Ўзбекистонга яна келиб, Ш.Муҳаммаджонов билан шахсан танишди. У Шомахмуднинг миннаторалари АКШ санъатшунослари томонидан қатъи қизиқил билан кутиб олинган, Нью-Йоркдаги жаҳонга машхур Метрополитен музейининг кўргазма залига намойиш этилгани ҳақида гапириб берди.

Америкалик санъатшунос хоним тошкентлик миннаторачи рассомнинг янги асарлари билан танишгач АКШда унинг баяра миннатораларини кўргазмасини ташкил қилиш, расмларни қатъи тоғини чоп эттириши, муаллифини АКШда меҳмон сифатида тақлиф қилиш нияти борлигини айтди. Бундай тақбирлар хозирги шароитда мамлакатимиз ва Америка Қўшма Штатлари халқлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик муносабатларини қарор топтиришга хизмат қилиши табиийдир.

Рассомлар уошмаси аззоси Шомахмуд Муҳаммаджонов ўн олти йилдан буюн қадимий кўлэзма китоб санъати билан изчил қизиқиб, шугулланиб келмоқда. Рассомликда унинг маҳсуе ўз бадийий услуби, мактаби бор дейиш мумкин.

Шомахмуд Муҳаммаджоновнинг илк асарларидан аққитаси 1972 йили Чехословакия пойтахти Прагада ўтказилган кўргазманинг биринчи даражали дипломи билан муқофотланган эди. Абуллага Кодирийнинг «Меҳробдан чаён» романига рассом ишлаган ўта миннатори Алишер Навоий номи Адабиёт музейида сақланмоқда. Унинг сўнгги туҳамма миннатораси шарқшунос Махмуд Ҳасанов тузган «Табобат хазинаси дурдоналаридан» китобидан ўрин олди.

Шомахмуднинг шухрати ашлақачон республикаимиз доирасидан ошиб кетди. Ўрта аср рассоми ҳақида бадийий фильм яратишга қарор қилган машхур режиссер, халк артисти Толамш Океев Шомахмудни килириб топиб, мазкур фильмда ўз миннаторалари билан аштрок этишни тақлиф қилди. Рассомнинг шухратини эшитган режиссер Тошкентга келиб, унинг ўзи билан учрашиб, «Қандай истеъдоду, қанчаллик қамтарин!» — дея қаёқратилди.

Абри баҳор санъатини қайта тиклаш ташаббусқори Шомахмуд Муҳаммаджоновни аштрок жараёнида учратдик. У дўсти ва ҳамқасби Маъруф Салимов ҳамкорлигида абр санъати билан шугулланаётган эди. Столдаги пластмасеа идишда елим эритмаси. Унинг аштрофида хар бири алоҳида идишда бўлган турли бўёқлар. Рассомлар маҳсуе иш шиминида. Шомахмуднинг қўлида мўйкалам. Унинг ўнг томонида эса абррозлик ашжомлари — турли идишлар. Маҳсуе тароқ, қайнатилган хайвон ўти, битиз ва қоғозлар.

Елим эритмаси қолланган сатҳга рассом мўйқалам ёрдамида турли рангдаги бўёقلарни хайвон ўтига қориб, кўрсаткич бармоғига уриб септи. Сўнг тарок ва битиз воситасида турли шакллар ва тасвирлар хосил қилди. Кейин қозонни олиб, елим эритмаси сатҳига ёлди. Мавлуд муҳаддидан сўнг елим эритмаси сатҳидаги қозонни рассом битиз ёрдамида аста четидан кўтариб олди. Қозон юзидати тасвир, абри баҳор жилоси каби кўзга камаштирилган даражада эди. Абросоз янги асарни маҳсул жойга қуритиш учун ёниб қўйди. Яна янги асар яратилганда тутилди. Дам олиш учун тўхтаганда, Шомаҳмудни суҳбатга тортдик, унинг келгуси режалари, орузлари ҳақида гапириб беришини сўрадик.

— Мен дўстим, ҳамкасбим Мабруф Салимов билан мўхтабар кўлёмаларни таъмирлаш жараёнида китобат санъати сирларини эгалишга ҳаракат қилганимиз. Шунинг учун ҳам Шарк кўлёмалари Марказининг таъмирлаш лабораториясига ишга келганимиз. Абри баҳор санъати — бу китобат санъатининг турларидан бири, ҳолос. Кўлёмалар фонданидаги ҳар бир китоб, ундаги мавжуд маълумотлардан ташқари, турли хунар-санъат соҳибдорининг ижодий маҳсули ҳамдир.

Мисол тариқасида Хирот китобат санъатининг шох асарларидан бири «Ахлоки Мухсиний» номли китоб кўлёмасини олиб кўрайлик. XVI аср китобат санъатининг ноҳир намунаси бўлган бу китоб муқовасида муқовасознинг юксак маҳорати ўз аксини топган. Асарнинг ажойиб зарвардаги кўзга олди, даярли ҳар бир саҳифаси нақшлар билан безатишган. Кўлёмалар расмларини устод Камолдин Бекход ва унинг беназир шогирдлари қизишган. Кўлёмалар матни атоқли хатот Мир Али Хиравий томонидан дунёга машҳур Самарқанд қозонига кўчирилган.

Ёки XIX асрга оид «Баёз» кўлёмасини олиб кўрайлик. Бу ҳам ўз даври китобат санъатининг ажойиб намунаси. Ҳошиядаги абри баҳор санъатига эътибор беринглаб, дедик Шомаҳмуд кўлёмани бизга узатар экан.

«Баёз»ни аста варақлар эканмиз, ҳар бир саҳифасида ўтача ранг, ўтача тасвири кўриб дора қолдик. Рассом ўз фикрнинг даям эътирдик:

— Максадимиз, орузимиз ўтмишдаги атоқли санъаткорларнинг маҳорат сирларини эгалиш, улардан ўз асарларимизда, ижодимизда фойдаланишимиз. Албатта, бутунли кун бағий-эстетик талабларни ҳисобга олган ҳолда. Абри баҳор санъатини кайта тикланиши ҳам мана шу йўлдаги бир қадимий. Умуман, абри баҳор санъатининг келажати умидбахш. Ушан йили наҳр этилган «Табобат хазинаси дурдоналаридан» номли китобга ишланган миниятураларимда ҳам ари баҳор намуналаридан ижодий фойдаландим. Туркияда ўтказилган машҳур хатот Ҳамид Ойтожута бағишланган кўрғазма-конкурета жўнатган хуснихат намуналаримни безалда ҳам абри баҳор намуналари жуда қўли келди.

Рассом шундай дея бизга ўша хуснихат намуналари рангли фотосуратини кўрсатди. Абри баҳор ёки абр санъати деталда кўзга Шарк мўхтабар кўлёмалар китоби билан Бевоҳита боғлиқ бўлган китобат санъатининг узвий кинеси тушинилди. «Абр» сўзининг луғвий маъноси «буялти», «абри баҳор» — «баҳор буялти» сўзлари билан изоҳланган. Ўрта асрларда кўлёмалар китоб, алоҳида хуснихат намунаси, китба ёки муфрадат, расм ва матн хонияларини зиннатлашда шу санъат усули кўлланилган.

Абри баҳор санъати XVI асрдан буён мавжуд. Айрим хорижий мутахассислар, жумладан турк олимулари Мовароуннаҳр абри баҳор санъатининг ватанидир, дейишади. Машҳур муаррих, хат санъатининг билимдони Қози Аҳмаднинг хатотлар ва мусававирлар тўғрисидаги «Тўлиғонни хунар» рисолида Мавлоно Муҳаммад Жадвал ва Мавлоно Яқиннинг абри баҳор санъати бобида юксак маҳорат эгаси эканликлари алоҳида қайд этилади.

Марказий Осиёда абри баҳор санъати XX аср бошларидан даям эди. Бизга мавлуд энг сўнгги абросоз шойр ва хатот Мирзо Хайрулло Хўқандий эди. У яратган абри баҳор санъати намуналари бутунли кунда Фафур Фулом номидаги Кўкон Адабиёт музейида

сакланмоқда. Гарчи хорижий Шарк мамлакатларида абри баҳор санъати даям этиб келетган бўлса-да, бу санъат бизда Мирзо Хайрулло вафоти (1942) дан сўнг даярли унутлиб кетди.

Шарк кўлёмалар Маркази таъмирлаш лабораториясида Шарк китобат санъатини ўрганиш ва таъмирлаш жараёнида ёш рассомлар Ш.Мухаммаджонов ва М.Салимов абри баҳор санъатидан хайратланиб, завқланиб, уни кайта тиклашга қарор қилдилар. Улар кўлаб илмий алабистларни мушоава қилиб, қадимий санъат намуналарини синчковлик билан ўрганишди ҳамда зарур анжом ва хом ашёларни қилишди. Айниқса озағбайжонлик йirik санъатшунос, профессор Олий Юсуф ўгли Қозиевнинг ўрта аср китобат санъатига оид рисола ва монографиясидаги маълумотлар катта ёрдам берди.

Ёш рассомлар илмий алабистларда тасвир этилган анжомларни топилган, энг асосий ашё — зарур елим суюқлигини тайёрлашга киришилди. Алабистларда тасвир қилинган трақаканга ёки трақант елимни хорижий Шарк мамлакатларида ўсадиган бир хил дарахтемон усимликлдан олинган экан. Ижодкорлар зарур елим хусусиятларини ўрганишдан сўнг уни яна қандай елим билан алмаштиради мумкинлигини туғрисида бош қотиршилди. Яна даярли икки йиллик тажрибалар, илганишлардан кейин эса улар яратган абри санъати, ниҳоят, қамалак рангидек жиглолана бошлади.

Абри баҳор санъатининг жозибали хусусиятларидан бири шундаки, унда ҳеч бир тасвир иккинчи марта айнан қатарилмайдик. Фақат катта тажриба ва юксак маҳорат ёрдамидагина бир-бирига яқин тасвирлар хосил қилиш мумкин. Бўёқларни танлаш ва маълум тасвир хосил қилиш абросознинг маҳорати, истеъдоди ва дидига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Шомаҳмуд Муҳаммаджонов ва Мабруф Салимов ўзлари яратган абри баҳор санъати намуналаридан мўхтабар қадимий кўлёмаларни таъмирлашда, бағий асарларда фойдалана бошладик. Айниқса, қадимий кўлёмаларга бу санъат намуналари ўтмиш руҳини айнан қайтаргандай бўлади.

Абри баҳор санъатини кайта тикланганларнинг бири ноэтикавб нақош Мабруф Салимовдир. У моҳир китоб графикаси устаси Исқандар Икромовнинг бу соҳадаги хайрли анъаналарини даям эътиришга бел боғлаган ягона санъаткордир. Нақош Алишер Навойининг «Хамса» достонлари учун яратган «Намо», «Зарварак», «Сардавҳа», «Хотима» нақшлари «Ўзбекистон санъати» журнали саҳифалари (1982, 3- сони) да, Тошкент шаҳрида бағишланган «Тошкент — Ўзбекистон пойтахти» ва «Тошкент — шарк машъали» номли нақш композициялари («Ўзбекистон», 1983, 2- сони) да чоп этилиб, мутахассислар оқкишига сазовор бўлди.

Абри баҳор санъати илк намуналаридан ўнтасини қардош Озағбайжондаги Миниятура марказига туҳфа сифатида юборилган эди. У ерда Озағбайжон Фанлар академияси муҳбир авзоси, Рассомлар уюшмасининг масуул қотиби, йirik елим, профессор Керим Керимов жавоб мактуби йўллаб, тошкентлик рассомларга абри баҳор санъати намуналари учун миннатдорчилик билдириб, уларга келгуанда катта ижодий муваффақиятлар тилади.

Умидли ёш рассомлар Шомаҳмуд Муҳаммаджонов ва Мабруф Салимов қадимий абри баҳор санъатини кайта тикланганлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Бу халқимизнинг кўп минг йиллик тарихи давомида яратган маданият ва бағий бойликлари ўрганиш, эзгу анъаналарини даям эътириш, энг яқин намуналарини кенг жамоатчилиқка қайтадан қадим эши соҳасида катта ишларни мудом олиб бориш зарурлигини кўрсатди.

«Фан ва турмуш» журналининг 3- сони ички муқовада абри баҳор қозони намуналарининг тошбосма китоб муқолаари билан чоп этилган бўлиб, унда қуйидаги матн берилган:

«Истеъдодли ёш расомлар Шомаҳмуд Муҳаммадҷонов ва Мабруф Салимов ўзлари олиб борган машаққатли изланишлари натижаси ўлароқ қадимий китобатчилик санъати «абри баҳор»ни тиклашга муваффақ бўлишди. Мазкур саҳифада унут бўлиб кетган, лекин ана шу расомлар тиклаган «абри баҳор» намуналарини кўриб терибсиз. Бу ҳақдаги мақолани журналнинг келгуси сонида ўқийсиз.»

Ш. Мусоев билан ҳаммуаллифликда.

### Табобат дурдоналари

Ўзбекистоннинг «Табобат» нашриёти ёш шарқшунос олим ва таржимон Маҳмуд Хасанов<sup>91</sup> тартиб берган «Табобат хазинаси дурдоналаридан» деб номланган мажмуани чоп этди. Ундан Марказий ва Яқин Шарқ мамлакатларида яшаб, ижоду амал этган табиб ва мутафаккир - шoirларининг тиб илми соҳасидаги тажрибаси, фикрлари ва мулоҳазалари ўрин олган. Албатта, бундай даволаш усуллари, дорилар, илмий тавсиялар хали ҳам ўз назарий ва амалий қиймагини йўқотмаган.

М. Хасанов тартиб берган табобатга оид илк тўплам — «Ҳакимлар хикояти» «Табобат» нашриёти томонидан 1982 йили эълон қилиниб, уч йилдан кейин яна қайта нашр қилинган эди. Бу мажмуадан тўрт табиб, жумладан XIV асрда яшаган Шаҳобиддин ибн Абдулқорим, XV аср охири ва XVI аср биринчи ярмида яшаган Юсуф Юсуфий, XVI аср табиби Ҳаким Давоний ва XVIII аср олими Муҳаммад Ҳасратнинг тиббий асарларининг форсийдан ўзбек тилига қилинган таржимаси ўрин олган эди.

«Табобат хазинаси дурдоналаридан» китоби мазмунан икки қисмдан иборат. Биринчиседа форс тилида ижод қилган йилғирма беш атоқли олимнинг табобатга оид асарларидан парчалар ҳамда бадний адабиёт намуналаридан табобатга доир иборатли лавҳалар келтирилган.

Мабдлумки, Шарқ табобатынинг араб тилида ижод қилган икки буюк вақили — райлик Абу Бакр Розий ва буюхролик Абу Али ибн Синоннинг ҳаёти ва асарлари нисбатан машхур ва ўрғанилган. Аммо улардан кейин яшаган, форсий ва туркий — ўзбек тилларида ижод этган олимларнинг табобатга доир меросини яхши ўрғанилган, дейиш қийин. Қолаверса, табобатга доир ҳар бир асар ўз муаллифи Ватани оби-хавоси, маҳаллий шароити, доривор ўсимликлари ва меъдалари, халқининг урф — одатларини эътиборга олган ҳолда тахрибга тушганлар, тавсиялар ижод қилганлар.

Китоб «Дах насихат» — «Ўн насихат» номили, қадимги юнон мутафаккири Арасту (Aristotel)га нисбат берилган панду ўғитлар билан бошланади. Мажмуадан ўрин олган сақлиқ насихатнинг ҳаммаси ҳам киши соғлигини сақлаш масалаларида дахлдор.

Китобда Юсуф Юсуфий ва Муҳаммад ал-Оқиллий тиббий ижоди нисбатан кенг ёритилган. Юсуфий Хиротда XV аср охирида воқта етган бўлиб, кейинчалик Захриддин Муҳаммад Бобур тақлифига бинозан машхур тарихчи Ғиёсиддин Хондамир билан бирга Хиндистонга борди ва ўз даврининг йирик шoirи, табиби ва дунгашунос олими бўлиб етибэди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, М. Хасанов Юсуфий ҳаёти ва ижоди билан жиддий шуғулланиб, олимнинг кўпша асарларини биринчи бўлиб тадқиқ этди ва таржима қилиб оммалаштирди. Ушбу мажмуада олимнинг машхур «Тиби Юсуфий» номили асаридан турли қасаллиқлар баёни ва улارнинг даволаш усуллари баёни таржимаси келтирилган.

Юсуфий бош огринги ҳақида ёзади: «Унинг сабаби хоҳ хилтлардан бири бўлсин, хоҳ иссиқлик, хоҳ совуқлик, хоҳ хуллик ёки қурқуқлик бўлсин:

Рубойи:

Эй бош озриғидан чекуччи алам,

Ҳаркам қилмагин, дам олгин ҳар дам.

Гулхайри, бинафша, бугдой кенгагин,

Кайитиб суега оёқ сол бир дам.

Мазкур сувени тайёрлаш усули: гулхайри ва бинафшанинг ҳар бирдан бир сикмидан, Бугдой кенгагидан уч сикким олиб, ҳаммасини беш коса сувда қайнатилади, сўнг ярим қайноқ ҳолда унга оёқ тикилади, яъни ванна қилинади».

Бизнингча, бу халқ даволаш усулига жуда яқин Юсуфий тавсиялари хали ҳам ўз қучини йўқотган эмас. Шунинг билан бирга, бу тавсияларни врачтар билан бамаслаҳат қўллаш зарур.

Муҳаммад ал-Оқиллий асосан Хуросонда яшаб, кейинроқ Шерозга борган. Унинг тан олишича, Ибн Синога эргалиб, тиббиетта оид беш китоб ёзиш ниятида бўлган. Табибнинг машхур асарларидан «Маҳзан ал-адвия» — «Даволар хазинаси» форсий тилида битилган бўлиб, анъанавий муҳаддимадан ташқари ун тўрт фаслдан иборат. Китобда дорилар алифбо тартибиде баён қилинган. Ўз асарини яратишда ал-Оқиллий Ибн Сино, Розий, Беруний, Антокий, Ибн Байтор каби олимлар тажрибасига таянган. Айни пайтда ўз даври табиблари тажрибаларини ҳам умумлаштирган, айрим дориларни ўзи тажрибадан ўқазганлигини ҳам эслатиб ўтган.

«Маҳзан ал-адвия» асарда дорилар номлари фақат бир тилда эмас, балки унинг юнонча, араб, форс, туркий, хинд ва лотинчада ҳам қандай аталиши зикр этилади. Ал-Оқиллий қалқлиқлиқни қуйидагича тарифлайди: «Қалқлик арабча номи «қабж» бўлиб, бу фореча қалқик сўзининг арабчалаштирилганидир. Туркий номи эса «қалқик», юнончиси эса «сотора»дир.

Ҳосияти ва тавсири. Қалқик тўшги энг латиф тўшгллардан бири. Тўк тутади ва тез хазм бўлади. Ундан тоза конлар хосил бўлади. Фалажга, лаява (юз фалажк)га, совуддан юз берган илгитларга, кўкрак, меъда, ичак, житар, исгиско, ичининг қоршмай қолиши илгитларига қарши наф қилади.

Зарари. Иссиқ миқоззатга эён қилади, хавоси иссиқ бўлган мамлакатларда ҳам зарарлидир. Шароб билан қўшиб ейилса, бош огринги пайдо қилади, баданни эса қичшитиради» (35-бет).

Мажмуанинг биринчи қисмини мутавола этган ўқувчи китоб сўз бошида профессор Отаулга Оқилов баён қилган қуйидаги фикрларни қўллаб-қувватлайди: «Бу китоб ҳақида сўз қоритар эканмииз, аввало уни том маънодаги табобат илми билан адабиёт ўртасидати мохир уста томонидан бунёд этилган қўлприк, десак, муболоға бўлмас. Бинобарин, мазкур китобда инсон саломатлиги, қасаллиқни баргараф этиш борасидати ўтган замон илми равнақи ҳақидаги фикрлар наер ва назмда баён этилганки. Буларни ҳам адабиёт, ҳам табобат мухлислари қизиқиб ўқишлари керак» (5-бет).

Китобнинг иккинчи қисми «Шoirлар саломатлик ҳақида» деб номланган ва ундан Алишер Навоий, шунингдек, Абулқосим Фирдавсий, Фаридулдин Аттор, Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавий, Носир Хусрав, Абдурахмон Жомий, Мирзо Бедил, Носир Бухорий ва бошқа устодлар ижодида мавжуд саломатликка доир хикматлар китобхон диққатига ҳавола этилган. Шунингдек, Саъриддин Айний ва Маҳсуми Восиллий хикматлари ҳам шу жойдан ўрин олган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, китобда келтирилган тавсиялардан кишиларнинг овқат истеъмоллидати парҳезнинг қатта аҳамияти, ҳар бир шахснинг ўз табиатига, яъни

<sup>91</sup> М. Хасанов бурунги кунда тарих фанлари доктори, табиб Юсуфий тўрисидаги тадқиқот ва жуда кўплаб китоблар таржимони, нашрга тайёрловчинидир.

мижозига қараб овқатланиши ва даволанишига алоҳида эътибор ҳамда касалликни даволашдан кўра уни олдини олиш тўғрисидаги, яъни профилактикага диққатни қаратилиши бугунги таъбатда ҳам тан олинган ҳақиқатдир. Яна китобнинг ижобий хусусияти шундаки, қадимги таъбиблар тавсия этган дорилар сифатида турли гиёҳ, ўсимлик ва мевалардан фойдаланиш мўҳимдир.

«Таъбат хазинаси дурдоналаридан» тўпламини беэаб турган тўққиз рангли миниятюра истеъдодли rassom Шомахмуд Муҳаммаджонов мўйқаламига мансуб бўлиб, улар китоб руҳига жуда мос тулган. Умуман, ушбу мажмуа ҳам мутахассис – врачлар, ҳам кенг жамоатчилик эътиборини қозониши шубҳасиздир, чунки унда асрлар давомида тажрибадан ўтказилган тиббий билим жой олган.

Зебо Эгамова билан ҳаммуаллифликда.

### Нафосат олами


Қадимги нодир кўлёмалар ичида бизгача сақланиб қолган нафис, мўржаз расмлар алоҳида ўзига хос гузаллик, нафосат оламига эга. Улардаги ёрқин ранглар, нозик чизиқлар ва ажойиб мутаносиблик ҳамон тамошбашига эстетик завқ бағишлайди. Шунинг учун ҳам бу rassomлик обидалари жаҳоннинг энг нуфузли музей, кутубхона ва мажмуаларда асраб-авайланмоқда.

Жаҳон тасвирий санъати хазинасидан муносиб ўрин олган мумтоз минияторалар Шарк халқларининг муштарак баъдий меросидир. У анъанавий китобат санъатининг таркибий қисми бўлиб, қадимги нодир кўлёмаларни зийнатлаш билан бирга, мазкур асарлардаги илгор инсонпарварлик ғоялари, олижанобликка бўлган интилиш, гузаллик тўғрисидаги тасаввурни ифодалашга хизмат қилган. Турли санъаткорлар – хаттоғ, rassom, музаххоб, муковасос, жалвалкаш ва бошқаларнинг ижодий ҳамкорлигида яратилган нодир кўлёмалар ўша давр мадания, иқтимоий ҳаётини ҳамда баъдий-эстетик қарашларини ўранишида қимматли манбалардан ҳисобланади.


Яқин ва ўрта Шарк маданият марказлари бўлиш Бағдод, Самарқанд, Табриз, Бухоро, Хирот, Агра каби шаҳарларда X - XX асрлар давомида махсус миниятора мактаблари мавжуд бўлиб, баъзан юксак даражада ривожланган, баъзан эса тануззулга юз тулган. Хар бир rassomлик марказида ўзига хос баъдий-ифодавий хусусиятлар юзата келиши билан бирга, уларнинг барчаси Шарк мумтоз миниятора санъатининг ранглар софлиги ва ёрқинлиги, чизиқларнинг нафислиги ва нозиклиги, тасвирий услубнинг декоратив хосияти билан характерланади.

Мумтоз миниятюра нодир кўлёмалар зийнатлари бўлиш шамс, зарварак, унвон, хоши нақши, лавха, хотима каби беэаклар билан умумий услубий уйғунликка эга. Бу китоб зийнатларининг декоратив-беэаклик хусусияти улар яратилган давр дунёқарашини, тафаккур тарзи билан бевоёита боғлиқдир.

Нафис мўржаз расмлар асосан илмий, баъдий ва тарихий асарларнинг нодир кўлёмаларини беэашга хизмат қилган. Rassomлар асарларнинг етакчи ғоялари ва асосий қаҳрамонлар образларининг ранглар воситасида ифодалаганлар. Шу сабабли мумтоз миниятюра санъати тараккиётига Шаркнинг атоқли ағломалари Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, мутафаккир ва шоирлари Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, Агишер Навоий ҳамда машхур тарихчилар Фазлুলлоҳ Рашидулдин, Шарафуддин Али Яздий, Захириддин Муҳаммад Бобур ва бошқалар асарларидати илгор инсонпарварлик ғоялари ижобий-тавсир кўрсатиб, унинг асосий тараккиёт йўналишини, етакчи баъдий-эстетик тамойил-принципларини шаклланишига хизмат қилган.



53. Овғат фида ва қарқинини ўқинишувчи.  
Д.М.М. 246 б.в.




54. Хиндустон Ғулағаруи.  
A. H. M. 325 a. b.




55. Хиндустон Ғулағаруи.  
B. M. 378 a. b.






56. کتیبه‌ها، م. م. م.



57. نمایشگاه سازمانی در تهران، مصاحبه،  
 روسیه، فصلی، د. م. م. 272 و ۲.



Кадимдан нодир кўлэмалар жамиятнинг нуфузли доиралари томонидан юксак эътибор билан келган. Шунинг учун ҳам подшоҳлар, энг кўза кўринган аёнлар, олим, санъаткорлар ва санъат ихлосмандлари уларни йиғиш, ўрганиш билан узоқ вақтдан бугунгача шуғулланиб келадилар. Аммо мумтоз миннаторлар санъатини чуқур илмий ўрганиш асосан XIX аср охири ва XX аср бошларига тўғри келади. Бу соҳада йirik чет эл олимларидан Ф.Артин, Т.Арнольд, Б.Робинсон, И.Шуккин, Б.Грей ва бошқалар Шарк миннаторлар санъатларини илмий тавсифга олиш, энг яхшиларини чоп эттириш, етакчи мактаблар тарраққийети ва тарихини ўрганиш ҳамда тарғиб қилишда катор муҳим ишларни амалга оширдилар. Аммо уларнинг тадқиқотларида, хусусан расмлар мазмунини аниқлашда айрим янгилишлар ва улар таҳлилида юзакилик, Шарк халқлари ҳаётини яхши билмаслик каби айрим нуқсонлар учраб туради.

Шарк халқлари тасвирий санъати, хусусан мумтоз миннаторларни ўрганишда Россия санъатшунос, шарқшуносларининг муҳим хиссаи бор. Бу соҳада ilk амалга оширилган тадқиқот йirik рус санъатшуноси В.В.Стасовнинг «Византия, болгар, рус, чингай»<sup>92</sup> ва форс кўлэмаларининг баъзи миннаторлари» номли китоби (Петроград, 1902)дир. Кейинча яна бир рус олими Б.Н.Деникенинг «Шарк санъати» (Козон, 1923) ва «Эрон рангасвири» (Москва, «Искусство», 1938) китобларида мумтоз миннаторлар мактаблари тарраққийетига жиддий эътибор берилган. Шунингдек, иккинчи жаҳон уришигача катор тадқиқотчилар С.Ф.Олденбург, Ф.А.Розенберг, Б.В.Крусеман, С.И.Толъев ва бошқаларнинг Шарк миннаторлар санъатига оид алоҳида мақолалари эълон қилинган эди.<sup>93</sup>

Д.Т.Гозалян ва М.М.Дьяконовнинг «Санкт-Петербург мажмуаларидаги «Шоҳнома» кўлэмалари» (Санкт-Петербург, Россия ФА нашриёти, 1934) ва «Санкт-Петербург мажмуаларидаги «Шоҳнома» кўлэмаларига ишланган Эрон миннаторлари» (Москва – Санкт-Петербург, «Академия», 1955) асарлари ҳам ушбу соҳани ўрганишда муҳим рол ўйнади. Кейинча, профессор Б.Н.Заходернинг тарихчи Қозим Аҳмад яратган «Гўлистон хунар» («Санъат гулистони») номли асарини форс-тожик тилидан рус тилига таржима қилиб, зарур илмий шарҳлар билан чоп эттириши натижасида жуда қимматли тарихий манба илмий муомалаларга киритилди.<sup>94</sup>

Россия санъатшунослари ва шарқшуносларининг Шарк миннаторлар санъатини ўрганишдаги сўнгги йигирма беш йил, яъни олтинчи йиллардан кейинги муваффақиятлари салмоқлидир. Бу даврдаги Б.В.Веймарн, С.И.Толъев, Г.Н.Коститова, О.Ф.Акимулшин, А.А.Иванов, О.И.Гагаркина, Т.В.Грек, Т.П.Каптерева, Н.В.Дьяконова, Ш.М.Шакуров каби москвалик ва Санкт-Петербурглик олимларнинг Шарк мумтоз миннаторлари ва хаттоғлик санъатини ўрганишга қўлган хиссаи жуда муҳимдир.<sup>95</sup>

Сўнгги йилларда кардош Озарбайжон, Тожикистон ва Ўзбекистонда Шарк мумтоз миннаторлар ва китобат санъатини ўрганишга эътибор кучайди. Айниқса, бу ўринда Озарбайжон олимларининг илмий ютуқлари хавас қилса арангулик. О.Ю.Козиев,

<sup>92</sup> Бу ерда мумтоз ўзбек тили тушунилади.

<sup>93</sup> Олденбург С.Ф. Индийские миниатюры (К истории Эмира Хамид). // «Восток», М.: 1922, кн.1, стр.129; Розенберг Ф.А. Об индологической и новоперсидской живописи. // «Восток», М.: 1923, кн.2, стр.83-91; Крусеман В.В. Индийская живопись. Миннатор эпохи Великих Моголов. // Труды. Сессии истории искусства Института археологии и этнографии Академии Наук СССР, М.: 1930, 4, стр.38-57; Толъев С.И. Миннаторы мемуаров Бабура. Ва бошқалар.

<sup>94</sup> Веймарн Б.В. Искусство арабских стран и Ирана. М.: «Искусство», 1974; Толъев: Образцы каллиграфии Ирана и Среднеазиатские миниатюры XVI-XVIII вв. Вступ. Статья Н.В.Дьяконовой. М.: «Наука», 1964; А.А.Иванов. Персидские миниатюры XVI-XVIII вв. Каптерева Т.П. Художественные особенности Средневековой миниатюры Ирана, Азербайджана и Средней Азии. // «Вестник истории мировой культуры». М.: 1959, № 2, стр.75-86; Индийские миниатюры XVI-XVIII вв.; Миниатюры Мавераннахр. Совет. и автор предисл. О.И.Деркина. С.-П.: «Дарго», 1980; Шакуров Ш.М. «Шах-наме» Фирдоуси и ранняя иллюстративная традиция. М.: «Наука», 1983, ва бошқалар.

К.Ж. Керимов, А.В. Саламзада, Н.Замонов, Ж.Ю. Хасанзода ва бошқа санъатшуносларнинг хизматлари орқали Озарбайжон ва Шарк миниатора санъатини ўрганишга катта хисса қўшилиди.<sup>96</sup> Бу олимлар яратган илмий ишлар ичида О.Ю. Козиевнинг «XIII-XVII асрлар Озарбайжон кўлэма китобларининг бадиий зийнатлари» (Москва, изд-во «Книга», 1977) номли фундаментал тадқиқоти, К.Ж. Керимов тартиб берган икки альбом «Озарбайжон миниаторлари» (Баку, «Ишлаг», 1980) ва «Низомий «Хамса»я миниаторлари» (Баку, «Язычи», 1983) ҳамда «Султон Мухаммад ва унинг мактаби» (Москва, изд-во «Искусство», 1970) номли монографиясининг илмий аҳамияти каттадир. 1983 йилнинг сентябрь ойи бошларида Бокуда ЮНЕСКО шафелигида ўтказилган Халқаро санъатшунослик симпозиумининг махуус бўлими Шарк миниаторларини ўрганишга бағишланди. Бу турли мамлакатлар олимларининг ўзаро фикр алмашишлари учун ажойиб имконият яратди.

Тожикистонлик олимлардан Д.Айний, М.Ашрафий, У.Пулодов, К.Айний, Д.Долхудоева ва бошқалар Шарк миниатора санъатини ўрганишга ўз хиссаларини қўшмоқдалар.<sup>98</sup> Бу соҳада актив қўсатётган М.Ашрафий тузган «XVI аср миниаторларида Жомий» (Москва, «Худоожник», 1966) ва «XIV-XVII асрлар миниаторларида форс-тожик шерияти» (Душанбе, изд-во «Дониш», 1978) номли миниаторларида форс-тожик шерияти» (Душанбе, изд-во «Дониш», 1978) номли монографияси муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда Шарк миниатора санъатини айрим расмни кўлэмадари билан таништиш, А.А. Семенов, В.С. Сергеев, Г.А. Пулгаченкова, Л.И. Ремпель, В.Г. Долинская ва бошқаларнинг алоҳида мақолаларидан бошланган.<sup>99</sup> Умуман, республикамаида Шарк тасвирий санъати ва миниаторасини ўрганишда етакчи санъатшунос, ўзар ФА академиги, Г.А. Пулгаченкованинг хизмати алоҳида таҳсинга сазовор. Олимнинг кўплаб, айрим, мақолаларидан ташқари, ҳамкорликда яратилган салмоқли тадқиқотлари «Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи» (Москва, изд-во «Искусство», Л.И. Ремпель билан ҳаммуаллифликда яратилган), «Марказий Осиё миниаторлари» (Москва, изд-во «Искусство», 1979, О.Галеркина билан ҳаммуаллифликда яратилган), «Ўзбекразительное искусство», 1979, О.Галеркина билан ҳаммуаллифликда яратилган), «Марказий Осиё санъати очерклари» (Москва, «Искусство», 1982, Л.И. Ремпель билан ҳаммуаллифликда яратилган) халқимиз бадиий маданиятини ёритишда аҳамияти жуда каттадир.

<sup>96</sup> Садиб-бек Афшар. Трактат о живописи. Введение, пер. и комментарии А.Ю. Казиева. Баку: Изд-во АН АЗР, 1963. Его же. Миниаторы рукописи «Хамсе» Низами 1539-43 гг. Баку: изд-во АН АЗР, 1964. Саламзада А.В., Керимов К.Дж. Тебризская школа миниаторной живописи XVI в. и художник Султан-Мухаммед / «Известия АН АЗР», 1959, № 5; Керимов К.Дж. Миниаторная живопись. Баку: «Язычи», 1983; Заманов Н. Поэзия Низами и изобразительное искусство. Баку: Изд-во «Елми», 1981; Гаанзаде Ж.Ю. Тебризская миниаторная живопись XVI века в собраниях СССР. Автореферат канд. дисс. Баку: 1983.

<sup>97</sup> Международный симпозиум по искусству восточных ковров. Тезисы. Баку: изд-во «Елми», 1983. III секция. Миниаторная живопись, стр. 77-101. Бу тўпламда ўн тўққиз мутахассиснинг миниатора оид тезислари эълон қилинган эди. Симпозиумдаги икки кўшимча доклад ҳам шу мавзуга бағишланган. «Ўзбекистон санъати», 1983, № 11, 30 бет.

<sup>98</sup> Айни Д. Миниаторы рукописи «Шах-наме» 1333 г. из Санкт-Петербурга и некоторые вопросы зарождения персидской миниаторы. В кн.: Искусство и археология Ирана. Всесоюзная конференция (1969). М.: изд-во «Наука», 1971, стр. 9-19; Пулодов У. Камолдин Безод. Душанбе: нашриёти «Ирфон», 1978. Абдурахман Джами. Саламан и Ибсал. Подготовка издания и К.С.Айни, введ. статья К.Айни и М.Ашрафий. Душанбе: изд-во «Ирфон», 1977. Ашрафий М.М. Бухарская школа миниаторной живописи. 40-70-е годы XVI века. Душанбе: изд-во «Ирфон», 1974. Долхудоева Л.Н. Поэмы Низами в средневековой миниаторной живописи. М.: «Наука», 1985.

<sup>99</sup> Ўзбекистонда 1977 йилда миниатора турисида чоп қилинган мақола ва адабятлар Э.А. Ахунжоновнинг «Книга кинжолное дело в Узбекистане» (Ташкент: «Узбекистан», 1978) номли китобида тулғи келтирилган (13-18 бетлар).

Шарк мумтоз миниатора ва китобат санъатини республикамаида ўрганишда, нашр қилишда, дунёнинг энг нуфузли музей ва кутубхоналаридан қилриб топишда профессор Хамид Сулаймоннинг хизмати яққол кўзга ташланади. Бу олим тартиб берган «Бобурнома расмлари» (Тошкент, «Фан» нашриёти, 1969, альбом яна уч бор қайта нашр этилган), Алишер Навоий достонларига ишланган расмлар» (Тошкент, «Фан» нашриёти, 1970) ҳамда Ф.К. Сулаймонова билан ҳамкорликда чиқарган «Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар» (Тошкент, «Фан» нашриёти, 1982) ва «Амир Хусрав Деҳлавий асарларига ишланган расмлар» (Тошкент, «Фан» нашриёти, 1983) номли юкори матбаа савиясида чоп этилган альбомларни кенг жамоатчилик қизғин кутиб олди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, кейинги вақтда республикамаида Шарк мумтоз миниатораси ва китобат санъатини ўргатувчилар сафи кенгайиб бормоқда. Айниқса булар орасида ўз мақолалари ва муҳим тадқиқотлари билан Н.Норкулов, И.Г. Низомутдинов, А.Муродов, О.Усмонов, Э.М. Исмоилова, Ф.К. Сулаймонова ва бошқалар алоҳида ажралиб турдилар.<sup>100</sup>

1978 йилдан «Ўзбекистон санъати» журналининг чоп этила бошлаши мадания қатлимида муҳим воқеа бўлиб, санъатга оид тадқиқотларни ёритиш учун катта имкониятлар яратди.

Шаркнинг буюк миниатораси рассоми устод Камолдин Бехзод туғилганга 525 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Рассомлар уюмаси ва Маданият вазирлигининг Санъатшунослик институти биргаликда Тошкентда илмий конференция ўтказди.<sup>101</sup> Шу муносабат билан республика вақтин матбуотида М.М. Хайруллаев, А.Ў. Ўринбоев, Ч.Ахмаров ва бошқаларнинг улғ рассома хаяти ва ижоди турисидаги мақолалари эълон қилинди.<sup>102</sup>

Юкорида келтирилган Шарк мумтоз миниатора ва китобат санъатига оид адабиётлар, альбомлар бир қарашда бу соҳа жуда чуқур ўрганилган деган янглиш хулосага олиб келиши мумкин. Лекин жуда кўплаб нодир расмни кўлэмадлар турли музей ва кутубхоналарда сақланиб, хали илмга қиритилгани, хатто нашр этирилгани ҳам йўқ.

Шарк миниатора мактаблари, уларнинг ассосий бадиий хусусиятлари, ривожланиши, ўнг муҳим намуналари, етакчи рассомадари туғрисида кенг жамоатчиликка умумий тўшунча берувчи, ассосан «Ўзбекистон санъати» журналинда чоп этилган мақолаларни ҳамлаб ушбу тўпламни тузди. Сўнгги вақтларда пайдо бўлган Шарк миниаторасига оид илмий адабиётларни назарда тутган ҳолда ва тақризчиларнинг танқидий фикрлари ассосида қайта кўриб чиқилди, айримлари кенгайтирилди, зарур илмий адабиётларга ҳавола берилди, умуман мақолаларнинг илмий савиясини оширишга ҳаракат қилинди. Аммо мақолалар турли муаллифлар томонидан ёзилгани учун уларнинг илмий савияси, баён услуби ва таҳлил даражаси ҳам ҳар хил. Лекин ҳамма мақолалар муаллифи ўзи танлаган мавзу доирасида имкони чегарасида, маълум даражада маллакали фикр юрита олганлар.

<sup>100</sup> Норкулов Н. Камолдин Бехзод. Тошкент: «Фан» нашриёти, 1964; Норкулов Н. Низомутдинов И.Г. Миниатора Камолдин Бехзод. Муратов А. Ўрта Осиё хатотурик санъати тарихини. Тошкент: «Фан» нашриёти, 1971; Усмонов И.Ф. Боли муаллифи Исмоилов Э.М. тузувчи Попова Е.А. Тошкент: Фахур Фулом почтабати Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979; Исмоилов Э.М. Искусство оформлення среднеазиатской рукописной книги XVIII-XIX вв. Ташкент: Камолдин Бехзод. К 525 летию со дня рождения. Материалы научной конференции. Ташкент: изд-во «Фан» АН УЗР, 1982 ва бошқалар.

<sup>101</sup> Хайруллаев М.М. Юбилей великого художника, «Российская култтура», газ. М.: 17 июля 1981 г.; Хайруллаев М.М. Буюк санъаткор, «Ўзбекистон» газ. 1981 й. 28 май, А.Урунбаев. Великий художник. «Ирвада Востока» газ. 28 май 1981, Ч.Ахмаров. Гениал санъаткор, «Тошкент оқшоки», газ. 1981 й. 29 май.

Тўпламда жамланган маколаларни мазмун жиҳатидан икки қисмга ажратиш мумкин. Биринчи қисмга Шарк миниятора мактаблари тўғрисидаги маколалар кирди. Бу Эҳра Раҳимованинг «Араб миниятора мактаби», Нойла Валгулинанинг «Эрон миниятора мактаби», Наим Норкуловнинг «Турк миниятора мактаби», Абдулмажид Мадрамовнинг «Озарбайжон миниятора мактаби» ва «Хинд миниятора мактаби» маколаларидир. Бунга яна Наим Норкуловнинг «Қадимги тасвирилар», Йилё Низомулдиновнинг «XVI-XVII асрларда Мовароуннахр миниятора мактаби» ва Элмира Исмоилованинг «XVIII-XIX асрларда Мовароуннахр миниятора мактаби» маколалари ҳам кирди. Тўпдамга бир-бирини тўлдирувчи бу уччала маколани қирғишчи лозим топдик. Шарк миниятора санъатининг йирик йўналиши бўлган XV-XVI асрлар Хирот миниятора мактаби тўғрисида алоҳида мақола бўлмагани сабабли, бу қамчиликни маълум даражада ўрнини қоплайди, деган умид билан илова сифатида Эҳра Раҳимованинг «Қамолддин Бехзод», Абдулмажид Мадрамовнинг «Алишер Навоий портретлари» ва «Алишер Навоий ва китобат санъати» маколаларини киритдик.

Тўпдамдаги иккинчи қисм маколаларда асосан ўз ижодида миниятора санъати анъаналаридан кенг баҳраманд бўлган ва уларни ижодий ривожлантирган уч санъаткор, Ўзбекистон халқ рассомлари Исқандар Йироқов ва Чингиз Аҳмаров ҳамда ёрқин истеъдод соҳиб Тельман Муҳаммедов ижод ҳақида сўз юритилди. Чингиз Аҳмаров, Рафал Токтош, Абдулмажид Мадрамовнинг «Миниятора санъатимизни тиклаб», «Миниятора хусусида» ва «Нақш назокати» маколалари ёш рассомлардан Шомаҳмуд Муҳаммадджонов, Ниёзали Холматов, Хуршид Назиров, Маруф Салимов ва бошқаларнинг миниятора санъатини айнан ва локки миниятора сифатида, қайта тиклаш ҳамда китобат санъати аъёнларидан ижодий фойдаланиш, бу соҳадати муаммолар ҳақидадир. Умуман тўпдамдаги маколалар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, унда Шарк муамтоз миниятора мактаблари, унинг анъаналари ва замонавий миниятора яратиш борасидаги ҳаракат тўғрисида маълумот беришга ҳаракат қилиши керак.

Мазкур маколалар тўпламнинг нашрга тайёрлашда берган фойдали маслаҳатлари ва самимий ёрдами учун тарих фанлари доктори, профессор Ёўри Аҳмедов, фансафа фанлари доктори, давлат мукфоти лауреати Тинаб Маҳмудов ва санъатшунослик номзоди, Ўзбекистон рассомлар уюшмаси котиби Акбар Ҳақимовга ўз миннатдорчилигимизни билдиряميز.

Н.Норматов билан ҳаммуаллифликда.

### Алишер Навоий портретлари

Улут ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг ҳаётлик даврида унинг бир неча портретлари яратилган бўлиб, яна бир қатор расмларда шоирнинг сиймоси акс эттирилган, деб тахмин қилинади. Бу расмларда унинг ташки киёфаси, ички маънавий дунёси қай даражада ёритилган? Алишер Навоий портретлари бир асарнинг шунчалик нуҳсаларими ёки рассомлар ижодий изланишлари, юксак маҳорати, шахсий кузатишлари маҳсулими? Ушбу мақолада шу масалалар хусусида фикр юритилади.

Алишер Навоийнинг шахслати тўғрисидаги энг қимматли ва ноёб манбалар, албатта, унинг ўз асарларидир. Шоирнинг ҳаёти ва ижодига оид кўплаб тадқиқотлар мавжуд, аммо уларда Алишер Навоийнинг ташки кўриниши, киёфасининг тўла ва мукаммал баёни йўқ. Уша даврнинг машҳур тарихчиси Гибсиддин Хондамир асарларида, айниқса «Мақоримул ахлоқ» («Тўзат хулқлар») номли китоби, Зайниддин Восифийнинг «Бадойиъул вақойиъ» («Ажойиб воқеалар») ҳамда Заҳриддин Бобурнинг «Бобуронома» (аслида «Вақойиъ» - «Воқеалар») асарларида Алишер Навоий ҳаётидан қизиқарли ва ибратли лавҳалар, унинг характери оқиб берувчи муҳим кузатишлар баён қилинган. Бу қимматли маълумотлар

шоирнинг тўлақонли мукаммал образини яратиш учун айрим чизгилар бўлиб хизмат қилиши мумкин, ҳолос.

Зайниддин Восифийнинг «Бадойиъул вақойиъ» асарида келтирилган машҳур ҳикоятга асосланиб, ўз даврининг нодир ул асри, устод Қамолддин Бехзод Алишер Навоийни дарахтлар гуллаган ботда, асоса таяниб турган ҳолатида тасвирлангани қайд этилиши мумкин. Бу расм қуйидаги воқеа муносабати билан келтирилган: «Алқисса қўйма-қўч, соатма-соат (устоз Бехзод)нинг хунар ва мартабаси ўса борди. Чизган нақши тўфайли у ғойиблик пардасидан чиқиб шухрат ва заковати сурати (яққол) намён бўла борди.

(Шундай бир ҳолиса) машҳурдирки, устоз Бехзод (суврат чизилган) саҳифани буюк Амр Алишернинг фирдавмонанд, осмон зийнати мажнисида келтирди. Сувратда тасвирланишича, ораста ботча. У турли туман дарахтлар билан қопланган ва дарахт шоҳларда хушсураат турли-туман кушлар, ҳар тарафда ариқчалар шилдираб оқиб ётибди. Очиқган зангори гул гуллари ва унинг орасида Мир (Алишер) нинг ёқимли хуш сурати. У асоса таянган ҳолда турибди. Ёнида сочки (олатини ижро этмок учун), зар тўла табокларни кўйган. Ҳазрати Мир ул сувратни мушоҳада ва мулоҳаза қилди: ул нафис ботлар ичра латиф ва шодлик гуллари, ҳаёлий ховузлар атрофи гўзал ва хузур батишловчи дарахтлар билан безалган. Ботчани (шод) бўлбўлдк (Алишер) завк ва шавкка тўла қўнғилдан «аҳсан-ул аҳсан» («жудла соз») садосини чиқарди.

Байт:

*Наққош бўди, хона мунаққаш қарди,  
Эй вақти ту хуш, ки вақти мо хуш қарди.*

Мазмун: «Эй наққош сен келиб хонамизни безатдинг. Вақтинг хуш бўлсин! Зероки, бизни бағоят хушнуд этдинг».

Сўнгра Мир мажнисида хозир бўлганларга қараб деди: «Азизларнинг хотирига бу муҳим саҳифа тавриф ва таъсифи учун нимқалдар келди?»

Мир (Алишер) нинг устози ва Хурросон аҳлининг машҳур кишиларидан Мавлоно Фасихиддин бундай деди:

-Маҳдумлар! Кўз олдидати бу очилган равно гулларни кўл чўзиб узсам-у, дасторига сансчам?!

Мир (Алишер) нинг дўсти улфати Соҳиб Доро бўлса:

-Менда ҳам шундай истак бор эди. Аммо кўл чўзсам, дарахтлар устидаги кушлар хўрқиб учиб кетмасин, деб андеша қилдим, - дейди.

Хурросоннинг хушгавб ахлидан ва пешволаридан бўлган Мир (Алишер) билан доимо ҳазил-мутоба қилиб юрадиган Мавлоно Бурҳон:

- Мен мулоҳаза билин кўлимни тортиб, тилимни тиймоқчиман. мабодо Ҳазрат Мир (Алишер) аразлайдилар ва юзларини буриштириб қолларини чимиралдилар, - дейди.

Нозик табиатли ва Мир (Алишер) унга «Латифатарош» деб лақаб қўйган хурросонлик хўшомадгўй (кишиларидан) Мавлоно Бадахшнй бўлса:

-Эй, Мавлоно Бурҳон, агар беодоблик ва густохлик бўлмаганда, суратдаги Мир (Алишер)нинг кўлларидати асоли олиб бошингга солар эдим, - дейди.

Ҳазрат Мир (Алишер) суҳбатни яқунлаб:

-Азизлар яхши сўзларни айтишди ва маъно дурларини (жуд) маъкул сочинди. Агар Мавлоно Бурҳон ўша номмакул ишни равво кўрматганларда ва дағаллик қилмаганларда мен (сувратда тасвирланган) табоклардаги олгинларни дўстларнинг бошларидан сочмоқчи эдим, - дейди.

Шундан сўнг Алишер Бехзодага эгар-жабдуклиги от ва муносиб тўн, мажлис ахлининг хар бирига (эса) хашамагли либос инъом қилди»<sup>103</sup>.

Яна тарихчи Қози Аҳмад Қумийнинг «Гулистони хунар» («Санъат гулистони») рисоласидаги маълумотдан Алишер Навоийнинг «Мажолисун нафис» таъқираси кўлэмасини котиблар султони Султон Али Машхадий хусниҳат билан китобат қилгани, китоб саҳифаларини шахслар расмлари билан зийнатланган эканлигидан хабардор бўламиз<sup>104</sup>. Лекин афсуски, бу ёзма манбаларда қайд этилган, айни ўша Алишер Навоий портрети ҳамда «Мажолисун нафис»нинг ўз даврида расмлар билан зийнатланган кўлэмаси хозирча бизга маълум эмас эди.<sup>105</sup>

Ўзбекистонда машҳур миниатюрист Махмуд Музаҳҳиб яратган портрети 1940 йили нашр қилинганга қадар, шoirнинг ташки қиёфасини расомлар ўзларича тасаввур қилиб, тасвирлар эдилар. Масалан, 1925 йили нашр этилган «Лайли ва Мажнун» достони муқовасидаги расмда расом Даҳно Алишер Навоийни улўғ ёшдаги донишманд, соқоли узун чол сифатида акс эттирган<sup>106</sup>.

Маълум бўлишича, Алишер Навоий ҳаётлик даврида устод Қамоллидин Бехзод, Қосим Али чеҳрақушой, Махмуд Музаҳҳиб томонидан унинг алоҳида портретлари яратилган экан. Устод Қамоллидин Бехзод яратган алоҳида портрет хали топилмагани сабабли унинг тўғрисида катъий фикр юретиш мумкин эмас. Аммо Зайниддин Восифий берган маълумотдан шу нарса маълумки, Алишер Навоий тасвири жуда гўзал бўлган ҳамда у асога таъниб турган ҳолатида тасвирланган.

Алишер Навоийнинг хозирча энг машҳур портрети атоқли миниатюрист Махмуд Музаҳҳиб мўйқаламига мансуб бўлиб, 7x16 смли бу нодир расм Эроннинг Машхад шаҳридаги Остони Қудс кутубхонасида сақланган. Бу асар биринчи марта 1931 йили Лондонда ўтказилган Эрон миниатюралари кўргазмасида намоён этилган, жуда машҳур бўлиб кетди ва қайта-қайта нашр қилинди. Уни илк бор Ўзбекистонда профессор А.А.Семенов «Навоий даври портретлари» (Ташкент: Гостехиздат УзР, 1940, 13 илл.) рисоласида эълон қилди. Шундан кейин республикамызда яратилган дедри ҳамма асарларда Алишер Навоийнинг ташки қиёфаси ҳақли равишда Махмуд Музаҳҳиб асарига асосланиб яратилган.

Махмуд Музаҳҳиб асарларида Алишер Навоий образи жуда жонли, ҳаётли ва тўлақонли чиканини аксарият мутахассислар яқинлиги билан таъкидлайдилар. Семашкакат ижод ва ҳаёт мураккабликлари қалбини бнр оз буккан, лекин хали ҳам тетик, матрур шoir энги узун тўн – кабода, бошида сипо ўралган ок салпа. Ошпоқ соқол ўртача узунликда. Шoirнинг чеҳраси, айниқса бир оз чимирилган қошлари жуда жонли ифодаланган, хиёл истеҳзоли кўзлари, унинг нозик мизожидан далolat берувчи қимтинган лаблари ҳаммаси Алишер Навоийнинг ўзинга хоc улўғвор қиёфаси, кийими ва туриш холатидан гувохлик беради. Дарҳақиқат расмини кўрганда, Заҳирлидин Бобурнинг куйидаги сўзларини киши эслайди: «Алишербекнинг миқози нозук била машҳурдир. Эл

<sup>103</sup> Усмонов О. Қамоллидин Бехзод ва унинг нақшошлик мактаби, 44-46 бетлар.

<sup>104</sup> Қазин-Аҳмед. Трактат о каллиграфиях и художниках. стр. 106-107.

<sup>105</sup> Санъатшунос Э.Г.рубе маълумотига кўра ушбу кўлэмасидан Қосим Али расм қилган бнр варак АҚШ мажмуаларидан бирини маъжуд экан. 1998 йили чоп этилган «Бобурий устодлар» (Янги Дехли) китобида шу кўлэмасдан икки вароқка машҳур расом Фарруҳбек Хиндистонда қайта расм ишлагани аниқланди. Қаранг: *Mughal Masters. Further Studies*, pp. 96, 107 (p.10). Биринчисида Қосим Анвор тасвири (Собак Ардашир мажмуаси), иккинчисида Шох Таҳносиб расми (Анвар музейида) тасвирланган. Хошиятидаги хат Султон Али Машхадий томонидан битилгани юқорида эслатилди.

<sup>106</sup> Зитаншина Н. Искусство книги в Узбекистане. Ташкент: Изд-во литературы и искусства им. Габура Туляма. 1978, илл. 13.

маъзоқатини давлати тўруридан тасаввур қилур эдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жобиллий (туғма) экандур. Самарқандда эканга ҳам ушмундоқ нозук миқоз экандур»<sup>107</sup>.

Ушбу расм тўғрисида таниқли адабиётшунос Пирмат Шермухаммедовнинг фикри кам диққатга сазовор. У ёзди: «Буюк шoir умрининг энг сўнгги йиллари, эхтимол сўнгги давқалари. Онлари бўлса ажаб эмас. Юзи, Кўзи ва пешонасидан нур ёғилиб турган, қарши-ю, ўткир нигоҳида доноликнинг излари зуҳур этган, ихчам ва тоза кийинган. Қўлида асо, хиёл жилмайганнамо.

Бу портретга разм солар эканмиз, беихтиёр равишда куйидаги дил сўзлари хотирга келди:

*Тахе тодлим фалақдин нотавонлик,*

*Тахе кўрдым замондин қамронлик.*

*Басе иссиқ – совуқ кўрдым замонда,*

*Басе аччиқ – чуқуқ тодлим жаҳонда»*<sup>108</sup>.

Ушбу портретни илк талқикотчиларидан, хусусан Арменат Сақсиян уни ХУ асрнинг охирида Хиротда яратилган деган хулосага келди. Бу хулосани кейинги талқикотчилар, жумладан проф. А.А.Семенов ва бошқалар ҳам қабул қилдилар. Аммо яна бир йirik миниатюра талқикотчиси Иван Шчукин ўзининг «Темурийлар кўлэмалари расмлари» (Париж, 1945, 95-бет) номли монографиясида Махмуд Музаҳҳиб яратган портретини Бехзод яратган, аммо бизгача етиб келмаган портрет нусхаси бўлиб, уни расом ХУVI аср ўрталарида Бухорода яратган бўлса керак, деган мулоҳазага борди. Рус олими О.Ф.Акимчушкин, тожикистонлик М.М.Ашрафий, ўзбек олими О.Усмонов ҳам И.Шчукин фикри тарафдори бўлиб чиқдилар.<sup>109</sup>

Махмуд Музаҳҳиб яратган портрет нусха ёки кейин ижод этилган деган фикр тарафдорлари асосий далили шунки, расомнинг кўпроқ маълум асарлари асосан ХУVI асрнинг йипирманчи – эллигиччи йилларида яратилган экан. Иккинчи далил эса, Зайниддин Восифий Қамоллидин Бехзоднинг Алишер Навоий портретини яратганини ёзиб қолдиргани.

Биринчи далилга келганда шунни айтиш керакки, Махмуд Музаҳҳибнинг ҳаёти ва ижоди хали муқаммал ўрганилган эмас. Қолаверса, унинг Хирот шаҳрида Қамоллидин Бехзод доирасида ва шогирдлари билан бирга ижод этганини таслиқловчи далиллар маъжуд. Масалан, Махмуд Музаҳҳиб Бехзоднинг истеъдодли шогирдларидан бири Дўст Давона билан биргаликда расмлар ишлаган мўъжазгина бир кўлэмга Хиндистоннинг Хайдаробод шаҳридаги Сағор жанг музейида сақланмоқда. Бундан ташқари, Махмуд Музаҳҳиб Абдурахмон Жомийнинг «Девон»ини Султон Али Машхадий 1515 йили Хиротда кўчирган нодир кўлэмасига ҳам бешта расм ишлагани маълум. Хозирги кунда бу кўлэмга Америка Қўшма Штатларидаги Лафайет коллежи мулкидир. Демак, биринчи далилни тўла ишончли дейиш қийин. Бу масалага эътибор берган П.Шермухаммедов ҳам Махмуд Музаҳҳиб яратган Алишер Навоий портрети Қамоллидин Бехзод асарининг нусхаси бўлиши мумкин деган хулосага қарши чиқиб, «Махмуд Музаҳҳиб Алишер

<sup>107</sup> Бобурнома (1960), 233 бет.

<sup>108</sup> Шермухаммедов П. Баръадани яхшироқ ҳаёт гули. Тошкент: Фафур Фулом номиданги Даабнет ва санъат назарияси, 1983, 162-бет.

<sup>109</sup> Акимчушкин О.Ф. Портрет Навои. В кн.: Искусство и археология Ирана. Всесоюзная конференция (1969). М.: Изд-во «Наука», 1971, стр. 20-24; Ашрафи М.М. Бухарская школа миниатюрной живописи. 40-70-е годы ХУVI века., стр. 16-17; Усмонов О. Қамоллидин Бехзод ва унинг нақшошлик мактаби, 134-бет.

Навоийни кўрган бўлиши ва ўша машҳур портретни буюк шоир ҳақидаги таасуротлари асосида чизган ҳам бўлиши мумкин», - дейди<sup>110</sup>.

Иккинчи даража хусусида фикр айтишдан аввал Алишер Навоий ҳаётлик даврида яратилган бошқа портретлари ҳам ўрганиб чиқиш керак. Мана шундай портретлардан бири «Алишер Навоий ва Султон Муҳаммад Мирзо» портрети. Расмининг пастка бурчагида «аф-факир Али» деган майда ёзуви ўқиса бўлади. Тахминимизча, бу нодир асар Камолдин Бехзоднинг истеъдодли шогирдларидан бири устод Қосим Али чеҳракушой томонидан ижод қилинган. Чунки тарихчилар расомнинг номига «чеҳракушой» - портретист деб қўшиб эслатишлари бежиз эмас. Тарихчи Фисийдин Хондамир «Хулосатул ахбор» асарида Алишер Навоийнинг шахсий кутубхонасида ижод этувчи нақош-расомлар каторида унинг ҳам номини кайд этган: «Устод Қосим Али чеҳракушой замоннинг етук мусаввири бўлиб, нозик таъб нақош (бу ерда расом маъносида - АбД.М.)лар етакчисидир. Бу фан (санъат)ни хидоят сифатли Амир Алишер кутубхонасида ўрганган. Он ҳазратнинг таълим-тарбияси орқасида оқил тенгдошларидан ўсиб кетди ва доимо унинг хизматида бел боғлаб, унинг қатта инъом ва эҳсонидан баҳраманд»<sup>111</sup>.

Бавзи мутахассислар Қосим Алини Алишер Навоийнинг шахсий расоми деб ҳам аташади. Қолаверса, Қосим Али мўйқаламига мансуб Алишер Навоийнинг «Салди Искандарий» дostonига ишланган «Алишер Навоий улўғ шоирлар даврасида» рамзий расмида ҳам улўғ шоир тасвири бор. Мана шуларнинг ҳаммаси «Алишер Навоий ва Султон Муҳаммад Мирзо» расминини Қосим Али ижод қилган дейишга тўла асос беради.

Мазкур расмда тасвирланган шахслар номи расм юқорисига, чап бурчада майда наставкалик хатида қуйидагича ёзиб қўйилган: «Сурати дилназир Чуҷук Мирзо бо амир бе либуху назир Низомиддин Алишер» (Чуҷук Мирзо ва беназир амир Низомиддин Алишерни динни шод қилувчи сурати). Темурий Мирзолар ичидан Чуҷук Мирзо Алишер Навоий ижодининг китэни муҳисси, тарғиботчиси, унинг асли номи Султон Муҳаммад Мирзо бўлиб, уни Чуҷук Мирзо ёки Киҷик Мирзо деб ҳам аташган. Чуҷук Мирзо Султон Хусайн Мирзонинг жияни бўлади. Алишер Навоий ўзи тарғиб берган «Бадойиул бидоя» девони дебонасида Султон Муҳаммад Мирзо ҳақида жуда самимий ва илқ фикрларни билдирган. Шунинг учун бўлса керак, айрим мутахассислар, хусусан инглиз олими Чарлз Рё, Алишер Навоий ўзининг «Бадойиул бидоя» девонини Султон Муҳаммадга бағишлаган, деб ёзган эди. Алишер Навоийнинг фазалларида ҳам Султон Муҳаммад Мирзонинг номи учрайди ва «Маъжолисун нафос»да унинг маҳсус эскири мавжуд.

Қосим Али яратган расмда ҳам Алишер Навоий тик турган ҳолда, узун енти кўпир жоманда, тўк кўк қабода, кўк кулоҳли, сипо ўралган олоқ саллада тасвирланган. Унинг кўлида узун асо. Агар биз шоирнинг ноз тасвирига эътибор берадиган бўлсак, соқол-мўйловининг қоп-қоралиги, нозининг тўлалиги, кийик кўзлари, лабларининг кимтинанлиги, хали шоир ҳаётида муҳим воқеалар ноз бермагани, хусусан, Астрообод (1487-1489)га бормаганлигидан дарак беради. У тамошабин наздида ўзининг юксак ижодий парвозларга қодир қарашли, нозик диди, қаддининг ростлиги ҳамда суҳбатдошига нисбатан хурмат ва эътибори билан диққатни ўзинга жалб қилади.

Агар бу расмдаги шоир тасвирини Махмуд Музаҳхиб яратган портрет билан қиёсланса, иккала расм ҳам бир шахс образи, аммо икки хил тақинда, узок муддат орасида яратилгани аён бўлади. Иккала расмда ҳам Алишер Навоийнинг туриш ҳолати

бир хил, фақат Қосим Али расмида қадди тикроқ, асога таянган ҳолда, шоир асои номига ушлаб турибди, айнан бир хил жома, салла ўраш тарзи. Аммо иккала тасвирдаги киши Қосини қиёсласак, даярли икки олам. Албатта умумий аъзолар, ноз, соқол, лаб, кўз, бурчун, мешона тасвири бири-бирга жуда яқин. Фақат Махмуд Музаҳхиб тасвирлаган Алишер Навоийнинг нозиди унинг ҳаётида рўй берган фожеалар, дўсти ва устози Жомийдан ажралиш, захматталаб ижодий меҳнат асорати ўз аксини тогган. Иккала расмини қиёслаб, Қосим Али яратган портретда Алишер Навоий кирк ёшларда бўлиши мумкин, деб тахмин қилиса бўлади.

Алишер Навоий ва Султон Муҳаммад Мирзо портрети бўлуниги кунда Туркиянинг Истамбул шаҳридаги Тўлқоту саройидаги Ҳазина музейидаги 2155 рақамли Мураккабнинг 29 варағида сақланмоқда. Уни проф. А.А.Семенов 1940 йили эълон қилган Мақолада қайд этиб ўтган эди<sup>112</sup>. Расм рангли ҳолда 1965 йили Турк олтими Орох Сирри Левандининг тўрт томлик «Алишер Навоий ҳаёти, ижоди, асарлари» (Анкара) китобининг биринчи жилида эълон қилинган. «Шарк юлдузи» журналининг 1968 йилги 9- сонидида Алишер Навоийнинг қоз тасвири чоп қилинди. Расм яна рангли ҳолда «Ўзбекистон санъати» журналининг 1981 йил 8-сонидан ҳам ўрин олди.

Алишер Навоий тасвири мавжуд яна бир миниатюрани проф. Хамид Сулаймон аниқлаб, ўзи тарғиб берган «Алишер Навоий дostonларида ишланган расмлар» (Тошкент: «Фан» нашриёти, 1970) номига алабон (32та расм) да эълон қилган эди<sup>113</sup>. Бу расм Юқорда қайд этилгандек, «Салди Искандарий» дostonига Қосим Али ва устод Камолдин Бехзод томонидан ишланган бўлиб, уни «Улўғ шоирлар анжумаси» ёки «Алишер Навоий улўғ шоирлар даврасида» деб аташ мумкин. Расмда Алишер Навоийни Шаркининг энг улўғ шоирлари «Хамса» дostonлар туркумини тугатлашчи муносабати билан қўлаётган ҳолати тасвирланган. Унинг марказида Низомий Ганжавийнинг рамзий тасвири бўлиб, Абдурахмон Жомий Алишер Навоийни улўғ шоирга таништирмоқда. Бу расмда шоир устозлари, сазалари олдига ўта камтар шахс сифатида таъкин қилинади. Унинг юзи тасвири бошқа портретлари жуда-жуда эслатади. Аммо бу миниатюрада Алишер Навоий оқ соқолли киши кўрсатилган. Расм яратилган кўлэма 1485 йили маҳсус Бадиуззамон Мирзо учун тайёрланган эди. Қосим Али яратган икки расмдаги шоир юзи тасвирланган қатта фарқ кишини хайратга соладиган даражада.

Шоир портретларини ўрганиш давомида Санкт-Петербургдаги Россия Миллий кутубхонасида сақланган Алишер Навоий асарлари мажмуа кўлэмаси (Дорн-559)даги «Хайратул абор» дostonининг учинчи мақолаида илова тарзида келтирилган хикоятга ишланган бир миниатюра диққатни ўзинга тортади. Унда даявогар кампир замона юдошоху Султон Хусайн Мирзодан фарзанди хунини талаб қилиб, қоз олдига олиб боргани тасвирланган<sup>114</sup>.

Расм марказидаги кўшк олдида, чап томонда басавлат қози. Унинг рўпарасида, ўнг томонда подшоҳ Султон Хусайн Мирзо гунохкорона юкуниб, бошини эгиб турибди. Ўнда даявогар кампир. Сап пастроқда, икки томонда утадан олам тасвири. Қозининг орқасида, кўнгар рангли енти узун жоманда, оқ соқолли, оқ салла ўраган, асога таянган киши тасвири бор. Бу Қосим Али яратган Алишер Навоий портретининг худди ўзи. Афруски, киши озидаги бўёқлар ўчган. Миниатюра ишланган хикояни Алишер Навоий ҳаётида ҳам гувоҳи бўлган эди. Шунинг учун бўлса керак, XV аср охирида Хиротда

<sup>110</sup> Семёнов А.А. Герметское искусство эпохи Навои. / Родная земля узбекской литературы. Сборник статей  
<sup>111</sup> Алишер Навои. Ташкент: Изд-во АН Узр, 1940, стр. 140.  
<sup>112</sup> Камбаров Ш. Вир миниатюра бахши / «Улистон» (журн.), 1975, № 3.  
<sup>114</sup> Алишер Навоий асарларида ишланган расмлар (285), 65- расм.

яратилган бу расмда биз шубҳасиз кўпчилик томонидан тан олинган шоир портретини, аниқроғи, унинг тасвирини кўраемиз.

Эроннинг Миллий кутубхонасида устод Камолиддин Бехзод мўйқаламига мансуб «Орифлар рақси» номли расм мавжуд. Унинг Рукниддин Хумолон Фаррух номли олим ўзининг «Эрон шаханшоҳининг китоб ва кутубхоналари» номли асарида (Техрон, 1345 шамсий ) чоп қилган. Бу расмда гуллар кийнос очилган табиат кўйида, куй ва қушнинг жўрлигида бир гурӯҳ тасаввуф намойндалари рақсга тушмоқда. Бир неча киши бу манзарани кузатишмоқда. Кузатуриларнинг чапдан учинчиси, юқориорқда, бизга Алишер Навоий портретларидан таниш киёфада. Енги узу жомада, кўлида асо, бошини бироз куйи эгганча, хаёлга чўмган. Унинг жомаси, салга ўраш тарзи, асога таъниши, юз тасвири, соқоли, қоши, кўзлари ҳам Алишер Навоий портретларини эслатади. Демак, устод Камолиддин Бехзоднинг «Орифлар рақси» миниатюраси хаётий кузатиш асосида яратилган бўлиб, унда шоирнинг ҳаммата таниш образини киритган дейиш мумкин<sup>115</sup>.

Тўртта расмда Алишер Навоийни тик турган ҳолатда, енги узу жома кийган, бир хил тарзда оқ салга ўраган, асо тутган ҳолда тасвирлангани ҳамда Зайниддин Восифий зикр этган расмда ҳам шоирнинг кўлида асо бўлганлиги XV аср иккинчи ярмида унинг умумлашма рамзий образи шаклланиб, мавжуд бўлганлигидан гувоҳлик беради. Лекин ҳар бир миниатюрарда рассом Алишер Навоийнинг умумий талқи киёфасидаги энг характери хусусиятларни тасвирлаш билан бирга, унинг образи талқинига, расмда тасвирланаётган вақтдаги руҳий ва маънавий олами қанчалик тўлиқ ва мукаммал тасвирланган деган саволга, унинг «Сабаъи сайёр» дostonидаги рассом Монийнинг ўзи яратган Дилором портрети хусусидаги фикрини келтириш ўринлидир:

*Тор бийниҳул ўлмаеса бори,  
Шак эмаски, эрур намурори.*

Яъни, Алишер Навоий хаётилик даврида яратилган ҳар бир портретда унинг тўлақонли образини ёритишга, бой руҳий ва маънавий оламини ифодалашга интилишининг муваффақиятли самарасидир.

Алишер Навоий даҳо ижодкор ва мутафаккир бўлгани сабабли унинг рамзий ва хаёлий портретлари, суратлари бўлиши ҳам табиий. Мисол учун, хозирги кунда Англиянинг Виндзор сарой кутубхонасига бориб қолган «Хамса» кўлёмасига XVI асрнинг иккинчи ярмида ижод этган моҳир хиндистонлик рассом Дханроҷ яратган «Алишер Навоий «Хамса» асарини Султон Хусайн Мирзога тортиқ қилмоқда» номли расминини олиб кўрайлик<sup>116</sup>.

Мазкур миниатюрани таҳлил қилиш жараёнида, баъзи мутахассислар расм хошиясидаги «Дханроҷ яратган Султон Хусайн Мирзо расми» деган ёзувга асосланиб, Султон Хусайн Мирзо ёнида китоб топираётган шахсни ўз даври «маликул калом» («сўз подшоҳи»)и Мавлоно Дутфий деб тахмин қилдилар<sup>117</sup>. Вақоланки, расмда, бизнинг фикримизча, тарихчи Зайниддин Восифийнинг «Бадойибул вақоийт» асаридати Алишер Навоий

«Хамса» асарини тўғаллаб, уни Султон Хусайн Мирзога тақдим қилиш ҳолатининг баёни тасвирланган<sup>118</sup>.

Мавлумки, «Хамса» асарини яратилишини қатта қувонч билан кўтиб олган Султон Хусайн Мирзо Алишер Навоийнинг ўзининг хос оқ отига миндрийб, ўзига маънавий рақсбар – шир деб тан олган эди. Бу расмда дабдабага тахтда, бутун аёнлари хозирлигида ўтирган Султон Хусайн Мирзога Алишер Навоий ўзининг «Хамса» асарини қамтарона дурб билан топишмоқда. Албатта, бу расмдаги Алишер Навоий, Султон Хусайн Мирзо ва унинг аёнлари тасвири даярли юз йил кейин тасвирлангани учун ва хиндистонлик рассом ихтиёрида тарихий материаллар бўлмагани сабабли, унинг тасавури махсулдир.

Яна матбуотда Алишер Навоийнинг янги топилган портретлари тўғрисида маълумотлар эълон қилинмоқда<sup>119</sup>. Ана шуларнинг бири Хиндистон пойтахти Деҳли шаҳридаги Миллий музейда сақланаётган миниатюра бўлиб, «Фан ва турмуш» журналда эълон қилинишича, унда Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий тасвирланиб, устод Камолиддин Бехзод яратгани тўғрисида ёзув бор экан. Лекин кейинги талқиқотлар фрасатишча, миниатюра «Бехзод асарининг кейинги даврда ишланган нусхасидир» деган хулосага келиндики, бу ҳам шубҳалидир<sup>120</sup>.

Алишер Навоий тасвири мавжуд миниатюралардан бири Низомий Ганжавийнинг «Хамса» асарининг 1495 йили Хиротда китобат қилingan нодир кўлёмасининг 214-парағида экан<sup>121</sup>. Бу расмда шоир тасвири «кирк-кирк беш ёшлар атрофида». Бизнинг тушунишимизча, тап «Искандар ва етти донишманд» миниатюраси устида бормоқда. Даржакига, расм марказидаги Искандар сиймоси, хусусан юз тасвири рассом Қосим Али яратган Алишер Навоий портретини эслатади. Бунинг сабабини дostonдаги идеял шахс образи тасвирида миниатюрисг ўзининг улуғ замондоши Алишер Навоий талқини кўришидан келиб чиққан бўлиши эҳтимол. Лекин бу дегани, XV аср иккинчи ярмида яратилган миниатюраларда Махмуд Музаххиб ва Қосим Али яратган Алишер Навоий портретларига ўхшашлиги бор қишилар тасвирини кўрганга уларни Алишер Навоийнинг янги портрети деб даъво қилишга етарли асос бормикан?

Ававаллари ҳам Алишер Навоий портретини аниқлашга ҳаракат қилганлар 1940 йили Ташкентда чоп этилган, Алишер Навоий нобилейига бағишланган тўттамда ҳам бир миниатюра эълон қилиниб, уни «Алишер Навоий Султон Хусайн Мирзо хузурида» деб номилаган эдилар<sup>122</sup>. Лекин ҳеч қандай илмий асос ва далил бўлмагани учун у расм ўз-ўзидан вақт ўтиши билан ўнугилиб кетди.

Махмуд Музаххиб яратган Алишер Навоий портрети Камолиддин Бехзод асари нусхасини? – деган саволга рассом ўз устоди яратган портретдан хабардор бўлган, уни кўрган бўлиши мумкин, аммо ундан нусха кўчирган эмас, деб далил жавоб бериш мумкин. Акс ҳолда, рассом ўз устодига хурматини сақлаган ҳолда, «Бехзод асаридан Махмуд Музаххиб кўчирган нусха» деб ёзиб қўйган ҳам бўларди.

Алишер Навоий портретларини ўрганиш хулосаси сифатида шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, шоир ўз даврида аҳли фозил ва хунзар, шу жумладан хатот ва рассомларнинг ҳам тенгсиз мураббийси ва муқаввийси бўлганлиги сабабли, ўз ўрнида атоқли мусаввирлар ҳам миннатдорчилигининг рамзи сифатида Алишер Навоий бадийи

<sup>115</sup> Болдырев А.Н. Алишер Навои в расказах современников. В кн.: Алишер Навои. Сборник статей. Под ред. А.К.Боровкова. М.-С.П.: Изд-во АН Р., 1946, стр. 144.

<sup>116</sup> Сулаймонова Ф. Ўша асар... 10-11 бетлар; Шермухаммедов Т. Ўша асар. 161-164 бетлар.

<sup>117</sup> Нодир топилама «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (фаз.), 1985, 22 март.

<sup>118</sup> Низомий «Хамса»сига ишланган расмлар. Альбомни тузувчи ва сўз боши муаллифи Ф.Сулаймонова. Ташкент: «Фан» нашриёти, 1985, 82-раом.

<sup>119</sup> Родовачальник узбекской литературы. Сборник статей об Алишере Навои. Ташкент: 1940.

образларини яратганлар. XV аср иккинчи ярми ва XVI аср бошларида ижод этган устода Камолiddин Бехзод, устода Қосим Али, Махмул Музаххоб шоир ҳаётининг турли даврларидаги ҳаётий портретларини яратиб, Шарқ тасвирий санъатидаги атоқли кишилар образлари галереясига улғу шоир ва мутафаккир сиймосини олиб кирдилар. Дадил айтиш мумкинки, Алишер Навоий сиймоси тасвирланган портретлар ва миниатюралар Шарқ мумтоз миниатора санъатининг ноёб обидаларидир. Улар келгуси санъаткорлар учун ҳам шоир образини яратишда бебаҳо манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

#### Маҳобатли расмлар ижодкори

Ўзбекистон халқ рассоми, Давлат мукофоти лауреати профессор Чингиз Аҳмаров ўзининг бетакрор маҳобатли деворий расмлари, кўпилаб дастохли рангтасвир асарлари ва нафис китоб безаклари билан ўзбек тасвирий санъати таракқиётига алоҳида ҳисса қўшган ва катта хизмат қилган атоқли санъаткордир. У тасвирий санъат таракқиётига Ўзбекистон халқ рассомлари ўроқ Тансиқбоев манзаралари, Раҳим Аҳмедов дастохли расмлари, нозик таъб рассом Искандар Икромовнинг китоб безаклари, Абдулҳақ Абдуллаевнинг яратган замондошларимиз ажойиб портретлар туркуми каби Чингиз Аҳмаров ўзининг монументал санъат боёбдаги маҳобатли деворий расмлари билан ҳисса қўшди. Рассомнинг машҳур деворий расмлар туркумлари, балки бутун ижоди Шарқ мумтоз миниатора санъати анбалалари, устода Камолiddин Бехзод асарларидан илҳомланиш, улардан ўрганиш, уларни замонавий бадиий — эстетик талаблардан, маҳобатли санъат хусусиятларидан келиб чиқиб, қайта яратишга интилиши кўчидлиги ва иччиллиги билан ажқол ажралиб туради. У ўз асарларида нафис мўъжаз расм хусусиятлари, анбалаларини ижодий ривожлантиришга ҳаракат қилган энг биринчи замонавий санъаткор бўлмаса-да, шу соҳада энг баърақали ва самарали, иччил ва муваффақиятли ижод қилган, асарлари жамоатчилик томонидан тан олинган атоқли ижодкордир. У кўпилаб хилма-хил деворий расмлар, дастохли рангтасвир асарлари, китоб безакларини яратиш билан бира, «Улғубек юлдўзи», «Икки дил дostonи» фильмларини яратишда ҳам рассом сифатида қатнашган.

Чингиз Аҳмаров 1912 йили ўроқ тоғи яқинидаги Троник шаҳрида энгил оиласида дунёга келди. Унинг отаси Абдурахмон Шарқ мамлакатлари, айниқса Марказий Осиё халқлари тарихи, маданияти, санъати ва адабиётига жуда қизиққан, Туркия, Саудия Арабистони, Миср ва бошқа мамлакатларга саёҳат қилган одам эди.

1927 йили Аҳмаровлар оиласи Ўзбекистонга кўчиб келиб, аввал Қарши, сўнгра Самарқанд шаҳрида яшадди. Бу вақтда Чингиз Пермь шаҳрида тузилган махсус бадиий билим юртида таълим олар, таътил кунларини Ўзбекистонда ўтказарди. Бу ердаги одамлар, ҳаётни, ўтмишдан қолган меъморчилик ёдгорликларини жуда қизиқувчанлик билан ўрганади. Ёш рассом ўқини ботириб келиб, Самарқандда ижод қилаётган бир гуруҳ санъаткорлар П.Бенков, А.Сиддиқий, О.Татевосьян ва бошқалар билан ёнма-ён ишлаб ўз бадиий маҳоратини ўстиради. Самарқанддаги илк ижодий жарён, ўзидан катта ва малакали рассомлар билан мулоқотда бўлиш ёш санъаткорда яна ўқиб, билиминини ошириш истагини уйғотади.

1935 йили Чингиз Аҳмаров Москвадаги Олий бадиий институтта ўқишга кирди. Уни тугатгач, институт қошидаги аспирантурани ҳам ботириб чиқди. Институтдаги муаллимларнинг ақсарияти атоқли рус рассомлари, санъатшунослари бўлиб, улар замонавий тасвирий санъат таракқиётига алоҳида хизмат қилган кишилар эдилар. И.Грабарь, Ф.Фаворский, Н.Чернышев ва бошқалар раҳбарлигида Чингиз Аҳмаров рассомлик сирларини кўнг билан ўрганди, жаҳон тасвирий санъати тарихи, улғу рус

рассомлари ижодини янада мукамалроқ ўнлаштирди, уларнинг таъсирида ёш рассомнинг илҳомлари бойиб, шаклланиб борди.

Эллик йилдан ортиқ ижоди давомида Чингиз Аҳмаров кенг жамоатчиликка манзур бўлган, турли мавзу ва соҳадаги кўп ва хўб асарлар яратди. Буларнинг ҳаммасига хос умумий бир хусусият уларда муштараклик, яхлит услуб, бадиий-эстетик тамойил мавжудлигидир. Бу ҳам бўлса, бизнинг фикримизча, асарларидagi чизиклар назоқати, майин ранглар уйғунлиги, асар тарҳининг мукамаллиги, образлар кўтаринки, шойрона руҳда бўлиб, улар ҳаётни, кишиларни янада гўзаллаштириб, олнжаноб ва яхшироқ бўлишга ундайдди.

Чингиз Аҳмаров ижодий тамойиллари, ҳаётий поэзияси, дунёқараши жиҳатидан Искандар Икромовга жуда яқин келади. ҳатто ўхшаб кетади, уларнинг ижоди бири китоб безати, бири маҳобатли деворий расм яратиш боёбда ҳамоханг ва яқин туради. Икки завардаст ижодкор маълум даражада ўз асарларида ўтмиш мусававрлари, наққошлари ва китобат санъати ахли ижодий мероси ва анбалаларини замонавий тасвирий санъат талабларидан келиб чиқиб, ривожлантирилди ва ўз соҳаларида катта муваффақиятчи кўлга киритдилар. Шунинг учун ҳам, уларнинг асарлари халқимиз учун тушунарли, яқин ва қадридлидир.

Ўтмиш мусававрлари ижодий мероси, анбалалари таъсирида яратилган энг биринчи ва ёрқин асарлари сифатида Чингиз Аҳмаров томонидан Нельмат Қўзибоев билан ҳамкорликда Алишер Навоий номли Ўзбек Давлат Академик Катта театр залларини безатиш учун 1944-1947 йиллари чизилган нафис ва дилбар маҳобатли деворий расмлар туркуминини қўрсатиш мумкин. Бу расмлар ёш ижодкорга дастлаб шухрат келтирган, уни энг тааниган лирик асарни бўлиб, уларда улғу ўзбек шоири ва мутафаккирининг барҳадт инсонпарварлик роғлари сингдирилган «Хамса» туркумидаги тўрт дoston «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Саъбан сайёра» ва «Садди Искандарий» назмуидан олинган энг муҳим воқеалар таъсирига бағишланган. Айтиш керакки, расмлар сюжетни жуда талабчанлик билан танланган эди.

Расмларнинг бирини «Айвул ҳаёт» — ҳаёт чашмасидан «Баҳрун нажот» («Нажот дарёси») ариғига сув очган Фарход кўли кўксиди, севглиси Ширинни қарли олмақда. Янги «Баҳрун нажот» янги нажот ариғига қараб очилган сувнинг равон оқинидан беҳад шод бўлган Ширин юзидagi тарда — бурқабсини олиб, Фарходга ўз миннатдорчилигини изҳор қилмоқда. Бутун халқ нажот ариғига сув очилганидан, асрий орузси ушлаганидан беҳад хурсанд ва шод. Туёки, шоир тасвирлаганидек:

*Халойиқ ичра гагоо тушити ҳарён,*

*Улус ичра атоо тушити ҳарён.*

Бу ажойиб манзара даҳо шоирнинг «Фарход ва Ширин» дostonидаги энг муҳим воқеага бағишланган бўлиб, у расмда юзак маҳорат билан тасвирланган. Рассом фойдаланган нафис ранглар уйғунлиги, нозик ва оҳангдор чизиклар, фон учун танланган нақшкор бино қўриниши, кийғос гуллаган дарахт шохлари, кишилар қиймидаги безаклар ва расм четидagi ганч нақшлар барчаи асосий воқеа — янги нажот ариғига «Айвул ҳаёт» чашмасидан сув очиш маросимини жуда кўтаринки руҳда, хурсандчилик билан ўтказилаётгани, кишилар хис-ҳаяжони ва шоду хуррамчилигини ёрқин ифода этишга хизмат қилади. Бу расмдаги шойрона лирик кайфият, нафис ва жозибали рангларнинг фазо муаносиблиги, ҳар бир деталнинг аниқ тасвирланганлиги, асар тарҳининг пуқталлиги, чизиклардаги нозиклик атоқли рассомнинг театрдаги барча асарлари учун ҳарактерлидир.



Бошқа бир расмда «Лайли ва Мажнун» дostonидаги, жамият нуфузлари томонидан рад этилган, лок мухаббати туфайли дашта чикиб кетиб, жониворлар ва табиат билан ҳамдард бўлган Кайсининг олдига севгилиси Лайлининг бориши, уларнинг учрашув ҳолати акс этирилган. Ошиқларнинг ушбу висол — учрашув они Алишер Навоий томонидан бекиёс эхтирос билан куйланган. Вокса рассом мўйкаламида эса, ўз характерида келиб чиқкан бўлса керак, бир оз бошқача талкин этилиб, у хазин, лирик ва интим оҳанг касб этган.

Яна бир расм «Сабъаи сайёра» дostonи бош қаҳрамони подшоҳ Баҳром ва унинг севгилиси Дигоромнинг олдига баҳсига, бошқаси эса «Садди Искандарий» дostonига бағишланган бўлиб, унда Искандарнинг ёвуз кучлар тимсоли Ӣбжуз ва Мавжъудан халқни химоя қилиш учун улкан девор қурдираётгани тасвирланган. Барча расмлардаги умумий нафислик чизиклар назокати катта зағдаги ажойиб ганч безакларига жуда монанд тушган.

Алишер Навоий асарларида, хусусан дostonларига деярли беш аср давомида мусавивир, наққош, хаттоғлар ва китобат санъати аҳли қайта-қайта мурожат қилганлар, улардаги илғор ва тараққийпарвар тоғлардан руҳланиб жуда кўплаб ва турли савиядаги баъдий расмлар, нақшлар яратилганлар. Уларнинг бир қисми «Алишер Навоий дostonларига ишланган расмлар» (Тошкент, «Фан, 1970) номли 32 расмдан иборат терма альбом ва «Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар» («Шарқ», 1981, 32 расм) номли альбомларда чоп қилingan эди. Кейинча «Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар, XV-XIX асрлар» номли тўлик альбом (1982, 285 расм) и эълон қилинди. Бу ажойиб китобат санъати намуналари шоир асарлари асрлар давомида илҳом манбаи бўлиб келганини кўрсатади.

Театрдаги деворий расмларда рассом катор ўтмиш мусавивирлари томонидан қайта-қайта мурожат қилинган анъанавий мавзуларни танлаб олган бўлса-да, баъзи ўринларда уларнинг ўз ижодий ютуқларидан ўз меъёрида ва жойида фойдаланиш билан бирга, образлар талкиннда, вокеларга муносабатда буюнлай янгича йўл тузди. Натيجاда шоир дostonлардаги анъанавий мавзулар Чингиз Аҳмаров мўйкаламида янгича талкин қилинди. Бизнингча, бу деворий расмларда Алишер Навоийнинг замонамизга ҳамоҳанг ўлмас гоёлари — меҳнат ва мухаббат, тенглик ва адолат тўғрисидаги орузлари Иккинчи жаҳон уришидан кейин вайрон бўлган шакар ва кишлোকларни тиклаётган халқларнинг яратувчилиик фаолиятига муносиб бўлиб кўранади. Гўёки, шоир беш аср муқаддам тарагнум қилган илғор ва тараққийпарвар гоёллар ўзбек рассоми асарларида янгича оҳанг, янги жипо ва сайкал топгандай.

Чингиз Аҳмаров театр деворлагги расм ишлаш жараёнида улўғ шоир асарларининг бир умрлик муҳлиси бўлиб колди ва кейинги фаолиятида ҳам уларга қайта-қайта мурожат қилди. Айни Алишер Навоий асарларига ва унинг даврига бағишланган деворий расмларда ва дастгоҳли асарларида ўша давр улўғ миригатористи устод Камолдин Бехзод ва унинг шогирдлари ижоди тавсири яқкол сезилиб туради.

Театр деворидаги расмлар мамлакатдаги кенг мутахассислар томонидан тан олинмиб, рассом бино меъмори академик А.Шўбусев, наққошлар уста Ширин Муродов, Тошқўлат Арслонқўлов ва бошқалар каторида Давлат мукофотига сазовор деб топилган. Халқин равишда бу ажойиб расмлар ўзбек тасвирий санъати тўғрисидаги кўплаб фундаментал тадқиқотларда ўрганилмоқда, тахлил этилмоқда ва махсуе альбомларда қайта-қайта эълон қилинмоқда.

Алишер Навоий номли адабиёт музейининг катта залдаги шоир шеъриятига бағишланган расмлар ҳам атоқли рассом ижодида (шогирди Тўхтабек Соппов билан бирталикда яратган) алғохда ўрин тутайди. Бу ўнта расм лавҳаларда ўзбек тилида «кўп ва хўб шеър айтоғи» беназир Алишер Навоий шеъриятининг мавзу доираси кенглиги, юксак баъдий савиясини намоиш этадиган ғазалларидан олинган байтлар мазмуни акс

этирилиб, уларда шоир маънавий баъдий олами мазмунан бой, юксак ижод махсули эканлиги ва инсонпарварлик гоғларини тарагнум этилиши яна бир қарра, тасвирий санъат образлари воситасида таъкидланай. Расмларда шоирнинг ажойиб байтлари рассом мўйкаламида янгича ифода ва тавсир кучига эга бўлгандай кўранади.

«Навоий шеърияти» номли расмларда Чингиз Аҳмаров ўтмиш мусавивирларнинг яна бир анъанаси, хаттоғлик ва рассомликнинг ўзаро ҳамкорлигини тиклади. Бу расм лавҳаларда ягона композицион мавзу асосида яратилган бўлмай, муस्ताқил мазмунга эга шеъринг парчаси мазмунини тасвиришга бағишлангандир. Лекин хар бир муस्ताқил лавҳа расмлар қалимий муптоз миннаторе санъати анъаналарига бинван ягона, умумий фонда қилит асардай, катта полотнодай туолади. Қолаверса, уларни умумий баъдий услуб ва шоир шеърияти мазмуни бирлаштириб тургандай. Хар бир лавҳа расм Алишер Навоийнинг энг яхши ва характериғи ғазалларининг матлаъси — биринчи бошланғич баътини мазмунини очиб беришга хизмет қилади. Дид билан танлаб олинган ўнта ғазал бошланиши ҳам шоир шеърияти нафақат кўплити, балки хўблигини ҳам, яъни мазмунан чухурилиғи, бойлиги ва ранг-баранглиги, инсон кечинмаларининг ниҳоятда юксак баъдий савияда куйлай олганидан далолат беради.

Биринчи лавҳа расм ёнидаги ғазал матлаъсида лирик қаҳрамон — махўбўа гўзаллиги куйдагича куйланайди:

*Кўзи ойна қилди кўзуни ул сиймбар хойли,  
Анигдекким, кўёш рўхсориға бўлғай камар хойли.*

Баъдий наставълик хатида битилган бу матлаъ куйироганда ажойиб гўзал ойинаға қараб ўз хусниға махлиё бўлиб, ойина юзни эмас, балки гўзал кўзи ойинани фигаётганидан тавсирланган холатини кўралимиз.

Иккинчи расм лавҳада кўтиш, интизорлик изтиробидан бениҳоят ўртаниб, деярли умлсизликка берилиб, бошини ғамгин холда куйи солган ошик йилит холати моҳирона очиб берилган. Ғамгин ошиқнинг юкорироганда эса мана бу матлаъ битилган:

*Тун оқшом бўлди-ю келмас, менинг шамъ шибдонимни,  
Бу андух ўтидиш хар дам кўяр парвонадек жонимни.*

Лавҳа расмларининг бирдаида шоир қаламға олган сарвиноз чанг торларини чертиб, ўз қайфиятини, рухий холатини мусека оханглари ёрдамида изхор қилмоқда. Гўзал тасвирининг бир оз юкорисида наставълик хатида куйидаги матлаъ ёзилган:

*Ўн саккюз минг оғил ошуби асар бошиндабур,  
На азжобким, сарешоғим ўн саккюз ёшиндабур.*

Яна бир лавҳада ёш лирик қаҳрамон хол-беҳол, истар-истамас дўтор чалиб ўз дардини, ғамини куйламоқда. Унинг юкорироганда куйидаги икки сатр:

*Не наво соз айтаган, бўлди зулистондин жудо,  
Айамис тўти такалдум, шаққаристондин жудо.*

Расмларнинг бошқасида васл боғида учрашувдан маст бўлиб сайр қилиб юрган икки — бахтиёр йилит ва кизни кўралимиз. Расм ёнида улар холатини ифода этувчи шоир орузи:

*Не ҳуш ўйгай ижгон, маст бўйсақ вақт бағида,  
Кўрм бўйса анинг бўйида-у озин кўлогинда.*

Ушбу ажойиб расмлар ва шoir сўзлари бир-бирининг эмпционал ва эстетик завк бериш таъбир кучини янада оширади. Тамошабин беҳос ўзини улўғ шoir яратган афсонавий шеърят боғида сайр қилгандай хис қилади. Бундай таасуротни ушбу залдаги қадимий мўътабар кўлэмалар, ноёб миниатюралар рангли диапозитивлари ва нуҳагалари билан янада жонлантиради. Киши ўз ўзидан гениал шoir ва шoirқалб rassom маҳоратига таҳсин ўқийди. Ҳў, улўғ шoirнинг асрлар оша мусаввирларга кўйган ҳақли талаби:

*- Эй мусаввир дилбаримга сурати монанд қил,  
Кўрмакдир хотирикни гаҳ-гаҳи хурсанд қил!*

Деган сўзларнинг амалга ошганини кўраётгандай туюлади кишига.

Музей зали деворидagi ҳар бир давҳа расм, юқорида қайд этилгандай, алоҳида мустақил мазмунга, мустақил композицион ечимга эга бўлмаса-да, улар ягона манзара фондида ўзаро боғланиб, уйғунлашиб, қатга эпик характер касб этади. Улўғ шoirнинг ажойиб, сермазмун шеърларини ўқиб, нафосатга тўла, жонбадор расмлардан киши завк олади.

Мазкур расмларда Алишер Навоий лирик қаҳрамонларининг ёрқин сиймосини, манавий оламнини, характерини очиб беришда, шеърлар яратилган даврда ижод этган улўғ мусаввир устод Камолдин Беҳзод бошлик атоқли миниатюристлар барҳаёт анъаналари, улар яратган бадиий-эстетик воситалардан театрдagi расмларга нисбатан кўпроқ ва унўмли фойдаланилган. Бу асосан қаҳрамонлар кийим-кечаги, табиат манзарасида, чизикларнинг оҳангдорлигида яққол кўза ташланади. Шунинг билан бирга, расмлардagi қаҳрамон рухий кечинмалари бўлўнги инсон қалбида энг нозик ва эзгу туйғўлар акс садо бераётгандай, бағки улар ўз дарди, орўси, шодлиги расмларда тасвирлагандай кўринади. Ушбу расмлардagi лирик қаҳрамонлар сиймолари ўтмиш миниатюристлари яратган улўғ шoir образларининг тасвирий санъатдagi тадереясини маълўм даражада тўлдиреди, кенгайтиради.

Адабийт музейдagi ана шу деворий расмлар ва замонавий ўзбек тасвирий санъати тараққиётига кўшган қатга хиссаи учун rassom ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўлган эди.

Абу Райҳон Беруний номидagi Шарк кўлэмалари Маркази биносидagi эпик деворий расмлар Чингиз Аҳмаров шoirлардари Тўхтабек Соитов, Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов билан ҳамкорликда яратган барча маҳобатли асарлар ичида кенг кўламлинги, воқеаларга бойлиги, қаҳрамонлар сони кўплиги ва юқсак маҳорат билан яратилганиги билан ажралаиб туради. Уларда ижодкор ҳаёт фалсафаси, тарих яхши ва ёмон воқеалар силсиласидан иборат, доим эзгулик голиб келди. Деган гоғни тасвирлайди. Расмларда ҳам доимий ўзгариш, ривожланиш лавҳалари – тинчлик, инсон ҳаётининг болалик, ёшлик чоғлари, босқинчилик урушлари, яна қайта кўриш, яратиш манзаралари акс этирилган. Ижодкор асосий фикрини, гоғсини бир нечта ҳаётий воқеалар, кўнлаб қаҳрамонлар, кишилар фаолияти орқали кўрсатган. Ушбу деворий расмлар тўғрисидаги

санъатшунос А. Умаров фикрида ҳам улар Шарк миниатюра таъсири, анъаналари маъжўдлиги алоҳида қайд қилинади.<sup>123</sup>

Москвалик санъатшунос В. Н. Докучаева Чингиз Аҳмаровнинг Шарк кўлэмалари Маркази биносидagi деворий расмларда яратган нуруний допишманд мўйсафидлар сиймоларини Фарб Уйғониш даври атоқли намоёндаи Микеланжело тасвирларатган пайғамбарлар образлари билан тенглаштиради.<sup>124</sup> Бу бежиз эмас, албатта.

Шарк кўлэмалари Маркази биносидagi маҳобатли деворий расмларда икки муҳим нарса, бири Буоқ ипак йўлини ўзга хос тарзда тасвирлаш ва Темурийлар даври тараққиётини анъаналарини тиклашта интилиш ҳам яққол сезилиб туради. Расм бошланида келатган қарвон ва ҳаёт ариги бўйлаб юз берган тараққиёт ва таназзул, кейин яна қайта тикланиш даври устод Камолдин Беҳзод янъаналари асосида тасвирлангани, унинг айрим қаҳрамонларини танишимиз мумкинлигида намоён бўлади.

Чингиз Аҳмаровнинг сўнги йилларда яратган лирик маҳобатли асарларидан бири Тошкент метрополитенининг Алишер Навоий номили бекатининг безакларидир. Ушбу масъулияти ишнинг атоқли rassomга топирилиши ҳам унинг улўғ шoir ижодини тасвирий санъатда ифодлашда тўплаган қатга тажриба ва хизматини тан олинини деб тўшўнниш мумкин. Бу асарларни rassom хайкалтарош Аҳмаджон Шоймуродов, тажрибали кулол Аҳмад Аминов, ёш rassomлар Иқром Каюмов, Умар Мамадобоев, Сабдулла Мамагоҳунов ва бошқалар билан ҳамкорликда яратган.

Метро станциясига кираверишда кишини Алишер Навоийнинг нуруний сиймоси қарши олаётгандай. Унинг икки тарафиде, ўнг ва чап томонларда белгидан деворий лавҳаларда шoir шеъряти қаҳрамонлари образлари бўртма расмда акс этирилган. Уларнинг аксарияти бевосита улўғ шoir шеърятидан руҳланиб, илҳомланиб яратилган бўйса, баъзилари умўлмашма образлардир. Бу лирик қаҳрамонлар сиймоси билан танишар экан, киши беихтиёр Алишер Навоий шеърларини эслайди. Мана шoirнинг маҳбўбасини тасвирлашта интилаётган мусаввир. Унга қараб Алишер Навоий:

*Юзидек мумкин эмас, эй мусаввир чеки захматким,  
Кўёи нурун кўйиёи ҳал айласанг ранг ўларси зое.*

Дегандек ёки:

*Мусаввиреки килур кўйи гирдининг рақанин,  
Кўйонэки, кўзга чекай сурми мийдек қиланин.*

Бошқа бир давҳа расмдagi тўзал маҳбўбага қараб, улўғ шoir куйдagi шеърини битган кўринади:

*-Эй кўйеги, яхши икки дўнедиш,  
Бир назар қиша, санга дилдоринг.*

Созанда маҳбўба образи эса Зухро сайёрасининг рамзий сиймосига киёсланаётгандай:

<sup>123</sup> Умаров А. Чингиз Аҳмаров. Ҳаёти ва ижодий йўли ҳақида очерк. Тошкент: Фафур Ғўлом номидagi Адабийт ва санъат нашриёти, 1974, 49-53 бетлар.  
<sup>124</sup> Аҳмаров, Чингиз. Образы Востока. Альбом. Автор текста и составитель В. Н. Докучаева. Москва: «Художник», 1984.

*Эхура йўлида тўзиб наво зер,  
Муҳриблардек бўйиб, миёншир.*

Алишер Навоийнинг шеърियати шунчалик ёрқин образларга бойки, рассомлар улардан энг характерли шеърли парчалар ёхул, бир неча ғазалларда кайта-кайта куйланган умумлашма қахрамонлар сиймоларини яратилган кўринади. Шунинг учун бўлса керак, бир давха расмини кўриб, улут шоирнинг бир неча бир-бирига яқин келадиган ёхуд ўхшайдиган шеърли парчаларни ёд олиш мумкин. Мана, мисол учун кийгос очилган гуллар ва шакъга киёсланган маҳбўба сиймосини олиб кўрайлик. Расмини кўрач, Алишер Навоийнинг:

*Жоши жасонан истаса, қилмоқ тазилу хўб эмас,  
Найласун жон, улки бўйгай, сен киби жасонона хўб.*

Байти асосида яратилган дейиш ҳам мумкин. Ёхул:

*Хусни орнар юзда зўлфин анбарайшон айлагач,  
Шамъ равшинроқ эрур, торин наришон айлагач,*

магълаъни ҳам эслаш мумкин.

Ижодкорлар ҳар бир образ, ҳар бир ашёни яратилар экан, ундан фойдаланишда бевосита улут шоир шеърлигига, ўша даврда ижод этган миннаткористлар асарларида мурожаат қилинган, уларнинг дунёқароши, дидаи, орзу умидлари ва бадийий – эстетик оламғни очништа, улардан ижодий фойдаланишга ҳаракат қилганлари яққол сезилиб туради. Бу айниқса, кийим-кечак тарзи, ашёлар, бино нақшларида ижодкор маълум даражада Алишер Навоий даври руҳини, ўша даврга ҳос хусусиятларни кайта тикилай олганлигига кўринади. Шунинг билан бирга, расмларда замонга руҳи, XX аср нафаси уфғунб туради. Улут шоир лирик қахрамонлари ёрқин сиймолари яратилар экан, рассомлар Алишер Навоий шахсиятиғни ҳам четлаб ўтмаганлар. Чап томондағи шоир сиймоси унинг куйидағи фаҳрийси асосида яратилган деса бўладиг:

*Дедим: Назм ехлиннинг сарҳўйли ким бўйгай? Дедаи ҳошиф:  
Навоий бўйгай, улким, сен тилгайдурсен асгар бўйгай!*

Қизғин ижод билан банд улут шоир сиймосини кўрган одам унинг ўзи тўғрисидағи куйидағи байтини ҳам хотирлайди:

*Меки эглик йил чекиб зам, тоғладим хушвақтлик,  
Тоғламентару умриниғ эмкики ўтмиши хушроҳи.*

Умуман метро станцияси кириш зағидағи улут шоир шеърлиги қахрамонларни сиймолари билан танишиш шўни кўрсатадики, Чинғиз Ахмаров раҳбарлиғидағи ижодкорлар гуруҳи ажойиб образлар анжуманиғни яратганким, бу жойини шеърлият ва нафўсат маскани деб атаса бўлади.

Алишер Навоий дostonлари қахрамонлари тасвирланган бекат асосий зағи афсонавий ер ости каирини эвлатади. Юкорида гулдор тумбазлар, баланд устуғлар, икки томон деворига бўртма расмли нақшинкор гиламлар осилгандай.

Қаср ўртасида эса Алишер Навоий «Хамса» тўпламидағи тўрт дostonлар мазмуғи асосида яратилган бўртма расмлар жойлаштирилган. Улар ҳам гилам услубидағи

нақшинкор композициядан иборат бўлиб, марказий донраларда асосий қахрамонлар сиймолари акс эттирилган. Унг томондағи деворда «Сабъан сайёр» дostonи бош қахрамонлари подшоҳ Баҳром ва Дилором тасвири туширилган. Анъанавий ов лавҳасидан бироз чекинган ҳолда, ижодкорлар уларни эийфат пайти тасвирлаган.

Ёнидағи расмда эса «Садди Искандарий» дostonи қахрамони Искандар унинг бош меймор – муҳандиси. Бош меймор – муҳандис сиймосида ҳам Алишер Навоий портретини эглаувчи характерли юз туғилишини тасвирланган. Бу билан расм ижодкорлари Алишер Навоийнинг ҳам ўз давридағи курлиш, юрт ободончилиғи, бунёдкорлик ишларини яна бир қарра эслагомочи бўлган кўринади.

Чап томондағи деворда «Фарход ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» дostonи қахрамонлари тасвири бор. Назот ариғи биттиши муносабати билан уоштирилган базмда Ширин Фарход шарафига базм уоштириб, унга ибо билан шарбят узатмоқда.

Ёнидағи расмда эса Лайли ва Кайснинг даштдағи учрашуви акс эттирилган. Бу воқеа бошқа расмлардағидан фарқи хаэин оҳангда, гамғин йуғалишда яратилганки, ошик ва маъшука сиймолари кинида ҳамларлик хиссини уйғотади. Шўни таъкидлаш ҳам керакки, бу бўртма расмлардағи ҳар бир қахрамон ўз характерига мос ҳолатда тасвирланган. Масалан, подшоҳ Баҳром халдан эийд ўзинга бино куйган, ўз давлатағи маррўр, Фарход улкан ишларни бажарган камтарин меҳнатқаш халқ қахрамони. Искандар ва бош меймор образларни ҳам Алишер Навоий дostonидағи қахрамонлар характерига мос келди.

Улут шоир дostonлари асосида яратилган бўртма расмларни театр биносидағи деворий расмлар билан киёслаш шўни кўрсатадики, метро қасри ижодкорлари ҳам анъанавий сюжетлардан фойдаланган ҳолда, асосий образлар талкиннида характерларини чуқуррок очништа муваффақ бўлганлар. Шўнинг билан бирга, иккала расмлар туркуми ҳам Ўзбекистон тасвирий санъатидағи навоийшўнослик ҳамда Шарк минниаторлари анъаналаридан фойдаланишда яғни бир босқич деб баҳодалаш мумкин.

Чинғиз Ахмаров ўзи мустақил ва бошқа шогирдлари билан ҳамкорликда кенг қўламли, мураккаб композицион ечимга эга, кўп персонажли монументал деворий расмлар каторида алоҳида, мустақил дастгоҳли рангтаэвир асарларини ҳам қатга маҳорат ва юксак дида билан яратай. Бунга мисол тарикасида «Алишер Навоий мажлисида» номли қатга полотнони, Алишер Навоийнинг «Сабъан сайёр» дostonидағи етти иқлим гузаллари тасвири, етти расмдан иборат «Ракқоса» туркуми, ЎзР ФА Санъатшўнослик илмий талкикоғ институти биноси деворидағи расмларни ва бошқаларни эслагтиш мумкин. Албатта бу расмларда ҳам Шарк минниатора санъати тавсири, унинг анъаналари, хусусан гузал, муқаммал инсон сиймосини яратилдағи рассом орзуси, идеялида намоеён бўлади.

Санъаткор ижодий хусусида фикр юритилганда кўпчилик санъатшўнослар унинг ўтмиш ажлоғлар бадийий меросидан, минниатористлар анъаналаридан баҳраманд бўлганлиғини қайд етадилар. Лекин бу рассом фақат ўтмиш мусаавирлари ютуқлари, анъаналарини айнан қайтарайди, деган гап эмас.

Халқимиз тарихига онд расм яратадиган ҳар бир ижодкор ўтмишини, Шарк минниаторларини ўртаниши, яқини билиш, ўша даврдағи воқеа-ҳолисаларни ўз ижодий услуби, шахсий тамойилларидан келиб чикиб тасвирлайди. Чинғиз Ахмаров ижодида биз кўлдн ана шундай миллий ва жаҳон тасвирий санъати, хусусан минниатористлар анъаналаридан ижодий фойдаланиш жарайни ва уларни XX аср тасвирий санъати талабларидан келиб чикиб тараккий эттиргани шохиди бўламин. Шўнинг учун бўлса керак, унинг асарлари кенг жамоатчилиқ томонидан тан олинган. Унинг тарбиясида санъаткор бўлган ва у билан ижодий ҳамкорлик қилган рассомларни Чинғиз Ахмаров мактаби намоейнашлари дейишга ҳақимиз. Устоз санъаткор ижодидағи асосий етакчи рольлар фақат Ўзбекистон бир қатор етакчи рассомлари Тўхтабек Соипов, Жавлон

Умарбеков, Темур Савдуллаев, Шомахмуд Мухаммаджонов, Марруф Салимов ва бошқалар ижодида эмас, балки қардош Тожикистон ва Озарбайжон ёш rassomлари ижодида ҳам намоён бўлмоқда. Бу эса атоқли rassom ижоди факт Ўзбекистон эмас, балки ундан ташқарида ҳам қатта оёбўта эга эканлигидан тавоҳшиқ беради<sup>125</sup>.

#### Миниатюра санъатинимизни тикшлаб

XX аср 80-йиллар ўзбек тасвирий санъатининг ўсиши ва таракқиётида замонавий изланишлар, ўтмишнинг машҳур ижодкорларининг ютуқларига таниш, уларни ривожлантириш ғоялари яққол сезилди. Бу ривожланишда Европа мумтоз санъати, рус реалист rassomларининг анъаналари, атоқли замонавий ижодкорларнинг тажрибалари ҳамда Шарк мумтоз миниатюра санъати ютуқларидан таъсирланиш ва замонавий изланишлар муҳим аҳамиятга эга. Лекин шу кунгача ўзбек халқининг замонавий тасвирий санъатига Шарк халқларининг умумий, муштарак маданий мероси бўлган бой мумтоз миниатюра санъати анъаналари муносиб жой олмаган.

Вақоланки, бундоқ ўйлаб кўрилса, санъатнинг баъзи соҳаларида, хусусан хозирги ўзбек бадиий адабиётида мумтоз адабиётдаги анъанавий жанрлар – ғазал, рубоий, достон, ўзбек мусикасида – маком, лапар қобилар энг замонавий жанрлар ва турлар қаторида яшаб келмоқда. Улар бутунги халқимизнинг фидокорона меҳнатини қуйлашга, кишилармиз орзу умилларини, хис-хавжонларини, кечинмагларини бадиий шаклда акс эттиришда, замонамиз, давримизни тасаввур қилишда музаффакиятли хизмат этиб, миллий маданиятимизнинг ажралмас қисмига айланган.

Албатта, бутун дунёни ўзининг юксак маҳорати билан дол қолдирган мохир музаввирларнинг жаҳон санъати хазинасига қўшган муносиб дурдоналари бўлиши – Шарк мумтоз миниатюраси анъаналари таъсирини айрим ўзбек rassomлари ижодида, қай бирларининг эса баъзи асарларидагина қисман кўриш мумкин эди.


Марказий Осиё халқлари тасвирий санъати тарихида мумтоз миниатюра ёки қадимги нодир кўлэмаларни зийнатлаш учун яратилган нафис мўъжаз расмлар жуда қатта ўрин тутди. Буни кейинги йилларда санъатшуносларимизнинг олиб борган йирик тадқиқотлари, эълон қилинган қатор рангли альбомлар ҳам яна бир қарра тасдиқлайди.

Шарк миниатюра санъатини ўрганишдаги замонавий Россия олим ва санъатшунослар Б.В.Веймарн, Г.А.Пугаченкова, С.И.Толъев, О.Ф.Акимовский, А.А.Иванов, О.И.Галеркина, Н.В.Дьяконова, Т.В.Грек ва бошқалар 1960-1970-йиллари давомида самарали ва салмоқли натижаларга эришдилар. Жумладан, Санкт-Петербургдаги Россия Миллий кутубхонаси, Давлат Эрмитаж, Шаркшунослик институти Санкт-Петербурги бўлими, Москвадаги Шарк халқлари санъати музейларидаги институти Санкт-Петербурги бўлими, Москвадаги Шарк халқлари санъати музейларида Шарк мумтоз миниатюра санъатининг энг нодир ва ноёб намуналарини альбом ҳолида чоп эттирдилар. Улуғ шоир ва мутафаккирлар Абдулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Захриддин Бобур асарларининг мўътабар кўлэмаларига ишланган нафис мўъжаз расмларнинг ажойиб намуналарини юксак мартаба савиясида рангли альбом сифатида эълон қилиниб, кенг жамоатчилик, барча гўзаллик, нафосат мухлисларига маънавий мулкига айлантирилди.


Етмишинчи йилларда, хусусан улуг ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий туғилган кунга 525 йил тўлишини нишонлаш муносабати билан яратилган асарият тасвирий санъат асарларидан ташқари, rassomлар Тўхтабек Соипов, Жавлон Умарбеков, Иван Кириакиди, Темур Савдуллаев, Абдубоки Фуломов, Темурголиб Жамолқидинов ва




59. Халқ санъатчи ва каллиграфсимон Қўшлар  
Б. М. 393 а. в.




60. Сув хайвонотири селісир ва суи Ғўштиш.  
Рассоси Сафш. Б. М. 394 а. в.




61. Хайвонотири мевали дарахтиари.  
М. С. М.



62. Кашир ва китора Ҷададу.  
Расмони Иброҳим Насромӣ. Ҳ. М. 407 6 н.



63. Ботур кӯл ӯрғасатан суғара Нуҷоини Бахронии Ҷуғайронӣ.  
Расмони Иброҳим Насромӣ. Ҳ. М. 459 н.



бошқалар ижодида ҳам мумтоз миниатюра санъати анъаналарига мувожаат қилиш сезирарли даражада қучайган эди.

Безакчи рассом Михаил Воронский бир неча йиллар давомида Алишер Навоий номли Давлат Адабиёт музейи, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи, Андижон адабиёт музейлари учун кўплаб нолир миниатюраларни икки баробар ва ундан ҳам катталаштириб эгизак нусхаларини яратди, ўзича Мавлоно Лутфий, Мирзо Бедил портретларини ижод қилди ҳамда машхур кўлог Мухитдин Рахимов билан бирга миниатюраларни сополга ўтказиш бўйича ҳамкорликда тажрибалар олиб борди. Бора-бора рассом ўзи ҳам мустақил Шарк мумтоз миниатюраси ва китобат нақшларидан келиб чиқиб, мустақил нақшлар ҳамда миниатюралар ярата бошлади. М.Воронский асарлари айнан миниатюранинг ўзи эмас, аммо улар Шарк мумтоз миниатюра санъати, устод Камолдин Бехзод ва ўтмиш мусаввирлар ижодини тарғиб қилишда жуда катта маврифий роль ўйнамоқда.

Гарчи Шарк мумтоз миниатюра санъати тараққиёти нотўғларини ижодий ўлаштириш жараёни аллақачон бошланган бўлса-да, хозирги ўзбек тасвирий санъатига бу масала бутунлай ҳал қилинган дейиш қийин. Хусусан, ўзбек рассомлари олдида ҳалқимиз тарихи, адабиёти ва маданияти тараққиётини бутунли қун нуқтаи назаридан тасвирий санъат асарларида ёритишда катор ижодий муаммолар мавжуд. Бу ҳам бўлса, ҳалқимиз тарихи, адабиёти ва маданияти тараққиётини илқ манбалардан кенг ва пухта ўрганиб, замонавий тасвирий санъатнинг юксак талабларига тўла жавоб бера оладиган муносиб асарларда акс эттиришидир. Мана шундай муҳим муаммони ечишга дадил қиритган умидли ёш рассомлардан бири Шомахмуд Мухаммаджоновдир.

Асарият рассомлар Шарк мумтоз миниатюра рангтасвир санъатидан бёзак сифат шаклларнинг ўта ихчамлигига, тарҳнинг хос хусусиятларини, ҳар бир деталнинг аниқлиги, соф ва ёрқин рангларнинг ажойиб гармонияси, кўтаринки руҳияти образлар силсиласи, бағдий услубини ўзлаштиришга ҳаракат қилган бўлсалар, Ш.Мухаммаджонов эса, ўтмиш мусаввирларнинг нафис мўъжаз расм яратиш жараёнини айнан қайта тиклашга ҳаракат қилди ва бу соҳада муваффақиятли ижод қилмоқда. Ўй-ўйлақай у атоқли миниатюристилар маҳорат сирларини ҳам синчковлик билан ўрганиб бормоқда. Натижанда, Ўзбекистонда Шомахмуддай Шарк мумтоз миниатюра мактаблари тарихи ва услубини яхши билган ва пухта ўлаштирган бошқа миниатюрист - рассомни топиш амри маҳол.

Ш.Мухаммаджоновнинг Шарк мумтоз миниатюрасини яратиш жараёнини айнан қайта тиклашда унга озарбайжонлик йприк санъатшунос олим, профессор Одил Юсуф ўгли Қозиевнинг «Ўрта аср кўлёмаларининг бағдий-техник материаллари» (Боку, 1966, рус тилида) китоби жуда катта ёрдам берди. Чунки, озарбайжон олими ўз тадқиқотида миниатюрачи рассомларнинг расм яратиш жараёнини кўплаб шарк кўлёмаларидати маълумотлар асосида ўрганиб чиққан эди. Шундай бўлса-да, мазкур китобда баён этилган ўтмиш санъаткорларнинг расм яратиш жараёни сирларини амалда синаб кўриш керак эди. Худди шу мақсадда рассом мустақил форс ва араб тилларини ўрганишга қиритди, Шарк миниатюра расм санъатига оид кўплаб тадқиқотлар, мақодаларни мўтоғла қилди, альбомларда чоп этилган ва асл нусха нафис мўъжаз расм намуналарини синчиклаб кўздан кечирди, ўрганди. Ниҳоят, у қалмиги мусаввирлар мўйқалами ноизкилгитга, рангларнинг софлиги ва ёрқинлигига ҳамда бўёк ва қогоз тайёрлаш сирларини эглаб, катта муваффақиятларга эришди. У хозир Рассомлар уюшмаси авзоси, кўплаб асарлари мамлакатимиз ва чет элларда намойиш этилган, унинг асарларини тўққиз мамлакат, шунингдек Америка Қўшма Штатлари ва Япония санъат ихлосмандлари сотиб олган, ижоди ва асарлари тўғрисидаги маълумотлар республика газета ва журналларида, чет эл матбуоти «Россия халқ амалий бёзак санъати» (1985, 11) журналда ҳам эълон қилинди.

Шомахмуд расм чизишта жуда эрта кизикди. Бола характердаги сехрли ва ажойиб санъат сирларини етлашга катта иштиёк уйғонди. Илк машқлари бажариб юрган пайтларида унинг кўлига «Жомий асарларига ишланган расмлар» номли миниаторлар альбоми тушиб колди-ю. Шомахмуд бир умрга ўтмишнинг атоқли мусаввирлари ажойиб ишларининг мафтۇни бўлиб колди.

Миниатюра расм санъатининг энг яхши намуналарига бўлган кизиккиш ўн уч яшар рассомни, ўша вақтда яъни 1968 йили янги ташкил қилинган Алишер Навоий номли Давлат Адабиёт музейи залларига қўйилган миниатюра расмлари нуسخалари ва диа-позитивларини яндада чуқурроқ ўрганишга ундади. Шомахмуд бўш вақт топлди дегунча Адабиёт музейига келиб, соатлаб миниаторчаилар маҳоратининг бетакрор сирларини қайта-қайта синчиклаб ўрганад эди.

Рассом Республика Рассомлик билим юртини муваффақиятли тутатар экан, диплом иши сифатида кўлғезма китоб яратиш жараёнини акс эттирувчи тўртта миниатюра расм ижод этди ва устозлари олқишига сазовор бўлди. Шомахмуднинг миниатюра санъатини айнан қайта тиклашга бўлган уринишларини кўрган малакали рассом М.Ворожский ҳам гоётда хайратда эди. Чунки бу рассом қайта кўчирган миниаторларнинг эғизак нуسخалари Тарих ва Адабиёт музейи залларида тамошабинларга эстетик завқ бағишлаб келатганига карамасдан, у миниаторларни айнан ўйчамда такрорлай олмаган эди. Балки у расмларни икки уч баробар катталаштириб, сувбўёқ технологияси асосида тиклар эди. Миниаторлардан айнан нуسخа кўчирши, уларни қайтариш мумкин эмаслигини Россиянинг энг малакали мулажжист — эғизак нуسخа яратувчилари ҳам тан олган эдилар. Жумладан, марҳум профессор Ҳамид Сулаймон Алишер Навоий номли Давлат Адабиёт музейи учун янги экспонатларни яратиш мақсадлида, Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги энг машхур мулажжист — эғизак нуسخа яратувчиларини йиғиб, Россия Миллий кутубхонасида сакланаётган нодир миниаторлар эғизак нуسخаларини хар қандай кўп маблаг эвазига бўлса ҳам тейёрлаб беришларини илтимос қилганда, улар бундай иш қаршисида ожиз экинликларини тан олган эдилар.

Ёш рассом Шомахмуд биринчи муваффақиятта жуда эрта эришди. У 1972 йили Чехословакия пойтахти Прага шаҳридаги ёшлар кўرғазмасига жўнатган, халқимизнинг мўғул ёскинчиларига қарши олиб борган озоғлик учун қурашини акс эттирувчи икки расми учун ўша кўрғазманинг биринчи даражали дипломи билан тақдирланди.

Билим юртини рантасавир бўлимини битирган Шомахмуд Армия сафида хизмат қилди, аввал «Совгала» фабрикасида ва кейинча Рассомлар уюшмаси қошидаги «Усто» бирлашмасида ижод билан банд бўлди. У 1982 йилдан бугун Абу Райхон Беруний номли Шарк кўлғезмалари Марказида таъмирчи рассом-миниаторист бўлиб ишламоқда. Кўлғезма китоб яратиш жараёнини пухта ўлаштириш бўйича ижодий изланмоқда.

Ш.Мухаммаджоновнинг ноёб қобилиятини биринчи бўлиб пайкаб, унга хомийлик қилган киши профессор Ҳамид Сулаймон эди. Унинг маслаҳатига биноан ёш рассом атоқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Кодирийнинг машхур «Меҳробдан чаён» романига ишланган ўнгла расм — лавҳалари мутахассислар томонидан маъқул топилди, Алишер Навоий номли Давлат Адабиёт музейига қабул қилинган ва ўша ерда сакланмоқда. Бу расмларда XIX аср охиридаги ўзбек хонадонига хос ҳусусиятлар ёркин акс эттирилган. Қолаверса, уларда Шарк мумтоз миниатюрасига хос эпиклик ва кўп планлилик, хар бир детални аниқ тасвирлаш, образлар силсиласининг яқкоқ тазсири сезиладди.

Ижодининг бошларида (1976-1981) «Совгала» фабрикасида ижод қилган рассом бир тўрух ўз тенглошлари Марруф Салимов, Қобил Орифжонов, Миржамол Алиммухаммедов, Абдулгани Султонов, Ориф Аъзамхўжаев ва бошқаларни ҳам Шарк мумтоз миниатюра санъати сирларини ўрганишга жаоб қилиб, ўзининг бу соҳада эришган муваффақиятлари билан ўртоқлашди, уларга етакчилиқ, раҳбарлик қилди. Бу жамоа

томонидан яратилган кўплаб совгала Шарк мумтоз миниатюраси услубида безатишган бевосита ишлаб чиқаришга талбик этилган, энг яхши намуналари турли конкурс ва кўрғазмаларнинг дипломлари ва мукофотлари билан тақдирланган эди.

Шомахмуд асарларида Шарк мумтоз миниатюра санъатининг энг яхши бадиий ҳусусиятлари — табиатни бир оз иделлаштириб, ёркин ва соф ранглارнинг ўзаро уйғунлиги, баъзан эса кескин карама-қарши қўйилиши, жуда нозик, нафис, аммо мохир ҳаттоларнинг ёзувни эста солувчи текис ва раван чизиклар, тарҳининг оригиналлиги, ихчам сатҳда жуда аниқлик билан яратилган шакллар, танланган мавзу мохиятини қунт ва юксак маҳорат билан очиб бериш мавжуд.

Рассомнинг бир тўрукм асарлари «Ўзбекистон санъати» журналининг 1980 йил 5-сонид ва «Ўлистон» журналининг 1981 йил 12-сонида чоғ қилинган бўлиб, бир неча йиллар давомида, бир неча услубда яратилган асарларидир. Бу миниаторларнинг энг муваффақиятли чиккани ҳеч қандай мактовга муҳтож эмас. Образларнинг кўтаринки руҳда иделлаштириб тасвирлаш, нафис чизиклар назоқати, сюжетнинг очиб берилиши, ёркин ранглар тармонияси — бу миниаторларнинг истевлолли санъаткор томонидан яратилганини билдиради. Шомахмуд мўйқаламида ўтмиш устод мусаввирларнинг кўҳна ва декрли унутилган буюкларига янги ҳаёт, янги ўзгача жило бахш этилди. Унинг расмлари тамошабин қалбига бевосита йўл топа оладиган нафис тасвирий санъат намуналаридир. Бирок унинг барча асарларининг бир хил юксак бадиий савияда яратилган дейиш қийин. Баъзи лавҳа расмлар ҳали илк ижодий изланишлар натижаси бўлгани учун, бахли ўринлар, маромига етмаган образлар учраши табиий. Энг муҳими, бизнингча, бу асарлар тамошабинни бефарк қолдирмайди. Улар ёш рассомнинг катта ижодий йўл бўёғасида туранглигидан далолат беради.

Шомахмуднинг асарлар асарлари ўтмиш бадиий адабиётдаги турли сюжетлардан ёки тарихий асарлардаги турли воқеалар баёнидан таъсирланиб, илкюмданиб яратилганлиги сабабни бутунги қун тамошабинининг бу миниатюра сюжетини тўла тушуниши учун қисқатгина изоҳ ёки шарк талаб қилيناди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Шомахмуд биринчи бўлиб, ўзбек рассомлари нинда Махмуд Кошғарийнинг «Девону лувотит турк» асарига мурожаат қилди. Муаллифининг портретини ҳамда улбу асардаги қадимги халқ кўшиқлари ва афсоналари асосида икки тўрукм лавҳа расмлар яратди. Биринчи тўрукм Махмуд Кошғарий портрети ва саккиз миниатюрадан иборат бўлиб, уларнинг олтита «Ёшлик» журналининг 1982 йили 7-сони саҳифаларида эълон қилинди. Бу миниаторларни яратилди ёш мусаввир бадиий услуб ва ранг танлашда қадимги миниатюра ёки тасвирий санъат услубини эмас, балки халқчилик гоёси гоёт қучайган XIX аср миниаторлар услубидан келиб чикиб ижод қилди, хар бир расмда асар учун танланган кўшиқ руҳини акс эттиришга интилли.

Махмуд Кошғарий портрети ва «Девону лувотит турк» асардаги қадимги халқ кўшиқларига ишланган расмлар биринчи тўрукмни ташкил қилганликлари учун ҳам, уларнинг ҳаммаси бир, яҳлит бадиий услубда яратилган. Бу асосан табиат, кишилар, жониворлар тасвири талқинида, чизиклар нозиклигида, рангларни танлашда яқкоқ қўзга ташланади.

Шомахмуд кейинча яна Махмуд Кошғарий асарига қайта мурожаат қилиб, ундаги ўнгла ёққан мавзуларни танлаб, кирк саҳифали кўлғезма китоб яратди. Унда ўн етти миниатюра бўлиб, халқ кўшиқлари эски ёзув услубида рассом томонидан қўлда ёзиб чиқилган эди. Мана шу расмлардан иккитаси «Шарк юлдизи» журналининг 1985 йил 9-сонида эълон қилинди. Кўлғезма китобни эса Америка Қўшма Штатларидан келган фирмаларнинг бири томонидан олиб кетилди. Ундаги миниатюраларда рассомнинг чексиз фантазияси, ёркин истевлолдан ташқари, унинг ҳам этнограф, ҳам тарихчи сифатида олиб борган ижодий ва илмий изланишлари самараси ҳам намойён бўлган.



Расом таъриби сифатида «Қадири ва Димица» асаридати кўнгилчан ўғри тўғридаги киссани ҳам маҳсус кўлэма китоб килиб яратди. Бу кўлэма расмларда санъаткор асосан XV аср иккинчи ярми Хирот миниатюра мактаби услубидан тавсирлангани сезилди.

Шунга алоҳида таъкидлаш мумкинки, Шомахмуд «Усто» бирлашмасида ижод қилган 1981-1985 йиллари икки кўлэма китобдан ташқари биргина Абдулқосим Фирдавсийнинг «Шохнома» достонига уч юзга яқин лоқли миниатюралар билан безатилган кўтиларни ҳам яратди, яъни жуда сермахсул ижод қилди. Шунинг билан бирга баъзи тенгдошлари ва ҳамкасблари билан ўзи билган Шарк мумтоз миниатюра санъати сирларини ўртоқлашди.

1981 йили Ўзбекистон Расомлар уюшмаси қошидаги халқ санъати «Усто» бирлашмасининг миниатюра гуруҳи ташқил этилиши маданий хатимизда катта воқеа бўлган эди. Ўтган давр ичида бу ерға катор расомлар жамланиб, улар ўзлариға мумтоз миниатюра санъатимизни тиклашни ва замонавий миниатюраға асос солишни асосий мақсад қилиб олган эдилар. Ушбу миниатюристлар гуруҳи ижодий изланиш, шаклланиш ва тикланиш жараёнини бошдан кечирмокдалар. Бирлашмага келган катор расомлар ўз истеъдодини миниатюра санъати соҳасида синиб кўрмокдалар.

«Усто» бирлашмаси тарқибиди миниатюристлар гуруҳининг пайдо бўлишини кент жамоатчилиқ қизгин қўлиб олди. Россиянинг пелехлик миниатюристлари ёрдам қўлини чўзишға тайёр эканлиқларини билдирдилар, амалда ҳам ўзбек биродарларига ҳар томонлама ёрдам бериб келмокдалар. Мумтоз миниатюра санъатини қайта тикланаётгани, ёш расомларимизнинг бу соҳадаги характери тўғрисида мақолалар республика газета ва журналларида ёритилди, илк ижод намуналарини эълон қилдилар.

Бирлашмада ижод қилаётган серкира истеъдод соҳибй Ниёзали Холматовнинг миниатюра санъатини қайта тиклаш борасидаги фидойиллиги алоҳида таҳсинға лоқик. У лоқли миниатюра санъати асосларини машхур рус миниатюра усталаридан ўрганиб, кейинча Тошкентта келиб, ушбу санъатни қайта тиклаш борасида жонқуярлик қилди. Янги миниатюристлар гуруҳи ташқил этилганда Ниёзали ушбу санъат сирларини бошқа расомларға ўрлатди. Унинг аксар миниатюраларида, жумладан «Али Бобо ва қирк қароқчи» эртанига ишланган ёки «Ов» миниатюралари ижодкор расмининг бадий услуби, рангларнинг танланиши, кейин-кечак тарзида Шарк XVI аср мумтоз миниатюра анъаналаридан келиб чиқиб ижод қилгани маълум бўлади.

Умидли ижодкор Файрат Қамолов гарчи Тошкентдаги театр ва расомлик институтининг рангтасвир бўлимини тугатган бўлса-да, кейинча миниатюра санъати сирларини ўрганишға астойдил қиршилди. Хозирғача Файрат томондан яратилган миниатюралари кўздан кечирриш шундан далолат берадики, бу ижодкор нафис мўъжаз расмларни яратишда ўзинга хос бадий услуб қилдирумюкда. Лекин ижодий изланишларида у ҳам Шарк XVI аср мумтоз миниатюра анъаналаридан келиб чиқиб, унинг анъаналарини янада ривожлантиришға ҳаракат қилмокда.

«Усто» бирлашмасида бир гуруҳ расома қизлар ҳам миниатюра санъатини ўрганишға қиршиб, улар ҳам ижодий изланиш билан банд бўлганлар. Булар Зулфия Шамсиева, Мунира Сотиболдиева, Бўрихоқ Бўронова, Дилбар Йминова бўлиб, улар ҳам йигилар каторида ўз ижодий услубларини қилдирриш билан банд.

Ўзинга хос расом Хуршид Назиров ҳам Республика расомлик билим юртинин битириб келиб, «Усто» бирлашмасидаги миниатюристларға кўшилди ва бу соҳада самарали ижод қилмокда. У нафис мўъжаз расм сирларини Ниёзали Холматов ва Шомахмуд Муҳаммаджоновдан ўрганиб, ишқутичаларни лоқли миниатюра билан безаш, қоғозда алоҳида миниатюра яратиш бўйича ижодий изланиш олиб бормокда. Расомнинг асарларини кўздан кечирриш унинг Шарк нафис мўъжаз расм санъати асосий услубидан яхши хабардор эканлиғидан гўвоҳлик беради. Унинг миниатюраларида XV аср Хирот ва

XVI аср Бухоро мумтоз миниатюра мактаблари анъаналариға хос хусусиятлар тавсири кўрга ташланади.

Замонавий миниатюристлар сафида ижод қилаётган Мирхамид Собиров, Алишер Идродиев, Интизом Асқаралиев, Валентин Луговской ҳамда Республика расомлик билим юртида Владимир Ан раҳбарлиғида таълим олаётган миниатюристлар гуруҳи мавжудлиғи бу соҳанинг келажғи порлоқ эканлиғидан далолат беради.

Ч.Ахмаров билан ҳаммуаллифлиқда.

#### Нақш назокати

Ўзбек тасвирий ва амалий санъатида нақш муҳим ўрин тутиши маълум. Нақшлар энг қадимий санъат ва маданий хат ёдрорлиқлари, халқ амалий санъати намуналари, ноёб мейморчилик обиделарига ўзинга хос тўзаллик бахш этиши билан бирга хатдаги амалий вазифасидан келиб чиқиб, санъаткорнинг бадий-эстетик диди, маҳорати ва характеридаги ҳам белгилаб беради.

Халқимизнинг кўп асрлик тасвирий санъати тарихидан гўвоҳлик берувчи, бир неча асрлар давомида юртимиз маданият марказларида турли уста санъаткорлар томонидан яратилган халқ амалий санъати буюмлари, зарғарлик намуналари хозирги кунда тарих, маданият ва санъат музейлариға жамланган бўлиб, ҳамон улар томошабинларға олам-олам эстетик завқ бағтишлаб турибди.

Халқимиз тарихида яратилган ажойиб нақш намуналари фақатгина ёдрорлиқлар мулки сифатида сақланиб қолмасдан, бугунги кунда ҳам ўзбек нақош, расом, меймор ва турли касб-хўнар эгалари томонидан чуқур ўрганилиб, янада ривожлантирилмокда. Уста Ширин Муродов, уста Тошпўлат Аслонқулов, уста Қодиржон Хайдаров, чолту асбоблари устаси Усмон Зуфаров ва бошқаларнинг ўзбек нақш санъати тараккиётигаги хизмати бебақодир. Бу атоқли санъаткорларнинг ижодий тажрибалари катор истеъдодли ижодкорлар томонидан муваффақиятли давом этирилмокда. Бу соҳаларнинг бўлгуси мутахассислари эса маҳсус бадий билим юртлиарида таҳсил олмокда.

Қадимги нақошлик бадий анъаналаридан кейинчалиқ бунёд этилган ажойиб мейморчилик намуналари бўлиши Алишер Навоий номидаги Катта Академик опера ва балет театри, Тарих музейи, Цирк ва бошқа катор маъмурий биноларнинг безакларида ўринли фойдаланилган. Айниқса, Тошкент метрополитени безаклари нақшлари ҳам томошабинни хайратта солади, киши беихтиёр кўли тул усталар санъатига таҳсин ўқийди. Бугунги кунда чинни ва сопол буюмларида ҳам миллий нақш анъаналари муваффақиятли ривожлантирилмокда. Мисол сифатида Тошкент чинни заводининг ҳаммага манзур ва мақбул нақшин пиёла, чойнак, латган, гүлдонлар ва бошқа махсуслотларини эслатиб ўтиш ўринлидир.

Қадимда мўътабар кўлэма ижодкорлари ҳам ўз асарларини ажойиб нақшлар билан безатдилар. Шунинг учун нодир кўлэмалар бугунги кунда ноёб санъат асарлари сифатида юксак баҳоланади. Тарихчилардан Зайниддин Восифийнинг ёзишича, шоир Қотибийнинг миниатюра ва нақшлар билан безатилган куллиёт китобининг нарҳи катта бир шаҳарнинг бир йиллик солиғига тенг деб баҳоланган. Умуман, ўрта аср Шарк нодир кўлэмалари бир неча хўнар эгалари - муқовасоз, хатот ва нақошларнинг заҳматли меҳнати натижасида юксак санъат намунасиға айлантилган.

Тошбосма китоб, сўнпроқ эса хозирға матба технологияси кашф этилиши билан китоб безати ишларида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Авваллари кўлэма китоб йиллар давомида ягона нуسخада яратилса, эндиликда замонавий дастгоҳлар ёрдамида қисқа вақт ичида кўпдаб нуسخадаги нашрларни чоп этиш мумкин. Замонавий дастгоҳлар талабларидан келиб чиқиб, қадимий китобат санъати анъаналарини янги китоб

безакларига мослаб кайта шакллантириш республикамиз рассомларининг биринчи авлоди зиммасига тушди. Бу соҳада энг муваффақиятли ва узок вақт давомида баракали ижод қилган Ҳузбекистон халқ рассоми Искандар Икромовдир. Бу нозик таъб санъаткор китоб безакларини яратиш бобига ҳос бадиний мактабга асос солди. Унинг ижодий анъаналарини талантиш рассом Тельман Мухаммедов ҳажвий йўналишида ривожлантирди.

Хозирги кунда <sup>126</sup> кўпгаб ёш китоб графикаси рассомлари ўз ижодларида қадимги муътабар кўлэмалар нақшларига мурожаат қилиш, хусусан, миниатюра услубига эргашди. Искандар Икромов ва Тельман Мухаммедов ижодий анъаналарини ривожлантиришга интилиш фояси тобора кенгайиб бормоқда. Бу Абдулоки Ғуломов, Темур Саъдуллаев, Флорида Ғамбарова, Темурғолиб Жамолдидинов ва бошқалар ижодий изланишларида яққол намён бўлмоқда.

Шуниси алоҳида диққатга сазоворки, мосқаллик китоб рассомлари В.Г. Ганкошкин ва А.Н. Коняев безаган «Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар» (Тошкент: «Фан», 1982), «Амир Хусрав асарларига ишланган расмлар» (Тошкент: «Фан», 1983) ва «Низомий «Ҳамса»сига ишланган расмлар» (Тошкент: «Фан», 1985) номли ажойиб альбомларни яратишда қадимий кўлэмалардаги анъанавий нақшлари — шамс, турунж, сарлавҳа, унвон, муқова нақши ва лаҳзалардан жуда ўринли фойдаланганлар.

Ўз ижодига ўтмиш, қадимий китобат санъати тажрибаларини ўрганиш ва қайта ишлаш асосида бадиний услуб килдираётган қобилиятли ва истеъдодли ёш санъаткорлардан бири наққош Маруф Салимовдир. Агар биз ўз ижодига миниатюра расм санъати анъаналарини давом эттираётган қатор ёш рассомлар номларини қайд этишимиз мумкин бўлса, китоб нақши соҳасида қадимий наққошлар анъаналарини ривожлантиришда Маруф Салимов Ҳузбекистон халқ рассоми Искандар Икромовдан сўнг ягона ижодкордир. Хозир бу соҳада унинг янги излошлари ҳам пайдо бўлмоқда. Жумладан, нозиктаъб наққош Интизом Асқархोजаев муваффақиятли ижодий изланиш олиб бормоқда.

Искандар Икромов ўз ижодига ўтмиш китоб нақшларини асосан бир рангта ёки бир тонда қайтариб, хозирги мата жазаёни савиясини ҳисобга олган ҳолда ижодий фойдаланишга интилган бўлса, ёш наққош Маруф Салимов эса нодир кўлэмаларнинг ажойиб зийнатларини тўла, айнан, бир неча анъанавий ранглар воситасида қайта тиклашга, уларни бутунги кун бадиний-эстетик талабларига мос келадиган қилиб ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда. У атоқли рассом ва наққошлар меросини пухта ўрганишга қаттиқ бел боғлаб, ҳаттоликки ҳам машқ қилмоқда, араб ва форс тилларини мутола қилмоқда. Наққошлик асосларини махсус бадиний билим юртида ўзлаштирган Маруф Салимов ўз малақаси ва маҳоратини ошириш мақсадида мумтоз ўзбек китобат санъати тарихини нодир кўлэмаларнинг асл нухсалари асосида ўрганишга киришган. Ёш санъаткорнинг илк жиддий изланишлари самараси сифатида яратилган алоҳида давҳа нақш ва Алишер Навоийнинг «Ҳамса» асарига мўлжалланган шамс, зарварак, сарлавҳа ва хотима нақшлари намуналари «Ҳузбекистон санъати» журналининг 1982 йил 2-сонида эълон қилинган эди. Ушбу асарлар ёш наққошнинг нозик таъби, ўткир дида, янги нақш яратишдаги салоҳияти ва бу заҳматгалаб сеҳрли санъатнинг фидойийси эканлигидан тубоҳлик беради. Унинг бу асарлари 1981 йили ўтказилган, тенал санъаткор устод Камолдидин Бехзод туғилганига 525 йил тўлиши — нобилейини нишонлаш муносабати билан уюштирилган кўргазмада талабчан мутахассислар олқишига сазовор бўлган эди. М. Салимов бундай ижодий, муваффақиятта бирданига эришгани йўқ, албатта.

Бўлгуси наққош М. Салимов 1954 йили Тошкент шаҳрида туғилган. У мактабда ўқиш даврида расм чизиш, наққошлиқка кизиқиб қолди ва 8-синфини битириб, Республика бадиний билим юртининг наққошлик бўлимида Ҳузбекистонда хизмат кўрсатган санъат урбоби Тоир Тўхтаҳужаев ва Ҳузбекистон халқ рассоми Жаали Ҳакимовдан нақш санъатини ўрганади.

Ўз ижодини 1977 йили «Совғалар» фабрикасида, миниатюрист Ш. Мухаммаджонов билан ҳамкорликда бошлаган М. Салимов 1981 йили қадимий кўлэмаларни, улардаги нақш ва расмларни янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида Шарк кўлэмалар Марказининг таъмир лабораториясида ишлаш бошлади. Уларнинг кўлэмаларни таъмир қилиш бобидagi ишлари яқинда Илмий кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, ёш санъаткорларнинг ишига қатта баҳо берилди.

Кейинча у Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университетига олий маълумотни олди.

Юқорида эслатилган нақшлар М. Салимов томонидан Шарк кўлэмалар Марказида яратилган бўлиб, уларда қадимий китобат нақшнинг энг характерли хусусиятлари, анъанавий ранглар, шакллар, гуллар тасвири ҳамда нақш ва бадиний ҳуснихатнинг ўзаро боғлиқлиги сезилиб туради. Хусусан шамс безагидagi доираларда Алишер Навоий ва унинг беш достони номлари учун жой қолдирилган. Зарваракда асар номи, матн парчаси учун ҳам ўрин ажратилган.

1983 йили М. Салимов Тошкент шаҳри тарихига бағилланган иккита нақш композициясини ижод қилди. Биринчи нақш «Тошкент — Шарк машъали» деб номланиб, у анъанавий шамс нақши тарзида талқин қилинган. Нақш асосини марказий доира талқин қилиб, унинг ичига шахарнинг тўрт қадимий номлари — Чоқ, Шош, Бинокант ва Тошкент мумтоз ўзбек тили, араб алифбосида битилган. Марказий доира чизигига нақш номи «Тошкент — Шарк машъали» сўзлари ёзилган. Хошиядаги ўн олти қарра ёки нур хар томонга таралатгандай таассурот қолдиради. Саккиз нур асосидаги нақш марказига шахар номи ўзбек, рус, инглиз, немис ва бошқа шарк ва тарб тилларида ҳам ёзиб чиқилган. Бу билан наққош Тошкент шаҳрининг халқаро аҳамиятини нақш ва турли тиллардаги ёзувлар асосида тавқидамаски кўринади. Бу нақш наққош туғрисидаги илк мақола билан «Ҳузбекистон санъати» журналининг 1983 йил 2-сонида чоп қилинган эди.

Иккинчи нақш «Тошкент — Ҳузбекистон пойтахти» деб аталган. У ҳам анъанавий шамс нақши тарзида тасвирланиб, унинг асосини иккита қичик ва катта доиралар талқин этади. Биринчи марказий қичик доирага ўша даврдаги давлат серби, байроғи ҳамда Тошкент шаҳрининг тўрт қадимий номи жойлаштирилган. Иккада доирани бирлаштириувчи чизиклар орасига нақш номи ўзбек ва ўша давр талабига бинсоан рус тилида ҳам битилган. Иккинчи катта доирада Ҳузбекистоннинг ўша даврда Марказ томонидан олий мукофотлари бешта орденлар тасвири туширилган. Бу доира четидagi чизик ичида Корякалпоғистон ва яна ўн битта вилоятлар номлари ёзилган. Бу нақш четлари ҳам анъанавий қуёш нурни рамзи бўлган тўтти чизиклар билан туталганadi. Бу ноёб нақш санъати намунаси «Ҳузбекистон санъати» журналининг 10-сонида эълон қилинган.

М. Салимовнинг Тошкент шаҳри тарихига бағилланган иккада нақши Ҳузбекистон Давлат тарих музейига қабул қилиниб, ўша ерда сақланмоқда.

Ёш наққошнинг кейинги ижодий изланишлари натижаси сифатида унинг миниатюрист Ш. Мухаммаджонов билан биргаликда мумтоз кўлэма безағи бўлмиш абри ёки абри баҳор номи тулқотозни тайёрлаш жараёнини тиклашга муваффақ бўлганини махсус қайд қилса бўлади. Ушбу жараённи тиклаганлар фаолияти ихтиро деб тан олинди.

<sup>126</sup> Бу мақола 1989 йили қайта ишланган.

Хозирги кунда ёш наққош Маръуф Салимов ўзи тўлган бой билимини замонавий китоблар нақшларини ижод қилишда намойиш этмоқда. Биз унинг захматли ижод иўлида муваффақиятларга эришишига тилакдошимиз.<sup>127</sup>

Умуман, М. Салимов яратган ажойиб китоб нақшлари, наشريётларда босилиб чиқаятган аксарияти даст савияда безатилган китоблар (танловлар натижасида яратилган китоблар бундан мустасно) билан киёслганда муаллифлик ишларининг аъло даражада эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Шу ўринда И.Икромовнинг ижодий тажриблари китоб расомларининг аксарияти эътиборидан тушиб қолаётганиги факатгина таассуфга лойиқ.

Биз ёш китоб наққоши Маръуфжон Салимовга ижодий муваффақиятлар тилаймиз ва юкори савиядаги нақшли китоблар қўллаб-қўллайди чоп этилишидан умид қилиб қоламиз.

#### Камолдин Бехзод

(рисола)

Мовароуннаҳр ва Хуросонда XV асрдаги Ренессанс (Ўйғониш даври) вакилларидаан бири, Алишер Навоийнинг шогирди, «Шарк Рафъали», улғу мусаввир ва минияторасоз Камолдин Бехзод таваллудининг 545 йилигига бағишланган ушбу китоб, алломанинг хаёти ва ижоди, у яшаган давр, Навоий билан бўлган ижодий муносабати, бизгача етиб келган асарлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига қамраб олган. Китоб шарқшунос, санъатшунос, Шарк халқлари маданияти тарихи билан қизиқувчи ҳамда тўзалик шайдогарига манзур бўлади, деган умиддамиз.

Масъул муҳаррир: М. М. Хайруллаев — ЎЗР ФА академикли

Таркизи: С. А. Абдуллаев — Ўзбекистон Бадний Академияси академиги

*Буюк ўзбек рассоми Камолдин Бехзод таваллудининг 545 йилигига бағишланди.*

#### Мукаддима

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви жамият хаётида муҳим ўзгаришларни амалга ошириш имконини яратди. Бу ўзгаришлар мамлакатни янги йўлдан равои олдилашти, эркин ва демократия асосида тараққий эта боришти, ривож топган мамлакатлар каторидан ўрин эгаллашти қаратилгандир. Янги ривожланиш йўлида, айниқса, халқ маънавиятини, тарихий қадриятларга асосланган миллий маданиятни, миллий гоъини юксалтириш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этиши конунийдир. Ўтмиш маданият меросимизни яратиб берган атоқли олим, донишманд, санъаткор, давлат арбоблари хаёти ва улар қолдирган маънавий меросни ўрганаш масаласига хозирда даъватимиз, Президентимиз жуда катта эътибор бермоқда. Мирзо Улуғбек, ал-Фарғоний, Исмоил ал-Бухорий қабилиларнинг юбилейларининг ўтказилиши бунга муҳим далилдир.

Буюк ўзбек рассоми Камолдин Бехзоднинг юбилейини ўтказиш ҳам шу улғу мақсаднинг узвий давомидир. Шу муносабат билан унинг хаёти, қолдирган меросининг киммати ва аҳамияти, маданиятимиз тарихида тутган ўрнини ўрганиш, халқимизга таънаштириш мутахассис олимларимизнинг вазифасидир. Ушбу кичик рисола шу мақсадга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Дерзли юз эллик йиллик (1220—1370) мўрул истибодидан сўнг Темурийлар XIV асрнинг охириг чорагида дунёдаги энг қудратли салтанатни бунёд этиб, улкан марказлашган давлатни тўздилар. Темурийлар даври (1370—1506 йиллар) Марказий Осиёнинг иқтисодий-ижтимоий хаёти, маданияти, илм-фани, адабиёти, санъати тараққийида ўзига хос ўринга эга бўлди. Чунки, бу даврда юзага келган маҳобатли Ёлбихоним масжиди, Оксарой, Шоҳи-Зинда мажмуасидаги иморатлар, Улуғбек мадрасаси ва расадхонаси, Гўри Амир макбараси, Самарқанд ва Хирот болғлари каби қатор меъморий обидлар ҳамон қишларини хайратга солиб келмоқда.

Самарқандда яшаб, ижод этган олимлар Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Жамшид Қошиқ ва Али Қушчилирининг илми нуҷум — астрономия фани тараққийига қўшган салмоқли хиссаларини бутун жаҳон тан олгани сир эмас. Жаҳонга машҳур тарихчилар — Низомиддин Шомиий, Хофиз Абруй, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Муҳаммад Мирхонд асарлари ҳамон мутахассислар учун муътабар манба, битмас-туганмас хазинадир. Бадний адабиёт соҳасида Саккохий, Мавлоно Љутфий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хусайн Воиз Қошиқий каби алломаларнинг асарлари эса қозирги кунгача юксак маҳорат маҳсули бўлиб қадрланди.

Илм-фан, муштов адабиётнинг тарқибий қисми бўлиши китобат санъати — қаттоллик, даввохлик, жадвалқалилик, музаххиблик, муковасозлик ва расомчилик ҳам ўзининг юксак тараққийи давражасига қўтарилди. Уша давр бошида Мир Али Табризий томонидан яратилган энг тўзал настьалик ёзуви етакчи ўрин эгаллаб, бу ёзувни пухта эғллаган Жавфар ва Азхар Бойсуққурний, Абдурахим Хоразмий, «қиблат ул-кутуб» Султон Али Машқадий, Мир Али Хиравий каби хаттоғлар, Устод Абдулхай, Мансур, Фиёидин Наққош, Пир Аҳмад Богшиломоний, Мирак Наққош, Шоҳ Музаффар, Қосим Али Чеҳрақушо, Ёрий Музаххиб, Маҳмуд Музаххиб, Хожа Муҳаммад, Жамолдин Юсуф каби минияторасозлар ўз соҳаларида устод санъаткорлар бўлиб, Самарқанд ва Хирот хаттоғлик мактабларининг шухратини дунёга таратдилар.

Мана шундай атоқли шахслар яшаб ижод этган даврда, Хуросон улқаси пойтахти Хиротга дунёга келган Камолдин Бехзод ўз даврининг буюк рассоми, «Моний соний» ўнволига сазовор бўлиб, аср нодами, XV аср иккинчи ярми Хирот миниятора мактаби асосчиси сифатида шухрат қозонди. Алишер Навоий хомийлиги ва тарбиясида қамолга етган Камолдин Бехзод аввал улғу шoir қутубхонасида, сўнгра Хуросон ҳокими Султон Хусайн Мирзонинг хизматида бўлди. 1506 йили Хиротни забт этган Муҳаммад Шайбонийхон учун ижод қилди, кейинчалик Табризда, 1522 йили эса Шоҳ Исмоил Сафавий қутубхонаси мудири бўлди ва 1535 йили Хиротда вафот этди.

М. М. Хайруллаев,  
ЎЗ ФА академиги

#### Бехзод яшаган давр

Устод Камолдин Бехзод (1455—1535) нинг хаёти ва ижоди Марказий Осиёда ҳукм сурган Темурийлар даври (1370—1506)нинг сўнги эллик йилга, Муҳаммад Шайбонийхон (1506)нинг Мовароуннаҳр ва Хуросонда, Сафавийлар вақили Шоҳ Исмоил Сафавийнинг Озарбойжон, Эрон хулдуларида, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг Қобулда (1505) да ва Хиндистонда (1525) улкан салтанат тўзиши даврига тўғри келади. Амир Темур Қурган улкан салтанат хулдули ва маркази кейинча янги сулолалар томонидан эғлланган бўлса-да, ўша давр мафкураси — ислом дини ва дин асосида пайдо бўлган таъавуф илюзюндлари дунёқараш ижтимоий хаётнинг маънавий қиёфасини белгиловчи асосий омил эди.

Мавлӯмки, 1370 йили салтанат тепасига келган Амир Темур ўзининг ўттиз беш йиллик ҳукмронлиги даврида давлатнинг асосий таянчи, пойтахти Самарқандни ҳам

<sup>127</sup> Шу номдаги «Ўзбекистон санъати» журнаги 1983 йил 3-сондаги мақола асосида ёзилди. Абд. М.

сиёсий, ҳам маданий жихатдан жаҳоннинг энг гўзал ва обод шаҳрига айланганди, уни маҳобатли иморатлар, ажойиб боғу розлар билан безади. Қислаш учун дунёнинг Бардоқ, Дамашк, Париж каби машҳур шаҳарлари номларини агрофдлаги кишлокларга берди. Шаҳар маданий ҳаётини ривожлантириш учун эса Соҳибкирон ўзи забот этган мамлакатларнинг олим уламолари, санъат ва маданият намоёндалари, шоир, хунарманд, меъмор, қурувчиларини Самарқанд, Шахрисабз, Тошкент, Туркистонда ва бошқа жойларда олиб борилаётган ободончилик ишларига жалб қилган. Темурийлар даврида мамлакат ободончилиги учун барча давлат арёнлари ўз имкони ва молдйи қуввати етганча маҳобатли иморат, кўркам боғлар, масжидлар, кўпrikлар қуришга интиланган. Натижанда XIV аср охирига келиб, Самарқанд за Хирот жаҳоннинг обод ва гўзал шаҳарларига айланган. Бу даврнинг ижодкорлик руҳи ва маҳобатли иморатлардаги етажчи рои Шахрисабзда қурилган Оксарой бинноси пештоқиға битилган китоба: «Агар бизнинг қудратимизга шубҳалансангиз, биз яратган иморатларга қаранг», мазмунига тўғри келади.

XIV асрда Самарқандга ўша давр тасаввуфининг кубравия, ясавия ва нақшбандия тарикатини ўранишга дунёнинг барча шаҳарларидан кишилар келар эди.

XIV аср иккинчи ярмидаги Самарқанднинг сиёсий ва маданий ҳаёти устод Камолдин Беҳзодининг Шарafdдин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарига ишлаган мингатиораларида ўзининг бадий аксини толдди. XV аср биринчи ярмини Темурийлар давлати маданиятининг энг ёркин даври, дейиш мумкин. Мирзо Улутбек раҳбарлигида Самарқанд янда обод этилиб, илм - фан, айниқса, маҳсу расадхона қурилган, илми нуҷум — астрономия марказига айланиб, натижанда машҳур «Эжиқ жалди Қўрағоний», яъни 1018 юлдузнинг астрономик жадвали тузилди. Расадхона бинноси ичлари буржлар тасвири билан безатилди. Мирзо Улутбек «Тарихи арбаваи улуси Чингизий» («Чингизий тўрт улус тарихий») номли форс тилидаги тарихий асарни таъриф қилишда шахсан иштарок этди. Бу даврда Самарқанд илм-фан ва маърифат ўчоғи бўлиб, бу шаҳарда таълим олишни ўлда давр эиёллари ўзлари учун зарур ва шарт, деб билишарди. Мана шунинг учун ёш Абдурахмон Жомий ҳам таълим олиш учун Хиротдан Самарқанд шаҳрига келган эди.

XV аср бошларида Хуросон пойтахти Хирот шаҳри Шоҳрух Мирзо (1405—1447) даврида, шахсан шахзода Мирзо Бойсунғурнинг филокорона хомийлик фаолияти туффйли санъаткор, олим, хаттоғ, расом, созанда ва шоирлар шаҳрига айланган эди. Ўша даврда тузилган «Арзалоит» — «Арзнома»га бинсон серой кутубхонасида етмиш бешдан энёд ижодкорлар мавжуд бўлиб, улар манбашунослик соҳасида, айниқса, «Шоҳнома» ва Амир Хуравийнинг лирик ижодини, тарихчилар — Хофизӣ Абрӯ, Шарafdдин Али Яздий, шоир Низомий Ганжавий «Хамса», «Қалиға ва Димна», «Меррожнома» каби асарларнинг кўлёмаларини битиб, уларни бетакрор расмлар билан зийнатлаганлар.

Алишер Навоийнинг илм-фан, хунар ва санъат аҳлига қилган хомийлиги ўз самарасини бердики, Темурийлар даври маданияти, санъати ўзининг энг юккак чўққисига кўтарилди. Ўша давр хаттоғлари Султон Али Машхадий, Султон Али Қойиний, Мир Али Хирезвий, мусаввиқлар Мирак Наккош, Хожа Муҳаммад, Қосим Алилар каторида устод Камолдин Беҳзол номи алоҳида порлаб турди.

XVI аср бошларида Мовярсуннаҳрда Шайбонийлар, Эронда Сафавийлар, Хиндкстонда Бобурийлар ҳукмронлик қилган бўлсалар-да, уларнинг оруз-умидлари, интилишлари Темурийлар даврининг юккак маданий тараққиётини қайта тиклаш, унга интилиш ва унинг антаналарини ривожлантириш эди. Шундай қилиб, XIV—XV аср Темурийлар даври маданияти ўзининг юккак тараққиёт даражаси, серкирра соҳалари ва ёркин ижодкорлари билан жаҳон маданияти тарихида алоҳида ўрин эгаллаб, кейинги давр маданияти учун пойдевор, асос, намуна бўлиб хизмат қилди. Шунинг учун ҳам Темурий шоир, санъаткор, олим ва хаттоғлар янги пойтахт бўлмиш Бухоро, Табриз ва Деҳлида

жуда катта ҳурмат ва иззат толиб, яратган ижод намуналари ўз соҳасининг шох асарлари сифатида қадрланди.

#### Беҳзодининг таржимаи холи

Ўзининг бетакрор, гўзал санъати билан нафақат Шарк ҳалқлари, балки бутун дунё ҳалқлари маданияти тарихида сезиларли из қолдирган, унинг тараққиёти учун бақараги ҳисса қўшган забардаст санъаткор Камолдин Беҳзол Хиротда 1455 йилда хунарманд-қосиб олиевидә дунёга келди.

Манбаларда ёзлигинича, унинг номи Беҳзол бўлиб, Хирот аҳолиси уни суғоб, эрқалаб Камолдин, деб чакришган экан. Алишер Навоий уни ўз мақтубларидан бирида «устод Беҳзол, деб атайдди.

Беҳзол ота-онасидан жуда эрта ажралди. Уни расом сифатида Мирак Наккош ўз тарбиясига олиб воёға етказди ва ўзининг Хиротдаги «Нигористон» (санъат академияси)да унга наққошлик хунарини ўргата бошлади. Ўз даврининг машҳур расоми, миниатюрасоз Мирак Наккош уйдади, нигористонидаги ижодий муҳит, гўзаллик ва нафосет ёш Беҳзолни ҳам санъат ва хунарга ҳавас қўйишга ундади, келажакдаги тақлири учун ижобий рои ўйнади. Бўлажак расом турли устозлардан тарбия олган, Ёзма манбаларда Беҳзол табризлиқ Пир Сайид Аҳмад шоғирди, деб ҳам кўрсатилди. Пир Сайид эса бухоролик Жаҳонгир шоғирди, бухоролик Жаҳонгир ўз навбатида устод Гўнг шоғирди бўлганлиги қайд этилади.

Беҳзол ёшлгида машҳур санъаткор Султон Али Машхадий билан жуда яқин муносабатда бўлганини хаттоғининг бизгача етиб келган куйидаги бадихасидан ҳам билса бўлади:

*Фарзанди азиз, аржуманд Беҳзол,  
Гўх-ғўғу гўзарин бар ни тараф меафтод,  
У умри ман аст, аз роҳи сурат лекин,*

*Умрисиз, ки аз манеш наме ояд ёд.*

Мазмунни:

*Азиз, аржуманд фарзанд Беҳзол,  
Гўх-ғўғуида биз томонга келиб турарди.*

*У ўз суратлари туффйли мен учун умрдек азиз,  
Умрдек вақт ўтса ҳам, ҳандуэ ёдга олмайд.*

XV асрдаги Хирот адабий бадий-илмий, санъат ва маданият оламига пайдо бўлган жуда кўп шахслар сингари Беҳзолнинг ҳам ижодий камолотида Алишер Навоий ҳал қилувчи роль ўйнаган. Камолдин Беҳзолнинг буюк расом, наққош ва миниатюрасоз бўлиб етишувни учун асосий омил — бу унинг улут шоир билан ҳамкорлик қилиб, ундан сеҳрлар санъатнинг ўзига хоc хусусиятларини ўрганиб, мутафаккир даҳосидан баҳраманд бўла бошлаганлиғидир. Ва яна энг муҳими, бу—Беҳзолнинг ўзида мавжуд бўлган етук несьод, ўта нозик ва тақрорланмас акт-идрок, нафис тасвирий санъатта нисбатан жуда зўр шавк ҳамда иштік, улардан ташқари, ижодкор сифатида ўта меҳнатсевар, захматқаш бўлганлиғидир.

Қўлгина Шарк манбаларида Камолдин Беҳзолнинг мохир санъаткор бўлиб шаклланишида ўша даврда Хирот муҳитидаги бирталай етук расом, хаттоғ, муқкашуносларни бириктириб турган Мирак Наккош бошлиқ «машҳур 40 санъаткор» шжумани ва ўша «Нигористон»нинг серкирра жуда бой анъаналари ҳам ҳал қилувчи роль ўйнагани айтилади.

Камолддин Бехзоднинг Алишер Навоий хомийлигида ва унинг културубоҳонасида бўлганлигини юқорида кайд этилган шoir мактуби тасдиқлайди. Ушбу факт тафсилотини ўша давр тарихчиси Ғисейдин Хондамир «Хулосат ул-ахбор» асарига шундай таъкидлайди: «Устод Бехзод замонанинг коми сураткашларидан, балки бу ишни ниҳоятда камолга етказиб, кўп вақтдан бери хилот сифатли Амир Алишернинг тарбияти остида ажойиб иш билан машғул бўлди».

Захириддин Мухаммад Бобур ҳам Бехзод бошка ноёб истеъдод эгалари каторида Алишер Навоий тарбияти ва хомийлигида камолга етганини ёзди: «Устод Бехзод Бек (яъни Алишербек- Абд. М.)нинг тарбият ва таъвиги билга, сазй ва эҳтимоми билга мунча тараккий ва шуҳрат, мундоқ машхур ва маруф бўлди».

1968 йилда Кобулда нашр этилган «Амир Алишер Навоий (Фоний)» асарида таъкидланишича, Бехзоднинг дастлабки ижоди Султон Хусайн Мирзо саройида ва у ердаги жуда кўп шoir, олим, санъаткорларнинг улур хомийси Амир Алишер Навоий раҳнамалигида ва кўлаб-кувватлаши, яқиндан берган ёрдами оркасида гуллаб-яшнайд.

Яна бошка бир неча чет эл манбаларида ҳам Алишер Навоийнинг Камолддин Бехзод ижодида баракати таъсир этганлиги кайд қилинади. Масалан, машхур инглиз шаркшунос олими Эдвард Брауннинг китобида бу ҳақда шундай дейлади: «Уша замонда жуда катта шуҳрат қозонган Бехзод ва Шох Музаффар сингари атокти нақкош-рассомлар, шубҳасиз, Мир Алишер Навоийнинг кўлаб-кувватлаши натижасида камолотга эридиллар».

Мавлумотларга кўра, Камолддин Бехзод Хирот мухитида ўша даврда яшаб ижод этган бошка бир буюк мутафаккир шoir, улур файласуф, Алишер Навоийнинг устози, ҳаммасидаги ва дўсти Абдурахмон Жомий билан ҳам қалин дўстона муносабатда, хатто унинг муридлари каторида бўлган экан. Ундан ташқари, Бехзод ўша даврда Хиротдаги «Хаттоғлар кибласи», буюк санъаткор Султон Али Машхадий билан ҳам яқин ҳамкорликда бўлган. «Ориёно» журнаги бу борлада қуйидагича мавлумот берди: «Бехзод машхур хушнавиге Султон Али Машхадий билан замондош ва дўст бўлган, улур бир-бирлари билан ижодий ҳамкорлик килардиллар. Ундан ташқари, Бехзоднинг Хиротдаги буюк ва юқори мартабали шoir, яъни ҳазрати Абдурахмон Жомий билан ҳам дўстлиги бор эди».

Санъат ва нафосатта иштики ниҳоятда кучли бўлган Камолддин Бехзод ғоятда меҳнатсеварлиги, захматқилиги туфайли истеъдоди гуллаб, тез орада Хиротнинг машхур миниятрасози бўлиб танилди. Алишер Навоийнинг мактабдоши ва дўсти подшоҳ Султон Хусайн Мирзо Бехзодни ўз хузурига, саройга жалб қилди ва унга ўз саройидан жой ажратиб, ижодий ишлар билан шуғулланиши учун барча шароитлари муҳайе қилиб берди. Алишер Навоий ўзининг шаҳсий мактубларидаан бирида Бехзод тўғрисида: «Устоди мушорунилбайхин (юқорида эсатилган, яъни, Камолддин Бехзодни) Мирзо (Султон Хусайн) тилаб олдилар. ўз қолларига, боғда хужра ясаиб иш буюралдиллар. Яна андоқ кичики, ул китобатга муносиб иш қилга олган, йўк эрди». — деб эганда, назаримизда, ўша пайтлардаги воқеаларни кўзда тутган бўлса керак.

Сўнгра, бир оз вақт ўтгач, 1487 йилда Камолддин Бехзод Султон Хусайн Мирзонинг шахсий фармони билан Хиротдаги салтанат китобхонасида бошлик этиб тайинланди. Тарихчи Ғисейдин Хондамирнинг «Номан номий» асарида ўша фармоннинг матни берилди:

«Хирот китобхонасининг бошлиги (мансаби) учун устод Камолддин Бехзод номига берилган нишон

Ижод ва яратиш корхонаси мусаввиринг иродаси, еру осмон нигоҳонаси муҳаррирининг кудрати билан... ҳукм килурмизки, аср ноидри, мусаввирлар пешвоси... Устод Камолддин Бехзод Хумоюн (яъни подшоҳ) китобхонаси аҳлига: қотиб, нақкош,

музаххиб, жадавлыкш, халкор ва заркўларга, шунингдек, мазкур ишларга мансуб бўлган Аллоҳ панохлиги бутун мамлакат жамоатида бошчилиқ мансаби топирилсин. Таҳрир қилиди 889 хижрий йил 21 жумоди ул-аввал (1487 йил 22 июн)»<sup>128</sup>

Шундай қилиб, Султон Хусайн Мирзонинг фармонида айтилганидек, «аср ноидри, мусаввирлар пешвоси» деган юсак ном соҳибии Камолддин Бехзод энди нафақат Хирот, балки бутун Хуросон қортидаги барча рассом ва нақкошларга бошчилик қила бошлайди. Бу даврда Бехзоднинг истеъдоди ниҳоятда барк уриб яшнайди. У ўзининг энг яхши, ноидр расрларини айни ўша йилларда яратди.

Йирик швед санъатшунос олими Ф.Р.Мартин Камолддин Бехзоднинг Султон Хусайн Мирзо саройидаги ижодхонаси ва у ерда нақкошнинг ишлаш жараёнини хаёлан қуйидагича тасвирлайди: «Шарк қўши Бехзод учун қурилган пинам хужрани нурга фарк этди. Бу ерда нақкош пастаккина қия курси (пюпитер) устида энгашиб ишларди. Курсининг торتما хоначаларида шох асарлар яратиш учун зарур бўлган ҳамма нарсапар муҳайе. Бундай асарлари Европа санъати ишқивозлари XV аср Италия ва Нидерландия рассомларининг ноидр асарларини қандай тарзда қидирган бўлсалар, шунчалек иштик билан қўлга қиритишта интилишлари шубҳасиз. Тўғри, Бехзод европалик рассомларникидек кенг ва кўлай устахона (студия)га эга бўлмаган. Унинг иш жойи одийгина хужра бўлиб, ок мармар деворлари моҳир Шарк хаттотлари томонидан Курьон олгари билан музаейи этилган. Хужрада бўйра тўшылган. Бурчақда тилам устида бир неча ёстиқ. Бу меҳмонлар ва мухлислар учун қўйилган эди. Хужра оркаси бог, сокин суяги ховуз, ундан нарироқ гулзор ва дарахтзор. Шафтолилар пишиб, ишқомдаги олтин топанган узум бошлари сийрак барглари орасидан мўраларди. Хужра агрофида яттирғушлар чамандек очилиб ётарди. Минглаб турли туман гулларнинг кийтос очилганидан уларнинг барглари кўзга ташланмас эди. Шу мухитда Бехзод ўтириб, нозик муйкалами билан суврат чизарди. Нозик муйкаламини ундан илгари ҳам, кейин ҳам, ҳеч бир мусаввир Бехзодчалек мақорат билан ишлагиниша муваффақ бўла олмаган».

Дарҳақиқат шундай. Сеҳрлар муйкаламини ҳали ҳеч ким ҳеч қарда Камолддин Бехзодчалек моҳирона ишлага олмаган! Ҳам Европа, ҳам Осиёдаги нафис тасвирий санъат мухлислари Камолддин Бехзод томонидан яратилган гузал миниятораларни кўранда хайрат бармоғини тишлаб қолардилар.

XV аср билан XVI аср оралиғида Хиротдаги Темурийлар салтанати объектив чики сийёс мухитнинг шиддатли бўҳронлари, тожу тахт учун ўзаро жангу жадаллар туфайли йса-секин емирилди. Бу даврга келиб Камолддин Бехзоднинг Хиротдаги энг севили кишиларидан бири бўлмиш Абдурахмон Жомий (1492 йилда), ундан сўнг устозин Алишер Навоий (1501 йилда) оламдан ўтади. 1506 йилга келиб эса Хуросондаги Темурийлар салтанатининг сўнгги вақилларидан бири Султон Хусайн Мирзо вафот этади. Подшоҳ Султон Хусайн Мирзо ўлимидан сўнг ўғиллари Бадигузамон билан Музаффар Мирзо ўртасидаги жангқаллар Хуросон салтанатини ҳалокат ёқасига олиб келди. Ўша йиллари мамлакатда зулм ва истибодга асосланган дахшати жамиятларига ҳос йчки сийсий кураш шу даражада кучайиб кетдики, натижада 1507 йилда Мухаммад Шайбонийхон Хуросон давлати пойтахти Хирот тахтини осонлик билан ишғол этади.

Бундай дахшати, беаёв тўқнашуялар, тожу тахт учун узлуксия ур-йикитлар шароитида ҳам Камолддин Бехзод Хиротда қалиб, ўз ижодий ишларини давом эттирди. Бехзод Хиротда Шайбонийхон саройида ишлаб бошлайди. Темурийларнинг юсакқ малайياتига ҳурмат ва эътибор билан қараган Мухаммад Шайбонийхон Камолддин Бехзод санъати олдига лол қолиб, унинг ижодий ишларига деярлик тўскинлик қилмайди.

<sup>128</sup> Каранг. Н о р к у л о в Н. И. Низомиддинов И. Минияторга тарихидан давҳалар. 93—94-бетлар.

аксинча, мумкин қадар шароит яратиб беришга ҳаракат қилади. Камолдидин Бехзод унинг портретини айни ўша йиллари чиққанига эхтимолдан холи эмас.

Эрондаги Сафавийлар салтанати бу даврда анча қуъайиб, ички ва сиёсий қурашлар туфайли ичкирозга юз тутган Хуросондаги Шайбонийлар салтанатига тахлил солиб, 1510 йилда икки сулола кўлини ўртасида Марв ёнидаги Тохиробод деган жойдаги шиддатли жангга Мухаммад Шайбонийхон ҳалок бўлган, унинг кўлини тор-мор этганиди ва Хирот шаҳри Сафавийлар қарамоғига ўтди.

Шоҳ Исмоил Сафавий 1512 йили Хиротдаги бир неча истеъдодли санъаткорларни, Хунармандларни ўзи билан бирга Табризга олиб кетди. Хиротдан Табризга олиб келинган «жавохирлар» орасидаги энг нодир ва ноёби Камолдидин Бехзод эди. Чунки, Камолдидин Бехзод бу пайтда бутун Шарқ элларида донги кетган бўёқ санъаткор бўлиб, улар ўз қарамоғида сақланган салтанат энг бой, қудратли ва обрў-эътиборли шахс ҳисобланарди.

Камолдидин Бехзод санъатини юксак қадриятган Исмоил Сафавий наққошга ижод қилиш учун Табризда барча зарур шароитларни яратиб берди. Мазлумки, Табризга Бехзод бир туруқ истеъдодли шогирдлари билан келган бўлиб, улар ҳам Табризда Бехзоднинг раҳнамолигида уларнинг ижодий ишларини давом эттиришди.

Ўша пайтларда Табризга, умуман Эрон салтанатига ҳам ички сиёсий ахвол яхши эмас эди. Табриздан ўзмонли турак султони Салим Ношо Эронга кетма-кет тахлил солиб турарди. 1514 йилда Эрон ва Турк кўчилилари ўртасида Табриздан йигирма фарсанг ўзбекидаги Чолдоров деган кенг текисликка шиддатли жанг бўлиб, мазкур жангда Сафавийлар магъубиятга учрайдиган ва бир йилга Табриз шаҳри турклар қарамоғига бўлади.

Камолдидин Бехзоднинг бошига ана оғир муҳаббатлар тушди. Баъзи манбаларда ёзилмиша, Табриздаги Сафавийлар саройида энг эътиборли санъаткор бўлгани учун Бехзод бистан бирга атоқли хаттог Шоҳ Махмуд Ниспелуррийни турклар ўз юрғларига улжа қилиб олиб кетмасликлари учун нодирок амрига биноян Табриз аéroфидати бир улкан торга мажбурлан қўйилган эканлар. «Саромадани хунар» асерида берилган маълумотга кўра, Шоҳ Исмоил Сафавий жангдан енгилиб чиққач, ўз мулозимларидан сўраган нарсаси шу бўлган экан: «Бехзод қалай? Унинг жони омонми? Уни турклар олиб кетмадими?»

Санъатшунос ва шарқшунослар Камолдидин Бехзоднинг Табриздаги ҳаёти ва ижодий фаъолияти юзта кам маълумотга эгадир. Масалан, 1512 йилдан 1522 йилгача, яъни Сафавийлар салтанати китобхонасининг бошлиғи этиб тайинланганига қадар Камолдидин Бехзод Хиротда яшаганими ёки Табризда яшаганими? Баъзи бир мутахассислар мана шу 10 йил ичида Камолдидин Бехзод Хиротда яшаган, деган фикрдадилар.

Бирок, баъзи бир фикр-мулоҳазалар бизни бир оз бошқача ўйлашга мажбур этади. Шу нарсаларни ҳам инобатга оломок керакки, Шоҳ Исмоил Сафавий Хирот шаҳрини эълан этганидан сўнг, ўзининг сеvimли наққоши Камолдидин Бехзодни қандай қилиб Хиротда қолдириш экан? Ахир, Камолдидин Бехзод ўша йиллари бутун Шарқ юрғларидан баргача машҳур бўлган наққош эди-ку! Ахир, у Хиротдаги Султон Хусайн Мирзо салтанатини хазинасига энг нодир ва ноёб жавохир эди-ку! Умуман, бу масала ҳалигача бехолашқучилар учун муаммо бўлиб турибди. Бу ҳақда янги далиллар топилишига қадар аниқ, қатъий фикр айтиш кийин.

Европашиқ бехзолашқучилар орасида ҳам рассомнинг Табриздаги ҳаёти тўғрисида аниқ, ишонarli маълумотлар йўқ. Масалан, Европанинг атоқли миниаторлашунос олин профессор Эдгерт Кухнел Камолдидин Бехзоднинг Табризга борган йилини 1506 йил деган қўраганда: «Бехзод 1506 йилдаги йилда Табризга боради, у ерда 1520 йилгача қолиб, ўзининг ижодий ишлари билан машғул бўлади».

Демак, Камолдидин Бехзод Табризга қачон борганилиги, у ерда неча йил турганилиги, умуман, унинг Табриздаги ҳаёти ва фаолияти ҳақида жaxon бехзолашқучилари ўртасида ҳали ноаниқ, баҳсли масалалар анчагина.

Хар ҳолда ўн йил киска мулдат эмас. Бу давр Камолдидин Бехзод ҳаётида энг мушкул, нотинч ва алғов - далғовли йиллар бўлганлиги шубҳасиз. Бехзод ўзининг бутун навқиронлиқ йилларини, қатта билим ва маҳоратини сарфлаб бунёд этган Хиротдаги бой нафис тасвирий санъат мактаби Темурийлар салтанати билан бирга ичкирозга йўлиқди. Бу йиллар ичида Табризда яшаган Бехзод ўзининг она шаҳри Хиротга бир неча бор келиб-келиб турган ва ўша кезларнинг бирида Захириддин Мухаммад Бобур у билан Хиротда мулоқот қилган бўлиши мумкин.

1522 йилда Шоҳ Исмоил Сафавий махсуе фармон чиқариб, санъаткор Камолдидин Бехзодни Табриздаги салтанат китобхонасига бошлиқ қилиб тайинлайди. Бехзод ҳаёти ва ижодига оид жуда кўп манбаларда келтирилган ўша фармоннинг матнини кўйида, ўзбек тилида келтирамиз:

#### «Камолдидин Бехзод номига берилган шаҳаншоҳ китобхонасининг бошлиғини нишонини

Ижод ва яратиш қорхонаси мусаввирнинг ироласи, осмону замин нигоҳонаси муҳаррирининг иродаси шулки, «У сизни яратди ва хушсуврат этди» оғитга биноян, у нақш ва гаройиботлар кўргуздики, башарият оламлари нисмон саҳифасига суврат чиққан қудрат қаламга офарини ўқийди. «Биз сизни замин хўкмдорига ёрдамчи этидик» сузларига қараганда, ниссон зотининг бошқа маҳжуботдан сувратда энде тасвирланмиши унинг хикमतли бармоқлари тахрири экан, бизнинг Хумоюн зотимиз номидан Уторуд қалами билан Хуршид хал берган саҳифа узра замин халифаси фармонига имзо чекилди. Кўк Гўмбазилек варақларни бизнинг фатх ва зафаримиз белгилари бўлган «Рўзнома»мизни қитобат қилишда кўк гўмбазилек локуварди варақлари нуқра қолдузлар билан афшон, қирғизи шафак жадавали билан мунаққаш ва музайян этиб, шунга мўносиб ва лойиқ қўридики, олийжаноблик дил давхи Аллоҳнинг яркирок нури билан тарх этилиши сувратларининг зоҳир бўлиши хайрихоҳлик белгилари экан, у шу тахлифта мусаввир бўлди, хар бир зарурат бахтли саркор хоким қарамли заруратидан, хар бир ниш жaxonбонглик қорхонасининг азим ишларидандир. Хунармандликда доно, шибилармонликда фазилатлилар қаторида, тарроҳликда ўткир зехн, бўёқ беришда нафис табиат, тарх кашф қилишда унинг хар қандай турига қолдир, нақш ихтиро этишда фаросатини ўз тахтасида зоҳир этиди. Магъуб ва мақсуд чеҳрасидан никоб пардасини оча олди, аср нодир, мусаввирлар пешвоси, музаҳхийлар етакчиси устод Камолдидин Бехзодким, унинг чеҳра очувчи мўйқаламидан Моний жони хижли бўлди, сувратга оро берувчи қаламидан Артант лавахлари хижолат чекди; шунга биноян унга шу нарсаларни таалуқ ва лозим топилсинким, пайваста қаламининг ижроси вожиб фармонга бош чектириб, халифа нишонли подшоҳ остонасининг мулозимати марказига унинг қадамини парта масол мустаҳкам кўйиб, хушравона луғф ва шаҳона марҳамат бажо келтириб ҳукм қилдики, олийҳазрат китобхонаси аҳли котиб, наққош, музаҳхий, жадалвалқаш, халқор, маъруф, локуварлушйи ва ҳудо панохдаги мамлакатнинг мазкур хунарларга мансуб бўлган бошқа жанмати унинг ихтиёрида бўлсинлар. Пок дили амирлар, монанди йўқ вазиралар, алманох даргоҳидаги ноиблар, осмон сингари боргоҳ элчилари, султон хизматидаги ўбоширлар, умуман, девон ишлари мутасаддиқлари, шоҳ китобхонаси аҳолиси ва мазкур вақолат, хушсуян, мазкур устод зиммасига муставфий ва қалонтарлиқ иштини топширилган бошқабал, китобхона ишларини адо этишни унинг зиммасига юклатинсин. Ушбунинг роси муҳри ва тасдиқи билан мўтабабар саналсин, сўзнари, келтирилган савоби ишлари шаҳаншоҳ кутубхонаси ишлари бўйича ҳўкмлар бобида деюлирким, рад

этиш, ўзбошимчилик зоҳир этилмасин. Шунингдек, вазиғлардан зарурлари юкориди эйр  
этилганларни махсус хисобласинлар.

Устод яна амонат суврат ва диенат чеҳрасини хотири давҳига ва мунавар  
мусавириги дили саҳифасига чизмаслиги лозим. Ушбу хизматга ростлик йўли билан  
киришувчи, иккиозамачилик майлидан ўзини йирок тутиб, солиқлик ва савоблик  
қоиласидан четланмаслиги керак, атрофдагилари ҳам, шу йўлда борсинлар.

Мақсур Шаҳаншоҳ ҳукми муҳри ва имзо билан мунаққош этилгач, олий  
мансабдорлар воқифлигига эътиҳод тутилсин.

Тахрири 27 жумоди ул-аввал 928 хижрий йил (1522 йил, 24 апрель)<sup>124</sup>.

Умуман, Камоллидин Бехзоднинг Табриздаги ҳаёти Хиротдагидек осойишталик

билан ўлмаган бўлиши керак. Асли хиротлик бўлган Камоллидин Бехзод учун Табриз  
шаҳри, бир томондан бегона юрт бўлса, иккинчи томондан, Табризда ўша кезларда жангу  
жадаллар, ур-ийкишлар давом этиб турган. Ундан ташқари расомнинг Хирот  
шаҳридагидек Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Султон Али Машҳадий каби  
устозлари, яқин дўстлари, раҳнамолари йўқ эди. Яна шу нарсани ҳам эътиборга олишимиз  
керакки, Камоллидин Бехзод Табриз шаҳрида ўз даврига нисбатан энг машҳур санъаткор  
бўлгани учун ҳам, унинг жони ҳамиша нотинч, қаби доимо изтиробда эди.

Табиғики, Табриз шаҳридаги каттик руҳий азоблар, ўз она юртидан йироқта  
ғурбатда ҳаёт кечирилишининг азобу уқубатлари Камоллидин Бехзод ижодиди ҳам акс этмай  
қолмади.

Масалан Исмомил Сафавий портретини ишлагандан сўнг, унинг бир бурялига  
«Шикаста қаламли фақир Бехзод»<sup>125</sup> деб имзо чекиши бежиз бўлмаसा керак. Еки бўлмаса,  
расом ўзининг «Жанги шугирон» («Ўзлар жанги») номи машҳур миниатюрасининг  
тағига «Қадами шикаста, номурод, фақир Бехзод. Умри 70 дан олганда ушбу ишта қўл  
урди» деб, ғам-андуҳ билан имзо чекиндини эслайлик.

Дарҳақиқат, буюк санъаткорлар учун ғурбат, ватандан жудолик ниҳоятда оғир ва  
машаққатли кечган. Улар аламнок ички кечинмалари, юракларидидаги дардлари ва туғёнли  
изтиробларини ўзлари яратган асарларида бағоят таъсирли, реал ва очик-ойдин килиб  
таъвирлаганлар.

«Жанги шугирон», «Тасвири Шоҳ Исмомил Сафавий» асарларининг мазмунидан,  
уларнинг чекарларида «фақир», «номурод», «қалами шикаста» каби сифатларни ўз номига  
қўшиб имзо чекишидан улкан ва тақрорланмас истеъдод эгаси, буюк қалб соҳиб бўлган  
Камоллидин Бехзоднинг юрак қавридан сизиб чиққетган ғам-андуҳлар нақадар оғир ва  
мусибатли! Бундай асарлардан шу нарса яққол сезилиб турадики, Камоллидин Бехзод  
улкан санъаткор сифатида ўз замонасининг барча оғир ижтимоий дардларини ўзининг  
хасос қалбиди сақлаб юрган. Шунинг учун ҳам унинг асарлари ғоятда таъсирчан, ҳеч  
қимни бефарқ қолдирмайдиған, қайта тақрорланмас даражада бекиёс ва безаволдир.

Камоллидин Бехзод Табриз шаҳрида кечирган азоблари олдиди чекинмади, нафосат  
ва гўзаллик оламига, табиат, жамият ва инсонга нисбатан кучли муҳаббат, ижодга бўлган  
жушқин шавқ ҳамди иштиёқ уни яна ижод сари етаклади.

Камоллидин Бехзод Табризда истикомат қила туриб санъаткор сифатида ҳаётда яна  
бир бор жасорат кўрсатди. Ғурбатда, ғоят руҳий азобларда, она шаҳридан олнисда туриб

<sup>120</sup> Юкориди тарихий фармон Ёиёкидин Хондამирнинг машҳур «Номаи номий» асарида берилган  
(Хондамир, Номаи номий, Абу Райхон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари Маркази фонди, 1749, 240  
242-бетлар). Бу ерда Н. Норкулов ва И. Низомиддиновнинг «Миниятора тарихидан давоқалар» китобидаги  
Ш—114-бетлар) ўзбекча таржимаси келтирилди.

<sup>125</sup> Қазиев А. Ю., Керимова Р. К. О портретных произведениях некоторых табризских художников XVI в.  
Известия АН АЗР, серия общественных наук, Баку, 1959, стр. 95.

яна бир нафис таъвирий санъат мактабини бунёд этди. Хиротдагидек бу ерда ҳам ўз  
апрофига истеъдодли расом, наққош ва бошқа хунарманларни тўплади, уларга кўнг  
билан раҳнамоллик қилиб, ўзининг сеҳрлар санъатининг сир-асрорларини ўргата бошлади.  
Табризда Султон Муҳаммад Оқо Мирақ, Мир Мансур Мусавири, Мир Саид Али сингари  
ўқлаб истеъдодли мусавириларни тарбиялади. Улар эса ўз навбатида устод Камоллидин  
Бехзод вафотидан сўнг, XVI асрда Табриз, Кобул, Деҳли, Бухоро каби Шарқнинг улкан  
шаҳарларида янги шароит ва янги замонада ўзларига хос нафис таъвирий санъат  
мактаблари яратиб, устозлари бадийи услубини муваффақиёт билан ривожлантирдилар.  
Камоллидин Бехзод шогирдларининг наққошлик фаолиятида ўз навбатида Шарқ  
халқлари, жумладан, Марказий Осие халқлари маданияти муҳим роль ўйнади.

930 хижрий йилда (1524 илдоий) Табриз султони Шоҳ Исмомил Сафавий вафот  
этади ва тахт ёш шахзода Шоҳ Таҳмосиб қўлига ўтади. Ёзма манбаларда берилган  
маълумотларга кўра, Камоллидин Бехзод Сафавийлар саройида жуда яқин, подшоҳ  
салтанатидида энг ишончли санъаткор бўлгани учун ҳам шахзода Таҳмосибга бодалик  
пайтиданок миниатюрасозлик илмидан дарс бериб, уни ҳам ўзининг сеҳрлар салтанининг  
сир-асроридан ҳабардор қилиб борган, ҳатто хос суҳбатдоши бўлган.

Камоллидин Бехзод кеккайиб қолган бўлишига қарамасдан, бу даврда ҳам бетиним  
ижод билан шугулланиб, жуда кўп талантли расом ва наққошларга бошчилилик қилди.

Шухрати оламга ёйилган Камоллидин Бехзод 942 хижрий — 1535 илдоий йили  
вафот этган. Унинг қабр тошига шoir Амир Дўст Хошимийнинг қуйидаги шеъри  
битилган:

*Ваҳид-ул-аср Бехзод он ке чун у*

*Эи битни модари айем қил зод.*

*Қазо чун суварати умри билардохт.*

*Асгай хоки ёрқудили дод бар бод.*

*Эи ман суваратгаре тарих нурсид.*

*Ваҳд у суфиди жавоб аз жони ношод.*

*«Аср хоҳе ке тарихи бидони.*

*Назар афкан ба «Хоки қабри Бехзод».*

Ма з м у н и : «Ўз асрининг ягонаси бўлган Бехзод шундай буюк одамки, ундай  
қилилар онадан жуда кам тўғилади... Қазо (ўлим) унинг ҳаётига хотима ясади, ажал унинг  
яна туپроғини елга топириди. Бир суваратгар Бехзод вафотининг тарихини (йилини)  
қайдан сўради. Унга ғам-ғусса билан шундай жавоб берди: «Бехзод вафот этган йилини  
ёилишни истатанг, «Хоки қабри Бехзод»га (яъни, Бехзод қабрининг туپроғига) назар  
сол».

Шарқ ва Фарб шарқшунос ва санъатшунослари орасида Камоллидин Бехзод дафн  
тилган жой туپрисида ҳам икки хил фикр мавжуд.

Шундай қилиб, Шарқ халқларининг муштарак ифтихори, буюк фарзанди бўлмиш  
Камоллидин Бехзод XV асрининг иккинчи ва XVI асрининг биринчи ярмида Хирот ва  
Табризда яшаб, ғоятда барақали ижод этди, ўзидан сўнгги авлодга бой, ранг-баранг ва  
қолийб таъвирий санъат асарларини мерос қолдирди.

Алишер Навоий ва Камолдин Бехзод

*Эй мусаввир дилбаримга сурати монанд қил,  
Курмакидин хотиричини гах-гахи хурсанд қил,  
Алишер Навоий*

XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хурошон халқлари тарихида ўзига хос маданий равиш ва кўтаринчилиқ юз берди. Бу даврда илмий тафаккур соҳасида Мирзо Улуғбек ва Али Қушчи, адабий - бадиий ижтимоий - фалсафий тафаккур соҳасида Алишер Навоий ҳамда Абдураҳмон Жомий, нафис тасвирий санъат соҳасида Камолдин Бехзод ва унинг шогирдлари ҳисобланган ўндан олтиқ ажойиб миниатюрасоз, рассом ҳамда наққошлар етишиб чиқди. Буларнинг бариyasi ўша давр тарихий ва ижтимоий-сиёсий шароит томонидан юзата чиққан, ўз соҳаларининг етувчилик чўққисини эгаллаган, бадиий-эстетик ҳамда ижтимоий-фалсафий тафаккур майдонида жавлон урган буюк шайхлар эди. Шунинг учун ҳам уларнинг бой, ранг-баранг ижодлари асрлар оша замона дарғов-далғовларидан эсон-омон ўтиб, келажак авлодларга катта бадиий-эстетик, на-ғамойй-фалсафий ва илмий мерос бўлиб, жажон маданияти тараккиятида ижобий роль ўйнаб келаётир.

XV асрнинг иккинчи ярмида Шарк Ренессанси даврида Хирот уфқидати икки улкан юзгув — адабийет ва санъат осмонининг норлоқ сиймолари Алишер Навоий билан Камолдин Бехзод пайдо бўлдилар.

Хирот адабий-бадиий ва санъат муҳитида пайдо бўлган устоз ва шогирд ҳисобланган Алишер Навоий билан Камолдин Бехзод ўрпақидати ижодий йўқосабатларни йнрик рус тарихчиси А.Ю. Якубовский 1946 йили чоп этилган «Алишер Навоий» тўлақандати мақоласида кенроқ ёритиш зарурлигини қайд қилган эди. Бу маъруза ўзбек олимулари — Н.Норкулов ва Ф.Султомонова мурожаат қилганга қараман, ҳақон тўла ёритилган дейиш қийин. Алоҳида «Бехзод ва Навоий» тарма адабшумининг чоп этилиши ҳам ушбу маърузани ёритиш йўқидати хайрият келамлардан биридир, холос.

Алишер Навоий ва Камолдин Бехзод билан бир даврда ҳамда улардан кейинроқ яшган барица таъкирлағивас, тарихчилар бу икки буюк зоғининг ўзаро яқин ижодий йўқосабатлари ҳақида ёзиб келдиларлар.

Бобурийлар сулоласининг асосчиси, шоир ва олим Заҳириддин Муҳаммад Бобур Алишер Навоий билан Камолдин Бехзод яшган давр, Хирот адабий-илмий ва бадиий муҳитининг ўзига хос хусусияти тўғрисида характерли бир маълумот ёзиб қолдирган: «Султон Хусайн Мирзонинг замони ажаб замона эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хурошон, батаҳқиқ Хирний шаҳри маълум эди. Хар қишининг ким бир ишта машғуллиги бор эди, ҳинмати ва фариш уш эрдиким, ул ишни қамолга етгуради».

Албатта, XV асрнинг иккинчи ярмида Хирот муҳитини жууда кўп тарихнавислар сингари Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Шарк элларидати илгаридан ҳукмрон бўлиб келган анъаналарга кўра, ўша даврни Шарк олимлари тавбири билан айтганда, «олтин давр» («ири тиллоий»)ни «Султон Хусайн Мирзо замонаси» деб атаган.

Алишер Навоий ва Камолдин Бехзод ўзаро муносабатлари тўғрисида сўзлашдан аввал, улут илорниниг китобат санъати ва китобат аҳлига муносабатини ойдинлаштириб олсақ, Шоирниниг китобат тўғрисидаги фикрлари, унинг улкан шетрияти, лирик асарлари, девонлари, достон - маснавийлари — «Хамса» ва «Лисоипут тайр», илмий асарлари «Мақолаиун нафос», «Махбубул қулуб» ва хатлари тўплами «Мушоотта»да ўз ақсини тонган. Ёзи мухтасар қилиб, Алишер Навоийни китобат фанининг чуқур билимдони, китобат аҳли мурабийиси ва муқаввийиси, дейишимиз мумкин. Биргина «Мақолаиун нафос»да деврди элликта китобатга алоқадор хаттоғ, наққош-рассом ва санъат

«қомийлари тўғрисида маълумот бериб, шахсан ўзи тарбиятига олган Хожа Муҳаммад, Брий Шерозий, Мавлоно Фазлий, Мавлоно Шарбатийга китобат санъати, шу жумладан наққошлиқни ўрганишга имкон яратиб берганини қайд этади.

Ғисийдин Хондамирнин «Хулосат ул-аҳбор» асарида Алишер Навоийнинг шахсий кўтубхонасидаги ижодий шароит шундай баҳоланади. «Бахтиёр амир (Алишер Навоий - Абд.М.) баалоғат оёғини маълумлар, фасоҳат сифатли таснифларга шу қадар берлиб раббат қиларлики, ақлу тасаввур бунга хайрон қолади ва тажарубланади. Бинобарин, у иқбод ва саодат офтоби тулу қилгандан то шу қулларгача олийқимматиини хатотлар ҳамда кушнавислар тарбиясига сарфламоқдалар. Ва ҳамма ўша табақанинғ фароғати, хотиржамлиги офтоб шарофатли қўнғтидан жой оларди».

Тарихчи шоир кўтубхонасида жами ўн тўрт санъаткор ижод қилгётганини баён этиб, жумладан, Камолдин Бехзоднинг номини ҳам алоҳида зикр этади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Алишер Навоий тўғрисида ўз фикрларини баён қилар экан: «Аҳли фазл ва аҳли хунарга Алишербекча мурабийи ва муқаввий маълум эмаским, харғиз пайдо бўлмиш бўғтай» — уни тарбиятини олганлардан бири сифатида рассом номини эслагиб: — «Устод Бехзод... Бекнинг сазйи ва эҳтимоми билга мундоқ машхур ва маъриф бўлдилар, — деб алоҳида таъқидлар экан, хулоса сифатида: — Мунча бинойи хайр ким, ул қилди, кам қили муновоққа муваффақ бўлмиш бўғтой» — дейди.

Алишер Навоийнинг хомийлик фаолиятини тарихчи Мирзо Муҳаммад Хайдер қўйилғича таъқин қилади: «Мир Алишер тахаллуқи Навоийдур. У боғлиғтидан Мирзо Султон Хусайн билан дўст эди. Султон Хусайн Мирзо хокимият тепасига келгач, бугун марҳаматини Алишер Навоийга кўрсатди. У эса — олимуну уламоларга».

Юқоридати баён этилган фикрлар хулосаси сифатида айтиш мумкинки, Алишер Навоий ўз даврида қатор китобат санъати аҳлига хомийлик қилган. Ана шу шоир тарбиясини олган ноёб истеъодлардан бири, шубҳасиз устод Камолдин Бехзод эди. Шоирниниг аҳли фазл ва аҳли хунарга мурабийлиги тасодифий ҳол бўлмасдан, бу Темурийлар даври анъанаси эди. Жумладан, Шоҳрухниниг фарзанди Мирзо Бойсунгурни эслар экан, Алишер Навоий ёзади: «Хаттоғ ва наққош, сезанда ва гуяндалдин мунча беназир қилиқим, анинғ тарбиятидан орога кирди, маълум эмаским, ҳеч подшоҳ замонда пайдо бўлмиш бўғтай».

Ўша давр илмий, адабий - бадиий ва ижтимоий - фалсафий тафаккур жарайининг ўзати вазифасини шараф билан бақара олган бир буюк сиймо — мутафаккир Амир Алишер Навоий бўлган. Бу даврни биз хозир Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Камолдин Бехзод қаби унлаб буюк истеъод соҳиблари номлари билан характерланадиган маданий кўтарилди, юксалиш даври деб атаймиз. Чиндан ҳам подшоҳ Султон Хусайн Мирзонинг яқин дўсти, мактабдоши, маслаҳатгўйи сифатида ҳамда буюк истеъод, ўткир ақл - идрок эгаси, тадбиркор давлат арбоби сифатида Алишер Навоийнинг нуфузи мамлақатда жууда катта бўлган. Унинг шаҳсий ташаббуси билан мамлақатда улкан иморатлар, масжид ва мадрасалар, хонақоҳ ва илшоотлар қад қўтарган, ўз атрофига шоир, олим, хунарманд ва санъаткорларни тўплаб, илм, маданият ҳамда санъатнинг бенихво равнақ топиши учун шароит яратиб берган, уларга раҳнамалиқ қилган, ўзи ҳам бетиним сермахсул ижод қилиб, беназир бадиий-илмий асарлар ёзиб қолдирган.

Шу хусусда тарихнавис Ғисийдин Хондамирнинг ёзиб қолдирган мана бу сатрлари бекхтиёр ёлга келди: «Амир Алишернинғ фазлу хунар табақасининг ақсарига ғамхўрлиги ўрдир. Таъзиб ва тасвир илму хунаридати беғулсон ва чексиз бўлган қадам ахтлари, шунингдек, замон наққошлари ва давр мухандисларининг кўпи ул ҳазратнинғ тарбия ва тарлим воситаси билан бу хунарларини ўрандилар ва атроф оламда монанди йўқ яхшилар сянғи бўлдилар».



XV—XVI аср Хуросон, хусусан, Хирот маданияти тарихи билан шутулланувчи хорижлик олимлар орасида «Ўқун» деган баёз (тутлам)да бир кизик хикоя бор. Бу хикояда Камолиддин Бехзоднинг ёшлик даври баён этилади. У пайтда Бехзод хали мусаввир сифатида унчалик машхур бўлмаган, унинг истеъдодидан Алишер Навоийдек ўткир дилли ва нафис зеҳнли ўстод хали хабар топмаган эди. Куйида ўша кимматбаҳо хикоятни келтирамиз:

«Амир Алишер ўз либосини ўзгартирган холда бир факир наққош (бўлажак мусаввир)нинг кулбасига келиб, унинг эшигини тақиллатади. Ичкаридан «лаббай» садосини эшиттач ижозат сўраб, ичкарига кирди. Уй ичида Шох (яъни, Султон Хусайн Мирзо) тасвирларидан кўра кўпроқ ўзининг тасвирларини кўради.

Хайратланиб наққошдан сўрайдди:

— Бу тасвирлар кимники?

Наққош тавозе билан жавоб берди:

— Хунармандларнинг отаси, тадбиркор Амир Алишер жаноблариникидирким, мен ўзларининг хузурларида турибман.

Амир деди:

— Нега шу пайтгача хузуримга келмадинг?

Наққош жавоб берди:

— Нима учун? Борганимда Сиз мента туҳфалар инъом қилардингиз. У холда мен ўз асарларимни фақат Сизга сотган бўлардим. Ваҳоданки, Сизнинг тасвирларингизга шу қадар ҳам харидор кўлки, Сизга навбат ҳам стипендаиди.

Амир наққошга тавзим қилди ва деди:


— Қадр ва кимматимни мен Султон даргоҳидан эмас, балки бир фариб наққош кулбасидан топтаним учун бағоят шодман.


Сўнгра Амир Алишер фариб наққошнинг қандай эхтгежи бўлса, ҳаммасини муҳайё этишга ваъда берди».

Бу хикоя, назаримизда, шу томони билан диққатга сазоворки, унда ёш, хали истеъдоди уччалик очилмаган фариб бир наққош — Камолиддин Бехзод ҳаётининг бир манзараси тасвирланади. Яна бу хикояда биз ёш расом Бехзоднинг ўзига хос камтарлиги, «барча хунармандларнинг отаси, тадбиркор амир» Алишер Навоий билан бағоят самимийлик, камтарлик ва тавозе билан муносабатда бўлиши, бўлажак юксак талап этасига хос мағрурлигини ва ўз қадру кимматини юқори поғонада тутишини ва ниҳоят, «сар қадрини заргар билиб», Алишер Навоий фариб ва бечора наққош Камолиддин Бехзодни барча «эхтиёжлардан бениёз» этганлигини, яъни уни қўллаб-қувватлаганлигини, барча заруриятларини муҳайё этишга ваъда берганлигини пайкаб оламиз.

Бу хикоя бизга Алишер Навоий билан Камолиддин Бехзод ўртасидаги ўстодлик ва шогирдлик муносабатларининг, келажакда бағоят буюк натижалар берган ажиб эзгу ижодий ҳамкорликнинг бошланганлигидан хабар беради.

XV асрдаги маданиятимиз, адабиётимиз ва санъатимиз тарихини жуда чуқур билган, ўша даврга онд бир неча кимматбаҳо бадний ва илмий - тадқиқий асарлар ёзиб қолдирган, йирик шарқшунос олим ва буюк адиб Мусо Гошмухаммад ўзини Ойбек ҳам ўзининг сўнгги асарларидан бирида Камолиддин Бехзод хақида, унинг Алишер Навоийдан кўп нарсаларни ўрганиб, унинг даҳосидан баҳраманд бўлганлиги тўғрисида куйидагича маълумот берган эди: «Камолиддин Бехзод хақини равишда Шарқнинг Рафъали деб номланган улут санъаткор — расом... Камолиддин Бехзоднинг кисти (расом қалами) хақикатан том маъносида сеҳргардир. Бўёқларининг майин тўзаллиги, жонли оҳанги, чизиларининг ёркин кўзга ташланган маъноси билан бу расом ўз санъатининг «қайта келмас» бир моҳирдир. Камолиддин Бехзод хақида буюк тарихчи Хондамирнинг айтган







66. Эрчиллар кабул ва шафқатга юнгитиришга кўчкорлар ва кийинлар жамия.  
Расмчи Бухони. Б.М. 492 а.р.




67. Эрчиллар кабул ва шафқатга юнгитиришга фил  
туя жани ва нонбеллар кўраши.  
Кўш расм. Чан тохон.  
Расмчи Мангу Чеза. А.Д.М.



68. Бобур қадрани Султон Жалолиддин уюлтирган энефатла.  
М.С.М.



69. Бобурнинг таъризи ва сайрига юз бегларни юкка тинчоқдан  
кочдан бадиқилини қайиққа ўқиниб қозилиши.  
Расмон Жаънидатх. Д.М.М. 366 б.в.



70. Бенгалия дачиси Бобур набўғида.  
Рассом Ровшан. Б. М. 459 а. б.

сўзи тўри, лекин Камолдин Бехзод санъатини таърифлашда анча хирадир: «У каламинг ажойиб махорати билан жониз нарсагарга жон бағишлади».

Бехзод ёшликда ота-онадан айрилган хиротлик бир етимча эди. Бу шўрлик етимча Шарқнинг Рафъалига айланди. Унинг асарлари Европа, Осиё, Америка кутубхоналарининг гавҳарларини ташкил этди. Лекин шу нарса муҳаққаки, Камолдин Бехзод Алишер Навоий кашф китган санъат тарихининг ёркин ва подир сиймоларидандир. Расм санъатидан яхши хабардор бўлган, уни чуқур севаган, ингичка завқли, бениҳоят маълумотли шоир Алишер Навоий Камолдин Бехзоднинг азамат талантини очган ва гуллаган. Буни Алишер Навоийнинг замондошлари эътироф этадилар».

Бошқа миннатдорасоз — рассом, наққошлар ҳамда санъаткорлар катори Камолдин Бехзод ҳам Хиротда яшagan кезларида Алишер Навоий билан доим маслаҳатлашиб турган, яратган асарларини унга кўрсатиб, унинг олқиш-эътиборига сазовор бўлган бўлиши керак.

XVI асрда яшаб ижод этган тарихчи Зайнулдин Восифий ўзининг «Бадойиул вақоийъ» асарида Алишер Навоий билан Камолдин Бехзод орасидаги бир кизик тарихий лавҳани келтирди. Бунда Бехзоднинг ажойиб бир асарини Алишер Навоий ўз атрофидаги дўстлари билан бирга томоша қиларканлар, суҳбат ахли ўз завқлари ва акну идрокларига бинсан, рассом асаридagi ҳаётий ва реал манзара тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, ўзларига хос ҳазил-мутойиба арағаш мусаввир томонидан ишланган тасвирга баҳо бердилар. Бу лавҳа — тасвир олдида туриб айtilган ўзига хос ажиб мулоқоранамо бир жўшқин ҳолат, зукколик ва хозирги замон тили билан айтганда, миннатора пайривиди айtilган гўзал бир аския десак, янгишмаган бўламыз. Бу хикояда Камолдин Бехзодни негъдоди расо санъаткор сифатида, ижодий куч-қудратиға тўлиб-тошган бағоят мохир мусаввир ҳолатида кўрамыз:

«Алқисса, кунма - кун, лаҳзама - лаҳза устоз (Бехзод)нинг хунар ва мартабаси ўса борди. Чизган нақши туфайли у гойиблик пардавидан чиқиб, шуҳрат ва заковати сурати (яккол) намён бўла борди. (Шундай бир ҳолиса) машҳурки, устоз Бехзод (суврат чизилган) саҳифани буюк Амир Алишернинг фирдавсмонанд, осмон зийнатли мажлисига келтирди. Сувратга тасвирланишича, ораста боғча, (у) турли-туман дарaxтлар билан қопланган ва дарaxт шохларида хушсуврат турли-туман кушлар. Хар тарафда ариқчалар шилдираб оқиб ётибди. Очилган зангори тул гуллари ва (унинг) орасида Мир (Алишер)нинг ёкимли хушсуврати. У асога таянган (холда) турибди. Ёнида сочик (одатини ижро этмок учун), зар тўла табакларни кўйган. Ҳазрати Мир ул сувратни мушоҳада ва мулоҳаза қилди: ул нафис саҳифа боғлар ичра латиф ва шодлик гуллари, хаёлий ховузлар атрофи гўзал ва хузур (бағишловчи) дарaxтлар билан безатилган. Боғлагги (шод) бўлбўлдек (Алишер) завқ ва шавққа тўла кўнглидан «аҳсан ул-аҳсан» («жуда соз») садосини чиқарди.

Б а й т :

*«Наққош бўди, хоқа мунаққаш қарди.*

*Эй вақти ту хуш, ки вақти мо хуш қарди».*

Мазмуни: «Эй наққош! Сен келиб хонамизни безатдинг. Вақтинг хуш бўлсин, зероки, бизни бағоят хуш этдинг».

Сўнгра Мир мажлисда хозир бўлганларга қараб деди: «Азизларнинг хотирига бу муҳим саҳифа таърифи ва тавсифи учун нималар келди?»

Мир (Алишер)нинг устози ва Хуросон аҳлининг машҳур (киши)ларидан бўлган Маълано Фасихиддин (бундай) деди:

Маҳдумлари! Кўз олдилмаги бу очилган рабно гулларни кўл чўзим узсам-у, дасторимга сангсам!»

Мир (Алишер)нинг дўсти ва улфати Сохиб Дорю (бўлса):

—Менда ҳам шундай истак бор эди. Аммо, кўл чўзсам, дарахтлар устидаги қушлар хурқиб, учиб кетмасин, деб андиша қилдим, — дейди.

Хуросоннинг хуштаб ахли ва пешволаридан бўлган, Мир (Алишер) билан доимо тегишиб, қочирим сўзлар айтиб юрадиган Мавлоно Бурхон:

—Мен мулоҳаза билан кўлимни тортиб, тилимни тиймоқчиман: агар сўз котсам, мабодо хазрат Мир (Алишер) аразлайдилар ва юзларини буриштириб, кошларини чимирадидлар, — дейди.

Нозик табиатли Мир (Алишер) унга «Латифатарош» деб лақаб кўйган хуросонлик хушоматдўй (кишилардан) Мавлоно Бадахший бўлса:

—Эй Мавлоно Бурхон: агар беолаблик ва густохлик бўлмаганда, сувратадаги Мир (Алишер)нинг кўлларидаги асоли олиб бошингга солар эдим, — дейди.

Хазрат Мир (Алишер) суҳбатни яқунлаб,

- Азиялар яхши сўзлар айтишди ва маъно дурларини (жуда) маъқул сочиди. Агар Мавлоно Бадахший ўша номаяқул ишни раво кўрмаганларида ва дағаллик қилмаганларида, мен (сувратада тасвирланган) табаклардаги олтинларни дўстларнинг бошларидан сочмоқчи эдим, — дейди.

Шундан сўнг Алишер Бехзодга эгар-жабулқини от ва муносиб тўн, мажлис ахлининг хар бирига (эса) хашаматли либос инъом қилди»<sup>131</sup>.

Камолддин Бехзоднинг замондошлари эътироф этганларидек, Алишер Навоий ёш рассомнинг истеъдодини илк дафъа кашф этган, унинг камолотга эришувида алоҳида хисса кўшган, уни хамиша кўглаб-қувватлаган, унга устозлик қилган Камолддин Бехзод замондошлари томонидан (Ғисилдин Хондамир, Захриддин Бобур, Зайнуддин Восифий ва бошқалар) бу улкан икки зотнинг ўзаро муносабатлари тўғрисида ёзиб қолдирилган маълумотлар ҳам улар орасидаги устозлик ва шогирдлик муносабатларининг нақадар пок ва бетаъаз, ижодий ва самимий бўлганини ошқ-ойдин баён этади. Қолавверса, Алишер Навоий асарлари кўлэмаларида ўша даврда ишланган кўплаб миннаторлар ҳам ушбу яқин ижодий ҳамкорлик самарасидир.

Бу хусусда юқорда зикр этилган бир муҳим маълумотни қайта эслатиб ўтмоқчимиз. Алишер Навоий ўз дўстларидан бирита ёзган шахсий мактубида («Муншаот», 25-мақтуб) Камолддин Бехзоднинг подшоҳ Султон Хусайн Мирзо хузурида алоҳида хужрада яшаб, ижод қила бошганини айтиб ўтади: «Қуллук дуодин сўнгра араздошт улким, иноят нишони келди, иноят сўзлари маълум бўлди. Хар ойинаким, андок бўлгусенидур ва бу кўёшдин равшанроқдур. «Фироқнома»<sup>132</sup>ким, юборилибдур — тасвир қилгуен деб, ани тасвир қила олур киши устод Бехзоддур ва бу яқинда Устоди мушорунгилайкин Мирзо (Султон Хусайн) тилаб олдилар: ўз кошларига ботда хужра яеатиб иш бурорадурлар. **Яна андок кишиким, ул китобатга муносиб иш қила олғай — йўқ эрди»**.

Шундай қилиб, Камолддин Бехзод ўз замонасидаги жуда кўп шоир, олим, муסיкашунос, рессом, наққош ҳамда бошқа санъаткорлар XV аср Хирот шаҳри муҳитидаги улғур сиймо, барча санъаткорларнинг маслахатдўйи ва хомийси Амир Алишер Навоий тарбиясини олиб, улғур рессом — миннаторасоз бўлиб етишди ва ўз миннатдорчилигининг намунаси сифатида шоир асарларида кўплаб нафис расмлар ишлаб, уларда ҳам шоир сиймосини бир неча марта тасвирлади. Захриддин Мухаммад Бобур таъбири билан айтдиغان бўлсак, «Устод Бехзод Бекнинг (яъни, Алишербекининг) тарбият

ва тавқияти била, сазъи ва эҳтимоми била, мунча тараккий ва шуҳрат, мундок машхур ва маъруф бўлди».

Алишер Навоийнинг лирик мероси — шеърнатида рессом — наққошга қарата айтган байтлари жуда кўп. Қолавверса, шоир ўзининг «Фарҳод ва Ширин», «Сабъан сайёра» дostonларида рессом Моний, Шолур сиймоларини яратди. Фарҳод тарбияланиши давомида рессом - наққошликни ўрганган зикр қилинади. Ахир Алишер Навоийнинг шаксан ўзи томонидан «Занжирубанд шер» расми яратилиши ҳам бежиз эмас. Алишер Навоий ва унинг замондошларини Камолддин Бехзод яратган сиймоларини кўрганда шоирнинг қуйидаги байти ёдга тушади:

*Тар биатиниҳ ул улмасе бори,  
Шак эмаским, эрур намрӯбори.*

Агар Алишер Навоийнинг Камолддин Бехзодга устоз ва хомийлиги барчага маълум бўлса-да, рессом шоирнинг алоҳида тасвири — портретидан бошқа яна қандай асарларида расмлар ишланган? Ушбу мавзу ўзбек олимлари Ш.Камбарова, Ф.Судлаймова ва афғон олими Мухаммад Афзал Бонувал томонидан маълум даражада ёритилган бўлса-да, бу масала бор кўламида талқик қилинми, дейиш қийин. Чунки Алишер Навоий асарларида шоир ва рессом ҳаётлигида яратилган нафис расмларнинг ҳозирча ҳаммаси ҳам чоп қилингани йўқ. Бу албатта келгусида амалга оширилиши муҳим талқикот ишлардан бириким, буюк шоир ва мусаввир ижодий ҳамкорлиги кирраларини муқаммад ёритишга ёрдам беради.

#### Камолддин Бехзод ижоди

Камолддин Бехзод саксон йиллик узоқ ва мазмундор ҳаёти даврида Султон Хусайн Мирзо (1469—1506), Мухаммад Шайбонийхон (1451 — 1510), Шох Исмоил Сафавий (1501 — 1524), Шох Таҳмосиб Сафавий (1524— 1576)лар ҳукмронлик қилган тўрт салтанатни кўрди. Темурийлар сулоласи Хуросон давлати пойтахти Хирот шаҳри, Мухаммад Шайбонийхон пойтахти Самарқанд шаҳри ва Сафавийлар сулоласи пойтахти Табриз шаҳрида яшаб, фалак гардишининг ёрқин қуллари-ю, азоб-уқубатларни ўз кўзи билан кўриб мушохода қилди, ижтимоий борлиқдан олган бой ва ранг - баранг таассуротлари, ички кечинмалари, кайфиятларини ўз ижодида зўр маҳорат билан тасвирлади.

Камолддин Бехзоднинг сермахсул буюк санъаткор, меҳнатсевар ва заҳматқаш бўлганлиги кўпгина тарихий манбаалардан бияга маълум. Афсуски, унинг асарларидан маълум бир қисминга биягача етиб келган. Буюк мусаввирнинг баъзи бир шох асарларини бехзодшунослар Қосим Али, Султон Мухаммад, Око Мирақ, Махмуд Музаҳҳиб сингари ўнглаб истеъдодли шогирдлари асарлари билан алмаштириб, аниқтай олмасдан келишпётганликларини ҳам унутмаслик керак. Камолддин Бехзод асарларининг Шарқ ва Ғарб бехзодшунослари томонидан ҳозирча аниқланганлари қуйидагилардан иборат.

1. Шарфиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарига ишланган миннаторалар. Маълумки, бу кўлэмга 1467 йилда ўз даврининг машхур хатготи Шер Али томонидан кўчирилган. Камолддин Бехзод ўша кўлэмга китобни кейинроқ ўзининг гузал миннаторалари билан безатган. Ғарб ва Шарқ миннаторашуносларининг фикрича, бу китоб ўзининг илмий - тарихий ҳамда бадиий безаклари жиҳатидан шарқшунослик, тарих ва санъатшунослик фанлари учун анча эътиборлидир. Ушбу кўлэмга асарнинг «тақдир» қизик. Хиротда Султон Хусайн Мирзо салтанати инкирозга учратач, уни Хиндистонга, Носирддин Мухаммад Хумсон саройига олиб кетишди. Сўнгра бу китоб бир неча йил

<sup>131</sup> Ушбу лаъха юқоридда «Алишер Навоий портретлари» мақолисида ҳам келтирилган.

<sup>132</sup> «Фироқнома» — деб, шоир «Лайли ва Мажнун» дostonини назарда тутмоқда. Абд.М.

подшоҳ Жағлолиддин Мухаммад Акбар (1556-1605) саройидаги улкан китобхонанинг энг нодир асарларидан бири бўлиб, унга алоҳида зебу зийнат бағишлаб туради. Унда Акбар, Жаҳонгир (1605-1627) ва Шоҳжяхон (1627-1651) мулки эканлиги туғрисида қайдлар мавжуд. 1756 йилда уни Эрон подшоҳи Нодиршоҳ қимматбаҳо ўлжа сифатида ўзи билан бирга Хиндистондан Эронга олиб келди. XIX асрда эса «Зафарнома»ни европалик санъатшунос доктор Шулъи ўзи билан бирга Европада олиб кетди. Ушбу кўлэмга асар ҳозир Америка Кўшма штатлари Балтимор шаҳридаги Жон Хопкинс университетиди, Эйзенхуэр кутубхонаси, Жон Ворк Гаррет коллежисиди сақланмоқда. «Зафарнома»даги Камолиддин Бехзод томонидан ишланган миниатюраларни 1930 йилда инглиз санъатшунос олими Томас Арнольд Лондонда илмий шарҳлар билан нашр этган.

2. Хурросон ҳокими Султон Хусайн Мирзонинг мажлислари тасвир этилган мураккаб (альбом). Ушбу мураккаб Султон Хусайн Мирзонинг Хиротдаги китобхонаси учун тайёрланган эди. Бундаги 40 дан ортиқ тўзал миниатюралар Камолиддин Бехзод томонидан ишланган. Мураккаб даставвал Афғонистонда эди. XX асрнинг бошларида уни франциялик санъатшунос олим Музье Фоше сотиб олди ва Франциядаги Дувр музейига топширади. Хозир у ўша ерда сақланмоқда.

Камолиддин Бехзод ижодининг салмоқли қисмини ўз мураббийси Алишер Навоий асарларига ишланган тасвирлари ташкил қилади, ammo, бу миниатюраларнинг ҳаммаси чоп қилгани йўқ. Ызига маълум кўлэмга ва расмлар куйидагилардир:

3. Радиуззамон Мирзо учун яратилган «Хамса», Хирот, 890/1485. 11 та расмдан — «Тайғамбар ўз саҳобалари билан», «Ёсуман Фарҳодга Шириннинг «ўлимиди» хақида ҳабар бормоқда», «Мажнун Дайли уйида», «Моний Баҳромга Дилором расмини кўрсатмоқда», «Баҳром дардида даво топиш учун тўпланган ҳақимлар», "Алишер Навоий буюк шоирлар орасида" номли асарлар Камолиддин Бехзод мўйқаламига мансубдир.

4. Санкт-Петербургдаги «Хамса» расми кўлэмаси. Хирот XV аср охири. Россия Миллий кутубхонаси. Рақам Дорн 559. Ундаги «Икки вафодор ёр», «Султон Хусайн Мирзо ва даввоғар кампир қози олдида» ва бошқа расмларни Камолиддин Бехзод ишлаган.

5. Ёш Алишер Навоий ва Султон Хусайн тасвири. Ушбу нодир расмлар Санкт-Петербургдаги Россия Миллий кутубхонасидаги мураккаб (Рақам Дорн 480, 266—27) варақларда жойлашган, уларда икки дўстнинг ёшлиқдаги ўқув жараёни тасвирланган. Бу расмларда Алишер Навоий ва Султон Хусайн ёшлиги тасвирланганини Санкт-Петербурглик оғима О.И. Алеркина аниқлаган.

6. Амир Хуррав Деҳлавийнинг «Хамса»сига ишланган 33 та миниатюра. Мазкур асар 1496 йилда номалълум хаттоғ томонидан кўчирилган. Миниатюраларнинг фикрига қараганда, «Хамса»даги сувраатларнинг ҳаммаси Хиротдаги Камолиддин Бехзод бошлик «Нигористон» (санъат академияси)да Бехзод ва унинг истаъдодли шогирдларининг сеҳрли мўйқалами билан бажарилган. Хозир ушбу асар Берлиндаги Миллий кутубхонада сақланмоқда.

7. Амир Темур тарихи мураккабаси. Мазкур альбом 1467 йилда номалълум санъаткор томонидан тузилган бўлиб, нуқра (кумуш) ва тиллакорлик хунарлари ила ўта зўр маҳорат билан жуда пухта ва тўзал ишлангандир. Унда бошқа нафис тасвирий санъат намуналари билан бир қаторда Камолиддин Бехзоднинг бир неча миниатюралари мавжуд. Маълум жихатидан мазкур миниатюраларнинг ҳаммаси Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. Уларда Амир Темурнинг тахтда ўтирилиши, Амир Темур салтанатидидаги қабул маросими, Амир Темур лашкарларининг бир қалъага ҳамласи, Самарқанддаги масжид қурилиши сингари манзаралар тасвирланган. Мазкур тўпلام хозир Американинг Бостон шаҳрида сақланмоқда.

8. Шoir Саъдий Шерозийнинг «Бўстон» асарига ишланган миниатюралар. Ушбу асар 1487 йилда Султон Али Машхадий томонидан Султон Хусайн Мирзонинг Хиротдаги машхур кутубхонаси учун кўчирилган ва ўша даврнинг бошқа бир истаъдодли санъаткори устод Ёрий Музаҳҳиб томонидан баъдий безаклар билан зийнлатилган. Бу асар хозир Миср Араб Республикасининг Кохира музейида сақланмоқда. Франциялик санъатшунос олим Репе Грусе берган маълумотга қўра, мазкур асар бир оз ноқис бўлиб, ундаги баъзи бир варақлар замонлар ўтиши билан йўқолган. Лекин, шунга қарамайдан, ушбу тўпладдаги Камолиддин Бехзод томонидан бағоят зўр маҳорат билан ишланган миниатюраларнинг ҳар бири алоҳида шох асар сифатида хануз тамошабинларни хайратга солиб, уларга олам-олам эстетик завқ бағишлаб келаетир. Султон Хусайн Мирзонинг Хиротдаги сўлим ва нафис бир боғдаги базм манзараси тасвирланган машхур миниатюра ҳам мана шу «бўстон» асарига сақланиб келаяпти. Мазкур кўлэмалдаги расмлар 1959 йилда доктор Мухаммад Мустафо томонидан тегишли шарҳлар билан араб тилида Кохирада нашр қилинган.

9. Султон Хусайн Мирзо тасвири. Унинг асл нусхаси швед санъатшунос олими Ф.Р. Мартиннинг шахсий коллекциясида сақланаётир. Хозир дунёнинг дедради барча мамлакатларида минипюра ишқибозларига маълум бўлган ушбу портрет ана ўша санъатшунос Ф.Р. Мартиннинг шахсий коллекциясидан кўчирилган нусхалардир. Миниатюрада Хурросон подшоҳи Султон Хусайн Мирзо ўзининг бутун салоҳати, етқадор пишик гавдаси, қийик кўзли япаски юзи, шоҳона либослари билан ҳаққоний тасвирланган. Расми кузатар эканнига, машхур шонр, олим ва саркарда Захириддин Мухаммад Бобурнинг Хурросон султони туғрисида ёзиб қолдирган куйидаги жумлалари ёлмизга келди: «Султон Хусайн қийик кўзлук, шер анлом, бўйгук киши эди. Белидан куйингича эди. Бовуҷулқим уйуғ ёш яшаб, оқ соқоли бўлиб эди, хушранг, қизил аёрлимини қияр эди. Қора кўзи бўрқ қияр эди, ё қалпоқ».

Камолиддин Бехзод чизган Султон Хусайн Мирзо тасвирини кўрган ҳамда уни Бобур сўзлари билан муқофас этган ҳар бир киши расом асарининг нақадар реал, ҳаққоний ҳамда ғоятда зўр маҳорат билан бажарилганлигиа ишонч ҳосил қилади.

Эронлик санъатшунос олим, доктор Заки Мухаммад Хасан берган маълумотга қўра, Камолиддин Бехзод томонидан ишланган Султон Хусайн Мирзо тасвири Музье Каратвенинг шахсий коллекциясида (мажмуасида) ҳамда Миср Араб республикасидаги «Дор ул-кутуб ал-Мисрия» кутубхонасида сақланаётган Саъдийнинг «Бўстон» асарига ҳам бир-бирига ўхшаш икки миниатюра мавжуддир.

Хорижий олимларнинг фикрича, Камолиддин Бехзод Султон Хусайн Мирзонинг бошқа бир тасвирини ҳам чизган. Унда Хирот султони Хусайн Мирзо от устида ўзига хос салоҳат ва шоҳона виқор билан ўтирган пайти тасвирланади. Миниатюраларнинг тагида «Тасвири Султон Хусайн Мирзо—Бехзод», ундан ҳам куйроққа «Ал-факир Бехзод» деган имзо ҳам чиройли қилиб битилган.

10. Бир асир шахзода тасвири. Ф.Р. Мартин фикрига қараганда, Камолиддин Бехзод томонидан чизилган ушбу сувраатдаги қаҳрамон - шахзода 1502 йилда Сафавийлар томонидан асирга олиниб, қатл қилинган Оқ қўйинли қабиласининг сўнги бошлиқларидан бири бўлиши мумкин. Мазкур миниатюра хозир Европадаги Доне деган санъатшунос ишқибозининг шахсий коллекциясида сақланмоқда.

11. Мурад Оқ қўйинликнинг тасвири. Баъзи бир санъатшунос мутахассисларнинг фикрига қараганда, ушбу миниатюра хозир Европадаги атоқли санъатшунос олим марҳум Эрнст Кухнелнинг шахсий коллекциясида сақланмоқда.

12. Низомий Ганжавий «Хамса»сининг кўлэмасига ишланган расмлар. Хиротда 846/1442 йили кўчирилган. 19 та расм кейинчалик ишланиб, улардан учтаси (776 в.) «Хиррав Ширин қасри олдида», «Баҳром қора қасрда» (173а в.) ва «Искандарнинг Эрон

лашкарлари билан жанги» (2316 в.) расмларини Камоллидин Бехзод ишлаган. Бехзоддан кейин Сафавийлар даврида ишланган расмлар ҳам бор. Кўлэзма Британия музейида сақланмоқда. Раками ОР. 25900. Сақкиета расм Тошкентда Х. Сулаймонов ва Ф. Сулаймонова томонидан чоп этилган.

13. Низомий Ганжавий «Хамса»сининг бир нухасига ишланган миниатюралар. Бу кўлэзма китоб номатлум хаттот томонидан 900/1494—95 йил Хиротда кўчирилган. Раками ОР. 6810. Мазкур кўлэзма Султон Хусайн амалдорларидан Амир Али Форсий Барлос учун яратилган. Ундаги 22 расмдан, Нуриддин Мухаммад Жаҳонгирнинг фикрича, 16 таси устод Бехзодники, 5 таси Мирак Накшош ва биттаси Абдураззок номли рассом мўйкаламга мансуб. Китоб Бобурийлар саройи кутубхонасида бўлган ва унда Жаҳонгир ва Шохжаҳон дасхат ва мухрлари (за в.) бор. Ундаги ўн тўртта расм Х. Сулаймонов ва Ф. Сулаймонова томонидан чоп этилган. Франциялик олим Мусье Мижон, туркиялик олим Арамнокбек фикрларига қараганда, мазкур тўпламдаги миниатюраларнинг маълум бир қисмини Камоллидин Бехзод, қолган қисмларини Қосим Али Чехракшо билан Око Мирак ишлаган. Швед олими Ф. Н. Мартин берган маълумотларга қараганда, мазкур кўлэзма китобдаги миниатюраларнинг ҳаммаси Камоллидин Бехзоднинг сеҳрлар мўйкаламга мансубдир. «Хамса» асари кўлэзмаи хазир Британия музейида сақланмоқда.

14. Муаллифи номаълум бўлган бир кўлэзма китобга ишланган тасвирлар. Бу асарни Хиротда Мухаммад ибн Аътор деган хаттот 1475 йилда окка кўчирган. Камоллидин Бехзод эса уни ўзининг гузал ва нафис миниатюралари билан безатган.

Мазкур тўпламдаги тасвирлар орасида «Дарвешлар рақси», «Шириннинг Хирав томонидан кутиб олинishi», «Мажнуннинг тугъилиши», «Кўк ранг тўти ушлаб турган киши» сингари гузал миниатюралар хануз томошабинлар диққатини ўзига жалб қилади. Мазкур тўплам хазир Британия музейида сақланмоқда.

15. Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Лайли ва Мажнун» дostonига ишланган тасвирлар. Мазкур кўлэзма асар номатлум хаттот томонидан 1495 йилда кўчирилган. Россиянинг Санкт-Петербург шахридаги Миллий кутубхонада сақланади. Раками Дорн. 395.

Бу дostonдаги Лайли ва Мажнуннинг мадрасада ўқиш пайти, гузал боғ кўриниши сингари миниатюралар ўзининг табиийлиги, ҳаётлилиги ва нафислиги билан ҳалигача томошабинлар диққатини жалб қилиб келмоқда.

16. Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Лайли ва Мажнун» дostonи кўлэзмаи ишланган расмлар. Кўлэзма хаттот Султон Мухаммад Херавий томонидан кўчирилган. Хирот, ХУ аср охири. Кўлэзма хазир Санкт-Петербургтаги Россия Миллий кутубхонасида сақланади. Раками Дорн 394.

Кўлэзма нафис унвои билан бошланиб, унда Камоллидин Бехзод ва шогирдлари яратган еттига расм бор. Бештаси чоп этилиб, айниқса «Лайли сахродаги Мажнун хузурида» расми (24а в.) юксак баъдий ҳусусиятлар билан алоҳида ажралиб туради.

17. Туялар жанги. Бу нодир ва нафис тасвирий санъат асари Камоллидин Бехзод томонидан 1525 йилда Табриз шахрида яратилган. Ўша пайтда буюк наққош анча кеҳсийб, ёши етмишдан ошиб қолган эди. Камоллидин Бехзод мўйсафид бўлиб қолганига қарамастан навиқрон рассомлардек зўр илҳом ва кўтаринки руҳ билан ўта динамик бир ҳаётги манзара ярата олган. Ушбу миниатюрода икки туя (оқ ва қора) олишяётган, улар орасидаги ўзига хос «жанг» кизилган пайт зўр маҳорат билан тасвирланади. Иккала туя устида ёпинчик, қориндик каби анжомлари бор. Туя эгалари икки томондан ўз жониворларининг «жаҳд»ларини чиқариб, уларни «жанг» учун яна ҳам тезлаштир. Бир чеккада турган мўйсафид киши туялар «жанг»ини мароқланиб кузатмоқда. Бу манзарада туяларнинг олишувидати жазава, жўшқин харакат миниатюрода тасвирланган кишиларга ҳам ўтгандай бўлиб, уларнинг ички ханжони, кечинма ва кайфиятлари ғоятда ҳаққоний, зўр маҳорат билан тасвирланган.

Ушбу миниатюранинг юқори томонидаги ўнг бурчақда қуйидагича ёзувларни кўриш мумкин: «Мазкур (тасвир) яратилиши мураққасидан бир парча бўлиб, (Қуръон оятининг) «.. улар туяларнинг қандай яратилганига қарамайди тарми?» (деган) мазмунига ишора қилдики, қалами шикаста, фақир ва номурод Бехзод умри етмиш ёшга етгандан сўнг ўта бой тажриба орттириш натижасида ушбу ишга киришди».

«Туялар жанги» асари ҳам кык дафъа Камоллидин Бехзоднинг бошқа шох асарлари каби 1931 йилда Лондонда ташқи этилган «Эрон санъати» кўргазмасида намойиш қилинган эди. «Эрон санъати тарихи» (Техрон) китобидати маълумотта кўра, мазкур тасвирнинг асл нухаси хазир Эрондаги Гулистон саройида сақланади.

18. Шoir Абдулло Хотифийнинг «Темурнома» асари ишланган миниатюралар. Мазкур асар тўртисида олим Али Аҳмад Намий ўзининг «Темурийлар даври Хирот суваратчилар ва хушнаввислари» (31 - бет) китобида «Тарихи Гужарот» деган бир манбага таънган ҳолда қуйидаги маълумот беради: «Кўчманчилар устига (боққичилар) ҳамла қилдилар. Арзигулик бирор нарса тономладилар, шундан сўнг қўлларига нима ялнниса, ҳаммасини, жумладан, китобларни ҳам талон - тарож эдиллар. Олиб кетилган китоблар орасида Маълono Хотифийнинг «Темурнома» асарининг бир жидди бор эди. Бу китоб устод Султон Али (Машхадий) томонидан кўчирилиб, Бехзоднинг мўйкалами билан мусаввир этилган эди».

Хазир мазкур «Темурнома» китоби Туркиянинг Тўпқоти Сарой музейи кутубхонасида сақланмоқда.

19. Шoir Сабдийнинг «Гулистон» асари ишланган миниатюралар. Бу асарни номатлум хаттот Хиротда окка кўчирган, ундаги гузал ва нафис тасвирларин эса Камоллидин Бехзод 892—894 хижрий йилларда яратган.

Хазир мазкур тўплам Миср Араб Республикасидаги Кеҳира Миллий кутубхонасида сақланмоқда. Мана шу асар ҳам, 1931 йилда Лондонда ташқи этилган «Эрон санъати» кўргазмасида намойиш қилинган эди.

20. Шoir Абдурахмон Жомий тасвири. Камоллидин Бехзод Хиротда ўша даврининг энг улғу олимларидан. Шoir ва мутафаккирларидан бири бўлган Абдурахмон Жомийни бир неча марта кўрганиги, у билан доим суҳбатлашиб, унинг илм - дониш денгизидан баҳраманд бўлганигига ҳеч қандай шак - шубҳа қилмасек бўлади.

Демак, Камоллидин Бехзод она шахри Хиротда ижодий куя-кувавта тўлиб-тошган йиллари ўзининг ҳаммаслаги, сеvimли устоз ва дўстларидан бири Абдурахмон Жомийнинг тасвирини ҳам яратган. Миниатюрода улғу шoir ва мутафаккир Абдурахмон Жомийнинг чўккалаб ўтириб, янги битилган ажойиб шеърларидан бирини мутона қилаётган пайти тасвирланади. Унинг чап қўли чап тиззаси устида, ўнг қўлида эса шеър битилган қоғоз, олдиди очик китоб, ўнг томониди обдеста. Жомийнинг пишик гавдаги, узун бўйли, тўладан келган, салта ураган, соқол - мўйповли пок, нуруний мўйсафид одам бўлганлиги, ўйчан кўзларидан ўткир акл - идрок, юзидан эса нур ёғилиб турганиги расмда бағоят реал ва ҳаққоний акс этирилган.

Буюк шoir Абдурахмон Жомий ва Камоллидин Бехзодлар замондоши, бир неча бор улар билан суҳбат қуришга мусаясар бўлган тарихчи Зайнулдин Восифий «Вадоййул вақойиъ» асарида Абдурахмон Жомий хақида ушбу сатрларни ёзиб қолдирган эди: «Абдурахмон Жомий кишин - ёзин суридан қилинган кабо (либос) кияр, доимо узун сочиқка уралиб юрарди; бошида эса ҳаминша «Хожа Убайдий» кўлохи бўлиб, унинг атрофига қичик ва арзимас дастор (салта) ураб юрарди, кўлидаги мажнунтол новдасидан ишланган хасаси шўтчалик узун эдики, унинг олижаноб ва бўйлуқ гавдасидан чорак хисса ошиб турарди».

Шу нарсани ҳам эслатиб ўайликки, Камоллидин Бехзод томонидан ишланган Абдурахмон Жомий портретининг асл нухаси хазир Эрондаги «Хазрати Ризо»

китобхонасида сақланади. Хиндистонда ҳукмронлик қилган Бобурийлар сулоласига мансуб подшоҳлардан бири Нуриддин Мухаммад Жаҳонگیر саройида XVII асрда яшган Давлат Хонзод исмиги рассом Бехзоднинг ана ўша асаридан нусха кўчирган. Бизнинг давримизда Шарк ва Фарб мамлакатларида нашр этилаган китоб ва альбомлардаги Абдурахмон Жомий тасвири ана ўша хиндистонлик рассом Давлат Хонзод кўчирмасидан кўпайтирилган нусхалардир.

1931 йилда Лондонда ташкил этилган «Эрон санъати» кўргазмасида Бехзоднинг бошқа миниатюралари билан бир каторда «Абдурахмон Жомий тасвири» асари ҳам намойиш қилинган эди. Миниатюрада содда кийинган, кўлига котоз ушлаб турган Мавлоно Абдурахмон Жомий портрети тасвирланган эди. Унинг кўлидаги қоғозда куйилганча ёзувлар битилган эди: «Аллоҳи акбар, Шабихи Мавлоно Абдурахмон Жомий» (Мазмун: «Аллоҳи акбар. Мавлоно Абдурахмон Жомий тасвири»). Ушбу миниатюрада Абдурахмон Жомийнинг олди томонида бир китоб ерга қуйилган бўлиб, унинг устида куйилганча ёзувлар бор: «Амали камтарин хонзодани Давлат Жаҳонگیرшоҳи аз амали устод Бехзод нақл намуд». (Мазмун: «Мазкур иш Жаҳонگیرшоҳ хонздони камтарин рассоми Давлат томонидан устод Камолддин Бехзод асаридан нақл қилинди»).

21. Низомий Ганжавий «Хамса»сининг яна бир кўлемасига ишланган тасвири. Бу кўлемани Хиротдаги машхур хаттоғ Султон Али Малҳадий кўчирган бўлиб, уни Камолддин Бехзод ўзининг нафис ва гўзал миниатюралари билан безатган. Ушбу асар хозир Афғонистоннинг йирик давлат арбобларидан бири Мухаммад Намухоннинг шахсий кутубхонасида сақланмоқда.

22. Низомий Ганжавий «Хамса»сининг бошқа бир кўлемасига ишланган миниатюралар. Бу китоб 1442 йилда номалгум хаттоғ томонидан кўчирилган бўлиб, хозир Британия музейида сақланмоқда. Мазкур асардаги учта миниатюранинг тагида «Бехзод» деган имзо бўлиб, улар 1493 йилда Камолддин Бехзод томонидан яратилган. Мана шу кўлемдаги бошқа гўзал миниатюраларнинг тагида Камолддин Бехзоднинг истевдодли шогирди ва дўсти, атоқли нақош Қосим Ази Чехрақушонинг имзолари бор.

23. Орифлар зикри. Мазкур миниатюра Абдурахмон Жомий «Девон»ининг кўлемасига нусхаларидан бирида мавжуд бўлиб, у хозир Метрополитен (АҚШ) музейида сақланади. Миниатюралашуносларнинг асарияти ушбу тасвир Камолддин Бехзоднинг сехртар мўйкалмага мансуб эканлигини айтишади. Ушбу расмда Алишер Навоийнинг асога сўялиб турган ҳолатидаги тасвири бор.

24. Бир кампир ва ёш йилит тасвири. Бу асар — гўзал доира шакли миниатюра бўлиб, унда тоғ канорасида, дарё ёқасида ажойиб, сўлим табиат манзаралари билан уйғунлаштирилиб, кампир ва ёш йилит зур маҳорат билан тасвирланган.

Суврат тагида Камолддин Бехзоднинг имзоси мавжуд. Мазкур миниатюра хозир Нью-Йоркдаги (АҚШ) Геворкьян шахсий нафис тасвирий санъат асарлари мажмуасида сақланмоқда.

25. Ов қилгетган Баҳром Гур тасвири. Ушбу миниатюра Низомий Ганжавийнинг «Хафт пайкар» асарига ишланган бўлиб, бу кўлемга китоб хозир Америкадаги Метрополитен музейида сақланмоқда. Миниатюра тагида аниқ ва равшан қилиб «Бехзод» деб имзо чекилган.

26. Шоҳ Тахмосиб тасвири. Ушбу миниатюрада бўлажак подшоҳ, шахзода Тахмосибнинг боғалик чоғи Камолддин Бехзод томонидан гўзал табиат кўйнида, дарахт устида ўтиртган пайтида, жуда зур маҳорат билан акс эттирилган.

Камолддин Бехзод Табризда шоҳ Исмоил Сафавий саройида энг эътиборли рассом сифатида шахзода Тахмосибни боғалик пайтиданок тарбиялагани, унга миниатюрасозлик хунаридан дарс берганиги маълум. Айни ўша йиллари мусаввир ўз тарбияси остида бўлган ёш шахзоданинг расмини чизган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ушбу

миниатюранинг тагида аниқ-равшан қилиб, «Пир Ғулом Бехзод» деб имзо чекилган. Хозир ушбу тасвир Франциянинг Лувр (Париж) музейида сақланади.

27. Амир Хусрав Деҳлавий «Хамса»сининг бир нусхасига ишланган миниатюралар. Ушбу кўлемга китоб 1485 йилда номалгум хаттоғ томонидан Хиротда кўчирилган бўлиб, хозир Ирландия пойтахти Дублин шаҳридаги Честер Битти кутубхонасида сақланмоқда. Камолддин Бехзод ва унинг шогирдлари асарлари хақида баҳс юритилган баъзи бир манбаларда айтилишича, бу тўпламдаги миниатюраларнинг аксариятини давтавали Камолддин Бехзод бошлаган, сўнгра унинг шогирдлари уларни Бехзодона услубда давом эттириб, охирига етказганлар.

28. Шоир Абдуллоҳ Хотифий тасвири. Маълумки, Камолддин Бехзод ўз замонасининг машхур кишиларидан бири бўлмиш шоир Абдуллоҳ Хотифийнинг портретини ҳам чизиб қолдирган.

Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг қариндоши (синглисининг ўғли) ҳамда ўз замонасининг атоқли шоири сифатида Абдуллоҳ Хотифий ўша даврда Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий каби етуқ шоир ва мутафаккирлар даварсида, Султон Хусайн Мирзо саройида уюштирилган мушоираларда катнашган ва ўшандай кезларда Камолддин Бехзод ҳам уни кўриб, у билан мароқли суҳбатлар қўрган бўлиши мумкин. Портретда мусаввир Хотифийнинг қози ва кўзлари тасвирига алоҳида аҳамият берган. Санъатшунослик фанлари доктори Д.И.Ремпель таъбири билан айтилган бўлсак, Камолддин Бехзод томонидан ўта маҳорат билан чизилган шоир Абдуллоҳ Хотифийнинг қози шунчалик таъсирчан ва гўзал тасвир этилганки, унинг юзидан шоирнинг бутун қалбини, бой ияқи дунёсини англаб олиш мумкин.

Шоир Абдуллоҳ Хотифийнинг портрети мусаввир Камолддин Бехзод томонидан ниҳоятда жонли, динамик ва хаётий қилиб тасвирланган. Тетик, нуруний мўйсафид қол чўккалаб ўтирипти, чап кўли чап тиззасида, ўнг кўли билан эса ишора қилиб, бирор қимса билан кизтиг суҳбат қилгетгандек туюлади. Тасвирнинг юқори қисмида «Суврати Мавлоно Абдуллоҳ Хотифий», пасти қисмида эса «Амали устод Бехзод» жуммалари аниқ ва равшан қилиб ёзиб қуйилган. Атоқли шарқшунос олим А.А.Семёнов: «1521 йилда вафот этган шоир Абдуллоҳ Хотифийнинг портретини Камолддин Бехзод Хиротдан Табризга боргандан сўнг, 1511—1521 йиллар орасида Табризда ишлаган», деб ёзади.

29. Мухаммад Шайбонийхон тасвири. Ушбу миниатюра ҳам Камолддин Бехзоднинг нодир ва гўзал асарларидан бири саналади. Портретда Мухаммад Шайбонийхон оёқларини чаглатириб, болшига сўянган ҳолда иккала кўлини тиззасига тираб, ўйчан ва маънодор кўзларлари бир нуқтага тикиб ўтирибди. Кийимлари ҳам оддий, гавдаси пинтик, хийла корин солган, унинг олди томонида хоннинг зарур ашёлари: сиеҳдон, китоб, қалам, камчи ва бошқа нарсалар кўринади. Тасвирда кисиқрок кўзларидан, чимтинган лаблари ва чўкки соқолини ялғининг бир оз кўтарилиб туришидан ҳамда бутун киефасидан унинг қучли ирода эгаси эканлиги, тожу тахт учун беёв қўрашадиган жангжўй бир шахс бўлганлиги аниқ сезилиб турибди. Шарқшунос А.А.Семёнов Мухаммад Шайбонийхон тўғрисида шундай маълумот беради: «Бу хон ўз замонасининг билимдон кишиларидан эди. У ёшлигида душманлар тавқибидан қочган бобоси билан Астрахань, Сирдарё бўйлари, Манғишлоқ, Бухоро, Самарқанд шаҳарларини кезиб чикди, турмушининг барча мусибатларини тортди. Дахшатли ҳаёт мактабини босиб ўтган ана шу одам Хиротга келганда ўтроқ аҳоли маданиятининг аҳамиятига тушунди ва уни қадрлади».

Миниатюранинг юқори қисми ўнг томонидани бурчақда «Суврати Шайбонийхон», чап томонидани бурчақда эса «Ал-абд Бехзод» деб имзо чекилган.

Камолддин Бехзод иккони хақида гапирар эканмиз, қоҳиралик санъатшунос олим доктор Мухаммад Мустафо томонидан нашр этилган мажмуа — «Бехзод миниатюра



мактабига оид мўъжаз тасвирлардан намуналар» деб аталган тўпламдаги айрим расмларнинг тавсифини бермоқчимиз.

Ушбу мажмуа Бехзоднинг машҳур "Султон Хусайн Мирзо саройида зиёфат" деган миниатюраси билан очилади. Оқшом пайти, Хирот шаҳридаги гўзал ва орасга бор ичида атрофи панжара билан ўралган улкан сула устида Хурросан хукмдори Султон Хусайн Мирзо ўз аёнлари билан зиёфат ўтказмоқда. Юқорида, унл томонда шарбат тайёрлайдиган асбоб кўриниб турибди, унинг атрофида кичик хумча ва кўзачалар. Эшикдан катта хум кўзга ташланади, унинг устида эса кўзача, Эшик олдида, ям - яшил ўтлар устида хизматкор хабаш аёл чўккалаб ўтирипти. Унинг бошида ва елкаларида узун, ерга тегиб турган оқ рўмол. Хизматкор аёл катта идишдан найча оркали кўзачага куйиётган шарбатни диққат билан кузатмоқда. Унинг ёнида яна бир хабаш хизматкор ҳам бор. Мазкур хизматкорнинг елкасида хумчалар осилган обқаш. Куйи томонда, панжара ичкарасида бошқа бир хабаш хизматкор мена-чева солинган катта саваг кўтариб суна томонга борипти. Унинг олдида эса елкасига ичимлик солинган катта хумча кўтариб жедал сурьатда суна томон бораятган яна бир хизматкор. Сула тўрида чиройли қора қалқалар тасвирланган материалдан тўрт бурчакли кўрпачада ўтирган ширакайф Султон Хусайн Мирзо зиёфат ахлини эътибор билан кузатаёттир. Унинг рўпарасида эса шароб ва шарбатлар куйиладиган кўзача ва қалаҳлар.

Куйида, чап томонда, ховлига кирверилган тасвирланган хайти манзара ҳам томонлабинлар диққатини ўзига жалб этади. Эшик олдида соқоли, салла ўраган, қилич таққан, пишик гавдали пешкоровул бир галойни дарғазаб хотда қалтак билан савалаб эшик олдида хайдаб юборапти. Султонинг куйи томонида, панжара ичкарасида, сарой аёнларидан баъзи бирлари масталаст хотда алжираб юришган пайти ҳам мусаавир томонидан мохирлик билан тасвирланган. Сула ўртасида эса икки киши кўзача ва қалаҳларга шароб ёки шарбат куймоқда.

Умуман, мазкур мўъжаз тасвири ҳам Камолдин Бехзод бошқа шох асарлари сингари ўзига хос услубда ўта хайти, ҳақоний ва динамик тарзда яратган. XV аср феодал сарой аёнларининг маиший хайти, уларга елиб-ногуриб хизмат қилаётган қароғлар, қалтак билан ташқарига хайдаётган ногавон галойларнинг аянчи аҳвол истреҳадли мусаавир эътиборидан четда қолмаган.

Мажмуадаги иккинчи тасвир ҳам мазмун жиҳатидан биринчисига ўхшаб кетадикки, унда ҳам Султон Хусайн Мирзо хузуридаги зиёфатлардан бири тасвирланади. Олти бурчакли чиройли бурж, унинг эшиги бир оз очилган. Бурж ёнига ўтов тикилган. Ўтовнинг тепа қисмига готда гўзал қилиб турин-туман халқасимон геометрик шакллар чизилган. Ушбу шакллар орасига хайвонот ва наботот олампидан ҳар хил тасвирлар ишланган. Ўтов ичига чиройли гўлдор гилам тўшалган. Гилам устидаги оқ рангли кўрпача устида Султон Хусайн Мирзо ўтирипти. У ўнл кўли билан бебоғини ушлаб, рўпарасида ўтирган ёшрок меҳмонга чап кўлини кўтариб имо-нишоралар билан алпанарсаларни уқлирапти.

Ўнл томондаги бир оз очилган эшик олдида қиличининг осиб, пешкоровул сал энгилган хотда кўриниб турибди. Ушбу эшикдан ташқарида қийос очилган гўллар ҳам кўзга ташланади. Хумча ва кўзачалардан қалаҳларга ичимликлар куйётган, турли-туман емишлар ва кўзачаларда шарбатлар ушлаб турган, қайи ошиб қолган, хуллас, ҳар бири турли ҳолатга тушган ўн бешдан ортиқ киши Султон Хусайн Мирзо хузурида айшу ишрат ва кайфу сафо билан овра. Бу мўъжаз тасвирда ҳам Камолдин Бехзод ўзига хос хайтилик ва ҳақонийлик билан XV аср феодал ижтимоий муҳитидаги сарой ахлининг маиший турмушининг типик бир манзарасини зўр маҳорат билан чизиб қолдирган.

Ушбу мажмуадаги Камолдин Бехзод мўйкаламга мансуб тасвирларнинг учинчиси «Малик Дуро ва отбоқарлар» деб аталади. Шарк ва Фарб бехзодшунослари

орасида ниҳоятда машҳур ва манзур бўлган мазкур тасвирда ажойиб навбахор фаслини мушоҳада қиламиз. Ариқчадан қўм-қўк зилол сув шилдираб оқмоқда. Турли-туман қўк ўтлар, анвойи дарахтлар билан безанган ям-яшил дала. Ута отбоқар бир гага йилкларни ўтлатиб юрипти. Чап томондаги қалин дарахтлар орқасидан қўлига узун қалғанини ушлаб, яйдоқ от миниб келаятган бир отбоқар кўринди. Юқорида ўнл томондан қўнир от энгашиб ўт сяркан, унинг қора тойчоги эса чап оёғини сал буюкиб мириқиб сўт эмоқда.

Миниатюранинг куйи томонидати уч отнинг бири чап оёғини хийла буюкиб, ариқчадан сув ичалпти. Ўртадаги семиз ола от хуржиб Малик Доронинг отига безовталаниб қараятган бўлса, оқ тойчоқ бепароғина чўкка тушиб, эркаланиб онасини мириқиб эмоқда. Учичи семиз оқ от ҳам безовталаниб Малик Дуро отига қараб кишнмоқда. Камонидати ўк - ёйини отбоқарга қарата, уни отмок учун тайёрлаб турган Малик Доронинг гижинглатан оти эса хозиргина чопиб келгани учун хансраб, безовталаниб, депсиниб турибти. Отбоқар эса Малик Дурога қараб қўли арадаш, икки қўлини чўзиб, таажжубланиб алпанарсалар демоқда.

Хуш, Малик Дуро билан отбоқар нима тўғрисида сўзлашаётган экан? Отбоқар Малик Дурога қарата дадил туриб нималар дётган экан? Мана, шоир Муслихиддин Савдий ўзининг «Бўстон» асрида бу борда нима дейди: «Эшитишимга қаратанда, қўнлардан бир кўни шавкатли подшоҳ Малик Дуро ов пайтида алашиб, йўл қидириб ўрмон чеккасига чикиб қоларкан, бир отбоқарга рўпара келди. Малик Дуро отбоқарни дўшман, деб ўйлаб, ўқдон (киш)идан бир ўк чиқариб, камонини отбоқарга қарата, уни отиб ўлдириш ниятида тўғрилайди.

Шу пайт отбоқар қўлиб унга дейди: «Эй Шаханшоҳ, менга яхшироқ разм сол, мен сенга дўшман эмасман. Мени ўлдираман, деб бехудлага шайланапсан. Мен мана шу ўтлоқда сенинг отларингни боқиб, парварши қилиб юрган чўпонлардан бириман».

Подшоҳ ҳам саросималикдан ўзини босиб, отбоқарга қарата қўлиб шундай дейди: «Эй отбоқар, бахтинг бор экан, фаришта Сируш ёрдам қилди, шеклиги, сен омон қолдинг. Бўймасам, мана шу ўк - ёй билан қўлнинггни тешиб ноборар эдим, сен халок бўлишинг мумкин эди».

Отбоқар яна қўлиб, Малик Дурога шундай дейди: «Шаханшоҳ, менинг насихатимни қхшилаб ўқиб ол, мен сенга неъмат (яхшилиқ) кўрсаттиман. Одил подшоҳ дўсти ким, дўшмани ким эканлигини яхшилаб билиб олиши даркор. Турмуш кечирининг шартти шук, ким сенга яхшилиқ қилди, ким ёмонлик қилди, уларни фарқлаб олишинг лозим. Масалан, мени кўл мартабала саройда кўргансан, яйлов тўғрисида, отлар хақида менадан кўл нарсаларни сўрагансан. Мен хозир сенинг рўпарангга меҳр - мухаббат хисси билан турибман. Сен бўлсанг, мени дўшман фаҳмлаб, мента ёмонлик қилмоқчисан! Хатто мени халок этмоқчисан. Мана, мен, фаҳм фаросат билан юзлаб-минглаб отлар орасидан керакли отни адашмасдан танилаб оламман. Мен отлар таласига қандай меҳр-оқибат, эътибор ва диққат билан қарасам, сен ҳам мамлакатингдаги халқингга яраша, ўшаларга лойиқ, одил ва меҳрибон нигоҳон бўлишинг керак. Чўпончалик талбирга эга бўлмаган бир подшоҳ мамлакатидати хайт гам-андух билан тўлиб-тошган бўлади».

Шарқиниг буюк халқларвар шоири Савдий Шерозийнинг «Бўстон» асридан келтирилган ушбу ҳикоятнинг насрий баёнини келтириб, бу ерда биз мухтарам ўқувчилар диққатига шу фикрни хавола этмоқчимизки, мазкур ҳикоят сўнгилдаги хулоса: «Чўпончалик талбирга эга бўлмаган бир подшоҳ мамлакатдаги аҳолининг хайти гам - андух билан тўлиб - тошган бўлади», деган ажойиб ҳақоний фикр ҳар қандай ўқувчинини ҳам бефарқ, лоқайд қолдирмайди. Айни мана шу фикр, умуман ҳикоятнинг мазмуни, воқеа жараёндаги ўткир драматизм, ҳикоят асосида ётган чуқур гуманизм ва қудратли халқларварлик ғоилари забардаст мусаавиримиз Камолдин Бехзодда ҳам ўз вақтида катта қизиқиш уйғотиб, инсонпарвар расом сифатида уни ҳам хайратта солган бўлиши

мумкин. Буюк мусаввир томонидан бағоят зўр махорат билан ишланган ушбу миниатюранинг юқоридоги ўнг. куйидаги чап томонларда Саъдий Шерозий хикоятининг ўрталаридаги энг кизик, драматик ҳолат, Малик Доро билан жасур ва доно отбоқарнинг кизгин савол-жавоб пайти баён этилган сатрлари битилганлиги ҳам бежиз эмас, деб ўйлаймиз.

Муҳаммад Мустафо томонидан нашр этилган мажмуадаги тўртинчи тасвир «Бир масжид ичидаги манзара» деб аталади. Ушбу миниатюрада мусаввир масжид ичкарасида содир бўлган диний - маъхобий ҳаётдан бир кўринишни тасвирлайди. Деворлари Шарк услубида ажойиб зەб - зийнатлар билан безатишган куббали улкан масжиднинг ичкари кисми кўринади. Масжид олди ва ичкарасидаги турли-туман ҳолатларда ҳаракат қилаётган ўн икки кишининг ҳаракати ўта жўшқин тарзда чиқишган. Чап томондан куйида масжид мадҳали (кираверишида) таҳоратини тутатаётган салпалик ёшрок киши. Унинг рўпарасида сочик тутиб турган ҳабаш хизматкор. Эшик олдида эса елкасига оқ мато ташлаган гадойга ҳассага суянтган, хийла бўжчайган бир шайх хайр-садақа бермоқда.

Эшикнинг ўнг тарафидаги деразадан ичкарида намоз ўқийётган салпалик бир киши кўришиб турпти. Юқорида бир киши чўккалаб ўтирган ҳолда такбир қилаётди, бурҷақдаги киши салпалик бошини чап тиззасига кўйиб чуқур ўйга толган ҳолда ўтирипти. Чап томонда устун ёнидаги киши иккала кўлини юзига тортмоқчи бўлиб намозини тутатмоқда. Икки устун орасида эса бир киши ёнида ўтирган аёлга алпақандай китобни ўқиб, бирор масалани унга уқдирапти. Меҳроб ёнида икки шайх чўккалаб олиб мунозара олиб бормоқда. Демак, Камолиддин Бехзоднинг ушбу миниатюрасида Шарк ҳалқларининг диний - маъхобий ҳаётдан олдинган, масжид атрофи ва ичкарасида содир бўлаётган воқеалардан беш - олти манзара давҳа алоҳида-алоҳида, ўзига хос жўшқин тарзда зўр махорат билан тасвирланган.

Камолиддин Бехзоднинг ушбу тасвирида ҳам XV аср Шарк ижтимоий муҳитига хос ҳолат, ижтимоий ҳаётнинг диний - маъхобий томони билан боғлиқ бўлган ҳолат, бир - бирига қарама - қарши тоифалар ҳаёти, улар орасидаги кескин тафовут контраст ҳолатда ўзининг ҳаётини аксини толган.

Мазкур мажмуадаги бешинчи тасвир ҳам Шарк ҳалқларининг диний-маъхобий ҳаётдан олдинган бўлиб, «Факихлар масжидида» ёки «Масжид ичидаги мунозара» деб аталади.

Масжид ичкарасида саккиз киши турди ҳолатда, афтидан алпақандай диний-маъхобий масалаларни мунозара қилиш билан овоза. Мусаввир кишиларнинг имо-шиораларини, ўта ҳаракатчан ҳолатда масала тортишув жараёнини усталик билан тасвирлаган. Айниса, юқоридоги, чап ва ўнг томондаги кишиларнинг ўзаро суҳбатлари, мунозара ва музокаралари, тортишувлари ростда жонли, кизикарли ва ҳаққоний тасвирланган. Улардан ташқари Камолиддин Бехзод ўз миниатюрасида улкан масжиднинг баланд арки, деворлари ва пештоқидаги турли-туман зەб-зийнатлар, тўзал геометрик шакллар, арабча китоблар тасвирига ҳам алоҳида диққат ва эътибор ажратган. Масжиднинг нариги томонида ташқаридаги кийтос очилган ажойиб гуллар, дарахтлар томошабинлар назарига аник ва яққол ташланади. Арқининг иккала томони ва юқориги кисмида 13 туркум арабча китоба ёзувлар мавжудким, уларнинг охиригиси (чап томондагиси) мусаввирнинг имзоси билан тугайди: «Амали ал-абд Бехзод фи сана 894». Камолиддин Бехзод ушбу мўъжаз тасвири 1489 йилда ишлаган экан.

Демак, Кохирада доктор Муҳаммад Мустафо сўз бошичи билан нашр этилган мажмуадаги миниатюралардан бештаси Камолиддин Бехзод мўйкаламга мансубдир.

1996 йили Лондон ва Нью-Йоркда чоп этилган «Бехзод расм устоиди» китобда асли эронлик, Англияда яшашган олим Ибодулла Баҳорий яна бир қанча асарларни рассом ижоди маҳсули ёки унинг раҳнамолигида яратилганини аниқлаган. Бавзи бир манбаларда

хабар берилишича, Бехзод ўз замондошларидан шоир ва шоҳ Исмоил Сафавий портретини ҳам чизган.

Афғонистонлик шоир ва миниатюрасоз Муҳаммад Саид Машғалнинг фикрига қараганда, Камолиддин Бехзод ўз даврида Алишер Навоий билан Абдурахмон Жомий — икки буюк ҳаммаслак шоир, мутафаккир, шоғирду устод, самимий дўстлар орасидаги эҳтиросли мушонара пайтини тасвирловчи миниатюра ҳам яратган экан. XX асрнинг бошларида мазкур миниатюра ва Бехзоднинг бошқа гўзал миниатюралари мавжуд бўлган бир улкан шеърый кўлтезма китоб («Жунг») бор эди. Афуски, 1928—1929 йилларда Афғонистонда ноз берган Бачан Соко реакцион исёни пайтида бошқа жуда кўп кимматбаҳо кўлтезма китоблар каторида ўша кўлтезма асар ҳам беному нишон йўқолган. Куйида олимлар томонидан экир этилган, аммо хозирча қаердалиги аниқланмаган айрим расмлар рўйхатини келтираемиз:

1. Абдурахмон Жомийнинг «Сагамон ва Ибсол» асарига ишланган расмлар. Бу асарни ҳам Хиротнинг машҳур хатготи Султон Али Машҳадий кўчирган ва Камолиддин Бехзод уни ўзининг гўзал миниатюралари билан зийнатлаган. Мазкур асар ҳам XX асрнинг бошларигача Афғонистонда сакланиб келарди. Бирок, юқоридо қайд этилган Бачан Соко исёни туфайли бу асар ҳам дом - дарақсиз йўқ бўлиб кетган.

2. Хиротдаги «Богги беҳишт» тасвири. Афғонистонлик санъатшунослар фикрига қараганда, бу асар Камолиддин Бехзоднинг энг гўзал ва нодир асарларидан биридир. Аммо, ушбу асарнинг ишланган йили ва хозир сакланаётган жойи тўғрисида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз.

3. Зухак (Заххок) тасвири. 1537 йилда Қозим исмли бир санъаткор Табрязда ўз давридаги энг яхши, нафис тасвирий санъат намуналарини тўплаб, алоҳида бир альбом (мураккаъ) ташкил қилгани ва уни Сафавийлар сулоласининг ёш подшоҳи шоҳ Тахмосибга ҳадя қилгани. Ўша альбомдаги миниатюралар орасида устод Камолиддин Бехзоднинг мазкур «Зухак тасвири» асари ҳам мавжуд эди.

Бехзоднинг маҳорати ва асарлари ўз давридаёқ машҳур бўлиб кетган. Жумладан, «Бобурномада Бехзод номи бир неча марта зикр этилган: «Устод Бехзод ва Шоҳ Музаффар тасвирида бек (Алишер Навоий)нинг савй ва эҳтимоми билга мунодоқ машҳур ва мавруф бўлдилар» (ҳаракат ва химмати билан дунёга мавлӯм ва машҳур бўлдилар; 171а). Бобур Султон Хусайн даврида Хирот маданий ҳаётини тавсифлар экан, Бехзод услубини тахлил қилган: «Мусаввирлардин Бехзод эди, мусаввирлик ишини бисёр нозук қилди. Ваде соқолсиз элиниг чехрасини ёмон очадур. Фабрабини кўл улук тортадур. Сақоллик кишини яхши чехракушойлик қиладур.» (181б).

Буюк рассом ижоди ва бадиий мероси жаҳон санъатшунослигининг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Ўзбекистонда ҳам Бехзод ижоди ва мероси фаол ўрганиб келинади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг фармонига биноан (1997 йил 23 январ) Миллий рассомлик ва дизайн институтига Камолдин Бехзод номи берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан (1997 йил 23 декабрь) Тошкент, Самарқанд шаҳарларида ЮНЕСКО шафёлигида Бехзод таваллудининг 545 йиллиги кенг нишонланди (2000, ноябрь). Шу йил 23 ноябрда Тошкент Темурийлар давлати тарихи музейида Бехзодга бағишлаб халқаро илмий конференция ўтказилди, Камолдин Бехзод номидаги мемориал боғ-музейи ташкил этилди.

Ад.: Усмонов О. Камолдин Бехзод ва унинг наққошлик мактаби. Тошкент: «Фан», 1977; Vahati Ebadollah. Bihzad is a Master of Persian painting. London-N.-Y.: Taqis Publishers, 1996; Камолдин Бехзоднинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни (Буюк рассом таваллудининг 550- йиллигига бағишланган илмий анжуман материаллари). Т.:

ЎФА Шарқшунослик институти, 2005 (93-95 бб.); Хусайн Воиз Кошифий. Ахлоки Мухсиний. Нашра тайёрловчилар: А.Мадраймов, М.Аминов. Тошкент; "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2010.

**БОБУРИЙЛАР** *расомлари ва уларнинг асарлари* («*Mughal Painters and their works*») - С.П.Верма томонидан тузилган биографик маълумотнома ва киёсий каталог (Дехли: 1994, 438 бет). Китобда Бобурийлар расомлиги мактаби, дастхатта кўра миниатюра муаллифини аниқлаш масаласи, расомлар ўртасида ҳамкорлик ва ихтисослашув, санъаткорларнинг ижодий портрети каби мавзулар таҳлил қилинган, сўнг асосий расмни кўлэмаларнинг хронологик тартиби, миниатюраларнинг асосий мажмуалари ҳақида маълумот келтирилган. Асосий ксим (37-376 бетлар) - биографик маълумотнома ва киёсий каталогдан иборат. Унда расомлар ҳақида кичика биографик маълумотлар, ёзма манбалардаги миниатюралар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Учинчи ксимда 51та расм ўрин олган (ок-кора босмада): «Темурийлар хонадонини», «Бобурнинг «Боги вафо» қурилишида кўрсатмалар бераётгани» (кўш расм), «Бобурнинг Агра шаҳридаги элчилар қабули шарафига уюштирган фил, туя жанги ва половлар қураши» ва б. Китобда «Б»нинг расмни кўлэмалари, «Б»га расм ишлаган расомлар ва уларнинг асарлари санаб ўтилган.

**БОБУРИЙЛАР** *РАССОМЛАРИ. Навбатлаган тадқиқотлар* (*Mughal Painters. Further studies*) – Бобурийлар даври миниатюра санъатига бағишланган илмий тўплам (Мумбаи: «Marg нашрлари». 1998. 148 б.; UNESCO шафезлигида нашр этилган; инглиз тилида). Тўплам муҳаррири Ашок Кумар Даснинг муқаддамаси (6 – 13- бб.) билан очилди. Шила Н.Канбай, Мир Сайид Али, А.С.Меликян – Ширвоний, Ашок Кумар Дас, Сом Пракаш Верма, Амина Окада, Мило С. Бич каби таниқли хиндшунос ва санъатшуносларнинг Бобурийлар давридаги Хиндистон тасвирий санъатининг ривожини ва устод миниатюрочи-расомлар ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолаларни ўз ичига олган. Китобга кўрсаткичлар илова қилинган.

Тўпламдан жой олган Мир Сайид Али, Фаррух Бек, Хожак Абдуссамад каби расомлар тўғрисидаги мақолалар Хиндистон ва Марказий Осиё маданий алоқалари бўйича кимматли маълумотлар беради. Мас., Фаррух Бек ишлаган расмлар хошиясида ўзбекча шερлар битилгани кайд этилган. Жумладан, Бобурийлар даврида расм санъатининг равнақида Марказий Осиёдан борган маданият намоёндаларининг ўрни очиб берилган. Бу китобда ноз эликдан орлик Бобурийлар расомларидан саккаызта устоз санъаткорлар феолияти дунёдаги шу соҳанинг йирик мутахассислари томонидан ёритилган.

**БОБУРИЙЛАР** *САРОЙ РАССОМЛИГИ. Иктомий ва шаклний таҳлили* («*Mughal Court Painting. A study in social and formal analysis*») - Хинд олими Рой Нихараджан рисоласи (Калкутта: 1975. 226 б., 33та рангли расм илова қилинган), инглиз тилида. Тадқиқот Бобурнинг мусаввирлар Камолиддин Бехзод ва Шох Музаффар ҳақидаги фикрлари ҳамда тасвирий санъатта муносабати баён этилган, Акбар даври расми санъати таҳлили этилар экан, Янги Дехлидаги «Б.» кўлэма расмлари мисолида жониворлар тасвирийни яратишдаги маҳорат кўрсатишган, жумладан, отлар тасвирида Марказий Осиё миниатюра мактабининг анъаналари сакланиб қолганини кайд этилган. Китоб сўнггида европа тилларидаги чоп этилган 170 асарни ўз ичига олган библиография илова қилинган. (150 б.).

**«БОБУРНОМА»**, *МИНИАТЮРАЛАР* – «Б»га ишланган миниатюралар жамланган альбом (Ўзбек, рус ва инглиз тилларида; Т., «O'qituvchi», 2008, 240 б., биринчи нашри – 1970 й., иккинчи нашри – 1978 й.); тузувчи ва сўзбоши муаллифлари Х.Сулаймонов, С.Хасанов. Альбомда Бобурнинг 17-а. бошларида яратилган портрети, «Б»нинг Британия музейида сакланаётган ОР. 3714 рақамли кўлэманинг кўш зарварати

ва миниатюралар чоп этилган (тархкий воқеалар – 15 миниатюра, турмуш манзаралари – 13 миниатюра, харбий лавҳалар – 20 миниатюра, ов манзаралари – 6 миниатюра, зиёфат – 7 миниатюра, хайвонот дунёсидан – 5 миниатюра, паррандалар – 12 миниатюра, денгиз хайвонлари – 4 миниатюра, ўсимликлар – 11 миниатюрода тасвирланган).

«Буёқ комусий асар ва Бобурийлар даври миниатюра санъати» сарлавҳали сўзбошида (5-44 бб.), Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, у яшган давр, Бобурийлар ҳақида ҳамда Акбар давридаги тасвирий санъат, «Б» ва унга ишланган миниатюралар тўғрисида фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

Сўз бошидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президентини И.Каримовнинг 1994 йили 4 октябрда Андижон вилоятига қилган ташрифи чоғида Бобур номидаги боғ ёлгорлик мажмуасининг «Хотира дафтари»га ёзиб қолдириган дастхати ҳамда расомлар ва адабиётлар рўйхатлари илова қилинган. (168 б.).

**«БОБУРНОМА»** *РАССОМЛАРИ*. Бу тушунча асосан – «Б»нинг Абдурахим Хонихон таржимасидаги форсий 16-19- аа. давомида устод расомлар ишлаган миниатюраларни билдиради. Бундай кўлэмаларнинг тўрттаси Британия музейида сакланади. Улардан Акбар учун махус ишланган расмни кўлэма (ОР. 3714-144 та расм чизилган. Шунингдек, У.Эрскин нуҳхаси (Add. 26 200, 4 та), Довуд Котийб нуҳхаси (Add. 16 623, 26 та), Дехли нуҳхаси (Add. 16 201, 1 та), Болги кутубхонаси нуҳхаси (Эте-180, 28 та расм), Париж Миллий кутубхонаси нуҳхаси (Смит-Лесоф фонди), Алвар Давлат музейи кўлэмаси (тартиб рақами 2, 18 та расм) ўрғанилган. Булардан ташқари, дунёнинг кўплаб фондларида «Б»га ишланган расмлар алоҳида варакларда сакланади (Москвадаги Шарк халқлари санъати музейида 57 та, Балтимордаги Валтер санъат галереясида 31 та, Лондондаги Виктория ва Алберт музейида 18 та ва б.).

Расмлар Акбар даврида яшаб ижод этган 101 расом томонидан яратилган.

Угарда ободончилиқ: маший мавзу, учрашувлар, расмий қабул ва зиёфатлар; жанг манзаралари; ов ва ўинлари ҳамда Хиндистон флора ва фаунаси акс этган. Гарчи барча расмлар Хиндистонда яшаб ижод этган расомларга тегишли бўлса ҳам, «Б»да тасвирланганига кўра расмларда Фарғона, умуман Моъароуннаҳр, Кобул ва Хурросон ҳамда Хиндистондаги воқеалар акс этган.

Миниатюраларнинг аксарияти 1590-1605 йй. Акбар саройининг энг маҳоратли расомлари томонидан ишлангани нодир санъат осори-атикалари ҳисобланади. Расмлар С.И.Толъев, Ҳамид Сулаймон, С.Хасанов, М.С.Рандхави ва б. томонидан нашр қилинган.

**«БОБУРНОМА»** *РАССОМЛАРИ* – альбом - нашр (Т.: «Фан», 1969, 160 б., ўзбек, рус ва инглиз тилларида; кейинги нашрлари 1970, 1972, 1978 йй.), тузувчи ва сўзбоши муаллифи: Х.Сулаймонов. Бобурнинг 16- а. охири – 17- а. бошларида яратилган портрети, «Б»нинг Британия музейида сакланаётган ОР. 3714 рақамли кўлэманинг кўш зарварати ва расмлари киритилган. «Бобурийлар даври миниатюра санъати» деб номланган сўзбошида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Бобурийлар даврида тасвирий санъат тарак-киёти, «Б» ва унга ишланган миниатюраларга тавсиф берилган, расомлар ва адабиётлар рўйхати илова қилинган.

Ад.: Миниатюры рукописи «Бобур-наме». Автор предисловия и составитель С.Толъев (текст на русском и английском языках). Москва: «Изобразительное искусство», 1960; Бобурнома расмлари. (Альбом; тузувчи ва сўзбоши муаллифи: Ҳамид Сулаймон; ўзбек, рус, инглиз тилларида). Т.: «Фан», 1969 (кайта нашрлари: 1970, 1972, 1978). Бобурнома. Миниатюралар. (Тузувчи ва сўзбоши муаллифлари: Ҳамид Сулаймон, Саидбек Ҳасанов; ўзбек, рус, инглиз тилларида), Т.: «O'qituvchi» НМИИ, 2008, 240 б.); Mughal painters and their works. By S.P. Verma. Delhi: Oxford University press, 1994, 438. (169 б.).

**«БОБУРНОМА»** *НИНГ БЕЗАКЛИ КЎЛЭМАЛАРИ*. I. Британия музейида сакланаётган ОР. 3714 рақамли кўлэма (528 варак ўлчами 21х32,5 см, йирик

наставълик билан хаттот Хусайн Кашмирӣй кўчирган, матн хар саҳифада 12 сатр; коғози наввогрант). Кўлёмза зарқарак билан бошланган, яна 93 саҳифада расмлар кўш зарварак килиб чизилган. Расмлар муаллифлари хошияда кирмизи сиёҳда битилган. Матн ичидати шеррий лавҳалар ҳам нақшлар билан безатилган.

II. Британия музейи сақланаётган Add. 26 200 рақамли кўлёмза (У.Эрскин нусхаси). Варақлар сони 380. Ҳўчами 12,5x21,5 см, матн хар бир саҳифада 16 қатор, зарҳат сепилган ипак коғозга кора сиёҳда наставълик хатга битилган. Кўлёмзада унвон ва тўртта хинд миниатюралари билан безатилган.

III. Янги Деҳлидаги Миллий музейида N.M.-50.326 рақам билан сақланаётган кўлёмза. Варақлар сони 378. Ҳўчами 21,5 x 26 см. Ҳўчага қатталикдаги наставълик хатга битилган, матн саҳифада 14-15 сатр. Кўлёмзага 183 та расм чизилган. (177 б.).

«БОБУРНОМА»НИНГ ФОРСЧА ТАРЖИМАЛАРИ. «Б.» форс тилига бир неча бор ўтирилган. Бундай таржималарнинг кўлёмзалари дунёнинг кўплаб китоб хазиналарида сақлаб келинади ва манбашунослик нўқтаи назаридан ўрганилади.

Илк таржима Бобурнинг замондоши, сафдоши, Хиндистондаги Бобур давлатининг садри этиб тайинланган Шайх Зайн томонидан амалга оширилган. Бунда «Б.»нинг фақат хижрий 932-933 йй. воқеалари баён килинган қисмингина форс тилига ўтирилган. Хавофий таржимада матнга бир оз эркин ёндошган, жумладан, «мен» оломшини «утар» билан алмаштирган.

Бу таржиманинг бир неча кўлёмзаси мавҷум:

1. Британия музейида сақланаётган ОР. 1999 рақамли кўлёмза. 102 варақ. Хати — наставълик. Ёзув жадвалга олинган. Хаттоти - Фиёсиддин Хондамирнинг невараси Абдуллох ибн Муҳаммад ибн Хондамир. 998 (1590) й. китобат килинган.

2. Британия музейида сақланаётган Add. 26 202 рақамли кўлёмза. 83 варақ. Хати — наставълик. 17-а.да китобат килинган.

3. Париж Миллий кутубхонаси кўлёмзаси. Э.Блоше тўзган каталогдаги рақами — 2154. 188 варақ. Хати наставълик. 17-а. бошларида китобат килинган.

4. Британия музейида сақланаётган ОР. 2049 рақамли кўлёмза. 86 варақ. Хати — наставълик. 19-а.нинг биринчи ярмига таллуққи.

Булардан ташқари яна Хиндистоннинг Удайпур шаҳрида иккита, Алвар шаҳри давлат музейида, Рампур шаҳридаги Ризо кутубхонасида ва Британия музейида биттадан нусхалар мавҷуд.

Иккинчи таржима Бобурнинг чевараси Жаҳонгирнинг бекаткаси буюртмаси билан амалга оширилган. У Султон Салим кўлидаги «Б.»нинг ўзбек типидати асл нусхасини ўқиб, қаттиқ таъсирланган ва асарни Мирзо Поида Хасан Ҳазнавийдан форс тилига таржима килишни сўраган. Мирзо Поида «Б.»нинг олти йил воқеалари баёнини таржима килиб ултуради. Унинг бевакт вафотидан сўнг таржима Муҳаммад Кули Хисорӣй томонидан 1586 й. тугалланади.

Бу таржиманинг кўлидаги кўлёмзалари мавҷум:

1. Британия музейида сақланаётган Add. 6588 рақамли кўлёмза. 139 варақ. Хати — наставълик. Кўлёмза 18-а.да китобат килинган.

2. Болли (Англия, Оксфорд) кутубхонаси кўлёмзаси. Х.Эте каталогидати рақами — 179. 232 варақ. Хати — наставълик. Кўлёмзанинг биринчи ва иккинчи қисми янглиш китобат килинган.

3. Индиан Оффис (Буёк Британиянинг Хиндистон ишлари бўйича маҳкамаси) кутубхонаси кўлёмзаси. Рақами — 913. 236 варақ. Хати — наставълик. Бу нусха «Гўзқи Бобурӣй» деб аталган.

Учинчи таржима. Бу таржима ташаббусқори Бобурнинг невараси Жаолоуддин Муҳаммад Акбар бўлиб, у Мирзо Поида ва Муҳаммад Кули бажарган «Бобурнома»

таржимасидан қоникмаган ва «Акбарнома» асарига манба сифатида фойдаланиш учун ҳам ушбу асарни таржима килишни бир неча тил билимдони, шoir, олим, сарқарда ва хомий Абдурахимхондан илтимос килган. Бу таржима 1589 й. тугалланб, Акбарга тақдим этилади. Шу захоти китоб сарой қотиблари ва расомларига берилган ва ўн учта расмга кўлёмза яратилган. Улардан айримлари тулик, аксарияти пароканда расмли варақ сифатида этиб келиб, дунёдаги йнгирма беш музей, кутубхона ва шахсий мажмуалар мулкига айланган (қ. «Бобурнома» расмлари).

Абдурахим Хонихон бажарган «Б.» таржимаси асарнинг форс типидати тошбомадан ташқари, асарнинг инглиз, немис, урду ва хинд тилларига таржима килинида асосий манба бўлган. У Аннет Бевериж асарни аслиятдан инглизчага таржима килиб, нашр қилгўнга қадар, яъни 1921 йилгача ва ундан кейин ҳам бобуршунослар учун қимматли манба бўлган.

«Б.»нинг форсча кўлёмзалари ичиде Абдурахим Хонихон таржимаси энг кўп тарқалган бўлиб, бияга мавҷумлари кўлидагилардир:

1. Британия музейидаги Мусави Али Акбар кўлёмзаси. Рақами Add. 24 416. Варақлар сони — 358. Хати - наставълик. Кўлёмза аввал Жаҳонгир подшоҳ садри Мусавихон Али Акбарга тегишли бўлган.

2. Париждаги Миллий кутубхона кўлёмзаси. Э.Блоше каталогидати рақами 559. Варақлар сони - 385. Хати - наставълик. 16-а.да китобат килинган.

3. Болли кутубхонаси кўлёмзаси. Х.Эте каталогидати рақами - 181. Варақлар сони — 378. Хати — йирик наставълик. Китобнинг зарваракдан ташқари яна икки саҳифаси зарҳалланиб безатилган.

4. Индиан Оффис (Буёк Британиянинг Хиндистон ишлари бўйича маҳкамаси) кутубхонаси кўлёмзаси. Рақами — 29. Варақлар сони - 331. Хати —наставълик. Нусхани икки хаттот кўчирган бўлиб, хижрий 1054 (1644) й.дан аввал китобат килинган.

5. Британия музейидаги Андар Саид Номак Шохи кўлёмзаси. Рақами Add. 16 691. Варақлар сони — 194. Хати - наставълик. Кўлёмза хаттот Андар Саид Номак Шохи томонидан 1735 й. ёзиб тугалланган.

6. Британия музейи кўлёмзаси. Рақами - Add. 16 690. Варақлар сони — 274. Хати — наставълик. Кўлёмзада унвон нақши мавҷуд ва матн жадвалга олинган. В.Уоле номли шахс китобни 1800 йили Дакна шаҳрида сотиб олган ва кейинча музейга топширган.

7. Британия музейи кўлёмзаси. Рақами - Add. 16 201. Варақлар сони — 169. Хати — наставълик. Зарваракда битта миниатюра бор, бошқа расмлар учун мўлжалланган жойлар очик қолдирилган. «Кўлёмза Деҳлидаги нусхадан В.Эрскин учун тайёрланган», - деган ёзув бор. У 19-а.нинг биринчи чорайида китобат килинган.

8. Британия музейи кўлёмзаси. Рақами - ОР. 167. Варақлар сони — 475. Хати — йирик наставълик. 19-а.да китобат килинган.

9. Индиан Оффис (Буёк Британиянинг Хиндистон ишлари бўйича маҳкамаси) кутубхонаси кўлёмзаси. Рақами — 3450. Варақлар сони - 321. Хати — наставълик.

10. Индиан Оффис (Буёк Британиянинг Хиндистон ишлари бўйича маҳкамаси) кутубхонаси кўлёмзаси. Рақами — 30. Варақлар сони - 321. Хати —наставълик.

11. Париждаги Миллий кутубхона кўлёмзаси. Э.Блоше каталогидати рақами 560. Варақлар сони -251. Хати - наставълик. 17-а.нинг 1-ярмида китобат килинган.

12. Париждаги Миллий кутубхона кўлёмзаси. Э.Блоше каталогидати рақами - 561. Варақлар сони -245. Хати — наставълик ва шикаста. Хижрий 1215(1800) й. битирилган.

13. Париждаги Миллий кутубхона кўлёмзаси. Э.Блоше каталогидати рақами 562. Варақлар сони - 252. Хати - шикаста. 1870 й. китобат килинган.

14. Мумбай университетги кўлёмзаси. Хати — наставълик. Европа коғозга битилган.

15. Болди (Англия, Оксфорд) кутубхонасидаги кўлзма. Х.Эте каталогдаги раками - 182. Варақлар сони - 133. Хати - наставълик.

16. Болди (Англия, Оксфорд) кутубхонасидаги кўлзма. Х.Эте каталогдаги раками - 183. Варақлар сони - 245. Хати - наставълик. Матн учга хаттоғ томонидан битилган.

17. Индиан Оффис (Буюк Британиянинг Хиндистон ишлари бўйича маҳкамаси) кутубхонаси кўлзмаси. Раками - 2654. Варақлар сони - 184. Хати - наставълик.

18. Британия музейи кўлзмаси. Раками - ОР. 1827. Варақлар сони - 143. Хати - наставълик. Китоёб бошланишида уявон нақши бор. Матн жадвалга олинган. Бу нусха Алвар Давлат музейи кўлзмасидан 1850 й. китоёбат килинган.

19. Британия музейи кўлзмаси. Раками - Add. 6590 (II). Матн тўлиқ эмас. Варақлар сони - 139. Хати - наставълик. Хижрий 1203 (1788) й. да китоёбат килинган.

20. Британия музейи кўлзмаси. Раками - Add. 26317. Кўлзма тўлиқ эмас. Варақлар сони - 88. Хати - наставълик. Мумбай нусхасидан Жон Лейден учун 1808 й. кўчирилган.

Булардан ташқари, илмий адабиётларда Толисида, Болди кутубхонасида (раками - 2454), Лондонда Шаркшунослик институтида (раками - 46627), Кембриж университетиде (кўлзма тўлиқ эмас), Линдиснадада «Б» кўлзма нусхалари мавжудлиги қайд этилган. Шунингдек, Эдинбургда тўртта (биттаси тўлиқ эмас), Колонгагенда, Д.Киннинг шахсий кутубхонасида, Этон Коллежда ( факат Фаргона қисми) биттадан, Покистондаги Дохур университетиде иккита ( бири хижрий 1082 й. китоёбат килинган, иккинчиси ноқис, матннинг учдан бир қисми мавжуд), Каткуттада (18- а.) ва Мадрасда бир нусхадан мавжуд. Ю.Э.Брегелнинг маълумотига кўра, Техрондаги «Дулистон» кутубхонасида «Бобурнома»нинг ўзбекча кўлзмаси ва форс тилига таржима мавжуд.

**«Бобурнома»нинг форсча Бухоро таржимаси.** Таржимон - Тоғай Мурод Кардуз Хатлоний ал-Балжуани Охунд. Бу таржима асарнинг Қозонда чоп килинган 1857 йилги ўзбекча нашрдан амалга оширилган. Варақлар сони - 270. Хати - наставълик. Ўзбекистон ФА Шаркшунослик институтида сақланади.

(Мас.мух. изохи: Интернет маълумотига кўра. «Б» форсча таржимасининг яна бир кўлзмаси (16- а. охири) АКШнинг Балтимор шаҳридаги Валтер санъат музейида 596 ракам билан сақланади; [http://en.wikipedia.org/wiki/Walters\\_Art\\_Museum](http://en.wikipedia.org/wiki/Walters_Art_Museum). - Абд.А.) (178-180 бб.).

**БҲАВОНИЙ** - Акбар даврида ижод қилган етакчи rassomларидан бири. Аксарият асарларини устод rassom Тулси Кагон, Кесу Кагон, Лавл. Мискина, Басован, Жагон билан ҳамкорликда ишлаган, асосан, расмларга ранг берган. Дастлаб 1587 й. «Рамаана» кўлзмасига еттига расм, «Размнома»га тўртта. «Ақбарнома»га учта, «Б»нинг Британия Музейи (66, 52а, 4686, 492а) ва Дехли музейи (134, 272аб, 279а) кўлзмаларига тўрттадан, саккизга расм ишлаган. «Кандидомдаги бодом терими» ва «Элчилар шарафига улоштирилган жонворлар жанги» асарларда маънавий мавзунини юксак савияда очиб берган, «Хонорти калъасининг камали» ва «Чандирий калъасининг олиними» миниатюраларида жанг манзараларини маҳорат билан тасвирлаган (197 б.).

Ад.: Mughal Painters and their work. (Биографик маълумотнома ва қиссий каталог. Тузувчи: С.П.Верма). Дели: Oxford university press, 1994.

**БҲИМ ГҲЖАРОТИЙ** - Акбар даврининг етакчи rassomларидан бири, аксарият асарларини Басован билан бирга ишлаган. Дастлаб 1582 - 1585 йй. китоёбат килинган «Тарихи хонадони Темурий» кўлзмасига иккита расм ишлаган. «Жомият-таворих»га даги бешта, Низомий ва Амир Хусрав «Хамса»лари, Саъдийнинг «Дулистон»даги расмлар хошиясида унинг номи қайд этилган. «Б» кўлзмаларига «Боқи Чаганиённинг Бобур хузурига келиши» ва «Бобур Бадиуззамон Мирзо хузуриде» расмларини ишлаган. Rassomнинг иккала асарида ҳам маънавий мавзунини юксак савияда очиб берилган.

Ад.: Mughal Painters and their work. (Биографик маълумотнома ва қиссий каталог. Тузувчи: С.П.Верма). Дели: Oxford university press, 1994, 100-101 бетлар. (197-198 бб.).

**БХУРА** - Акбар даврида яшаб самарали ижод этган мохир rassomларнинг бири. Устод rassomлар Дасавант, Басован ва Мискина, шунингдек, Лавл. Кесу Кагон, Кесу билан ижодий ҳамкорлик қилиб, улар яратган тарҳга ранг берган. У ун олтига мустақил асар яратган.

У «Тарихи хонадони Темурий»га учта, «Б»нинг Честер Битти кутубхонаси, Британия ва Дехли музейлари кўлзмаларига еттига, «Размнома»га иккита, Низомий «Хамса»сига битта, «Рамаана»га тўққизта, «Доробнома»га еттига, «Жомият-таворих»га битта, «Ақбарнома»га учта, жамъи ўттиз тўртта миниатюра ишлагани аниқланган. У турли мавзулардаги асарларни юксак маҳорат билан яратган. (198 б.).

Ад.: Mughal Painters and their work. (Биографик маълумотнома ва қиссий каталог. Тузувчи: С.П.Верма. Дехли). Oxford University press, 1994, 101-104 бетлар.

**ВИТКИН ВАСИЛИЙ ДАВРЕНТЬЕВИЧ** (1869, Етгисув - 1932, Самарканд) - археолог, проф. (1923 й.). Тошкент ўқитувчилар семинариясини тугатган (1894 й.). Самарканд ўлкани ўрганиш музейининг ташкилотчиси (1896 й.) ва директори. Самарканд тарихи, меморий ёдгорликларини ўрганишда «Б» асаридан фойдаланиб, ундан зарур ва керакли жойларини рус тилига таржима қилган. Ўрта асрга оид кўпгаб шарк кўлзмаларини тўплаган, шарҳлаган ва нашр қилган. (206 б.).

Ад.: Самарканд и его окрестности. Самарканд. 1896.

**ДУХУЛ** - икки томонидан чагинилган хинд ноғораси. Ўла ва қовун шаклидаги турлари бор: «Ёзлар дерраким, нақора ва духул уни бу қумдин келур» («Б», 136а). (231 б.).

**КИТОБАТ САНЪАТИ** - кўлзма китобларни муқовалаш ва зийнатлаш, асосан, ўрта асрларга мансуб араб ёзувидаги кўлзмаларга нисбатан қўйилган ва қоғозез, хаттоғ, лаввоҳ, музаҳҳиб, мусаввир, саҳхоф (муқовасоз) ва б. хунармандлар томонидан бажарилган. Кўлзма китоб учун сифатли оҳорланган қотоз танланган, қарога маҳсул хат чизиги (мистар) туширилиб, сўнг хат ёзилган. Матлни қотозни лаввоҳ хошия қотозга елимлаган. Устидан жадвалкаш чизиклар билан матнни жадвалга олган. Ноёб китоблар учун музаҳҳиб сулоштирилган олтин ва б. ранглар ёрдамида кўлзмани зийнатлаган, «шамс», «лавҳа», «сарлаҳа», «зарварак», «хотима» каби нақшлар билан безатган. Ниҳоят, саҳхоф кўлзмани картон ёки чармдан ишланган муқовага бириктирган, китоб буюртмачиси истагига қараб ётоқ, мис, қумушдан қопқок қуйиб тайёрланган, босма, ўйма ва қадама нақшлар билан безатилган. Китобат санъатининг юксак намуналари бугунги кунда музей ва кутубхоналарда кимматбаҳо ёлғорлик сифатида сақланади.

Бобур ва Бобурийлар давлатида китобат санъати ҳам юксак даражада ривожланган (289 б.).

**ЛЕЙДЕН ЖОН** - инглиз шоири, шаркшуноси, илк Фарб бобуршуносларидан. 1810 й. «Б»нинг асли, яъни ўзбекчаси билан тасодифан танишиб, уни таржима қилишга киришди ва вафотигача (1817 й.) биринчи қисмини ўтиришга улгиради. Бундан хабардор бўлган Н.М.Эльфинстон таржимани давом эттиришни форс тили билимдони У.Эрскин, илтимос қилди. «Б»ни форс тилидан мустақил таржима қилишга киришган. У.Эрскин, Ж.Лейден таржимаси билан танишиб, унинг давомини форс тилидаги Абдурахимхон таржимаси асосида охирига етказган. Китоёб 1821 й. икки жилда икки таржимон номи остида нашр этилди. У Европа бобуршунослигига қатта туртки беради. Бу таржимадан «Б» немис тилига таржима килинган.

Ад.: Memoirs of Zahir-ed-din Muhammad Babur, trans. By John Leiden and William Erskine. London: 1821. (306 б.).



**МУСТАФО ФОРМУЛИЙ** — Шайх Бокзиднинг укаси, Хиндистон султони Султон Аброҳим Дудийнинг нуфузли амирларидан бири. Пуроб тоғи атрофига ҳоким бўлган. Панипат жангидан аввалроқ вафот этган («Б.» 296б). (359 б.).

**НАНДА ГВАЛІЕРИЙ** (16-а.) - Акбар даврида ижод қилган расом. «Б.»га ишлаган еттига асари маълум: «Абубакр Дуғлат Қошғарийнинг ўзганди камал қилиши» ва «Бобур Сўн дарёси бўйида», «Жанг манзараси», «Канва камали», «Бобур Чандери қалъасида», «Бобур Истағилдаги боғида» ва «Бажаур қалъаси камали».

Жангу жадаллари маҳорат билан тасвирланган, иморатлар тасвирида қисман перспективата амал қилган. (391 б.).

**НАРСИНГ** (16-а.) - Акбар даври (1580 й.дан бошлаб) ижод қилган етакчи расомлардан бири. Фаррух, Мансур, Мадху, Кесу Қалон каби устод расомлар билан ҳамкорлик қилиб, тарҳи чизилган расмларга ранг берган. Ўзи ҳам қилилар юзини чизган. Банбари Хурд, Сонала ва Дхарамдас каби расомлар эса Нарсинг тарҳи бўйича ранг берган. Бир қатор асарларини ўзи мустақил яратган. Унинг дастхати маъжуд 21 та расмлари етиб келган.

«Б.»га Самарқандни камал қилиниши» ва «Шаракнинг Бобур хизматида кириши» миниатюраларини ишлаган.

Ад.: Бобурийлар расомлари ва уларнинг асарлари (Mughal Painters and their work). Биографияк маълумотнома ва кнёсий каталог. С.П.Верма. Дели: (Oxford university press), 1994, 320 - 322 бетлар (392 б.).

**НИЗОМИДДИН АХМАД ХИРОТИЙ** (Ҳожа Низомиддин Аҳмад Деҳлавий ноън Ҳожа Муҳаммад Муқим а.л.-Хирвоний, ваф. 1003/1594-1595 й.) — тарихчи ва сиёсий арьоб. Келиб чиқиши Абдуллоҳ Ансорийга бориб тақалади. Акбар ҳукуматида юқори давлат лавозимларини эгаллаган. «Табақоти Акбарий» номи йирик тарихий асар муаллифи, (хижрий 1000-1002 йй. ёзилган). Асар муқаддима ва тўққиз қисмдан иборат. Асссий қисми Деҳли ҳукмдорларига бағишланиб, Ҳазравий Собуктегин давриддан (хижрий 367) бошлаб, хижрий 1001/1592-1593- й.гача бўлган воқеаларни қамраб олган. Унда Хиндистонда яшаган шоир, олим ва амирлар тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган.

Китобнинг урта кўлемли УзофА Абу Райхон Беруний номи Шарқшунослик институтига сақланган (рақами 1535, 3673,3341). У Муҳаммад Ризо Оғахий томонидан ўзбек тилига таржима қилинган (таржиманинг ноёб кўлемли Санкт-Петербургдаги Россия Миллий кутубхонасида сақланган; рақами ТНС—106) (395 б.).

**НИЗОМИДДИН ТУРДИБЕК** (Турдибек Ҳоксор (Турди Муҳаммад Бек Хони Туркистоний), Бобурнинг энг ишончли бекаридан, ҳамсухбат, шоир ва саркарда. Унинг акаси Кўчбек ва ўғли Шерафқан ҳам Бобурийларга хизмат қилган. Низомиддин Турдибек Хиндистоннинг забт қилинишида ҳамда тахтнинг Хумоонга топирилишида иштирок этган («Б.», 247аб, 391а). Хумоон даврида қатта обрў қозонган, аммо Деҳли қалъасини Шерхон Сурийга топширган учун 1556 й. Байрамхон томонидан қатл этилган. (395 б.).

**НИСОРИЙ Ҳасанхожа** (1516 — Бухоро — 1597) — шоир, тазкиранавис. Таникли шоир Подшоҳожанинг ўғли. Бухоро мадрасаларида ўқиган. Риёзиёт, хандаса, тиббиёт, мусика, шериётни пухта ўрганган. Бухорода 1545—50 й.ларда Абдулазизхон, 1550—66 й.да Мейнол хоқимлари хузурида садрик вазифасини бажарган. Сўнг Бухорода умрининг охиригача мактабдорлик қилиб, бадийий ижод билан шуғулланиб, «Маллик уш-шуаро» унвонига мушарраф бўлган.

Нисорий ўзбек ва форс тилларидаги шеърларидан девон тузгани маълум, лекин ҳозирча топилмаган. Фақат 16-а.га мансуб бошқа асарлар орқали бир неча ғазал, рубсийеи, «Бахориёт» қасидаси ҳамда «Музаққир ахобоб» (1566) тазкираси етиб келган. Таркиби «Мақола», 4 боб ва хотимадан иборат. «Мақола» қисми Темурийлар,

Шайбонийлар ҳамда Бобурийлардан етишиб чиққан шoirларга бағишланган. 4- боби Мовароуннаҳр, Хуросон, Шарқий Туркистон, Туркия, Озарбайжон ва Хиндистонда яшаган шоирлар ижоди ҳақида. Хотима қисмида эса муаллифнинг шеър ёзган ота-боболари ва яқин қариндош-уруғлари тўғрисида сўз юритилган.

Нисорий 16-а. Мовароуннаҳрда яшаб, ўз тазкирасида Бобурнинг шоир ва подшоҳ сифатидати маълумотларни келтиргани диққатга сазовор. (398 б.).

Ад.: Музаққир ахобоб (Дустлар ёдномаси). Тазкира. Т.: «Мерос», 1993.

**НОМО** - Акбар даврида ижод қилган расом. «Б.»нинг кўлемларида туртта расм ишлаган: «Бобурнинг Фарғона тахтига чиқиши», («Б.»2б), «Бобурнинг Самарқандда бетиб бўлиши», «Бобурга Андиконнинг кўлдан кетгани тўғрисида хабар бермоқдалар», «Ёрхусайн Бобур хузурига киришга ошқимокда», Шунингдек, «Разнома», «Тарихи хонадони Темурий», «Рамана», «Доробнома» кўлемларида ишлаган ўн иккита дастхати расми маълум. (399 б.).

**САЙИД ДАКНИЙ ШЕРОЗИЙ** - жибатар (темирдан химоя қийми ясовчи хунарманд уста). Хиндистонда Бобур учун фавворалик ховуз ясаган. Яхши хизмат қилгани учун Бобур томонидан халват инъом қилган («Б.»346а). 1528 йили Бобур уюштирган тўйда эгтиборли кекса меҳмонлар қаторида ўтирган (352а). (440 б.).

**СТОРИ Чарлз Амброуз** — инглиз шарқшуноси, форс адабиёти бўйича машхур уч жилдлик биобиографияк тазкира —маълумотнома (қисқача Sayue, русча «Обзор») муаллифи. Кембриж ун-ти таркибидати Тринити коллежиде араб ва 6. тиллари ўрганган (1912 й. тамомлаган). Алигарх шаҳридаги (Хиндистон) Инглиз-Муслмон коллежи (ҳозирги Алигарх Ислон ун-ти)да ўқитувчи, Лондондаги Хиндистон маҳкамасининг кутубхонасида илмий ходим, Кембриж ун-тида проф. (1933-1947 йй.) вазифасида ишлаган. Шарқ мамлакатлари бўйлаб бир неча илмий экспедицияларда қатнашиб, маълумот тўплаган. Карл Брокелманнинг араб тилидаги адабиёт бўйича тазкира — маълумотномаси тасвирлида, унга кўшимча сифатида «Sayue» асарини яратган. Китоб ўзининг мукаммаллиги билан машхур. 1-жилди «Куръон» илми, тарихта оид асарларни тавсифлаш ва қисқача таржимаи ҳоллардан иборат. 2- жилди аниқ фанлар, таъбишунослик ва тиббиётга, 3- жилди лугатлар, тилшунослик ва поэтикага оид асарлар тавсифига бағишланган. (4- жилди устида иш бошлаган, аммо якунланмай қолган.) Асар Ю.Э.Бретел томонидан рус тилига ўғирлиниб, (қатта хажмадаги тўлдирлишлар билан) нашр этилган. Унинг русча таржимаси форс тилига ўғирлиниб нашр этилган (таржимонлар: Я.Ориантур, С.Ўзодий, К.Кешоварз; А.Муназавий таҳрири остида; Техрон, 1983).

«Sayue»нинг 2- жилдида Бобурнинг қисқача таржимаи холи, асарлари («Б.» тўғрисида ўша даврга нисбатан мукамал, «Д.» Ва «А.» тўғрисида қисқа), уларнинг нашрлари ва таржималари тўғрисида маълумот берилган (тартиб рақами 690). (460-461 бб.) (А.Аъзамов билан ҳаммуаллифликда).

Ад.: Persian literature. A bio-bibliographical Survey. London, Luzac and Co. (Персикава литература. Биобиографияреский обзор. Ю.Э.Бретел таржимасида тўлдирлишлар билан; махус муҳаррир Ю.У.Борщевский. Москва: Главная редакция восточной литературы, 1972).

**СУЛТОНАЛИ МАШХАДИЙ** (1437, Машхад — 1520) — хаттоб, шоир, олим. Наставлик хати ривож ва кенг тарқалишига улкан ҳисса қўшган. «Султон ул-хаттотин» («Хаттоглар султони») ва «Қибагул-кутуб» («Қоғиблир қибласи») дея шарафланган. Хаттоглар Захриддин Аъхар ва Ҳожа Ҳофиз Муҳаммаднинг шогирди. Хиротда яшаган. Султон Абу Саид (1451—69) ва Султон Ҳусайн (1469—1506)лар хизматида бўлган. Алишер Навоий тавсирида Хирот ижодий муҳитида устод санъатдор даражасига етган. Навоийнинг шахсий кутубхонасида китобат ишлари билан шуғуллаган, унинг «Навоирун-нихов» девони (15-а.нинг 2-ярми, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик

институтида сақланади) ва б. асарларини бир неча нусхаларда кўчиргани маълум. Навоийнинг «Илк девон»ини туъувчиларидан бири (1465: Россия миллий кутубхонасида). Ўз навбатида улуғ шоир ҳам хаттота чуқур ҳурмат-эътибор билан қараган, «Мажолисун-нафис» асарида ва алоҳида китъада унинг маҳоратига юқори баҳо берган. Султон Муҳаммаднур, Султон Муҳаммад Хандон, Мирали Ҳиравий, Муҳаммад Қосим ва б. хаттотлар, Камолддин Бехзод сингари расомларни тарбиялаган. Унинг қалами билан ёзилган кўләмалар Ҳирот китобат санъатининг шох асарлари сифатида бугун дунёда қадрланади. Хозиргача 50 дан ортиқ китоб ва 500 га яқин парчалар сақланиб қолган. Жумладан, Ўзбекистан ФА Шарқшунослик институтида Навоийнинг 3 девони, Хусайн Вонг Кошифийнинг «Хотамнома», «Жавоҳирнома» асарлари; Англиянинг Виндзор саройи кутубхонасида Навоийнинг «Девон»и ва «Хамса»си; Россия миллий кутубхонасида Навоийнинг «Хамса» асари; АҚШнинг Метрополитен музейида Навоийнинг «Девон»и; Истанбулдаги Тўпкопу саройи кутубхонасида Навоийнинг «Хамса», Савдийнинг «Девон»и, Султон Хусайний «Девон»и (4 нусха) ва б.

«Б.»да Султонани Машхадий номи икки марта эслатилган (Ҳирот шаҳрида). «Хушнавислардин атарчи хейли бор эди, ваде саромади Султонали Машхадий эди. (Султон Хусайн) Мирзо учун қалин китобатлар қилди. Хар кунни ўтгуз байт Мирзо учун ва йирима байт Алишербек (Навоий) учун битир эди». (1815). (Муҳаммад Шайбонийхон) «Мулло Султонали Машхадийнинг ... хаттига қалам кичоруб ислоҳ қилди.» (2065).  
Наставльлик хати Шимолий Ҳиндистонга тарқалишида Султонани Машхадийнинг ҳам алоҳида хизмати бор. Акбар саройидаги энг моҳир хаттот Муҳаммад Хусайн Қашмирининг наставльлик ёзуви Султонали Машхадий услубида деб тан олинади. Бунинг бир намунаси сифатида «Б.»нинг форсча таржимаси кўләмасини (Британия музейи, ОР.3714) кўрсатиш мумкин (471-472 бб.).

**ФАРҲУҲБЕК** – Бобурийларнинг сарой расомларидан бири. Инглиз санъатшуноси Перси Броун уни ўрта осеёлик қалмоқлардан деб ҳисоблайди. 1585 й. Акбар саройига келган ва унга «Бобур саройи» миниатюрасини тақлим этган. Миниятгарада Бобур тахтда ўтириб, аёллар қуршовида машварат олиб бораётгани тасвирланган.  
Ад.: Бобурийлар расомлари. Сўнги талкикотлар (Mughal Painters. Further studies) / Ашқ Кумар Дае таҳрири остида. Маг нашрлари, UNESCOнинг моддий ёрдамида. – Мумбай: 1998. 96-111 бетлар. (524 б.).

**ХОЖА МАВЛОНОЙИ КОЗИ** – давлат арбоби. Бобурнинг устоди, пири, мураббийси ва жонқуяр сафдоши. Асли исми Абдуллоҳ бўлиб, Хожа Мавлоноий Кози номи билан машҳур бўлган. «Б.»да берилган маълумотларга қараганда, Хожа Мавлоноий Кози Шайх Бурхониддин Киличнинг авлоди, она тарафидан эса Султон Илқ Мозийга бориб тақалган. Унинг аждодлари Фарғона вилоятида энг ишончли ва нуфузли кишилардан, жумладан шайхулислом бўлиб келган.

Хожа Мавлоноий Кози Хожа Ахрорнинг тарбиясини олган ва унинг муриди бўлган. Умаршайх Мирзо вафотидан сўнг, вилоятда тинчлик ўрнатил, валяҳд Бобурни тахтга ўтказиб, юртни химоя қилишга жонбозлик кўрсатган. «Хожа Мавлоноий Кози ва беқлар менинг кошимга келиб, сўз ва кенашни бир ерга қўйиб, кўргоннинг бурж ва борусини забот ва рабига машгул бўлдилар» (42а).

Хожа Мавлоноий Кози Бобур тарбиясига қатта эътибор бериб, уни чоғир ичишдан ва шубҳали овқатлардан парҳез қилишга ўргатган. Бу тарбия самараси сифатида 1506 й. Хиротта борган Бобур Султон Хусайн фарзандлари тақдифларига қарамай, маст қилувчи ичимлик ичмаган.

Хожа Мавлоноий Кози бир неча марта Бобур манфаати учун элчилик қилган. Жумладан, Узун Ҳасан Хожа Хусайний билан Султон Аҳмад Мирзо олдига Қувага элчи бўлиб борган.

1497-1498 йй. Бобур Самарқандни илк бор эгаллаганда Хожа мавлоноий Кози у билан бирга бўлган. Кейин Андижонни мустақкамлаш учун юборилган. У Андижонни химоя қилиб сақлаб туриш учун қаттиқ ҳаракат қилган, хусусан, Бобур тарафдорларига ўн саккиз минг кўй таркатган.

Андижон Аҳмад Танбал ва Узун Ҳасан томонидан эгаллангач, Хожа Мавлоноий Кози Бобурнинг энг яқин кишиси сифатида арқ дарвозасига осиб ўлдирилган.

Бобур ўз устози Хожа Мавлоноий Козини вағий деб билган ва далил сифатида унинг қотилларидан қиска вақт ичида ҳеч қим қолмаганини таъкидлаган: «Хожа Мавлоноий Кози ажаб киши эди. Қурқил унда асло йўқ эди. Унча мардона киши қурилган эмас. Бу сифат ҳам валят дағилидур. ... Хожада асло дағдаға ва таваҳхум йўқ эди. Хожанинг воқъасидан сўнг хожая мансуб эллар мисли навқар ва чоқар ва аймоқ ва ашхомни тамом туттуруб талаттилар» («К.» 64 б.). Унинг сиймоси хинд расоми Номо томонидан «Бобурнинг Фарғона вилояти тахтига ўтириш маросими» мавзuidaги расмида тасвирланган (541-543 бб.).

**ХОНДАМИР (Ғисилдин ибн Ҳумоиддин Хондамир; 1475 – 1534)** – тарихчи. Ижодини Алишер Навоийнинг ҳомийлигида бошлаган. «Хулосатул-ахбор фи ахволу-ахёр», «Дастурул-вузаро», «Мақоримул-ахлоқ» (Алишер Навоийнинг хёти ва фаолиятига бағишланган), «Ҳабибус-сиёр фи ахбори афродул-башар» сингари асарлар муаллифи. Шунингдек, у бобоси йирик тарихчи олим Мирхонд қаламига мансуб «Равзатул-сафо» асарининг тамомланмай қолган еттинчи жилдини ниҳоясига етказган. Хондамир машҳур кишилар мактубларидан «Номан номий» тўпламини тузгани ҳам маълум.

Хондамир 1528 й. Ҳиндистонга – Бобур хузурига борган. Унинг «Ҳабибус-сиёр» асарида Бобур билан болглик тарихий воқеалар ҳам ўрин олган. «Б.»да Хондамирнинг Ҳиндистонга келгани хақида маълумот берилган. Бобур у билан мулоқот қилиб турган. Бир марта у Хондамир, Шайх Зайн ва Мулло Шихобини ўз хузурига таълиф қилиб, қуйдаги байтни битиб юборган:

«Шайху Мулло Шихобу Хондамир,  
Келинг уч-уч, икки-икки, бир-бир» («К.» 378б.).

Ад.: Б.Ахмедов. Хондамир. Т.: «Фан», 1965; И.Низомиддинов. маданий ҳамкорлигимиз саҳифаларидан. Т.: «Фан», 1987; Д.Нюсупова. Жизнь и труды Хондамира. Т.: «Фан», 2006. (К.Эргашев билан ҳаммуаллифликда. 547 б.).

**ШЕРАК АРҒУН** – Қобул ҳокими Муқим Арғуннинг улў бегги. Бобур 1504 й.да Қобулга бораётганида, кўшиннинг илгори Шерак Арғун тўқнашган. Қиска жангдан сўнг Шерак Арғун йигитлари билан таслим бўлади. Бобур уларни авф этиб, ўз хизматига олади («Б.» 125б). Шерак Арғун, Султон Хусайн Мирзо ва хусусан Бадиуззамон Мирзо амири Зуннун Арғун ўгли Қобул ва Қандахорнинг вақтинча ҳокими Муқим Арғуннинг ихтиёр бегги («К.» 125аб, 127а) эди. Аммо жангдан аввал Шерак Арғун Муқимнинг отаси Зуннун Арғун ва акасига хабар юборган бўлади.

Шерак Арғуннинг йигитлари билан Бобурга кўшилиши унинг Қобулни эгаллаши арафасида ижобий роль ўйнаган (К.Эргашев билан ҳаммуаллифликда. 574 б.).

**ШОХ МУЗАФФАР** – 15-а. 2- ярмида Хуросонда ижод қилган машҳур расом, Шоҳмансур Мусавининг ўғли. Алишер Навоийнинг тарбияси ва ҳомийлигида қатта муваффақиятларга эришган. Тасаввуфга оид асар ёзган. Бобур уни «тасвири кўп нозук қилур эди» деб таърифлаган ҳамда узок умр кўрмагани, энди машҳур бўлган пайтда вафот этганини ёзган («Б.» 181б, 182а.). (К.Э. билан ҳаммуаллифликда. 581 бет)

Ад.: Усмонов О. Камолддин Бехзод ва унинг наққошлик мактаби. – Тошкент, «Фан», 1977.

IV КИСМ  
БОБУР, "БОБУРНОМА"ГА ДОИР МАКОЛА ВА ТАДЖИКОТЛАР

1. АБДУЛЛАЕВ Незмат Убайдуллаевич (1937, Тошкент - Тошкент, 2011) - санъатшунослик фанлари номзоди, ЎзР сида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институти проректори, кафедра доценти, профессори ва муdiri бўлиб ишлаган. У санъат тарихи бўйича дарслик, қўланма ва китоблар нашр эттирган. Ўзбекистон Бадий академияси олтин медали совриндори.

«Ўзбекистон миллий портрет санъати» (Фофур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент, 2011) альбомида Камолитдин Бехзод яратган Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Султон Хусайн Мирзо портретларини тахлил қилиб, расомлар Акмаг Нуриддинов (Нурдин) «Армон» («Бобур») (1996) ва Ортикали Қозоқовнинг «Шоир» (Бобур, 1997) портретларини чоп этган. Олимнинг «Камолитдин Бехзод ва Самарқанд баллий ҳаёти» маколасида («Камолитдин Бехзоднинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни», Буюк расом таваллудининг 550- йиллигига бағишланган илмий анжуман материаллари. - Тошкент, 2005, 100-105 бетлар)да 1507 йилдан Бехзод Шайбонийхон хизматида бўлиб, 1012 йилгача Самарқандда яшаган ва Бобур билан мулоқотда бўлганини ёзган (104 бет).

2. АБУБАҚР Дўтлат Кошғарийнинг Ўзганди қамал қилиши. БМ (23а в.). ДММ (176) ва МСМ (ўрта ўлчамли вароқлар, 776 №6) кўлэмаларида тасвирланган бу воқеа хусусида "Б." да куйидагиларни ўқиймиз: «Абубақр Дўтлат Кошғарийким, ҳеч қимта бош индурмай, неча йил эдиким, Кошғар ва Хўтан хокими эди, ул дағи вилоят даядгаси билан Ўзганд ёвугига келиб, кўргон солиб, вилоятга бузурғук қила қирипти. Хожа Кози ва мажъи бежлар тавйин бўлдиким, бориб Кошғарийни дафъ қилгайлар, ёвук етган маҳалда Кошғарий кўрдиким, бу фавжнинг харифи эмастур, Хожа Козини ораха солиб, ноз мақр ва хийлар бирла халос бўлди.» ("Б.", 43 бет)


Бу воқеани БМ кўлэмасидаги расмда (23а в.) тасвирлашда рассом Нанда Гувалиёрй Бобур тарафдорлари, Ўзганд қалъасини юқори томонда, жуда мустаҳким иншоот сифатида, химоячиларни жонбозлигини кўрсата олган. Расм пастиядаги Абубақр Дўтлатнинг кўрғонда ваҳима одамлардан тортиб олинган безовта хўқизлар, чап четдаги ярадор жангчи орқали кўрсатилган. Бу воқеа ноз берганда Бобур ва унинг душмани Абубақр Дўтлатда ўк отар қуроллар бўлмаган, аммо рассом яшаган пайтда Хиндистонда улар амалда бўлгани учун жангнинг шиддати ва дахшатини кўрсатиш учун Нанда Гувалиёрй ўз асарига уларни ҳам тасвирлаган.


Бу воқеа ДММда (176) Фаррух Чела томонидан Нанда Гувалиёрй расмига яқин талқин қилинган бўлиб, фақат бунда химояланувчилар расмининг чап томонида, пастдан хужум қилувчилар ўнг томонда тасвирлаган. Бу икки расмда ўша дахшатли воқеалар фожиаси ишонарли қилиб тасвирланган.

МСМ (ўрта ўлчамли вароқлар) дағи миннаторда (776 №6) ҳам айни шу воқеа тасвирланган бўлса-да, унда голиб Бобур лашқари душман қўшинини таъқиб қилиб кетаётгани кўрсатилган. Яъни Бобур ўз душманидан жангда голиб келгандай.


Ад.: Толяев, 5 рангли расм; Сулаймонов (96). 9 р.; Верма (1994), 362 бет, 17 р.

3. АКБАР саройи расмларида моллий маданият ва санъат (Art and Material Culture in the Paintings of Akbar's Court). С.П.Верма. - Янги Дехли, 1978, 150 бет, инглиз тилида. Оқ-қора супермуқовада. Китоб суз боши, миннатдорчиликлар, шартли кискартмалар рўйхати, кириш, расмлар рўйхати, атамалардан ташқари қуйидаги мундарижага эга: 1. Услуб ва техника, 1-12; 2. Мавзунинг ёритилиши, 13-21; 3. Табиат,







100. Султон Муаммад Хоразмишох ва ишот Файриддин Рози ханумона.  
 Ёшархидан кайта иллаган.




101. Ушот нақши.



102. Иброҳимов Аҳмад ва Бунён Раҳимов Ҷуғрафия. Тоҷароҳан асарин



103. Терзи дариҷон хотунҷасти. Хаттот Султон Аҳли Маҷлиси. Хиррот.



114. Алешер Навоий. Терма дасвои. Зарварған. Хирот. 15 аср.

инсон шаклилари, жониворлар ва нақшлар, 22 – 45; 4. Кийимлар ва матоғлар, 46 – 53; 5. Рўзгор анжомлари (Ustensils), 54 – 59; 6. Мусликий созлар, 60 – 70; 7. Шоҳлик тимсоллар, 71 – 80; 8. Курол ва харбийлар, 81 – 101; 9. Технологик (devices) воситалар, 102 – 113; 10. Омма, 114 – 123. Илова тарзида Акбар даври Бобурийлар мактаби расомлари рўйхати, 124 – 129; Библиография, 130 – 137; Чизги расмлар кўрсаткичи, 138 – 142 ва умумий кўрсаткич, (143 – 150).

Китобнинг бобурушнослар учун кимматли томони иккита бўлиб, бири ундан «Бобурнома» мўътабар кўлэмаларининг Британия музейи (OR. 3714), 116 саҳифа, Дехлидаги Миллий музей (N.M. 50.326), 145 саҳифа, Москвадаги Шарк маданияти музейи, 69 саҳифа, Лондондаги Викториа ва Алберт музейи, 17 саҳифа ва АКШ, Бостондаги Фогт санъат музейи, 1 саҳифадаги расмлари тўғрисида кимматли мавлумотлар ва уларнинг тахлили мавжуд. Ирландия пойтахти Дублин шаҳридаги Честер Битти клубоҳонасида сақланган олти вароқдаги 16 «Бобурнома» расмлари хато қилиниб, Казвинийнинг «Ажсейб ул-маҳжукот» асарига нисбат берилган. Иловада «Бобурнома»га расм ишлаган куйидаги расомлар номлари ва уларнинг асарлари ишланган кўлэма эсатилган: Абдулла (БМ), Аллох Кули (ММ, Дехли), Анант (ММ, Дехли), Аси (ММ, Дехли), Аси Каххар (ММ, Дехли), Банди (ММ, Дехли), Банвари Калон (БМ, ММ, Дехли), Баҳван (ЧБ, БМ, ММ, Дехли), Бхавани (БМ, ММ, Дехли), Бхим Гужароти (БМ), Буура (БМ, ММ, Дехли, ЧБ), Бишдас (Вишнудас, ВА), Давлат (ММ, Дехли), Деважи Гужароти (БМ, ВА), Джанну (БМ), Дхаррож (БМ), Дхарамдас (ММ, Дехли), Дхарамдас Нанда (ММ, Дехли), Дурга (ВА), Фаррух Чела (БМ, ММ, Дехли), Фатту (ММ, Дехли), Говинд (БМ), Хусайн Чела (ММ, Дехли), Хусайн Наккош (БМ), Иброҳим (ММ, Дехли), Иброҳим Каххор (ММ, Дехли), Иброҳим Наккош (БМ), Иқбол Наккош (БМ), Жаганнатх (БМ), Жамол (ММ, Дехли), Жамшид Чела (БМ), Конха (ЧБ), Кесу Гужароти (БМ), Кесу Каххар (ММ, Дехли), Кесу Калон (ЧБ), Кесу Хурд (БМ), Кхем (БМ, ММ, Дехли), Кхемкаран (ММ, Дехли), Хизр Чела (БМ), Хусрав Кули (ММ, Дехли), Лачхман (ММ, Дехли), Лаъл (ЧБ), Локха (ММ, Дехли), Лунга (БМ), Малху ёки Малху Хоназод (ММ, Дехли), Малху Калон (ВА), Махеш (БМ), Макра (БМ, ММ, Дехли), Мани (БМ), Манохар (БМ), Мансур Наккош (БМ), Мискин (ММ, Дехли), Мискина (ЧБ), Мухаммад Кашмирий (ММ, Дехли), Муҳлис (БМ), Мубунд (ВА), Номо (БМ), Нанд (ММ, Дехли), Нанда Гавийери (БМ, ММ, Дехли), Нанд Кумар (ММ, Дехли), Нароян (БМ), Нарсинг (БМ, ММ, Дехли), Наки Хоназод (ММ, Дехли), Порас (БМ), Паёк (БМ), Падорат (БМ), Прем (ММ, Дехли), Премжий ёки Премжий Гужаротий (ММ, Дехли), Ромдас (БМ, ВА), Сонвала (БМ), Сарван (БМ, ММ, Дехли), Шанкар Гужароти (БМ), Шивдас (БМ, ММ, Дехли), Шиям (БМ), Суржан (БМ), Сурия Гужароти (БМ), Суру (БМ), Тхирпол (БМ), Типок (БМ), Тирья (БМ, ММ, Дехли), Тулси (БМ, ММ, Дехли), Тулси Калон (БМ), Тулси Хурд (БМ), Ёқуб Кашмирий (ВА). Тадкикот учун фойдаланилган расмлар ичида тўртта «Бобурнома» расмлари ок – қора чоп этилган: 1. Хумоюн жанг майдонида. Махеш расми. Британия музейи кўлэмаси, 453 в.; 2. Бобур Музаффар Мирзо эиёфатида. Жамшид Чела расми, Британия музейи кўлэмаси, 257 в.; 3. Кушлар. Шиям расми. Британия музейи кўлэмаси, 196 в.; 4. Дарахтар расми. Москва музейидан, 54 расм.

Ушбу тадқиқот Марказий Осиё ва Хиндистон моддий маданияти ва санъатини ўрганиш учун жуда кимматли манба ҳисобланади. Олим ўзининг кейинги тадқиқотида фақат расом ва у расм ишлаган кўлэма эмас, балки расм номи ва бошқа тафсилотларни ҳам келтирган. Шунингдек, «Бобурнома» расми кўлэмалари ва пароканда вараклар тўғрисидаги мавлумотлари кенгайган.

#### 4. АКШ МУЗЕЙ ВА ШАХСИЙ МАЖМУАЛАРИДАГИ «БОБУРНОМА»НИНГ РАСМЛИ ВАРОҚЛАРИ.

- 1 расм. Бобур Ок бегим ва Ой бегимни кабул қилмоқда. Басован ва Дхарамдас асари. Ҳаҷми 13,2 x 23,6 см. Шахсий мажмуа.
- 2 расм. Қобул яқиндаги қушлар ови. Ҳаҷми 13,4 x 24,5 см. Фолг санъат музейи, Бостон.
- 3 расм. Бобурга Қобул қалъасини топширилиши ( 910 / 1504 ). *Амали Басован ва Маҳш. Фолг санъат музейи, Бостон.* С.П. Верма, 89 бет, 82 расм.
4. Саҳройи говмишлар. Канҳа тарҳи, амали Мансур. Фрир санкат галереяси. 54,29а.
- 5 расм. Нилагов кийиклари. Канҳа тарҳи, амали Мансур. Фрир санъат галереяси. 54,29б.
- 6 расм. Бобур аммалари Фаҳри Жаҳон бегим ва Халича Султон бегимни қутиб олмоқда. Ҳаҷми 14,7 x 26,4 см.

Бу расмларнинг фотоси А. Мадранимов тузган «Бобурнома» расмлари» альбоми қўлёзмада келтирилган ( Англикон, «Жаҳон маданияти ва бобур» музейидаги альбом, № 491).

С.П.Верма маълумотига кўра, ФКШнинг Балтимор шаҳридаги Валтер Санъат галереясида ўттиз битта расми «Бобурнома» вақрақлари мавжуд экан. Верма (1994). 417 бет.

**5. БАНВОРИЙ КАЛОН** - Акбар даврида яшаб ижод этиб танилган расомларнинг бири. Устозлар Муқунд ва асосан Лалл билан ҳамкорлик қилган, яъни улар асар тарҳини чизганлар. Банварии Калон уларга ранг берган. Учта асарини бир ўзи мустақил яратган.

У «Рамайна»га бешта ва «Б.» ( БМ, 253а ), «Тарихи хонадони Темурий», «Доробнома», «Айёри доиш»га биттадан минияторалар ишлагани аниқланган. Расом маънавий мавзуларни жуда юқсак маҳорат билан тасвирлаган.

А.д.: Сулаймонов (96). 34 р.; Верма (1994), 81 бет.

**6. БАНВОРИЙ ХУРД** - Акбар даврида яшаб ижод этган расомларнинг бири бўлиб, унинг Банварии Калондан кўпроқ асари бизгача етиб келган. У уч асарини устоз Кесу, Жаган ва Муқунд билан ҳамкорлик қилган, яъни улар асар тарҳини чизганлар. Банварии Хурд уларга ранг берган. Унга асарини бир ўзи мустақил яратгани унга маълум даражада ишонч билдирилганини кўрсатади.

У «Разнома»га тўртта, «Б.» ( БМ, 270б, 306а, ДММ, 350, расм 139 )га учта, «Тарихи хонадони Темурий» ва «Рамайна»га иккитадан, «Жомий ут-таворих» ва «Айёри доиш»га биттадан миниятора, жамъи ўн учта асари етиб келгани аниқланган. Расом жанг манзаралари ва маънавий мавзуларни жуда юқсак маҳорат билан тасвирлаган.

А.д.: Сулаймонов (96). 38, 47 расмлар; Верма (1994), 81-82 бетлар.

**7. БАНДИ** - расом. Акбар даврида яшаб ижод этганларнинг бири бўлиб, Қарамақанда исмли шахс фарзанди эди. Ҳаҷми 13,4 x 24,5 см. Фолг санъат музейи, Бостон. Банди устозлар Дхарамдас ва Тулси билан ҳамкорлик қилган. БН ( ДММ, 277а, 277б, расмлар 103, 104 )га иккита ва «Разнома», «Жомий ут-таворих» ва «Акбарнома»га биттадан, жамъи бешта миниятораси мавжудлиги аниқланган. У асосан Хиндистон қушларини меҳр билан тасвирлаган.

А.д.: Верма (1994), 76 бет.

**8. БҲАГВАН** - Акбар даврида яшаб самарали ижод этган моҳир расомларнинг биридир. БҲагван тажрибаги расом сифатида Акбар давридаги аксарият қўлёзмаларга расм ишлашда иштирок этган. Баъзи расомларга устод расомлар Давант, Басован, Лалл билан кўпроқ, яъни олти асарида. Кесу, Калон, Маҳш, Муқунд, Мискина билан ижодий ҳамкорлик қилиб, улар яратган тарҳга ранг берган. У йитирма бешта асарни мустақил яратган.

У «Разнома» га ўн битта, «Доробнома»га ўнча, «Б.» ( ЧБ, 117, 118; БМ, 195а, 322а; ДММ, 98, 121, 148, 203; ВА, 234 ) га тўққизта, «Тарихи хонадони Темурий»га бешта, «Акбарнома»га иккита, Низомийнинг «Лайли ва Мажнун» ва «Жомий ут-таворих»га биттадан яратган, жамъи кирк тўртта миниятораси етиб келгани аниқланган.

А.д.: Верма (1994), 94-97 бетлар.

**9. БҲИМ КАРАН** - Акбар даври ( 1556 - 1605 ) нинг расомларидан бири бўлиб, у мастақил асар яратган. Бу эса унинг ўз давридаги етук санъаткор эканлигини кўрсатади. БҲим Каран «Б.»нинг қўлёзмада битта ( ДММ, 98б в. ) расм ишлаган бўлиб, унда ёш Бобурнинг ўзидан катта Султон Аҳмад Танбал билан тўқнашув жуда жонли тарзда, катта маҳорат билан тасвирланган.

**10. БОБУР** Амударё бўйида Султон Маҳмуд Мирзонинг қизлари Окбегим ва Окбегимни қутиб олмоқда. Қуш расм. Биринчисини Басован ( тарҳи ) , ( амали ) Дхарамдас, иккинчисини Басован ( тарҳи ), ( амали ) Хусайн ҳамкорликда яратганлар. Жейн Суспен мажмуаси, 12, 13. Париж.

Бобур ўз асарида амакиси Султон Маҳмуд Мирзо ва унинг Хонзодабегимдан бўлган қизлари Окбегим ва Окбегим тўғрисида ёзар экан, улар 1504 йили Амударё қирғоғида келиб унга қўшилганини эслатиб, «... бегимлар оналари билан Термизда эдилар. Боки Чаганиёнийнинг кўчи билан келиб қўшилдилар», деб ёзган ( 49 бет ).

Бу воқеа қўшалок расмда жуда юқсак маҳорат билан тасвирланган бўлиб унинг иккитаси тарҳини Акбар даврининг устод расоми Басован чизади, бирини Дхарамдас ва иккинчисини Хусайн тугаштайдди. Бу расм орқали расомлар Бобурнинг аёлларга бўлган ҳурмат ва эътиборини кўрсатганлар.

А.д.: Верма ( 1994 ) 79, 80, 89 бет.

#### 11. БОБУР Англикон кўрғонига келмоқда. ДММ.

Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо ҳақда бўлганда у Англиконда чорбоғда бўлган. «Б.»да ёзилшича, «Сешанба кун, рамазон ойининг бешинда бу хабар ( отаси халокати - Абд.М. ) Англиконга келди. Изтироб билан отланиб, қолшмади навкар ва савдар била кўрғон азияти қилдим.» ( 42 бет ). Айни отадан, юрт раҳбаридан айрилиб, изтиробга тушган шахзода Бобур мирзонинг кўрғонга қайтиши ДММдаги қўшалок расмининг ўнг томони «Бобур Англикон кўрғонига келмоқда» ( 14б ) расмида тасвирланган. Саҳифа ўртасида етти қатор матн бўлиб, унда воқеа форс тилида баён қилинган. Бу расмда ёш Бобур нисобатан катта ёшдаги қилиб, ёнида эса кўллаб овдаги навкар ва савдари, олдидан тан соқчисини тасвирланган.

#### 12. БОБУР Самарқандда қасал холда. Расом Номо. БМ, 70а; ДММ, 51а.

Бобур Самарқандни олғач, ногоҳ қасал бўлиб қолади. У ёздаги: «Ул фурсатга бир мартаба беҳузур бўлиб, яхши бўлув эрдим. Нақоҳат айёмини ўбдон риоят қилди олмамд, узулдум. Бу назбат ёмон беҳузур бўлдум. Андоқким, тўрт кунгача тилим тутилди, оғзимга пахта бида сув томизурлар эди. Меннинг бида қолгон бек ва бекот ва йинит - яланг меннинг тирилмагимдин мавзо беҳузур, хар ким ўз фикрида бўлдилар. Ушмундоқ маҳалда Узун Хасаннинг навқариниким, элчиликка келиб эди, беклар раъйда галат қилиб мени кўрсатиб руҳсат бердилар. Тўрт-беш кундин сўнг ул холдин нима яхшироқ бўлдум. Вале тилимда қароҳат қолди» ( 63 бет ).

БМ расмида Бобурнинг ўзи ёзгандек, тилдан қолди, оғзига пахта бида сув томизилди, бегоблиги, беқарнинг умидсизликка тушгани, иккитаси хайрат бармоғини тишлаган, бири йитилмоқда, яна бири қамтин, боли қуйи солинган, бир ёнда табиб дори эзмокда, Саройда ҳам ким ўз холига хайрон. Пастки қисмда, сарой олдидан Узун Хасандан келган элчинини қутиб олмоқдалар.

Бу воқеани ДММ ( 51а ) да ҳам ўша расом Номо томонидан аввалгига жуда яқин тасвирлаган. Фақат сезиш қийин бўлган айрим ўзгаришлар мавжуд. Сарой бурчагидаги

сув сақланган хум тасвири йўқ. Айрим кишилар, бемор яқинидаги икки улуг ёшдаги одам хотлати бошқача талқинда берилган. Дори тайёрлаётган табиб ёш йилгта айланган, бино четроғига келиб қолган.

Асосий фарқ, ДММдаги расмда матн парчаси уч қатор, сарой саҳни пастига жойлаштирилган. БМ расмида эса икки қатор матн сарой пештоғига битилгандай.

Умуман, рассом Номо бино, кийим ва ашёларни кунг билан тасвирлаб, кишилар ҳолатини ҳам ифодалагга интиланган. Сарой пардаси, бемор устидаги чойшаб газламалари мохируна чизилган. Юқори фондаги дарахт шоҳлари ҳам маҳорат билан тасвирланган (14 расм.).

Ал.: Сулаймонов (96). 16 р.

**13. БОБҮР ТўҒРИСИДА ХХ асрдаги илк жилдий талқинот.** Чор Россияси ҳудудинда Бобур тўғрисидаги илк жилдий талқинот – бу асли келиб чиқши бошқирд, кейинча йирик турк олими сифатида дунёга танилган, Туркистон ҳудудинда маврифатларварлик ишларини амалга оширган, озодийк учун қурашчилардан бири, Ахмад Закий Валидов (1890, Бошқирлистон, Кузьян кишлоғи – 1970, Туркия, Истамбул) нинг Санкт – Петербургда араб алифбосида чоп этилган «Эл» номи узбек тилидаги газетанинг 1914 йил 1, 22 ва 29 мартда эълон қилинган «Туркистон мактублари» сарлавҳаси остида Мирзо Бобурнинг ҳаёт йўли ва бадиий ижодига бағишланган.

А.З. Валидий ўз мақоласида «Бобурнома»нинг икки туркий 1857 йилги Н.Ильминский ва 1905 йилги А.Бевеерж наشريга асосланган, бу асар ва Юлий Цезар «Ёднома»сини қислатган. Бобурнинг фақат туркий халқлар тарихи эмас, балки жаҳон тарихидаги ўрнини аниқлашга ҳаракат қилган.

Мақтубнинг биринчи қисмида Бобурнинг ҳаёти тўғрисида маълумотлар келтирилган. А.З.Валидийнинг ёзишича, 23 ёшгача Бобур жуда кийин шароитлари бошидан кечирган бўлиб, унинг асари («Бобурнома») да хатто бадиий саргузашт асарларда учрамайдиган хаяжонни, қизиқарли лавҳалар мавжуд.

Бобурнинг Хиндистонда янги салтанат ташкил этиши ва унинг авлодлари Хумоно, Акбар, Отагир ва бошқалар ўзининг бағрикелглиги ва барча халқ ва эътиқод вақилларига тенг муносабатда бўлиш сиёсати билан мамлакатнинг олийжаноб ҳукмронлари сифатида юрт ва халқ фаровонлигини ўйлагани билан алоҳида ажралиб туради.

А.З.Валидийнинг ёзишича, Бобур фақат биргина саркардалик истеъдоди билан эмас, балки шеърый даҳоси билан ҳам барча туркий халқлар фаҳрига айланган эди. Унинг уч асари «Ўғилларга насиҳат» («Мубаййини»ни 1872 йили проф. Березин «Туркий хрестоматия»да Козонда нашр этган), Бобур «Девони» – барча шеърлар мажмуаси ва «Бобурнома» бизгача етиб келган деб. уларни таҳлил этган.

Олимнинг фикрича, «Бобур ғазаллари шунинг учун ҳам қизиқарлики, улар бошқа шоирлар асарлари каби тинч шароитда, боғ ёки саройнинг хос жойида эмас, балки жанг дабадаларлиги натижасида яратилган. Уларни ўқир эканмиз, шоирни дўстлари ташлаб кетгани, унинг руҳи тушматани, ҳар бир сатрда шер юракни, баҳолируна дил, подшоҳона муруввати ва олийжаноб қалбнинг чуқур дардлари билан эшино бўламиз».

А.З.Валидийнинг хулосасига кўра, Бобур ўзининг шеърый ижоди билан Алишер Навоий, Мавлоно Лутфий ва Султон Хусайн Мирзо ва бошқа йирик туркийзабон шоирлар каби туркий тилдаги шеърят тараккиётига, бадиий тилнинг шаклланишига катта ҳисса қўшди.

Бадиий туркий тил ноёб обидаларидан бири деб А.З.Валидий «Бобурнома» асарини кўрсатади. Бу китобнинг бир неча кўлёзма нусхалари етиб келган бўлиб, унинг матни икки марта нашр этилганлигини ёзган. Биринчи марта тошбосма усулида Козонда Н.

Ильминскийнинг рус тилидаги мақоласи билан нашр этилган эди. Яна Лейденда 1906 йили Аннет Бевеерж факсимиле нашрини амалга оширган.

А.З.Валидийнинг фикрига кўра, «Бобурнома» ёки «Воқеоти Бобурий» жаҳон адабиётидаги мемуар китобларининг энг яхшиларидан биридир. Асар ўртасидаги бир неча йил воқеалари баёни етишмайди. Бизгача етиб келган аксарият йиллар воқеалар баёни ҳам салмоқли китобни ташкил этади.

А.З.Валидий фарб олимлари Бобурнинг «Бобурнома» ва Юлий Цезарнинг «Ёднома» асарларини бир - бирига қарши қўйишга хайрон бўлиб, ёзади: «Уларнинг иккаласи ҳам олий ҳоким синф вақили, буюк саркардалар, хотиралари тил ва услубида ўхшашлик мавжуд. Иккала китобда маиший ҳаёт, табиат, халқлар ва босиб олинган мамлакатлар тавсифи ўрин олган. Уларда мамлакатлар тўғрисида кимматли статистик ва жуғрофий маълумотлар бор. Бу икки асар мемуар адабиётининг етиб бўлмас юксак намуналаридир.»

Тарихчининг фикрича, Бобур асарининг Юлий Цезарнинг «Ёднома»сидан афзал томонлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: «Бобурнома»да воқеалар тарихий ҳолислик билан ёритилган. Бобур ўз ҳато ва камчиликларини яшириб ўтирмайди, замондошлари ва қариндошлари тўғрисида ҳам айни ҳақиқатни ёзади. Хатто ўз отаси Умаршайх Мирзодаги нухсонларни, хусусан асосииз улугтуққа интилишини ҳам кўрсатиб ўтади.

Юлий Цезар бўлса, ўз «Ёднома»сида ўзини деймо «иллохий» келиб чиқишини қайта-қайта таъкидлайди. ўзини шу билан улугтайди.

Шаҳе сифатида ҳам улар икки хил эдилар. Юлий Цезар шафқатсиз киши эди. У бешафқат тарзда ўч олар, ўз душманларинингиза эмас, хатто сафдошларини ҳам қичик айби учун ўлимга маҳкум этар эди. Бобур эса аксар ҳолларда меҳр-мурават кўрсатар эди. ўз қариндошлари унинг жонига қасд қилиб, тахтига ружу қўйганида ҳам, унинг онаси, ўз ҳоластага мурувват кўрсатади.

А.З.Валидий икки саркарда турли усулларда ғалабага эринганини кўрсатади. Юлий Цезар яхши тарбия кўрган легионлар ёрдамида ғалабаларга эришса, Бобур баъзан оз сонли лашқари билан кўп сонли душман устидан маҳорати ва мардоналиги туфайли ғалаба қозонган. Бобур иккинчи марта Самарқандни эгаллаганда икки юз аскар билан кўп сонли Шайбонийхон тарафдорларини маҳв этган эди.

Олимнинг фикрича, Бобурнинг ҳаёти ва саргузаштлари Юлий Цезарникидан қизикрок бўлиб, жуда катта тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Унинг хулосасига кўра, Юлий Цезар ёзувчи ва тарихчи сифатида воқеаларни баён этга, Захириддин Мухаммад Бобур эса дохийёна шоир ҳам эди. Унинг хотиралари мавнавий юксакликка асосланиб, халқ қалбига яқин. «Бошқа туркий забон шоир ва адиблардан фарқли ўларок, Бобур юксак донралар вақиллари тўғрисида ҳам солда, дўнда, халқона ва балогатли услубда ёзади. Шу жиҳатдан олганда «Бобурнома» туркий насрнинг ажойиб намунасилир».

А.З.Валидий «Бобурнома»нинг икки нашри асосида учинчи ягона умумлаштирувчи нашрни амалга ошириш барча туркий халқлар, барча муслмон турклар учун жуда зарур бўлиб, келгусида бу ажойиб асарнинг илмий қиймати янада ошадди», деб баҳорат қилган эди. Биз бугунги кунда Бобурнинг «Бобурнома» аксарини барча халқлар муштарак меросига айланганини кўрмоқчамиз.

А.З.Валидийнинг шахсий ҳаётида кейинча Бобурга яқин воқеа – ҳодисалар юз берган. У собик Чор Россияси ҳудудини тарқ қилаётганида олимнинг хуржунинда Алишер Навоий «Куллиёт»и ва Бобурнинг «Бобурнома» китоби бўлган.

Ал.: Абдурахмонов М. Научная деятельность А.З.Валидова в Туркестане. –Ташкент: Фан, 2004, стр. 144-148.

Аскарый Мадраимов билан ҳаммуаллифликда.



**14. БОБУРГА Андижоннинг кўлдан кетганлиги хабари етказмоқда.** Рассом Номо. ЫМ, 816; Рассом Мискина. ДММ, 58а.

Тузалган Бобур Андижонга бориш мақсадида юз кунлик подшоҳликдан сўнг Самарқандни таштаб чиқади. Уша кунни Андижон қалъасини вақтинча хоким Али Дўст тағойи душманларга топширади. Бобурнинг ёзишона. «Тафсили булурким, Узун Хасаннинг навқариниким, менинг беҳузурлуғида мени кўрсатиб ижозат бердилар, мухлифлар Андижон кўрғонини қабатонда бориб деблурким, подшоҳнинг тили тутулдиб эди, озгина пахта билга сув томизадурлар деди. Ушбу таъриф қилгон йўсуғлик бориб, Али Дўстнинг қошида онг ичиб айтибдур. Хакан дарвозасида Али Дўст эди. Бу сўздин бепоёй бўлди, мухлифларни илғаб аҳд шарт қилиб, қалъани берди.»

Хўжандга еткан Бобур Андижон қалъаси кўлдан кетганини эшитади. ЕМдаги Номо расмида Хўжанд саройида олти киррали олтин — зар билан безатилган тахтда ўтиртган қизил қабили, оқ салтали Бобурга икки мулозим таслим ва одобни бажариб, кўриниш бермоқда.

Пастда, сарой олдида Андижондан келган чопар ноҳуш хабарни етказмоқда. Сарой аёнлари ҳам бу соғуқ хабардан хайратга тушган ҳолида тасвирланган. «Б.» матнида Бобур хаётидаги энг оғир дам бўлишига қарамай, Номо ва Мискина расмларида кўтаринки қайфият ҳукмрон.

Мискина расмида Хўжанд қалъаси жуда қатта шаҳар сифатида тасвирланган. Расм юкори қисминда бир ярим сатр матн бўлиб, унда аҳд қилиб, шарт билан қалъа топширгани зикр қилинган. Расмда рассом жуда кўп, турли тоифадаги кишиларни, сарой аёнлари, мулозимлар, қушчиларни тасвирлаганини кўришимиз мумкин. Улар кўрагиники руҳда. Эҳтимол бу расмларда Акбар давридаги қалъа, қаср ва ижтимоий руҳнинг таъсири бўлса керак (15 расм.).

**15. БОБУРГА Жаҳонгир Мирзо ва Шайх Боязиднинг хўрмат изҳор қилиши.** ДММ, 2326; МСМ, рақами 1535.

Фарғона vodiysida Тошкент хони Султон Махмудхон, унинг укаси Султон Аҳмадхон ва Бобур Султон Аҳмад Танбалга қарши қурашда ғолиб кела бошлаган бир қалтис вазиятда, рақиб Муҳаммад Шайбонийхонга ёрдам сўраб, тобелик изҳор қилиб мурожаат қилади. Шайбонийхоннинг «Боряшман» — деган мазмундаги хати хонларни ваҳимага солади. Шу пайтда Аҳси ҳукмдори Шайх Боязид Бобурни иттифоққа чақиради. Хонлар кўрсатмаси билан Бобур Аҳсига боради. Рақиблар билан бўлган Бобурнинг укаси унинг олдига келиб хўрмат изҳор этади. Бу воқеани Бобур шундай баён этади ва шарҳлайди: «Бир сабохи эдиким, Марғинондин келди, кўруштим. Ушбу замон Шайх Боязид ҳам изтирооб билга келди, Мирзо ва Иброҳимбек алар дедиларким, Шайх Боязидни тутмоқ керак. арқни илқисмоқ керак» (95 бет).

Бобур ва унинг укасини қалтис вазиятда қайта бирлашуви икки минияторда тасвирланган. ДММ (1326) даги расмда сарой саҳнида ўтирган Бобурга Жаҳонгир Мирзо ва Шайх Боязид ўз хўрматыни изҳор қилмоқдалар. Агар Жаҳонгир ақасининг тиззасинга сажла қилса, тик турган Шайх Боязид кўриниш маросимидаги таслим одобини адо этмоқда. Саҳифада, расм юкорисиди бир ва пастда икки катор матн безак сифатида жойлаштирилган.

Бу воқеа аслин ҳаммомда юз берган эди. Буни билдириш учун рассом иморат томинни ҳаммом гумбази сифатида тасвирлаган. Айни шу воқеа МСМ (рақами 1535) даги расмда ҳам акс эттирилиб, унда ҳаммомдан чиқаётган Бобур хали қийимини қийиб улғирмаган ҳолида тасвирланган. Гарчи бу расмларда умумий аҳвол рассомлар томонидан кўтаринки руҳда тасвирланса-да, аслида эса Бобур учун энг қийин давр эди (21-22 расмлар).

**16. БОБУРНИ Андижон кўрғонининг Мирзо дарвозаси олдида Ширим Тағойининг қутиб олиши.** ДММ (15а); МСМ.

Отаси Умаршайх Мирзо халокатини овда қорбоғда эшитган Бобур изтирооб билан кўрғон томон юриб, Мирзо дарвозасига етганда, унинг ёзишона. «Ширим тағойи жлиовимни олиб, Намозгоҳ томон тебрани. Хаёнингга бу кечибтүрким, Султон Аҳмад Мирзо улғу подшоҳдур, қалин черик билга келса, бекарар мени ва вилоятни топширғунаридур. Мени Угадди ва Олатог доманаси сари олиб бортай. Агар вилоятни берсаилар, мен бори илқика тушмай, тоғойларим Олачакон ё Султон Махмудхонга боргайман» (42 бет).

ДММдаги расмда (15а) Ширим тағойи ўзининг бир неча мулозимлари билан Бобурни қутиб олиши тасвирланган. МСМдаги расмда эса, от тағтинини қўлига олиб, Бобурни Намозгоҳ томон элтаётган Ширим тағойи тасвирланган.

Бу расмлар Умаршайх Мирзо халокати пайтида содир бўлган ҳолатни очиб беришга хизмат қилади. Лекин, ваҳимага берилган, икки расмда тасвирланган Ширим тағойига Бобур салбий баҳо беради: «Баъзилар, мисли Ширим тағойи, доим мундоқ қаттиқ ишлар тушганда мундоқ номувуфиклик ва ноҳамжихатликлар андин содир бўлгондур» (83 бет). «Номардрок киши эди» (102 бет).

Дарҳақиқат, қалтис ҳолатда Бобурга ўзини яхши кўрсатмоқчи бўлган бу амалдор кейинча ҳам ўзига муносиб иш қилиб, оёрўй ортира олмади.

Ал.: Толяев, 2 рангли расм.

**17. БОБУРНИНГ Андижон учун жанглари.** Рассом Шивдас. ЫМ, 84а; ДММ, 63а, рассом Кхемқаран, 65а; МСМ, 576 Цб.

Андижон ва Самарқанддан ажраб қолган Бобур бир қатор жангларда иштирок этади. Ани шундай жанглардан бирида Бобур шахсан ўзи иштирок этган бўлиб, у ҳақда «Б.» да шундай баён этилган: «Хўбоннинг шарки-жануб тарафидан Сако отлик кендаким, Хўбондин бир шарбий ер бўлтай, еттишиб элукким, ганим кишиси Хўбон кенгадин ясаб чинки. Биз ҳам илдамрок-ўк корулдук. Хазм ва эҳтиётни маръи тутуб, тура ёкким, тартиб қилиниб эрди, муқобалга бўлур маҳалда кейин-ўк қолдилар. Тенгри инояти билга аларга ҳеч эҳтиж бўлмади. Етган билга бурунрок бизинг жавонгор кишиси аянинг баронгори билга илқик олгисти. Хожа Қалоннинг отаси Кичикбек анда яхши чопқулашти. Муҳаммад Али Мубашшир ҳам Кичикбекдин сўнгра чопқулашти. Ушмунча билга тоб келгура олмади, ёғий қочти. Баронгор билга ировулга пешо-пеш уруш етмади. Қалин йилгитарни келтурдилар... Менинг аввал маоф урушқониб ушбу эди. Тенгри таоло ўз фази ва қарами билга фатх ва зафар рўзий қилди» (72 бет).

Бу воқеа ЕМдаги (84а) рассом Шивдас учун шаҳар ичиди ва қалъа ташқарисиди жанг манзарасини тасвирлашга асос бўлди. Расмининг юкори қисмида шаҳар ичидидаи қўчалардаги икки томон ўртасидидаи қураш тасвирланиб, унда чап томонда от устида турган Бобур, ўз тарафдорларини руҳлантирмоқда. Улар эса душманларни қурол ва қалтаклар билан тархий қилмоқдалар. Шаҳар ташқарисидида ҳам аҳоли тош ва қалтак билан рақибни қувиламоқдалар. Бу расмда шаҳар ичидидаги иморатлар қишларга нисбатан қичикрок қилиб тасвирланган. Умуман, расмда икки тараф ўртасидидаи қаттиқ қураш ишонррли тарзда тасвирланган бўлиб, унда Бобур тарафдорларининг устунлиги акс эттирилган.

Ушбу воқеалар ДММдаги икки расм (63а, 65а) да тасвирланиб, уларнинг бири иккинчисининг давоми кўринади. Биринчи расмда қалъа учун шиддатли жанг давом этмоқда. Расмининг пастидида эса асирлар Бобурга ўз хўрматыни изҳор этмоқда. Иккинчи расм рассом Кхемқаран томонидан яратилган бўлиб, унда саркардалардан Қалонхожа ва унинг укаси Кичикбек Бобурга ўз хўрматыни изҳор қилмоқдалар.

Ал.: Сулаймонов (96), 18 р.

**18. БОБУРНИНГ Андижон яқини Чихилдўхтрондаги жанги.** Рассом Иброҳим Қаххор. ЫМ, 1376.

Анджон учун бўлган жангларнинг бирида, лашкар ичида тушунмовчилик бўлиб, баъзилар ўз одамларини душман биллиб, қочинга тушгани хикой килинади. Бобур ёзди: «Ўшдин отланиб, ярим кеча Анджоннинг бир куруҳида Чилдўхтарон рўбарўйига келдик, Қанбар Алибек ва яна баъзи беқлар илгаррак юборилдиким, инчақалик биля кўрсонга киши кириб хожа ва арбоб биля сўзлашгайлар. Биз йиборган беқларнинг интизориди от устида-ўк туриб эдик, баъзи урғудамакда, баъзи хоболуд, кечанинг уч пахари бўлгой эди, баъқор таблобоз уни ва сурон чикли. Ёғиннинг кўпини озини билмай, гофил ва уйқулук эл бир йўли-ўк бир-бирита боқмай довлрлаб қоча бердиклар. Мен элни тийгуча ҳам фурсат бўлмади. Ёғий сори-ўк норудм. Миршоҳ Қавчин, Бобо Шерзод ва Дўст Носир менинг биля-ўк тебрадиклар. Биз уч тўрт кишининг ўзга жамий эли қочмоққа-ўк юз кўйдилар. Баъзи ўбдон-ўбдон йигитлар ушбу дориткон биля рост ўшқа берибтилар (91 - 92 бет).»

Лашкар ичидидаги тартибсизлик ўрнига рассом Иброхим Қаххор тоғ орасидидаги икки тарафнинг кескин жангини тасвирланган. Унда Бобур тарафдорлари душманни тавқий қилмоқда. Аслида эса, ваҳимага тушган Бобур жангчилари ярим кечида уйқусираб, тартибсиз равишда қочганини тасвирлаш керак эди.

**19. БОБУРНИНГ ОНАСИ ХОНЗОДА БЕГИМ БИЛАН КУНДУЗАДАГИ УЧРАШУВИ.** Рассом Фаррух Чела. БМ, 136 в.; ВА ( I.M. 262 - 1913 ) ва МСМ ( кичик ўлчамли, рақами 571 П6 ). 1 расм; Рассом Мансур. ДММ, 86 в.

Расмдиди воқеа ҳуқусиди Бобур ёзган эди: «Шоҳ Исмонил ўзбекини ( Мухаммад Шайбонийхонни — Абд.М. ) Марвада боқонда Хонзодабегим Марвада эди. Менинг жиҳатимдин яхши кўрўб, андин узаттилар. Кундузда келиб мента қотилдиклар. Муфорақат имтидоди ўн йил бўлиб эди. Мен ва Мухаммадий Кўқалдош иқов келдик, Бегим ва бегимнинг ёвуғидиқилар танимадиклар. Бовужудиким, отимни айттим ҳам, мурдаттин сўнтра танидиклар» ( “Б.” 38 бет ).

Умаршайх Мирзонинг энг қатта қизи Хонзода бегим, Бобурнинг туғилган онаси, ундан беш ёш қатта бўлиб, ўз уқаси ва жиқинининг ўғли Акбар хаёти ва тақдириди жулда муқим рол ўйнаган.

Бобур иккинчи марта Самарқандни олиб, қамалди жулда оғир аҳволди қолганиди Хонзода бегим ўз уқаси хаётинни саклаб қолши учун Мухаммад Шайбонийхонга расмий турмушга чиқинга рози бўлди. Ахтлашуьга бинван Мухаммад Шайбонийхон барча Теурий, Султон Махмуд Мирзо, Султон Хусайн Мирзо ўғиллари ва Юнусхон ўғлилари Султон Махмудхон, уқаси Султон Аҳмадхонларни махв қилгач ҳам Бобурни Қобулди тинч қўлди.

Хиндикстон подшоҳлигидан ажраб, уқаларидан чўчиб, Хумоюн Мирзо 1543 -1544 йиллари Табриста кетганиди, Қобулди Хонзодабегим ёш Акбарни ўз тарбиясига олган ва унинг бобоси Бобурга ўқашатганини Гулбадан бегим ўзининг «Хумоюннома» асариди ёзиб қолдирган.

Бобоси ва қатта амма учрашувини Фаррух Чела ёки Фаррухбек жулда ифодали тарзда тасвирлаган. Ўн йилдан сўнг ўз уқасиди ўзгариларни кўрган Хонзода бегим, хайратини хизматидагилар билан баҳам кўрмоқди. Бобур Мирзо бошиди тож ёниди Мухаммадий кўқалдош. Атрофдиди аён ва хизматқорлар ҳам содинр бўлган воқадан хайратди. Рассом воқеани уч киёмга бўлиб, олди планди, қодир ёниди хизматқорлар ва Бобур ва хамрохининг оти. Ўртадиди қодирди асосий воқеа тасвири. Қодир юкорисиди хизматқорлар ва Кундуз шахрининг қирайтирилган тасвири. Расмдиди лавҳа ёзувди форсчиди «... иққовимиз келдик. Бегим ва ёнидикилар танимадиклар, тарчи отимни айтсам ҳам» жумлиси йирик наставлик хатиди битилган.

Айни шу мавзу яна ВА ( I.M. 262 - 1913 ) ва МСМ ( кичик ўлчамли, рақами 571 П6 ) расмлари ҳам тасвирлаган. Агар ВА расмиди воқеа талқини дейрли бир хил бўлса, МСМ диди расмди рассом воқеани Кундуз шахар шароитига кўнчирган. Уччиди расмди ҳам унинг

композицион марказиди Хонзода бегим образи туради. Бу билан рассомлар Акбарнинг Хонзодабегимга бўлган алоҳиди хурматиини кўрсатган десак бўлди.

Хиндикстонди Акбар ва Жахонгир даврди Фаррухбек ёки Фаррух Қалмоқ исми Абдулғазл Алломий томонидан эслатилган. Бу рассом аввал Қобулди Акбарнинг уқаси Мухаммад Хаким хизматиди бўлган, унинг 1585 йилги вафотидан сўнг Акбар саройига хизматга кирган, узок вақт умр кўриб, етмиш ёшиди Алгшер Навонийнинг «Бинафш» радифи фазагиди расм ишлаган. Бизгача етиб келган расмларди Фаррухбек, Фаррухбек Мусаввир, Фаррух Қалон, Фаррух Хурд, Фаррух Хурд Чела ва Фаррух Чела дастхати учрайдиди. Шунингдек, Фаррух Хусайн дастхати ҳам бор. Унинг хаёти ва ижодиди кўйлаб сантатунослар эътибор берган.

Фаррух Челанинг иккити расми “Б.”нинг БМ ва ДММ кўлёмасиди мавжуд. Иккинчи расмди Абубакр Дўғлат Қошарининг ўзанд қалға қамали тасвирланган ( 176 в.). С.П.Верма ( 1994 ) маълумотига кўра бу рассомдан йигирмита дастхатли асарлари бизгача етиб келган ( 152 - 155 бетлар ).

Дехлидиди Миллий музей кўлёмасиди бу мавзуди машхур рассом Мансур Наквои расм ишлаган бўлиб, унда тоғлик жой иқинидиди қатта қизил қодир марказиди оқ қийимдиди Хонзода бегим ва унинг рўпарасиди ҳам оқ қийимдиди Бобур Мирзо тасвирланган. Хонзода бегимнинг узатилган чап кўли гўё, “Сиз қимсиз? — деб ўз уқасидан тағимай савол сўраётгандай таасурут қолдирди. Бобурдан бироз пастанди у билан келган Мухаммадий Кўқалдош. Қизил қодирга уч қатор матн гўё нақшдек қилиб қойлаштирилган ва унда воқеа изоҳи келтирилган. Фаррухбек расмиди қарағиди, бунди қодир ичиди кўприк ёш аёллар тасвирланган. Қодирнинг олдиди Бобур ва хамрохи отлари, ўн иккити мулозимлар турганиди кўрамиз ( 10 расм ).

Ал.: Сулаймоннов (96), 7 р.; Верма (1994), 144-155 бетлар.

**20. БОБУРНИНГ СУЛТОН АЛИ МИРЗО БИЛАН УЧРАШУВИ.** ДММ, 376. МСМ, 8 рангли расм.

Бобур Мирзо ўз лашқари билан Самарқанд учун жанг қилишга киришганди, Султон Махмуд Мирзонинг ўғли Султон Али Мирзо ҳам шу мақсадди кураш олиб борар эди. Убадулди Ахсорнинг ўғли Хожа Яхё ўртага тушиб, иққала мирзони иттифоқга келтирмоқчи бўлиб, уларни учраштиради.

Шартга бинван, Бобур ёзди: «Самарқанддин икки —уч шарый қуйроқ Сўғди тарафидин мен чериким биля бордим. Ул тарафдин Султон Али мирзо черики биля келди. Нарқиндн тўрт — беш киши биля мен қўхак суйининг оралниғача кечиб, от устади-ўк кўрушўб ва сўз сўрушўб, анар ул тараф бордиклар, мен бу тараф келдим.

Мулго Биноий ва Мухаммад Солихни анди Хожа хизматиди кўрдум» ( 55 бет ).

Бу воқеа икки расмди тасвирланган бўлиб, ДММдиди расмди матндиди қабди сувли жойди учрашган икки ёш мирзо от устиди бир-бири билан кўришгани келаетгани тасвирланган.

МСМдиди расмди воқеа қўхак суви кўпригиди бўлаётган қилиб талқин қилинган. Ушбу расмди ва матндиди Султон Али Мирзо хурмати жулда юқори қилиб баён этилган ва тасвирланган бўлса-ди, сўп ўтмай бу ёш Мирзо онаси Зухра бегим қасрига учраб, нобуд бўлди.

Бу учрашуь пайтиди ёш Бобур икки ноёб иқтидер эгаси, шоирлар Қамолддин Биноий ва Мухаммад Солихни Хожа Яхё хизматиди кўрганини алоҳиди зикр қилди.

Бу расмди икки Теурийзода ўзаро ақиллик намойиш этган бўлса-ди, амалди улар бир тахт учун икки давоғтар бўлиб, охир оқибат, Самарқанд тажрибади Мухаммад Шайбонийхонга насиб қилди.

Ал.: Толяев, 8 рангли расм.

ва ДММ даги кўлэмалар расмларда бир-бирига яқин тасвирланган. Факат матнда эслатилган аёллар тасвири йўқ.

Сонвада ишлаган расмда (БМ, 133а) кенг дала марказида ўнг томондан Султон Аҳмадхон, оч кўнгирангли отда, орқаси ва ёнларида мулозим ва лашкарлари. Чап томондан Бобур ва унинг хамроҳлари. Ўртада, нақшинкор кабода ок саллаи Бобур, Унинг олдида Султон Саидхон ок мовий кабода юкнуб, икки тизада туруб, оёғини тавоф қилмоқда. Орқароқда ўз навбати кутиб турган Бобохон Султон, сарик кабода. Пастда икки катор матн. Унда филхол Султон Саидхон ва Бобохон Султонга юкнүши буйрулгани ёзилган. Расм юкорисида тоғли манзара.

Рассом Хамлаг асариде воқеа бироз бошқачароқ. Бобур ва сафдошлари ўнг томонда, улкан дарахт остида. Олдида юкнүётган Султон Саидхон. Орқароқда Бобохон Султон хизматта тайёр ҳолатда, кўл ковуштириб турипти. Орқароқда отда уларнинг отаси Султон Аҳмадхон улўт ёшли килиб тасвирланган. Бу саҳифада икки матн лавҳаси мавжуд бўлиб, юкорьда икки катору тўртдан бирича, пастда бир катор битилган бўлиб, уларда филхол Султон Саидхон ва Бобохон Султонга буйрук берилгани ёзилган. Бу расм юкорисида ҳам қоллар тасвири мавжуд.

Матндан шу нарса маълум бўладики, икки хон, Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхон Бобурга юзаки хурмат бажо келтирсалар ҳам, амалда ёрдам ёрдам бермайдилар. Бу воқеа расомлар учун нуфўзли шахслар уқрашувларида рив эгилдиган юкнүши – икки тизада туриб, ёки бир тизада кўришиш маросимини ҳамда Бобур хаётндаги кариндошлари Султон Аҳмадхон, Султон Саидхон, Бобохон Султон ва Султон Хоника оёраэларини яратишга асос берган.

Ушбу расмлардан тасвирланган Султон Аҳмадхон тўғрисида Бобур куйидагиларни ёзди: «Султон Маҳмудхондин кичик Султон Аҳмадхон эдиким. Олачохонга машхурдур. Олачоннинг важи тасмийси муни дерларким, калмоқ ва мўғул тили била ўлтүрүвчинини «олачи» дерлар. Калмоқни неча катга бөсий, калин кишинин киргон учун «олачи» де-де касрати истиъмог била Олача бўлүбдүр (40 бет)».

«Хонлар Танбалнинг сўнгиче-ўк келиб Андийжонга келиб тушгилар... Икки кундин сўнг ўшдин келдим. Улўт Хонни Кўштегирмонда кўрдим. Хонни кўрган замон-ўк ментга кирган ерларни кичик Хонга бердилар. Ментга мундоқ узр айтдиларким, Шайбөкхондек фаним Самаркандек шахрни олиб, улғайиб борадур, ушбу маслаҳат учун кичик Хонни не ердин келтүрүбтурлар, мунда ери йўқ, ул вилоятлари йирок. Хўжанд дарёсининг шимолни Аҳси бошлик вилоятлари мента ваьда килдилар. Дедиларким, мунда тўхтоғондин сўнг, юруб Самарканд вилоятини олиб мента бергайлар. Андин сўнг Фарғона кичик Хонга бўлгой. Ғолиб, бу сўзлар фиреб эрқандур (93 бет).»

Бу расмларда тасвирланган Султон Саидхонни Бобур ўзи Андийжонга жўнатади ва у кейинча Коштарни ҳам эгилтаб, узок муддат хукмронлик қилади, унга тарихчи Мирзо Мухаммад Хайдар мулозим бўлиб хизмат қилади (20 расм.).

Ад.: Сулаймонов(96), 21 р.

**25. БОБУРНИНГ Фарғона вилояти тахтига ўтириш маросими.** Рассом Ноно. БМ, 26 в.

Бу воқеа хижрий 899 йили вилоят хокими Темурзода Умаршайх Мирзонинг фожияли ҳалокатидан сўнг ноз берган эди. Бобурнинг ёзишича, сешанба кўни, рамазон ойининг бешинда, тарих сақкиз ноз тўксон тўққизда Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлди. Унинг отаси душанба кўни ҳалок бўлган эди. Бу воқеа ноз берганда Бобур Андийжонда чорбоғда бўлган. Унинг устози хожа Мавлоноийи кози, кўрғон нияддаги бекалар бу хабарни топиб, дағдағаларни буларнинг хотиридан рафъ қилиб, Намозгоҳга яқин етган маҳалда Бобурни қайтариб арқа олиб келганлар ва ҳамжиҳатлик билан уни тахтга ўтказганлар. Ушбу маросим Ноно номли хинд рассоми томонидан ўрта Осиёда эмас,

балки Хиндистондаги очик айвонда олти кирра заррин тахт устида ёстикка хийл сиёнган Бобур устозига мурожаат қилмоқда. Тахт олдида турган Хожа Мавлоноийи кози Бобурни дуо қилмоқда. Бекаларнинг ҳамжиҳатлигини кўрсатиш учун рассом уларни саройда базмада ўтирган қилиб тасвирлаган. Ваҳоланки, бу нийтда вазият жууда калгис бўлган. Бобур муҳаббат билан тасвирлаган Андийжон арқини хинд рассоми катта маҳорат билан акс эттирган. Бу расм Ҳамид Сулаймон томонидан нашр этилган (6 расм.). Яна бу манзара Алвар Давлат музейдаги расмда ҳам қайта тасвирланган.

Нашир: Сулаймонов (96), 4 р.; Бобурнома расмлари (2002), 2 расм.

**26. БОБУРНИНГ Қанбар Али ва Қосим бек билан от чоғтириш бўйича мусобақаси.** МСМ, 1536 II; ДММ, 866 в.

Бобур иккинчи бор Самаркандни эгиллагандан сўнг қамалда қолиб, охири Шайбонийхон билан сулҳ тузиб, шахарни ярим кечада Шайхзода дарвозасидан ташлаб чиқади. «Сўднинг улўт шоҳжўйларига коронту кечада урунуб, йўл итүрүб ноз ташвиш била тонг отконда Хожа Дийдордин ўтуб, суннат вақтида Корбўт пуштасина ёрмоштүк. Корбўт пуштасининг шимолдин Худак ўғини туслаб тебралүк. Йўлда борурда Қанбар Али ва Қосимбек била от тортуштүк. Менинг отим ўтти. Анинг отини колғонини хаёл қилиб орқамга боқтимким, уларнинг оти нечоғлик кейин қолиб экин, кийшайиб боқаримда отимининг оли узулиб, эгари зврүлди. Бошим билан ерга йикилдим, азэр ўшул замон кўнүб отландим, вале аклим охиломнеча карори келмади» (86 бет).

Ушбу воқеа икки расмда уч суворий мусобақаси сифатида жууда жонли тасвирланган бўлиб, МСМдаги расмда отининг оли узулган Бобур орқага қараётгани тасвирланган. Бундан кейинги манзара ДММ даги расмда акс эттирилиб, ерга йикилган Бобур туриб, хиёматкори ёрдамида салласини ўрамоқда. Иккила расмда ҳам Бобурнинг садокатли дўстлари Қанбар Али ва Қосимбек оёраэларини кўриб туримомиз.

Қанбар Али Бобур томонидан шундай характезилган: «Қанбар Али мўғул эди, ахтачидин эди. Отаси вилоятга кириб, неча маҳал салтоҳлик қилгон учун Қанбар Салтоҳ дер эдилар. Юнүсхон кошнда офтобачилик қилди, сўнгра бек бўлиб эди. Менинг кошимда хейли улўт риюят топиб эди. Ишга етгүнча эхтимоми яхши эди. Ишга етган маҳалда колтоғонини бор эди. Пүргўй ва парйшонгўй эди. Муқаррардур, хар кимки кўп айтур, парйшон айтур. Хафсаласи тор ва тийра матз киши эди» (42 бет). Албатта, бу бек салбий хислати кўнпроқ эканлигини кўриш мүмкин.

Бобурнинг мусобақаддаги иккинчи сафдоши, Қосимбек Кавчин эди. «Қадимий Андийжоннинг кўшүн бекаридан эди. Ҳасан Яёкуббекдин сўнг менинг эшигимда соҳиб иҳтёр ул эди. Охир умригача иҳтёр ва эғтибори ортти ўксумлади. Мардона киши эди. ...Қобулға келганда Хумононга бек атқа қилдим. Замини Доварни олгонда Тенгри раҳматига борди. Мусулмон ва мутадаийин ва муттакий киши эди ва шуьҳатик таомдин пархиз қилур эди. Ройи талбири бисёр яхши эди. Хейли мутоьба қилур эди. Бовуҳудиким уммий эди, хуштабьона зарофатлар қилур эди» (41 бет).

«Б.»даги бу воқеа Хиндистонлик рассомлар учун от чоғтириш мусобақасини тасвирлашда маҳоратини намойиш этиш учун хизмат қилган ва Акбар даврида ҳам бундай ўйинларга эғтибор мавжудлигини кўрсатади (16-17 расмлар.).

Ад.: Толяев, 16 р.; Рандхава, 30 р.

**27. «БОБУРНИЙ расомлари ва уларнинг асарлари»** китобида куйидаги муҳим маълумотлар мавжуд.

Лондондаги Виктория ва Алберт музейидаги «Бобурнома» кўлэмларидан йиртиб олинган 18 пароканда вараклардан иккитасидир ( 276 -276а вараклар) 6 варакда Бобурнинг Агра шахридаги эғтилар қабули шарафига уоштилган фий, туя жанги ва полвонлар кураши рассом Мадху Чела томонидан яратилган. Лондондаги Виктория ва Алберт музейи. «Б.» ( 274 варак ). Расм юкорисида икки катор матн жойлаштирилган.

Асосий расмни кўлэмаларининг хронологик тартиби (32 – 33 бетлар) да «Б.»нинг Миллий музей (1598, 116 varaқда), Британия музейи (1598) бу шахсан Акбар учун яратилган бўлиши мумкин. Виктория ва Алберт музейи (1598), Москвадаги Шарк санъати музейи (1598), Истамбулдаги Миллат кутубхонасидаги varaқлар, жами бештаси кайд этилиб, Честер Битти кутубхонасидаги «Б.» varaқлари «Ажойиб ул-махлуқот» асари сифатида (32 бет) кайд этилган. «Б.»та расм ишлаган кўйидаги расомлари ва уларнинг асарлари эслатишган: Абдулла (БМ), Аллох Кули (ММ, Дехли), Анант (ММ, Дехли, учта расм ишлаган (279, 287аб). Аси (ММ, Дехли, беш varaқда, 103, 281аб, 289аб), Аси Каххар (ММ, 276б), Банди (ММ, Дехли, 277аб кушлар тасвири), Банвари Калон (БМ, 253а), Банвари Хурд (БМ, 270б, 306а; ММ, Дехли, 350), Басован (Шахсий мажмуадаги varaқда; Ж.Сустел мажмуаси, Париж, varaқларда, 12, 13, 319; Фрир Галереяси, АКШда, 27; Сангъат музейи, Роде ороли дизайн мактабиде), Бхатван (ЧБ, 117, 118; БМ, 195а, 322а; ММ, Дехли, 98, 121, 148, 203; ВА, 234), Бхавони (БМ, 52а, 468б, 492а, ММ, Дехли, 134, 272аб, 279а), Бҳим Гужароти (БМ, 208б), Бхура (ЧБ, 147, 148; БМ, 6б, 417, 284аб, 340), Вишну Дас (ВА, 27б, 276а; Ж.Сустел мажмуаси, Париж, 77), Давлат Хоназод (ММ, Дехли, 137, 22б), Девжи Гужароти (БМ, 368а; ВА, 261), Дханну (БМ, 173б, 386а, 389б, 393б; ММ, Дехли, 20б), Дханрож (БМ, 240б, 305, 478а; ММ, Дехли, 41), Дхарамдас (БМ, 1948 – 10 - 9.071; ММ, Дехли, 6б; Ж.Роззи мажмуаси, Париж; Ж.Сустел мажмуаси, Париж, 12; Э.Бинни мажмуаси – 3. Бруклин, АКШ), Дхарамдас Нанда (ММ, Дехли, 290аб, 291), Дурга (Э.Бинни мажмуаси, АКШ; ВА, 265), Фаррухбек Мусаввир (В.Голуб, мажмуаси), Фаррух Чела (БМ, 13б; ММ, Дехли, 17), Фатту (ММ, Дехли, 280аб), Говинд (БМ, 197а; ММ, Дехли, 21б, 234), Хари (Э.Бинни мажмуаси, АКШ), Хусайн (Ж.Сустел мажмуаси, Париж, 13), Хусайн Чела (ММ, Дехли, 62 р., 189 в.), Хусайн Наккош (БМ, 386б), Иброхим (ММ, ДЕХЛИ, 96 р., 273 в.), Иброхим Каххор (БМ, 137б, 405б; ММ, ДЕХЛИ, 92 р., 270б; ЧБ, 149, 150), Иброхим Наккош (БМ, 407б), Икбол Наккош (БМ, 400а), Исмойил (ВА), Исмойил Каширий (ВА, 269аб), Жаганнатх (БМ, 196б, 352а, 383б; ММ, Дехли, 30 р., 90 в., 140 р., 360 в.), Жамол (ММ, Дехли, 26 р., 69 а., 32 р., 93 в., 78 р., 227 в.), Жамшид (ММ, Дехли, 93 р., 271 в.), Жамшид Чела (БМ, 257а), Камол Каширий (Шахсий мажмуа), Конха (ЧБ, 114, 115, 122 – 125; Фрир Галереяси, АКШ, 54, 29б), Кеу (Кесав) Хурд (ЧБ, 114, 115; БВ, 370б), Кеу Гужароти (БМ, 384б, 406аб), Кеу Каххор (ММ, Дехли, 74 р., 215 в.), Кхем (БМ, 504б; ММ, Дехли, 40 р., 115 в., 50 р., 142а), Кхемжаран (ММ, Дехли, 24 р., 65 в., 51 р., 144 в.), Химан Сантарош (ВА, 266-1913), Хизр (ММ, Дехли, 120 р., 285б), Хизр Чела (БМ, 256б), Хусрав Кули (БМ, 401б), Лачман (ММ, Дехли, 35 р., 101 в., 63 р., 192 в.), Давл (ВА, 273 – 1913, 265 – 1913), Лохака (ММ, Дехли, 113 р., 282а, 114 р., 282б, 121 р., 286 в.; БМ, 395б), Мадху Чела (ВА, 274 – 1913), Мадху (ММ, Дехли, 22 р., 60 в.; ВА), Махеш (ЧБ, 119, 120; БМ, 180б, 181б, 453а; ММ, Дехли, 37 р., 10б в., 270а, 299 в.; Фрир Галереяси, АКШ), Махра (БМ, 379а; ММ, Дехли, 47 р., 13б в., 67 р., 201 в., 105 р., 278а, 106 р., 278б), Мани (Муни) (ЧБ, 122-3, 4а, 124-5, 4б; БМ, 399аб), Манохар (БМ, 283б), Мансур Наккош (Фрир Галереяси, АКШ, 54, 29а, 655 А.Э.; БМ, 387аб, 388аб, 389а; ММ, Дехли, 8 в.), Мискин (ММ, Дехли, 21 р., 58 в.; Кер мажмуаси, 43; ВА), Мискина (ЧБ, 147 – 150; Э.Бинни мажмуаси, АКШ; Ж.Сустел мажмуаси, Париж, 52, 53; Шахсий мажмуа; Гомер музейи, Париж, 1785а, 1785б, 1784; ММ, Покистон, 2 расм), Митра (номаълум жойда, Сотби аукционига кўйилган), Мухаммад Каширий (ММ, Дехли, 39 р., 113 в.), Мухаммад Пандит (ММ, Дехли, 9 р., 24 в.), Мухлис (БМ, 285а), Мукулд (ВА, 266 – 1913), Ньюо (БМ, 70а, 81б; ММ, Дехли, 4б р., 135 в.), Нанда Гвалиери (БМ, 23а, 522а, ММ, Дехли, 142б, 324 в., 334 в.; Ж.Сустел мажмуаси, Париж, 53, 319 в.), Нанда Кумар (ММ, Дехли, 31 р., 91 в.), Нонхо (ВА, 27б – 1913, 276а – 1913), Нароян (БМ, 385б), Нарсинг (ММ, Дехли, 40 в.; БМ, 163а), Наки Хоназод (ММ, Дехли, 10 р.), Порас (БМ, 54а, 194б, 194б, 200б, 299а, 347б; ВА, 267 – 1913;

ММ, Покистон, иккита расм), Паег (БМ, 333б; ММ, Дехли, 44 р., 131 в., 98 р., 274а, 274б, 99 р., 275а, 100 р., 275б), Пидорат (БМ, 380б, 393а, 402а, 459а), Прем (ММ, Дехли, 43 р., 126 в.), Прем Жив Гужароти (ММ, Дехли, 42 р., 125 в.), Ромдос (БМ, 273б, 381а, 381б, 520а; ВА, 275 – 1913), Сонвала (БМ, 133а, 271а; Ж.Сустел мажмуаси, Париж, 52), Сарван (БМ, 380а, 394а, 394б, 400б; ММ, Дехли, 8 р., 23 в., 28 р., 78 в., Хераманек мажмуаси, Нью-Йорк), Шанкар (Кер мажмуаси, 43; БМ, 252б; ММ, Дехли, 39 в., 205 в.), Шанкар Гужарати (БМ, 279б, 314а, 391б, 392а, 392б, 395а, 403б, 404б), Шивдос (БМ, 83б, 84а, 351б; ММ, Дехли, 12 р., 32 в., 13 р., 33 в.), Шиям (БМ, 190а, 382а, 397а, 397б), Сур Гужароти (БМ, 295а), Сурдос (ММ, Дехли, 1 р., 4а, 2 р., 4б), Суржан (БМ, 22а, 396а, 396б), Суря Гужароти (БМ, 390а, 390б), Сурю (БМ, 44а), Тхиртол (БМ, 271а), Тилок (БМ, 128б), Тирия (БМ, 94б, 260б, 274а), Тулси (БМ, 94б; ММ, Дехли, 58 р., 183 в., 81 р., 243 в., 125 р., 288а, 288б; ММ, Покистон, иккита расм), Тулси Калон (БМ, 491б), Тулси Хурд (БМ, 398а, 398б), Ёкуб Каширий (ВА, 273 – 1913), Библиографиянинг биринчи қисмида «Б.» нинг унга кўлэмаси, Британия музейи, ОР/ 3714; Миллий музей, Дехли, раками 50.326; Москвадаги Шарк халқлари санъати музейи varaқлари, 69 расм; Виктория ва Алберт музейидаги 17 varaқ, Оксфорддаги Болди кутубхонасидаги расмни кўлэмаси (Эллиот 19); Лувр музейидаги икки расм, Фог санъат музейидаги 1 расмни varaқ; Валтер Санъат галереясидаги 31 миннатор, АКШ: Лондондаги Колнахи мажмуасидаги 6 миннатор, Алвардаги Давлат музейи 18 расмни кўлэмаси эслатишган. Аммо Честер Битти кутубхонасидаги 6 расмни varaқлар «Ажойиб ул-махлуқот»та ишланган дейиладик, бу хато бўлиб, улар ҳам «Б.»та тааллуқлидир. Адабиётлар рўйхатида Хамид Сулаймон нашр этган «Б.» расмлари эслатишган ва муаллиф ундан ўз асарийда фойдаланган. Расомлар номларини ўқилишидаги хатоларни кўрсатиб кетган.

28. **“БОБУРИЙ УСТОЗЛАР. НАВОБЛАГИ ТАДЖИКЛОГЛАР** ( Mughal Painters. Further studies”) китобидаги муҳим маълумотлар. Ашок Кумар Дас, тушпам муҳаррири, 1967 йили Лондонда, «Жахонгир даври Бобурийлар рассомлиги» мавзуйда тадқиқотчи амалга оширган. Уша йили ўзининг Бобурийлар рассомлиги тўғрисидаги мақоласини чоп этган. Элликдан ортиқ илмий мақола, тақриз ва китоб чоп этган. Бобурийлар даврининг энг машхур «Разнома» («Махоохарата»)нинг фореча таржимаси) ва Абдул Фазл Алломийнинг «Ақбарнома» асарининг расмни кўлэмаларини тадқиқ этиб уларни натурга тайёрламоқда.

Шила С. Канди Англия пойтахти Лондондаги машхур Британия музейидаги Ислокий мажмуалар раҳбари уринбосари. Асосий тадқиқотлари Эроний, Бобурий рассомлик ва Ислоом керамикасига оид.

А. С. Меликян – Ширвоний Париждаги Илмий тадқиқотлар миллий марказининг тадқиқотчи директоридир. У жуда кўп илмий ишлар, шу жумладан беш китоб, олмиш илмий мақолалар инглиз ва француз тилида чоп этган. Европа ва Америкада маърузалар ўқиган. Сарбонда форс тили ва ислоом санъати тарихи бўйича илмий даржагата эга. Асосий тадқиқот мавзуси магн ва тасвирийнинг ўзаро муносабати, хусусан Эрон ва Фарб мамлакатларида форс тилининг бадий жихатларини ёритишдан иборат.

Сом Пракаш Верма Алигарх Муслмон университетиде санъат тарихидан дарс беради. Унинг икки жилдий тадқиқотлари «Акбар саройи расмларида моддий маданият ва санъат» (Янги Дехли, 1978, инглиз тилида) ва «Бобурийлар рассомлари ва уларнинг асарлари. Биография маълумотнома ва кийёий каталог» (Янги Дехли, 1994) ва илмий журналлардаги катор мақолалари машхур. Рассом ва ижодкор сифатида Калкутта Бадий академияси (1982) ва Хиндистон Бадий академияси (Амритсар, 1981) мукофотида сазовор бўлган. 1986 – 1987 йиллари АКШда Фулбрайт фонди соҳиб сифатида Вашингтондаги Смитсон институтининг Фрир Галереясида ишлаган.

Амина Окида Париждаги Гомер музейи раҳбаридир. У «Буток Бобурийлар саройида», «Акбар саройидаги Бобурийлар рассомлари», «Устув Моренинг Хиндистони»



киммати билан бир каторда Акбар хужмронлиги даврида Бобурийлар яратган баъдий меросдан бир намунадир, деб баҳо беради.

Альбомда чоп этилган расмларнинг муаллифларидан кирк бир санъаткорлар номлари рўйхати берилган (38 бет), уларнинг ўқилишида айрим хатолар мавжуд. Китоб охирида энг муҳим ўттиз тўққиз адабиётлар рўйхати (158-159 бетлар) мавжуд. Расмларда тасвирланган воқеалар баёни ўзбек, рус ва инглиз тилларида келтирилган (137-157 бетлар).

Ушбу альбомта М.Р.Кодированинг «Шарк юлдузи» (1970, 11, 224 бет) ва А.Холиқовнинг «Меҳнат ва Турмуш» (1971, 1, 23 бет) журналларида ижобий тақризлари чоп этилган. Альбомдаги расмлар А.Мадраимовнинг «Индийские миниатюры к историческим хроникам» («Миниатюры к «Бабу-наме») мавзюдаги номзодлик диссертацияси (1979, Тошкент) ва катор илмий мақолалари учун асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилган.

2008 йили бу альбомдаги расмлар асосида филология фанлари докторлари, профессорлар Ҳамид Сулаймон ва Салдбек Ҳасановнинг «Бобуринома». Миниатюралар» альбоми чоп этилди (Тошкент: "O'qituvchi").

34. «Бобуринома» расмлари - Захириддин Мухаммад Бобур ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ бўлган расмлар мажмуаси. Тўзувчи А.Мадраимов. Чизмалар Ўзбекистон халқ рассоми, академик Ш.Мухаммаджоновники. Сарлавҳани Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, хаттоғ Ҳабибулло Солиҳ ёзган. 146 в. Тошкент: 1976. Библиографияда 29 номдаги адабиётлар келтирилган. «Бобур ва жаҳон адабиёти музейида 451 ракам остида сақланади».

Уларда тасвирланган воқеалар мазмунига кўра мамлакат ободончилиги, маънавий мавзудаги; уррашувар, расмий қабул ва зиёфатлар; жанг манзаралари; оз ва уйинлари ҳамда Ҳиндистон флора ва фаунаси аёс этган расмларга ажратилиши мумкин.

«Б.» асардаги Бобур ҳаёти билан боғлиқ воқеалар каерда ноз берганга қараб, Фарона ва Мовароуннаҳрдаги воқеаларга; Қобул ва Хуросондаги воқеалар ва Ҳиндистондаги воқеалар тасвирланган расмларга ажратилиши мумкин.

Ақсарият миниатюралар 1590-1605 йиллари Акбар саройидаги энг мақоратли расомлари иштирокида яратилгани учун уларни бу соҳадаги шох асарлар деб тан олиш мумкин. Бу расмлар С.И.Тюляев, Ҳамид Сулаймон, С.Ҳасанов, М.С.Рандахва томонидан нашр қилинган, А.Мадраимов, С.П.Верма ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

35. «БОБУРИНОМА»да **Ҳодарвеш тавсифи ва ва унинг расмларидати тасвири.** Бобур баъзи жойларни тавсифга олар экан, уларга хос хусусиятлар, ривоятларни ҳам келтирган. Хусусан Ҳодарвеш деган жой тўғрисида куйидагиларни ёзди: «Хужанд биля Кандибодом орасида бир дашт тушутур, Ҳодарвешга мавсумдур. Ҳамиша бу даштта ел борур... Дарларким, бир неча дарвеш бу бодияда тунд елга йўлиқуб, бир-бирини тополмай, «Хо, дарвеш», «Хо, дарвеш» дея-дея халок бўлуётурлар, андин бери бу бодияни Ҳодарвеш дерлар» («Б.", 36 бет).

Келтирилган лавҳа миниатюрада форс тилида тўрт ярим каторда, ўнг қисм юқорида келтирилиб, рассом дашт тасвирлаш учун қоя тошлар, текистик ва дарактларни қучли шамол, бўрон, «тунд ел» пайти аёс эттирилган. Шамол қатта - қатта даракт шохларини қайриб юборган. Бўронда қолган тўққиз дарвеш нозларини яширган ночор турли ҳолатда тасвирланган. Бу табиат инжикликларини тасвирлаган рассом Тҳирлолнинг энг камёб асарлардан биридир. Рассом табиат, даракт, шохлари ва қоллар тасвирида асосан кўк, қулранг, сарғиш, дарвешлар қиймида эса ок, кўк, қизил, кўнғир ранглардан фойдаланган. Тўққиз дарвешнинг олтиаси расм уртасида қиялаб жойлаштирилган, уртаси эса чап бурчақда. Расм тарҳи ўзининг ҳаракатли тасвирлаши билан ажралиб туради.

ДМдаги Сурдас расмида (46) саҳифада икки ўринда тўрт катордан матн берилиб, ундан қолган жойларда бўронда қолган дарвешлар тасвирланган.

Тҳирлол Акбар даври етқичи рассомларидан бири бўлиб, у «Размнома», «Жоми ут-тавориҳ» ва «Дайри дониш» каби асарлар кўләмаларини расмлар билан безашда уларга ранг берувчи (*амал*) сифатида қатнашган. БМнинг яна бир расмини яратишда иштирок этган (271а).

Ал.: Сулаймонов (96), 6 р.; Рандахва, 2 р.; Верма (1994), 365 - 366 бетлар.

36. «БОБУРИНОМА» нинг **Алвар Давлат музейи расмли кўләмаси** (Ҳиндистон). Варақлар сони 457. Ҳлчами 20 x 30 см. Қогози жуذا сифатли мато асосидаги. Хошиялар абри баҳор билан баъдий зийнатланган. Хаттоғи Али ал-Қотиб Хиравий. Бу кўләманинг тавсифи «Manuscripts from Inaian Collections» (Дехли, 1964) каталогида келтирилган.

Кўләмада ХҲ аср иккинчи ярмига оид 18 расм бўлиб, олимларнинг ёзишича, уларни яратишда Мухаммад ва Саъдулла исмли рассомлар иштирок этган. У 1530 йилги аслиятдан таржима қилинган нуسخадан кўчирилган. Кўләманинг биринчи вароғи нозидати шамс нақши пастиди Хумоюн, Акбар - иккита, Жаҳонگیر, Шоҳи Жаҳон муҳрлари мавжуд. Бу эса кўпчилиқ тадқиқотчилар, Т. В. Арнолд, Б. Н. Луния, Э. Ю. Бретел, К. Айний каби олимларни чағитган ва бу форсча Абдурахимхон таржимаси нуسخасини 1589 йилдан кейин кўчирилганига қарамай, аслиятдаги 1530 йилда битилган деганларким, бу албатта айни хатодир. Фақат биринчи вароғининг бир томонида аввалги шамс нақши мавжуд. Китобда жами 18 расм бўлиб, улардан еттиасини В.Рашибрук 1918 йили ўз монографияси «Ок-гора сифатида чоп этган. Бу кўләмани безатган рассомлар «Бобуринома» кўләмаларининг аввалги расмларидан ижодий фойдаланганлар. Бу кўләманинг расмлари ва зийнатли варақлари намуналари слайдлари марҳум профессор Ҳамид Сулаймон раҳбарлигидаги, А.Мадраимов ва В.Кюнер иштирок этган, 1976-1977 йиллари Ҳиндистонга уоштилган археография экспедиция даврида Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги адабиёт музейига келтирилган. Бу кўләма ва унинг расмлари А.Мадраимовнинг номзодлик диссертациясида асосий манбалардан бири сифатида фойдаланилган.

Ал.: Мадраимов А.А. Индийские миниатюры конца XVI - начала XVII веков к историческим хроникам (Миниатюры к «Бабу-наме»). Автореф.к.д., Ташкент: 1979; Шарк миниатюра мактаблари, 110 бет.

37. «БОБУРИНОМА»нинг **Дехлидаги Миллий музейида сақланаётган ноёб расмли кўләмаси.** Раками N. M. 50.326. Варақлар сони 378. Ҳлчами 21,5 x 26 см. Ҳртача қатталиқдаги наставлик хатида битилиб, саҳифада 14-15 сатр ёзув жойлаштирилган. Кўләма 122 варағининг 145 саҳифасида 183та расм мавжуд бўлиб, уларни куйидаги эллик тўққиз рассом ишлаган: Аллох Кули (1), Анант (2), Аси (3), Аси Каххар (4), Иброхим (5), Иброхим Каххар (6), Кесу Каххар (7), Кхем (8), Кхемикаран (10), Говинд (11), Жаганнатх (12), Жамшид (13), Жамол (14), Тулси (15), Давлат (16), Давлат Хоназод (17), Дҳанрож (18), Дҳану (19), Дҳарамдас (20), Наки (21), Нарси (22), Наки Хоназод (23), Нанда Калон (24), Нанда Куантр (25), Нанда Гваллиери (26), Нарсинг (27), Наман (28), Нана (29), Паяк (30), Парас (31), Прем (32), Прем Гужароти (33), Фатту (34), Фаррух Чела (35), Банде (36), Банвари Хурд (37), Багван (38), Баховни (39), Бахал (40), Бҳим Гужароти (41), Бура (42), Макра (43), Мантра (44), Мансур (45), Махеш (46), Малху (47), Мискин (48), Мухаммад Кашмири (49), Мухаммад Пандит (50), Дачман (51), Лаунга (52), Докха (53), Шанкар (54), Шивдас (55), Сарун (56), Хажра (57), Хусайн Чела (58), Темур (устод. 59). Бу кўләма расмлари хусусида 1918 йили инглиз олими У. Рашибрук илк мавдумот бериб, ўзининг монографиясида тўққизта расмни ок-қорасини чоп этган ва уларни Агра коллежидан Кубертон Жонс ёрдамида олганини ёзган.

Кўлэзма ва унга расм ишлаган rassomлар тўғрисида хинд олими Р.Кришнадаса ўзининг «Бобурийлар миниатюриси» номли махус рисоласида (1955) иккита расмини эълон қилиб, олим rassomлардан кирк саккизтасининг номини қайд этган. Унинг ёзишича, 116 варақдаги Кхем исмли rassom чизган асар хошиясида Акбар хужмронлигининг 42 йили деган ёзув мавжуд. Бу сана 1598 йилга тўғри келади. Агар кўлэзманинг кўплаб расмлар билан зйнатланганини эътиборга олиб, мутахассислар уни 1597-1599 йиллари давомида яратилган деб ҳисоблайдилар. Кўлэзма саътанат кутубхонаси мулки бўлиб, унда Шохи Жаҳон дастухати мавжудлигини, китоб Миллий музейга Аградати авлиё Жон коллежидан келиб тушганлигини қайд этиб, унда ажойиб ва ноёб манара, Қобул яқинидаги қор ётиш воқеаси тасвирлангани эътироф этилган.

1964 йили Деҳли шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон шарқшуносларнинг халқаро 26 конгрессида бағишланган «Хиндистон мажмуалари кўлэзмалари» номли инглиз тилидаги кўргазма каталогиди хам ушбу кўлэзманинг ихчам тавсифи берилган.

Бу кўлэзма расмларига хинд санъатшуноси М.С.Рандахаванинг махус мақоласи бағишланган бўлиб, унда муаллиф киркта rassom номини тўлиқ келтиради. Тадқиқотчи Мансур, Давлат номли rassomлари асарларни юқори бадний санъида эканлигини кўрсатиб ўтиб, яна Сурдас, Жаганнатх, Дхарамдас, Аси, Нанда Гвалдери ва Макра асарларини алоҳида ажратиб кўрсатади.


